

Научный вестник Бухарского государственного университета * Scientific reports of Bukhara state University



ISSN 2181-6875

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

4/2018



2000-YILDAN BIR YILDA TO'RT
CHOP MARTA CHOP
ETILMOQDA ETILADI

2018/4(70)

TAHRIR KENGASHI RAISI:

To'laganov A.A.

texnika fanlari doktori, professor

BOSH MUHARRIR:

Samiyev K.A.

texnika fanlari nomzodi

TAHRIR HAY'ATI:

Adizov B.R.

*pedagogika fanlari doktori, professor
(bosh muharrir o'rinbosari)*

Abuzalova M.Q.

filologiya fanlari doktori

Amonov M.R.

texnika fanlari doktori, professor

Axmedova Sh.N.

filologiya fanlari doktori, professor

Akobirov F.R.

filologiya fanlari doktori

Barotov Sh.R.

psixologiya fanlari doktori, professor

Baqoyeva M.Q.

filologiya fanlari doktori

Bo'riyev S.B.

biologiya fanlari doktori, professor

Djurayev D.R.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Durdiyev D.Q.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Hayitov Sh.A.

tarix fanlari doktori, professor

Hayitov Y. Q.

geografiya fanlari doktori

Ikromov I.A.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Mirzayev Sh.M.

texnika fanlari doktori, professor

Muhiddinov B.F.

kimyo fanlari doktori, professor

Ostonov S.H.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Olimov Sh.Sh.

pedagogika fanlari doktori

Qahhorov S.Q.

pedagogika fanlari doktori, professor

Quvvatova D.H.

filologiya fanlari doktori

Rajabov Q.K.

tarix fanlari doktori, professor

Roziqov O'.A.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Sayfullayeva R.R.

filologiya fanlari doktori, professor

Sadullayev N.N.

texnika fanlari doktori

Umarov B.B.

kimyo fanlari doktori, professor

O'rayeva D.S.

filologiya fanlari doktori, professor

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARLARI:

Navro'z-zoda B.N.

iqтisod fanlari doktori, professor

To'rayev H.H.

tarix fanlari doktori, professor

**BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК
БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF
BUKHARA STATE UNIVERSITY**

*Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligi Buxoro viloyat matbuot va
axborot boshqarmasida
2016-yil 29-fevral
№ 05-073-sonli guvohnoma bilan
ro'yxatga olingan.*

*"Buxoro davlat universiteti ilmiy
axboroti" jurnali Filologiya va Fizika-
matematika fanlari bo'yicha O'zbekiston
Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining
doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy
natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy
nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.*

*Jurnal Oliy o'quv yurtlarining
professor-o'qituvchilari, katta ilmiy
xodim-izlanuvchilar, talabalar, ilmiy
tekshirish muassasalari ilmiy xodimlari,
akademik litsey, kasb-hunar kollejlari
o'qituvchilari hamda umumiy o'rta ta'lim
va turli sohalarida xizmat qilayotgan
ilmiy xodimlar uchun mo'ljallangan.*

**Muassis: Buxoro davlat
universiteti**

MAS'UL KOTIB

Shirinova M.SH.

MUHARRIRLAR: To'xtayeva G.A.

Temirova D.X.

Voxidova N.N.

BO'LIM MUHARRIRI: Rajabova R.Z.

BO'LIM MUSAHHIHI: Yuldasheva D.Sh.

• O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGANLIGIGA 29 YIL TO'LDI

Иўлдошева Д.Н., Ражабова Р.З. Она тилимиз – бетакор имкониятлар манбаи.....2

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Шамирзаев С.Х., Дадамирзаев М.Г., Қосимова М.О. Бир жинсли булмаган яримутказгичли структураларнинг юқори частотали майдондаги вольтампер характеристикаси.....6

Тошмуродов Ё.К., Кадиров Б. Поверхностно-барьерные Р-І-N детекторы ядерного излучения..... 10

Икрамов Р.Ғ., Алиназарова М.А. Қуёш элементларининг фотовольт-ампер характеристикаларини ноидеаллик коэффицентига ҳароратнинг таъсири..13

Мамуров Б.Ж. Центральная предельная теорема для квадрати чных цепей с конечными генотипами..... 18

Юлдашев Ш.С., Жумаев Ж. Расчет круглой турбулентной струи реагирующего газа при диффузионном горении с учетом подачи воды в зону факела.....21

Гуломов Г., Маждидова Г.Н. Потенциал тўсиқларнинг тензосезгирлиги ва тақиқланган зона кенглигини деформацияга боғлиқлиги.....26

Sayidova N.S., Ergasheva M.A. Mashhur grafik muharrirlardan biri CorelDraw dasturi yordamida shisha idish tasvirini hosil qilish.....30

Убайдуллаева Ш.Р., Усмонов Ж.И. Использование метода динамических графовых моделей для расчета двумерных непрерывных линейных систем с запаздыванием в сепаратных каналах.....35

Атаева Г.И., Рахматова Ш.Э. Проблемы информационной безопасности: электронная подпись как один из способов защиты информации.....39

Сабилова Н.Н., Мадждидов К.Х. Показатели, обеспечивающие качество и пищевую безопасность продуктов питания.....44

Исабаев И.Б., Атамуратова Т.И., Джураева Н.Р. Современные тенденции модификации жировых продуктов целевого назначения.....48

Рахимов О.Г. Устойчивость намагниченных частиц от захвата черной дыры Шварцшильда, находящейся во внешнем однородном магнитном поле.....54

Авлиякулов Н.Н., Абдуллаев Х.Р. Методы очистки от вредных примесей природного газа при подготовке к транспортировке.....57

Imomova Sh.M. Elektron raqamli imzodan foydalanish.62

• TILSHUNOSLIK

Чориев Т.Р. Жомий ва Навоий шеърятда учрайдиган муштарак лексемаларда дифференциация...68

Жўраева Б.М. Табиат ҳодисалари асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари.....73

Турниязова Ш.Н. Матн деривациясида лексик такорнинг ўрни.....78

Турсунов М.М. Инглиз тилидаги таркибда ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган баъзи бир метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлили...83

Аҳмедова М.Б. Ўзбек лисоний тасвирида “Маънавият” категорияси.....87

Адизова Н.Б. Бухоро тумани микротопонимиясини тадқиқ этиш асослари.....92

Норова М.Ф. Сўз хусусида сўз: коннотатив маънолар.....95

Машарипова Н.О. Ғарб олимларининг семантикага оид қарашлари ва унинг ривожланиш босқичлари...100

Nurmuhammadov Y.Sh. Lingvomadaniyatshunoslik – tilshunoslikning alohida paradigmasi.....104

Давлатова М.Х. Каузатив эмоционал бирикмалар типологияси (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)...108

Kaharova I.S., Kakhkhorova G.Sh. The description of human nature and art in the novel by W.S.Maugham.....112

Касимова З.М. “Девону луғотит турк” асарининг русча таржималарида мақолларнинг ифодаланиши.....117

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Тўлаганов А.А., Аҳмедова Ш.Н. Ўзбек ва тожик халқининг ардоқли фарзанди.....121

Қувватова Д.Ҳ., Жумаева Д.Т., Соҳибова З.Н. Лирик ва лиро-эпик дoston сатҳлари.....128

Тўхсанов Қ.Р. Румий “Найнома”сининг ўзбекча таржималари.....131

Асадов М.Ҳ. Соқийнома характеридаги шеърларда ранг ва маъно уйғунлиги.....140

Ражабова М.Б., Давронова Ш.Ғ. Садриддин Айний фаолиятида Алишер Навоий ижодига муносабат масаласи.....147

Ҳазратқулиён Д.Ф. Ҳозирги тожик шеърятда Эрон ва Афғонистон мунаққидлари нигоҳида.....152

Бурхонова Ф.А. “Йўл”нинг поэтик моҳияти ёхуд адабий-эстетик қарашлар параллелизми.....155

Гайлиева О. Ўзбек ва туркман шеърятда сонет жанри типологияси ва уйғунлиги.....162

Мизрабова Ж.И. “Ҳамлет” трагедияси тағаматида яширинган “олам-саҳна” метафораси ва унинг таржималарда ифодаланиши.....165

Назарова Г.П. Британия фольклоригадаги мифологик образларнинг ўзига хослиги.....170

Abduraimova Y.R., Annaeva G.B. “Ishontirish” romanidagi insoniy sifatlar.....174

Шукуров Ф.М. Шоир Бисотий Самарқандий лирик меросига хос айрим жиҳатлар.....179

• NAVOIY GULSHANI

Ҳаққулов И.Ч. Навоийга қайтиш.....184

• FALSAFA VA HUQUQ

Матибаев Т.Б. Ёшларимиз коррупциясиз жамиятда яшаши лозим.....188

Абдуллаева Ф.Ш. Инсон ҳуқуқлари буюк хартияси – халқаро ҳуқуқнинг муҳим тарихий ҳужжати.....193

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ж.Ш. Туркистон минтақасида янги экин навлари тарқалишида тажриба станцияси ва тажриба майдонлари фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари).....198

Жумаев Р.Ғ. Аҳмад Донишнинг ҳарбий соҳадаги қарашлари ва ҳозирги замон учун аҳамияти.....203

• IQTISODIYOT

Тулаганов А.А., Явмутов Д.Ш., Жураев А.Т. Ҳудудий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимда сифат таъминотини кафолатлашнинг хусусиятлари.....210

Мўминов Х.И. Туризм ривожланишини вақтли қаторлар моделлари асосида прогнозлаш.....214

Қаҳҳоров О.С., Адизов Б.И. Олий таълим муассасаси битирувчилари бандлигини таъминлаш.....223

Абдуллоев А.Ж. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегияси232

Хидирова Г.Р. Минтақавий туризмни ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалар.....240

• PEDAGOGIKA

Хамраев И.Т., Кадиров Р.Х., Қурбоннов Н.И. Ўқитувчини замонавий касбий тайёргарлиги принциплари.....246

Ядгарова Л.Дж. Тил ўргатишда компьютер технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти.....252

• QUTLOV

Қодирова Н.Б. Илмда ҳам, ҳаётда ҳам барчага ибрат устоз йўли.....258

• E'OLON

“Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....262-263

ОНА ТИЛИМИЗ – БЕТАКРОР ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ

Йўлдошева Дилором Неъматовна

БухДУ филология факультети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти

Ражабова Раъно Зариповна

БухДУ бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

**Сўз – забаржад,
Сўз – гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!**

Эркин Воҳидов

Шоир ҳақ. Тил, нутқ, унинг асосий бирлиги бўлмиш сўз гавҳарга, олтинга тенг. Ўрни келганда, ҳар қандай қимматдан ортиқроқ бебаҳоликка эга. Фақат масаланинг бир жиҳати бор: биз, одатда, сотиб олган нарсаларимизнигина қадрлашга, эҳтиётлаб асрашга ўрганиб қолганмиз. Сўз эса сотиб олинмайди. Онгу тафаккуримиз Яратмиш томонидан бизга тортиқ этилган бебаҳо неъматларни ҳар лаҳзада сезиб туриши, уларнинг қадрига етишимиз учун маёқ бўлиб турмоғи лозим. Булар: соғлик, тил, нутқ, сўз...

Статистик маълумотларга кўра:

Дунёда тахминан 5621 та тил ва шева мавжуд бўлиб, ҳозиргача улардан 500 тасигина ўрганилган, холос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви бўлмай, уларнинг аксарияти фақат оғзаки нутқ шаклига эгадир.

Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукамал шаклланган, деб ҳисобланади. Фахрлансак арзийдики, ўша 40та тилнинг орасида ўзбек тили ҳам бор.

Дунёда энг бой тиллар қайси тиллар деб ўйлайсиз?

Дунёда сўз бойлиги жиҳатдан энг бадавлат тиллар араб ва инглиз тиллари деб тан олинган бўлиб, инглизларнинг ҳисобида икки ярим миллиондан ошиқ сўз бўлса, араб тилида эса уч ярим миллиондан ортиқ луғат бойлиги борлиги манбаларда қайд этилади.

Дунёда энг камбағал тиллар ҳам борми?

Дунёда энг камбағал тил сифатида эътироф этиладиган Африка Гвинея (пойтахти– Бисау шаҳри)да маҳаллий **таки** тили мавжуд. Унда бор-йўғи 340 та сўз бор, дейди статистика маълумотлари.

Шунингдек, Латвияда ливон тили бўлиб, унда жами 200га яқин киши мулоқот қилиши ҳам аниқланган.

Дунёда энг кўп тарқалган тил қайси?

Дунёда энг кўп тарқалган тил–испан тили. Испан тилининг асрлар давомида оммалашиб кетишига, аввало, машҳур сайёҳлар, денгиз қароқчилари ҳамда испанларнинг мустамлакачилик билан боғлиқ сиёсатлари сабаб бўлган бўлишига қарамай, ҳозирда удунёда энг кўп тарқалган тил мақомига эгадир. Ҳа, АҚШнинг 50та штатидан 23тасида давлат тили испан тили (21тасида инглиз тили амалдаги тил ва қолган штатларда эса француз тили) ҳукмронлик мавқеини сақлаб турибди.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра ўзбек тилининг сўз ва иборалари (шева ва адабий тил, касб-хунар сўзлари ва атамалар, эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар) замону макон нуқтаи назаридан чекланмай йиғилса, дунёда энг кўп сўзли луғатлардан ҳам каттароқ луғат тузишимиз мумкин экан. Ўзбек тилининг бошқа тил қолипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари мавжудки, бу унинг ҳар куни (баъзан ҳар соату дақиқада) бойиб боришини таъминлайди.

Масалан, шу кеча-кундузда, бозорда ёки дўконда бирор янги (айтайлик, четдан келтирилган) маҳсулот растага ёки пештахтага чиқса (табиийки, ўша маҳсулотнинг номи ҳам тилимизга кириб келади, ўзлашади), орадан ҳеч қанча вақт ўтмай халқ ўша янги маҳсулотнинг номи билан боғлиқ янги сўзларни тилда ясаб ишлатаверади: *компьютер* (ўзлашган сўз) – *компьютерчи, компьютерфуруш, компьютершунос, компьютерли*

(синф), бекомпьютер (ўқувчи), компьютерлаштирмақ (ясалган сўзлар); диск (ўзлашган сўз)– дискчи, дискфуруш, дискли (ноутбук), дисксиз (ёзмақ), бедиск (ишламақ) (ясалаётган сўзлар); саунтрик (ўзлашган сўз), саунтрикчи, саунтрикли (кинофильм) (ясалаётган сўзлар); лаваш (ўзлашган сўз)–лавашчи, лавашфуруш, лавашпаз, лавашли (дастурхон), лавашсиз (тушлик), лавашхўр (ясалаётган сўзлар) ва ҳ.к.

Аслида камолот мураккаблиқда эмас, соддаликдадир, – деб ёзади таниқли тилшунос олим Алибек Рустамов “Сўз хусусида сўз” (Тошкент, 2009.) рисолаларида. – Биз бу билан ғарб, чет тилларини камситмақчи эмасмиз. Аммо билишимиз зарурки, ғарб техникада илғор, аммо маънавият, маърифат, санъат ва тилда шарққа нисбатан анча орқада.

Инсон зоти борки, ҳар соҳада, ҳар жабҳада, ҳар ўринда гўзалликка интилади. Инсон қачонки гўзалликка интилмас экан, унинг табиати ҳайвонлашади. Ўзбек тилида тирикликка хос жамики гўзалликларни бадиий ифодалаш имконияти ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. Шу боис, биз ўзбеклар нутқимизда сўзлар тизмасидан шунчаки фойдаланмаймиз.

Эътибор беринг-а?!

1. «Сочингдан ушлаб турибман, ҳаёт-мамотинг менинг қўлимда!» (Айниқса, бу гап эркак қавми томонидан аёлга нисбатан айтилганда, ўта аянчли. Сабабки, инсон учун, айниқса, ўзбек аёли учун ор-номус масаласи ҳаёт-мамот масаласидир.) Айнан шу гапни Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон бундай ифодалайди:

*Бир тутам сочларинг менинг қўлимда,
Ғижимлаб ўпайму ё тараб ечай?
Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда,
Сир деб сақлайинму ё елга сочай?
Сочилган сочингдай сочилса сиринг,
Анор юзларингени кимга тутасан...*

2. «Орзуларинг амалга ошмаса, бу дунёда ўлганинг яхши!» Қўпол жумла. Шундай эмасми?! Айнан шу гапни шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бундай ифодалайди:

*Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Шул иккиси муяссар ўлмаса оламда
Бошин олиб бир сориға кетса киши.*

3. «Бу ёққа кел! Кетма! Кўз олдимда бўл!» Баъзан кўнгил истакларимиз шу аснода тилимизга кўчади. Буни «авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони» ҳазрат мир Алишер Навоий шундай ифодалайди:

*Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилғил...*

4. «Халқига хизмат қилмаган одам одам эмас, ҳайвондир!»

Буни ҳазрат мир Алишер Навоий таъбири билан айтсак:

*Одами эрсанг демагил одамий,
Ониким ўўқ халқ ғамидан ғами.*

5. «Шоир Эркин Воҳидов 80 ёшида дунёдан ўтди». Совуқ, кўнгилни оғритадиган хабар. Мазкур хабарнинг бадиий талқинини шоир Абдулла Орипов таъсирли ифодалайди:

*Роса тортишдилар ер билан осмон,
Шафаққа айланди яноқлар чунон.
Шоирни меники дер эди само,
Меники дер эди она ер, аммо.
Шоир-чи, куйлади иккаласин ҳам,
Заминдан куч олди, самога ҳамдам.
Саксон йил чорлашди ўртага олиб,
Охир тортишувда Ер чиқди ғолиб.*

6. «Дунёда кир қидирувчи бўлсанг, худодан топасан!» Аёвсиз, аммо аниқ мантиқ. Бу мантиқни устоз Садриддин Салим Бухорий шундай ифодалайди:

*Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё.
Ким нени изласа, топар бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.*

Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Зеро, миллатнинг ўзлигини, дунёда борлигини, ўзигахослигини белгиловчи омиллардан асосийси унинг она тилидир. Бу борада улуғларимизнинг тил ҳақида айтган фикрлари ҳам улуғдир:

«Тилга ихтиёрсиз—элга эътиборсиз» (А.Навоий);

«Миллатнинг ўзлигини, дунёда борлигини, ўзигахослигини белгиловчи омиллардан асосийси унинг она тилидир» (А.Фитрат);

«Халқ тили ҳамиша миллий руҳ билан чамбарчас боғланган» (В.Гумбольд);

«Она тилини ҳимоя қилиш—ватанни ҳимоя қилиш» (Д.Белле);

«Тилимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон куйдирсак, фарзандлик бурчимизни адоэтган бўламиз» (Ч.Айтматов);

«Тилга ихтиёр—элга меҳр» (П.Қодиров);

«Жамики эзу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир» (И.Каримов).

Хўш, биз ХХI аср кишилари бунга тўлиқ амал қиляпмизми? Бизга аждодлардан етиб келган, Яратганнинг улуғ неъматини бўлмиш тилимизнинг софлигини сақлаб, бойитиб келажак авлодларга етказиб беришимиз кераклиги масъулиятини ҳамма вақт ҳам ҳис этапмизми?! Афсуски, бунга ҳамиша ҳам ижобий жавоб қайтара олмаймиз.

Зиёлиликнинг ибтидо белгиси тўғри сўзлаш ва тўғри ёза олишдир. (Афсуски, буни зиёли қатламга мансуб барча кишиларда ҳам кузатмаймиз. Демак, шу ўринда ҳам зиёлилар икки тоифага ажралади: зиёлилар ва олий маълумотга эгаллиги ҳақида дипломи борлар. Бу алоҳида масала.) Зиёлиликнинг яна бир белгиси сўзни тўғри тушуниш ва тўғри ишлатишдир. Хўш, биз ҳамма вақт ҳам бунга риоя этамизми ёки буни уддалай оляпмизми?!

Ўзбек эфирларида тап тортмай шевада сўзламоқда «зиёлиларимиз». Қўшиқларни-ку, савияси, овози борлар эмас, оғзи борлар куйламоқда. («45 (?) кунлик бу дунё арзимас фидо бўлишга»; «Сени кўргим келади, Кошки орзуларим бўлсайди рўё (?)», «Ўзга ўйда (?) бахтли бўл, лек унутма мени»...) энг даҳшатли томони шундаки, буни фарзандларимиз тинглапти, ўрганапти, тақлид қиляпти.

Қани бу ўринда тилга эътибор, сўзга эҳтиром?! Афсус...

Умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида она тили таълими айнан ўқувчига нутқда «сўзни тўғри тушуниш ва тўғри ишлатишни уддалаш» учун ҳам ўқитилади. Шу боисдан ҳам она тили ўқув предмети ўқитиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълим муассасалари ўқув режасида асосий фан блокларининг бошидан ўрин олади.

Тилнинг инсон зотиغا Яратмиш томонидан тортиқ этилган бебаҳо неъматлигини, уни асраб-авайлаш миллатнинг яшовчанлигини таъминловчи асос эканлигини таъкидловчи бу мантиқ асрлар давомида исбот талаб қилмайдиган олтин қоидага айланганлиги бежизга эмас.

Тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, илдишлари дунёни лол қолдирган қадим маданиятдан сув ичган она тилимизга бўлган садоқат, алоҳида эътибор халқ жонкуярларининг ҳамиша диққат марказларида бўлганлигига ва шундай бўлиб қолажигига амин бўламиз.

XII аср... Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги давом этаётган бу даврда туркий тилимизга расмий эътиборнинг сусайиши табиий эди. Бироқ тилпарвар фидойилар ўша шароитда ҳам ўз ватанпарварликларини, халқпарварликларини намоён эта олдилар: буюк мутафаккир Маҳмуд Қошғарий «Девони луғатит турк» асарини яратиб, тил яловбардори сифатида майдонга тушди. Бу ҳолат XV асрда яна такрорланди. Туркий тил яловини ҳазрат мир Алишер Навоий шу қадар юксакликка қададики, қарийб олти аср беридан ҳам «Хамса», «Муҳокаматул луғатайн»лар маёқдек порлаб турибди.

XX аср бошида туриб, кучли истеъдод эгаси бўлмиш Абдулла Қодирий она тилимиз ҳақида шундай деб ёзган эди: «Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар».

Совет тузуми даврида ҳам онадек мўътабар тилимизга бўлган эътибор бир қадар сусайганлиги сезилди. Тилнинг миллат руҳи, тафаккур воқелиги эканлигини чуқур англаган

зиёлилар, фан арбобларию мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бундан йигирма тўққиз йил аввал ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди.

Бугун дилимиздаги тилимизга чиқади: жарангларингдан ўргилай, Мустақиллик! Сен туфайли ўзимизга, ўзлимизга қайтиш, миллий қадриятларимизни қадрлаш, минбарларда ҳам ўз тилимизда эркин сўзлаш, асосийси, тафаккуримизнинг миллийликдан озикланишига, гуркирашига эришдик. Республикамизда миллий тилнинг мавқеи ҳар қачонгидан ошди; ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида—бошқарув ва расмий муомалаларда ўзбек тилидан фойдаланилмоқдаки, бу уни ўрганишга ҳамда ўргатишга бўлган эҳтиёж кўламини кенгайтди. Бугун таълимнинг барча тур ва бўғинларида она тили таълимида фарзандларимиз русча қолиплардан холи тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаб ўрганувчи тилшунослик ютуқларига таянган миллий грамматикамизга таянган тил имкониятларини ўрганишмоқда.

Том маънода, она тили машғулоти тафаккур дарсларига айланиб бормоқда. Сабабки, миллий ўзлик, миллий онг ва миллий қадриятлар ҳар бир ўқувчи, талаба, магистрант—таълим олувчиларнинг барчаси тафаккурига беқиёс озуқа берувчи, битмас-туганмас манбадир. Демакки, тафаккур ривожланса, тил ривож топади (унинг сон-саноксиз, ранг-баранг имкониятлари юз очади), нутқ равонлигига ва мантиғига эришилади. (Аниқ фикрлайдиган инсон равон сўзлайди.) Зеро, тилшунослик тилимиз ва ўзбек тили бирликларининг тизимий имкониятларини очиб беради, она тили таълими шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, айна бир ахборотни юзлаб усулу воситалар билан ифодалаш йўллари, улардан аниқ бир шароитда қай бири энг қулай ва таъсирчан эканлигини тўғри аниқлай олиш ва қўллашни ўргатади.

Ютуқларимизнинг бисёрлиги дилни қувонтиради. Аммо она тилимизнинг софлигини сақлаш, талаффуз меъёрларидаги чалкашликларга барҳам бериш ва унинг таълими борасида бажаришимиз зарур бўлган ишлар, эгаллашимиз зарур бўлган билим, малака, кўникмалар ҳам анчагина. Она тилимизга эътибор учун ҳар биримиз масъулмиз, унинг таълими замирида ҳам шу масъулиятни кучайтириш вазифаси туради.

Зеро, она тилимиз—фаҳримиз, ифтихоримиз, бизнинг кимлигимизни англаувчи ойнаи жаҳонимиздир.

УДК 621.315.592

БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СТРУКТУРАЛАРНИНГ ЮҚОРИ
ЧАСТОТАЛИ МАЙДОНДАГИ ВОЛЬТАМПЕР ХАРАКТЕРИСТИКАСИВОЛЬТ-АМПЕРНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ НЕОДНОРОДНЫХ ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ
СТРУКТУР В ВЫСОКОЧАСТОТНЫХ ПОЛЯХVOLT-AMPERE CHARACTERISTICS OF NONHOMOGENOUS SEMICONDUCTORS IN HIGH
FREQUENCY FIELDS**Шамирзаев Сезгир Хабибуллаевич***НамМҚИ физика-математика фанлари доктори, профессор***Дадамирзаев Мухаммаджон Гуломқодирович***НамМҚИ муҳандислик факультети физика кафедраси доценти, физика-математика фанлари доктори***Қосимова Мамура Одилжонова***НамМҚИ муҳандислик факультети физика кафедраси катта ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: қизиган электронлар, ЎЮЧ майдон, р-п-ўтиш, қизиган коваклар, қисқа туташув токи, р-п-ўтишнинг ВАХси, ноидеаллик коэффициенти.

Ключевые слова: горячие электроны, СВЧ-поля, р-п-переход, горячие дырки, ток короткого замыкания, вольт-амперная характеристика, коэффициент неидеальности.

Key words: hot electrons, the microwave field, p-n-transition, hot holes, short circuit current, current-voltage characteristics of p-n-junction, the nonideality coefficient.

Бу ишда бир жинсли бўлмаган яримўтказгич структураларнинг (ББЯС) умумий интеграл кўринишдаги вольт-ампер характеристикаси (ВАХ) келтирилган. ЮЧли квазипотенциални ишорасига боғлиқ ҳолда чегаравий концентрациялар ортиши ёки камайиши билан мос равишда ЮЧли майдонга жойлаштирилган ББЯС ни ВАХ сини ўзгариши кўрсатилган.

В этой работе представлена вольт-амперная характеристика неоднородных полупроводниковых структур в общей интегральной форме. В зависимости от знака высокочастотного квазипотенциала, показано изменение вольт-амперных характеристик неоднородных полупроводниковых структур, размещенных в высокочастотном поле, в соответствии с увеличением или уменьшением граничных концентраций.

The article presents the current-voltage characteristics of nonhomogeneous semiconductor structures in general integral form. Depending on the sign of the high-frequency quasi-potential, the change in the current-voltage characteristics of nonhomogeneous semiconductor structures placed in a high-frequency field has been shown, in accordance with the increase or decrease of the boundary concentrations.

Кириш. Микроэлектрониканинг ривожланишида яримўтказгич асбобларнинг ўрни муҳимдир. Яримўтказгич асбобларининг асосини р-п-ўтиш ташкил этади, шунинг учун р-п-ўтиш назариясини чуқур ўрганиш яримўтказгичли асбоблар физикасининг ривожда ҳал қилувчи роль ўйнайди. р-п-ўтиш назариясини ўрганишнинг анъанавий усулларида бири унинг вольт-ампер характеристикаси (ВАХ)ни ўрганишдан иборатдир. р-п-ўтиш ВАХ сининг асосий назарияси даставвал Шокли томонидан тадқиқ қилинган [1,2]. Г.Е.Пикус томонидан эса кўплаб назарий тадқиқот натижаларига эришилди. Туннель диодларда эса ВАХ дастлаб Л. Есаки [3], кейинчалик эса Х.С.Соммерс[4], И.И.Иванчик[5] ва бошқалар томонидан кўриб чиқилди. Ўта юқори частотали (УЮЧ) электромагнит майдонлар таъсиридаги р-п-ўтиш ВАХ ларини олишда А.И.Вейнгер ва унинг ходимлари томонидан кўплаб тажриба натижаларига эришилган [6,7]. Кристалл панжара қизишини ҳисобга олган ҳолда ЎЮЧ ли майдондаги р-п-ўтиш назарияси [8] ишда ривожлантирилган. Кучли ЎЮЧ майдонида импульсли режимда р-п-ўтишда ЭЮК ва тоқларнинг юзага келиш механизмлари [9,10] ишларда батафсил тадқиқ қилинган. [11], [12] ишларда ЎЮЧ

майдонида қизиган электрон ва ковакларни р-п-ўтиш ВАХ си ноидеаллик коэффициентига таъсири, [13] ишда ЎЮЧ майдонида р-п-ўтиш ўтказувчанлик ва силжиш тоқлари ва [14] ишда эса ЎЮЧ майдонидаги р-п-ўтиш тоқларига ёруғликнинг таъсири ўрганилган.

Асосий қисм. Яримўтказгичларда электрюритувчи куч ҳосил бўлишига олиб келувчи ташқи кучлар табиатини уларда элементар квант жараёнларни таҳлил қилиш йўли билангина аниқлаш мумкин. Яримўтказгичларда генерация ва рекомбинация жараёнлари асосий квант жараёнлар бўлиб, улар электрюритувчи куч ҳосил бўлишини белгилайди. Кучли электромагнит майдонларга жойлашган потенциал тўсиқли яримўтказгичларда ушбу жараёнларни тадқиқ қилиш кинетик ҳодисаларнинг мутаносиб назариясини тузиш ва бу асосда янги яримўтказгичли асбоблар яратиш имконини беради.

Ҳозирги кунга қадар бир жинсли яримўтказгичларда электронларнинг қизиши қатор назарий ва экспериментал ишларда ҳар томонлама ва чуқур ўрганилган. Тўғриловчи контактларда эса бу масала кўпроқ ўзгармас электр майдонлари учунгина ўрганилган бўлиб, ўзгарувчан майдоннинг тўғриловчи контакт хоссаларига таъсирини ўрганиш ўзгармас майдонлар таъсирини ўрганишга нисбатан кам ўрганилмоқда. Сабаби эса ЎЮЧ майдон таъсиридаги р-п-ўтишларни экспериментал тадқиқ қилишда кўплаб муаммоларга ва назарий тадқиқ қилишда эса қўйилган масаланинг ечими турли мураккаб математик қийинчиликларга дуч келишидир.

Кучли ўта юқори частотали электромагнит майдонлардаги яримўтказгич структураларида кўп сондаги олиб борилган назарий ва экспериментал изланишларга қарамай, кўплаб муаммолар ҳозиргача ўз ечимини топмаган. Квазизаррачалар концепциясига асосан р-п-ўтишни электронлар, коваклар ва фононлар газидан иборат деб қарасак электрон ва ковак газини учун р-п-ўтишдаги потенциал тўсиқ ажратиб турувчи қатлам вазифасини бажаради. Термодинамик мувозанатда электронлар ва ковакларнинг р- ва п- соҳасидаги концентрациялари ўзгармас бўлиб, р-п-ўтишдаги потенциал тўсиқ баландлиги билан боғланган бўлади. Фонон газини учун р-п-ўтишда потенциал тўсиқ бўлмайди. Электромагнит майдон фақат эркин электрон ва коваклар билан таъсирлашади деб қарайдиган бўлсак, фононларнинг қизиши - электрон ва коваклар газининг фононлар газини билан таъсирлашиши ҳисобига бўлади. ЎЮЧли майдонда жойлашган р-п-ўтишда электрон ва коваклар электромагнит майдон таъсирида қизийди ҳамда контактда тоқлар тўғриланади.

р-п-ўтишда ЎЮЧли майдон таъсирида юзага келувчи ток ва кучланишлар қизишнинг оқибати сифатида вужудга келган тоқлар бирламчи эффектлар ҳисобланади. Ўзгармас ток ва кучланишлар таъсирида р-п-ўтишда юзага келадиган заряд ташувчиларнинг қизиши эса иккиламчи эффект сифатида содир бўлади. Электрон ва ковакларнинг қизиши ўз навбатида фононларнинг қизишига олиб келади. Агар р-п-ўтишли диодга ўзгармас кучланиш берилса диодда уч хил ҳароратли тизимчалар юзага келади. Бу тизимчалар ташқи кучланишлар таъсирида ўз ҳароратларини ўзгартирадидлар. Тизимчалар ҳароратининг ўзгариши р-п-ўтишдан оқаётган тоқларга, потенциал тўсиқнинг баландлигига ва бошқа параметрларга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, р-п-ўтишнинг параметрларини ҳисоблаш ўзаро энергия ва импульс алмашувчи зарраларнинг сони ўзгарувчи бўлган учта тизимчадан иборат очиқ системанинг характеристикаларини аниқлашдан иборат бўлади. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, электрон ва ковакларнинг қизишини ҳисобга олинганда диод ВАХ си ўзгаради. Диоддан ўтаётган ток ва бошқа физик катталикларни ҳисоблашда ҳамда р-п-ўтишнинг мукамал назариясини яратишда электрон-ковак тизимнинг қизишини ҳисобга олиш зарур ҳисобланади. Юқори частотали майдондаги диод ва транзисторларни ўрганиш масалаларининг долзарблиги ва уларга қизиқишнинг юқорилигига сабаб, замонавий техникада ўта юқори частотали майдон таъсирида бўладиган диод ва транзисторларнинг кенг қўлланишидир, улар ўта юқори частотали диод ва ўта юқори частотали транзистор деб аталади. Ўта юқори частотали диодлар генератор ва детектор сифатида ишлаши талаб қилинадиган янги хилдаги асбоблар ишлаб чиқишда бу масаланинг зарурияти янада ортади.

Бу ишда бизнинг мақсадимиз юқори частотали майдондаги бир жинсли бўлмаган яримўтказгич структураларнинг (ББЯС) умумий интеграл кўринишдаги вольт-ампер характеристикаси (ВАХ) ни олишдан иборат.

Бир жинсли бўлмаган яримўтказгичли структураларнинг юқори частотали майдондаги вольтампер характеристикаси

Бир ўлчамли ББЯС учун анчагина умумий бўлган макроскопик ҳолат электронли ва ковакли ток зичликлари учун қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади:

$$j_n = q\mu_n n \frac{\partial}{\partial x}(\varphi + \Phi_n) - q \frac{\partial}{\partial x}(nD_n) - qn\alpha_n \frac{\partial E}{\partial x} \quad (1)$$

$$j_p = q\mu_p p \frac{\partial}{\partial x}(\varphi + \Phi_p) - q \frac{\partial}{\partial x}(pD_p) - qp\alpha_p \frac{\partial E}{\partial x} \quad (2)$$

Электрон ва коваклар қизимаган содда ҳолни кўрайлик. (1) ва (2) ларни қўшиб, ўртача тўла ток зичлиги ифодасини оламиз:

$$j = j_n + j_p = q\mu_a (n + p) \frac{\partial \chi}{\partial x} - q \frac{\partial}{\partial x} [D_a (n + p)] \quad (3)$$

бу ерда
$$\frac{\partial \chi}{\partial x} = \frac{\partial \varphi}{\partial x} + \mu'_n \frac{\partial \Phi_n}{\partial x} + \mu'_p \frac{\partial \Phi_p}{\partial x} \quad (4)$$

$$\mu_a = \frac{\mu_n n + \mu_p p}{n + p}; \quad D_a = \frac{D_n n + D_p p}{n + p}; \quad \mu'_n = \frac{n\mu_n}{n\mu_n + p\mu_p}; \quad \mu'_p = \frac{p\mu_p}{n\mu_n + p\mu_p} \quad (5)$$

Бу ерда n, p - электрон ва коваклар концентрацияси, μ_n, μ_p - электрон ва коваклар ҳаракатчанлиги.

(3) формулани қуйидаги кўринишда ҳам ифодалаш мумкин:

$$j = -q \exp\left(\int_0^x \frac{\mu_a}{D_a} \frac{\partial \chi}{\partial x} dx\right) \frac{d}{dx} \left\{ (n + p) D_a \exp\left(-\int_0^x \frac{\mu_a}{D_a} \frac{\partial \chi}{\partial x} dx\right) \right\} \quad (6)$$

Шунингдек $j = const$ бўлса, у ҳолда (6) ифодани ($x=0$) контактдан то бошқа ($x=L$) контактгача ораликда интегралласак қуйидагини оламиз:

$$j = -q \frac{D_a(L)(n_L + p_L) \exp\left(-\int_0^L \frac{\mu_a}{D_a} \frac{\partial \chi}{\partial x} dx\right) - D_a(0)(n_0 + p_0)}{\int_0^L \exp\left[-\int_0^x \frac{\mu_a}{D_a} \frac{\partial \chi}{\partial x} dx\right] dx} \quad (7)$$

Бир ўлчамли ББЯС ни тўла ток зичлигини интеграл кўринишда ифодалаш учун системада T_n ва T_p ҳароратли қизиган электронли ва коваклар мавжуд бўлган ҳол учун ўринли бўлади. (7) формулада контактларда n_L, p_L ва n_0, p_0 - концентрациялар учун чегаравий қийматларни қўйиб, ББЯС учун ВАХ ифодасини олинади. Масалан, бир кутбלי (металл-яримўтказгич контакти), қачонки, фақат электронлар мавжуд бўлган ҳолат учун

$$\frac{D_n}{\mu_n} = \frac{kT_n}{q}; \quad \frac{D_p}{\mu_p} = \frac{kT_p}{q} \quad (8)$$

(8) ва (5) ифодалардан қуйидагини топамиз:

$$\frac{\mu_a}{D_a} = q \frac{(kT)^{-1}}{1}; \quad \frac{\partial \chi}{\partial x} = \frac{\partial \varphi}{\partial x} + \frac{\partial \Phi_n}{\partial x} \quad (9)$$

Шунингдек:

$$j = -qD_n \frac{n_L \exp\left(-\frac{q(\varphi_L + \Phi_{nL})}{kT}\right) - n_0 \exp\left(-\frac{q(\varphi_0 + \Phi_{n0})}{kT}\right)}{\int_0^L \exp\left[-\frac{q}{kT}(\varphi_x + \Phi_{nx})\right] dx} \quad (10)$$

Бу еда φ_x – Пуассон тенгламаси ечимидан топилади; $\Phi_{nx}, \Phi_{nL}, \Phi_{n0}$ – лар $x=\chi, x=L, x=0$ нуқталарда электронлар учун ЮЧ ли квазипотенциаллар. Уларнинг қийматлари E_1 ни

$(\varepsilon_1 \dot{A}_1 = \tilde{A}_0)$ ва $\left(\varepsilon_1 = \varepsilon_0 \left[1 - \frac{\omega_{pn}^2}{\omega^2 - a^2 Q - i\omega\nu} \right] \right)$ формулалар ёрдамида \tilde{E}_0 орқали ифодаланишини ҳисобга олиб

$$\Phi_n \cong \frac{qE_1^2}{4m_m^*} \frac{\omega^2 - a^2 Q}{(\omega^2 - a^2 Q)^2 + \omega^2 \nu_n^2} \quad (11)$$

формуладан аниқланади.

Электронлар концентрацияси n коваклар концентрациясига тахминан тенг бўлган бикутбий ҳолат учун (5) дан қуйидагини оламиз:

$$\frac{\mu_a}{D_a} \approx \frac{q}{kT} \frac{1+b}{1-b}; \quad \mu'_n = \frac{1}{1+b}; \quad \mu'_p = \frac{b}{1+b} \quad (12)$$

бу ерда $b = \frac{\mu_p}{\mu_n}$.

Бу ҳолда (7) анча соддалашади ва (9) формулага ўхшаш кўринишга келади.

Хулоса. Бу ерда бир жинсли бўлмаган яримўтказгич структураларнинг (ББЯС) умумий интеграл кўринишдаги вольт-ампер характеристикаси (ВАХ) олинди. (10) формуладан кўринадики, ЮЧли квазипотенциал заряд ташувчиларни бир жинсли бўлмаган соҳасида қайта тақсимлайди. Агар $\Phi_{n0} = \Phi_{nL} = \Phi_{nx}$ бўлса, ВАХси ЮЧли майдонда ўзгармайди. ЮЧли квазипотенциални ишорасига боғлиқ ҳолда чегаравий концентрациялар ортиши ёки камайиши мумкин. Бу эса мос равишда ЮЧли майдонга жойлаштирилган ББЯС ни ВАХ сини кўринишида ўз аксини топади.

(10) ифодадан ток бўлмаганда ($j=0$) ЮЧли майдондаги ББЯС да генерацияланувчи ЭЮК ни топиш мумкин. ЮЧ ли квазипотенциални ББЯС ни кенг қамровли синфи учун ББЯС га тушаётган қувватида ҳосил бўлган ЭЮК ва $j(P)$ га боғлиқлигини (7), (10) формулалар тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Шокли В.** Теория электрических полупроводников. Пер. с англ. Под ред. /В. П.Жузе. М., изд-во иностр. лит., 1953.
2. **С.Т.Sah., R.H.Noyce.,W.Shockly.** – Proc.IRE, **45**, №9, 1228 (1957).
3. **Вейнгер А.И., Парицкий Л.Г., Акопян Э.А., Дадамирзаев Г.** Термоэдс горячих носителей тока на р-п-переходе. - ФТП,1975, т.9, вып. 2. - С. 216-224.
4. **Абляимова Н.А., Вейнгер А.И., Питанов В.** Электрические свойства кремниевых р-п-переходов в сильных СВЧ полях// Физика и техника полупроводников. – Ленинград, 1988.- т.22. № 11. – С. 2001-2007.
5. **Гулямов Г., Шамирзаев С.Х.** Термоэдс горячих носителей тока в р-п-переходе с учетом нагрева решетки. – ФТП, 1981, т.15, вып.9. – С. 1858-1860.
6. **Gulyamov G., Dadamirzaev M.G., Boidedaev S.R.** Kinetics of attaining the steady state of hot carrier thermoelectric power in a p-n junction with consideration for lattice heating //Semiconductors, USA, 2000, Vol. 34, No.3. – P. 260-263.
7. **Gulyamov G., Dadamirzaev M.G., Boidedaev S.R.** Hot carrier electromotive force caused by surface potential modulation in a strong microwave field //Semiconductors, USA, 2000, Vol. 34, No.5. – P. 555-557.
8. **Шамирзаев С.Х., Гулямов Г., Дадамирзаев М.Г., Гулямов А.Г.** Электродвижущая сила на выпрямляющем барьере в сверхвысокочастотном электромагнитном поле //Узбекский Физический Журнал. – Т., 2009. -11(№2). – С. 122-127.
9. **Gulyamov G., Dadamirzaev M.G., Mavlyanov N.Yu.** Journal of Applied Mathematics and Physics, 2015, 3. – P. 1679-1683.
10. **Dadamirzaev M.G.** Journal of Applied Mathematics and Physics, 2015, 3. – P. 1684-1687.
11. **Gulyamov G., Dadamirzaev M.G., Sharibayev N.Yu., Zokirov N.** Journal of Electromagnetic Analysis and Applications, 2015, 7. – P. 302-307.

ЯДРОВИЙ НУРЛАНИШЛИ СИРТ – БАРЬЕРЛИ p-i-n ДЕТЕКТОРЛАР
ПОВЕРХНОСТНО - БАРЬЕРНЫЕ P-I-N ДЕТЕКТОРЫ ЯДЕРНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ
SURFACE - BARRIER P-I-N DETECTORS FOR NUCLEAR RADIATION

Тошмуродов Ёркин Кахрамонович

доцент кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства

Кадиров Бахтиёр

доцент кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства

Таянч сўзлар: сирт-барьели p-i-n детектор, кимёвий емириш, диффузия, литий ионларининг дрейфи.

Ключевые слова: поверхностно-барьерный p-i-n детектор, химическое травление, диффузия, дрейф ионов лития.

Key words: surface - barrier p-i-n detector, chemical etching, diffusion, drift of lithium ions.

Ушбу мақолада ишлаб чиқариш технологиясини соддалаштириш учун изовалентли аралашма бўлган кремний асосидаги сирт – барьерли p-i-n детекторлар олишни техник-технологик жиҳатлари кўриб чиқилган.

В данной работе рассматриваются технико-технологические аспекты получения поверхностно-барьерного p-i-n детектора на основе кремния, являющегося изовалентной примесью, с целью упрощения технологии его изготовления.

The article discusses the technical and technological aspects of obtaining a surface p-i-n barrier detector based on silicon, which is an isovalent impurity in order to simplify its production technology.

Введение. В настоящее время в мировой практике в области физики полупроводников уделяется особое внимание одному из перспективных направлений: измерению энергии альфа и бета частиц, гамма и рентгеновского излучений, определению процессов взаимодействия протонов, нейтронов и других частиц, используемых в разработке новых типов ядерных детекторов. В этом аспекте одной из важных задач является определение процессов формирования функциональных характеристик и физических процессов, протекающих в них, для оптимизации функциональных параметров полупроводниковых детекторов (ППД) [1-2].

ППД на основе p-i-n-структур в настоящее время являются одним из основных инструментов исследования различных частиц и излучений. Однако при разработке и изготовлении детекторов ядерного излучения необходимо решить ряд технологических проблем, особенно для детекторов больших размеров [3].

Экспериментальная часть. Исходный ППД, представленный в данной работе, изготовлен из промышленного кремния p-типа с удельным сопротивлением $\rho = 3 \div 8$ кОм, временем жизни носителей заряда $\tau \geq 300$ мкс и концентрацией кислорода $N_{O_2} \sim 10^{16}$ см³ в виде пластины диаметром ~ 50 мм и толщиной 2-2,5 мм. Диффузия лития проводилась с одной стороны в вакууме ($\sim 10^{-6}$ мм.рт.ст.) при температуре $T_{\text{диф}} = 450^\circ\text{C}$ на глубину $120 \div 150$ мкм в течение $\sim 0,5$ мин [4-5].

Рассмотрим основные технологические операции, проводимые при изготовлении поверхностно-барьерных детекторов (рис.1).



Рис.1. Технологическая маршрутная карта изготовления детекторов

1. Предварительная заготовка пластин. Пластины кремния необходимого диаметра и толщины получают путем разрезания монокристаллов кремния *n*-типа с $\rho=0,5\div 8$ кОм·см, $t=600 \div 1500$ мкм алмазным диском с внутренней режущей кромкой.

2. Для удаления слоя, нарушенного во время резки, используется двусторонняя обработка на шлифовальном станке с применением микропорошков М-14–М-5 с последовательным уменьшением диаметра абразива. При этом с каждой стороны удаляется слой толщиной не менее 50 мкм.

3. Промывка пластин после шлифовки деионизованной водой с бесщелочным мылом, обработка в ультразвуковой ванне.

4. Очистка поверхности пластин:

а) кипячение в течение 15 минут в перекисно-аммиачном растворе. При обработке в этой слабощелочной среде эффективно удаляются неполярные органические соединения-загрязнения, такие как минеральные масла, парафины и т.д. Дипольный момент молекул таких веществ невелик, поэтому они обладают высокой удельной поверхностной энергией и обуславливают термодинамическую нестабильность поверхности;

б) кипячение в течение 7 минут в концентрированной азотной кислоте и промывка в деионизованной воде. При такой обработке ионные химические загрязнения (Na^+ , K^+ , Ca^+ , Mg^+ , Fe^{2+} , и др.) удаляются с поверхности за счёт перевода их в растворимые в воде соли с последующей отмывкой в деионизованной воде;

в) повторная обработка в перекисно-аммиачном растворе в течение 15 минут и промывка в деионизованной воде. При этом с поверхности эффективно снимаются гидрофобные пористые окисные пленки.

5. Химическо-динамическая полировка в смеси из плавиковой, азотной, уксусной кислот в соотношении 1:7:3.

Пластины приклеиваются к тефлоновому диску с клеем, изготовленным из 50% воска и 50% парафина, и помещаются во фторопластовый стакан, расположенный под углом 45° к оси вращения. Частота вращения стакана и вязкость травителя подбирается так, чтобы толщина диффузионного слоя у поверхности пластины и толщина ламинарного течения травителя были бы минимальными и одинаковыми. При этом происходит выравнивание поверхности пластины с постепенным уменьшением скорости травления. Применяемое нами химико-динамическое травление необходимо для получения пластин с минимальным размером рельефа поверхности. Время травления подбирается в зависимости от требуемой толщины кристалла (скорость травления в данном травителе - 4 мкм/мин).




Рис. 2. Крепление п/п пластины к специальному тефлоновому диску

Крепление п/п пластины к специальному тефлоновому диску осуществляется двумя способами. Первый способ: пластина крепилась к диску с помощью клеящего вещества – смеси воска с парафином. Второй способ: пластина крепилась к диску с помощью ленты с липким слоем.

При первом способе крепления пластина снимается с диска при его нагревании и опускается в бюкс с четырёххлористым углеродом; проводится попеременное купание в подогретом CCl_4 для полного удаления клеящего вещества; всё это продлевается весьма осторожно, чтобы не сломать кристалл.

При втором способе крепления пластина снимается с диска в ацетоне с попеременным купанием в нём.

После каждого травления кристалл с диском тщательно промывается в проточной деионизованной воде (в течение 10 мин) и только затем происходит снятие пластины с диска.

Полученную гладкую, не имеющую повреждений, пластину для поверхностного окисления оставляем на 24 часа в подходящем контейнере. Обычно для более полного окисления кристалл повернут вверх наиболее гладкой стороной, на которую будет напыляться электрод, создающий входное окно детектора.

6. Монтаж кристаллов в корпус осуществлялся двумя способами с использованием двух модификаций корпусов. В зависимости от этого напыление электродов - до монтажа в корпус или же уже в корпусе.




Рис 3. Схема расположения детектора в корпусе.

- 1) $p-i-n$ -структура на основе кремния большой площади; 2) изолятор из гетинакса; 3) компаунд.

Второй корпус (рис. 3) представляет собой два ковровых кольца диаметром $\varnothing=50$ мм. Внутренний диаметр колец немного больше диаметра чувствительной области и равен $\varnothing=40$ мм.

Для некоторых ППД, как правило, тыльная сторона корпуса обслуживается сплавом Розе для крепления детектора на радиатор охлаждающего элемента.

Кристалл сажается между двумя ковровыми кольцами, покрытыми компаундом ЭКЛБ-ЮБ для изоляции кристалла от корпуса. Одновременно компаунд ЭКЛБ-ЮБ играет роль клеящего вещества.

7. Сушка сборки в инфракрасной печи при температуре 100°C в течение 10 часов (время, необходимое для качественной полимеризации данного компаунда).

8. Напыление на лицевую стороны детекторов слоя золота толщиной $20\div 40$ мкг/см² на тыльную сторону детектора.

Напыление металлических электродов на поверхность п/п кристаллов проводилось на установках УРМ-3. Камера напыления представляет собой цилиндрическую полуемкость с изолированными токовводами. На них крепятся лодочки или спираль для напыления Au, Al, Ni, Pt, Ge, SiO_2 , SnO_2 и т.д. Все напыления производятся с предварительно отожженных лодочек. Для этого лодочки W, Ta, Mo спирали W, Mo закрепляются на токовводах, система откачивается на высокий вакуум до 10^{-5} мм.рт.ст.,

затем лодочка (спираль) разогревается (постепенно) до белого свечения и выдерживается эта температура в течение 2-3 мин.

Перед напылением предварительно очищенные в кислотах навески металлов, п/п и диэлектрики подправляются в лодочках для удаления остатков грязи, адсорбированных газов.

Процесс под плавление ведется при температуре ниже точки испарения навески и длится 30-40 сек.

Для напыления золота берется Mo лодочка (толщина Mo пластины 0,3 мм), предварительно очищается, затем в ней подплавляется Au, после этого испаряется на кремниевые подложки. Процесс испарения длится 20-30 сек в зависимости от заданной толщины напыленного слоя. Для получения определенной толщины пленок закладывается соответствующая ей по расчету навеска напыляемого металла. Напыление ведется при обязательном охлаждении системы жидким азотом. При этом достигается паспортное для установки УРМ-3 значение: вакуум – 5×10^{-6} мм.рт.ст. Процедура напыления Al слоев аналогична вышеописанной для случая Au электродов. Для напыления никеля Ni и Pt используется спираль из вольфрама. Процесс испарения длится 40÷60 с. При этом толщина напыленных слоев составляет 50÷300 нм.

Заключение. Таким образом, нами были разработаны и изготовлены кремниевые детекторы ППД. Разработаны механические, химические и технологические оснастки для получения полупроводниковых детекторов ППД площадью 40÷60 см² и толщиной 500 - 1000 мкм.

ЛИТЕРАТУРА

1. **Акимов Ю.К.** Кремниевые детекторы излучения // ПТЭ. – 2007. - №1. – С. 5-34.
2. **Раджапова С.А.** Особенности физических процессов формирования кремний-литиевого детектора ядерного излучения с большой чувствительной областью: Автореф. дисс...док..ф-м.н. – Т., 2010.
3. **Muminov R.A., Gaibov A.G., Zaveryukhin B.N., Krevchik V.D., Ismailov Kh.Kh., Shamagdiev A.Sh.** Acoustostimulated processes in p-i-p detectors // Technical Physics Letters Vol. 10, No. 10. 1984. – P. 616.
4. **Toshmurodov Yo.K.** Position-sensitive detectors of nuclear radiation and a study of their current-voltage characteristic// Instruments and Experimental Techniques - New York 2017 Vol. 60, No. 4. – P. 605–607.
5. **Азимов С.А., Муминов Р.А., Шамирзаев С.Х., Яфасов А.Я.** Кремний-литиевые детекторы ядерного излучения. – Т.: Фан, 1981. – 257 с.

УДК 621.315.592

ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ФОТОВОЛЬТ-АМПЕР ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИНГ НОИДЕАЛЛИК КОЭФФИЦИЕНТИГА ҲАРОРАТНИНГ ТАЪСИРИ

ТЕМПЕРАТУРНАЯ ЗАВИСИМОСТЬ КОЭФФИЦИЕНТА НЕИДЕАЛЬНОСТИ ФОТО- ВОЛЬТ-АМПЕРНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ

THE DEPENDENCE OF THE TEMPERATURE ON NONIDEALITY COEFFICIENT OF THE SOLAR ELEMENTS OF PHOTOVOLTAIC-AMPERAGE CHARACTERISTICS

Икрамов Рустамжон Ғуломжонович

НамМТИ автоматика ва энергетика факультети физика кафедраси физ.-мат. доктори

Али Назарова Махфуза Алишеровна

НамДУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази физика фани ўқитувчиси

Таянч сўзлар: қуёш элементи, ноидеаллик коэффициенти, фотовольт-ампер характеристика, ҳарорат.

Ключевые слова: солнечные элементы, коэффициент неидеальности, фотогальванические характеристики, температура.

Key words: solar elements, coefficient of nonideality, photo volt-ampere characteristics, temperature.

Мақолада қуёш элементларининг фотовольт-ампер характеристикаларини ноидеаллик коэффициентини ҳароратга боғланиши тадқиқ қилинган. Ноидеаллик коэффициентининг қиймати $160K < T < 500K$ оралиқда ҳароратга боғлиқ бўлмаслиги кўрсатилган.

В статье исследованы температурная зависимость коэффициента неидеальности фото-вольт-амперных характеристик солнечных элементов. Показано, что коэффициент неидеальности в диапазоне $160K < T < 500K$ не зависит от температуры.

The article investigates the photo volt-ampere characteristics of the solar cells with the nonideality coefficient. It has been shown that the nonideality coefficient is not dependent on the temperature of $160K < T < 500K$.

Кириш. Маълумки, яримўтказгичли қуёш элементларининг (ҚЭ) самарадорлиги асосий электрик параметрлар билан аниқланади. Улар қисқа туташуш токи ($I_{кз}$), салтишлаш кучланиши (U_{xx}) ва ВАХни тўлдириш коэффициенти бўлиб, улар одатда ff (fillfactor) билан белгиланади. Бу параметр $I_{кз}$ ва U_{xx} билан бирга ҚЭнинг максимал қувватини аниқлайди. ff нинг қиймати ҚЭнинг максимал қувватини $I_{кз}$ ва U_{xx} лар кўпайтмасининг нисбати орқали аниқланади ва у ВАХнинг тўғри бурчакли юктамасининг ўлчови ҳисобланади.

Асосий қисм. Мумкин бўлган максимал назарий ff кучланиш бўйича қувватни дифференциаллаш ва ҳосиласини нолга тенглаштириш $\frac{d(IU)}{d(U)} = 0$ орқали аниқланади ҳамда бу эффектив кучланиш учун тенглама олиш имкониятини беради:

$$ff = U_{xx} - \frac{nkT}{q} \ln\left(\frac{qU_{\text{эф}}}{nkT} + 1\right) \quad (1)$$

Бу ерда q - электрон заряди, k - Больцман доимийси, n -ҚЭни ВАХнинг ноидеаллик коэффициенти, U_{xx} - эффектив кучланиш, T - абсолют температура.

Лекин бу усул билан тугалланган тенгламани олиш мумкин эмас. Шунинг учун аниқроқ даражадаги тенгламани олиш учун кўпинча қуйидаги эмперик тенгламадан фойдаланилади:

$$ff = \frac{U_{xx} - \ln(U_{xx} + 0,72)}{U_{xx} + 1}$$

(1) тенгламадан ВАХ структураларда ноидеаллик коэффициентининг n муҳимлиги кўрсатилган. Ноидеаллик коэффициенти n p - n ўтишнингсифатини характерлайди ва қуёш элементларида заряд ташувчиларнинг рекомбинацияси тўғрисида гапириш мумкин. Оддий механизмларнинг рекомбинацияси учун $n=1$ га тенг. Бошқа ҳолатларда эса $n=2$ ва унданортиқ қийматларга эга бўлиши мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича n нинг юқори кўрсатиши нафақат ff ни камайтиради балки тез рекомбинация ҳосил бўлишини ҳам кўрсатади. Шунингдек U_{xx} камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун фотоэлектрик параметрлар ҚЭ самарадорлигини ифодалайдиган p - n ўтишдаги ВАХларда ноидеаллик коэффициентини аниқлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Маълумки, қуёш элементи(ҚЭ) ни занжиридаги фототок зичлиги ушбу ифода билан аниқланади.

$$j_{\phi} = j_0 \left(\exp\left(\frac{qU}{n'kT}\right) - 1 \right) - j_{кз} \quad (1)$$

Бу ерда q -электрон заряди, k -Больцман доимийси, j_0 - ҚЭнинг тўйиниш токи зичлиги, n' - ҚЭ фотовольт-ампер характеристикаси (фотоВАХ) ининг ноидеаллик коэффиценти, U - кучланиш, T - абсолют ҳарорат, $j_{кз}$ - қисқа туташув токи зичлиги. Бу формуладан ҚЭ нинг фотоВАХ нинг ноидеаллик коэффиценти учун

$$n' = \frac{qU}{kT} \frac{1}{\ln\left(\frac{j_{\phi} + j_{кз} + j_0}{j_0}\right)} \quad (2)$$

ифодани олиш мумкин. Аммо бу ифодадан фойдаланиб, фотоВАХнинг ноидеаллик коэффицентини ҳароратга боғланишини фақат тажрибалар натижаларидангина аниқлаш мумкин. Чунки, фототок зичлиги ва кучланишни ҳароратга боғланишини аниқловчи ифодалар аниқланмаган.

Aloqa kanallari orqali axborot xavfsizligini ta'minlab saqlash va uzatish tizimlarini yaratish hamda tahlil qilish bilan kriptologiya fani shug'ullanadi. Kriptologiya grekchada kryptos – "sirli" va logos – "xabar" (axborot) degan ma'noni anglatadi.

Kriptografiya yo'nalishini rivojlantirishga davlatimiz tomonidan katta ahamiyat berilmoqda. Bunga keyingi yillarda qabul qilingan bir nechta qonun va me'yoriy hujjatlar, jumladan, «Axborotlashtirish», «Elektron raqamli imzo», «Elektron hujjat aylanishi to'g'risida»gi qonunlar, Prezidentimizning 2007-yil 3-aprelda qabul qilgan «O'zbekiston Respublikasida axborotni kriptografik muhofaza qilishni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori misol bo'lishi mumkin [1].

03070-sonli «Raqamli imzoni shakllantirish va autentifikatsiya usuli» patenti g'oyalari O'zbekiston Respublikasining qonun va qarorlarini amalga tatbiq etishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. So'nggi yillarda milliy standartlarga asoslanib E-HUJJAT elektron hujjat almashish tizimi, E-XAT elektron xat almashish tizimi, himoyalangan fayl «Himfayl» tizimi va masofaviy soliq hisoboti topshirish tizimi uchun ishlab chiqilgan kriptoprovayderlar ishlab chiqildi.

Axborotlashtirish, axborotlarni himoya qilish hozirgi paytda dolzarb masalalardan hisoblanadi. Internet tarmog'i orqali kundan-kunga ma'lumotlarning ko'payishi axborotlarning himoyalaniishiga muhim turtki bo'lib xizmat qilmoqda. Qolaversa, "Elektron raqamli imzo to'g'risida"gi qonunning e'lon qilinishi uning ahamiyatini naqadar yuqori ekanligini bilib olish qiyin emas.

O'zbekiston Respublikasining 2003-yilda qabul qilingan "Elektron raqamli imzo to'g'risida"gi qonuniga muvofiq, "elektron raqamli imzo — elektron hujjatdagi mazkur elektron hujjat axborotini elektron raqamli imzoning yopiq kalitidan foydalangan holda maxsus o'zgartirish natijasida hosil qilingan hamda elektron raqamli imzoning ochiq kaliti yordamida elektron hujjatdagi axborotda xatolik yo'qligini aniqlash va elektron raqamli imzo yopiq kalitining egasini identifikatsiya qilish imkoniyatini beradigan imzo.

Elektron raqamli imzoning yopiq kaliti — elektron raqamli imzo vositalaridan foydalangan holda hosil qilingan, faqat imzo qo'yuvchi shaxsning o'ziga ma'lum bo'lgan va elektron hujjatda elektron raqamli imzoni yaratish uchun mo'ljallangan belgilar ketma-ketligi.

Elektron raqamli imzoning ochiq kaliti - elektron raqamli imzo vositalaridan foydalangan holda hosil qilingan, elektron raqamli imzoning yopiq kalitiga mos keluvchi, axborot tizimining har qanday foydalanuvchisi foydalana oladigan va elektron hujjatdagi elektron raqamli imzoning haqiqiylikini tasdiqlash uchun mo'ljallangan belgilar ketma-ketligi;

Elektron raqamli imzoning haqiqiylikini tasdiqlash — elektron raqamli imzoning elektron raqamli imzo yopiq kalitining egasiga tegishlilik va elektron hujjatdagi axborotda xatolik yo'qligi tekshirilgandagi ijobiy natija” [2, 1].

Elektron hujjat — elektron shaklda qayd etilgan, elektron raqamli imzo bilan tasdiqlangan hamda elektron hujjatning uni identifikatsiya qilish imkonini beradigan boshqa rekvizitlariga ega bo'lgan axborot.

Mazkur Qonunga ko'ra elektron raqamli imzodan foydalanish sohasini davlat tomonidan tartibga solishni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi va u maxsus vakolat bergan organ amalga oshiradi.

Elektron raqamli imzolar kalitlarini ro'yxatga olish markazi elektron raqamli imzoning ochiq kalitlari va shifrlash sertifikatlaridan quyidagi maqsadlarda foydalanishni ta'minlash uchun mo'ljallangan:

–uzatiladigan elektron hujjatlar va ommaviy axborot resurslarining butunligini, shuningdek ularning ishonchli autentifikatsiya qilinishini nazorat qilish;

– axborot o'zaro hamkorligi subyektlarining yuridik jihatdan ahamiyatli elektron identifikatsiyalash tizimini yaratish;

–tizim subyektlarining axborot o'zaro ishlashida xavfsizlik va foydalana olishning ajratilishini ta'minlash;

– axborot o'zaro hamkorligi subyektlarining elektron raqamli imzo kalitlarini boshqarish tizimini yaratish.

Kalitlarni ro'yxatga olish markazi «Elektron raqamli imzo to'g'risida»gi Qonun talablariga muvofiq vazifa va funksiyalarni bajaradi.

Kalitlarni ro'yxatga olish markazi tomonidan tayyorlanadigan elektron raqamli imzo kalitining sertifikati ITU-T X.509, RFC3279, RFC3280 xalqaro tavsiyalarida belgilangan formatdan foydalanadi.

Dasturiy ta'minot o'z ichiga Sertifikatlashtirish markazi va ma'muriy boshqaruvni oladi. Sertifikatlashtirish markazining serveri ERI kalitlarini ro'yxatga olish markazi funksiyalarining kompleksini ta'minlaydi va ERI ochiq kalitlari sertifikatlarining muhofazalangan saqlash joyidan iborat. Ma'muriy boshqaruvning dasturiy ta'minoti o'z funksiyalarini bajarishlari uchun Kalitlarni ro'yxatga olish markazini uzoqdan turib boshqarilishini ta'minlaydi.

Qabul qilib olingan ma'lumotlarning haqiqiy yoki haqiqiy emasligini aniqlash masalasini, ya'ni ma'lumotlar autentifikatsiyasi masalasining mohiyati haqida to'xtalamiz.

Har qanday yozma xat yoki hujjatning oxirida shu hujjatni tuzuvchisi yoki tuzish uchun javobgar bo'lgan shaxsning imzosi bo'lishi tabiiy holdir. Bunday holat odatda quyidagi ikkita maqsaddan kelib chiqadi.

Birinchidan, ma'lumotni olgan tomon o'zida mavjud imzo namunasiga olingan ma'lumotdagi imzoni solishtirgan holda shu ma'lumotning haqiqiylikiga ishonch hosil qiladi. Ikkinchidan, shaxsiy imzo ma'lumot hujjatiga yuridik jihatdan mualliflikni kafolatlaydi. Bunday kafolat esa savdo-sotiq, ishonchnoma, majburiyat va shu kabi bitimlarda alohida muhimdir.

Hujjatlardagi qo'yilgan shaxsiy imzolarni soxtalashtirish nisbatan murakkab bo'lib, shaxsiy imzolarning mualliflarini hozirgi zamonaviy ilg'or kriminalistika uslublaridan foydalanish orqali aniqlash mumkin. Ammo elektron raqamli imzo xususiyatlari bundan farqli bo'lib, ikkilik sanoq sistemasi xususiyatlari bilan belgilanadigan xotira registrlari bitlariga bog'liq. Xotira bitlarining ma'lum bir ketma-ketligidan iborat bo'lgan elektron imzoni ko'chirib biror joyga qo'yish yoki o'zgartirish kompyuterlar asosidagi aloqa tizimlarida murakkablik tug'dirmaydi.

Bugungi yuqori darajada rivojlangan butun dunyo sivilizatsiyasida hujjatlar, jumladan maxfiy hujjatlarning ham, elektron ko'rinishda ishlatilishi va aloqa tizimlarida uzatilishi keng

qo'llanilib borilayotganligi elektron hujjatlar va elektron imzolarning haqiqiylikni aniqlash masalalarining muhimligini keltirib chiqarmoqda.

Ochiq kalitli kriptografik tizimlar qanchalik qulay va kriptobardoshli bo'lmasin, autentifikatsiya masalasining to'la yechilishiga javob bera olmaydi. Shuning uchun autentifikatsiya uslubi va vositalari kriptografik algoritmlar bilan birgalikda kompleks holda qo'llanilishi talab etiladi.

Quyida ikkita (A) va (B) foydalanuvchilarning aloqa munosabatlarida autentifikatsiya tizimi raqib tomonning o'z maqsadi yo'lidagi qanday xatti-harakatlaridan va kriptotizim foydalanuvchilarning foydalanish protokolini o'zaro buzilishlardan saqlashi kerakligini ko'rsatuvchi holatlar ko'rib chiqiladi.

Rad etish (renegatstvo).

Foydalanuvchi (A) foydalanuvchi (B) ga haqiqatan ham ma'lumot jo'natgan bo'lib, uzatilgan ma'lumotni rad etishi mumkin.

Bunday qoida buzilishining (tartibsizlikning) oldini olish maqsadida elektron (raqamli) imzodan foydalaniladi.

Modifikatsiyalash (o'zgartirish).

Foydalanuvchi (B) qabul qilib olingan ma'lumotni o'zgartirib, shu o'zgartirilgan ma'lumotni foydalanuvchi (A) yubordi, deb ta'kidlaydi (da'vo qiladi).

Soxtalashtirish.

Foydalanuvchi (B)ning o'zi ma'lumot tayyorlab, bu soxta ma'lumotni foydalanuvchi (A) yubordi deb da'vo qiladi.

Faol modifikatsiyalash (o'zgartirish).

(A) va (B) foydalanuvchilarning o'zaro aloqa tarmog'iga uchinchi bir (V) foydalanuvchi noqonuniy tarzda bog'lanib, ularning o'zaro uzatayotgan ma'lumotlarini o'zgartirgan holda deyarli uzluksiz uzatib turadi.

Niqoblash (imitatsiyalash)

Uchinchi foydalanuvchi (V) foydalanuvchi (B)ga foydalanuvchi (A) nomidan ma'lumot jo'natadi.

Yuqorida sanab o'tilgan: modifikatsiyalash, soxtalashtirish, faol modifikatsiyalash, niqoblash kabi aloqa tizimi qoidalari buzilishining oldini olish maqsadida raqamli signaturadan – raqamli imzo va uzatiladigan ma'lumotning biror qismini to'la o'z ichiga oluvchi raqamli shifr matndan iborat bo'lgan ma'lumotdan foydalaniladi.

Takrorlash. Foydalanuvchi (V) foydalanuvchi (A) tomonidan foydalanuvchi (B)ga jo'natilgan ma'lumotni takroran (B)ga jo'natadi. Bunday noqonuniy xatti-harakat aloqa usulidan banklar tarmoqlarida elektron hisob-kitob tizimidan foydalanishda noqonuniylik bilan o'zgalat pullarini talon-taroj qilishda foydalaniladi. Ana shunday noqonuniy usullardan muhofazalanish uchun quyidagi chora - tadbirlari ko'riladi.

– imitatsiyalashga bardoshlilik – imitabardoshlilik;

– kriptotizimga kirayotgan ma'lumotlarni muhofaza maqsadlaridan kelib chiqib tartiblash.

Elektron raqamli imzo aloqa tizimlarida bir necha tur qoida buzilishlaridan muhofaza qilinishni ta'minlaydi, ya'ni:

– maxfiy kalit faqat foydalanuvchi (A)ning o'zigagina ma'lum bo'lsa, u holda foydalanuvchi (B) tomonidan qabul qilib olingan ma'lumotni faqat (A) tomonidan jo'natilganligini rad etib bo'lmaydi;

– qonunbuzar (raqib tomon) maxfiy kalitni bilmagan holda modifikatsiyalash, soxtalashtirish, faol modifikatsiyalash, niqoblash va boshqa shu kabi aloqa tizimi qoidalarining buzilishiga imkoniyat tug'dirmaydi;

– aloqa tizimidan foydalanuvchilarning o'zaro bog'liq holda ish yuritishi munosabatidagi ko'plab kelishmovchiliklarni bartaraf etadi va bunday kelishmovchiliklar kelib chiqqanda vositachisiz aniqlik kiritish imkoniyati tug'iladi.

Ko'p hollarda uzatilayotgan ma'lumotlarni shifrlashga hojat bo'lmay, uni elektron raqamli imzo bilan tasdiqlash kerak bo'ladi. Bunday holatlarda ochiq matn jo'natuvchining yopiq kaliti bilan shifrlanib, olingan shifratm ochiq matn bilan birga jo'natiladi. Ma'lumotni qabul qilib olgan tomon jo'natuvchining ochiq kaliti yordamida shifratmni deshifrlab, ochiq matn bilan solishtirishi mumkin.

1991-yilda AQShdagi Standartlar va Texnologiyalar Milliy Instituti DSA (Digital Signature Algorithm) raqamli imzo algoritmining standartini DSS (Digital Signature Standard) El-Gamal va RSA algoritmlari asosida yaratib, foydalanuvchilarga taklif etgan.

El-Gamal algoritmining muallifi Taxer El-Gamal bo'lib, u 18-avgust 1955-yilda Misrda tavallud topgan. 1985-yilda chop etgan maqolasida asimmetrik shifrlash va raqamli imzoni yaratish algoritmini yoritib bergan Uning asosida AQSh da standart deb qabul qilingan DSA algoritmi yaratilgan. Bundan tashqari uning ishtirokida kredit karta bilan to'lovlarni amalga oshiradigan SET protokolini yaratgan.

Dastlab ta'kidlanganidek, imzo hujjatning yuridik maqomini kafolatlaydi. Hozirgi rivojlangan jamiyatda axborot kommunikatsiya tarmoqlarida elektron ma'lumot almashinuvining kengayib borishi ma'lumotlarning maxfiyligini, haqiqiylikni va mualliflikni o'rnatish masalalarini yechishni talab etadi.

Masalan, almashilgan elektron ma'lumotlar asosida u yoki bu holatning o'zgarishi, bu ma'lumotlar muallifi manfaatlariga zid kelib, u elektron ma'lumot muallifligidan bosh tortishi mumkin. Shunday holatlarning oldini olish mexanizmi ma'lumot muallifini o'zigagina ma'lum bo'lgan biror sonli parametr (maxfiy kalit) bilan bog'liq holda hosil qilinadigan sonlar ketma-ketligida iborat bo'lgan elektron raqamli imzo (ERI) hisoblanadi.

ERI axborot kommunikatsiya tarmog'ida elektron hujjat almashinuvi jarayonida quyidagi uchta masalani yechish imkonini beradi:

- elektron hujjat manbaining haqiqiylikni aniqlash;
- elektron hujjat yaxlitligini (o'zgarmaganligini) tekshirish;
- elektron hujjatga raqamli imzo qo'ygan subyektni mualliflikdan bosh tortmasligini ta'minlaydi.

Har qanday ERI algoritmi ikkitaqismdan iborat bo'ladi:

- imzo qo'yish;
- imzoni tekshirish.

Imzo qo'yish muallif tomonidan, faqat unga ma'lum bo'lgan maxfiy kalit bilan amalga oshiriladi. Imzoning haqiqiylikni tekshirish esa istalgan shaxs tomonidan, imzo muallifining ochiq kaliti bilan amalga oshirilishi mumkin.

Elektron kommunikatsiyalar va elektron hujjat almashinuvi hozirgi kunda ish yuzasidan bo'ladigan munosabatlarning ajralmas qismi hisoblanib, har qanday zamonaviy tashkilotni elektron hujjatlar almashinuvi va Internetsiz tasavvur qilish qiyin.

Internet tarmog'idan elektron hujjatlar almashinuvi asosida moliyaviy faoliyat olib borishda ma'lumotlar almashinuvini himoya qilish va elektron hujjatning yuridik maqomini ta'minlash birinchi darajali ahamiyat kasb etadi.

Elektron hujjatli ma'lumot almashinuvi jarayonida ERIni qo'llash har xil turdagi to'lov tizimlari (plastik kartochkalar), bank tizimlari va savdo sohalarining moliyaviy faoliyatini boshqarishda elektron hujjat almashinuvi tizimlarining rivojlanib borishi bilan keng tarqala boshladi.

Hozirda ERI tizimini yaratishning bir nechta yo'nalishlari mavjud. Bu yo'nalishlarni uchta guruhga bo'lish mumkin:

- ochiq kalitli shifrlash algoritmlariga asoslangan;
- simmetrik shifrlash algoritmlariga asoslangan;
- imzoni hisoblash va uni tekshirishning maxsus algoritmlariga asoslangan raqamli imzo tizimlaridir.

Maxsus ERI standartlari turkumiga:

1. Rossiya ERI standarti: GOCTP 34.10-94 va uning elliptik egri chiziqda takomillashtirilgan varianti GOCTP 34.10-2001;

2. Amerika ERI standarti: DSA va uning elliptik egri chiziqda takomillashtirilgan varianti ECDSA -2000;

3. O'zbekiston Respublikasi standarti: O'zDSt 1092:2005; algoritmlari misol bo'la oladi.

Raqamli imzo bitlar ketma-ketligida ifodalangan biror sondan iborat. Shuning uchun uni boshqa elektron hujjatlarga ko'chirish yoki o'zgartirish kiritish katta qiyinchilik tug'dirmaydi. Shuning uchun elektron hujjat almashinuvi tizimida ERI ni qalbakilashtirishning oldini olish chora - tadbirlari - ERI algoritmining elektron hujjatlarni qalbakilashtirishga bardoshlilik masalasini

yechish talab etiladi. ERI algoritmining bardoshliligi quyidagi uchta masalaning murakkabligi bilan aniqlanadi:

- imzoni qalbakilashtirish, berilgan hujjatga, maxfiy kalitga ega bo'lmagan holda to'g'ri imzo hisoblash;

- imzolangan ma'lumotni tashkil etish, maxfiy kalitga ega bo'lmagan holda to'g'ri imzolangan ma'lumotni topish;

- ma'lumotni almashtirish, bir xil imzoga ega bo'lgan ikkita har xil ma'lumotni topish.

Xulosa. Elektron raqamli imzodan foydalanish yuborilayotgan elektron hujjatlar va axborot resurslarining butunligini nazoratga olish, ishonchli autentifikatsiyadan o'tkazish, axborot almashinuvida subyektlarning yuridik ahamiyatga ega bo'lgan elektron identifikatsiyadan o'tkazish, subyektlarining o'zaro axborot almashinuvida xavfsizlikni ta'minlash va tashqi aralashuvlarga yo'l qo'ymaslikni ta'minlaydi.

ADABIYOTLAR

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-614-сонли Қарори 2007 йил 3 апрель //“Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” веб-сайти – [www/lex/uz](http://www.lex.uz).

2. **Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”**ги 562-II-сон Қонуни. 2003 йил, 11 декабрь. //“Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” веб-сайти – [www/lex/uz](http://www.lex/uz).

3. **Завгородный В.Н.** Комплексная защита информации в компьютерных системах: Учебное пособие. – М.: Логос, 2001. – 264 с.

4. **Ганиев С.К., Каримов М.М., Ташев К.А.** Ахборот хавфсизлиги. Ахборот- коммуникацион тизимлар хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Алоқачи, 2008. – 382 б.

5. **Акбаров Д.Й.** Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланишлари. – Т.: Ўзбекистон маркаси, 2009. – 398 б.

УДК 808.1

**ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА УЧРАЙДИГАН МУШТАРАК ЛЕКСЕМАЛАРДА
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ**

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ УНИВЕРСАЛЬНЫХ ЛЕКСЕМ В ПОЭЗИИ ДЖАМИ И НАВОИ

**THE DIFFERENTIATION OF UNIVERSAL LEXEMES IN THE POETRY OF
JOMI AND NAVAI**

Чориев Таваккал Равшанович

БухДУ бошланғич таълим кафедраси профессори, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: лексема, сўз, муштарак, дифференциация, лингвопоэтика, маъно, нутқ услублари.

Ключевые слова: лексема, слова, универсалии, денотативность, дифференциация, лингвопоэтика, значение, разговорный стиль.

Key words: lexeme, word, universals, denotation, differentiation, meaning, speech styles.

Ушбу мақолада Жомий ва Навоий шеъриятида учрайдиган муштарак лексемаларнинг дифференциацияси луғавий-маъновий, морфемик, нутқий бўёқдорлик жиҳатдан таҳлил этилган.

В статье на основе анализа лирики А.Навои и А.Джами дан анализ дифференциальных универсальных лексем, рассмотренных в лексико-денотативном, морфемном и речевом аспектах.

The article analyzes the differentiation of universal lexemes in the poetry of Jomi and Navai from lexical denotative, morphemic and speech aspects.

Кириш. Лотинча “differens/differentia” сўзларидан юзага келган “дифференциация” атамаси ҳозирги тожик ва ўзбек адабий тилларида “фарқ кунанда”, “айирма” маъноларини англатади. Иккала тилнинг лексик қатламида учрайдиган “дифференциал”, “дифференцияламоқ”, “дифференциация” таркибида “дифферен” сўзи ўзақдош вазифасини бажарган. “Дифференциал” атамаси математика илмида “эркин ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик ихтиёрий орттирмаси” маъносини, бироқ “таъриф”, “рента”, “геометрия”, “ёндашиш”, “топмоқ”, “ҳисоблаб чиқмоқ” лексемалари билан биргаликда “дифференциал таъриф”, “дифференциал рента”, “дифференциал геометрия”, “дифференциал ёндашиш”, “дифференциал топмоқ”, “дифференциал ҳисоблаб чиқмоқ” тарзида қўлланилса, унда турли хил илмий фараз ва қарашларни ифодалайди.

Асосий қисм. А.Мадвалиев таҳрири остида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “дифференциал” сўзи юқорида таъкидланган маънода ҳамда “ҳар хил шароитда турлича юз берадиган, бир хилда турмайдиган; фарқли, тафовутли”, “дифференциация” сўзи “бир бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутун қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалаш”, “дифференцияламоқ” сўзи “бирор нарсани ўрганишда унинг таркибий қисмларини бири-биридан фарқламоқ; шу нарсани табақаларга, таркибий қисмларга ажратмоқ” маъноларида изоҳланган [1]. “Луғати термин ҳоизабоншиносӣ”да уч маънода – “Ҳар хел навиштани шаклҳои айнан яккалима” (Биргина сўзни турли хил шаклда ёзиш): дурр – дур, зарр – зар, бурридан – буридан, марғзор – марғузор (биринчи маъно), “таксимоти семантикӣ – стилистики и лексика ва маънои калимаҳои алоҳида” (Алоҳида сўзларнинг семантик-стилистик, луғавий-маъновий таснифлаш), иккинчи маъно, “яке аз хусусиятҳои эволюцияи забон, ки дар натиҷаи он як шева аз шеваҳои дигар чӯдо шӯда, барои ба забони мустақил табдил ёфтани кӯшиш мекунад” (Тил тадрижий ривожланганлиги боис шеваларда ўзгариш кузатилади) учинчи маъно [2].

Жомий ва Навоий шеъриятида муштарак лексемаларнинг дифференциацияси, биринчидан, тожик ва ўзбек адабий тилларининг фонетик, орфографик меъёрлари талаби асосида нутқий диқсия миллийлигини а, о, у, ў, и, э унли товуш ва ҳарфлар мисолида ошкор этганлигига, иккинчидан, икки тилнинг адабий тилида бир хил луғавий-грамматик маънони ифодаловчи ўзлашма сўзларни яхлит кўринишда танлаганлиги ва уларни ўринли

қўллаганлигига, учинчидан, бадий ижод ва услубдаги ранг-барангликнинг барқарорлигига, тўртинчидан, бадий-тасвир воситаси сифатида турли хил мақсадларни баён этишда фойдаланганлигида намоён бўлади. Модомики шундай экан, юқорида баён этилган дифференциация ҳодисасини Жомий ва Навоий шеърятидан танланган муштарак лексемалар ёрдамида ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Жомий ва Навоий ижодида бир хил луғавий-грамматик маънони ифодаловчи ўзлашма муштарак лексемаларнинг дифференциацияси араб, форс тилларидан тожик ва ўзбек адабий тилларига кириб, сўзлашув ва бадий услубларда қўлланадиган, умумистеъмол доирасида бўлган ўзақдош сўзларнинг иккинчи компоненти, ёхуд учинчи компонентига янги сўз қўшилганлиги, танлаганлиги намоён бўлади. Қуйида келтирилган мисоллар ва уларнинг изоҳи фикримизни илмийлигини собит этади.

“**Анбар**” сўзи. Ушбу сўзнинг этимологияси араб тилига бориб тақалади. Тожик ва ўзбек адабий тилларининг сўзлашув ва бадий услубларида “хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй қора модда, хушбўйлик”ни, “хотин-қизлар исми”ни, этнографик истилоҳ сифатида “эркаклар тобутининг тўрт бурчига тик қоқилган таёқларга ўралган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишқом тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз” [1] маъноларини ифодалайди. Жомий ва Навоий ижодида “анбар” сўзи асл маънода хушбўйликни, хуш исли нарсани, мажозий маънода қора зулф маъноларини англаган. Араб, форс, турк, тожик тилларининг лисоний имкониятларини мукамал ва обдон билган мавлоно Жомий ва Навоий “анбар” сўзига янги ва нотакрор сўзларни илова қилиб, композицион қўшма сўз пайдо этиш усули билан бадий услубнинг тадрижий риволанишига ҳамда тожик ва ўзбек тилларининг лексик қатламини турли компонентли қўшма сўзлар билан бойитишга ибратли фаолият олиб борганликларидан нишонандир. Эзгу мақсадларнинг натижаси сифатида Жомий ўз ижодида “анбар” сўзи ёрдамида 12 та сўз, жумладан, анбарин, анбарафшон//анбарфишон, анбарбез, анбарбор, анбарбўй, анбаринбўй, анбаринтавқ, анбаринтуз, анбарогин, анбаромез, анбаршамим сўзларини, Навоий эса 9 та сўз, яъни анбарин, анбарафшон, анбарбез, анбарбор, анбаролуд, анбарсиришт, анбарсо// анбарсой, анбаршамим каби лексемаларни қўллаган. Мажозий, рамзий маънолари ифодаси учун анбари ноб, анбари тар, чаъди анбарфишон, доми анбарин, мўи анбарин, гесўи анбарфишон (Жомий ижодида), анбари соро (Навоий ижодида) форс-тожик тилларига хос бўлган изофали бирикмалар ёрдамида ҳамда анбарафшон айламак, анбарин афъи, анбарин дуд, анбарин зулф, анбарин ҳилол (Навоий ижодида) турк (ўзбек) тилига алоқадор бўлган сўз бирикма қўллаш усулларини тажриба мисолида равшан этиб, мазкур фаолият орқали нуқтнинг бадийлиги ва бўёқдорлигини оширишга муяссар бўлган.

Тожик ва ўзбек адабий тили лексик меъёри имкониятларига кўра “афшон//фишон”, “бор”, “бўй”, “бар”, “барин”, “без”, “омез”, “туз”, “тавқ” “шамим”, “сиришт”, “со//сой”, “олуд”, “ин”, “гин” сўзлари алоҳидаликка маъно ифодалаш жиҳатидан ранг-барангликка эга. Жомий ва Навоий ижодидаги ушбу сўзлар “анбар” сўзига қўшилиб, анбарин, анбарафшон//анбарфишон, анбарбез, анбарбор, анбарбўй, анбаринбўй, анбаринтавқ, анбаринтуз, анбарогин, анбаромез, анбаршамим, анбаролуд, анбарсиришт, анбарсо//анбарсой шаклида муштарак ифодалар, яъни **хушбўй**, **хуш ҳид**, **муаттар** маънолари билан лирик тасвирнинг бадийлигини ҳамда образли нутқнинг эмонционал-экспрессивлигини оширишга асосий лексема ва тушунча сифатида хизмат қилган.

Нағўла баст мўи **анбаринро**,

Гиреҳ дар яқдигар зад мушки Чинро,

(Жомий)

Ба соли гар шаби қадрест, дар як маҳ ду шоми қадр,

Бувад аз гесувони **анбарин** рўи чу моҳатро.

(Навоий)

Шавад аз гарди доманаш муаттар,

Зи мўи **анбарафшон**аш муанбар.

(Жомий)

Хусни ортар юзда зулфин **анбарафшон** айлагач,

Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

(Навоий)

Зулфи мушкин туро дар боғ бар ҳам зад сабо,
 Чаъди сунбулро абиромезу **анбарбез**кард.

(Жомий)

Мурод субҳи висолингни тийра қилмоқ эрур –
 Ки ҳажр шомин этар мушкпошу **анбарбез**.

(Навоий)

Ба нохун ҳамчу гул рухсор меканад,
 Чу сунбул мӯи **анбарбор** меканад.

(Жомий)

Гул узра анбар ёйилди, зоҳир этгач ёр хат,
 Орази гулнор уза ким кўрди **анбарбор** хат.

(Навоий)

Лирик тасвирнинг биринчи байтида “**анбарин**” лексемаси тун каби сочини ўриб, кўйлаги ёқасида “мушки Чин”ни сепган ёрни, иккинчи байтда йилнинг бир ойнинг икки кунда қадр кечасида муродларни рўёга чиқариш каби абрукамонли ёрнинг гўзал чехрасида гесу ҳусуноролик касб этганлиги, учинчи байтда “**анбарафшон**” лексемаси ёрнинг кўйлаги эгнидан узунроқ бўлиб кўзга кўринган хушбўйлик исини таратувчи тун каби соч (мўй), тўртинчи байтда хусннинг чиройига чирой улашувчи зулф, бешинчи ва олтинчи байтда “**анбарбез**” лексемаси оромбахш сабо таъсири ёрдамида мавжли тўлқўнланиши билан сумбул сочли ёрнинг толаларидан муаттар ҳид таратиши ҳамда ҳажр шомиди мушкпошлик анъналарининг боқийлиги ва бардавомийлиги, бешинчи ва олтинчи байтда “**анбарбор**” лексемаси сунбул каби гулюзли сиймода холу хатни намоён бўлиш маънолари мужассамлашган. Жомий ва Навоий томонидан қўлланган “**анбарафшон**”, “**анбарбез**”, “**анбарбор**” сўзларининг лексик-семантик ва морфемик жиҳатидан яқраглик касб этган. Бироқ мазкур лексемалар орасида дифференциация ҳодисаси мавжуд эмас. Жомий ижодида учрайдиган анбарбўй, анбаринтавқ, анбаринтуз, анбарогин, анбаромез ҳамда Навоий ижодидаги анбарбор, анбаролуд, анбарсиришт, анбарсо//анбарсой ўзақдош сўзларининг иккинчи компонентда янги сўз илова қилинганлиги боис улар орасида дифференциация кузатилади. Жомий “анбар”, “тавқ”, “туз” лексемалари орасида муаттарлик, хушҳидлик даражаланишини билдирувчи “ин” сўзлари иштирокида анбаринтавқ, анбаринтуз сўзларини шакллантириш ва қўллашга эришган бўлса, Навоий “бор”, “олуд”, “сиришт”, “со//сой” лексемалари билан янги кўриниш ва шаклга эга бўлган сўзлар иштирокида нутқнинг таъсирчанлиги ва бадийлигини кучайтирган.

Ёқути чашму **анбаринтавқ**,

Сар бар карда зи чанбари ишқ.

Абрўш камони **анбаринтуз**,

Мижгонаш зи мушк тири дилсўз.

(Жомий)

Рухсори жонибидан ул холи **анбаролуд**,

Ўт гўшасида анбар тушуб қилур дуд.

(Навоий)

Юқорида таҳлилга тортилган муштарак ва дифференциация хусусиятига эга бўлган “анбар” сўзи билан яқраг ва турли хил компонентга эга бўлган лексемалар асл ва мажозий маъноси билан ёрнинг гўзал жамолига шинамлик касб этган зулфини, зим-зиё тун каби қора соч (мўй//мўй)нинг хушбўйлигини, хусноро рухсордаги хол тавсифи учун хизмат қилган. Тасаввуф адабиётида мўй (соч) “ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ”ни, “талаб йўли ва яна орифнинг “ҳаблулматин”и – мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим” маъноларида келиши хусусида қайдлар мавжуд [9].

Тожик ва ўзбек адабий тилларида “турра” лексемаси мавжуд бўлиб, у ҳар иккала тилда “зулф” лексемасининг маънодоши саналади. Жомий ва Навоий ижодида “турра” лексемаси мўй сар (соч), зулф, гесу; кокил, ўрилган соч, жингалакли соч маъноларини ифодаланган. Муштарак лексемаларнинг дифференциацияси шундаки, Навоий тожик адабий тили синтактик меъёрнинг имкониятларидан фойдаланиб, изофали сўз бирикма тузиш усули билан “турраи пурхам” сўз бирикмасини, Жомий “алоқаи ҳамроҳи” (изофасиз)

узули билан тузилиш жиҳатидан содда ва мураккаб саналмиш “турра афшондан”, “муанбар турра”, “муанбар мушкин турра” сўз бирикмаларини тузиб, мақсадни аниқ ва равшан баён этишига эътибор қаратган.

Сабо аз **турра**ш нагсиста торе,
Падида чашмаш аз сурма ғуборе.

(Жомий)

Турра марғулин очиб рухсори маҳ сиймоға соч,
Тун саводи анбарин меҳри жаҳонороға соч.

(Навоий)

Навоийнинг юқорида келтирилган матлаъ билан бошланадиган ҳамда “Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу, Бас ҳаётинг нақдини ул лаъли руҳафзоға соч” мақтаъ билан тугайдиган 18 мисрали ғазали ҳар бир байтининг иккинчи мисрасида учрайдиган ёрнинг сочи тавсифи ва ташбеҳига тегишли бўлган “меҳри жаҳонороға”, “гули раъноға”, “гавҳари яктоға”, “базми меҳросоға”, “дилбари тарсоға”, “дунёву мо фиҳоға”, “лаъли руҳафзоға” сўз бирикмалари поэтик нутқда риторик экспрессивликни кучайтирган. Ғазалдан бир байт:

Сарви гулрўйим қилур гулгашти гулзор, эй насим,
Дам-бадам сориг, қизил гул, ул гули раъноға соч.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида тожик ҳамда ўзбек адабий тилларининг сўзлашув, бадий услубларида “зулф”, “турра” лексемаларини қўллаш доирасига нисбатан икки хусусиятга эга бўлган. Фаоллик ва нофаоллик. Биринчи лексема Жомий ва Навоий замонида ва бугунги кунда нутқ услубларининг фаол лексемаси саналади. “Турра” сўзи эса – нофаол лексема. Бу жиҳатдан унинг эвазига нутқ услубларида “кокул”, “кокил”, “гесу”, “гесу” сўзлари ишлатилган. Лексикограф олими М.Муҳаммадиев “Луғати синонимҳои забони тоҷикӣ”да аслиятга алоқадор бўлган фикрини тўғри баён этган:

“– Калимаи **турра** дар забони адабиёти классикӣ яке аз серистеъмолтарин калимаҳои буда, дар рӯзҳои мо нисбатан камистеъмол гардидааст. Ҳоло ин калима баъзан дар адабиёти бадеӣ дида мешаваду холос. Баръакс, калимаи зулф чӣ дар забони адабӣ ва чӣ дар забони гуфтугӯӣ серистеъмол аст” [1]. Жомий ва Навоий ижодида “зулф” сўзи ушбу шаклда “аёлларнинг икки чеккасидан тушиб турган кокиллари” маъносида ҳамда “зулфайн” шаклда “икки ўрим соч, икки кокил”, инчунин “зулфиқор” тарзда “Ҳазрат Алининг икки дамли қиличи” маъносида қайд этилган. “Зулф” лексемасининг “тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкилотлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жамолий сифат; яширин моҳиятдурким, уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг ғаройиб суратлари, йўқлик олами” дея, таъкидланган ўн жилдлик Алишер Навоий тўла асарлар тўпламининг учинчи жилди таркибидаги “Айрим сўз ва ибораларнинг тасаввуфий талқинлари” сарлавҳа остида [9].

Ҳар иккала сўз санъатининг ижодида дифференциация ҳодисаси “зулф” ва бошқа сўзлар ёрдамида юзага келган зулфи самансой (Жомий ижодида; муаттар ва хушбўй гесу маъносида), зулфи соҳир, зулфи сунбул, зулфи тобдор, зулф тоби, зулф тори (Навоий ижодида; сеҳрловчи зулф, жозибали зулф; қоп-қора хушбўй соч; тобланган, ўрилган соч; соч ўрими; соч толаси маъноларида) сўз бирикмаларига зўхур топганлигидадир.

“**Мушк**” сўзи. Форс тилидан тожик ва ўзбек адабий тилларида ўзлашма сўз сифатида қабул қилинган, мутасаввуф олиму уламолар, дин арконлари, хожагон ва саидлар тариқати пешволари ижоди ва нутқида учрайдиган муаттарлик ҳидини таратувчи “мушк” лексемаси Жомий ижодида мазкур шаклда ҳамда мушкафшон, мушкбез, мушкбезӣ, мушбор, мушборкокулак, мушкбурқаъ, мушкбӯ, мушкин, мушкинкаманд, мушкинниқоб, мушкинрасан, мушкинрақам, мушкинтироз, мушкинхат, мушкинъузур, мушкинғазол, мушкинҳилол, мушкистон, мушкпӯш, мушксой, мушкфом, мушкхат тузилиш ва кўринишда, Навоий ижодида мушкандуд, мушкафшон, мушкбиз, мушкбийд, мушкбор, мушкбӯ, мушкин, мушрез, мушксо, мушксой, мушкфишон, мушкфом тарзда кўзга намоён бўлади. Ушбу лексемалар ҳамда мушки азфар, мушки суда, мушки тар, мушки таторӣ, мушки тотор, мушки хитой, мушки Чин, хирмани мушкин, донаи мушкин, кокули мушкин, мушкин гесу, мушкин оҳу, мушкин парда бастан, мушкин тура, мўҳраи мушкин, турраи мушкин, хати

мушкин, шаъри мушкин, қавси мушкин, қаъди мушкин, шоҳиди мушкинниқоб (Жомий ижодида), мушки ноб, мушки соро, мушки тар, мушки татор (мушки тотор), мушкин рақам, мушкин саҳоб, мушкин ҳилол, мушкрес бўлмоқ, кофур узра мушксой бўлмоқ, мушкфом қилмоқ (Навоий ижодида) сўз бирикмалари ҳамфикр-у ҳаммаслак устоз-шогирд “эзгу фикр, эзгу амал, эзгу сўз” тамойилига амал қилиб, нотиклик маҳоратлари ила тожик ва ўзбек адабий тилларининг лексикология, лексикография, синтаксис илмларини тадрижий ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган.

Айни дамда тожик ва ўзбек тилларининг сўзлашув ва бадий нутқидан истеъмолда бўлган “мушки анбар” сўз бирикмасини Жомий ва Навоий ижодида ҳамда “Фарҳанги осори Жомий”, “Навоий асарлари луғати”да учратмадик. Бироқ у “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўз ифодасини топган. Юқоридаги мисолларга назар ташлар эканмиз, улар орасидаги дифференциацияни маъно ўзгаришларда, юзага келган янги ва нотақор маъноларда, қўшилган ёхуд танланган сўзларда кўрамыз. Фикримизнинг исботи сифатида Жомий ижодидан мушки таторӣ, мушки тотор ва Навоий ижодидан мушки татор (мушки тотор) сўз бирикмаларини танлаб, улар орасидаги дифференциацияни белгилаймиз. Мазкур сўз бирикмаларининг дифференциацияси Жомий ва Навоий томонидан татор лексемаси ёзувда иккита варианты (татор, тотор) борлигини маълум қилиниши, Жомий томонидан тожик адабий тилининг сўз яшаш имкониятларини назарда тутиб, татор лексемасига от сўз туркуми сўз ясовчи пасванди “-й” ни қўшиб, “таторӣ” сўзини ҳосил қилганлиги, ушбу сўзни Тотористонда топиладиган ва тайёрландиган мушк маъносида, тотор лексемасини “мушки тотор” сўз бирикмаси кўринишида киноя санъати сифатида қора соч маъносида, Навоий томонидан мушки татор (мушки тотор) сўз бирикмасини тоза ва энг хушбўй мушк маъносида келтирилганлиги аён бўлади.

Дусад табла пур аз мушки таторӣ,
Зи соро анбару уди қаморӣ.

Зи кофураш баромад мушки тотор,
Зи субҳаш ошкоро шуд шаби тор.

(Жомий)

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, луғавий-семантик, морфемик, синтактик ва таносуб жиҳатидан таҳлил этилган дифференциацияли муштарак лексемаларни Жомий ва Навоий маҳорат билан ўринли ишлатилган, устоз-шогирд ижодидаги ҳар бир лексема алоҳидаликка ҳамда ҳамохангликка XV асрдан бошлаб, бугунги кунгача тожик ва ўзбек адабий тилларининг лексикология, лексикорграфия илмининг тадрижий ривожланиши ҳамда бойиб боришига кенг имконият яратган. Шунинг учун “анбар” лексемаси иштирокида “Фарҳанги забони тоҷикӣ”да ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 40 дан ортиқ сўз, юзга яқин сўз бирикмалари, “мушк” лексемаси воситасида 20 дан ортиқ сўз, 60 га яқин сўз бирикмалари учрайди. Ўрганиш ва тадқиқ этиш натижалари шундай гувоҳлик берадики, Жомий ва Навоий ижодида ўз ифодасини топган, шу билан бир қаторда нутқ услубларининг сўзлашув ва бадий услубларида истеъмолда бўлган айрим лексема ва сўз бирикмалари “Фарҳанги забони тоҷикӣ”, инчунин, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” таркибидан тушиб қолган. Мазкур луғатларнинг кейинги нашрида Жомий ва Навоий ижодида учрайдиган, яъни тожик ва ўзбек тилларида ягона, муштарак маънони ифодаладиган лексема ва сўз бирикмалари киритилса, ҳар иккала тилнинг луғат миқдори янада ошган бўлар эди.

Жомий ва Навоий ижодида дифференциация ҳодисаси ўзақдош сўзларнинг иккинчи қисми (таркиби)ни янги сўз билан бойитиш ва улар ёрдамида ранг-баранг маъноларнинг борлигини равшан этиш, азал-азалдан қардош ва қариндош бўлган тожик ва ўзбек халқларининг фонематик талаффуз ва урғуда миллийлик мавжудлиги, бир чашмадан сув ичиб, ҳамжихатликда умргузаронлик қилиб келаётган тожик ва ўзбек халқларининг сўз санъати соҳасидаги бойлиги, теранфикрлиги натижасида юзага келган.

АДАБИЁТЛАР

1. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати.** Биринчи жилд. А – Д. //А.Мадвалиев таҳрири остида. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.

2. **Хусейнов Х., Шукуров К.** Луғати терминҳои забоншиносӣ. – Душанбе: Маориф, 1983. – 256 с.
3. **Нуров А.** Фарҳанги осори Ҷомӣ. Ҷилди 1. А – О. // Дар зери таҳрири В.А.Капранов, А.Афсаҳзода. – Душанбе: Сарредаксияи илмӣи энциклопедияи тоҷик, 1983. – 536 с.
4. **Нуров А.** Фарҳанги осори Ҷомӣ. Ҷилди 2. П – Ҷ. // Дар зери таҳрири В.А.Капранов, А.Афсаҳзода. – Душанбе: Сарредаксияи илмӣи энциклопедияи тоҷик, 1984. – 608 с.
5. **Алишер Навоӣ.** Қомусӣи луғат. Иккинчи ҷилд. Т – Ҳ. // Ш.Сироҷиддинов таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 408 б.
6. **Мажитова С.Ж.** Жомӣи ғазалиётдаги рамзӣи истилоҳларнинг луғавӣи ва мажозӣи маъноларини талқин қилиш усуллари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд. – 50 б.
7. **Муҳаммадиев М.** Луғати синонимҳои забони тоҷикӣ // Дар зери таҳрири М.Нарзиева. – Душанбе: Маориф, 1993. – 271 с.
8. Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ. (Иборат аз 2 ҷилд). Ҷилди 1. А – Н // Зери таҳрири С.Назарзода. Беш аз 80 ҳазор вожаву ибора ва таркибҳои забони тоҷикӣ. – Душанбе: Пажӯшгоҳи забон ва адабиёти Рӯдакӣ, 2008. – 950 с.
9. **Алишер Навоӣ.** Тўла асарлар тўплами. Ҷн ҷилдлик. Учинчи ҷилд. Ғазаллар. – Т.: Фағур Ғулом, 2011. – 764 б.

УДК: 81.373.161.1

ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ
УЗБЕКСКИЕ НАРОДНЫЕ ПОСЛОВИЦЫ О ПРИРОДНЫХ ЯВЛЕНИЯХ
UZBEK FOLK TALES ABOUT NATURAL PHENOMENA

Жўраева Бибиш Мухсиновна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: мақол, мақолларнинг шаклланиш асоси, ёмғир, дўл, муз, қор, булут, шамол, сел, момақалдиروق, жала.

Ключевые слова: пословица, основа формирования пословиц, дождь, гроза, лёд, снег, облако, ветер, ливень, гром, проливной дождь.

Key words: proverb, the basis of the formation of proverbs, rain, hail, ice, snow, cloud, wind, downpour, thunder.

Мақолада табиат ҳодисалари асосида шаклланган халқ мақоллари ҳақида фикр юритилган.

В статье рассмотрены особенности узбекских народных пословиц о явлениях природы.

The article is about the proverbs which have been formed on the basis of natural phenomena.

Кириш. Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда ката ҳаётӣи тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар ёрдамида келажак авлодга мерос қилиб қолдиради. Мақоллар ана шундай маънавий меросимиз ҳисобланади. Дунёда ҳикмат дурдоналари яратмаган, уларни асрлар оша кўзқорачиғидай асраб-авайлаб, сайқал бериб; дилида, тилида сақлаб келмаётган бирор халқ йўқ. Мақоллар нафақат халқ оғзаки ижоди маҳсули, шу билан бирга халқнинг ижтимоӣи ҳаёти, маънавий ва руҳӣи дунёсини очиб берувчи бебаҳо қадрият ҳамдир. Чунки мақол пайдо бўлишининг асосӣи манбаи инсон ҳаёт фаолияти бўлиб; ҳар бир миллат, шу жумладан, ўзбек халқи ҳамма қолда ўзининг миллий характер-хусусияти, тафаккур тарзини намоён этади. Яъни мақолда шу мақолни яратувчи халқнинг турмуши, ҳаётида содир бўлган барча воқеа-ҳодисалар тарихи, улардан келиб чиқадиган ибратомуз хулоса, халқона донишмандлик ўз аксини топган бўлади.

Мақол халқ оғзаки ижодининг қадимӣи жанрларидан бўлиб, туб илдизи билан жуда узоқ асрларга бориб тақалади. Мақолларнинг пайдо бўлиши бўйича кўпгина хориж олимлари кизиқиб, турли фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.

В.А.Жуковнинг таъкидлашича, қачондан бошлаб халқ орасида мақолларнинг қўллана бошлаганини аниқлаш қийин масала, аммо шу нарса аниқки, улар жуда қадимдан пайдо бўлган ва инсониятнинг бутун умри давомида унга ҳамроҳлик қилиб келмоқда [2, 12–13].

С.Г.Береженнинг фикрича, мақол пайдо бўлишининг манбаларидан бири халқ оғзаки ижодининг қўшиқ, эртақ, достон, топишмоқ каби жанрларидир [1, 45].

Н.В.Зимовецнинг қайд қилишича, ҳар қандай мақол, дастлаб, маълум шароитда аниқ бир киши томонидан ўйлаб чиқарилади. Аммо ҳамма мақолнинг, айниқса, жуда қадимдан амалда бўлган мақолларнинг тақдирини худди шу сингари ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун кўпгина мақолларнинг келиб чиқиши халқ тафаккури маҳсули, десак тўғрироқ бўларди. Олим инглиз мақолларининг пайдо бўлиш манбаи сифатида халқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт, библия, бошқа халқлар маданияти ва машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзларини санаб ўтади [3, 38].

Асосий қисм. Ижтимоий ҳаётнинг бирор-бир жабҳаси йўқки, мақолда ўз ифодасини топмаган, унда бадиий умумлашма характер касб этмаган бўлса. Мақолларнинг қамров доираси қанчалик кенг бўлса, улар шаклланишининг манбалари ҳам шу даражада хилма-хил, турли-туман. Ушбу мақолада шу масаланинг фақат бир жиҳати, яъни табиат ҳодисалари асосида шаклланган халқ мақоллари ҳақида фикр юритилади.

Табиат ҳодисалари табиат билан боғлиқ бўлган турли хил жараён, ҳолатлар бўлиб, буларга сел, дўл, ёмғир, қор ёғиши; зилзила, ҳавонинг туманли бўлиши; қиров тушиши, булутли ҳаво, сув тошқини, тупроқ кўчкилари, яшин уриши, момақалдиروқ бўлиб чақмоқ чақиши каби ҳодисалар киради.

“Ёмғир” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Ёмғир - булутлардан диаметри 0,5 мм дан 6-7 мм гача бўлган сув томчилари ҳолида ёғадиган ёғин [6, 472] бўлиб, қуйидаги каби мақолларнинг пайдо бўлишига асос бўлган:

Жалада қолган ёмғирдан кўрқмас.

Илгари қаттиқ қийинчиликлар кўрган одам унча-мунча қийинчиликдан кўрқмайди, чидайди, бардош беради, деган маънода қўлланади.

Кўп ёмғир ерни бузар,

Кўп сўз ерни бузар.

Ёмғир ҳаддан ташқари кўп ёғса ҳам экинларга зиён келтиради, ҳосилнинг сифатини бузади. Одатда, баҳорда меъёрдан ортиқ ёғган ёмғирдан сўнг экин ва меваларда турли майда ҳашаротлар пайдо бўлиб, уларнинг яхши ўсишига йўл бермайди.

Ўзбек эркалари, ота-боболаримизга азал-азалдан хос бўлган миллий хусусиятлардан бири камгаплик, жиддийлик ва бир сўзлиликдир. Агар бу меъёр бузилса, ҳаддан зиёд ёмғир ҳосилнинг сифатига салбий таъсир этгани сингари кўп гаплик ҳам уларнинг қадр ва обрўсини, оила ва жамиятдаги мавқеини туширади.

“Қор” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Қор сув зарраларининг совуқдан бириқиши натижасида юзага келадиган оқ пар шаклидаги ёғин [11, 599] бўлиб, қуйидаги каби мақолларнинг шаклланиши учун асос бўлган:

Қор мўл ёғди – дон мўл ёғди.

Қиш кириб келиши билан ерларга келаси йил учун дам берилади, деҳқонларимиз томонидан ўғитланиб, шудгор қилиб қўйилади. Дам олиш жараёнида ер қанча қониб сув ичса, шунча жонланади, ҳосилдорлик юқори бўлади.

Қор ёғди – излар босилди.

Одатда, киши қорда юрганида унинг излари қолади. Бу излар устидан яна қор ёғса, улар йўқолиб кетади. Бу – мақолнинг тўғри маъноси бўлиб, мажозан: инсон ўтмишда қандайдир қора ишлар, ёмонликлар, тубанликлар қилган бўлса, вақт ўтиши билан булар аста-секин унутила боради, деган маънода қўлланади.

“Булут” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Булут - ҳаводаги сув буғларининг конденсацияланиш (сублимация) маҳсули бўлган сув томчилари ёки муз кристаллари (ёки ҳар иккаласининг аралашмаси) дан ташкил топган, атмосфера (ер юзасидан ташқари) да вужудга келадиган муаллақ тизим [5, 246] бўлиб, қуйидаги каби мақолларнинг вужудга келишига асос бўлган:

Ёмғирсиз булутдан не фойда,

Маҳсулсиз одамдан.

Дехқон ерга уруғ сочар экан, ундан мўл ҳосил олишга ҳаракат қилади, бу йўлда бор кучини сарфлайди. Экиннинг жони сув бўлгани учун қадимда дехқонлар булутдан ёмғир сўраб қўшиқлар айтганлар, аммо булутдан ҳар доим ҳам ёмғир ёғавермаган. Бундай булутдан на табиатга, на дехқонга ҳеч қандай наф бўлмагани сингари бепарво, лоқайд кишиларнинг ҳам жамият учун фойдаси тегмайди.

Ёмон дўст – қора булут сояси.

Самони қора булут қоплаганда киши кўнглида қандайдир ғашлик пайдо бўлади. Қора булутнинг сояси кулиб турган кўёш юзини тўсгани сингари инсон ҳам дўст танлашда адашса, кутилмаган хиёнат ва сотқинликлар кўриб, табиати хира бўлиши мумкин.

“Шамол” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Шамол ҳавонинг[а] ер сатҳи бўйлаб ҳаракати [11, 395] бўлиб, қуйидаги сингари мақолларнинг пайдо бўлиши учун асос вазифасини ўтаган:

Шамол кемадагиларнинг хоҳишига қараб эсмас.

Табиат инжиқ. У инсон хоҳиши билан эмас, балки ўз йўналиши, Оллоҳнинг амри билан ўзгаргани каби инсон тақдири ҳам яратганнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади, зеро инсон қисмати азалдан белгиланган бўлади, деган маънода қўлланади.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламас.

Одатда, халқ ичида яхши гапдан кўра ёмон гап тез тарқалади. Ҳеч қандай сабабсиз, яъни шамол бўлмай туриб, дарахтнинг учи қимирламагани каби ҳеч бир асоссиз ёмон гаплар ҳам ўз-ўзидан тарқалмайди, дейилмоқчи.

“Муз” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Муз қаттиқ ҳолатдаги сув [8, 3] бўлиб, қуйидаги каби мақолларнинг яралишига асос бўлган:

Ёшлиқда билгани – тошга ёзгани,

Қарилиқда билгани – музга ёзгани.

Инсон хотираси ёшлигида ўта кучли бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш сингари мустаҳкам ва умрбоддир. Муз тош каби қаттиқ бўлса-да, кўёш чиқиши билан эриб кетгани каби қарилиқда олинган илм ҳам вақтинчалиқдир.

Апрель келса муз турмас,

Қуда келса қиз турмас.

Қиш ўз ўрнини баҳорга бўшатиб бергач, кунлар исиб, тоғлар ва дарёлардаги музлар эрий бошлагани сингари улғайган қизи бор хонадонга қудалар қадам қўйгач, у қиз бири бўлмаса, бошқасига, албатта, узатилади.

“Сел” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Сел тоғ водийлари, сойлар ва жарлардан оқиб келадиган, катта вайронагарчилик кучига эга бўлган қисқа муддатли лойқа ёки лойқа тош аралаш кучли сув оқими [9, 569] бўлиб, бу табиат ҳодисаси асосида ҳам қуйидаги каби мақоллар юзага келган:

Эл кучи – сел кучи.

Сел катта вайронагарчиликларга олиб келувчи кучли сув оқимидир. Агар халқ бирлашса, бир мақсад сари интилса, шундай қудратли кучга айланадики, унга тўсқинлик қилувчи ғовлар ўз-ўзидан қулайди, барбод бўлади. Зеро шоир Чўлпон:

“Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир.

Халқ исендир, халқ оловдир, халқ ўчдир” дея бекорга таъриф бермаган.

Сердарахт қишлоқни сел олмас.

Мақол мажозан: инсоннинг яқинлари, ёру биродарлари, дўсту оғайнилари қанчалик кўп бўлса, ҳаётдаги қийинчиликлар, синовлар унга кор қилмайди, деган маънода қўлланади.

“Дўл” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Дўл – юмалоқ ёки турли шаклдаги муз парчаларидан иборат атмосфера ёғини. Катталиги 5-55 мм ва ундан ортиқроқ, баъзан товук тухумидек ҳам бўлади. Йилнинг илиқ вақтларида, одатда, тўп-тўп ёмғирли булутлардан кундузи жала билан бирга ёғади. Ёғиннинг жадаллиги 0,21 дан 60мм\с ўртасида ўзгариб туради [6, 396].

Айрилган йўлда қолар,

Бўлинган – дўлда.

Якка-ёлғиз яшаш, кўпчиликдан ажралиш ҳамма вақт ёмон оқибатларга олиб келади, деган маънода қўлланади.

Ёмғир ёғса, тўрғай боласин яширар, дўл ёғса, ўз бошин яширар – Биргина тўрғай эмас, бошқа жонзотлар сингари одамзод ҳам ўз боласини авайлаб, ардоқлаб ўстиради, офат-кулфатдан, бало-қазодан асрайди, кўкрагини қалқон қилиб, ҳатто ўзига зиён-заҳмат етказиб, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, уни мудофаа қилади, энг сўнги нуқтага етгандагина ўзини ҳам сақлаш ҳаракатига тушади. Мазкур мақолда ота-онанинг ана шу жасорати, олийжаноб хислати ўз ифодасини топган [4, 128].

“Момақалдироқ” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Момақалдироқ – қисқа вақт давом этадиган, чақмоқ чақиб, электр разряди – яшин билан кузатиладиган атмосфера ҳодисаси, яшин йўли бўйлаб ҳавонинг тезда исиб кенгайишидан ҳосил бўладиган портлаш тўлқини [8, 65] бўлиб, қуйидаги каби мақолларнинг шаклланиши учун асос бўлган:

Тегирмонда туғилган сичқон момақалдироқдан кўрқмас.

Мақолнинг биринчи маъносида салбий муносабат устун: яъни кўриб-кўриб кўзи қотган киши ёмонроқ ишлардан ҳам тап тортмайди. Мақолнинг иккинчи маъносида эса ижобий оттенка сезилиб туради: жуда катта қийинчиликларни бошидан ўтказган одам ўткинчи азобларга чидамли, бардошли бўлади, бўлар-бўлмасга бетоқатлик қилавермайди.

Қайғу келтирар шодликдан,

Ёмғир келтирар момақалдироқ яхши.

Охири хафалик, дилхиралик келтирувчи қисқа муддатлик ҳузур-ҳаловатдан кўра кишиларни ваҳимага солувчи момақалдироқнинг бўлгани дуруст. У гарчи киши кўнглига ваҳима солса-да, момақалдироқдан кейин ёққан ёмғир элга ризқ-насиба улашади, даладаштни яшнатади.

“Жала” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Жала – шиддат билан ёғадиган қисқа муддатли атмосфера ёғини, кучли ёмғир. Жаланинг ёгин жадаллиги ҳар соатда 100 мм гача етади. Жала булутдан эмас, балки атмосферадаги совуқ фронтда жойлашган нобарқарор ҳаво массаларидан ёки конвекция натижасида ёғади [6, 533]. Қуйидаги каби мақоллар “жала” лексемаси асосида шаклланган:

Дўстга лола бўл,

Ёвга жала бўл.

Лола – табиатнинг нафис, такрорланмас гули. Инсон дўстлари билан ҳаммиша самимий, меҳрибон бўлиши, душманларига эса жаладек шиддатли ва аёвсиз курашмоғи керак.

Жала томчидан бошланади:

1-маъно: энг буюк ишлар ҳам, мақсадлар ҳам кичик-кичик интилишлардан бошланади. Каттакон бино ҳам, аввало, унинг пойдеворидан, сўнгра майда ғиштлардан бунёд этилади.

2-маъно: майда ўғрилиқ, қаллоблиқ, алдамчилик ва ҳоказоларга вақтида эътибор қилиниб, олди олинмаса, бора-бора катта жиноятларга олиб келиши мумкин.

“Бўрон” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Бўрон – тўзон ёки қор-ёмғир аралаш шиддатли шамол [10, 165] бўлиб, қуйидаги каби мақолларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган:

Халқ пуфласа, бўрон бўлар,

Халқ тепинса – зилзила.

Халқ қудратли куч, у истаса, ўзига қарши кучларни бўрон каби учиради, халқ кўзгалса, унга ҳеч нарса бас келолмайди.

Денгиз довули билан машхур,

Сахро – бўрони билан.

Табиат – Оллоҳ яратган энг катта мўъжизаларнинг бири. Денгиз довули, сахро бўрони билан машхур бўлгани каби, ҳар жой ўзининг такрорланмас нимаси биландир, ҳар бир инсон эса бошқаларда бўлмаган ўзига хос қобилияти, истеъдоди билан ажралиб туради.

“Довул” ва “зилзила” лексемалари асосида шаклланган халқ мақоллари. Довул – кучли емирувчи бўрон [10, 231], зилзила, ер қимирлаш – ер пўстида ёки мантиянинг юқори қисмида тўсатдан силжиш, синиш ёки ўпирилиш рўй бериши оқибатида вужудга келадиган ва тўлқинсимон тебранишлар тарзида узоқларга тарқаладиган ер ости

силкинишлари ва тебранишлари [7, 14] бўлиб, куйидаги каби мақолларнинг яралиши учун асос бўлган:

*Халқ пуфласа – довул,
Ер тепинса зилзила бўлур.*

Халқ норози бўлиб, қаҳри келса, довул каби қудратли кучга айланади, зилзила каби заминни ларзага солади.

Довулнинг товуши узоқдан яхши эшитилади.

Довулнинг товуши узоқдан янгроқ эшитилганидек, машхур, таниқли, кўзга ташланган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кишилар ҳам ўзи яшаётган жойда, манзилда у даражада кадр-қиммат топмаса-да, доврўғи элга ёйилган бўлади. Бундай кишиларга қарата халқимиз: “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” – дея таъриф беради.

“Шудринг” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Шудринг, шабнам - баҳорда, ёзда кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли майда томчилар тарзида ерга инадиган ҳаводаги, атмосферадаги буғ намлик; ҳаводан инган мусаффо томчи [11, 390] бўлиб, куйидаги сингари мақолларнинг шаклланишига асос бўлган:

Булутли кеча шабнамсиз бўлур.

Булут осмонни қоплаб олган ёки фалақда у ер, бу ерда ғуж бўлиб тўпланган сув буғларидир [10, 148]. Атмосферага кўтарилган сув буғлари ҳавонинг дим бўлиши натижасида булутга айланса, ҳароратнинг пасайиши туфайли шабнамни ҳосил қилади. Демак, ҳаво дим бўлиб, сув томчилари булутга айлангач, энди шабнамдан умид қилиб бўлмаганидек, юракка таҳдид солувчи ёки дилни қоронғи қилувчи ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса, ҳолат эзгуликка, яхшиликка олиб келмайди, дейилмоқчи.

*Шабнамга қудуқ тўлмас,
Дунёга бахил тўймас.*

Ер юзига тушган томчи шабнам қудуққа қанча тушса ҳам қудуқ тўлмагани каби, бахил инсон ҳам дунёнинг барча мол-дунёсию, бойлигига тўймайди, яна истайверади.

“Қиров” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Қиров – ернинг ёки нарсаларнинг бетида ҳосил бўладиган юпка қорсимон зарралар [11, 582] бўлиб, куйидаги каби мақолларни шакллантирган:

*Қишнинг кунни қирқ турли,
Қирови ҳам қилиқли.*

Қиш кунлари ҳар турли: гоҳ совуқ, гоҳ қорли, гоҳ ёмғирли бўлгани каби қишнинг қирови ҳам ўзидан кейин совуқ ҳавони олиб келади. Қиш қирови ўсимликларга ва ернинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

*Ёзнинг ёмғиридан қўрқ,
Қишнинг – қировидан.*

Ёзнинг ёмғири ўсимлик ва экинлар учун зарарли бўлгани учун бу мавсумда ёғадиган ёмғирни бобо деҳқонларимиз унча хуш кўрмайдилар. Қишнинг қирови эса жуда совуқ ҳавони олиб келиб, ўсимликларнинг совуқ уришига сабаб бўлиши мумкин.

“Туман” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари. Туман - атмосферанинг куйи қатламларида юзага келадиган майда сув ёки муз зарралари [11, 222] бўлиб, куйидаги каби мақолларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган:

Туманда бурган санаб бўлмас.

(Бурган – бир йиллик ўсимлик; ундан катта супурги қилинади) Мазкур мақол билан мажозан: ҳали ноаниқ, туманли, ғойибона, “узун қулоқ” гапларга кўра иш кўриш, бир хулосага келиш керак эмас, деган маънода насиҳат қиладилар.

*Йилинг туманли бўлса,
Оғригинг тумовли бўлар.*

Табиатнинг яна бир ҳодисаси туман тушиши бўлиб, одатда йил бўйи кўп давом этган туманли ҳавода турли хил касалликлар: ревматизм, бўғимлардаги оғриқлар, шамоллаш каби турли хил касалликлар кўзга авж олади.

Инсоният яратган мақолларнинг мавзу доираси ранг-баранг, уларда ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб оилавий ҳаётнинг энг кичик урф-одатларигача, олий ахлоқий меъёрлардан тортиб кишилар характеридаги майда-чуйда нуқсонларгача, фалсафий дунёқарашдан тортиб энг кичик жониворларнинг хусусиятигача

ўз инъикосини топган. Қисқаси, табиат ва жамият ҳаётининг бирон-бир соҳаси йўқки, у мақолларда ўз аксини топмаган бўлсин.

Хулоса. Ўзбек халқ мақолларининг шаклланиш кўлами ранг-баранг бўлиб, ушбу мақолада табиат ҳодисалар асосида шаклланган мақоллар таҳлилга тортилди, бунда табиатдаги турли-туман жараёнлар, воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар шакллантирувчи асос бўлиб хизмат қилганлиги мисоллар асосида очиб берилди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Бережан С.Г.** К вопросу о диапазоне варьирования фразеологизмов / Исследования по семантике. Семантика языковых единиц разных уровней. – Уфа, 1988.
2. **Жуков В.П.** Семантика фразеологических оборотов: Учебное пособие для студентов пединститутов по специальности «Русский язык и литература» – Москва: Просвещение, 1978.
3. **Зимовец Н.В.** К вопросу о происхождении английских пословиц и поговорок// Актуальные вопросы переводоведения и практики перевода. – Белгород, 2013.
4. **Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш.** Ҳикматнома. – Тошкент: Совет Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – 526 б.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, 2001. – 704 б.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент, 2002 – 704 б.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, 2002. – 704 б.
8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 6-жилд. – Тошкент, 2003. – 704 б.
9. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент, 2004. – 704 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А–Р.–М.: Рус тили, 1981. – 631 б.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. С–Ҳ. – М.: Рус тили, 1981.– 715 б.

УДК 415.8

МАТН ДЕРИВАЦИЯСИДА ЛЕКСИК ТАКРОРНИНГ ЎРНИ РОЛЬ ЛЕКСИЧЕСКОГО ПОВТОРА В ДЕРИВАЦИИ ТЕКСТА THE ROLE OF LEXICAL REPETITION IN TEXT DERIVATION

Турниязова Шахноза Нигматовна

СамДЧТИ араб тили назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси, фил.фан. номз.

Таянч сўзлар: деривация, макроматн, лексиктакрор, синтактик боғланиш, семантик боғланиш, фрейм.

Ключевые слова: деривация, макротекст, лексический повтор, синтаксическая связь, семантическая связь, фрейм.

Key words: derivation, macrotext, lexical repetition, syntactic relation, semantic relation, frame.

Мақолада матн лингвистикаси муаммолари жумласига кирувчи, матннинг синтактик боғланишини ташкил қилувчи лексик воситалар хусусида фикр юритилган. Булардан лексик такрорга кенгроқ тўхталиб, унинг матн деривациясида тутган ўрни ҳақида мулоҳаза билдирилган. Жумладан, таҳлил жараёнида фрейм тушунчасига ҳам изоҳ берилиб, унинг матнда тутган ўрни ёритилган.

В статье рассматриваются проблемы лингвистики текста, куда входят лексические средства, образующие межфразовую синтаксическую связь. Особое внимание уделяется лексическому повтору и его роли в деривации текста. Также проанализировано понятие «фрейм».

The article deals with the issues of text linguistics including lexical means, which form interphrasal syntactic relation. The author of the article focuses on the lexical repetition and its role in the text derivation. The notion of “frame” has also been defined and its place in the text has been explained.

Кириш. Матн лингвистикаси муаммолари тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилиши, унинг амалда реал қўлланилиши билан узвий боғлиқдир. Матн лингвистикаси масалаларининг кун тартибига кўйилиши, ўз навбатида, «катта синтаксис» тушунчасининг ҳам истеъмолга киритилишини талаб қилиши шубҳасиздир. Чунки амалдаги гап таҳлили учун қўлланиладиган қоидалар матн таҳлили учун яроқсиздир. Бошқача айтганда, гап сўзларнинг ўзаро муносабатини намоён этса, матнда гапларнинг, мураккаб синтактик қурилмаларнинг, абзац ва бобларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга тўғри келади. Бундан ташқари, матн талқинида микро- ва макросистема, микро- ва макроструктуралар хусусидаги, уларнинг ўзаро иерархик муносабатлари ҳақидаги илмий маълумотларга таяниш лозим кўринади.

Асосий қисм. Матн лингвистикаси муаммолари талқини умумий тилшунослик доирасида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам кенг қамровда эндигина ўрганилмоқда. Бу борада амалга оширилган тадқиқот ишлари, асосан, масаланинг умумий жиҳатларини, матн лингвистикасининг вазифаларини ўрганиш ва белгилашга қаратилганини кўради. Айниқса, матн таҳлилининг синтактик муаммоларининг илмий тадқиқига бағишланган ҳали талайгина масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Немис олими В.Дресслер бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Бугунги кунда тилнинг энг муҳим ва мустақил бирлиги гап эмас, балки матн эканлиги ҳақидаги тушунча тобора оммалашиб кетмоқда. Айнан ана шу нарса матн синтаксиси билан шуғулланиш учун зарурат туғдирмоқда» [5,33].

Бироқ, В.Дресслер матнни мустақил тил бирлиги тарзида талқин этади. Бу, бизнингча, эътирозлидир, зотан, матн материал нуқтаи назаридан тил белгиларидан ташкил топса-да, тил бирлиги эмас, балки нутқ бирлигидир.

Кўринадиги, юқорида номлари эслатиб ўтилган тилшунос олимнинг мулоҳазалари-да лингвистик тадқиқотлар текширув объекти фақат тил деб қаралади, нутқ лингвистикаси ва унинг бирликлари ҳақида эса ҳеч нарса дейилмайди. Ана шу боис, тил ва нутқ бирликлари қориштириб юборилмоқда.

Албатта, матн нутқ бирлигидир. Шунинг учун унинг синтактик табиатини ўрганишда ва умуман, матн синтаксиси, унинг вазифалари белгиланишида нутқ бирлиги масаласи ҳам эътиборда бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса тил ва нутқ бирликларини фарқлаб ўрганишга қатъий амал қилмоқ керак.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матн лингвистикаси муаммолари бобида айтилган тилшунослар фикрлари муштарак бўлмаса ҳам, уларнинг барчасида матн компонентларининг боғланишли эканлиги тўлиқ тан олинади. Бироқ, бу ўринда ҳам боғланишлилик, асосан, семантик нуқтаи назардан изоҳланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, матн таҳлиliga синтактик нуқтаи назардан ёндашиш лозимми, ёки уни стилистик мақсадларга кўра ўрганиш керакми, ёки матн лингвистикаси деган янги бир соҳа асосланиши мақсадга мувофиқми, деган саволлар ҳам ҳозирги тилшунослигимизнинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларидан саналади.

Дарҳақиқат, матн синтаксиси тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тўлиқ илмий асосланиш бўсағасидадир. Агар у тўлиқ асосланадиган бўлса, уни одатдаги синтаксисдан ўз текширув объектига кўра кескин фарқ қилувчи «катта синтаксис» деб аташга тўғри келади, зотан, бунда гаплар, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац ва боблар ўртасидаги муносабатлар текширилади.

Синтактик муаммолар талқини бўйича тадқиқот ишлари олиб бораётган аскарият мутахассислар матнни энг юқори даражадаги синтактик бирлик деб тушунадилар. Мазкур бирликнинг таркибий қисмлари гап, мураккаб синтактик қурилма, абзац кабилар саналади [13,45]. Стилистика муаммолари тадқиқи билан шуғулланувчи баъзи олимлар матнни стилистик ҳодиса деб биладилар [3,43].

Бизнинг фикримизча, матнни энг юқори поғонадаги синтактик бирлик мақомида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг таркибий қисмлари ҳисобланмиш гап, мураккаб синтактик қурилма кабилар синтактик бирликлар ҳисобланиши изоҳ талаб қилмайди. Айнан ана шу бирликлар абзацнинг шаклланишида ҳам фаол қатнашади. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томонини мураккаб синтактик қурилма, абзац

кабиларнинг матн қолипида келиши ташкил этади. Ҳатто алоҳида олинган бир гап ҳам маълум нутқий муҳит қуршовида бутун бир матнга тенг келиши мумкин. Лекин унинг таҳлилини гап таҳлиliga қиёслаб бўлмайди. Чунки гапнинг синтактик таҳлили амалдаги грамматикаларимизда бош ва иккинчи даражали бўлакларни белгилаш билан шуғулланади, матн компонентлари синтактик таҳлиliga эса гап бўлаклари тушунчасига умуман эҳтиёж сезилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матннинг бошланишини ташкил этувчи унинг чап томонидаги гап ёки мураккаб синтактик қурилма бундан олдинги матннинг ўнг томонидаги ана шундай синтактик структуралар билан мазкур матнни мазмунан боғласа, бунинг тескараси ўлароқ, матннинг ўнг томонидаги синтактик структуралар уни кейинги матннинг чап томонидаги структуралар билан ана шундай боғланишини таъминлайди.

Матн компонентлари синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро боғлиқ бўлади. Бундай вазият матн сатҳида қўлланилган таркибида лексик такрор, синонимик воситалар бўлган гаплар, иловали [15,72-77] ва парцеллятив қурилмалар ёки нуқтадан кейин қўлланилган зидлов боғловчилари билан бошланувчи гаплар келганда бемалол кўзга ташланади. Мазкур ҳолат мустақил матнлар ўртасида ҳам кузатилиши мумкин. Бунга зидлов ёки бириктирув боғловчилари, олмош, кириш сўз ва бирикма билан бошланувчи абзац мисол бўлиши мумкин. Агар боғловчи вазифасидаги морфологик воситалар синтактик қурилмаларнинг бир матн доирасидаги муносабатини таъминлаш учун хизмат қилса, матнлараро энг аввал семантик ва маълум даражада синтактик муносабатни таъминловчи воситалар ўзлари қатнашаётган матннинг биринчи жумласи орқали ундан олдин келаётган матн билан боғланади.

Юқоридагилардан ташқари, катта матн (макроматн) таркибида бериладиган зидлов ёки бириктирув боғловчилари билан бошланувчи абзацнинг характерли белгиларидан бири яна шунда кўринадикки, бундай абзац ўзидан олдин келаётган матн билан ҳам семантик, ҳам синтактик режаларда боғланса, ўзидан кейин келаётган матнга умумий мазмуний режага кўра дахлдор бўлади. Катта матн таркибида қўлланувчи ва мустақил олинганида ҳам матн мақомини олиши мумкин бўлган мураккаб синтактик қурилмалар ва абзац лингвистик сатҳларига кўра бир-биридан кескин фарқланади, зотан, мураккаб синтактик қурилмалар том маънода икки ёки ундан ортиқ гапларнинг икки нуқта орасидаги синтактик муносабатларига асосланса, абзац ёзувда бир неча нуқталар орасига жойлашган гапларнинг ва мураккаб синтактик қурилмаларнинг мазмуний муносабатларига таянади. Шунинг учун мураккаб синтактик қурилмалар ва абзац фақат ташқи кўринишидангина бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин [8, 69].

Матн ва унинг лингвистик таҳлили ҳақида М.П.Йоницэнинг фикри ҳам эътиборга молиқдир. Унга кўра, ҳар қандай матн учун ҳам компонентларининг ўзаро боғлиқлиги муҳим белги ҳисобланади. Мазкур боғлиқлик матннинг мазмуни ифодаси доирасида воқеланади ва бунда грамматик воситалар иштирокида амалга ошувчи лингвистик ифода усуллари катта аҳамият касб этади. Зотан, улар воситасида матннинг алоҳида унсурлари ўзаро боғланади ва ана шу тарзда ўз мазмуний яхлитлигига эга бўлган матн шаклланади [7,56].

Бу ўринда матн компонентларининг ўзаро боғланиши деганда, фақат мазмуний боғланишни эмас, балки уларнинг зарурий грамматик воситалар иштирокида боғланишини ҳам тушунмоқ лозим, зеро, мазмуний боғланиш учун лингвистик (грамматик) омилларга эҳтиёж туғилиши табиийдир. Буни мураккаб синтактик қурилмалар структурасида янада аниқроқ кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, матн компонентларининг синтактик муносабати турли хил лексик воситаларга асосланади. Улар жумласига лексик такрор ҳам киради.

Матн компонентларининг синтактик муносабати лексик такрорга асосланганда маълум бир сўз матн таркибига кирган ҳар бир жумлада такрорланади ва бу орқали жумлаларнинг синтактик алоқаси шаклланади:

1. *Хўрозча қимирламай турар, Ёдгор эса ичида йиғилиб қолган ҳасратини худди дўстига айтаётгандек сўзларди. Хўрозча биратўла кўзларини юмиб олгандан кейин, Ёдгор ердаги жўхориларни йиғиб дўпписига солди, хўрозчасини аста ердан олди...*(М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2. *Боғи Зоғон қасрининг муҳташам қабулхонасига гавҳар ва ёқутлар билан безатилган баланд тахт ўрнатилган. Бир вақтлар бу тахтда Шоҳруҳ Мирзо ўлтирар эди. Ҳозир уни бошига тилла тож кийган Султон Абусайид эгаллаган* (П. Қодиров. Она лочин видоси).

Келтирилган абзац қолипидаги матнларнинг биринчиси иккита мураккаб синтактик қурилманинг ўзаро боғланишидан ташкил топган бўлиб, мазкур қурилмаларнинг синтактик муносабати хўрозча ва Ёдгор сўзларининг такрорий қўлланишига асосланмоқда

Иккинчи абзац эса уч компонентли бўлиб, уларнинг ҳар учаласи ҳам бир-бири билан мазмунан ўта узвий боғланишини кўрамай: биринчи компонентда тавсифи берилаётган тахт ҳақидаги фикр иккинчи ва учинчи компонентларда ҳам давом эттирилмоқда.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, лексик такрор маълум қоидага бўйсунди ва шу боис жумла таркибидаги ҳар қандай сўз ҳам бундай имкониятга эга бўлавермайди. Бошқача айтганда, лексик такрор фрейм тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлади, зотан такрорланаётган сўз матн семантик салмоғининг асосини (мавзусини) ташкил этади. Шу боис у ҳар сафар мантиқий урғули бўлади [14,286].

Фрейм тушунчасини М. Минский куйидагича изоҳлайди: «Фреймларнинг (ва улар англатадиган категорияларнинг) муҳим белгиларидан бири шундаки, улар поғонали структуралар ярата оладилар. Шу тўғрисида система турли даражаларда (ўта умумийликдан то жуда аниқликкача) фразалар тузиш имкониятини беради. Масалан: хайвон, муайян тур вакили тўрт оёқли, ўртача катталиқда, ит, колли зотидан, лақаби Лесси» [10,98;2,34].

Бу ҳақда Ш. Сафаров куйидагиларни таъкидлайди: «... ҳар бир шахс онгида «фреймлар» тўри тўплами мавжудким, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андозалар» асосида амалга оширишни таъминлайди» [12,41]. Амстердам университетининг профессори Т. ван Дейк эса фрейм тушунчасига когнитив нуқтаи назардан ёндашади ва бу ҳақда куйидагиларни ёзади: «Умумий билим даражамиз аморф ҳолда эмас, балки у концептуал (инсон онгидаги умумий тушунчалар - Ш. Т.) система ҳолатида уюшган бўлади. Уни «фрейм» термини орқали талқин этиш мумкин. Фреймлар билишнинг шунчаки «парчаларга» бўлиниши эмас, балки улар муайян тушунча атрофида яхлитланган бирликлардир» [4,16]. Юқорида келтирилган мисолга ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, унда фрейм хўрозча тушунчаси билан узвий алоқадорлигини кўрамай, зотан, мазкур абзацда берилаётган хабарнинг асосий мавзуси шу сўздир.

Е.А.Реферовскаянинг фикрига кўра, кетма-кет келаётган гапларда маълум бир сўзнинг қўлланиши уни жумланинг марказий унсурига айлантиради ва бу билан тингловчининг ҳам, сўзловчининг ҳам диққати ана шу сўзга қаратилади. Бундан ташқари, унинг воситасида жумлалар ўзаро боғланади [11,52]. Е.А. Иванчикова ҳам лексик такрорнинг тил бирликларини ўзаро боғлашда синтактик вазифа бажаришини таъкидлайди [6,127]. А.Лежнев эса лексик такрор такрорнинг бошқа турлари сингари диққатни экспрессив нуқтаи назардан ўзига тортишини айтади [9,37].

М.Ҳакимов лексик такрор мазмун изчиллигини сақлаш мақсадида қўлланишини ва мазкур ҳодиса бир абзац таркибидаги гапларда аниқ кўзга ташланишини эслатади [16,9].

Матн компонентлари таркибида маълум бир сўз ёки бир неча сўзнинг такрорий қўлланиши нафақат кетма-кет келаётган, балки бири иккинчисидан бошқа бир жумла билан ажратилган гапларнинг синтактик боғланиши учун ҳам хизмат қилади:

Бугун якшанба. Тагин бир ҳафтадан кейин, келгуси якшанбада Йўлдошнинг тўйи. Ойнисанинг дилида шу орзу, хаёлида шу ўй. Тўй айтишга осон. Тўй кунни яқинлашган сари камчиликларингиз ўзини яққолроқ кўрсатиб, сизни шошириб қўяди (Ҳ. Фулом. Тошкентликлар).

Берилган матн беш компонентли бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи компонентлари синтактик алоқаси яқшанба сўзи билан ифодаланаётган лексик такрорга асосланмоқда. Иккинчи, тўртинчи ва бешинчи компонентлар таркибида тўй сўзи такрорланмоқда. Матннинг учинчи компоненти сатҳида эса мазкур сўз қўлланмаган. Бироқ бу билан матн компонентларининг синтактик алоқасида узилиш бўлаётгани йўқ. Чунки учинчи жумла таркибида келаётган шу олмоши мазкур жумланинг чап томонидан ҳам, ўнг томонидан ҳам бошқа жумлалар билан синтактик боғланишини тўлиқ таъминламоқда.

Юқоридагилардан ташқари, лексик такрор матнда берилётган хабар ифодасининг марказини ташкил этиб, сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам диққатини ўзига тортар экан, унинг хабар ифодаси таъсирчанлигини оширишда аҳамияти салмоқли эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур [7,72].

Матн компонентлари таркибида такрорланиб келаётган сўз ўзи қатнашаётган гап доирасида турли хил грамматик шаклларда синтактик вазифа бажариши мумкин:

- *Зоти олийлари бандаларига ижозат берсинлар, кечкурун дори тайёрлаб юборгаймиз. Кўпроқ тар мева истеъмол қилсинлар, аммо Бухоро меваси жанобларига зарарлидир. Мевани Самарқанддан келтириб есинлар* (М. Осим. Карвон йўлларида).

Мазкур матнда мева сўзи такрорий қўлланилиб, у дастлаб воситасиз тўлдирувчи(мева+ни), кейинги сафар эга, охири жумлада эса яна тўлдирувчи вазифасида келмоқда. Аммо бу эътиборимиздаги сўзнинг лексик такрор ҳодисаси билан боғлиқ ички (матнда эмас, балки жумла ёхуд мураккаб синтактик қурилма доирасидаги) имкониятларини кўрсатади. Матн таркибидаги унинг асосий вазифаси эса жумлалараро синтактик муносабатни ташкил этишда кўзга ташланади. Матннинг таркибий қисмини шакллантираётган компонентлар мучаларининг ички синтактик функциялари эса макроматннинг синтактик таҳлили жараёнида аҳамият касб этмайди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матн лингвистикаси учун матннинг тузилишини, асосий категорияларини ўрганиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, унинг шаклланиши жараёнини, бошқача айтганда, деривацион хусусиятларини ўрганиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Матн деривациясини ўрганиш жараёнининг талай қийинчиликлари бўлади, албатта. Улар жумласига биринчи галда деривация операторини аниқлаш, таянч структурани белгилаш, матн синтактик шаклланиши тамойилларини ўрганиш, матн деривациясининг гап деривациясидан фарқли томонларини аниқлаш кабиларни киритиш мумкин

Равшанки, синтактик деривация назарияси ҳосила структураларга нисбатан қўлланилади. Ҳосила структура гап қолипиди бўлганда мазкур операциянинг дастлабки босқичи таянч структурага асосланади. Бироқ ҳосила структура матнни, хусусан, макроматнни тақозо этадиган бўлса, таянч структура ва унинг белгиланиши масаласи гап деривациясининг дастлабки босқичига асос бўлувчи таянч структуранинг аниқланишидан кескин фарқ қилади. Бунинг асосий боиси қуйидагиларда кузатилади: 1. Гапнинг синтактик деривацияси асосланадиган таянч структура туб структура замирида, унинг бўш ўринларини тўлдириш жараёнида вужудга келади. 2. Матн деривацияси асосланувчи таянч структура вазифасида матн компонентларидан бири фаоллик кўрсатади. Бунда туб структура масаласи (деривацион нуқтаи назардан) устувор аҳамият касб этмайди. Чунки макроматннинг ҳар қандай кўриниши ҳам тайёр ҳолдаги ҳосила қурилма демакдир. Бундан ташқари, матн деривацияси, асосан, юқорида айтиб ўтилганидек, лексик воситалардан бирига таянади. Биз кўриб чиқаётган, лексик такрор қолипидидаги сўз ҳам ана шу воситалардан бири бўлиб, мазкур сўз оператор вазифасида келади ва у синтактик ҳамда семантик фаоллигига кўра лексик такрор қолипидидаги сўзларнинг бошқаларига нисбатан салмоқлироқ аҳамият касб этади:

Жайхун соҳилига туташиб кетган улкан боғ айни гулга кирган. Боғ ўртасидаги икки қаватли кўшк хиёбонларида камалак рангли товуслар товланади, дарахтлар орасида ёввойи кийиклар кўзга чалинади, четлари нозик кошинлар билан безатилган ҳовузларда булутдай оппоқ оққушлар сузади (О. Ёқубов. Кўҳна дунё).

Мазкур матн компонентлари бир-бири билан боғ сўзининг такрорий қўлланиши орқали боғланмоқда. Бошқача айтганда, боғ сўзи фрейм тушунчасини шакллантирмоқда. Бироқ матннинг умумий мазмунини воқелантиришда такрорий қўлланаётган боғ сўзининг олдинги варианты муҳимроқ мавқега эга эканлигини кўрамиз, зотан, у нутқ воқеланиши нуқтаи назаридан устувор аҳамият касб этмоқда. Иккинчи гап таркибида келаётган боғ сўзи уни олдинги гап билан боғлаш учун хизмат қилаётган бўлишига қарамай, қўлланишига кўра олдинги гапдаги боғ сўзига қарамдир. Шунинг учун мазкур матн деривациясининг оператори биринчи гапда қатнашаётган боғ сўзи саналади.

Хулоса. Умуман олганда, лексик такрор матн компонентларининг мазмуний боғланишида муҳим роль ўйнайди. Бироқ, шу билан бирга, унинг бу жараёнда синтактик

жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканлигини кўрамиз. Бу ўринда Ғ.Абдурахмоновнинг лексик такрорнинг қўшма гап шаклланишидаги мавқеи ҳақида айтилган қуйидаги фикри муҳим аҳамиятга эгадир: «Бир хил бўлакнинг икки гапда такрорланиши ҳар икки гапни мазмунан яқинлиштириб, қўшма гапни ташкил этади» [1,127]. Қўшма гапнинг ташкил этилиши, албатта, мазкур воситанинг синтактик жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Демак, лексик такрор, айниқса, матн синтактик деривациясининг воқеланишида ўта муҳим аҳамият касб этади ва матннинг синтактик боғланишини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Абдурахмонов Ғ.** Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 246 б.
2. **БелошাপковаТ.В.** Когнитивно-дискурсивная парадигма лингвистического знания и категория аспектуальности // Вестник МГУ. Серия 9. Филология. - 2008. – № 2. – С. 34-44.
3. **Винокур Т.Г.** О содержании некоторых стилистических понятий //Стилистические исследования. – М., 1972. – С. 43.
4. **Ван ДейкТ.А.** Язык.Познание. Коммуникация. – М.: БГК им. Б. де Куртенэ, 2000. – 308 с.
5. **Иванчикова Е.А.** Лексический повтор как экспрессивный приём синтаксического распространения // Мысли о современном русском языке. – М., 1969. – 215 с.
6. **Йоницэ М.П.** Глоссарий контекстуальных связей. – Кишинёв: Штиинца, 1981. – С. 5-13.
7. **Кухаренко В.А.** Интерпретация текста. – М.: Просвещение, 1988. – 192 с.
8. **Лежнев А.** Проза Пушкина. - М.: Художественная литература, 1966. – 263 с.
9. **Минский М.** Фреймы для представления знаний. – М.: Энергия, 1979. – 152 с.
10. **Москальская О.И.** Семантика текста //Вопросы языкознания. - 1980. - № 6. – С.33-34
11. **Реферовская Е.А.** Лингвистические исследования структуры текста. – Л.: Наука, 1983. – 216 с.
12. **Сафаров Ш.** Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
13. **Солганик Г.Я.** Синтаксическая стилистика. – М.: Высшая школа, 1973. – 214 с.
14. **Шведова Н.Ю.** Очерки по синтаксису русской разговорной речи. – М.: Изд. Академии Наук, 1960. – 377 с.
15. **Уринбоев Б.** Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. – Самарқанд: Наврўз, 2006. – 96 б.
16. **Ҳакимов М.Х.** Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари //Номз. дис. автореф. – Тошкент: 1993. – 27 б.

УДК 81.373.612.2[111.512.133].001.36

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТАРКИБИДА ҲАЙВОНЛАРГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР ҚАТНАШГАН БАЪЗИ БИР МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ

ЛИНГВОКОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТАФОРИЧЕСКИХ ФРАЗ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ, ВКЛЮЧАЮЩИХ ЛЕКЕМЫ ЖИВОТНОГО МИРА

LINGUO COGNITIVE ANALYSIS OF SOME METAPHORIC EXPRESSIONS CONTAINING ANIMAL RELATED LEXEMES IN THE ENGLISH LANGUAGE

Турсунов Мирзо Махмудович

БухДУ инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: нутқнинг таъсирчанлиги, коннотатив (қўчма) усул, лингвокогнитив таҳлил, когниция, образлилик, концепт, менталитет, турмуш тарзи, унсур, концептуал система, метафорик концептлар.

Ключевые слова: убедительность речи, коннотативный метод, лингвокогнитивный анализ, когниция, образность, концепт, менталитет, образ жизни, элемент, концептуальная система, метафорические концепты.

Key words: speech persuasiveness, connotative (transferrable) way, linguocognitive analysis, cognition, figurativeness, concept, mentality, a way of life, element, conceptual system, metaphorical concepts.

Мақолада фразеологиянинг асосий таркиби сифатида кўрсатиб ўтилган иборалар, жумладан, метафорик ибораларга тавсиф берилган. Инглиз тилидаги ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган баъзи бир метафорик иборалар лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қилинган.

В статье определены значения фразеологических единиц, включая метафорических фраз. Также представлен лингвокогнитивный анализ некоторых метафорических фраз на английском языке, содержащих лексемы животного мира.

The article presents a definition for phraseological units, particularly metaphorical phrases. Some metaphorical phrases containing animal related lexemes have been analyzed from the linguo cognitive aspect.

Кириш. Бугунги кунда тилшуносликнинг ҳар бир масаласи янгича, замонавий нуқтаи-назардан ўрганиляпти. Фразеология масалалари, жумладан, ибораларга ҳам фақат лингвистик элементлар сифатида қараш тўғри эмас. Фразеологик бирликлар аллақачон бизнинг маданий, ижтимоий, психологик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. Мазкур мақолада биз инглиз тилидаги метафорага асосланган айрим ибораларни лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қиламиз ва уларнинг ижтимоий ҳаётга боғлиқлигини кўриб чиқамиз.

Асосий қисм. Маълумки, фразеология назариясининг илк тадқиқотчиларидан бири Шарль Балли ҳисобланади. У ўзининг “Француз стилистикаси” номли асарига сўз бирлашмалари, яъни фразеологизмларни тадқиқ этувчи махсус боблар киритган эди. У фразеологик бирлашмаларнинг ташқи (ишончсиз ёки шунчаки алдамчи) ва ички (асл баҳо, белги) хусусиятларини бир-биридан фарқлаган эди. Унинг таълимотига кўра, бундай бирлашмаларнинг структурал хусусиятлари ташқи белгилари, семантик табиати эса унинг ички белгилари саналади [1, 47]. Ф. де Соссюр эса “Умумий тилшунослик курси” асарида синтагма, унинг белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирикмалар борки, уларнинг характери ўз маъноси ва синтактик хусусиятидан келиб чиқади. Уларни тайёргарликсиз қўллаш мумкин эмас, чунки бундай бирикмалар тайёр ҳолда, анъанага кўра қўлланилади, - деган эди [2, 157].

Фразеологик бирликлар тилнинг бойлиги сифатида мавжуд бўлган, нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини кўрсатишга хизмат қилади. Бундай ифода усули бошқа тил бирликларида тўла қамраб олинмайди. Ҳар қандай фикрнинг коннотатив (кўчма) усул билан ифодаланиши турли бирликларда – фонема, морфема, лексемаларда ҳам учрайди, аммо фраземаларнинг барчаси шу усул билан кўзга ташланади. Ҳар бир тилда жуда ҳам кўплаб иборалар мавжудки, улар кўп вақтлардан буён шу тилда сўзлашувчи халқ вакиллари томонидан қўлланилиб келинмоқда. Иборалар шубҳасиз, у ёки бу халқнинг маълум бир маданий қадриятларини, урф-одатларини, кундалик ҳаётини ўз ичида сақлаб, уларни нутқда кенг қўлланилишига имкон берувчи воситадир. Ибораларни лингвокогнитив таҳлил қилиш орқали уларнинг қай тарзда халқ тилига кўчганлиги, пайдо бўлиш тарихи, концептуал системаси, халқнинг ҳаёт тарзи каби масалалар ҳисобга олинади. Лингвокогнитив таҳлил нафақат тилшуносликка оид масаларни ўрганади, балки фалсафий, тарихий, этнографик, маданий, психологик, ижтимоий унсурларни ҳам ўз ичига олади. Когнитивистикада асосий эътибор инсон когнициясига берилади, бунда нафақат кузатилаётган ҳаракатлар тадқиқ этилади, балки билимлар асосида ҳаракатларни вужудга келтирувчи, уларнинг ментал репрезентациялари (намоён бўлиш), яъни ички тасаввур, моделлар, рамз, инсон стратегияси ўрганилади. Инсоннинг когнитив дунёси Метафорага асосланган иборалар (метафорик иборалар)нинг сони инглиз тилида анчагина кўп бўлиб, улар ўхшаш хусусиятларга эга бўлган буюм, шахс ва бошқаларни қиёслаш йўли билан аниқланади [5, 15]. Метафорик иборалар асосан нутқга образлилик, эмоцияни беради ҳамда маъно кучайишига хизмат қилади. Тилимиздаги метафорик иборалар метафорик концептларга систематик равишда чамбарчас боғлиқ экан, биз лингвистик метафорик ибораларни метафорик концептлар хусусиятини ўрганиш учун ишлатишимиз мумкин, бу орқали фаолиятимизнинг метафорик хусусиятларини тушуна оламиз [4, 7]. Ушбу жараён бундай метафораларни лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қилишдан бошланиши мумкин. Қуйида таркибида ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган

айрим инглизча метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлилини келтирамиз ҳамда ибораларнинг не чоғлиқ халқ маданиятига, менталитетига алоқадорлигини аниқлаймиз.

“Dog eat dog” метафорик иборасини лингвокогнитив усулда таҳлил қилиш орқали унинг келиб чиқиш тарихи, маънолари, маданий ҳамда ижтимоий ҳаётга оид унсурлари, лингвистик маълумотларни олишимиз мумкин бўлади. Аввалам бор, мазкур метафорик фразеологизмнинг луғавий маъносига эътибор қаратамиз: “A situation of fierce competition in which people are willing to harm each other in order to succeed” [6, 81]. Яъни, Оксфорд идиомалар луғатида кўра, мазкур фразеологик бирлик “муваффақиятга, ўз мақсадларига эришиш учун кишилар бир-бирларига ҳар қандай шикаст етказишга ҳам тайёр бўладиган кучли рақобатлашишга киришиладиган вазият” деб изоҳланади. Ушбу метафорик фразеологик бирликнинг келиб чиқиши 16-асрдаги Англия тарихига бориб тақалади [6, 81]. Ушбу ибора бизга Ғарб жамиятидаги ижтимоий ҳаётнинг маълум бир кўринишларини намоён этади. Ҳар ҳолда индивидуализм кучли кўриниш олган Европа мамлакатлари фуқаролари ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай кескин ҳаракатдан, нотўғри ишдан тоймасликлари, ўз йўлларидаги турли ғовлар билан ҳар қандай шароитда курашишлари ушбу ибора қўлланилишида назарда тутилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Англияда ушбу идиома салбий маънода қўлланилиб, ўз мақсади йўлида ҳар қандай қабиҳ, нопок ишдан, ҳатти-ҳаракатдан тойимайдиган инсонларни тасвирлашда қўлланилади. Тобора ўзгариб бораётган инглиз жамиятидаги салбий характерли, мансабпараст, айёр кишилар ушбу идиома орқали анчайин кўпол концептни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу иборанинг метафорик концепти итларнинг бирор бир егулик устида ўта аёвсиз, шавқатсиз тарзда курашиши, урушиши асос қилиб олинади.

Қуйида “cat” лексемаси иштирок этган бошқа бир метафорик фразеологизмни таҳлил этиб кўрамиз. “Put the cat among the pigeons” фразеологик бирикмаси метафорик ҳисобланади, бу ерда “cat” ҳамда “pigeons” сўзларининг ҳаракатлари инсон ҳаракатларига ўхшатишмоқда. Ушбу метафорик иборанинг луғатдаги изоҳини кўриб чиқамиз: “Say or do something that is likely to cause trouble or controversy” [6, 48]. Ушбу идиоманинг маъноси, “муаммо ёки катта ғалвани келтириб чиқарадиган иш қилиб ёки гап айтиб қўймоқ”дир. Иборани когнитив нуқтаи-назардан таҳлил қиладиган бўлсак, албатта бу ерда инглиз маданиятига хос бўлган яна бир унсурга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Англияда кўплаб кабутарлар кўчаларда одамлардан унчалик ҳам ҳайиқмай яшашади. Одатда кишилар уларни турли егуликлар билан сийлашади, агар бирор-бир кимсанинг мушуги улар орасига кириб қолса, ҳақиқий тўполон бошланади. Фразеологик ибора айнан мана шу концепт асосида қурилган, яъни нотўғри айтилган сўз, нотўғри қилинган ҳаракат туфайли инсонларнинг тинчи бузилиши, тўс-тўполон бошланиб кетиши мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу идиома асосан инглиз тилининг британча вариантига хос ҳисобланади. Мазкур фразеологик бирлик инглиз тилидаги энг қадимий лексик воситаларидан бири ҳисобланади, биринчи марта ёзма нутқда у Ж.Стевенсоннинг янги испанча-инглизча луғатида 1706-йилда пайдо бўлган. Ўша пайтда идиома бирор бир эркак кишининг аёллар жамоасига келиб қолиши мушукнинг кабутарлар тўпланиб турган жойда пайдо бўлиб қолиш ҳолатига ўхшатишмоқда. Бу ҳолатда кабутарларнинг тинч, беозор хусусиятлари ўша пайтдаги Англия аёлларининг ўзига хос характерларига яқин маъновий концепт сифатида қабул қилинган. Албатта, бугунги кунга келиб, жамият ва ундаги баъзи бир қоидаларнинг ўзгариши туфайли ушбу фразеологик бирикма ўзининг луғавий маъносини ўзгартирган. Когнитив йўналиш лексик-семантик сатҳдаги таҳлиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра тил умумий когнитив механизм бўлиши билан бирга, когнитив қурол тарзида ахборотнинг тақдимотини код ёрдамида узатиш ва ўзгартириш вазифасини бажарувчи белгилар тизимидир.

Таркибида ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган метафорик иборалардан яна бири “in the lion’s den” ҳисобланади. Ушбу метафорик иборанинг луғавий маъноси қуйидагича: “a demanding, intimidating, or unpleasant place or situation” [6, 175] ҳисобланади. Яъни ташвишли, қўрқинчли ёки ёқимсиз жойда бўлиб қолмоқ ёки шундай вазиятга тушиб қолмоқ. Фразеологик иборани метафорик деб атаганимизга сабаб, инглиз тилидаги “den” (шер яшайдиган жой) сўзи ҳаётда учрайдиган мураккаб, ташвишли вазиятга ўхшатиляпти. Бунда албатта шердек ёввойи, табиатдаги энг кучли, қўрқинчли ҳайвоннинг инида бўлиш

яхши оқибатларга олиб келмаслиги, жуда ҳам мураккаб аҳволга тушиб қолиш мумкинлигига шаъма қилинган. Фразеологик бирикманинг лингвокогнитив хусусиятларига тўхталар эканмиз, биринчи навбатда унинг этимологиясига эътибор қаратамиз. Шернинг уясига кириш қадимги замонларда ҳам дунёдаги энг мураккаб, ўлим билан баробар ҳаракат ҳисобланган. Қадимда давлатга хиёнат қилганлар оч шерлар тўдасига ташлаб юборилган, албатта, ҳеч бир инсон бундай ҳолатда тирик қолмаган. Ушбу фразеологизмнинг машҳур бўлиб кетишига ҳам айнан мана шундай жазоланишлар сабаб бўлган. Қирол Доро ўзининг энг яқин, ишонган вазирларидан бири, Даниэлни шерларга ташлашга мажбур бўлади. “Худо, албатта, сенга ёрдам беради” деганича, Доро суюкли вазирини шерлар яшайдиган жойга итариб юборишга буйруқ беради [3, 48]. “In the lion’s den” фразеологик бирикмасининг келиб чиқиши Шарқ маданиятига боғлиқлиги кўпроқ эҳтимолли, лекин қадимги даврда Ғарб давлатларида ҳам жиноятчиларни жазолаш мақсадида инсонларни шер исканжасига ташлаш аънанаси бўлган: қадимги Рим империяси ҳудудида бундай ҳолатлар учраб турган. Англия ҳам Рим империясининг собиқ мустамлакаси сифатида юқоридаги ҳолатдан истисно бўлмаган. Балки, ушбу метафорик ибора инсониятнинг қадимги даврдаги шавқатсиз жазолаш усули сифатида баҳоланиши керақдир. Лекин бугунги кунда “in the lion’s den” фразеологик бирикмаси инсонларнинг мураккаб вазиятга тушиши, қийин характерли кишилар билан келишишга мажбур бўлиш ҳолатларида ишлатилади. Метафорик фразеологик бирлик замонавий инглиз тилида ҳам расмий ҳам норасмий тилда ишлатилади. Оммавий ахборот воситаларида дунё сиёсатида бўлиб ўтаётган қайноқ воқеалар, мураккаб сиёсий тангликлар айнан мана шу ибора билан тасвирланади, у ёки бу кишининг ҳаётда, жамиятда мураккаб вазиятларни бошидан кечираётганини тасвирлашда ҳам ўша шахснинг ёмон ҳолатга ёки вазиятга тушиши шер инида бўлиш билан қиёсланиши мумкин. Бу ерда фразеологик бирлик тингловчи, ўқувчига у ёки бу вазият, ҳолат хусусида қўшимча маъно беришга хизмат қилади, баъзи контекстларда эса ҳатто маъно кучайтиришга хизмат қилади. Демак, метафоралар, метафорик иборалар кундалик ҳаётимизнинг таркибий қисми, биз абстракт тушунчаларнинг моҳиятини англаш учун уларни бошқа бир реал предметларга онг ва тафаккуримиз орқали кўчираемиз.

“Have a frog in your throat” метафорик иборасининг луғавий маъноси куйидагича: “lose your voice or find it hard to speak because of hoarseness or an apparent impediment in your throat” [6, 117], яъни “овозни йўқотиб қўймоқ ёки томоқдаги муаммолар, оғриқ туфайли гапиришга қийналмоқ”. Ушбу иборанинг метафорик деб айтилишига сабаб эса, кишининг дағал, қўпол овозда гапириши унинг оғзида (томоғида) ёқимсиз, хунук, қўпол қурбақанинг борлигига ўхшатиляпти. Иборанинг келиб чиқиш тарихи 19-асрнинг охирига бориб тақалади, ўша даврда Америка Қўшма Штатларида ёш болаларнинг оғиз бўшлиғидаги инфекция касалликларни даволаш учун уларнинг оғизларига қурбақа солинган [7]. Бу ҳаракат туфайли ўша касалликлар даволанган деган нотўғри тушунча бўлган. АҚШда ушбу фразеологизм ўша пайтда сўз бирикмаси сифатида тўғри маънода қўлланилган. Албатта, бугунги кунга келиб, фразеологизм метафорик хусусиятларга эга бўлиб, ўхшатиш ҳодисаси асосида кўчма маънога эга бўлмоқда. “Have a frog in your throat” фразеологизми асосан Америка инглиз тили вариантыга хос бўлиб, кишиларнинг маълум бир ташқи омиллар сабабли гапиришга мадори қолмаганлиги, лом-мим дейишга ожиз бўлиб қолганлигини тасвирлашда ишлатилади. Мазкур метафорик ибора Америка халқига шунчалар яқинки, унинг бир пайтлар тўғри маънода сўз бирикмаси сифатида қўлланилганлиги ушбу халқ онгига сингиб кетган, бироқ мазкур фразеологизм ўхшатиш асосида қурилганлиги бугунги кунда кўпчилик томонидан эътиборга олинмайди. Бу эса тил ҳодисалари табиатини, моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун унда сўзлашувчининг борлиқни билиши ва уни онгида пишириб, ўз тилида тингловчига бекаму кўст узатиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб қилмоқда. Бу ҳам фразеологик ибораларнинг миллий менталитет, тарихий келиб чиқиш, маданий ва ахлоқий кўникма каби тушунчалар билан нақадар чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиб беради. Қуйида инглиз тилида анча кенг ишлатилиш майдонига эга бўлган яна бир фразеологик бирикмани концептуал жиҳатдан таҳлил қилиб кўраемиз. “Play (or act) the (giddy) goat” фразеологизми куйидаги маънога эга: “fool around; act irresponsibly” [6, 125]. Демак, ушбу фразеологик бирикма шўхлик қилмоқ, ўзини нодонларча тутмоқ, масъулиятсизларча ҳаракат қилмоқ каби маъноларга эга. Ибора

таркибидаги “goat” (эчки) лексемасининг маъноси бирор бир кишининг турли ножўя, беўхшов ҳаракатларига ўхшатиляпти. Таъкидлаб ўтиш зарурки, “play (or act) the (giddy) goat” метафорик фразеологизми салбий маънони ифодалайди. Ушбу метафорик фразеологик иборанинг Англия миллий маданияти, ҳаёти билан маълум бир даражада боғлиқлиги мавжуд. Маълумки, Англиянинг тепаликлари, қир-адирларида чорвачилик кўп асрлардан бери сақланиб келинмоқда, у ердаги ҳайвонларнинг баъзи бир хусусиятлари (гоҳида ижобий, гоҳида салбий) инсонларга қиёслаш орқали метафораларга, метафорик ибораларга айланиб қолган. Эчкиларнинг шум, ўйинқароқ, бепарво хатти-ҳаракатлари баъзи бир инсонларга баҳо беришда, характерларини ифодалашда қўлланила бошланган. Ҳайвонлар ва қушларга хос ижобий ва салбий хусусиятлар инсонга унинг турмуши, одоб-ахлоқи ва ҳолати тил ёрдамида ўхшатилади, кўчирилади ёки метафоризация қилинади. Бу ҳолатлар образли бўлганлиги учун инсон ҳиссиётига кучли таъсир қилади ва унинг онгида муҳрланиб қолади. Шу нуқтаи назардан, яна бир марта шунга амин бўлдикки, у ёки бу халқнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар унинг тилига, тил воситаларига, лексик бирликларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас экан.

Хулоса. Юқорида келтириб ўтилган фикрлар орқали шу нарсага амин бўлиш мумкинки, иборалар ҳам тил ва маданиятнинг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Зеро, иборалар ҳам халқ тили ва маданиятнинг маълум бир ўзига хос характерини, менталитетини сўзлар, иборалар орқали ифодалаш мумкин. Инглиз тилида ҳам биз турли ибораларнинг метафорага асосланган ҳолда ишлатилганлигини кўришимиз мумкин бўлади ва уларнинг келиб чиқиши бевосита инглиз халқининг маданияти, менталитети, турмуш тарзи, ҳаётий ташвишларига чамбарчас боғлиқ эканлиги лингвокогнитив таҳлилларда намоён бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Наука, 1984. – 85 с.
2. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. – М.: Прогресс, 1977. – 157 с.
3. Flavell L. Dictionary of idioms and their origins. - L.: London Press, 1992. – 216 p.
4. Lakoff G. and Johnson M. Metaphors we live by. – С.: The University of Chicago, 1980. – 7 p.
5. Mc Carthy M., Felicity O. English vocabulary in use (advanced). – С.: Cambridge University Press, 2010. – 15 p.
6. Siefring J. Oxford dictionary of idioms. - O.: Oxford University Press, 2004. – 340 p.
7. www.phrases.org.uk

УДК 81.38.512.133

ЎЗБЕК ЛИСОНИЙ ТАСВИРИДА “МАЪНАВИЯТ” КАТЕГОРИЯСИ

КАТЕГОРИЯ «ДУХОВНОСТЬ» В УЗБЕКСКОМ ЛИНГВИСТИЧЕСКОМ ВЫРАЖЕНИИ

THE CATEGORY OF “SPIRITUALITY” IN THE UZBEK LINGUISTIC EXPRESSION

Аҳмедова Меҳринигор Баҳодировна

БухДУ инглиз адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: маънавият, идеология, ахлоқ, дин, муносабат, сиёсат, концепт, концептуал таҳлил, концептосфера.

Ключевые слова: духовность, идеология, воспитание, религия, отношение, политика, концепт, концептуальный анализ, концептосфера.

Key words: spirituality, ideology, behavior, religion, relationship, concept, conceptual analysis, sphere of concepts.

Мақолада “маънавият” концепти концептосфераси “маънавий манба”, “маънавий сиёсат”, “маънавий восита”, “миллий ирода”, “маънавий таҳдид” унсурларидан иборат эканлиги таҳлил қилинган.

В статье рассмотрено понятие духовности как «духовный источник», «духовная политика», «духовные средства», «национальная воля» и «духовная угроза».

The article analyzes the fact that the notion “spirituality” consists of such elements as “spiritual source”, “spiritual means”, “national will” and “ideological threat”.

Кириш. Узбек тилида “маънавият” умумий семали атов бирликлари ўзбек тили лексик-семантик тизимида узоқ даврлардан бери ривожланишда, минг йиллар бурун шаклланган бу тизим бирликларининг аксарияти давр бўҳронларидан эсон-омон ўтиб, миллий дунёқарашимизда, халқимизнинг лисоний онгида муқим яшаб келмоқда. Гарчи ўз даври мафкурасини акс эттирадиган луғатлар, қомуслардан айримларига ўрин берилмаган бўлса-да, улар ижтимоий онгдан, умуммиллий истеъмолдан чиқиб кетмаган. Бугунги кунда маънавият муаммоси глобаллашган бир шароитда бу ифодаларнинг барчасини сўзликларда қамраб олиш, ҳаққоний лингвистик тавсифини бериш, шу асосда, уларнинг ёш авлод онгдан муносиб ўрин эгаллиши учун таълимий мақсад ва асослардаги лингвистик базани шакллантириш таълим сифатини такомиллаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Асосий қисм. Шўро даврида ўзбек халқи лисоний онгида “маънавият” концепти мавжуд бўлса-да, бу концептнинг лисоний “қобиғи”, яъни ифодаси ижтимоийлашмаган эди. Бунга ўзбек тили бўйича изоҳли ва энциклопедик луғатлар материаллари асосида амин бўлиш мумкин. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да маънавият лексемаси берилмаган эди. Бироқ луғатда *маънавий* лексемаси изоҳланган:

МАЪНАВИЙ (а) 1 Кишининг ички руҳий ҳаётига оид. Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам. *Ёш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағчакўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди.* П.Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн. ахлоқий* Кишининг маънавий қиёфаси [4,454].

Шунингдек, *маънан* сўзига ҳам изоҳ берилган:

МАЪНАН [а] рвш 1 Маънавий жиҳатдан, руҳан. *Унинг* (Юсуфбек ҳожининг) *ҳар бир раъйига Нормухаммад қушбеги қонунан мажбур бўлмаса-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди.* А.Қодирий, Ўткан кунлар. *Маънан ва жисман эзилган ...Анвар ...аўё ҳушсиз каби бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашиди.* А.Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Маъно жиҳатдан, маъносига кўра. *Маънан бир хил сўзлар* [4,455].

Бундан аён бўладики, ХХ аср ўзбек тилида маънавият сўзи кенг истеъмолда бўлмаган, 2 томли изоҳли луғат учун иллюстратив материаллар олинган манбаларда ҳам бу сўз қўлланмаган дейиш мумкин.

Ўзбек лисоний онгида “маънавият” концепти мавжуд бўлган дейишимизга сабаб шуки, бугунги кундаги янги талқинларда – изоҳли луғатлар, қомусларда ушбу лексема ёки тушунча доирасида шарҳланаётган маъно ва изоҳларда, тавсифларда қайд этилаётган тушунчалар янги даврдагина шаклланган деб бўлмайди. Эътибор қилинг:

МАЪНАВИЯТ [а. معنوييت - ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар. Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш. к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. *Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.* Газетадан. .. *маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларни санаб, санаётига ета олмаймиз.* Газетадан. *Зеро, нақшбандия таълимоти — маънавиятимиз сарчашмаларидан бири ҳисобланади.* Газетадан. *Аждодларимиз фалсафаси ҳам маънавиятимиздир.* Газетадан. *Биз талабаларга Шарқ маънавиятининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳақида ўргатамиз.* Газетадан [4,455]. Бизнингча, маънавият тушунчаси моҳиятини ўтган даврда идеология ва унга уйқаш сўзлар ифодалаган бўлса керак. Бунинг учун мазкур сўзнинг изоҳига мурожаат қиламиз:

ИДЕОЛОГИЯ [р>грек] Идеаллар мажмуи, муайян синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий қарашлар системаси; мафкура. *Марксча-ленинча идеология. Буржуа идеологияси. Идеология ишлари* [4,314].

Албатта, синфийлашган жамиятда идеологияни инсоният учун умумий ва муштарак ҳодиса сифатида талқин қилиш мумкин эмас эди. Шунингдек, эски луғатдаги *идеал*, *идея* каби сўзлар изоҳи ҳам юқоридаги тушунчанинг моҳиятини очишга хизмат қилади. Шу ўринда, *идеология* сўзига тенглаштирилган *мафкура* сўзининг ҳам ўтган даврдаги изоҳи эътиборли:

МАФКУРА [а] Муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва бадий қарашлари системаси. **Идеология.** *Пролетариат мафкураси. Буржуа мафкураси* [4,452].

Эътибор қилинса, *идеология* ва *мафкура* сўзлари изоҳи орасидаги фарқ *бадий* (мафкура), *ҳимоя қилувчи* (идеология) ва *қаратилган* (мафкура) сўзларида мужассам.

Маънавият, *мафкура* ва *идеология* сўзлари изоҳидаги умумийлик ва хусусийликларни жадвалда ифодалаш билан тасаввурларимизни ёрқинлаштиришимиз мумкин:

Умумий жиҳатлар	Фарқли жиҳатлар		
	<i>Маънавият</i>	<i>Мафкура</i>	<i>Идеология</i>
сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий, (бадий), илмий тушунчалар / қарашлар системаси / мажмуи	инсониятнинг	синфнинг, қаратилган	синфнинг, ҳимоя қилувчи

Эътибор қилинса, *мафкура* ва *идеология* сўзларида синфий кураш (ва муайян синфни ҳимоя қилиш) га эътибор қаратилган бўлиб, бу ҳолат маънавият сўзида мўътадиллашган ва умумлаштирилган.

Демак, эски тушунишдаги *мафкура* ва *идеология* сўзлари моҳияти янги талқинлардаги *маънавият* сўзи моҳиятига қисман тўғри келади ва улар бир-бирини тўла маънода қопловчи ҳодисалар эмас.

Ўзбек тилининг 2 томли изоҳли луғатида *маънавият* истилоҳи учрамагани ҳолда 5 жилдли изоҳли луғатда унинг кўп марта қайд этилганлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, 1-жилдида 1 марта, 2-жилдида 13 марта, 3-жилдида 5 марта учрайди. Бу маънавият сўзининг (тушунчасининг эмас, албатта) ўзбек ижтимоий онгида қанчалик фаоллашганлиги ва устуворлашганлигини кўрсатади.

Албатта, *маънавият* истилоҳини *маънавий* сўздан айрича тасаввур қилиб ёки изоҳлаб, тушунтириб бўлмайди. Белгининг мавжудлиги предметнинг мавжудлигидан далолат беради. Шу маънода айтиш мумкинки, ўзбек тилида яқин ўтмишда *маънавий* сўзининг истеъмолда бўлганлиги ўзбек ижтимоий онгида *маънавият* тушунчасининг нечоғлик устувор бўлганлигидан далолат беради, фақат бошқа тушунчалар, уни ташкил этувчи унсур номлари билан алоҳида-алоҳида номланиб келган, холос. Тилимизда ахлоқ, андиша, виждон, эътиқод, ҳалол-ҳаром каби сўзларнинг фаол қўлланганлиги, улар англлатган тушунчалар миллий онгимизда устувор бўлганлиги, муқаддас тушунчалар сифатида ижтимоий табиатга эга бўлганлиги фикримизнинг далилидир.

Бугунги кунда миллий мафкуранинг ўзгариши, борлиқни янгича идрок этиш усулининг қарор топганлиги, миллий маънавият ва мероснинг қадрият тусини олиши, ўтмиш, бугун ва келажак уйғунлигининг янги талқинлари оммалашганлиги, умуман олганда, миллий ўзлик тушунчаси тараққиётимизнинг ўзак концепти даражасига кўтарилганлиги *маънавият* тушунчасининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олиш, техник-технологик ва иқтисодий интеграция билан бирга, миллий-маънавий ўзликни сақлаш ва ривожлантириш, умуминсоний идеаллар билан уйғунлаштириш асосида кечмоқда. Мамлакат иқтисодиётини миллий маънавиятни ривожлантиришни унга уйғунлаштирмасдан амалга ошириб бўлмаслиги энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Хусусан, жаҳонда юз бераётган экологик, молиявий-иқтисодий инқироз, дунё миқёсида терроризм, экстремизм ва диний радикализмнинг кучайиб бораётганлиги масаланинг долзарблигини янада кучайтирмоқда. Глобаллашув шароитида бу инқироз турлари бир-бирлари билан чирмашиб, инсониятнинг илгари мисли кўрилмаган улкан глобал инқирозига айланиш хавфи кучайиб бормоқда. Агар бу хавфнинг олди олинмаса, нафақат бир миллат ёки халқ, балки бутун инсоният тараққиёт деб аталаётган, аслида тараққиёт эмас, балки тўла маънодаги инқироз олдида ожиз қолиши мумкин. Миллат ва шахс маънавиятининг ўзаги бўлган эътиқод, виждон, оила каби муқаддас тушунчаларнинг таназзули шусиз ҳам ортиб бораётган халқаро зиддиятлар натижасида маънавий емирилишнинг ўзагига айланиб қолиши мумкин. Маънавиятни ана шу тизим таркибида англаш, уни яхлит тараққиётнинг асоси сифатида идрок этиш тенденциясини кучайтириш барча зарур амалларнинг муҳимида айланиб қолаётир. Бу эса, аввало, ҳар бир шахс

дунёқарабини ривожлантириш асосида аҳолининг умумий маънавиятини юксалтириш заруратини кун тартибига қўяётир. Шу боисдан ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини тўғри танлаган Ўзбекистонда миллий маънавиятни такомиллаштириш тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди ва шунга мос равишда ривожланиш йўли, стратегияси ишлаб чиқилган. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда *маънавият* категорияси онгли ёки декларатив йўсинда ҳар бир шахс учун бегона эмас. Ижтимоий онг маҳсулини ифода этувчи барча луғат ва қомусларда *маънавият* сўзи ва тушунчасига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Ҳатто Ўзбекистонда “Маънавият” қомусининг яратилганлиги алоҳида эътиборга молик. У мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида *маънавият* категориясининг қанчалик аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади. “Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шакллантирилди. Зеро, маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-моҳияти “...дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш” билан бевосита боғлиқ” [6]. Аҳоли ва ҳар бир шахснинг дунёқараши, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий савияси, ижтимоий ва индивидуал фаоллиги, борлиқ ҳодисаларига мустақил ва ижодий муносабати, сайловлардаги фаоллиги, ўзлари мансуб партиялар фаолиятига эътиборли муносабатини ривожлантириш, фуқаронинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш устидан ўрнатилган жамоат назорати ишларида онгли, фаол, тор шахсий манфаатлардан чиқиб муносабатда бўлиш жамиятнинг барқарор тараққий этишига таъсир қилувчи сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий омилларни ташкил этади.

Ҳар қандай борлиқ ҳодисаси лисоний идрок этилмас экан, унинг онгда мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги асосли бўлмайди. Бу эса борлиқ ҳодисасининг ижтимоий ва шахсий онгда қай даражада концептуаллашганлиги билан боғлиқ бўлади. Концептосферанинг инсон онгида яхлит система сифатида шаклланиши тушунчанинг ёрқинлиги ва шаффофлигига, тушунчанинг айна ҳолати эса ифода замиридаги маънонинг мукамаллиги, тўлиқлиги ва изчиллигига олиб келади. Бугунги кунда кўпроқ халқ ва миллатга хос ҳодиса сифатида талқин этилаётган *маънавият* категориясининг у қанчалик кўп ва фаол истифода этилаётганлигига қарамасдан моҳияти теранлашган, ҳар бир киши учун тушунарли ҳолатга келган, ёш авлодни маънавий юксак шахслар сифатида тарбиялаш учун тегишли лингвистик замин ҳозирланган деб бўлмайди. Зеро, маънавият категорияси бошқа ижтимоий фан – фалсафада таркибан таҳлил этилаётгани ҳолда тадқиқотчи Г.Тожиёвнинг ишидан бошқа манбаларда ўзининг лингвистик талқинига эга бўлганига гувоҳ эмасмиз. Умуман, бажарилган барча тадқиқотлар миллий маънавият, унинг хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни масаласига қаратилган, бироқ алоҳида шахс маънавияти, унинг хусусиятлари, таркиби, шахс маънавиятини такомиллаштиришнинг аниқ усул ва воситалари, бу амалиёт учун зарур лингвистик таъминотни вужудга келтириш масаласи ҳануз эътибордан четда қолиб келмоқда.

Миллий маънавиятнинг моҳияти, уни шакллантирадиган асосий мезонлар, тарихий илдизлари ва манбалари тегишли тадқиқотларда атрофлича баён этилган. Хусусан, бу борада юксак методологик аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида муаммонинг асосий моҳияти ва унинг ечимига доир асосли қарашлар ифода этилган.

Ўзбек тилидаги “маънавият” категориясининг моҳиятини очиш унинг шаклланишига асос бўлган концептосферасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида амалга оширилади. “Маънавият” ўзбек ижтимоий онгида мустаҳкам концептуал моҳиятга эга. Оламнинг ўзбек лисоний тасвирида “маънавият” концептининг шаклланишига асос бўлган ҳодисаларни маънавий асослар сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ “маънавий асослар” тушунчаси “маънавият” тушунчасига нисбатан анча кенг қамровлилиги билан

характерланади. Чунки “маънавият” концепти “маънавий асослар” концептосферасининг маъзи бўлиб, уларнинг умумлашмасидан иборат. Бироқ бу умумлашмани шунчаки арифметик йиғинди эмас, балки синтез асосида шакллантирилган моҳият сифатида қараш мумкин. “Маънавий асослар” “маънавият”дан ташқари, мафкуравий муносабатларни, маънавий-мафкуравий вазифаларни бажарувчи ижтимоий муассасаларни ҳам, кенг маънодаги маънавият ҳаётни ҳам қамраб олади. Миллат тараққиётининг маънавий асослари деганда маънавиятнинг ривожланишига таъсир қиладиган моддий ишлаб чиқаришдан ташқари барча асосий омиллар назарда тутилади, маълум бир давлатнинг маънавий тарбия жараёнини амалга оширадиган таълим-тарбия, маданият, мафкура ва тарғибот-ташвиқот соҳаларида олиб бораётган сиёсатидан иборат бутун бошли яхлит структура назарда тутилади.

Демак, “маънавият” концептининг заминини “маънавий асослар” концептосфера-сида кўрамыз. “Маънавий асослар” концептосфераси ўз ўрнида қуйидаги ички гуруҳларга бўлинади:

- миллий маънавиятнинг шаклланишига асос бўлган манбалар;
- миллий маънавиятнинг шаклланишига асос бўлган сиёсат;
- миллий маънавият тарбияси воситалари;
- миллий ирода;
- миллий маънавиятга таъсир қилувчи таҳдидлар.

Бу унсурларнинг ҳар бири тизимнинг шаклланишига у ёки бу даражада таъсир қилади ва уларнинг роли мутаносиб ва тенг кучли эмас. Яхлит концептосферани ташкил этувчи бу унсурларнинг ҳар бири ўз ўрнида концепт сифатида мавжуд бўлади: “маънавий манба”, “маънавий сиёсат”, “маънавий восита”, “миллий ирода”, “маънавий таҳдид” каби.

Ўзбек миллий маънавиятининг “маънавий манба” концепти ўз ўрнида қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

- маънавий ва моддий мерос;
- дин;
- кашфиётлар.

Маънавий ва моддий мерос миллат ва шахс дунёқараши шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Умуман олганда, шахснинг муносабатлари тизими шаклланишида маънавий ва моддий мероснинг ўрни катта. Бу муносабатларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- шахснинг борлиққа муносабати;
- шахснинг тараққиётга муносабати;
- шахснинг инсонга муносабати;
- шахснинг ўзига муносабати.

Демак, айтиш мумкинки, *маънавий ва моддий мерос* ҳамда *муносабат* категориялари чамбарчас боғланган, ўзаро белгиловчилик характериغا эга. Маънавий ва моддий мерос муносабатни шакллантирганлиги каби, ўз ўрнида, муносабат ҳам уларни баҳолаш, келажак авлод учун маънавий ва моддий мерос қолдиришга таъсир кўрсатади.

Шахснинг ва миллатнинг борлиққа объектив ва тўғри, рационал муносабатини шакллантириш маънавиятнинг шаклланиши ва ривожланишида, тарбияланишида катта аҳамиятга эга. “Бу муносабатлар жамиятнинг умумфалсафий қарашларидан ва ижтимоий мўлжалларидан келиб чиқади. Улар “инсон – жамият” муштараклиги ва боғлиқлигининг миллий ва умуминсоний миқёсда қай даражада англашилганини, жамиятнинг бу масалани қай даражада ечишга қай даражада тайёр эканлигини кўрсатади” [6].

Маънавиятнинг миллий табиати бағишланган адабиётларда кўп ҳолларда “шахснинг ўзига муносабати” алоҳида ажратилмайди ва, назаримизда, “шахснинг инсонга муносабати” унсурининг таркибида қаралади. Бироқ миллий маънавиятни “юқоридан қуйига” тамойили асосида эмас, балки “қуйидан юқорига” тамойили асосида шакллантириш самаралироқдир. Бизда маънавиятни “юқоридан қуйига” тамойили асосида шакллантириш амалиёти устувор бўлиб, бу кўп ҳолларда алоҳида шахс маънавияти масаласи эътибордан четда қолиб келганлиги билан ҳам изоҳланади. Албатта, биз у ёки бу тамойилнинг биттаси амал қилиши керак деган фикрдан йироқмиз. Икки томонлама ёндашув уйғунлигига эришиш ҳам шахс, ҳам миллат маънавиятининг такомиллашувига

олиб келади. Таъкидлаш лозимки, шахссиз миллатни тасаввур қилиб бўлмаганлиги каби, шахс маънавиятисиз миллий маънавиятни шакллантириб бўлмайди.

Дин унсури ҳар қандай миллий маънавиятни шакллантиришда муҳим ўрин тутати. Шу боисдан ўзбек “маънавият” концепти шаклланишида “дин” унсури марказий ўринни эгаллайди. “Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”. “Маънавий манба” концептосферасининг таркибий қисми сифатидаги “дин” ўта кенг қамровли ва мураккаб таркибли мустақил концепт сифатида мавжуд. Бу концептни махсус ўрганиш, унинг ўзбек тили концептлари сирасидаги ўрнини белгилаш, таркибини аниқлаш, таркибий қисмларнинг ўзаро лисоний муносабатларини структур, когнитив ва лингвокультурологик тадқиқ қилиш, “умуман” дин ва “хусусан” дин муносабатидаги муштарак ва хусусий жиҳатларни лингвистик асосларда тавсифлаш келажакнинг вазифасидир.

Ислом динининг асл моҳиятини теран англаш ва эътиқодда ана шу моҳиятдан келиб чиқиш шахс ва миллий маънавиятни шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

“Маънавият” концептининг кашфиётлар унсури таъсири миллий ва шахсий такомиллашувда белгиловчи ва ҳал қилувчилик қудратига эга бўлмаса-да, катта таъсир кучига эга. Аждодлар кашфиёти шахс маънавиятида ифтихор ва ишонч руҳини шакллантиради. “Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт – бу янги фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир кўрсатади” [7,3].

Хулоса. Биз юқорида “маънавият” концептини ташкил этувчи “маънавий асослар” концептосферасининг “маънавий манба” узи таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари масаласида тўхталдик ва оламнинг ўзбек лисоний онгидаги тасвирида муҳим ўрин эгаллайдиган “маънавият” концептининг когнитив структураси ҳақида илк асосларда маълум бир фикрларни баён этдик. Концепт когнитив структурасини тўла идрок этиш борлиқнинг ушбу парчасини онгли идрок этиш ва маънавий тарбия учун нисбатан мукамал лингвистик замин ҳозирлаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. **Богданов А.А.** Вопросы социализма//Работы разных лет. – М., 1990. – С. 352-355.
3. **Тожиева Г.Н.** Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти (“миллий ғоя” атов бирликлари тизими): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Самарқанд, 2017. – 139 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1-том. – М.: Русский язык, 1981.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2- жилд. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006. – 556 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори //Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.
7. **Эркаев А.** Маънавият ва тараққиёт. Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 480 б.

УДК 811.512.133

БУХОРО ТУМАНИ МИКРОТОПОНИМИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ АСОСЛАРИ

ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ МИКРОТОПОНИМИИ БУХАРСКОГО РАЙОНА

THE BASIS OF RESEARCHING THE MICROTOPYNYMY OF BUKHARA REGION

Адизова Нодира Бахтиёровна

БДТИ педагогика, психология ва тиллар кафедраси ассистенти

Таянч сўзлар: топоним, жой номи, ономастика, топонимия, микротопонимия, содда топоним, мураккаб топоним, гидроним.

Ключевые слова: топоним, название местности, ономастика, топонимия, микротопонимия, простые топонимы, сложные топонимы, гидроним.

Key words: toponym, place name, onomastics, toponymy, microtoponymy, simple toponym, complicated toponym, hydronym.

Мақолада Бухоро тумани микротопонимиясини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишнинг асосий йўналишлари баён этилган.

В данной статье рассмотрены вопросы изучения основных направлений исследования микротопонимов Бухарского района.

The article discusses main directions of studying microtoponyms of Bukhara region.

Кириш. Жой номларининг атоқли оти бўлмиш топонимлар узоқ ўтмишга дахлдор бўлиб, уларда қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг ижтимоий, маданий-маънавий, диний-фалсафий қарашлари, жойларни номлашдаги моҳирлик ва топқирлиги ўз мужассамини топган. Демак, топонимлар мана шу маънода ўзбек тилининг тарихий, лисоний бойлиги, халқ маънавиятининг улуғ мероси ҳамдир. Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Маънавият ўз халқининг тарихи, унинг маданияти ва вазибаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажоғи ҳам бўлмайди» [1,71], - деган фикри топонимик мерос учун ҳам тегишлидир.

Асосий қисм. Ўзбекистонда номшунослик (ономастика) ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жадал ривожлана бошлаган соҳаларидан биридир. Ҳозирга қадар ўзбек топонимиясини ўрганиш бўйича бир қатор жиддий, салмоқли тадқиқотлар юзага келди. Уларнинг муаллифлари етакчи ўзбек номшунослари Б.Ўринбоев, Ҳ.Ҳасанов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, С.Қораев, С.Найимов, Н.Охунов, Ш.Қодирова, А.Аслонов, Ў.Ориповлардир. Ушбу олимлар ҳамда бошқа бир қатор номшуносларнинг саъй-ҳаракати туфайли Фарғона, Тошкент, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа вилоятлар топонимларининг материаллари тўпланди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, бугунги кунда топонимиканинг назарий масалаларига, уларнинг морфем ва ясалиш жиҳатларига бағишланган ишлар ҳам майдонга келмоқда.

Тўпланган материаллар асосида юздан ортиқ монография ҳамда алоҳида нашрлар эълон қилинган бўлса, ўттиздан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳам қилинган.

Шунга қарамасдан, Бухоро вилояти топонимияси материаллари етарли даражада тўпланган, аммо тадқиқ қилинмаган. Бу борада С.Найимов [2], А.Аслонов [3]ларнинг номзодлик диссертациялари ҳамда Б.Қиличев [4], Т.Ҳалимов [5]томонидан бажарилган айрим ишларнигина қайд этиш мумкин.

Маълумки, топонимия ҳудудларда тарқалган ва халқ тилида яшовчи лисоний материал бўлиб, моҳиятан халқ лаҳжа ва шеваларининг ҳам луғавий бойлигидир. Афсуски, шунга қарамасдан, шу вақтга қадар шевашунослар ўз ишларида ономастик, хусусан, топонимик материални четлаб ўтишди.

Маълум бўлдики, Бухоро вилояти ҳудуди топонимлари ҳозирга қадар қониқарли илмий тадқиқ қилган эмас. Ушбу фикр вилоятнинг Бухоро тумани микротопонимияси учун ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Ўзбекистон ҳудуди топонимиясининг умумий хусусиятларини билиш, унинг лисоний бойликларикўлами ҳақида умумлашма фикрга келиш ҳамда ушбу асосда республиканинг топонимик харитасини тузиш учун республиканинг барча ҳудуди, жумладан, туманлари топонимияси материалларини синчиклаб тўплаш ва тадқиқ қилиш лозим бўлади. Мана шу маънода ўз қадимий тарихи ва бой топонимик материалга эга бўлган Бухоро тумани топонимиясининг лисоний

хусусиятларини алоҳида тадқиқ қилиш, шубҳасиз, маълум назарий ҳамда амалий қимматга эгадир.

Бугунги кун тадқиқотчиси олдида Бухоро тумани микротопонимиясини тўлақонли лисоний таҳлил қилиш вазифаси турибди. Бу вазифани ҳал қилиш учун туман ҳудудида мавжуд бўлган топонимик материалларни тўлиқ йиғиш, тизимлаштириш, уларни луғавий-мавзувий гуруҳларга бўлиш, топонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари юзасидан кузатишлар олиб бориш ва этимологик маъносини очиш лозим. Қолаверса, номларнинг грамматик тузилиши ва структурал моделларини белгилаш ҳамда уларнинг ясалиш усулларини ўрганиш ҳам зарур.

Юқорида қайд қилинганларни амалга ошириш орқали Бухоро тумани топонимиясининг табиати, ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ илмий хулосалар чиқариш мумкин. Ушбу хулосалар ўзбек номшунослигида ҳозирга қадар мавжуд бўлган илмий тасаввурларни кенгайтиришга, вилоят топонимияси ҳақида маълум даражада илмий тасаввур ҳосил қилишга, шунингдек, ўзбек номшунослиги бўйича дарслик, ўқув қўлланма ҳамда изоҳли ва имло луғатларини тузишда асос вазифасини бажаради.

Бухоро тумани ҳудудида мавжуд топонимлар алоҳида бир илмий тадқиқот учун асос бўла олади. Чунки мазкур ҳудудда 14 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 19 та маҳалла фуқаролар йиғини, 168 та аҳоли пункти, 38 та кўча, 33 та некроним мавжуд бўлиб, жами топонимлар 272 тани ташкил этади. Мазкур рўйхатга йўллар, кўчалар, кумликлар, ер майдонлари, боғ номлари, тепа номлари, гидронимларни ҳам киритадиган бўлсак, салмоқли материал мавжудлиги маълум бўлади.

Ҳар бир ном ўз тарихи, пайдо бўлиш жиҳатлари ҳамда лексик-семантик ва этимологик хусусиятларига эга бўлиб, уларни алоҳида илмий иш материали сифатида тадқиқ этиш нафақат тарихимиз, балки тилимизнинг бой ўтмиши ҳамда бошқа бир қатор кенг имкониятларидан хабардор бўлиш учун замин вазифасини бажаради.

Ҳудуд топонимиясини ўрганишни бир қанча йўналишларга ажратиш мумкин. Булар сирасига топонимларнинг лексик-семантик, этимологик, морфем ҳамда ясалиш жиҳатларини киритиш мумкин.

Бухоро тумани ҳудудидаги топонимларнинг мавзу гуруҳига қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- табиий-географик шароитга мос номлар: *Боғидашт, Қумработ*;
- ҳудудида бирор объектнинг мавжудлигига ишора қилувчи номлар: *Бешариқ, Кўҳна масжид*;
- жойлашиш ўрнига ишора қилувчи номлар: *Кунжи қалъа, Чуқурработ*;
- аҳолининг касб-кори, машғулотига ишора қилувчи номлар: *Бахмалбоф, Гилембоф, Қуттисоз*;
- аҳоли пунктининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган номлар: *Денов, Янгиобод*;
- аҳолисининг ёки бирор шахснинг ижтимоий мавқеи билан алоқадор бўлган номлар: *Хўжаҳайрон, Хўжаработ, Шайхонча, Шайхлар*;
- бевосита шахс номи билан алоқадор номлар: *Дехқожи, Работишон, Қавола Маҳмуд, Қози Саид, Ҳазратбобо*;
- лақабга асосланган номлар: *Шалғамхўрон, Чаппа, Ҳасанаттор*;
- уруф-элат билан алоқадор номлар: *Арабхона, Афғонон, Маликон, Работи қалмоқ, Сўфиён, Туркон, Урганжихона, Хитоён, Хўжаработ, Ўзбекон, Қоракўлиён*.

Биз Бухоро тумани микротопонимиясини ўрганишга бағишланган тадқиқотда юқорида саналган мавзу йўналишларини янада кенгроқ баён этишни режалаштирганмиз.

Бухоро тумани топонимларининг морфем хусусиятлари ҳақида гапиришдан олдин уларнинг ҳам Ўзбекистон топонимиясида кузатилганидек, содда ҳамда мураккаб тузилишга эга кўринишлари борлигини қайд этиш лозим.

Туман ҳудудида мавжуд содда топонимлар сирасига *Арабхона, Афғонон Ёбухона Ипакчи Шайхлар, Мокисоз, Амиробод, Дўстлик, Регзор, Чақмоқ, Соҳибкор* кабиларни киритиш мумкин. Булардан айримлари содда туб, айримлари эса содда ясама шаклга эга. *Регзор, Афғонон, Ёбухона* каби номлармисолида таркибидаги айрим элементнинг бугунги кунда мустақил қўлланмаслиги сабабли яхлит ҳолга келиб қолган бирликларни ҳам қайд этиш мумкин.

Сўзларда мураккаб таркиблилик деганда уларнинг бир неча луғавий асосдан таркиб топганлиги назарда тутилди. Бунда сўз таркибида мустақил маъно англатган икки ва ундан ортиқ ўзак морфема мавжудлиги қайд этилади. Худди шундай ҳолат Бухоро тумани топонимларида ҳам кузатилади.

Бухоро тумани топонимлари гуруҳида *Бешариқ, Галаосиё, Қавола Маҳмуд, Ҳасанаттор*, шунингдек, работ элементи иштирок этган *Работи қалмоқ Работи тўпчи Работи эшон, Работиқози, Хўжаработ, Работимиржон, Работиболо, Работипоёнқаби* кўплаб мураккаб тузилишга эга бўлган бирликлар учрайди.

Юқорида қайд қилинган топонимларнинг морфем жиҳатларини атрофлича тадқиқ этиш тарихимизни ўрганиш, қолаверса, бугунги кун тилшунослигимиз учун ҳам муҳим саналади.

Шунингдек, Бухоро тумани ҳудудида йўллар (годоним), кўчалар (дромоним), кўликлар, ер майдонлари – дала, ҳайдалган ер, экин майдони (агроним), боғ номлари, тепа номлари, гидронимлар (бу гуруҳга қудуқлар, ҳовузлар, ариқлар, кўприклар киради), некронимлар (бу гуруҳга авлиё, мазор, қабристон, зиёратгоҳ, хонақо, масжид кабилар киради) ҳам мавжудки, булар ҳам бугунги кун тилшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этилиши лозим.

Хулоса. Хуллас, Бухоро тумани микротопонимияси алоҳида бир тадқиқот учун асос бўла олади. Ушбу тадқиқотда ҳудуд топонимиясининг лексик-семантик, этимологик, морфем ҳамда ясашиш жиҳатлари тўлақонли акс эттирилади. Бухоро тумани топонимиясининг юзага келиши ва ривожини ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг узоқ тарихий ўтмиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-маънавий ҳаёти этник турмуши билан узвий боғлиқ бўлиб, нафақат тилшунослик (номшунослик) соҳаси учун, балки тарих, география, этнография, маданият ва маънавият тарихи учун ҳам қимматли материаллар бера олади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. **Найимов С.Н.** Ойконимы Бухарской области: Автореф. диссер... канд. филол. наук. – Т., 1984. – 19 с.
3. **Аслонов А.** Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили. Филол.фанлари.номзод.дис.автореф. – Т., 2005. – 26 б.
4. **Қиличев Б.Э.** Бухоро этнотопонимлари ва уларнинг этимологик хусусиятлари //БухДУ илмий ахбороти, 2018 йил, 1 сон, - Б. 64-67.; Қиличев Б., Адизова Н. Бухоро тумани этнотопонимлари // “Тилшунослик ва методика масалалари” Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2-чиқиши, 2009. – Б. 12-14; Вухоро etnooykonimlari //Тилнинг лексик-семантик тизими ва қиёсий типологик изланишлар. Материаллар тўплами. – Т.: Мухаррир 2012. – Б. 29-32.
5. **Ҳалимов Т., Қобилов И.** Ромитандаги табаррук зиёратгоҳлар. – Бухоро, 1995; Қадимий ва навқирон Ромитан. – Тошкент, 1997; Жой номлари маъноси (Ромитан ҳудуди бўйича). Ўлка тарихини ўрганишга оид рисола. – Бухоро, 2002. – 36 б.

УДК 811.512.133

СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ: КОННОТАТИВ МАЪНОЛАР

СЛОВА О СЛОВЕ: КОННОТАТИВНЫЕ ЗНАЧЕНИЯ

A WORD ABOUT A WORD: CONNOTATIVE MEANINGS

Норова Мавлуда Файзуллоевна

БухДУТИ инглиз тили кафедраси ассистенти

Таянч сўзлар: сўз, семантика, денотатив маъно, коннотатив маъно, фонетика, фоностилистика, фонографик, унли, ундош.

Ключевые слова: слово, семантика, денотативное значение, коннотативное значение, фонетика, фоностилистика, фонографический, гласный, согласный.

Key words: word, semantics, denotative meaning, connotative meaning, phonetics, phonostylistics, phonographic, vowel, consonant.

Мақолада сўзнинг семантикаси, унинг маъновий серқиррали, сўздаги денотатив ва коннотатив маъноларнинг ифодоланиши ҳамда сўзнинг фонетик, фоностилистик ҳамда фоносемантик хусусиятлари ҳақида фикрлар баён этилган.

В статье дается представление о семантике слова, его значимой универсальности, выражении денотативного и коннотативного значений слова, а также фонетические, фоностилистические и фоносемантические особенности этого слова.

The article gives an idea about the semantics of the word, its significant versatility, the expression of denotative and connotative meanings of the word, as well as the phonetic, phonostylistic and phonosemantic features of the word.

Кириш. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев республикамиз олимлари маданият ва санъат ходимлари, ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан учрашувларида она тилимизни эъзозлашга ва уни янада ривожлантиришга даъват этдилар. Ўзбек миллий адабий тили тарихи, шевалари, айниқса, нутқ маданиятини янада такомиллаштириш, чуқурроқ ўрганиш вазифасини кўйдилар. Ўз маърузаларида нафақат она тилимиз, балки чет тилларини пухта эгаллашга чақирдилар. 2016 йил май ойида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши тилимизга бўлган алоҳида эътиборга яққол мисолдир. Дарҳақиқат, она тилини мукамал ўрганмай туриб, бирор бир илмий муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Тилнинг асосини сўз ва сўз шакллари ташкил этади. Ушбу ишимизда сўз хусусида сўз юритишни, унинг ички ва ташқи томонида ифодаланган маъноларини очишни вазифа қилиб олдик.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар серқирра ва чексиздир. Худди шунингдек, инсонлар орасидаги энг муҳим алоқа ва аралашув воситаси бўлган тил ҳодисаси, уни шакллантирувчи сўз ва сўз шакллари ҳам ниҳоятда серқирра ҳисобланади. Сўзга шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, дастлаб унда икки томон кўзга ташланади: биринчи ташқи кўриниш, иккинчиси ички кўриниш, яъни моҳият – мазмундир.

Фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, буларнинг ҳар бири ўзаро боғланган кичик бир кўринишлар система (тизим)лардан иборат яхлит бир система (тизим)ни ташкил қилади. Ана шу тизимчалар нуқтаи назаридан сўз тизимини яхлит ўрганиш, таҳлил этиш, унинг ички ва ташқи моҳиятини янада чуқурроқ, теранроқ англашга ёрдам беради.

Асосий қисм. Жаҳон тилшунослигида сўз хусусида дарсликлардан ташқари, алоҳида монография, илмий мақола ҳатто бадиий асарларда қимматли фикрлар баён қилинган [1;2;3;4;5]. Диққат қилинса, сўз хусусидаги маълумотлар энг қадимги асар намуналари ҳисобланган халқ мақолларида келтирилган:

Яхши сўз жон озиғи,

Ёмон сўз жон қозиғи.

Яхши сўз билан илон инидан чиқар,

Ёмон сўз билан пичоқ қинидан.

Демак, сўзнинг ёқимлиси бор ёки ёқимсизи. Яхшиси ёки ёмони бор. Бобокалонларимиз Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий асарларининг катта-катта бобларини сўз маънолари уларнинг илоҳий хусусиятларига бағишлаганлар. Хусусан, улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида сўз ва унинг моҳияти ҳақида баён қилган фикрлари ниҳоятда қимматлидир. У кишининг мақолга айланиб қолган сўз ҳақида қуйидаги афоризмларини ҳамма ёд билади:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,

Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билгилки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Алишер Навоий нафақат сўз ва унинг моҳияти, балки қўлланиш усулларини ҳам ўзларининг “Муҳокаматул-луғатайн” асарларида илмий таҳлил ва тасниф қилганлар. Бу асар ўзига хос назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

“Гуҳари шариф” ҳисобланмиш — сўз хусусида биз ҳам айрим мулоҳазаларимизни баён этишга жазм қилдик.

Товуш ёки товушлар тизими, маъно ёки маънолар ифодасидан иборат, грамматик жиҳатдан шаклланган бирлик— сўз киши онгида дастлаб икки мазмунда намоён бўлади: ташқи шакл (кўриниш) ва ички мазмун (маъно) ифодаси.

Сўзларда юқорида қайд қилинган икки: ички ва ташқи томон тилшуносликнинг барча соҳалари учун тадқиқот манбасидир. Жумладан, фонографияда сўзнинг товуш ва ёзилиши: ҳарфлар тизими, уларнинг ёзувдаги кўринишлари (бош ҳарфлар, чизиқча-чизиқча билан ёки турли шакл ва бўёқлар билан ёзилганлиги ва ҳ.к) кўзга ташланади ва диққатни тортади. Сўзнинг ташқи томони, яъни шакли ҳам коннотатив (қўшимча бўёқ) маъносига эга[6]. Сўзнинг товуш, талаффуз томони, яъни оҳанг, интонация, ритм ва бошқалар турли хил бошқа-бошқа қўшимча маънолар ифодалайди. Айни шу қўшимча коннотатив маънолар руҳимизда турли ҳиссий кайфият ва муносабатларни ҳосил қилади. Қуйида келтирилган нутқий парчадаги тагига чизилган сўзлар талаффузи ва маъносига диққат қилинг:

Автобус бекатида бир кампир дугонасидан сўради:

— Қаерда ишляяпсан?

— Министрликда!

— Оҳҳо...о...о!

— Ким бўлиб ишляяпсан?

— Хизматчи, супурувчи.

— Аҳҳа ... а ... а!

Маълум бўладиги, инсонлар товуш ёрдамида нафақат фикр билдиради, балки ўз ҳиссиётини ҳам ифода этади. Бундай ҳиссиёт нафақат товушлар талаффузида, балки фоностилистик воситалар (интонация, бўғин, урғу)да ҳам ифодаланади. Кўринадиги, фоностилистик воситалар ранг-баранг ва серқиррали бўлиб, улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Бу соҳада Европа ва рус тилшунослигида қатор монография ва илмий мақолалар чоп этилган. Ўзбек тилшунослигида эса профессорлар А.Ғуломов [7], А.Абдуазизов [8], С.А.Каримов [9]ларнинг хизматлари ниҳоятда катта.

Ўзбек тилшунослигида коннотатив маъноларнинг ифодаланиши бўйича Г.Яхшиева [10], А.Ҳайдаровлар [11] номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Профессор С.Каримов эса алоҳида монография чоп этди [9]. Бу изланишларда коннотатив маънонинг юзага келиши, нутқда қўлланиши ҳақида фикрлар баён қилинган. Лекин товушларнинг семантикасига, яъни ички ва ташқи (ингерент ва адгерент) коннотацияси етарлича очиб берилмаган. Асосий диққат уларнинг услубий томонларига қаратилган. Шунингдек, ўзбек тили фоностилистик воситалари қардош ёки ноқардош тиллардаги худди шундай воситалар билан қиёслаб таҳлил қилинмаган.

Ҳолбуки, тилларни фоностилистик қиёслаб ўрганиш, энг аввало, мазкур тиллардаги сўзларнинг семантик структурасини тўла англашга ёрдамлашади. Шунингдек, бадиий асарлар, айниқса шеърий матнларда ифодаланаётган қўшимча маъно бўёқларини ҳиссий таъсирчанлигини тез англашга кўмаклашади. Айни замонда таржима асарларининг бадиий қийматини оширади. Бу ҳақда кейинги ишларимизда батафсил фикр юритамиз.

Назаримизда, нутқ товушларини фонетик, фоностилистик ва фоносемантик жиҳатдан алоҳида-алоҳида ўрганиш, айни замонда яхлит бир тизим сифатида тадқиқ қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.Тилдаги фонемалар ўзининг асосий вазифаси сўз маъноларини фарқлаш билан бирга, яна киши онгига таъсир қилиш, яъни экспрессив вазифани ҳам бажаради [12]. Тингловчи эса фонемалардаги бу хусусиятларни товушлар воситасида англайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўз таркибидаги бирор бир товушнинг талаффузидаги ўзгариш (чўзиш, алмаштириш, тушириб айтиш, орттириш) маънога дарҳол таъсир қилади. Бунда сўзнинг денотатив маъноси ўзгармай, коннотатив маъноси ўзгаради. Алоқа-аралашувда бу катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, ўзбек тилидаги **унли** фонемаларнинг барчаси қаттиқ-юмшоқлик, чўзиқ-қисқалик вариантларига эга. Бу ҳол уларда қўшимча эмоционаллик ҳосил қилади. Масалан, “**И**” **унли** фонемаси бошқа тил вакиллари ёки ўзбек тили шеваларида чўзиқ айтилиши: би:з, си:з каби (икки

нуқта чўзиқлик белгиси) Бухоро шеvasи вакиллари нутқида учрайди. Худди шунингдек, Хоразм шеvasи вакиллари нутқида “а” фонемасининг юмшоқ ва қаттиқ вариантлардаги талаффузи улар нутқини мулойим ва таъсирчан қилади. Бу борада Г.Яхшиева куйидаги фикрни ёзади: “Сўзлардаги унли товушларни чўзиб талаффуз қилишдаги коннотатив маънолар улар ўзаро синтагматик муносабатга киришганида янада яққол сезилади. Жумладан, “эшитиб” сўзининг “ўтир” сўзи билан “и” унлисининг чўзиб айтилиши ҳолатида. Яъни “эши-ти-иб ўти-ир” шаклидаги айтилишида: буюриш, ундаш, диққатни жалб қилиш, таъкидлаш, мажбурийлик, мағрурлик, тинчлантириш, гапиртирмаслик каби қатор кўшимча маънолар ифодалангани” [10, 7]. Унли товушларнинг талаффузи билан боғлиқ қатор коннотатив маъноларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотларни талаб этади.

Сўзлар талаффузида **ундош** товушларни шакллантириш, такрорлаш, уларнинг ўрнини алмаштириш, тушириб қолдириш ва бошқалар турли хил коннотатив маънолар ҳосил қилади. Мумтоз адабиётда қўлланган айрим сўзларнинг ёзилиши ва талаффузи ўз даври учун меъёр ҳисобланган, нейтрал бўёқлидир:

Бедорларга Ҳақ раҳмати **бўлур ёвуқ**,

Бедорларнинг кўнгли **синуқ**, кўзи **ёшлуқ** (А.Навоий).

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил (А.Навоий).

Мисралардаги “бўлур ёвуқ”, “синуқ”, “ёшлуқ”, “қаро”, “кўзум” сўзлари ҳозирги нутқимизда услубий бўёқлидир. Бундай ҳолат кўпроқ бадиий нутқ услубига хос бўлади. Ёзувчилар асар қаҳрамонларининг турли ҳолати, характер хусусиятини тўлақонли акс этириш учун фойдаланадилар.

Жумладан, улкан адиб А.Қодирий “Ўтган кунлар” асарида роман қаҳрамонларидан бири Муталнинг ички изтиробини, ҳис-туйғусини ниҳоятда кучли эканлигини реал тасвирлаш учун унинг нутқидаги айрим сўзларнинг фонетик қиёфасини ўзгартириб қўлаган:

– Раҳмат, Ҳ-омид ака, сиз, ж-жонни аямасангиз, м-мен ҳам йўлингизда бошни тикаман... (“Ўтган кунлар”, 331-б).

Оғзаки нутқда ундош товушларнинг чўзиб талаффуз қилиниши сўз таркибида уларни иккилантириб айтиш, ёзма нутқда уларни иккилантириб ёзиш орқали рўёбга чиқарилади. Бу орқали таъкид, қаҳр-ғазаб, таажжуб, эсанкираш, қўрқинч, ҳовлиқиш, нутқий камчилик каби қатор коннотатив маънолар юзага келтирилади. Чоғиштиринг: -Нима? -Ним-ма? Тоза-Тозза; мен-м...мен, сен-с.с.сен; одамлар-одамларrrr! Сўздаги товушларни қисқартирган ҳолда иккилантириб айтишда ҳис-ҳаяжоннинг янада кучли кўриниши киши номлари (антропонимлар)да учрайди. Бунда эркалаш, суюш, яқинлик акс этади. Чоғиштиринг: Мушарраф-Мушши, Матлаб-Матти, Муҳаббат-Мабат.

Қизиғи шундаки, барча исмлар ҳам эркалаб айтиш хусусиятига эга эмас: Эргаш, Эркин, Эрмат каби. Коннотация ҳодисаси нафақат фонетик бирликлар, балки нутқнинг лексик, грамматик воситаларига ҳам хосдир.

Куйида лексик бирликларга хос коннотатив маънолар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Тилшуносликка оид илмий ва методик адабиётларнинг деярли барчасида сўзда икки хил маъно: аташ, номлаш (денотатив) ва кўшимча эмоционал-экспрессив (коннотатив) маънолар мавжудлиги қайд этилган [13;14;8;10].

Луғавий коннотация, сўзнинг коннотатив маънолари ва уларнинг кўринишлари ҳақида В.И.Говердовский [6], Н.Г.Кольшанский [15] каби олимлар асарларида қимматли фикрлар бор.

Коннотатив маъно сўз семантик структурасидан денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг. Илмий терминлардан ташқари деярли барча сўзлар коннотатив маънолидир. Бу ўринда нутқимиздаги айрим сўзларнинг коннотатив маънолари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Синонимлар. Шакллари ҳар хил аммо маънолари бир-бирига яқин бўлган сўзлар, яъни синонимлар кишилар орасидаги алоқа аралашувда муҳим аҳамиятга эга. Инсонлар ўз фикр ва ғояларини, нутқидаги барча маъно қирраларини тушунарли ва ёрқин, равшан ва жозибадор, ширали ҳамда таъсирчан қилиб ифодалаш учун маънодош сўзлардан унумли фойдаланадилар. Синонимлар, уларнинг маъно ва услубий хусусиятлари ўзбек тилшунослигида бир қадар ўрганилган [16;17;18]. Аммо синонимиядаги коннотатив маънолар, уларнинг ўзаро муносабати, ҳиссий таъсир кучининг миқдори, сўзлар

парадигматик ва синтагматик муносабатга киришганида қўшимча маъно муносабатининг ўзгариши алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Нутқимиздаги синонимия билан боғлиқ коннотатив маъноларни қуйидаги меъёрлар асосида ўрганиш мумкин:

– сўз семантик структурасига кўра: денотатив-коннотатив;

– коннотатив маъно муносабатининг ифодаланишига кўра: бетараф ёки ижобий бўёқли: чиройли (бетараф)-латофатли (бўёқли); юз (бетараф)-чеҳра (бўёқли); -ҳа (бетараф)-лаббай (бўёқли). Юз (бетараф)-афт (салбий бўёқли); чиройли (бетараф)-хунук (салбий бўёқли); -ҳа (бетараф)-бало (салбий бўёқли).

– коннотатив маъно миқдорий даражасига кўра:

а) ижобий: чиройли-латофатли-хушрўй-гўзал; юз-чеҳра-ораз; ҳа-лаббай-жон.

б) салбий: хунук-бадбашара-тасқара; ҳа-бало-ўлим.

Қайд қилинганидек, синонимик қатордаги коннотатив маъноларни аниқлашда яна қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

– қўлланиш стилига кўра: бетараф ёки юқори кўтаринки (возвышенный). Чиройли (бетараф)-хушрўй, гўзал, кетиворган (юқори кўтаринки); чиройли (бетараф)-хунук, бадбашара, тасқара (кўтаринки). Юз (бетараф) – чеҳра, жамол, ораз (кўтаринки); юз (бетараф) – афт, башара (кўтаринки).

– нутқнинг вазифавий услубларига кўра: сўзлашув ёки бадий. Чоғиштиринг: югур (бетараф), ғизилла, учиб бор (сўзлашув); кет (бетараф), йўқол (сўзлашув); дўст (бетараф), шишадош (сўзлашув); ёр (бетараф), жонон (бадий); фарзанд (бетараф), дилбанд (бадий); йиғлади (бетараф), сиқтади (бадий) ва ҳ.к.

Худди синонимларда бўлганидек, ўзбек тилининг луғат бойлиги ҳисобланган эскирган сўзлар, янги сўзлар, жаргон ва арголар, варваризм ва вульгаризмларда ҳам коннотатив маънолар мавжуд бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш лозим.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, тил ва нутқимиздаги коннотатив маънолар ўзбек тилшунослигида бир қадар ўрганилган.

Коннотатив маънолар тилнинг барча ярусларида (терминлардан ташқари) учрайди. Изланишларимиз коннотатив маъноларни фоностилистик жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кўрсатди.

Нутқ товушларида ички ва ташқи маъно мавжуд бўлиб, ташқи маъносида эмоционал-экспрессивлик кучли ифодаланади. Айниқса, унли товушларнинг турлича талаффузида коннотатив маъно очиқ кўринади. Сўзлар парадигматик ва синтагматик муносабатга киришганида эса, улардаги коннотатив маънонинг барча қирралари очиқ намоён бўлади.

Синонимлардаги коннотатив маъноларни аниқлаш бўйича биз қўллаган усулдан бошқа лексик бирликлардаги қўшимча бўёқларни аниқлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ўзбек тилида ифодаланган коннотатив маъноларни бошқа тиллардаги шундай маънолар билан қиёсий ўрганиш тилшуносликда янги илмий хулосаларга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Слово и образ. – М., 1964. – С. 270.
2. **Виноградов В.В.** Основные типы лексических значений слово //Вопросы языкознания. – М., 1963. - №5. – 43-48 с.
3. **Селиверстова О.Н.** Компонентный анализ многозначных слов. – М., 1975. – С. 194.
4. **Дониёров Х., Мирзаев С.** Сўз санъати. –Т.: 1962. – С. 67.
5. **Қўчқортоев И.** Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Т.: 1977. – 5-7 б.
6. **Говердовский В.И.** Коннотативная структура слова. – Харьков, 1989. – С. 96.
7. **Ғулумов ва б.** Ўзбек тили дарслиги. 9-синф учун. –Т., 1986. – 87 б.
8. **Абдуазизов А.** Фоностилистик воситаларни ўрганишга доир //Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. 2-сон. – 48-52 б.
9. **Каримов С.** Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Самарқанд, 2016. – С. 149.
10. **Яхшиева Г.** Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол... фан.номз.дисс... – Т.: 1996. – 43 б.
11. **Ҳайдаров А.** Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. – Т., 2017. – 117 б.
12. **Трубецкой Н.С.** Основы фонологии. – М., 1960. – С. 22.

13. Голуб И.Б. Стилистика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 30.
14. Гальперин И.В. Очерки по стилистике английского языка. – М., 1958. – С. 62.
15. Кольшанский Н.Г. Соотношения субъективных и объективных факторов в языке. – М., 1975. – С. 58.
16. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 124.
17. Дониёров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – 9 с.
18. Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Т.: Фан, 1982. – 82 б.

УДК 81.1:82.09:81.255.4

ҒАРБ ОЛИМЛАРИНИНГ СЕМАНТИКАГА ОИД ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**ВЗГЛЯДЫ ЗАПАДНЫХ УЧЁНЫХ НА СЕМАНТИКУ И ЭТАПЫ ЕЁ РАЗВИТИЯ
THE VIEWS OF WESTERN SCHOLARS ON SEMANTICS AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT**

Машарипова Наргиза Отахоновна

УрДУ таянч докторанти

Таянч сўзлар: тил, маъно, семантика, семасиология, табиий тил, сунъий тил, фалсафа, мантик, тилшунослик, референт, назария.

Ключевые слова: язык, значение, семантика, семасиология, естественный язык, искусственный язык, философия, логика, лингвистика, референт, теория.

Key words: language, meaning, semantics, semasiology, natural language, artificial language, philosophy, logics, linguistics, referent, theory.

Мазкур мақолада тилшуносликнинг ажралмас қисми бўлган семантика соҳасининг пайдо бўлиш тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот берилган. Бунда тилшунос, файласуф, мантиқшунос олимлар нуқтаи назаридан “маъно” атамасининг талқини хусусида қисқача изоҳлар келтирилган ва бир қанча лингвистик мактаб-намояндалари йўналишлари таҳлил қилинган.

Статья посвящена истории возникновения семантики, как неотъемлемой части лингвистики, и этапам ее развития. Даны интерпретация термина «значение» с точки зрения лингвистов, философов, логиков и анализ направлений нескольких лингвистических школ.

The article deals with the history of emergence of semantics as an integral part of linguistics and its stages of development. The interpretation of the term “meaning” by linguists, philosophers and logicians has been given in the article. The analysis of directions of several linguistic schools has also been presented.

Кириш. Тил инсон тафаккур қобилиятини шакллантирадиган ва тинимсиз бойтадиган манбадир. Шу ўринда тил таърифи ҳақида гап кетар экан, бу ҳақда «Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир» (Ф.де Соссюр); «Тил одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган механик ҳаракатидир»; «Тил фикрни ифода қилишга мўлжалланган, талаффуз қилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир» (Б.Гроссе) каби кўплаб фикр ва қарашларни келтиришимиз мумкин.

Асосий қисм. Тилнинг тафаккур, инсоннинг когнитив қобилияти ривожиди ҳал қилувчи роль ўташини қайд этар эканмиз, лисоний фаолликда маъно ифодаси етакчилик қилишини эътироф этишга ҳам мажбурмиз [1]. Семантика сатҳининг ўрганиш объекти хусусида чексиз баҳс-мунозараларни муҳокамага тортишимиз мумкин, зеро, қачонлардир поляк семасиологи Адам Шафф айтган сўзларини ёдга олайлик: «Бугунги кунда семантика илмий тадқиқот соҳаси сифатида шунчалик мураккаблашиб бормоқда ва терминнинг ўзи ҳам шу қадар кўп маънолик касб этмоқдаки, агар биз кўнгилсиз чалкашликлар ва мантиқий ноаниқликлардан қочишни истасак, семантика сўзининг ўзини семантик таҳлилга

тортишимиз лозим бўлади» [12]. Маълумки, «семантика» сўзи юнонча «*semaino*»-англатмоқ, «*semasia*»-маъно сўзларидан келиб чиққан. Жаҳоннинг энг йирик маъношуносларидан бири бўлган, икки жилдли «Семантика» рисоласининг муаллифи Жон Лайонз (*Semantics. 2 vols. Lyons 1977*) семантикани қуйидагича таърифлайди: «Для меня семантика – это, поопределению, наука о значении, алигвистическая семантика–наукао значении в той мере, в какой значение систематическико дируется в словаре и грамматике (так называемых) естественных языков. Такое определение лингвистической семантики, как таковое, невстречает возражений. Но при этом оно остается почти полностью не информативным, пока не будет сказано далее, во-первых, что имеется в виду под «значением» и, во-вторых, что имеется в виду под «кодированием» в данном контексте» [8].

«Семантика лисоний белги воситасида номланаётган умумий хусусиятларга эга бўлган нарсалар гуруҳи ёки иштирокчилари учун инвариант бўлган ва уларнинг муносабатларини боғлайдиган нолисоний вазиятлар гуруҳи ҳақидаги маълумотни ифодалайди» [3]. Семантика ва маъно тушунчалари таҳлили хусусида гап борар экан, ҳар бир табиий тил кесимида «маъно» атамаси камида 2 та эквивалентга эга эканлиги эътибордан четда қолмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз:

ўзбек тилида: *маъно* ва *мазмун*,
 рус тилида: *смысл* ва *значение*,
 немис тилида: *Sinn* ва *Bedeutung*,
 инглиз тилида: *sense* ва *meaning*,
 болгар тилида: *смисъл* ва *значение*,
 венгер тилида: *jelentoseg* ва *ertelem*» [5].

- Сўзнинг маъноси предмет, ҳодиса ёки муносабатнинг (ёки воқеликнинг алоҳида элементлари тасвиридан тузилган ўхшаш характердаги психик тузилманинг) онгдаги аксидир. Бу акс (тасвир) сўзнинг структурасидан унинг ички томони сифатида ўрин олади ва унга нисбатан сўз талаффузи материал, қобиқ хизматини бажаради. Бу қобиқ нафақат маъно ифодалаш ва уни бошқаларга етказиш учун, балки ўзининг ҳосил бўлиши, тузилиши, мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун ҳам зарурдир [11].

- Маъно предмет ҳақидаги фикр бўлиб, бу фикр ички форма (аниқроғи тасаввур) ҳамда шаклланаётган ёки шаклланган тушунча негизида ҳосил бўлади [2].

- Маъно-бирор бир объектнинг кундалик турмуш, эстетик, илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ва бошқа фаолиятларни бажараётган шахслар учун нимани англатишини билдиради [6]. «Маъно» тушунчаси ҳақида юқоридаги каби кўплаб таърифларни келтиришимиз мумкин. Ушбу изоҳлардан шу нарса аён бўладики, мантиқшунос ва тилшунос олимлар томонидан маъно ҳодисасига билдирилаётган муносабат, қарашларнинг турли-туманлиги семантикани назарий жиҳатдан бардамлаштириб, семантик материални тизимлаштириш орқали амалиётга татбиқ этиш борасида бажарилаётган ишлар кўламини кенгайтиришга ундайди.

Ва айнан маъно тадқиқи билан шуғулланадиган семантика фани тарихига назар ташлар эканмиз, унинг бошқа кўплаб фанлар каби аниқ бир пайдо бўлиш ва келиб чиқиш даврини аниқлаш ёки белгилаш мумкин эмаслиги барчамизга кундек равшан, назаримизда. Тилнинг маъно мазмуни ва функциялари ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш лисон тадқиқиға қизиққан ҳар қандай фалсафий йўналишга хос бўлган хусусиятдир. Шу нуқтаи назардан немис тилшунос олими Х.Кронассер семантика тарихига бағишланган кўлёмасида қадимги юнон фалсафаси намояндаларидан Платон (милоддан аввалги 427-347) ва Аристотель (милоддан аввалги 384-322) ижодида маъно моҳияти таснифи ва тадқиқиға бўлган илк уринишлар кузатилишини таъкидлаб ўтган [19]. Шу билан бир қаторда, семантика ҳақидаги илк қарашлар Хитой фалсафасида (моизм, минцзя ва бошқа мактаблар) ҳам ўз аксини топган, десак муболага бўлмайди. Семантиканинг мустақил соҳа сифатида пайдо бўлишини Х.Кронассер инглиз файласуфи Дж.Локк асарининг кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этилиши билан боғлайди ва XVII аср ўрталарига тегишли деб ҳисоблайди (Locke 1660) [7]. «Лингвистик семантика» (лингвистическая семантика) атамасининг яратилиши эса XIX асрга тегишлидир, деган қараш мавжуд. 1839 йилда немис тилшуноси К. Райзиг фанга «маъно ҳақидаги фан» – «семасиология» (нем.

Semasiologie, шунингдек юнонча “semaino” – англатмоқ, “semasia” – маъно) терминини киритади ва уни грамматик соҳалардан бири сифатида тадқиқ этади [20].

1883 йилда фаранг тилшуноси М.Бреаль фанга «семантика» атамасини таклиф қилади (фр. *la semantique*, Breal 1883), 1878 йилдаёқ бу атамани А. де Губернатисга ёзган мактубида қўллаган эди. Тарихий санадан 14 йил ўтиб, тилшуноснинг машхур «*Essai de semantique. Science des significations*» (Breal, 1897) номли китоби нашрдан чиқади. *Семасиология* ва *семантика* атамалари эса айрим тилшунос олимларнинг саъй ҳаракатларига қарамасдан, XX асрнинг 60-йилларигача ўз истеъмол ва рақобат доирасини йўқотгани йўқ. Шу ўринда, С.Уллманнинг 1951 йилда инглиз тилида чоп этилган “*The principles of semantics*” (Ullmann, 1959) асари ва Х. Кронассернинг немис тилида ёзилган “*Handbuch der Semasiologie*” (Kronasser, 1952) китобларининг дунё юзини кўришини ҳам таъкидлаб ўтиш даркордир. Сўнгра В.А.Звегинцев муаллифлигида “*Семасиология*” (Звегинцев, 1957) номли китоб нашр этилади. А.Норен томонидан таклиф этилган *семология* ва К.Коллен киритган *сематология* атамалари эса ўз таъсир кучига эга бўлмай, оммавий фойдаланиш коэффицентининг пастлиги туфайли истеъмол доирасидан чиқиб кетади.

Асосий йўналишлар ва замонавий лингвистик семантика мактаблари ҳақида гап кетар экан, инглиз файласуф-мантиқшуноси У.Куайн (Quine, 1973) уларни, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, «кучли (ташқи)»– сильная (внешняя) ва «кучсиз (ички)»– слабая (внутренняя) семантикага тегишли мактабларга ажратади[5]. Иккала оқим вакиллари ҳам семантиканинг ўрганиш соҳаси тил бирликларининг маъно тадқиқи деб ҳисоблашса-да, маъно тушунчасини турли йўсинда талқин қилишади.

«Ташқи семантика» моҳиятан мантиқ бўлими ҳисобланадиган мантиқий семантика вариантини ифодалаб, мантиқий нуқтаи назардан у ёки бу борлиқ модели орқали тил талқини, изоҳини ўрганади. Ўз-ўзидан маълумки, тилшуносликда фикр, ғоялар ва формал мантиқ аппарати табиий тил бирликлари талқини учун қўлланилади. Бу йўналиш намоёндалари мантиқ анъаналарига риоя қилган ҳолда, тил бирлиги маъно-мазмунини тавсифламоқ бу қоидани таърифламоқдир ва шу орқали ҳақиқий оламда ёки баъзи олам моделлари доирасида маълум бир тил бирлигига нима мос келишига аниқлик киритишдир, деб ҳисоблашади. Табиий тил кучли семантикаси муаммолари устидаги илмий тадқиқотлар жараёнида тилшунос олимлар билан бир қаторда мантиқшунос олимлар иштирокини ҳам кузатиш мумкин. Улар қаторига У.В.О.Куайн, Д.Дэвидсон, С.Крипке, П.Стросон, З.Вендлер [9] ва бошқаларни киритиш мумкин. *Формал семантика* “ташқи” семантиканинг энг эътиборли, нуфузли мактаби саналади. Унинг асосчиси америкалик мантиқшунос, файласуф олим Ричард Монтегю (Montague 1974) ҳисобланади. Шу мактаб вакиллари сифатида Д.Льюиз (Lewis 1972, 1975), Б.Парти (B.ParTEE), Э.Кинен (E. Keenan), Х.Камп (H.Kamp), И.Хейм (I.Heim) каби тилшунос олим ва файласуфларни келтиришимиз мумкин. Барбара Парти (Barbara Hall ParTEE) «Полит. ру Оммавий маърузалари» («Публичные лекции Полит.ру», 2012, Россия) лойиҳасида «Формал семантика фалсафа ва тилшунослик натижаси сифатида» («Формальная семантика как порождение лингвистики и философии») мавзусида қилган маърузасида формал семантиканинг ота-онаси аслида иккита эмас, балки учта, яъни мантиқ, фалсафа ва тилшунослик эканлигини таъкидлаб ўтганди. Е.В.Падучева (Падучева 1985)нинг референция назарияси доирасида олиб борган тадқиқот ишлари «ташқи семантика» деб юритилаётган мазкур йўналиш равнақиға салмоқли ҳисса қўшди, дея оламиз. Шу ўринда, референция муаммолари кесимида тилшунослар Н.Д.Арутюнова (Арутюнова 1976, 1988), Т.В.Булыгина ва А.Д.Шмелев (Булыгина, Шмелев 1997), (Шмелев 1996), Г.Е.Крейдлин ва Е.В.Рахилина (Крейдлин, Рахилина 1981) ва Н.Д.Арутюнова бошчилигида РАН Тилшунослик институти қошида ташкил этилган, мунтазам ўтказилган “Мантиқий тил таҳлили” (“Логический анализ языка”, ЛАЯ 1988, 1989, 1990) номли семинар иштирокчилари бўлган бир қанча тилшунослар илмий изланишлар олиб боришган.

«Ички семантика» намояндалари тил бирликлари маъносини тасвирлаган дунёга эмас, балки инсон онги, шуурига тегишли бўлган туб ментал мазмун деб ҳисоблашади. Лисоний маъно – бу олам бўлаги, қисми эмас, балки уларнинг тасаввурда намоён бўлиши, онгдаги аксидир. Мухтасар айтганда, бу оқим вакиллари тилнинг ички муносабатлари ва

меъёрларини ўрганиш ва шу асосда тил ибораларини уларнинг семантик репрезентацияси билан солиштиришнинг ўзи етарли, деган ғояни илгари суришади. Бундай қараш бир қатор мазкур ёндашув тарафдорларининг «трансляция семантикаси» номи остида бирлашишига олиб келади [10]. Жумладан, «семантик назария» асосчилари Ж.Катц ва Ж.А. Фодор (Katz, Fodor 1964), (Катц 1981), «лексик маънонинг компонент таҳлили» устида тадқиқот олиб борган Э.Бендикс (Bendix 1966), Ю.Найда (Nida 1975), М.Бирвиш (Bierwish 1967) каби тилшунос олимлар, «маъно тили» концепцияси муаллифи А.Вежбицка (Wierzbicka 1980) каби тадқиқотчилар зикр этиш мумкин. Шу ўринда, 60-йилларда МГПИИЯ (Москва, Россия) компьютер таржимаси лабораторияси доирасида бирлашган тилшунослар, нафақат Ўрта Осиёда, балки бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам оммалашган «Москва семантика мактаби»нинг мустақкам пойдеворини қуришди. Булар қаторига «Смысл \leftrightarrow Текст» тил интеграл моделини ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатган Ю.Д.Апресян, И.А.Мельчук, А.К.Жолковский, Н.Н.Леонтьева, Ю.С.Мартемьянов, З.М.Шаляпин каби олимларни киритиш мумкин.

Хулоса. А.Е.Кибрик айтганидек, «тиллар оламининг охири йўқ ва бундай турли-туманлик шу даражадаки, ҳеч қандай илмий-назарий фантазия лисоний воқелик билан баҳслаша олмайди»[4]. Семантика тарихи масаласи ҳақида сўз юритар эканмиз, юқорида келтирилган қисқа таҳлил асносида шуни айтиш мумкинки, у бошқа тилшунослик тармоқлари тарихи каби бир текис жараёнда кечмаган. Шунга қарамасдан, замонавий тилшуносликда кечаётган «инқилобий» ўзгаришлар йўлидан бораётган семантика фанининг барча соҳалари бир миқёсда ёритилмаганлиги мазкур тадқиқот майдонининг янада чуқурлашиши, кенгайиши зарурлигидан далолатдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, ДИН, 2013. – 340 б.
2. Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики. – М.: Гнозис, 2005. – С. 17.
3. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика (синонимические средства языка). – М.: Наука, 1974. – С. 56.
4. Кибрик А.Е. Константы и переменные языка. – СПб.: Алетейя, 2003. – С. 33.
5. Кобозева И.М. Лингвистическая семантика: Учебное пособие. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. – С. 74.
6. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. – М.: Наука, 1975. – С. 162.
7. Кронгауз М. Семантика: Учебник для студ. – М.: Издательский центр Академия, 2005. – С. 116.
8. Лайонз Дж. Лингвистическая семантика. Введение. – М., 2003. – С. 48.
9. Новое в зарубежной лингвистике. Проблемы: референции / Под ред. Н.Д.Арутюновой. – М.: Прогресс, 1982. Вып. XIII. – 434 с.
10. Сааринен А. О метатеории и методологии семантики //Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVIII. – М., 1986. – С. 22.
11. Смирницкий А.И. Значение слова// Вопросы языкознания. – 1955. - №2. – С. 89.
12. Шафф А. Введение в семантику. – М.: Издательство иностранной литературы, 1963. – С. 87.
13. Chomsky N. On Nature and Language. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – P. 19.
14. Chomsky N. Studies on Semantics in Generative Grammar. – Mouton: The Hague, 1972. – P. 14.
15. Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 82.
16. Cruse D.A. Meaning in language: Introduction to Semantics and Pragmatics. – Oxford: Oxford University Press, 2000. – P. 75.
17. Lyons J. Semantics. 2 vols. – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – P. 82.
18. Lyons J. Structural semantics: An Analysis of Part of the Vocabulary of Plato. – Oxford: Oxford University Press, 1963. – P. 127.
19. Kronasser H. Handbuch der Semasiologie: kurze Einführung in die Geschichte, Problematik und Terminologie der Bedeutungslehre. – Heidelberg, 1952. – P. 76.
20. Reisch G. Vorlesungen über lateinische Sprachwissenschaft. – Leipzig, 1839. – P. 47.

UDK 42.494.3

LINGVOMADANIYATSHUNOSLIK – TILSHUNOSLIKNING ALOHIDA PARADIGMASI
 ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ КАК ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ НАУЧНАЯ ПАРАДИГМА
 LINGUOCULTUROLOGY AS A LINGUISTIC ACADEMIC PARADIGM

Nurmuhammedov Yusuf Shakarboyevich

SamDU o'zbek filologiyasi fakulteti o'zbek tilshunosligi kafedrasida katta o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: lingvomadaniyat, til va madaniyat, konsept, metafora, frazeologik birlik, lingvomadaniy tahlil metodlari, ekstralingvistika, paralingvistika, nutqiy etiket, nutqiy xulq-atvor.

Ключевые слова: лингвокультурология, язык и культура, концепт, метафора, фразеологическая единица, методы лингвокультурологического анализа, экстралингвистика, паралингвистика, речевой этикет, речевое поведение.

Key words: linguoculturology, language and culture, concept, metaphor, phraseological unit, the methods of linguaculturological analysis, extralinguistics, paralinguistics, speech etiquette, speech behavior.

Maqolada lingvomadaniyatshunoslik, uning ilmiy asoslanishi hamda uning predmet, obyekt va metodlari, til va madaniyat munosabatining lingvomadaniy jihatlari yoritilgan.

В статье автором рассмотрены особенности лингвокультурологии, ее предметы, объекты и методы исследования; дан лингвокультурологический анализ взаимоотношений языка и культуры.

The article deals with the linguaculturology and its scientific basis. The author of the article has tried to explain its subject, object and methods as well as linguacultural aspects of language and culture.

Kirish. Lingvomadaniyatshunoslik til va madaniyat aloqasiga oid tarmoqlardan biri bo'lib, uning muhim ahamiyati xorijiy tillarni o'rganishda namoyon bo'ladi. Til o'rganuvchi o'zga tilni algebraik taomillar asosida o'rganib qolmasdan, bosqichma-bosqich murakkablik darajasi quyidan yuqoriga yo'nalgan amaliy stilistik tahlillar asosida ushbu xalqning tili, madaniyati, dunyoqarashi, ruhiyatini o'ziniki bilan shuuriy va g'ayrushuuriy asosda qiyoslaydi.

Til, madaniyat va etnosning o'zaro aloqasiga dastlab Pifagor e'tibor qaratib, biron bir xalqning taomillarini bilish uchun ushbu xalq tilini o'rganish lozimligini qayd etadi. O'rta asr konseptualizmi asoschisi P'er Abyelyar (1072-1142) ham bu masalaga e'tibor qaratgan. Nemis tilshunosi V.Gumbold tilni "xalqning ruhi" sifatida ta'riflab, inson til vositasida madaniyatga kirishi xususida fikr bildiradi. Keyinchalik til va madaniyat aloqasi V.Vundt, G.Shuxart, A.A.Potebnya, E.Sepir, B.Uorf va h.k.lar ilmiy asarlarida yoritiladi. Biroq lingvomadaniyatshunoslikning ilk bora fan sifatida ilmiy asoslanishi M.M.Pokrovskiy, G.V.Stepanov, D.S.Lixachev, Y.M.Lotman va h.k.lar tomonidan amalga oshirildi.

Butun jahonda frazeologizmlarni lingvomadaniy tahlili bilan shug'ullanuvchi sifatida tanilgan Moskva maktabining rahbari bo'lgan, professor V.N.Tyeliya lingvomadaniyatshunoslik tildagi madaniy faktorga va insondagi lisoniy faktorga yo'nalgan bo'lishi, jonli kommunikativ jarayonlarni va ularning etnik mentalitet bilan sinxron bog'liqligini o'rganishi kerakligini ta'kidlaydi [3, 218]. Bundan kelib chiqib, lingvomadaniyatshunoslik til va madaniyatning o'zaro munosabati mohiyatini, lingvomadaniy jamoaning mentaliteti, moddiy madaniyat predmetlari, ustuvor ma'naviy va ijtimoiy madaniyat konseptlarining lisoniy ong va diskursiv faoliyatdagi voqeligini tizimli metodlar yordami bilan tahlil etish orqali ochib berish bilan shug'ullanadigan mustaqil tilshunoslik sohasi deb hisoblay olamiz.

Asosiy qism. Lingvomadaniyatshunoslikning asosiy metodologik postulati – til va madaniyatning izomorfizmligi hisoblanib, bu fenomenlar ko'plab umumiyliklarga ega. Avvalambor, til va madaniyat insonning dunyoqarashini aks ettiruvchi ong shakli; ikkinchidan, til va madaniyat hamisha o'zaro dialog munosabatida bo'ladi; uchinchidan, yuqorida ta'kidlanganidek, til va madaniyatning subyekti hamisha inson; to'rtinchidan, me'yoriylik til va madaniyat uchun umumiy xususiyat; beshinchidan, tarixiylik til va madaniyat uchun eng muhim xususiyatlardan hisoblanadi; oltinchidan, til va madaniyatga "dinamika-statika" antinomiyasi xos.

Hozirgi kunga kelib, lingvomadaniyatshunoslikda bir qancha yo'nalishlar mavjud: *diaxronik lingvomadaniyatshunoslik, qiyosiy lingvomadaniyatshunoslik, chog'ishtirma tilshunoslik, lingvomadaniy leksikografiya* va hokazolar.

Har bir tadqiqotchi tomonidan til va madaniyatning o'zaro aloqasi va bunda inson omili muammosini tahlil etish uchun lingvomadaniy tushunchalar apparati yaratilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Oxirgi vaqtlarda obraz, tushuncha va ma'no o'rniga verballashgan madaniy ma'noli konsept atamasi keng qo'llanilmoqda. Konsept obrazdan metaforiklik va konnotativlikni, tushunchadan ma'no tasavvurining diskursivligini, ma'nodan esa o'z nomining tilning leksik tizimiga o'tib o'zlashishini meros qilib oldi. Lingvomadaniyatshunoslikda moddiy madaniyat konseptlari (*sandal, palov*), ma'naviy madaniyat konseptlari (*iymon, taqdir* va hak.), ijtimoiy madaniyat konseptlari (*huquq, oqsoqol* va hak.) farqlanadi. Bu kabi konseptlarning lingvomadaniy tadqiqi muayyan lingvomadaniy jamoa madaniyatini modellashtirish imkonini yaratadi.

Lingvomadaniyatshunoslik vazifasi quyidagilarni tushunish va tushuntirish uchun turli metodlar yordamida amalga oshirishdan iborat:

- 1) lisoniy konseptlarning shakllanishida madaniyatning roli qanday;
- 2) til belgisi ma'nosining qaysi qismiga "madaniy ma'nolar" birikadi;
- 3) til belgilari semantikasini qanday tasniflash mumkin;
- 4) konseptosfera hamda madaniyat diskurslarini qanday aniqlash va tasniflash mumkin;
- 5) xalq mentalitetining o'ziga xos xususiyatlarini qanday aniqlash va tasniflash mumkin;
- 6) muayyan xalqning olam tasviri (manzarasi) va obrazlar olamini qanday aniqlash va tasniflash mumkin.

Lingvomadaniyatshunoslik o'z metodologik dastur va tadqiqot metodlariga ega. Lingvomadaniy obyekt va predmetlarni o'rganishda, lingvomadaniy tadqiqotlarda belgilangan maqsad va vazifalardan kelib chiqqan holda tilshunoslik va madaniyatshunoslik metodikasi, metod va usullar sintezidan foydalanib, quyidagi metodlardan foydalaniladi:

1. Diaxron metod – turli davrlarga xos lingvomadaniy birliklarning qiyosiy tahliliga asoslanadi.

2. Sinxron metod – bunda muayyan davr lingvomadaniy birliklar qiyoslanadi.

3. Struktur-funksional metod – lingvomadaniy obyektlarni guruhlashtiradi va ular o'rtasidagi bog'liqlikni belgilash bilan shug'ullanadi.

4. Tarixiy-geneologik metod – lingvomadaniy faktlarning kelib chiqishi, shakllanishi, takomillashuvi va kelajakdagi holati masalalarini o'rganishga yo'nalgan.

5. Tipologik metod – lingvomadaniy birliklarning tarixiy-madaniy jarayonlarga bo'lgan tipologik yaqinligini aniqlash uchun mo'ljallangan.

6. Qiyosiy-tarixiy metod - bunda zamon va makon munosabati bilan bog'liqlikdagi o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan lingvomadaniy birliklar qiyoslanadi.

7. Kommunikativ-pragmatik metod – jonli kommunikativ (diskursiv) jarayonlarni muayyan madaniy davrdagi etnik mentalitet bilan sinxron munosabatida o'rganadi, pragmalingvistika kommunikatsiyaning etnomadaniy aspektini yoritadi.

8. Kognitiv - diskursiv metod lisoniy ongga va bilimning mental reprezentatsiyasi orqali olam lisoniy manzarasining tafakkur boyliklari makoniga kirib borish imkonini beradi.

9. Etnolingvistik metod – o'z metodika va usullari bilan milliy madaniyat tiplari va til shakllarining struktura va funksiyalar izomorfizmini ochib beradi.

10. Psixolingvistik metod – nutqning yaralish va qabul qilinish, olam manzarasining etnomadaniy kodlanishi va kodni ochishning universal va etnomadaniy psixik mexanizmlarini ochib berish imkonini beradi.

11. Sotsiolingvistika metodikasi va usullari – lison shaxsiyatining paydo bo'lishi va takomillashuviga hamda til semantik makonida milliy-madaniy komponentning shakllanishiga ta'sir etuvchi ijtimoiy faktorlarni anglashni ta'minlaydi.

12. Lingvomadaniyatshunoslik metodi ilmiy tadqiqotlar metodikasi, usullari va protseduralarning integratsiyasi bo'lib, maqsadi tilning madaniyatni yaratuvchi, rivojlanturuvchi, asrovchi va transliyatsiya qiluvchi fundamental funksiyalaridan biri qanday obrazda amalga oshirishini aniqlash va tushuntirish orqali til va madaniyatning o'zaro aloqasi hamda ta'sirini o'rganishga yo'nalgan.

Bu metodlarning quyidagi: matn tahlili usuli, kontekstologik tahlil, diskurs tahlil, konsept tahlil, kategoriyal tahlil, distributiv tahlil, lison shaxsiyatining “nutqiy portreti” metodi, oppozitsion tahlil, transformatsion tahlil, valentlik va komponent tahlil usullari, tashqi va ichki rekonstruksiya, nisbiy xronologiya va glotoxronologiya, lingvistik ekstrapoliyatsiya, komparativizmning noparadigmatal metodlari va h.k. usullaridan foydalangan holda amaliy tadqiqotlar o'tkazish maqsadga muvofiq hisoblanadi. V.N.Teliya frazeologizmlarning milliy-madaniy spesifikligini aniqlash uchun konseptual-ideografik tahlil usulini taklif etdi. Bunda lingvomadaniy tahlil mental til birliklar nomlanishidagi etnospesifik fiksatsiya qonuniyatlarini o'rganuvchi onomasiologik va muayyan madaniy konseptlarning mazmun-mohiyatini va ularning farqli belgilarini tizimli tavsiflovchi semasiologik yondashuvlar asosida amalga oshiriladi [3].

Rus tilshunosi V.A.Maslova lingvomadaniyatshunoslikning tahlil predmetlari sifatida quyidagilarni ajratadi [7]:

1. Ekvivalentsiz leksika va lakunlar. Ekvivalentsiz leksika – tilning kumuliyativ funksiyasi hosilasi bo'lmish, muayyan madaniyat uchun spesifik hodisalarni (o'zbek lingvomadaniyatida: *hashar, oqibat*, ruslarda: *gormoshka, bit' chelom*; yaponlarda: *miai*) anglatadi. Lakun – bir etnos tilidagi milliy-madaniy o'ziga xos nominativ lisoniy birliklarning, boshqa tillarda mavjud bo'lmashligi. Eskimoslarda qorning turli xillarini anglatuvchi, avstraliyaliklarda qumning har xil turlarini ifodalovchi leksemalar mavjud bo'lib, boshqa tillarda uchramaydi yoki ushbu nomlar mazkur lingvomadaniy jamoa uchun ahamiyatsiz. Masalan, avstraliya tillarining bir leksikal hududida shovqin turlarini anglatuvchi bir necha nomlarni uchratamiz: *dalmba* “chopish, kesishning tovushi”, *mida* “inson o'z tilini og'izning yuqori qismiga urish orqali hosil bo'ladigan shovqin”, *ganga* biron kishining yaqinlashayotganligi shovqini, masalan, inson oyoqlarining barglar ustida yoki o'tlar oralab, yo hasa tayoqning yer usti bo'ylab sudralgan tovush[4].

2. Til birliklari va ifodalarida jo bo'lgan arxetip va mifologemalar, marosim va rivoyatlar, ritual va urf-odatlar. Mifologema – mifdan mifga o'tib yuruvchi, mif uchun muhim qahramon yoki situatsiya. Arxetip – madaniyatda keng tarqalgan va individual onglarda doim paydo bo'luvchi turfa obraz. Non komponentli frazeologizmlar – *birovning nonini yemoq; birovning nonini yeb kun ko'rmoq; birovning nonini yarimta qilmoq; non puli ishlab topmoq* asosida hayot, farovonlik, moddiy ta'minot ramzi sifatida non arxetipi yotibdi.

3.Tilning paremiologik fondi. Tilshunoslikda o'rganilishining dastlabki bosqichida bo'lib, bunda maqol va matallarning kelib chiqishi bevosita ushbu lingvomadaniy jamoaning tarixi, madaniyati, turmush tarzi va h.k.lar bilan bog'langan bo'lishi kerak. “Gapning qaymog'i” maqol, matallardir, aqlning ko'zi deb atagan otalar so'zidagi iboralar qiyos qilinsa, yaxshiroq bo'lar edi. Masalan, *Qirg'kuyakda qindagi ham pishar* (ya'ni, avgustda jamiki ekinning hosili pishadi demoqchi); turkcha: *Ağustosun 15'inden sonar ere kaftan, ata çul* (çünkü artık soğuklar başlayabilir);

4.Tilning frazeologik fondi. Frazeologik birliklarda tashqi voqelik va insonning ichki olami haqidagi bilimlari, his-tuyg'ulari, emotsiyalari, baholari va voqelikni qabul qilishdagi milliy – madaniy spesifik axborotlar saqlanadi. Frazeologizmlardagi emotsiya subyektning holati va uning obyektga nisbatan ijobiy yoki salbiy munosabatini ifodalaydi. Masalan, FBlardagi qo'rquv holatini ifodalovchi semantik modellardan biri: defekatsiya: *ishtonini ho'llab qo'ymoq*; turk tilida *donuna etmek*; quvonch yoki baxtiyorlik holatini anglatuvchi samoda bo'lish: *boshi osmonga yetmoq*; turk tilida *göklere çikmak*; Frazeologizmlarda diffuzlik ham kuzatiladi: qo'rquvdan /quvonchdan oyoqlari bo'shshib ketdi; turk tilida *akli başından gitmek* va hak.Frazeologik birliklarning universal xarakteri yoki milliy-madaniy spesifikligini, o'z ta'sir doirasiga imkon qadar ko'proq tillarni jalb qiluvchi kontrastiv tahlil vositasida aniqlash mumkin. O'zbek tilidagi *oyoq-qo'li bog'liq* frazeologizmining obrazli asosidagi madaniy komponent ingliz tilida ham *bound hand and foot*, rus tilida ham *быть связанным поручкаминогам* mavjudligi sababli ushbu frazeologizmni milliy madaniy spesifikli hisoblay olmaymiz. *Do'ppisini yarimta qilib* (g'am yemasdan, shod-xurram bo'lib, yallo qilib) [1] frazeologizmi tarkibidagi *do'ppi* so'z - realiyasi ushbu frazeologizmni milliy-madaniy o'ziga xos xususiyatga ega ekanligini ko'rsatadi. Ma'lum bo'ladiki, obraz asosli fraeologizmlarning barchasi ham milliy-madaniy spesifiklikka ega emas, bu xususiyat til birliklarini qiyosiy va chog'ishtirma tahlillari natijasida aniqlanadi.

5. Etalon, stereotip, simvollar. Etalon-predmet, hodisa va obyektlarning xususiyat va sifatlarini o'lchovchi tushuncha. Masalan, mehnatkashlik o'zbeklarda chumoliga, inglizlarda esa

asalariga qiyoslanadi. Umuman, etalonlar milliy olamni ko'rish va tushunish, kognisiyani ifoda etadi. Simvol – biron-bir g'oyani o'zida mujassamlashtirgan badiiy obraz. Qo'l – hukmronlik va yordam ramzi: *qo'lga olmoq, qo'lga kiritmoq, qo'ldan ketmoq, qo'ldan chiqmoq, o'ng qo'l*. Yana boylik va yo'qsillik ramzi hamdir: *qo'li uzun, qo'li kalta*; turkcha: *eli boşa "ağa uyur" derler; eli doluya "ağa buyur" derlar*. Stereotip – faoliyat, xulq-atvor va h.k.larni o'lchov tipi. Stereotiplar hamisha milliy bo'lib, boshqa tillarda analogi uchrasa kvaza stereotip bo'ladi. Stereotip – bu til va nutq hodisasi bo'lib, konseptual olam manzarasining biron bo'lagi, mental "manzara", predmet yoki situatsiya haqidagi turg'un milliy-madaniy tasavvur. Masalan: *tuzoqqa tushgan qushday*-ilojsizlikdan o'zini har tomonga tashlamoq; qattiq hayajon natijasidagi tarang hissiy holat haqida.

Etalon, simvol va stereotiplarning qo'llanishi muloqotni yengillashtiradi va ixchamlashtiradi, kommunikantlarning quvvatini tejaydi.

6. Metafora va til obrazlari. Metafora yoki obrazli motivlashgan so'zning paydo bo'lishi – til egasining konseptual tizimi, olam haqidagi standart tasavvurlari, baholi munosabat tizimi bilan bog'langan bo'lib, faqat tilda verballashadi. Masalan, his-tuyg'ular haqida: *muhabbat olovi*, yaqin/uzoq masofadagi makon haqida: *bir qadam/tupkonning tagida*. Obraz – so'z va madaniyat haqidagi muhim ma'lumotlarni o'zida saqlovchi, muhim lisoniy tushuncha. Badiiy asarlarda yaratilgan tip, xarakter. <...> voqelik haqidagi tasavvurning aniq his etiladigan bir tarzda gavdalanishi. Ma'lum narsa yoki holatning ifodasi. Tazod talabiga ko'ra bir-biriga qarama-qarshi tushuncha yoki obraz bir-birini rad etishi lozim .

7. Tillarning stilistik formasi. Bunda bir til doirasida dialektlarning farqlanish darajalari va stilistik differensiyalariga e'tibor qaratiladi. Adabiy til va uning adabiy bo'lmagan shakllarining o'zaro aloqasi jamiyatning yozuv tarixi, adabiyoti, dunyoqarashi, madaniy mafkuraviy simpatiyalari va h.k.larning rivojlanishi bilan bog'langan.

8. Nutqiy xulq-atvor. Kommunikatsiya verbal va noverbal komponentlar shaklida amalga oshadi. Nutqiy xulq-atvor kommunikatsiya vazifasining muvaffaqiyatli yechimi uchun yo'nalgan bo'ladi. Nutqiy xulq-atvorning lingvistik mohiyatiga e'tibor qaratgan tilshunos olim V.G.Gak bu fenomenning ikki jihatini farqlaydi: "(1) muayyan madaniy muhit va sharoitlardagi verbal reaksiya"; (2) muayyan tildagi nutqiy ifoda (utterance) qurilishining umumiy qonuniyatlari hamda muayyan sotsiumga xos nutqiy tasarruf qoidalarini aks ettiruvchi va madaniy muhitdan mustaqil holda namoyon bo'luvchi lisoniy xulq-atvorning umumiy konstantlari [5]. I.A.Sternin lingvistik (muayyan fikrlarning qisqa va aniq ifodalar to'plami, muloqot fragmentlarining tadrijiyligi), ekstralingvistik (ijtimoiy, gender va zamonga oid parametrlar) va paralingvistik (proksemika, tana harakati, imo va ishora, mimikalar) faktorlar kombinatsiyasini nutqiy xulq-atvorni izohlash uchun muhim hisoblaydi [8]. Nutqiy xulq-atvor asosida diskurs sistemasining madaniy belgililik va milliy determinantligi yotadi. Diskurs sistemasi muayyan jamiyatda milliy falsafa, shaxsiyat konsepsiyalari va shaxslararo munosabatlar ta'sirida shakllangan kommunikatsiya sistemasi sifatida tushuniladi va bu diskurs formasini tanlashda namoyon bo'ladi. Diskurs formasini aniqlovchi muhim faktor bo'lib, munosabatning muhokama darajasi hisoblanadi. G'arb jamiyati uchun munosabat tenglik va erkinlikka asoslangan kelishuv tarzida barpo bo'lsa, sharq jamiyatida jamoaviylik va iyerarxiyaga asoslangan prinsiplar muhimlik kasb etadi. Diskurs formasi kommunikatsiya jarayonida tilning informativ va shaxslararo funksiyasining dominantligiga bog'liq. G'arb madaniyatida tilning informativ funksiyasiga e'tibor qaratilsa, sharq, masalan, yapon madaniyatida his-tuyg'u va munosabatlarning nozik ottenkalarini til vositasida uzatish yuqori baholanadi.

Nafaqat nutqiy xulq-atvor, shu bilan birgalikda til nominativ, grammatik va stilistik birliklarida jo bo'lgan boshqa xulq-atvorlar ham lingvomadaniyatshunoslikning maxsus predmeti bo'lishi kerakligi qayd qilinadi. Nutqiy xulq-atvorning milliy-madaniy spesifligi muloqotning stereotip yoki ijtimoiy situatsiyalari, muloqot tiplari, muloqotning etiket formalari, ijtimoiy funksiyalari kabi madaniy an'analar faktorlari bilan bog'langan.

"Til tizimi verbal sohasining lingvomadaniy tahlili muloqot jarayonida tez-tez uchraydigan tushunmovchiliklarga sabab bo'luvchi madaniy komponentlarni identifikatsiyalash va lokalizatsiyalash imkonini beradi" [6].

9. Nutqiy etiket sferasi. Nutqiy etiket – muloqot situatsiyalarida insonlarning madaniy-spesifik nutqiy xulq-atvor qoidalaridir, ya'ni nutqiy etiket boadablilik prinsipini taqozo qiladi. Nutqiy etiketning roli muloqot vaziyatlarida yorqin namoyon bo'ladi. Nutqiy etiket tadqiqi nutqiy etiketning situatsiyasi va unga xizmat qiluvchi nutqiy etiket formulalarini aniqlash orqali olib

boriladi. Pragmatik-kommunikativ koordinatli funksional tahlil asosida tematik stereotip yoki ijtimoiy vaziyatlar xillari (“Salomlashish”, “Tanishuv”, “Telefonda soʻzlashuv” va h.k.lar) farqlanadi. Bu vaziyatlarga nutqiy etiket formulasi statusini oluvchi turgʻun nutqiy ifodalar (“How are you?”, “What’s up?”, “All right, thank you”, “OK, thanks” va h.k.lar) xizmat qiladi. Nutqiy etiketning milliy spesifikasi boʻladirlik prinsiplarining amalga oshirishida namoyon boʻladi. Nutqiy etiketning madaniy komponenti, birinchidan, xushmuomalalik maksimlarida lokalizatsiyalanadi; ikkinchidan, madaniy determinantligi kundalik muloqotning turli vaziyatlarini sotsial tartibga solinishi bilan bogʻlangan; uchinchidan, madaniy belgillik nutqiy muloqotda fikrning qisqa va aniq ifodasi verballashuvda namoyon boʻladi. Masalan, ingliz tilida soʻzlovchi xalqlardagi “What’s up?”, “How are you doing?” kabi soʻroq shaklidagi nutqiy ifodalar etiket statusiga ega boʻlib, javob talab qilinmaydi. Bu til bilan tanish boʻlmagan tinglovchi savolning mohiyatiga koʻra javob berish masalasiga toʻqnash keladi.

Muloqotning nutqiy-etiket qirralarini oʻrganish milliy determinantlik sababdan madaniy belgilikka ega til birliklarining milliy spesifiklik manzarasini maʼlum darajada toʻldiradi.

Xulosa. Taniqli tilshunos olim Sh.Safarovning oʻz asarida rus-belgiya fizik va ximik olimi, Nobel mukofoti laureati, sinergetikaning asoschilaridan biri I.Prigojinning quyidagi: “<...> biz sirt-dan koʻradigan olam va ichki tuygʻular orqali sezadigan olam bir-biriga yaqinlashmoqda. Ikki olamning bunday yaqinlashuvi, soʻzsiz bizning asrimizning eng muhim madaniy voqealaridan biridir” fikrlarini iqtibos keltirib, “dunyo qiyofasining bu yoʻsindagi tasavvurini targʻib etadigan sinergetik paradigmaning til olami tadqiqiga singdirilishi, tilshunoslikda yangi yoʻnalish” ochganligini qayd etadi [2]. Demak, tilshunoslikning yana bir alohida sohasi boʻlmish lingvomadaniyatshunoslikning sinergetika bilan munosabatidan olamning lisoniy manzarasi tadqiqidagi muammolar yechimi uchun yangicha yondashuvlar paydo boʻlishi mumkin. Yuqoridagilarni umumlash-tirib shuni taʼkidlaymizki, lingvomadaniyatshunoslikning vujudga kelishi tilshunoslik sohasi tad-qiqotchilari uchun katta izlanish hududini yaratdi va gumanitar fanlarning bir qancha yoʻnalish-larining oʻzaro kesishmasida vujudga keluvchi muammolarni hal qilishning yangi istiqbollari ochib berdi. Ekstralingvistika sohasida qoʻlga kiritilgan yutuqlar lingvomadaniyatshunoslik imkoniyatlarini kengaytirdi.

ADABIYOTLAR

1. **Raxmatullayev Sh.** Oʻzbek tilining izohli frazeologik lugʻati. – T.: Oʻqituvchi, 1978. – 405 b.
2. **Safarov S.** Til nazaryasi va lingvometodologiya. – T.: Bayoz, 2015. – 247 b.
3. **Телия В.Н.** Русская фразеология. – Москва, 1996. – 284 с.
4. **Wierzibika A.** Understanding cultures through their key words. – Oxford, 1997. – 317 p.
5. **Гак В.Г.** Языковые преобразования. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 768 с.
6. **Иванова С.В.** Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц. – Уфа, 2003. – 364 с.
7. **Маслова В.А.** Лингвокультурология. – Москва, 2001. – 208 с.
8. **Стернин И.А.** Коммуникативное поведение в структуре национальной культуры //Этнокультурная специфика языкового сознания /Отв. ред. Н.В.Уфимцева. – М., 1996. – С. 97-112.

УДК 81'373.47 [811.111: 811. 512. 133] (083.77)

КАУЗАТИВ ЭМОЦИОНАЛ БИРИКМАЛАР ТИПОЛОГИЯСИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

ТИПОЛОГИЯ КАУЗАТИВНО-ЭМОЦИОНАЛЬНЫХ СОЧЕТАНИЙ (НА ПРИМЕРЕ АНГЛИЙСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ)

THE TYPOLOGY OF CAUSAL AND EMOTIONAL COMBINATIONS (IN THE EXAMPLE OF THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES)

Давлатова Муҳайё Хасановна

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети тиллар кафедраси ассистенти

Таянч сўзлар: резултативлик, каузативлик, объект, пациенс, семантика, тузулма, эмоционал.

Ключевые слова: резултативность, каузативность, объект, пациенс, семантика, конструкция, эмоциональность.

Key words: resultativeness, causativeness, object, patient, semantics, construction, emotion.

Мазкур мақолада инглиз тилида эмоционал каузатив бирликларнинг таркибий ва семантик хусусиятлари таҳлил этилган. Таҳлил жараёнида каузатив феълларнинг объектга ва шахсга таъсири натижасида семантик маъно юзага келиши асосланган.

В данной статье анализируются эмоционально-каузативные единицы английского и узбекского языков. В ходе анализа обосновано то, что семантика происходит на основе каузативного значения глагола.

The article deals with the problem of emotional and causal units of the English and Uzbek languages. It justifies that the semantic meaning is based on the influence of causative verbs on the object and person.

Кириш. Эмоция тадқиқотларига бағишланган ишларда одатда эмоцияларни ижобий, салбий ва баъзи тилшуносларда ёқимли, ёқимсиз каби оппозицияга ажратган ҳолда тадқиқ этиш кенг тус олган. “Ҳар қандай эмоция бирор белгига эга бўлиб, позитив, негатив ёки амбивалент каби эмоционал гуруҳларнинг бирига тегишли бўлади” [3, 110-115]. Эмоцияларнинг лингвистик тасвири тилшунослар талқинича, экспериенсернинг “яхши” (хурсандчилик, ғурур каби ижобий эмоцияларнинг бошидан кечиришида) ёки “ёмон” (қўрқув, ғазаб, уят ҳолатларида) ҳолатларни ҳис этишига асосланишади [1;4;5]. Жумладан, А.Л.Гройсман негатив эмоцияларни физиологик жиҳатдан таснифлар экан, у эмоция ва ҳис-туйғуларни қуйидагича таснифлайди: қониқиш ҳосил қилмаслик, изтироб, ғам-ғусса, ғазаб, азият чекиш, хафа бўлиш, қўрқув, даҳшатга тушиш, раҳм-шафқат, ҳамдардлик, афсус-надомат, ғазаб, ҳақоратланиш ҳиссиёти, нафратланиш, нафрат, совуқчилик, ҳасад, ҳасадаўйлик, адоват, хусумат, ёвузлик, дарғазаблик, ишончсизлик, уят, жирканиш, афсусланиш, чидамсизлик, виждон азоби, виждонсизлик, нолиш ва бошқалар [3, 74]. Эмоционалликни универсал ҳодиса деб ҳисоблайдиганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, эмоционал бирликларнинг қиёсий таҳлили таққосланаётган тиллардаги сўз бирликларининг нафақат ифодаланиш усули, балки ўша тилларнинг лингвомаданий хусусиятларини очиб беришга ҳам хизмат қилади. Эмоционал лексиканинг типологик структураси кўрилаётган ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги таъкидланади [2, 15]. Инглиз ва ўзбек тилларидаги эмоционал лексика ҳам ўз структураси ва ифода планига кўра тубдан фарқланади.

Асосий қисм. Субъект билан боғлиқ бўлган эмоционаллик шахснинг ҳиссиётлари орқали ифодаланади. Жумладан, эмоционаллик субъектнинг бирор объектга нисбатан салбий ёки ижобий муносабати, воқеа-ҳодиса таъсирида юзага келадиган эмоционал ҳолати ва шунингдек, субъектнинг бошқа шахс билан боғлиқ ҳолатида кузатилади. Каузатив эмоционалликни эса шахснинг адресатни мажбурий эмоционал ҳолатга келишидаги хатти-ҳаракати деб баҳолаш мумкин. Таҳлилимиз объектида келтирилган эмоционал белгилардан каузатив эмоционаллик муҳим ўрин эгаллаган. Каузатив эмоционаллик одатда субъект, объект ва каузацияга учрайдиган шахс моделида юзага келади. Каузатив эмоционаллик ҳам таъкидланган салбий ва ижобий ифодаланишга эга. Салбий каузатив эмоционаллик шахсга ёқимсиз бўлган (қўрқиш, жаҳл чиқиш ва бошқалар) ҳолатни вужудга келтиради. Ижобий каузатив эмоционаллик шахснинг руҳиятини яхшилашга қаратилган мақтов, хушомад каби вазиятларни юзага келтириш орқали амалга оширилади. Синтактик жиҳатдан қаралганда, каузативлик “эмоциянинг ифодаланишида экспериенсер синтактик нуқтаи назардан объект сифатида қатнашади” [7, 201–218].

Каузатив эмоционаллик тиллар кесимида фарқланиши мумкин. Хусусан, баъзи тилларда каузативлик маълум лексик бирликлар ёрдамида амалга оширилса, бошқасида морфологик шакллар муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Мақолада қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларидаги каузатив маъноларнинг ифодаланиши шу каби жиҳатларда фарқланади. Жумладан, инглиз тилида каузатив эмоционаллик ифодаси феъл

лексемалари орқали амалга оширилади. Масалан: *to cheer up, to shame, to move* каби феъллар интенционал каузатив хусусиятга эга бўлиб, адресатда эмоцияни (ҳам салбий, ҳам ижобий) юзага келтириш маъносига эга. Шунингдек, интенционал мақсад маъносига эга бўлмаган эмоционал каузатив феъллар гуруҳига *to disgust, to sadden, to anger, to irritate* кабиларни киритиш мумкин. Масалан: 1) Coburn's words had cheered him a little (J. Krantz, 193);

Хусусан, инглиз тилида салбий каузатив эмоционалликнинг ифодаланиши ўтимли феъллар гуруҳи ёрдамида амалга оширилади. Ушбу гуруҳ феълларига *to frighten, to tease, to dread, to horrify, to shame, to scare* ва бошқаларни киритиш мумкин. Каузатив эмоционал муносабат феъллари семантик жиҳатдан микромайдонни ҳосил қилади ва субъектнинг адресатга нисбатан салбий ҳамда ижобий муносабатини англатади: Масалан: 2) Stash would not permit Francesca to set the pace, but brought her with infinite skill to an orgasm so stabbing, so victorious that it frightened her (J. Krantz, 25); 3) I think we shall stay well under that – I do not want to frighten Boris (J. Krantz, 37); 4) “No, Tatiana, darling, don't be silly I was teasing him and the little one got angry” (J. Krantz, 45); 5) To have done so would have insulted the Prince (J. Krantz, 32).

Келтирилган мисолларда субъект бирор ҳиссиётни объектга (объект сифатида шахс назарда тутилган) таъсир ўтказиш, шунингдек, маълум бир ташқи таъсир натижасида психозэмоционал ҳолатни кечирган объект каузацияга учраган шахс ҳисобланади. Каузатор ва каузацияланувчи ўртасидаги каузатив семантик маъно мазкур феълларнинг лексик-семантик маънолари ёрдамида амалга ошади. Мисолларда ифодаланган салбий эмоционал муносабатдаги каузативлик маълум нутқ жараёнида юзага келган интенция сифатида баҳоланади. Каузатив эмоционал муносабат феъллари структураси мотив, мақсад, объект, процесс компонентларига эга.

Ўзбек тилида каузативлик эмоционал муносабатнинг ифодаланиши морфологик шаклий хусусиятга эгаллиги билан инглиз тилидагидан фарқланади. Хусусан, ўзбек тилида каузатив эмоционал маъно *-ит, -ат, -ур* каби қўшимчалар зиммасига юклатилади. Эмоционал муносабат субъектнинг ҳис-туйғуларини объектга бўлган муносабатидан ташқари объектга баҳо бериш, объектга нисбатан турли муносабатлар билдириш каби семантик маъноларни ҳам англатиб келади. Масалан:

6) Тошган дарёдай тўлқинланаётган бир неча минг кишилик издиҳом Носирбекни *қўрқитиб юборди* (П. Қодиров, 165);

7) Кўз ёш қилди (кампир), ўлиб қоламан бунақада, деб *қўрқитди*, Одомбойга таъсир қилмади (Ў.Умарбеков, 32);

8) Бу савол Бобурнинг этини *жунжуктирди* (Примқул Қодиров, 275);

9) Бу билан бечораларни баттар *қўрқитарди* ва ич-ичидан завқланади (Ў.Умарбеков, 34).

Келтирилган инглиз ва ўзбек тилларидаги таҳлилларга асосланган бўлсак, иккала тилда ҳам каузатив эмоционал муносабат бевосита каузацияланувчи объект олиши кузатилади. Инглиз тилидаги каузатив эмоционал феъл лексемаларининг семантик хусусиятлари синтактик бошқарув билан боғлиқ ҳисобланади. Демак, кўп ҳолларда эмоционал каузативликнинг ифодаланишида сўз ёки бирикманнинг таркиби муҳим аҳамият касб этади. Семантик нуқтаи назардан эмоционал каузативлик фақатгина феъл+каузацияланувчи объект структураси билан чекланиб қолмайди, балки психозэмоционал вазиятни ҳам ҳосил қилади. Масалан:

10) Одомбой қулоқ солмади. Қайтанига қўлларини силкитиб, *буқанинг аччиғини чиқара бошлади* (Ў.Умарбеков, 35).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги каузатив эмоционаллик таҳлили шуни кўрсатадики, ижобий каузатив эмоционаллик маълум маънода интенционаллик семантикасига эга. Шунингдек, субъектнинг адресатга нисбатан таъсир этиш мақсадидаги каузативлик ҳам интенционал каузатив эмоционалликни ифодалайди.

Эмоционалликни юзага келишини ҳам уч турга ажратишимиз мумкин: субъектнинг ички ҳиссиётлари орқали ҳосил бўладиган эмоционаллик, эмоционал муносабат, каузатив эмоционаллик.

Бевосита инглиз тилидаги эмоционал каузатив феълларни субъектнинг психологик вазияти, фикрлаш жараёнлари, ҳиссий қабул қилиши, эмоционал ҳолати ва муносабатларини ифода этувчи *worry, scare, terror, disappoint, annoy, hurt, distress, abuse, affect, amaze, amuse, annoy, appease-make calm, bait-worry or annoy in order to make angry, calm down, fascinate, charm, delight, cheer, tease, delight, discourage, enforce, excite, exploit, frighten, frustrate, horrify, insult, rape, ruffle, shock* ва бошқа шу каби феъллар ташкил этади.

Барча каузатив феъллар, шунингдек, эмоционал каузатив феълларнинг муҳим семантик хусусиятларига, уларнинг мақсад билан йўналтирилганлик семантикасини киритиш мумкин. Албатта, мақсадли йўналтирилганлик асосий ҳаракат феълларига хос хусусият ҳам ҳисобланади, аммо эмоционал каузатив феълларнинг мақсадли йўналтирилганлик объектга биринчи навбатда жонли предмет (шахс) ҳолатига таъсир этиш ҳисобланади. Мақсад эса, каузатор томонидан олдиндан режалаштирилган, ўйлаб кўрилган вазиятнинг натижасини англатади. Уларнинг семантик структураси таркибда аввалдан мақсад семаси мавжуд бўлиб, таъсирга учрайдиган объект мақсадли ҳаракат натижасида эмоционал ўзгаришга учрайди. Эмоционал каузатив феъл томонидан ифодаланган ҳаракатнинг натижаси эса ҳаракатни қабул қилиб олувчи субъектнинг психологик, эмоционал ҳолатининг ўзгаришида акс этади.

11) Even normal weakness was loathsome to him, although his frustrated child's love for his mother made him conceal his sense of horror (J. Krantz, 40).

Инглиз тилида каузатив ифода феъл лексемаси билан чекланиб қолмасдан *do smb. harm, make smb. sad, treat smb. badly* ва бошқа шу каби морфосинтактик структуралар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бу каби таркиб каузатив феъллар эмоционалликни англатувчи сифат ёки равишлар билан бирикиб, ўзига хос эмоционал каузатив конструкцияларни ҳосил қилади. Ушбу конструкциялар ҳам салбий, ҳам ижобий каузатив эмоцияларни англатиш учун қўлланила олади. Эмоциянинг салбий ёки ижобийлиги эмоционалликни ифодаловчи сифат, равишнинг лексик-семантикасига боғлиқ. Феъл эса каузатив ҳаракатни бажаради:

12) When she was really determined – she decided to make her happy (J. Krantz, 229);

13) The thought that Emily would have to manage on her own made him angry (J. Krantz, 266);

14) I knew we shouldn't have come to Europe. It makes people crazy! (J. Krantz, 28);

15) The very word filled him with horror (J. Krantz, 35).

Келтирилган мисолларда (12), (13) субъектнинг объектга нисбатан интенционал ҳаракати, яъни объект вазифасидаги шахсда салбий ёки ижобий эмоцияни юзага келтиришга қаратилган бўлса, (14), (15) мисолларда маълум вазият, ҳаракат шахсни эмоционал ҳолатга олиб келган. Каузация феъл семантикаси ёрдамида ифодаланган.

Субъект билан боғлиқ бўлган эмоционаллик шахснинг ҳиссиётлари орқали ифодаланса, эмоционал муносабат субъектнинг бирор объект, воқеа-ҳодиса орқали юзага келадиган эмоцияси ва шунингдек, субъектнинг объектга нисбатан юзага келадиган эмоциялари натижаси саналади. Каузатив эмоционаллик эса шахснинг адресатни мажбурий эмоционал ҳолатга келтиришдаги ҳаракати деб баҳолаш мумкин. Таҳлилимиз объекти бўлиб келтирилган эмоционал белгилардан каузатив эмоционаллик ўрин эгаллаган. Каузатив эмоционаллик одатда субъектнинг объектга таъсири сифатида қаралади. Каузатив эмоционаллик ҳам таъкидланган салбий ва ижобий ифодаланишга эга. Салбий каузатив эмоционаллик шахснинг психоэмоционал ҳолатини салбий томонга ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракат сифатида у ҳам интенционал хусусият касб этади.

Каузатив эмоционаллик ўзбек тилида ўзига хос конструкция ва бирикмалар ёрдамида ифодалана олиш имкониятига эга. Мазкур бирикмаларда эмоционалликни англатувчи от ва феъл бирикмаси орқали юзага келадиган мураккаб феъл аналитик шакли ва каузацияланувчи объект қатнашади. Мазкур ҳолларда эмоционаллик мураккаб феъл бирикмасидаги от орқали ифодаланади. Масалан:

16) Улар билан муомала қилишнинг қийинлиги *қалбига тахлика солди* (П. Қодиров, 75);

17) Шайбонийхоннинг Тошкентга ҳужум қилиш эҳтимоли Маҳмудхонни анчадан бери *таҳликага солиб келарди* (П. Қодиров, 257);

18) Шахрисабздан келган махфий хабар хонни *изтиробга солиб қўйди* (П. Қодиров, 237).

Каузатив-эмоционал феъллар бошқа эмоционал муносабат феъллари қатори синтактик нуқтаи назардан учта аргументга, ёки уч валентлилик хусусиятга эга бўлишади: субъект (каузатор), предикат (каузация ифодаловчиси), объект (каузацияга учровчи). Эмоционал муносабат феълларининг бу каби тафсивланишига Л.М.Васильев “термин трехчленная семантическая модель [3]” атамасини таклиф этади. Мазкур эмоционал муносабат феълларининг уч бўлакли семантик моделида субъект объект(адресат)нинг каузатори функциясини бажаради.

Хулоса. Каузативлик фақатгина субъект ва адресат ўртасида эмас, балки воқеа-ҳодисанинг таъсири натижасида адресатнинг эмоционал ҳолатга тушишига олиб келиши мумкин (16), (17), (18). Шунингдек воқеа-ҳодисалардаги маълумотнинг салбий ёки ижобийлиги адресатда салбий ёки ижобий эмоционал ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлади. Каузатив эмоционаллик субъектнинг адресатни мажбурий, қутилмаган ҳолларда эмоционал ҳолатга туширишини англатадиган ҳаракат сифатида баҳоланади. Таҳлил жараёнида каузатив эмоционаллик ҳаракати бевосита субъект (шахс, ҳодиса, маълумот, нутқ бирлиги) адресат ёки объект (шахс) ва каузатив семантикага эга бўлган феъл, феълли бирикмалардан иборат бўлади. Умумий планда инглиз ва ўзбек тилларидаги каузатив эмоционалликнинг ифодаланиш структурасини қуйидаги схемада кўришимиз мумкин:

Инглиз тили	Ўзбек тили
Caus.v+obj	объект+ феъл каузатив қўшимча –ит, -ат, -ир
Caus. V+obj+emotional adj.or adverb	Объект+сифат (равиш) феъл

Инглиз тилида каузатив эмоционаллик махсус бирикмалар билан маркерланган бўлса, ўзбек тилида каузатив эмоционалликни билдирадиган махсус морфологик кўрсаткичларга эгаллиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Апресян Ю.Д.** Словарные статьи ГОРДИТЬСЯ, ЛЮБИТЬ, РАДОВАТЬСЯ, СЕРДИТЬСЯ, СТЫДИТЬСЯ // Новый объяснительный словарь синонимов русского языка. – М., 2004. – С. 37-44.
2. **Бабенко Л.Г.** Лексические средства обозначения эмоций в русском языке. - Свердловск: Изд-во Уральского ун-та, 1989. – 259 с.
3. **Булгакова Ю.С.** Особенности вербализации отрицательных эмоций в английском и испанском языках// Вестник МГОУ. - М., 2009. – № 3. – С. 110-115.
4. **Васильев Л.М.** Семантические классы глаголов чувства, мысли и речи // Очерки по семантике русского глагола. – Уфа, 1971. – 139 с.
5. **Иорданская Л.Н.** Лексикографическое описание русских выражений, обозначающих физические симптомы // Машинный перевод и прикладная лингвистика. - М., 1972. – С. 16.
6. **Гройсман Л.А.** Медицинская психология. – М.: Аванта, 1995. – С. 74-79.
7. **Michaela Porn.** Psychophysical and Physical Causative Emotion Verbs in Finnish: The Temporal Structure of Causative Emotion Verb + Infinitive 1 -Constructions within Conceptual Semantics // SKY Journal of Linguistics. № 21. 2008. – P. 201–218.

УДК 801

У.С. МОЭМНИНГ РОМАНИДА ИНСОН ТАБИАТИ ВА САНЪАТИ ТАСВИРИ

ОПИСАНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ НАТУРЫ И ИСКУССТВА В РОМАНЕ МОЭМА У.С.

THE DESCRIPTION OF HUMAN NATURE AND ART IN THE NOVEL BY W.S.MAUGHAM

Kahharova Iroda Sidikovna

The researcher at the English Linguistics Department, Bukhara State University

Kakhkhorova Gulruh Shavkatovna

The researcher at the English Linguistics Department, Bukhara State University

Таянч сўзлар: жозибали, чиройли, нафосат, романтик, реалистик, гўзаллик, илҳом, жисмоний заифлик, инсон табиати, поэтиклик, қайғули.

Ключевые слова: ирония, пессимизм, романтичность, реалистичность, эстетическое отношение, саркастичность, красота, вдохновение, физическая слабость, архетип, человеческая природа, поэтичность, мрачность.

Key words: ironic, pessimism, romantic, realistic, sarcastic, beauty, inspiration, physical weakness, archetype, human nature, poeticism, gloomy.

Мақолада инглиз адабиётининг XX асрдаги адабий тенденциялари ва буюк ёзувчи В.С.Моэмнинг адабий фаолияти тасвирланган. Мақола "Ой ва чақа" романининг таҳлилига бағишланади ва инсон, инсон табиати ва санъат муаммолари ҳақида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, ёзувчининг фикрлари романдаги санъат муаммолари ва унинг адабий асарлари ҳақида аниқ фикрлар ёритилган.

В статье рассмотрены основные литературные тенденции XX века в английской литературе, в частности, творчестве У.С.Моэма. На основе анализа романа «Луна и грош» определены взгляды писателя на проблемы человека и искусства.

The article is about the literary trends in the 20th century English literature and the literary activity of a great author W.S.Maugham. The article focuses on the analysis of Maugham's novel "The Moon and Sixpence" and deals with the problem of human nature and art. The author has also presented the views of Maugham on art in the novel.

Introduction. The name of Somerset Maugham is connected with critical realism in the English literature. He possessed a keen and observant eye and in his best works, he ridiculed philistinism, narrow-mindedness, hypocrisy, self-interest and utilitarian approach to art. His links with realistic art, however, were not so solid as to place him among the best English writers of this period. His work is marred by cynicism and disbelief in human nature. Maugham thinks that it is not in the power of man to reform the world. In his works, he compares life to the theatre where human comedy, as old as the world itself, is being staged. As the course of human life cannot be altered, Maugham believes in the wisdom of those who see the failings of this world but learn to accept it as it is.

Maugham was always proud of his dispassionate and composed view of life. He always tries to observe life itself objectively and clinically with great efforts for all his life, and describes the result of observations faithfully in his novels. His novels start mainly from a character. Though his novels are realistic and gloomy, Maugham's novels are very interesting. It is a fact that he writes the truth of human nature.

Maugham suffered from the physical defect. In his youth, he thought that if he had a strong religious faith in God, and religious, pious life, his physical defect would be all right. And so he put it into practice, but the religious and pious life, and the earnest prayer to god every morning and every night could not do anything good about the physical defect. So, he despaired and gave up his faith in G. Maugham had another reason in giving up the faith in God. That is to say, he realized the dilemma between his uncle's preaching and his selfishness, and disliked his uncle very much. Besides, he began to have the distaste for all the clergyman. As was analysed, the hypocrisy of his uncle's, aroused not so much indignation as distaste in Maugham's mind in his youth. But this pessimism might have been in the inner part of his mind. The bitter experiences that he had at his uncle's house, together with his physical weakness and his original character made the habit of confining himself within himself apart from others. For instance, in love affairs he was afraid of being laughed at and despised by others rather than absorbed in love. But his lonely solitude brought forth many dreams. They are sometimes very romantic, but in most cases sarcastic, cynic, ironical, and gloomy mainly because of his retrospective character and physical weakness. Maugham learned Freud's mental analysis and adopted this psychological theory in writing novels and short stories [1].

The first reason is that Maugham is a man of good sense in a certain sense. He looks at human being, human society, and nature as the practical liver planting his foothold strongly upon the reality, and keeps his own dispassionate attitude toward them.

The second reason is that as a medical student he saw many patients and could look into the human nature very closely. He learned the real distress and disquiet of the poor personally. He participated in the war as a medical officer and went through all kinds of the naked bitter experiences in the battlefield. It might be said that it is mainly due to these experiences in the battlefield that he got the truth, the philosophy of life for himself.

It goes without saying that in such a place as battlefield all men and women disclose truly naked human nature, throwing off all vanities, which in any other place could not be seen. It is in such a place that the true psychology of human mind could be understood in a true sense. In a word, Maugham may be called a man of experience.

The third reason is that Maugham was greatly influenced by Flaubert, Balzac, and Tolstoy. The fourth reason is his original character and weakness in health. These four reasons made him take the clinically sarcastic attitude toward life and literature [2].

In "The Moon and Sixpence", the pursuit of beauty is the main theme of the novel. If this novel is essentially a realistic novel, the absolute beauty is only a vision. Strickland's (the main character) aestheticism, his passionate pursuit of beauty, and faith in beauty, comes not from the realistic attitude but the romantic, aesthetic attitude. If life is noble and fine because of the existence of beauty, the realization of beauty is the best and greatest ideal of human being. Human being can make himself more than what he is by the realization of the ideal beauty. This thought is evidently idealistic and romantic.

The novel is an illustration of one of Maugham's favorite convictions that human nature is knit of contradictions, that the workings of the human mind are unpredictable. Strickland is concentrated on his art. He is indifferent to love, friendship and kindness, misanthropic and inconsiderate to others. His pictures fall flat on the public and recognition comes to him only after death.

Maugham borrowed the title of the novel from a review of his book "Of Human Bondage". Speaking of the principal character of the book, the reviewer remarks: "Like so many young men he was so busy yearning for the moon that he never saw the sixpence at his feet." The title served to Maugham as a symbol for two opposing worlds — the material world quit by Strickland, where everything is thought of in terms of money, and the world of pure artistry craving for beauty [3].

"The Moon and Sixpence" is the story of Strickland is a well-off, middle-class stockbroker in London some time in the late 19th or early 20th century. Early in the novel, he leaves his wife and children and goes to Paris, living a destitute but defiantly content life there as an artist (specifically a painter), lodging in run-down hotels and falling prey to both illness and hunger. Strickland, in his drive to express through his art what appears to continually possess and compel him inside, cares nothing for physical comfort and is generally indifferent to his surroundings, but is generously supported while in Paris by a commercially successful but hackneyed Dutch painter, Dirk Stroeve, a friend of the narrator's, who immediately recognizes Strickland's genius. After helping Strickland recover from a life-threatening condition, Stroeve is repaid by having his wife, Blanche, abandon him for Strickland. Strickland later discards the wife (all he really sought from Blanche was a model to paint, not serious companionship, and it is hinted in the novel's dialogue that he indicated this to her and she took the risk anyway), who then commits suicide - yet another human casualty (the first ones being his own established life and those of his wife and children) in Strickland's single-minded pursuit of Art and Beauty. After the Paris episode, the story continues in Tahiti. Strickland has already died, and the narrator attempts to piece together his life there from the recollections of others. He finds that Strickland had taken up with a native woman, had two children by her (one of whom dies) and started painting profusely. We learn that Strickland had settled for a short while in the French port of Marseilles before traveling to Tahiti, where he lived for a few years before finally dying of leprosy. Strickland left behind numerous paintings, but his magnum opus, which he painted on the walls of his hut in before losing his sight to leprosy, was burnt down after his death by his

wife by his dying orders. After his death, he is recognised as a great artist whose works are considered priceless.

Strickland's decisive quality as an artist is, in Maugham's own word, "simplification," although the irony is that this "simplification" is anything but simple [4]. It is extraordinarily hard to understand. It is almost as though Maugham is poking fun at his own presumable simplicity as well as at the myth of the modern artist whose rejection of all that is conventional turns out to be obfuscating rather than clarifying. Modern art, whether Gauguin's or Maugham's own, is indeed difficult, although one need not be hit over the head with it for its subtleties to emerge.

The directness that Gauguin represents mythological is, in Maugham's rendering, actually the reverse of what it seems to be – inscrutable, oblique, without the manifest meaning it appears to offer. Rather than find and disclose a fugitive secret that will explain Strickland and his art, Maugham's narrator is faced instead with an interpretative impasse. The more he learns about Strickland, the less he knows. To the question, "What is the secret of modern artistic creation?" there is no available reply. "It is a riddle," says Maugham at the book's start, "which shares with the universe the merit of having no answer"[5]. Contrary to the very mythology he narrates, Maugham finds Strickland's, or Gauguin's, vaunted directness of purpose and expression to be utterly mysterious, altogether obliging to analysis despite the endless temptation to engage in it. Strickland and his work are not as simple as they look.

The innovative complexities of "The Moon and Sixpence" are not, however, limited to temporal experimentation or the refusal to allegorize. If the novel resembles Conrad in narrative structure and tropical site, it also departs from Conrad in its suspension of sympathy for the visionary. Maugham's first-person narrator does not construe his relation to Strickland along the familiar lines of the secret sharer or double (the narrator who recognizes his own dark or repressed side by identifying with his perplexing subject), the combined technical and psychological device that Maugham borrows from Conrad and turns on its head. Unlike Conrad's Marlow, Maugham's narrator is drawn to the visionary not by sympathy but by mere curiosity, circumstantially created by the entreaties of Strickland's abandoned wife, whom he meets in London at the book's start, and, later on, by the circumstances of World War I, when he finds himself in Tahiti after Strickland has died. Even though Maugham's narrator is himself an artist (a professional writer), he does not glorify the artist's pain and suffering. "I have nothing but horror," says Maugham in a 1917 entry in "A Writer's Notebook", "for the literary cultivation of suffering which has been so fashionable of late"[6]. Despite the narrator's fascination with Strickland, there is no kinship, nor is there antagonism. There is instead a preposterously cool neutrality, made convincing by the charming avuncular of tone that is Maugham's stylistic signature.

This charm is what makes the Maugham narrator the central force in "The Moon and Sixpence" and a special voice in English fiction as a whole. Nameless in "The Moon and Sixpence, this persona came to be used more and more by Maugham over the years, acquiring the name of Ashenden in many of Maugham's stories. He even survives his incarnation as Ashenden with the publication of "The Razor's Edge" (1944), when he takes on Maugham's own name. Endearingly paradoxical, the Maugham narrator is sophisticated and cynical, but also affable and companionable: dry and indirect, but also vivid and straightforward. While it may appear that his exact descriptive powers in "The Moon and Sixpence" contrast with the lack of an explanation to the puzzle of Strickland, his unwillingness to offer allegorical answers to aesthetic, existential, or metaphysical quandaries is of a piece with his trenchant exactitude. Maugham had little use for the ineffable, not because his sympathy for Romantic vision was nil, but because the realist in him bridled at the excessive poeticism to which the description of inward states of mind might lead. He mocks the dangers of such rhetorical self-indulgence in the opening chapters of "The Moon and Sixpence", finally throwing up his hands in the face of the bad writing that results from it in order to get on with his story.

The novel "The Moon and Sixpence" is about the problem of human and art in every sense of the word. The character of Charles Strickland, the mild mannered stockbroker who rejected everything in life for a single-minded pursuit of his art, as the archetype of what art is and what the artist must do to achieve it. His relations with others show the depths to which one must truly stoop in order to create something of enduring truth and meaning. In contrast, the character of Stroeve is the archetype of love, and he conducts himself in the way all must who wish to put

love above all else. Their conflict over Stroeve's wife Blanche is extremely interesting when viewed in this context, to say nothing about Blanche's motivations for choosing Strickland (art) over Stroeve (love). The real ending of the book should have been with the image of the pictures Strickland painted on the walls of his Tahitian home, pictures painted while going blind from leprosy, pictures that were beautiful and obscene, pictures that revealed an understanding of the workings of the universe man was never meant to know, and pictures Strickland would surround himself with after going blind and study in the dark center of his mind's eye, seeing more than anyone had ever seen before. The few paragraphs that follows this are a bit of an anticlimax, but probably necessary. The final scene with Strickland's abandoned wife and child potential degree.

Presumably Strickland's "moon" is the idealistic realm of Art and Beauty, while the "sixpence" represents human relationships and the ordinary pleasures of life. "The Moon and Sixpence" can be read as a treatise on the tension that exists between the idealistic pursuit of art and the ability to maintain healthy human relationships and from that perspective its disturbing message is clearly that the artist can have one or the other, but not both. Meanwhile, the author had never ceased to work at his art; but had soon tired of the studios, entirely by himself. He had never been so poor that he could not buy canvas and paint, and really he needed nothing else. He painted with great difficulty, and in his unwillingness to accept help from anyone lost much time in finding out for himself the solution of technical problems. He was aiming at something, and perhaps he hardly knew himself; He did not seem quite sane. He would not show his pictures because he was really not interested in them. He lived in a dream, and the reality meant nothing to him. He worked on a canvas with all the force of his violent personality, oblivious of everything in his effort to get what he saw with the mind's eye; and then, having finished, not the picture perhaps, he lost all care for it. He was never satisfied with what he had done; it seemed to him of no consequence compared with the vision that obsessed his mind [7].

Conclusion. English literature is passing through a period of transition and any forecasts concerning its further development would be arbitrary. One thing seems certain, however – the best works of contemporary prose and poetry are being put at the service of the momentous issues of today and bear relevance to the needs aspirations of humanity.

Literature is the vision of life. Its main aspect is human being, his acts, his fights, his love, his hatred, happiness and grief. Human being is considered the leading core in the creation of literature, because the author creates the overall content of the work through the human being. While creating literary image, the writer shows his individual aspects as well. It is not an easy task to get to the heart of the readers through the books. One of the great writers of the English Literature William Somerset Maugham could combine both human character and the art in his novel "The Moon and Sixpence". The novel could show us the devotion of a man to art, his sacrifice and finally his grief. He ends up his life getting blind and living a miserable life. William Somerset Maugham can be considered as one of the brightest representatives of the English Literature. That's why, in my opinion, it is important to read, analyze and spread his novels to the people.

LITERATURE

1. **Maugham W.S.** The Moon and Sixpence. Electronic Classic Series. The Pennsylvania State University. Cover Design: Jim Manis. Copyright 2012. – 238 p.
2. **Гурова Л.И.** Из истории жанра эссе в английской литературе//Сборник науч. трудов. – Т., 1979. – С. 25-34
3. **Аникин Г.В., Михальская Н.П.** История английской литературы. – Москва: Высшая школа, 1985. – С. 431.
4. **История английской литературы.** – Москва: Академия Наук, 1945. – С. 382.
5. **Сомерсет Моэм.** Избранные произведения в 2-х томах. – М.: Радуга, 1985. – Т.1. – С. 564.
6. **Пастернак Б.** Собрание сочинений: В 5-ти томах. – М.: Художественная литература, 1991. – Т. 4. – С. 338.
7. **Patterson R.F.** The story of English literature. – New York, Philosophical library, 1947. – P. 335.

УДК 811.512.133 811.161.1

“ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК” АСАРИНИНГ РУСЧА ТАРЖИМАЛАРИДА МАҚОЛЛАРИНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ

ВЫРАЖЕНИЕ ПОСЛОВИЦ В РУССКИХ ПЕРЕВОДАХ НА ПРИМЕРЕ «СБОРНИКА
ТЮРКСКИХ НАРЕЧИЙ»

THE EXPRESSION OF PROVERBS IN TRANSLATIONS OF “DEVANU LUGATIT TURK”

Касимова Зиёда Мовлон қизи

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети лингвистика йўналиши
магистри*

Таянч сўзлар: таржимон маҳорати, мутаржим, тўғридан тўғри таржима, изоҳлаш йўли орқали таржима.

Ключевые слова: талант переводчика, переводчик, прямой перевод, интерпретация.

Key words: the talent of an interpreter, translator, direct translation, interpretation.

Ушбу мақолада ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган асарларда мақолларнинг ифодаланиш хусусиятлари “Девону луғотит турк” асари мисолида ёритилган.

В статье анализируются особенности выражения пословиц, переведенных с узбекского языка на русский, на примере “Сборника тюркских наречий”.

The article analyzes the peculiarities of expressing the proverbs translated from Uzbek into English in the example of “Divonu lugotit turk”.

Кириш. Мақоллар ҳар бир халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари, моддий ва маънавий турмуш тарзининг ойнаси бўлиб, унда халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маросимлари, байрамлари, афсоналари, психологияси, дунёқараши ва ҳоказолар мужассамлашган. Уларни чуқур тадқиқ этиш орқали халқнинг тили, тарихи ва маданияти ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритиш мумкин.

Ҳар қандай асарнинг ўзига хослиги, даставвал, унинг мазмунида ва асарнинг тилида кўринади. Асарнинг тилида ифодаланган миллий руҳни бериш эса, ҳақиқатан ҳам, қийин иш. Чунки асар қайси халқнинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлса, халқнинг дунёқараши акс эттирувчи мақолларга, фразеологик бирликларга бой бўлиб, улар ўз навбатида ёзувчи учун асарда халқ тилини ифодаловчи асосий манба сифатида хизмат қилади.

Мақол, матал, иборалар аниқ маънодаги ўз муқобилларига қараганда образли характери, мажозий маъно ташиши билан устун туради.

Асосий қисм. Ҳар бир мақолда биз ўша халқнинг қиёфасини кўрар эканмиз, энди бу қиёфани бутун гўзалликлари билан иккинчи халқни таништириш хайрли ва жиддий ишдир. Чунки ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган образли ибораларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш таржимондан жуда кўп меҳнат талаб қилади. Таржима қилинган мақол ўз қимматини йўқотмайди, аксинча, бошқа бир халқ учун катта ҳаётий ва маънавий-тарбиявий қимматга эга бўлади.

“Метафора, қиёслаш, эпитет, идеома, мақол, матал ҳамда нутқнинг барча шакллари тил қонуниятлари асосида миллий шаклда яратилади. Уларнинг мазмуни эса маданий-миллий ўзига хослиги билан ифодаланади; характер ва асар моҳиятининг ўзига хос тасвирини яратиш учун хизмат қилади” [1].

Таржима жараёнида мақолларнинг таржима қилиниши мутаржимдан анчагина маҳорат талаб қилади. Таржимоннинг бу ўринда оригинал вариантдаги мақолни ўзи таржима қилаётган тилдаги мавжуд мақоллардан мосини танлай билиши унинг маҳоратидан далолат беради. “Девону луғотит турк”да Маҳмуд Кошғарий қўллаган машҳур ўзбек халқ мақолларининг рус тилига таржимасини таҳлил этиш орқали таржимон маҳорати ва усулларини аниқлаш мумкин.

Ўзбекча таржимада:

“Хўкизининг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ” [2]. Бу мақол “мустақиллик қул бўлишдан яхши” деган маънода қўлланади.

Русча таржимада (З.Ауезова):

“Лучше быть головой теленка, чем ногой быка” [6].

Русча таржимада (А.Рустамов):

“Лучше быть головой теленка, чем ногой быка” [5].

Мазкур мисолда ҳар иккала таржимон ҳам *Хўкизининг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ* мақолининг мазмунини тўғри англай олган ва таржимада айнан рус тилидаги *Лучше быть головой теленка, чем ногой быка* муқобилини берган. Бу ерда таржимонлар керакли мазмунни беришга муваффақ бўлган.

Ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири меҳмондўстлик бўлиб, меҳмонга бориш ва меҳмон кутишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Қуйидаги мақол зиёфатдан сўнг кетмоқ учун узр сўраган меҳмонга нисбатан қўлланади:

Ўзбекча таржимада:

“Уй эгаси меҳмонни тўйдирса, меҳмон кўзи кетишга отланиб, йўлда бўлади” [3].

Русча таржимада:

“Как только хозяин накормит (гостя), глаза (гостя всегда) устремляются на дорогу (чтобы идти дальше)” [6].

Бу мақол ҳозирда кам истеъфода этилса-да, лекин меҳмоннинг ўз иззатини билиши кераклигини ифодаловчи мазмунга эга. Таржимон *Уй эгаси меҳмонни тўйдирса, меҳмон кўзи кетишга отланиб, йўлда бўлади* мақолини сўзма-сўз таржима қилган. Боиси, мақолнинг рус тилида айнан муқобили йўқ эканлигида. Кўриниб турибдики, меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш одоби ҳар икки миллатда бошқа-бошқа. Бу, албатта, таржима жараёнига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган.

“Девону луғотит турк”да келтирилган мақолларни кузатар эканмиз, уларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз ишлатилса, айримлари маънони сақлангану, аммо шакли ўзгарганига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекча таржимада:

“Ош туз билан тотли, лекин лаган билан ёлғиз тузнинг ўзи ейилмайди” [4]. Бу мақол ишларда аниқ мақсадли бўлишга ундаб айтилади.

Русча таржимада:

“Жирный суп будет сварен и наполнит миски и чаши” [6].

Мақолнинг *Ош туз билан тотли* қисми *Жирный суп будет сварен* тарзида таржима қилинган. Биламизки, овқат меъёрига етиб пишса мазали бўлади. Таржимон ош (овқат)ни шўрва билан бериб, унинг кўп қайнаши овқатнинг тузи, таъми тотли бўлишига ишора қилмоқда. Мақолнинг иккинчи қисми таржимада ўз аксини топмаган.

Таҳлил қилишда давом этамиз.

Ўзбекча таржимада:

“Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди” [2].

Русча таржимада (З.Ауезова):

“Чего не съест голодный? Чего не скажет сытый?” [6].

Русча таржимада (А.Рустамов):

“Голодный не отвернется и не откажется от поданной ему пищи, сытый голодного попрекает” [5].

З.Ауезова мақолни таржима қилишда сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланган. А.Рустамов эса мақолнинг мазмунини изоҳлаш, шарҳлаш орқали таржима қилган. Лекин ҳар иккала таржима ҳам *Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди* мақолининг эквиваленти бўла олади.

Тилимизда шундай мақоллар борки, улар ўзаро маънодош ҳисобланади. Бу мақолларни қачон, қандай ҳолатга нисбатан ишлатишни ўзимизгина биламиз. Халқимизда шундай гап бор: ўғил отага ўхшайди. Қадимдан ўғил фарзандларнинг тарбияси билан оталар шуғуллангани учун ҳам шундай фикрга келинган. Таҳлил этаётган асаримизда ҳам бу фикрни ифодаладиган мақоллар мавжуд. Қуйида уларнинг рус тилига қандай таржима қилинганини кўриб чиқамиз.

Ўзбекча таржимада:

“Ота ўғли хулқда, албатта, отасига ўхшайди” [3].

Русча таржимада:

“Сын человека всегда (родится) похожим на отца (своим нравом)” [6].

Бу мақол хулқи отасининг хулқига ўхшаганларга айтилади. Шаклан бошқа бўлса ҳам, мазмунан бир хил бўлган иккинчи мақолни келтирамиз:

Ўзбекча таржимада:

“Муздан, албатта, сув томади” [4].

Русча таржимада:

“Со льда капает вода” [6]. Ҳар иккала ҳолатда ҳам таржимон мақолларни сўзма-сўз таржима қилиш усулидан фойдаланган.

Таҳлилни давом эттириб, шуни айтиш мумкинки, таржима жараёнида “Девону луғотит турк”да келтирилган мақолларнинг рус тилидаги эквивалентини топиш қийин бўлган. Шунинг учун таржимон уларни сўзма-сўз таржима қилиб қўя қолган. Қуйида шундай мақоллардан бирини мисол қилиб келтирамиз:

Ўзбекча таржимада:

“Шароб бўлишдан олдин сирка бўлма” [4]. Бу мақол ўзини қарилардек тутадиган ёшларга нисбатан қўлланилади.

Русча таржимада:

“Не превращайся в уксус до того, как станешь вином” [6].

Кўриниб турганидек, русча таржимада гап бўлаклари туркий тилларникига қараганда ўзгачароқ. Русча матнда туркий гап тескарисидан, яъни гапнинг охиридан бошига қараб таржима қилинади ҳамда юқоридаги мисолда ўзбек тилида содда гап шаклида рус тилида кўшма гап тарзида берилган. Аммо аслиятнинг маъноси тўлиқ сақланган.

Ўзбек мақолларини мавзу жиҳатдан ажратганда, тил, тилни тия билиш, сўзлаш одоби ҳақидаги мақоллар салмоқли ўринни эгаллайди. Кам гапириб, кўпроқ ўйлаш кераклиги, кўп ва беҳуда сўзлаш бошга бало бўлиши мумкинлиги доимо уқтириб келинади. Шундай мазмундаги мақоллардан бири қуйидагичадир:

Ўзбекча таржимада:

“Энг яхши хулқнинг боши тилдир” [4].

Русча таржимада:

“Вершина добродетели – язык” [6].

Биламизки, “бош” сўзи ўз ва кўчма маъноларга эга. Юқоридаги мақолда бу сўз кўчма маънода қўлланган. Лекин таржимон буни яхши англаган ва *Энг яхши хулқнинг боши тилдир* мақолининг *Вершина добродетели – язык*, яъни *Яхши хулқнинг чўққиси – тил* муқобил вариантини бериб, мазмунини чиқаришга муваффақ бўлган.

Таржима шунинг учун ҳам санъатки, унда бирор сўз ёки иборанинг таржимаси шундайгина луғатдан олиб иккинчи матнга кўчириб қўйилмайди. Луғат кўп ҳолларда матнда тасвирланаётган воқеани, вазиятни ифодалаш учун ожизлик қилиб қолади. Шунда таржимон учун ижоднинг ёқимли азоби бошланади – у луғатда йўқ сўзни қидира бошлайди.

Корней Чуковский: “Таржима практикасида парадоксли қонун бор: асл нусхадаги ҳар бир сўзни қанчалик аниқ ўгирсанг, сен бажарган таржима оригиналдан шунчалик узоқ бўлади” [7].

Ҳақиқатан, мақол ва маталлар оддийгина сўзлар йиғиндиси бўлиб қолмай, халқ донишмандлигининг, унинг тасавури ва бадиий фантазиясининг маҳсулидир. Алоҳида халқчил характерга эга бўлган бу мақоллар ўзида яратувчи халқ, юрт хусусиятларини акс эттирибгина қолмай, жаҳондаги бошқа кўпгина тиллар фразеологиясини шакллантиришга кучли таъсир ўтказади. Шундай экан, уларни ўгирувчи киши ҳар икки халқ маданиятига мансуб ва уларнинг тил бойлигидан хабардор бўлиши керак.

Мақолларни бир тилдан иккинчисига ўгирганда, албатта, шу халқнинг миллий хусусиятларига ҳам эътибор бериш лозим. Мақолнинг бошқа тилдаги вариант ва эквиваленти билан бериш ўша тил халқларининг миллийлигига салбий таъсир қилмайди. Аммо бир савол туғилади. Сўз орқали тасвирлашда миллий хусусиятни сақлаб қолиш мумкинми?

Сўз орқали изоҳ билан берилган мақолларнинг маъносини аниқ ифодалаш таржимоннинг маҳоратига боғлиқ. Чунки таржимон ўша мақолнинг маъносини тўла тушуниб етгач, уни вариант ёки эквиваленти билан беришга ҳаракат қилади. Баъзи ҳолларда эса мақол маъносини изоҳлаш йўли билан талқин қилишга тўғри келади. Бундай ҳолларда мақолнинг маъносига путур етказмаган ҳолда ёндашиш даркор. Агар маъно нотўғри талқин қилинса, унинг миллий хусусияти ҳам йўқолиши мумкин. Аммо изоҳ орқали мақолни ифодалашда миллийлик кўпинча сақланиб қолади. Чунки мақол маъноси сақланиб қолган бўлади. Шу боис, унда тасвирланаётган воқеа-ҳодисанинг мазмуни ўша тил эгаларига тушунарли бўлади. Натижада миллийлик ҳам сақланиб қолади.

Хулоса. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мақолларни таржима қилиш мутаржим учун масъулиятли иш. Мутаржим мақол англатаётган маъно ижобий ёки салбий, кўпол ёки мулойим ва бир неча маъно бўёқларига эгалигини тушуниши лозим. Шунда мақол мазмунини тўғри изоҳлай олади. Шу билан бирга, таржимон мақолнинг қайси халққа тегишлилиги, халқнинг урф-одат, анъана, расм-русумлари билан, маданияти билан таниш бўлиши керак. Чунки ҳар қандай мақол тилда халқ билан бевосита боғлиқ ҳолда яратилади. Халқ турмуш шароити, яшаётган даври, замон муҳити билан шаклланади ва ривожланиб боради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Россельс В.** О передаче национального колорита. – М., 1953. – С.123.
2. **Маҳмуд Кошғарий.** Девону луғотит турк. I том. /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1960. Б.91.
3. **Маҳмуд Кошғарий.** Девону луғотит турк. II том. /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1961.
4. **Маҳмуд Кошғарий.** Девону луғотит турк. III том. /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1963.
5. **Маҳмуд ал-Кашғари.** Диван лугат ат-турк. Том 1 /Перевод с арабского А.Рустамова. – Москва, 2010.
6. **Маҳмуд ал-Кашғари.** Диван лугат ат-турк. /Перевод и предисловие З.-А.М.Ауезовой. – Алматы, 2005.
7. **Чуковский К.** Высокое искусство. – М., 1968. – С.107.

УСТОД С.АЙНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 140 ЙИЛЛИГИГА

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚИНИНГ АРДОҚЛИ ФАРЗАНДИ

ПЛАМЕННЫЙ СЫН УЗБЕКСКОГО И ТАДЖИКСКОГО НАРОДА

OUTSTANDING REPRESENTATIVE OF UZBEK AND TAJIK PEOPLES

Тўлаганов Абдуқобил Абдунабиевич

БухДУ ректори, т.ф.д., профессор

Ахмедова Шоира Неъматовна

БухДУ филология факультети ўзбек адабиёти кафедраси ф.ф.д.

Таянч сўзлар: устод, Бухоро фарзанди, Соктаре, зуллисонайнлик, адиб ва шоир, “Эсдалиқлар”, мемуар, хотиралар, биография, адабиётшунос олим, жаҳоний шуҳрат.

Ключевые слова: великий, сын Бухары, Соктаре, билингвизм, писатель и поэт, «Эсдалиқлар», мемуары, память, биография, литературовед, мировое значение.

Key words: great, son of Bukhara, Sektare, bilingualism, writer and poet, "Esdaliklar", memoir, memory, biography, literary critic, world significance.

Мақола устод С.Айний таваллудининг 140 йиллигига бағишланади. Унда ўзбек ва тожик халқининг севимли ёзувчиси Айний ижодининг бугунги кундаги аҳамияти, адабиётшуносликда адиб ҳақидаги хотираларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади.

Статья посвящена 140-летию со дня рождения С.Айни. В статье определены значение наследия С.Айни, как узбекского и таджикского писателя, роль воспоминаний о писателе в литературоведении.

The article is dedicated to the 140th anniversary of the birth of S. Ayni. The article shows the current significance of the S. Ayni's works as an Uzbek and Tajik writer, studying the place of memoirs about him in literary criticism.

Кириш. Юртимиз мустақилликка эришгач, ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, маънавият, маданият, санъат соҳаларидаги ўзгаришлар эътиборга моликдир. Узоқ тарих ва бой анаъналарга эга бўлган маъданий меросимиз ўз табиий сарчашмалари асосида ўрганилишга барча имкониятлар яратилди. Ижод оламидаги анъаналар, тажрибалар ва ютуқлар кейинги даврлар ўзбек адабиётининг эркин тараққий этишига пойдевор бўлиб хизмат этди. Барчамизга маълумки, юртимизда қадимдан, адабиётга, бадий сўз санъатига эътибор ниҳоятда катта бўлиб келган. Биргина бадий сўзнинг қиммати ҳақидаги алломаларимизнинг айтган фикрларини эсласак, бадий адабиётнинг нуфузи ниҳоятда ардоқли эканлигини англашимиз табиий. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб адабиёт аҳлига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ижод эркинлигини таъминлаш, бадий адабиётлар нашрини кўпайтириш борасида Ўзбекистон ҳеч қайси давлатдан ортда қолмаслиги масаласига алоҳида эътибор қаратган эдилар: “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёда тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса –миллат яшайди. Адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир” [1].

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” деб номланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: “...буюк Алишер Навоий бобомизнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш - одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмади, деб таъкидламоқда улуғ бобомиз. Бу ўлмас сатрлар бизнинг бугунги ҳаётимиз билан, бизнинг орзу-интилиш ва амалий ҳаракатларимиз билан нақадар ҳамоҳанг экани одамни ҳайратга солади”, - деган эди [2].

Бутун ҳаёти ва ижодини халқ дарду ғами, орзуларини куйлашга бағишланган буюк ижодкорлар ҳамиша халқнинг ардоғида бўлганлар. Шундай ижодкорлардан бири Садриддин Айнийнинг халқимиз маданиятига қўшган улкан ҳиссаси, илмий ва бадиий ижоди ҳукуратимиз томонидан юксак баҳоланган. У Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов фармонида биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Асосий қисм. Устод Садриддин Айний. Номи дилларга пайванд бўлган бу табаррук сиймо етмиш олти йил умр кўрди. Шундан қирқ йили Бухоро амирлиги даврида сарсонлик ва муҳтожликда ўтди. Илм–маърифат ва адабиётга эҳтироси кучли бўлган ёш Садриддин моддий қийинчиликларга қарамай, Бухородаги Мир Араб, Олимжон, Ҳожи Зоҳид, Бадалбек мадрасаларида таҳсил кўрди. Диний китоблардан кўра илм-фанга, айниқса, Шарқ адабиёти классиклари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий ва Соиб асарларига иштиёқи баланд эди. Кейинчалик бадиий сўз устодларига эргашиб ўзи ҳам “Сиёрлий”, “Муҳтожий” ва “Жунуний” таҳаллуслари билан шеърлар ва ғазаллар ёза бошлади. Шулардан унинг “Гули сурх” (Қизил гул) номли биринчи ғазали бизгача етиб келган холос. Шоирнинг 48 маъно англатувчи “Айний” таҳаллуси билан ёзган мана шу биринчи ғазалидаёқ зулмкор замон адолатсизликларига, ижтимоий тенгсизликларга қарши кучли норозилик нафратини кўрамаиз.

Садриддин Айний машҳур маърифатпарвар олим Аҳмад Донишнинг илғор гуманистик ғояларининг содиқ давомчиси сифатида майдонга чиқди. Садриддин Айний оммани нодонлик ва жаҳолатдан қутултиришнинг бирдан-бир йўли халққа илм-маърифат тарқатиш деб билди. У Бухорода биринчилардан бўлиб халқнинг фарзандлари учун янги типдаги мактаблар очди ва улар учун ўқув дарсликлар яратди. Кўҳна Бухорода матбаа ва матбуотнинг пайдо бўлиши тарихи ҳам Айний номи билан чамбарчас боғлиқдир. “Бухорои шариф” ва “Турон” номли тожик ва ўзбек тилларида чиқадиган биринчи газеталар саҳифаларида Айний бошлиқ кўпгина маърифатпарвар ижодкорларнинг амир реакциясига қарши халқни мактаб, маориф, илм ва маърифатга даъват этувчи шеърлари ва мақолалари босилиб турди. Айний мактабдорлик қилгани, маърифат кутубхонасида китоб мутолааси билан шуғуллангани, газета ўқигани ва прогрессив ғоялар тарафдори бўлгани учун амир томонидан таъқиб этилди. У амир жаллодлари томонидан етмиш беш дарра калтакланди, чала ўлик ҳолда зиндонга ташланди.

Садриддин Айний ўз ижодий фаолияти давомида машҳур ёзувчи ва олим, улкан тарихчи ва публицист, адабиётшунос ва тилшунос, шарқшунос олим ва йирик жамоат арбоби сифатида бутун дунёга танилди. Адибнинг “Бухоро жаллодлари”, “Одина”, “Дохунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Эски мактаб”, “Қуллар”, “Етим” ва “Эсдалиқлар” каби йирик бадиий асарлари ўзбек ва тожик адабиётларидагина эмас, балки бутун жаҳон адабиётшунослигида улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Садриддин Айний адабиётимизда улғу Алишер Навоий бошлаб берган зуллисонайлик – икки тилда ижод қилиш анъаналарини давом эттирди ва ўз ижоди билан уни юқори босқичга кўтарди. У икки халқ яратган бой адабий меросдан баҳраманд бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида яратган барча асарлари ана шу икки халқнинг умумий мулкига айланиб қолди. Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи”, “Муқанна кўзғолони”, “Темур Малик” сингари асарлари тарих фани учун қанчалик муҳим бўлса, “Тожик адабиётидан намуналар” номли антологияси, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Бедил, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ҳаёти ва ижодига доир рисоалари, илмий-танқидий мақолалари ҳам адабиётшунослик ва шарқшунослик учун бирдек муҳим аҳамиятга эгадир.

Садриддин Айний кейинги ўттиз йиллик ижоди давомида тожик ва ўзбек адабиётларининг бобокалон арбоби сифатида танилди. Бу икки халқ миллий адабиётларини дунё миқёсига олиб чиқди ва бутун жаҳонга танилди. Бадиий сўз санъаткори, кўп қиррали ижод соҳиби бўлган Айний ўзининг бутун онгли ҳаёти ва ижодий истеъдодини халққа бағишлади. Устод Садриддин Айнийнинг ибратли ва у яратган умрбоқий образлар замонамиз кишиларини янгидан-янги меҳнат ва ижод зафарларига илҳомлантириб келмоқда.

Устод таваллудининг 140 йиллик юбилейини Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси Самарқанд давлат университети хориждан ташриф буюрган

олимлар билан ҳамкорликда ўтказганлиги, анжуманга келиб тушган мақола ва тезисларнинг ўзи уч тилда иккита китоб сифатида чоп этирилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Дунёга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов бундан ўттиз беш йил муқаддам босилган “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ҳодисадир”, - деб ёзган эди. Икки мумтоз – ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси Садриддин Айний ҳақидаги хотиралар китоби унинг ҳаёти, ижоди ва шахсини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Хотира ёзувчилар нафақат ўзбек ижодкорлари, балки улар орасида қирғиз адиби Чингиз Айтматов, немис адиби Альфред Курелла, Техрон университети профессори Саид Нафисий каби бир қанча қардош халқлар ижодкорларининг номи борлигининг ўзи С.Айнийнинг жаҳоний шуҳрат қозонганлигини кўрсатади.

Таниқли тожик адиби Жалол Икромий ҳаққоний таъкидлаганидек, “Айнийнинг Бухорога ошиқи беқарор юраги унинг учун ачинар нажот истарди. Айний Бухоронинг дарду жафоларига қалбан шерик, чинакам ватанпарвари эди.” Ана шу ошиқлик ҳисси, ватанпарварлик бурчи ва ҳамдардлик ҳоли донишманд Айнийни охири нафасгача тарк этмаганди.

«Агар Садриддин Айнийнинг кўнглини Бухоро ишқи, Бухоро илм-маърифатининг нури чароғон этмаганида, агар у ҳам Ибн Сино, Аҳмад Дониш ёки Абдурауф Фитратлар каби ориф Бухоронинг қондош ва жондош муҳибига айланмаганида, шак-шубҳасизки, у мўрт бир абадий шахсият билан ўртамиёначилик чегарасидан бир қадам ҳам нари ўтолмасди», - деб ёзади адабиётшунос И.Ҳаққул.

Буюк инсонларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, қолдирган маънавий мероси, улар ҳақидаги хотиралар, суҳбатлар ҳамиша китобхонни ёзувчига яқинлаштирадиган калитлардан бири бўлиб келган. Шунинг учун устод Айний хотирасига бағишлаб “Айний замондошлари хотирасида” китобининг чоп этилиши, унда берилган хотиралар буюк адибнинг ҳам ижодий, ҳам инсоний қиёфасини очишда муҳим аҳамият касб этади.

Бухоролик ҳажвчи ёзувчи Н. Аминовнинг “Устод табассуми” деб номланган туркуми С.Айнийга бағишланган. Хотиралар китобига шу туркумдан парчалар киритилган. Ёзувчининг ўзи унга шундай изоҳ беради: “Одатда машҳур кишилардан жуда катта адабий мерос билан бирга, улар ҳаётдан ўзларини севган, ардоқлаган эл орасида анча қизиқ гаплар, доно, ҳозиржавоб фикрлар, зариф хотиралар қолади.

Эгизак адабиёт– ўзбек ва тожик адабиётининг бешиги тепасида турганлардан бири устод Айний ҳам шундай машҳур сиймолардан. Улуғ ёзувчи, забардаст олим, ажойиб инсон Садриддин Айнийга ёш бир қаламкаш сифатида, унинг ҳамшаҳари сифатида ҳурмати чексизлигидан адиб қаламга олган воқеий ҳикояларни устознинг шогирдлари, у кишини шахсан кўрган, таниган кишиларнинг жонли хотираларига таяниб ёзганлигини эътироф этади.

“Сандал” деб аталган хотирада С.Айнийнинг сандалда ўтириб ижод қилишини менсимай, олифталик қилган ёш бир ёзувчининг устодга беписандлик қилгани ва устоднинг бир гап билан уни мот қилиб ташлагани ҳикоя қилинади.” – *И...Муллажон, қизиқсиз-ку,- деди энгил бош чайқаб,- биз қирқ ёшда ижодни бошлаб, худди ана шу сандал, анови хонтахтада ўтириб, “Ишкамба”ни ёздик, “Қуллар”у “Дохунда”ни ёздик. “Одина”ю “Эсдалиқлар”ни ёздик. Сиз столу креслода ўтириб, айтинг-чи, ҳозиргача нима ёздингиз, Муллажон? Ишингизнинг унумидан гапиринг-чи?...*

Олифта ёзувчи қаттиқ ўсал бўлди” [3].

Бу мисол С.Айнийнинг бир томондан ҳозиржавоблигини кўрсатса, иккинчи томондан бировдан гап еб ўтирмайдиган, ҳақиқатни шартта юзга айтадиган инсон эканлигини ҳам намоён этади.

“Ғалла”да ҳам устод Айнийнинг ҳам инсонийлик хислати, ҳам ҳақиқий мунаққидларга хос фазилати намоён бўлган. Унда аввало устод яшаган уйнинг сурати чизилган: “*Устоз ҳаётлигида ҳам у кишининг Самарқанддаги уйи худди музейдек ясалган эди. Жавонларда сон-саноксиз китоблар, токчаларда чинни буюмлар, устозга қилинган совғалар тартиб билан териб қўйилган. Девордаги чўғдек гиламга у кишининг Максим*

Горький билан тушган сурати, иккинчи томонда қадим Бухоро манзараси, устознинг амир томонидан ваҳшийларча калтакланганидан кейин Когон касалхонасида туширилган фотосуратлари қоқилган эди”. Ана шу суратларга тикилиб, хаёл суришни одат қилган Айнийни суюкли қизи Холиданинг овози сергаклантиради. У уч кун олдин қўлзма қолдириб кетган йигит келганини маълум қилади. Қорача, кўзлари шаҳлога монанд йигитнинг ботинкаси боғичини еча олмай овора бўлгани бир оз кулгили тасвирланади. Анча уннаб ботинкасини ечган йигитни пойгақда қўл ювишга мажбур қилган адибнинг шу лавҳада нозиктаъблиги, шу билан бирга унда ҳақиқий устозларга хос бағрикенглик, ёшларни қўллаб-қувватловчи мунаққидлик фазилати ҳам намоён бўлади. Айний йигитнинг қўлзмаси ўзига маъқул бўлганлигини айтиб мақтайди. Аммо бу мақтовлар остида танқид ётганини ёш, тажрибасиз ёзувчи сезмайди. Чунки устод фикрларини халқона ва рамзларга ўраб ифода этади, охирида уни чиройли қилиб тушунтириб беради. “Устоз тушунтиришга киришди.

Ҳа, бир қоп ғалла келтирибсиз. Бу қопнинг ичида арпаям, жўхориям, тариғам, маккажўхорию буғдойм бор, дурушта...

Йигит домла мени мақтаяптилар, деб ўйлаб ҳамон жилмайиб турар, камоли хурсандлигидан : “Раҳмат, устозжон, куллуқ”, деб қўярди.

Сизнинг эндиги вазифангиз, - дея давом этди устоз, - ана шу қопдаги ғалланинг фақат буғдойини айириб олиб, ўқувчи-китобхонга етказиш...”

Ҳайрон бўлиб қолган йигитга Айний яна тушунтириб беради:

“Устоз қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Э.Махсумжони тушмагур-эй, - деди қўлзмани варақлаб туриб, - вақти келганда жўхорисидан гўжа ош, арпасидан зоғора нон, тариғидан бўза тайёрлайсиз. Ҳозир сиз мендан қопдаги ғалладан буғдойини қандоқ айириб олиш йўллари сўранг...”(114-бет).

С.Айнийнинг бу сўзлари сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш асосий вазифаси бўлган илми нақдни яхши тушунганидан, ҳақиқий танқидчиларга хос заргарлигидан далолат беради. Шу билан бирга Айний ёш ёзувчига “қўлзмасидаги ортиқча жойларни қисқартириш, айрим бобларни бойитиш, умуман, асарни қайта ишлаш бўйича” маслаҳатлар беради, бу ҳам унинг улкан қалб эгаси эканлигини кўрсатувчи бир далил бўлиб хизмат қиладики, Н.Аминов хотираларининг аҳамияти мана шунда кўринади.

Академик Воҳид Абдуллаевнинг “Илм-маърифат денгизи” деган қалб сўзларида олимнинг устод Айний билан учрашувлари, таассуротлари батафсил ёритилади. Унинг охирида С.Айнийга хос бўлган энг муҳим бир фазилат тилга олинади. Бу олимнинг хаёл ва ижод дунёсида кезиб, адабиётдан завқ олиш ҳолатининг акси эди. Устод Айнийдан ҳамсуҳбатлари “қаерда эдингиз” деб сўрашганида шундай жавоб беради:”

- Ҳеч нарса бўлган эмас, баҳри Муҳити кабирда кезиб юрибман, - деди устод Айний.

- Хўш, бу яна қанақа баҳр, қанақа буюк денгиз бўлди? - деб сўради Иброҳим ака.

- Илм-маърифат денгизи, адабиёт денгизи, халқимизнинг минг йиллар давомида дуру жавоҳирлар тўктириб яратган бепоён денгизи, - деб жавоб қайтарди устод.

- Мулло Иброҳимжон, мен кезиб чиқаётганим денгиз шундай ҳам буюк бир денгизки, унинг бир каф жавоҳирига бир бутун магазинингнинг молини тенглаштириб бўлмайди, - деди. - Устоз Рудакийнинг ўзи бир миллион юз минг байт шеър ёзган экан, унинг ўзи бир маънавий денгизи; Навоийнинг “Девони Фоний”, “Хазойин ул-маоний”ларини демайсизми, “Хамса”си-чи? Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий, Ҳилолий, Бедил, Зебуннисо, Мушфиқий, Машраб, Гулханий...яна кимларни айтай? Мана шуларнинг ҳаммаси (улар юзлаб, минглаб муҳтарам ва аламдийда зотлар) биргалашиб яратган поёни йўқ денгиздаман. Эҳе-е...”(51-бет).

Бу мулоҳазалар С.Айнийнинг илмий ва бадиий тафаккури юксак ижодкор, шу билан бирга гўзалликдан завқланувчи ҳассос қалбга эга эканлигидан далолат беради.

Самарқандлик олим, профессор Р. Муқимов ўз хотираларини устоз билан илк учрашувидан бошлайди. Кейинчалик устоднинг раҳбарлигида илмий иш олиб боради. Шу маънода у домлага яқин кишилардан бири бўлганлиги кўринади. Ёш олимнинг Гулханий ҳақидаги тадқиқотига раҳбарлик қилган Айнийнинг ҳофизаси нақадар кучли эканлигига мисол келтиради.

Хотираларда яна бир қизиқ далил учрайди: домланинг суҳбатига бирон марта мушарраф бўлган киши уни бир умр унутмаслигини, устознинг уйи доим олимлар, шоирлар, ёзувчи ва санъаткорлар зиёратгоҳи бўлганлигини Р.Муқимов таъкидлайди. Атоқли шарқшунос олимлар Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинскийдан тортиб, машҳур адиблар Ҳамид Олимжон, Ғ.Ғуллом, Мирзо Турсунзода, А.Дехотий, Жалол Икромийгача, мамлакатнинг фозил фан-давлат арбоблари, қардош халқ вакилларининг устоз суҳбатидан баҳрамандлигини ўз кўзи билан кўрган олим шогирдлар уни “илм дарёси”, тирик тарих” деб атаганларига гувоҳлик беради.

У устозининг тарих, санъат-адабиёт тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳар вақт илмий-тадқиқий руҳда эканлигини айтиб, С.Айний фикрларини келтиради: “Илмда,- дер эдилар устоз, - масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Баъзида назарга илмас бирон фикр-мулоҳаза катта бир муаммонинг калитига айланиши мумкин”. Шогирд устозининг гапларига мисоллар ҳам келтиради.

Машғулотларнинг бирида устознинг: “ - *Илмий ишда баъзан олимнинг янглишиши, хатога йўл қўйиши мумкин. Аммо бу кечирарлидир. Лекин агар мунаққид ўз хато ақидаларини тасдиқлаш учун кўра-била туриб сохтакорлик ва қалбакичиликка қўл урса ва халқимиз тарихини бузиб кўрсатишга йўл очиб берса, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳдир*” деган сўзларини ҳам мисол қилиб келтиради.

Истеъдодли олим О.Тоғаевнинг “Айний Бухорода” хотирасида 1949 йилда Айнийнинг Бухорога келиши муносабати билан боғлиқ таассуротлар тилга олинади. Олимнинг биринчи марта Айний билан учрашуви Абу Али ибн Сино номидаги кутубхонадан бошланганлиги, талабаларнинг устод билан учрашуви, унда институт ректори, ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти М.Юнусов ва тожик адиблари Сотим Улуғзода, Жалол Икромийларнинг Айний ҳақида сўзлаганликлари, устознинг асар ёзиш машаққатлари тўғрисидаги фикрларидан мисоллар келтирилади. Айнийнинг она шаҳри ҳақида тўлқинланиб сўзлаган нутқидан парчалар берилиши ҳам устод қиёфасини очишга хизмат қилган.

“Айний замондошлари хотирасида” китобида турли касб эгалари: файласуфлар, олимлар, журналистлар ва бошқа касб эгаларининг хотираларида Айний ҳаёти ва ижодининг муҳим қирралари очиб берилган. Масалан, академик, файласуф И.Мўминов Айнийнинг тараққийпарварлик ғоялари билан Аҳмад Дониш орқали танишгани, маърифатпарварлик фаолияти ҳақида сўз юритади. Уни “ажойиб мутафаккир, адабиётнинг асосчиси, нодир асарлар яратган” ёзувчи деб ҳисоблайди.

Адабиётшунос олим Ҳ.Ҳомидийнинг хотираларида устод билан уч марта Самарқанддаги уйларида, Тожикистонда ва Тошкентда Тил ва адабиёт институтида учрашганлиги ҳақида ҳикоя қилар экан, устод ижоди ва шахсидан жуда катта таассурот олганлигини самимий қайд этади. Устознинг бедилшуносликка қўшган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлайди.

Адиба Қ.Убайдуллаева хотираларида устознинг ҳаёти янада чуқур тасвирланишининг боиси шундаки, у устод хонадонида шахсий машинистка бўлиб ишлаган, шунинг учун устод Айний ҳақида кўпроқ билиши ҳам табиий. Хотираларда ҳам энг аввало, Айнийнинг инсоний фазилатлари тилга олинади: “Домла мен тасаввур қилганимнинг акси ўлароқ, жуда хушфеъл, хушчақчақ, кичик жуссали, камтаргина киши бўлиб, одамларга ғамхўрлик, меҳрибонлик каби фазилатлар юзларида шундоққина акс этиб турарди” (103-бет). Ёки устознинг ижод қилиш - иш усуллари ҳақида: “Устоз саҳар чоғи туриб, саҳнига рангоранг гуллар экилган ташқари ҳовличани кезиб юрар, гулларни парвариш қилар, тонгги концерт тугагач, ичкарига- ижодхонага кириб кетардилар. Ҳар икки соатда дам олиш домла учун одат тусига кириб қолган эди. Иш қанчалик тикилинч бўлмасин, барибир, бу одатни тарк эта олмасдилар”.

Адиба хотираларининг қимматли яна бир жиҳати бор, унда устознинг рафиқалари, у кишининг қандай инсон бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилдики, бу бошқа хотираларда деярли учрамайди. Бундан ташқари устознинг ижод қилиш, асар ёзишга масъулият билан қараш, инсоний удумлар, фазилатлар ҳақидаги қарашларига ҳам хотираларда кенг ўрин берилган, бу эса унинг аҳамиятини янада оширади. Адиба устоз

уйида ишлаган кезларини ўзи учун катта дорилфунун ролини ўтаганлигини мамнунлик билан ёзган.

“Айний замондошлари хотирасида” китобида турли касб эгалари: файласуфлар, олимлар, журналистлар ва бошқа касб эгаларининг хотиралари ҳам берилган. Уларда Айний ҳаёти ва ижодининг муҳим қирралари очиб берилган. Масалан, академик, файласуф И.Мўминов Айнийнинг тараққийпарварлик ғоялари билан Аҳмад Дониш орқали танишгани, маърифатпарварлик фаолияти ҳақида сўз юритади. Уни “ажойиб мутафаккир, адабиётнинг асосчиси, нодир асарлар яратган” ёзувчи деб ҳисоблайди.

Адабиётшунос олим Ҳ.Ҳомидийнинг хотираларида устод билан уч марта Самарқанддаги уйларида, Тожикистон ҳамда Тошкентда Тил ва адабиёт институтида учрашганлиги ҳақида ҳикоя қилар экан, устод ижоди ва шахсидан жуда катта таассурот олганлигини самимий қайд этади. Устоднинг бедилшуносликка қўшган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлайди.

Бу соҳада устоз, филология фанлари номзоди, профессор, Саиджон Алиевнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим. Устознинг “Бухорода битилган байтлар” китобидан С.Айний ҳақидаги уч мақола ва С.Алиевнинг адиб билан учрашувлари таассуротлари ўрин олган. “Бухорода тонг отгунча” мақоласида ёш Садриддиннинг биринчи марта шеър ва шоир сўзларини эшитганидан бошлаб, Бухорода битилган дастлабки машқлари, тахаллуслари, рубоий ва бир ғазалининг ёзилиши ҳақида мулоҳаза юритилади.

Иккинчи мақолада шоирнинг инқилобий руҳдаги шеърлари ҳақида фикр юритилади. Учинчи мақолада Айнийнинг рус артистлари ҳақидаги фикрлари таҳлил этилиб, унинг “Ширбадан сайили достони”нинг ёзилиши ҳақидаги мулоҳазалар ўртага ташланади.

С.Алиевнинг С.Айний билан учрашувларини ўқир экан, китобхон кўз олдида Айнийнинг олимлик ва инсонийлик фазилатлари янада ёрқин гавдаланади. Биринчи учрашувда С.Алиев Айний портретини шундай чизади: *“Нуроний қиёфа, буғдойранг, оқарган калта соқол, кенг пешона. Ўқиш ва ёзишдан чарчаган кўзлар, аммо кўзлар самимий ва синовчан қарайди. Нутқлари адабий, аммо китобий эмас, аниқ ва бир оз бухороча шевада, содда, самимий”*.

Айний бухоролик ёш муаллимни самимий кутиб олади, меҳмон қилади ва икки соат суҳбат қилишади. Шундан кейин устод таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан С.Алиев адибга табрик телеграммаси ва газетада чиққан у киши ҳақидаги мақоласини юборади. Адиб жавоб мактуби йўллайди. Айнийнинг эътиборли эканини кўрсатувчи мактубни тожикчадан ўзбекчага таржима қилиб китобда келтирганларки, ҳақиқатан ҳам бу мактуб С.Айнийнинг буюк қалбга эга улкан инсон эканлигини кўрсатувчи бир далилдир. Шунинг учун ёзувчи мактубларини ўрганишнинг аҳамияти жуда катта” [4].

С.Алиев устод Айнийнинг 1949 йилнинг июнида Бухорога келганлари ҳақида ҳам маълумот беради. Гарчанд бу учрашувда ўзи қатнашмаган бўлса-да, унинг қизгин кутиб олиниши, учрашувлар, Соктарега боришлари ҳақида гапиради.

Сўнги учрашув Душанбеда 1950 йилда бўлган. Қисқа суҳбатдан кейин Айний Москвага кетиши муносабати билан уларни ҳам (тожик шоираси Гулчехра Сулаймонова билан) шаҳарга келтириб қўйиб, самимий хайрлашадилар. Сўнги учрашувдан Айний шундай ҳолатда С.Алиев хотирасида қолган экан: *“Сўнги учрашувда эгниларида гунафшаранг ҳарбийча фасонда тикилган китель, унинг чап кўкрагида орден ленталари ва депутатлик нишони. Бошларида Чуст дўпписи, қўлларида кавказча, дастаси қорамтир-сарғиш рангдаги ҳасса бор эди”*. Бу портрет миллий қиёфага эга ҳақиқий ўзбек ва тожик адибининг қиёфасини ёритишга хизмат қилиши билан маълум қимматга эгадир.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, хотираларда баъзан такрорлар, бир воқеанинг бир неча киши томонидан баён этилиши каби ҳолатлар учрайди. Чунки устоднинг характерида учрайдиган фазилатларни у кишини таниган, билган кўпчилик билади, шу боис такрорлар келиб чиқиши табиий.

Ўзининг бутун умрини маърифат, адабиёт ва санъатга бағишлаган, шу билан бирга маърифатпарварлик соҳасида улкан ишлар қилган, катта ижодий мерос қолдирган устод

Садриддин Айний ҳақидаги хотиралар ўқувчини адибга янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Садриддин Айний бизга катта ижодий мерос қолдирди. Шу билан бирга устод маърифатпарварлик соҳасида катта ишлар қилди. Туркистон ўлкасида миллий демократия вакиллари, машҳур маърифатпарвар зиёлилар томонидан янги усулдаги мактабларнинг кенг тармоғини яратиш, мактаб-маориф борасида зудлик билан ислохотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор таклифлар илгари сурилди. Бу даврда миллий зиёлилар фаолияти кенг тус олди, жумладан: жадидчи зиёлилар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Ғози Юнус, Хуршид ва бошқа зиёлилар маданият, маориф соҳаларида жонбозлик қилдилар ва янги усулдаги мактабларнинг кенг тармоқларини яратиш соҳасида фаолият кўрсатдилар. Булар орасида Садриддин Айнийнинг ўзига хос ўрни борлигини унутмаслигимиз керак. Чунки Айний, айниқса, болаларни севарди. Ана шу чексиз меҳр рамзи сифатида энг яхши асарларини болаларга бағишлади. Шунинг учун у атоқли адиб бўлиш билан бирга моҳир педагог ҳамдир. Унинг педагогик фаолияти XX асрнинг 1905 йилларидан кейин бошланган эди. У дастлаб Самарқандда янги типдаги тожик мактабини очди. Дўсти Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан биргаликда шу билим ўчоғи талаблари учун алифбо китобини тузди. Орадан кўп ўтмай миллий мактаблар учун яна бир дарслик ёзди. Ўз номи билан “Таҳзиб-ус-сибён” (“Болалар тарбияси”) деб номланган бу китобнинг юзага келиши маориф соҳасида катта воқеа бўлди. Дарслик маърифатпарварлик руҳида, адабий характерда ёзилгани учун ўқувчилар кўлидан тушмаган, жуда қизиқиш билан енгил ўқилган. Шунинг учун бу китоб болалар ўртасида кенг тарқалгани ҳақида адиб замондошлари маълумот берадилар. 1909 йилда босилиб чиққан мазкур дарслик 1917 йилда қайта нашр этилган. Унда моҳир педагог Садриддин Айнийнинг тарбия ва илм олиш хусусидаги қимматли фикр-мулоҳазалари жамланган.

Устод Айнийнинг “Қиз бола ёки Холида” дарслиги 1922 йилда ўқувчиларга тақдим этилди. Бу китоб хотин-қизлар мактаби учун ўзбек тилидаги биринчи дарслик эди. Унда ҳам ёзувчи-педагогнинг адабий-ахлоқий, педагогик ўғитлари кенг ёритилган. Аҳамиятлиси шуки, Ф.Хўжаев раҳнамолигида Германияга ўқишга юборилган ўзбек талабалар «Кўмак» номли ўзбекча журнал чиқаришади. Фитратнинг «Ҳинд истилочилари» саҳна асарини, Садриддин Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида» ўқув китобини нашр этишади. Бу асар Бухоро ва Туркистондаги миллий зеҳнлилар орасида кенг тарқалган ва севиб ўқилган [5].

“Судхўрнинг ўлими”, “Эски мактаб”, “Эсдалиқлар” – мутафаккир адибнинг шоҳ асарлари. Бу асарларда XIX асрнинг жабру жафоларини, кўрган, адолат ва иймон излаб XX асрнинг издиҳомли кўчаларидан ўтиб, нурли асарлари билан XXI асрга кириб бораётган ижодкорнинг ўйчан, нуроний қиёфаси акс этган.

Садриддин Айнийнинг энг муҳим хизматларидан бири шундаки, у ўзбек ва тожик реалистик прозасининг шаклланиши ва ривожига муносиб улуш қўшди. Ёзувчининг тўрт қисмдан иборат машҳур “Эсдалиқлар” китобини ўқиган китобхонлар бугун ҳам катта эстетик завқ ола биладилар. Айниқса, китобдаги Ҳабиба, Садриддин, Муҳиддин, Тўта пошша образлари мисолида адибнинг педагогик қарашлари ёрқин ўз ифодасини топганини кўриш мумкин.

Садриддин Айний нафақат ёзувчи ва шоир, балки тарихчи ҳамдир. Унинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи”, “Муқанна қўзғолони”, “Темур Малик” сингари асарлари тарих фани учун қанчалик қимматли бўлса, “Тожик адабиётидан намуналар” номли антологияси, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Бедил, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ҳаёти ва ижодига доир рисоалари, илмий танқидий мақолалари ҳам адабиётшунослик ва шарқшунослик учун муҳим қимматга эгадир. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси тузилганда академия таркибига сайланганлар орасида Садриддин Айний ҳам бор эди. Чунки улуғ адиб Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди давомида ёзувчи ва олим, улкан тарихчи ва публицист, адабиётшунос ва тилшунос, шарқшунос олим ва йирик жамоат арбоби сифатида дунёга танилган эди.

С.Айний адабиётшунос сифатида нафақат Навоий ижодини, балки, Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Бедил, Фирдавсий, Рудакий, Муқимий каби шоирлар ижодини

ўрганиб салмоқли тадқиқотлар яратдики, ўзбек адабиётшунослигида Айнийнинг бу изланишлари ҳақида йирик, монографик йўсиндаги тадқиқотлар яратиш айнийшунослик олдидаги долзарб вазифалардандир.

Хулоса. Булардан ташқари Айнийнинг илмий-танқидий меросида мақолалар, мактублар, тақризлар ҳам ўрин олганки, уларни ҳам ўрганиш олдимизда турган муҳим вазифалардан. С.Айний ижоди тожик адабиёти, адабиётшунослиги билан бир қаторда ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги ва танқидчилигини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун унинг ижодини, асарларидан намуналарни умумий ўрта мактаблар дастурларига, академик лицей ва касб-хунар коллежлари адабиёт дарсликлари, олий ўқув юрти дастур ва дарсликларига киритиш, илмий-танқидий меросини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ўрганишда биз бухороликлар айниқса, масъуллигимизни унутмаслигимиз керак. Буюк устод Айний руҳи олдида бунга бурчлимиз.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.** Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 28 б.
2. **Мирзиёев Ш.** Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи). – Т.: 2016. – 18 б.
3. **Айний замондошлар хотирасида.** – Т.: Фафур Ғулом, 1978. – 113 б. (Кейинги ўринларда шу китобнинг бети кўрсатилади).
4. **Аҳмедова Ш.** Мактубот ва адабий танқид. – Т.: Фан, 2005. – 37 б.
5. **Хўжаев Ф.** Танланган асарлар. 1-том. – Т.: 1976. – 82 б

УДК 398 (09) 894.322

ЛИРИК ВА ЛИРО-ЭПИК ДОСТОН САТҲЛАРИ УРОВНИ ЛИРИЧЕСКОЙ И ЛИРО-ЭПИЧЕСКОЙ ПОЭМ THE LEVELS OF LYRIC AND LYRIC-EPIC POEM

Қувватова Дилрабо Ҳабибовна

БухДУ филология факультети ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Жумаева Дилноз Тўраевна

БухМТИ қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна

БухДУ мустақил изланувчиси

Таянч сўзлар: тизимли таҳлил, лирик достон, лиро-эпик достон, сатҳ, моделлаштириш, кечинма, воқелик.

Ключевые слова: системный анализ, лирическая поэма, лиро-эпическая поэма, уровень, моделирование, чувства (переживание), действительность.

Key words: systematic analysis, lyric poem, lyric and epic poem, level, modelling.

Мақолада замонавий достон жанрига хос хусусиятлар тизимли таҳлил асосида ёритилган. Бунда лирик ва лиро-эпик достон сатҳлари моделлаштириш орқали аниқланган.

В статье рассмотрены жанровые особенности современного дастана на основе системного анализа. Определены уровни лирической и лиро-эпической поэм путём моделирования.

The article presents a systematic analysis of characteristic features peculiar to the epic poem genre. The levels of lyric as well as lyric and epic poems have been identified on the basis of modelling.

Кириш. Маълумки, адабиётшуносликда тизимли таҳлил бир қатор кўринишларга эга. Рус адабиётшуноси В.Сафроновнинг ёзишича, макроскопик тизим ҳодисани узвий бир

бутун сифатида тушуниш, ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш билан боғлиқ [1]. Достон ҳам бир жанрий тизим бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари бошқа жанрлар билан алоқадорликда текширилади. Адабиётшуносликда лирик ва лиро-эпик достон хиллари ажратилади. Уларни қиёслаш асосида ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин. Шу тарзда достон сатҳларидаги бир қатор жиҳатлар юзага чиқади.

Асосий қисм. Лирик достон сатҳи. Лирик поэмалар воқеликни лирик туйғуларга йўғрилган ҳолда бадий умулмаларда баён этиши билан ўзига хослик касб этади. Уларда муаллифнинг ҳис-кечинмалари талқини ҳамда унинг шу ҳис-кечинмаларига таъсир қилган воқеаларга муносабати асосий ўрин тутати. Шу боис бу турдаги поэмалар ягона сюжет чизигига асосланмайди. Мазкур ҳолатни эса куйидагича кўринишда **моделлаштириб** кўрсатиш мумкин:

КЕЧИНМА + ВОҚЕЛИК + МУНОСАБАТ

ЛИРИК + ЭПИК + ЛИРИК = ЛИРИКПОЭМА (математик формуладан фойдаланиш: кечинма^{лирик} + воқелик^{эпик} + муносабат^{лирик} = лирикпоэма; ёки: $[K^n + B^3 + M^n = ЛП]$).

Кўринадики, лирик достонларда эпикликка нисбатан лириклик миқдори ортиқ. Маълум бир воқелик таъсирида юзага келган кечинма асосида бошқа воқеа-ҳодисаларга муносабат кўрсатилади. Натижада асарнинг лиризми кучаяди.

Адабиётшунос В.Киканс бу ҳақда шундай ёзади: «Лирик поэма воқеликни эпик тасвирлашда анчагина сиққликка асосланади, тасвирланаётган воқеликка муаллиф муносабатини ёрқин ифода этади. Шу жиҳати билан у поэманинг бошқа кўринишларидан фарқ қилади» [2, 191]. Ана шу лирик бўёқ ва сиққлик лирик ибтидо, лирик асос, лирик чекинишга кенг ўрин ажратиш имкониятларини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам биз лирик поэмани ўқиётганимизда ундан воқеа изламаймиз. Лирик тасвир асосидан эпиклик сизиб юзага чиқади. Шундагина лирик қаҳрамон қалбида кечган кечинмалар силсиласини ҳис эта бошлаймиз. Маълумки, тизимли таҳлилда эмергентлик тушунчаси яхлитлик, элементларнинг компонентлашуви, яъни унсурларнинг ўзаро алоқадорликка киришуви натижасида бутунлик ҳосил қилинишини англатади. Демак, лирик достондаги компонентлар: кечинма, воқелик, муносабат ўзаро алоқадорликда жанрий тизимни юзага келтирар экан.

Н.Раҳимжоновнинг ёзишича: «Лирик поэмада ҳаёт хоссаси лиро-эпик поэмадан фарқли ўлароқ, аниқ сюжет оқимида эмас, балки «мен» орқали ифодаланган лирик қаҳрамоннинг объектив воқеликдан туғилган ички кечинмалари, ана шу ҳаётга муносабати, ҳис-туйғулари орқали очилади» [3, 15]. Ш.Ҳасанов эса бугунги достонлар тараққиётидан келиб чиқиб ёзади: «Лиро-эпик ва лирик достон орасидаги асосий фарқни объектив ва субъектив тасвир усули белгилайди. Лиро-эпик достонларда воқеа-ҳодисалар, характерлар, ҳаётнинг турфа манзаралари ўқувчи кўз ўнгида гавдалана бошлайди, шоирнинг шахсий эҳтирослари эса иккинчи даражага ўтади. Лекин лирик достонда эса лирик қаҳрамоннинг таассуротлари, эҳтирослари ягона бир мавзу доирасида бадийлашади ва шоир қалбидаги туғёнлар узвий алоқадорлик касб этади. Агар унда баъзи бир воқеа тафсилотлари баён этилса-да, у ҳам лирик шахснинг руҳий оламини ёки ҳасби ҳолини очишга хизмат қилади» [4, 218]. Бироқ ҳамма лирик поэмаларда ҳам ҳасби ҳол берилавермайди. Шунга қарамай, адабиётшунослар қарашларида муштараклик мавжуд. Бу лирик поэмада лирик қаҳрамоннинг кечинмалари берилиши билан боғлиқ. Ҳис-туйғу, кечинмалар силсиласи эса кўпроқ монологда юзага чиқади. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари бадий структурасида айнан шу жиҳатлар ёрқинлашиб бораётганлиги кузатилади.

Лиро-эпик достон сатҳи. Лиро-эпик поэмада воқеабандлик яъни воқеликка лирик муносабат билдириш етакчи бўлади. Буни шартли равишда куйидагича **моделлаштириш** мумкин:

ВОҚЕЛИК + КЕЧИНМА + МУНОСАБАТ

ЭПИК+ЛИРИК+ЭПИК=ЛИРО-ЭПИК ПОЭМА(математик формуладан фойдаланиш: воқелик^{эпик} + кечинма^{лирик} + муносабат^{эпик} = лиро-эпик поэма; ёки: $[B^3 + K^n + M^3 = ЛЭП]$).

Лиро-эпик поэмада эпик тасвир кучлилик қилади. Шунинг учун бунда лиро-эпик тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. В.Киканс ҳам лиро-эпик поэманинг шу хусусиятидан келиб чиқиб, «оламнинг эпик картиналари тасвирисиз поэма ўзининг

мавжудлигини оқламайди» деган фикрга келади[2, 133]. Л.К.Долгополов ҳам эпик поэмалар ҳақида фикр юритади[5, 13], аммо унинг лиро-эпик поэма атамасини қўллашга унча қўшилмаслиги кузатилади. Н.Раҳимжоновнинг ҳам лиро-эпик поэма ҳақидаги қарашлари В.Кикансга ҳамоҳанг. Олим бу ҳақда ёзади: «Лиро-эпик поэмада объект билан бирга шоирнинг ана шу объектга муносабати параллел равишда мавжуддир. Унда воқеанинг диалектик ўсиши бир неча қаҳрамонлар тақдири орқали маълум ва аниқ сюжет оқимида тажассум топади»[3, 16]. Эътибор берилса, лиро-эпик поэмаларга берилган таърифларни битта нуқта бирлаштириб туради. Бу воқеликнинг ягона сюжетга асосланишидир.

Таниқли адабиётшунос И.Султон ҳам дostonдаги лириклик ва эпиклик жиҳатларни назарда тутиб шундай ёзади: «Достон аслида эпик асардир, аммо шеърий шаклда ёзилиши уни айни пайтда лирикага ҳам мансуб этади. Достонда эпос ва драмдан фарқли ўлароқ, лиризм алоҳида бир куч касб этади»[6, 180]. Олим замонавий адабиётдаги муҳим жанрлардан бўлган дostonнинг специфик хусусиятларини ана шу тарзда тўғри очиб беради. Бинобарин, унда муаллифнинг воқеаларга аралашуви ва ўз муносабатини изҳор этиши кузатилади. Олимнинг таъкидлашича, бунда ҳиссий тафаккур муҳим хусусият бўлиб, «олам ва одам ҳақида ҳаяжонли фикрлаш эпик манзарага лирик руҳ беради». Шу хусусиятидан келиб чиқиб, И.Султон поэмани миллий адабиётимизга XX асрда Европа адабиётидан кириб келган лирик жанрлар қаторига киритади.

Адабиётшунос Ҳ.Умутов бу масалада Аристотель ва В.Г.Белинский қарашларига таянади. Шунинг учун у рус адабиётшуноси Л.Тимофеевнинг тўртинчи деб ҳисоблаган лиро-эпик тур ҳақидаги фикрига қарши чиқади: «... бугунги кунда «лиро-эпик тур»ни, бошқа турларни ҳам ихтиро этиш асоссиз, чунки уларнинг «ўзларигагина тегишли бўлган предметлари йўқ», – деган хулосага келади [7, 214]. Олим шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда поэмага хос воқеабандлик хусусиятига асосланиб, уни эпик турга мансуб деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан, олимнинг қоришиқ турни инкор этиш билан боғлиқ мулоҳазаларини маъқуллаш мумкин. Бироқ поэманинг шундай кўринишлари ҳам борки, уларни бевосита эпик турга киритиб бўлмайди. Чунки поэмалар қайси тур белгилари устунлигига кўра лирик, лиро-эпик ва драматик кўринишларга эга. Бунда шу хусусиятдан келиб чиқиб поэманинг турини аниқлаш керак бўлади.

Д.Қуронов эса бу фикрга тўла қўшилмайди: «Адабиётшуносликда поэмаларнинг ҳаммасини бирдек лиро-эпик жанр деб ҳисоблаш ҳоллари ҳам борки, бу унчалик тўғри эмас. Достонни лиро-эпик жанр деб атаркан, унинг «баён қилинаётган эпик воқеани лирик қаҳрамон муносабати орқали ифодалаш» хусусияти асос қилиб олинади. Ҳолбуки, биринчидан, дostonларнинг ҳаммасида ҳам «воқеа лирик қаҳрамон муносабати орқали» берилмайди, иккинчи томондан, ҳар қандай асарда, у хоҳ эпик ва хоҳ драматик бўлсин, тасвирланаётган воқеага муаллиф муносабати у ёки бу тарзда мавжуд. Шундай экан, лиро-эпик жанрга барча дostonларни эмас, структурасида эпик ва драматик унсурлар мавқеи бир хил мақом тутган дostonларнигина киритган тўғрироқ бўлади»[8,94-95].

Хулоса. Кўринадик, поэманинг қайси адабий турга кириши ҳанузгача баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Бироқ Д.Қуронов қарашлари масалани бир қадар ойдинлаштириш имкониятини яратади. Чунки олим «структурасида эпик ва драматик унсурлар бир хил мақом тутган поэмаларни» лиро-эпик турга киритиш кераклигини асослайди. Демак, адабиётшунослиги-мизда жанрнинг лиро-эпик дoston, лирик дoston сингари кўринишларининг вужудга келиши тасодифий ҳол эмас. Бунда қайси тур белгиси устунлигига қараб шундай хулосага келинган. Поэманинг ўзи синкретик жанр экан, унинг турини аниқлашда қайси белги устунлиги инобатга олиниши зарур. Демак, дoston кўринишларига хос жанрий хусусиятлар лирик ва лиро-эпик сатҳларда намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафронов В. Лекции по системному анализу. - Электронная версия: ru.wikipedia.org
2. Киканс В.П. Современная советская поэма. – Рига: Зинатне, 1982. – 234 с.
3. Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётда поэма. – Тошкент: Фан, 1986. – 174 б.
4. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси: Филол.фанлари д-ри дисс... – Тошкент, 2004. – 284 б.

5. Долгополов Л.К. Поэмы Блока и русская поэма конца XIX - начала XX веков. – Москва-Ленинград: Наука, 1964. –188 с.
 6. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – T.: O`qituvchi, 2005. – 270 b.
 7. Умуров Х. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 252 б.
 8. Қуронов Д., Мамажонов З.ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 398 б.

УДК 891.550

**РУМИЙ “НАЙНОМА” СИННИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИ
 УЗБЕКСКИЙ ПЕРЕВОД ПРОИЗВЕДЕНИЯ РУМИ «НАЙНОМА»
 UZBEK TRANSLATIONS OF RUMI'S «NAYNOMA»**

Тўхсанов Қаҳрамон Раҳимбоевич

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: Жалолиддин Румий, “Маснавийи маънавий”, най, найнома, таржима, қофия, радиф, тил, ўгириш, ўзбекчалаштириш, таржимон.

Ключевые слова: Джалолиддин Руми, “Месневи”, най, найнома, перевод, соответствие, эпифора, язык, перевод на узбекский язык, переводчик.

Key words: Jalaliddin Rumi, «Masnaviy ma'naviy», tube, translation, rhyme, language, translation, translation into Uzbek, translator (interpreter).

Мазкур мақола Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” манзумасидаги “Найнома” сининг ўзбекча таржималарининг қиёсий ўрганилишига бағишланган.

Данная статья посвящена сопоставительному анализу узбекского перевода произведения Джалолиддина Руми «Месневи» и его вводной части «Найнома».

The article is devoted to the comparative study of Uzbek translations of Rumi's “Masnaviyi Ma'navi” and the introductory part of “Naynoma”.

Кириш. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси, унинг инсоният тафаккурини ривожлантиришдаги хизматлари, жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида шунчалик кўп ёзилганки, бу тадқиқотларни тўппасангиз, бир неча жилд китоб бўлади. Мустақилликка эришилгач, жонажон юртимизда ҳам бу улуғ зот асарларини ўрганиш ва ўзбекчага ўгириш илмий-адабий ҳаётнинг алоҳида соҳаси сифатида майдонга чиқди. Айниқса, Мавлоно Жалолиддин Румий асарларининг ўзбекча таржималарини яратиш йўналишида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Бу жараёнда мумтоз туркий ва форсий адабиёт намояндалари, шунингдек, чет эллик румийшунослар томонидан амалга оширилган таржима ва шарҳлар ўзига хос ижодий пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда.

“Маснавий” ўзидан кейинги тасаввуфий ва дунёвий адабиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу асар таъсирида яратилган ёки унинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турадиган жуда кўп бадиий дурдоналар майдонга келди. “Маснавийи маънавий”га шарҳ ёзиш, уни наср ёхуд назмда тўла ёки парчалар ҳолида ўз она тилига ўгириш анъанаси қарор топди. Асарнинг Мунши Али томонидан “Боғи Эрам”, Юсуф Алишоҳ Чиштиий томонидан “Пироҳани Юсуфий” (“Юсуф кўйлаги”) номлари билан урду тилига, Юсуф Хароботий томонидан “Маснавийи Хароботий” номи билан уйғур тилига таржима этилиши ҳам асарнинг Шарқ ва Ғарб халқлари маънавий ҳаётида катта ҳодиса бўлганлигидан далолатдир.

Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур”, Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарлари эса туркий адабиётнинг “Маснавий”га эргашиб яратилган намуналаридир. Ж.Ҳаммер, Ж.Родхоуз, Н.Винфельд, Р.Николсон каби олимлар уни Ғарб илм оламига таништирдилар. Жамол Камол, Асқар Маҳкам сингари олим ва ижодкорларимизнинг самарали уринишлари эса асарни ўзбек китобхони маънавий мулкига айлантirdи.

Асосий қисм. Бугун мустақил юртимиз ҳар томонлама ривожланиб, одамларнинг дунёқараши, маданияти ва маънавияти юксакланиб бормоқда. Жаҳон адабиёт намуналари ўзбекчалаштирилмоқда. Жумладан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” манзумаси тўлиқ таржима қилинди. Шу билан бирга, “Маснавий” боб ва ҳикоятларидан парчаларнинг шеърий ва насрий таржималари ҳам асарни ўзбек китобхонига таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатдан, Нажмиддин Комилов, Алибек Рустамов каби устоз олимлар меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Жумладан, “Маснавий”дан ҳикоятлар таржима қилиб келтириш профессор Н.Комилов илмий услубининг муҳим жиҳатига айланган бўлса, тилшунос ва адабиётшунос олим А.Рустамов “Сўз хусусида сўз” деб номланган тадқиқотида ҳол илми ҳақида сўз юритиб, фикрини тасдиқлаш учун “Маснавий”нинг кириш қисми бўлган “Найнома”ни ўзбек тилига ўгирган. Ёш таржимонлардан Вазира Шодиева ҳам “Найнома”ни ўзбек тилига ўгирди, шоир Сулаймон Раҳмон касбдошлари ишидан илҳомланган ҳолда “Маснавийи маънавий”ни ўзбек тилига ўгиришни бошлаб юборди. Биз ушбу тадқиқотимизда мутаржимлар томонидан “Найнома”нинг ўзбек тилига ўгирилган нусхаларини қиёсий ўрганишга ҳаракат қилдик.

Инсоният маънавий мулкига айланган “Маснавийи маънавий”нинг вужудга келиши “Найнома”дан бошланган. Унинг ўзбекча таржималари хусусида сўз юритишдан олдин адабиётга “най”, “нома” ва “найнома” тушунчаларининг кириб келиши, адабиётшунос олимларнинг мазкур атамалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини назардан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

“Най” сўзининг луғавий маъноси қамиш, яъни ўсимлик, най – муסיқий асбоб. Най аслида ичи бўш ўсимлик бўлиб, адабиётда рамзий маъно касб этган. Қалби пок, юрагида бировга адовати йўқ инсонга нисбатан ҳам мазкур ифода қўлланилади. Бу – бошига келадиган барча эзгулик ва ёмонликни Аллоҳдан билгувчи, ўзини англаган, нафси ақлига буйсунган, орифларнинг ҳоли бўлиб, унинг натижасида адабиёт оламига гўзал тимсол кириб келган.

Поклардан – поклик, яхшилардан – яхшилик, гўзаллардан – гўзаллик дунёга келади, деганларидек, “най” сўзи “ориф” тимсолида адабиётда вужудга келган бўлса, улуг шоир Мавлоно Румийнинг ташаббуси билан “най” сўзига “нома” қўшилган ҳолда, “Найнома” деган мўъжаз асар пайдо бўлган.

“Нома (форсча, хат, мактуб) – бир инсоннинг бошқа бир инсонга, дўстнинг дўстга, ошиқнинг ўз маъшуқасига шеърий мактуби тарзида яратиладиган асар. Нома жанрида лиро-эпик тасвир етакчилик қилади. Туркий адабиётда нома яратиш аънанасига Хоразмий асос солган. Унинг Муҳаммад Хўжабекка бағишлаб яратилган “Муҳаббатнома” асари дастлабки туркий нома намунаси. Одатда, номалар маснавий шаклида яратилган. Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга шеърий мактуби – “Маснавий” ҳам нома намунаси...”[11,82].

“Нома” жанри ва “номанавислик” аънаналари тарихи ва тадрижий ривожланиб бориши хусусида таниқли адабиётшунос олимларимиз ўз тадқиқотларига муносабат билдирганлар. Жумладан, академик Ботирхон Валихўжаев “нома”нинг кенг маънолари борлигини илмий асослаб берганлар. “Нома қадимий форс-тожик сўзи бўлиб, у аввалдан намак, номак шаклларида, кейинчалик эса ҳозир қўлланиладиган формада (нома) ишлатилган” [2,8].

Нома сўзининг луғавий маъноси кенг бўлиб, у хат, ёрлик, китоб ва асар маъноларини англатади. Ўзбек, озарбайжон ва форс-тожик адабиётлари тарихида яратилган номаларнинг айримлари шаҳарларга бағишланса (“Шерознома”, “Сиистоннома”, “Қандаҳорнома”); баъзилари у ёки бу даврнинг тарихий ҳодиса-воқеаларига, сиёсий масалаларига бағишланган (“Маздакнома”, “Бобурнома”, “Бектошнома”); бошқа бир гуруҳи муסיқа масалалари билан алоқадор бўлса (“Найнома”, “Муғаннийнома”); яна бир хили ҳайвонлар, мева ва урф-одатлар номи билан боғлиқ (“Бознома”, “Фараснома”, “Ҳайвонотнома”, “Уштурнома”, “Булбулнома”, “Харбузанома”, “Чойнома”, “Гулнома”, “Тўйнома”) [2,9].

Кўринадики, нома сўзи билан келган асарларнинг ўзи ҳам жанр ва мақсад нуқтаи назаридан хилма-хил бўлиб, уларни бир андоза билан ўлчаш, ҳаммасига доир бирор

қоида чиқариш мушкул. Шунинг учун ҳам биз умуман номалар ҳақида эмас, балки Жалолоддин Румийнинг “Найнома”си таржималари ҳақидаги мулоҳазалар баёни билан чекландик.

Аввало, “Маснавийи маънавий” ва унинг муаллифи ҳақида юксак баҳо берган айрим таниқли ижод аҳли фикрлари билан ўртоқлашамиз. Абдурахмон Жомий “Ман чй гўям васфи он олижаноб, Нест пайғамбар, вале дорад китоб” [4,3]. Шеърий парча орқали Жалолоддин Румийнинг фалсафий, ирфоний, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, асрлар давомида ворислар камолоти учун хизмат қилиб келаётган илоҳий-маърифий хазинаси саналмиш китоби борлиги, лекин ўзи Пайғамбар эмаслигини эслатади. Бу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бадий тафаккур ва тахайюл соҳиби Жалолоддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” китоби инсонларни зоҳирий ва ботиний гўзалликка, покиза қалб эгаси бўлишга ундаб, ирфоний, фалсафий, ахлоқий етуклик билан ифтихор ила яшашга ҳавас уйғотди. Бу асар муслим ва муслималарнинг севимли китобига айланиб, шамъ каби тафаккур гулшанларини мунаввар айлади.

Шоир ва моҳир таржимон Асқар Маҳкам “Маснавийи маънавий”га таржима шарҳ берар экан, манзумани “Маънавий Маснавий” тарзида номлайди. Шунингдек, юқоридаги икки байтни қуйидагича ўгиради:

Мен не дей олижаноб васфида, бас.

Бор китоби, лек пайғамбар эмас [5,16].

Тожик адабиётшуноси Амираздон Алимардонов Жалолоддин Румий асарларидан намуналар келтириб, китоб сўз бошисида Румий ҳақида маълумот бериб, қуйидаги тўртликни келтиради:

Ман намегўям, ки он олижаноб

Ҳаст пайғамбар, вале дорад китоб.

“Маснави маънави” – Маглави

Ҳаст Қуръон ба лафзи паҳлави [7,4].

(Мазмуни: Мен айтмайманки, ул олижаноб Пайғамбардир, вале унинг китоби бордир. Мавлавийнинг “Маснавийи маънавий”си паҳлавий тилидаги Қуръондир).

“Маснавий”ни ўзбек тилига ўгириш, унинг мазмун-моҳиятини шарҳлаш, асрлар давомида адабиёт мухлислари диққатини ўзига жалб этиб келган. Бу ишни илк бор XVII асрда яшаб ижод қилган шоир Бобораҳим Машраб “Мабдаи нур” асарида бошлаб берди [1]. Кейинчалик хоразмлик олим Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий (“Мифтоҳ ул-асрор” (“Сирлар калити”) муаллифи) “Маснавий”нинг айрим ҳикоятларини ўзбек тилида изоҳлади [15].

Бугунги кунда “Маснавийи маънавий” нинг тўлиқ ўзбекча таржимаси таниқли шоир ва моҳир таржимон, адабиётшунос олим, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан амалга оширилди. Адиб “Маснавийи маънавий”нинг тўлиқ олти дафтарини шеърий таржима қилиб, 2001-2004 йиллар давомида нашр эттиришга эришди. Асарнинг иккинчи нашри бир китоб шаклида 2010 йилда ва учинчи нашри икки китоб шаклида 2014 йилда амалга оширилди.

Бу ўзбек тилидаги тўлиқ ва биринчи таржима бўлиб, халқимиз маънавий оламидаги катта ютуқларидан биридир. Мазкур таржима, Жамол Камол билан бўлган суҳбатда жараёнида маълум бўлишича, инглиз олими Р.Никельсон ва Эрон олими Муҳаммад Истеъломий томонидан амалга оширилган танқидий матн асосида амалга оширилган.

“Маснавий”нинг вужудга келиши хусусида қуйидаги ривоят маълум: Кунлардан бир куни Жалолоддин Румийнинг шогирди Ҳусомиддин Чалабий устози ёнига келиб, илтимос қилиб: “Тақсир, агар мумкин бўлса, шундай бир асар яратингки, келажакда башарият учун улкан бир манба сифатида, уларнинг маънавиятини бойитиш ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилсин”. Шунда Мавлоно Румий ёнларидан бир қоғоз чиқариб шогирдларига берган эканлар. Унда ўн саккиз байтдан иборат “Найнома”, яъни “Маснавийи маънавий”нинг кириш қисми ўз ифодасини топган экан. Шундан сўнг Ҳусомиддин Чалабий қўлларига қалам олиб, Мавлоно илҳоми келганда айтган сатрларни бирма-бир қоғозга тушириб олган эканлар. Шундай қилиб, бу бебаҳо асар – қалбларга малҳам, дардларга даво бўладиган, руҳиятни кўтарадиган, ҳаёт учун завқ бағишлайдиган, ота-онага меҳрли, дўстларга садоқатли, ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаш, бировдан

қарздор бўлиб юрмаслик, нафсни тарбиялаш, оилани асраш, шаҳватга берилмаслик, умрни фақат ва фақат эзгуликка, яхшиликка бағишлашга даъват этадиган “Маснавий” дунёга келган экан.

“Маснавий”нинг дастлабки икки байти шундай жаранглайди:

***Бишнаев аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз чудойиҳо шикоят мекунад.***

***К-аз найистон то маро буридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд.***

Аслиятдаги мазкур сатрлар билан ўзбекча таржимани қиёслар эканмиз, иккинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги “марду зан” бирикмаси Одам Ато ва Момо Ҳавога ишорадир, деган фикрга келдик. Чунки жаннатдек муқаддас даргоҳдан қувилган инсон, бир умр меҳнату машаққат тортиб, ғаму андуҳга гирифтор бўлган кишининг аҳволини кўз ўнгингизга келтиринг. Ёки ҳар томонлама моддий ва маънавий жиҳатдан тинч бўлган киши бирданига ҳаммасидан маҳрум бўлса, қандай ҳолатга тушишини бир тасаввур қилиб кўринг. Шундан келиб чиқиб, Аллоҳ Каломига мурожаат қилдик:

“Аъроф” сураси 23-оятда “Иккиси айтдилар: “– Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз”. Шу суранинг кейинги 24-оятда (Аллоҳ) деди: “– Бир бирингизга нисбатан душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Сизлар учун (маълум) вақт (ажалингиз етгун)гача Ерда қарор топиш ва фойдаланиш (бордир)”, ёки 25-оятда (Яна) деди: “– Унда яшайсиз, унда ўлурсиз ва ундан (охиратда) чиқарилурсиз”[16,153].

Агар форсча матнларнинг ўзбекча вариантларини иккинчи байтнинг иккинчи мисраси асосида назардан ўтказсак, Алибек Рустамов “эр-хотин”, Асқар Маҳкам “марду аёл”, Сулаймон Раҳмон “эркагу аёл”, Вазира Шодиева “эркак аёл” тарзида қўллаганига гувоҳ бўламиз. Жамол Камол эса мазкур ифодани “эл” тарзида ўгирган.

Модомики, “Маснавий”да сура ва оятлар изоҳ топган экан, дастлабки тўрт таржима аслият билан мос келади, дейиш мумкин. Қолаверса, Бобораҳим Машраб “Найнома”нинг иккинчи мисрасини таржима қилмасдан, аслиятини келтириб, шарҳ берган. Ундаги қуйидаги байт тўртала таржимонларимизнинг фикрини тасдиқлайди деб, ўйлаймиз:

***Жангги Азроилға тушти қолибим,
Бўлди пайдо ман учун рўзу шабим.***

Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатда кечаю кундузни роҳат-фароғатда, ҳеч бир меҳнату машаққатсиз умр ўтказар эдилар, чунки жаннатда Аллоҳ барча нарсаларни муҳайё қилиб қўйган эди.

***Биз найистон боғидин бўлдук жудо,
Жисмий хокий бизга бўлди ошно.***

***Хоки топти руҳимизга жинсият,
Обу оташ келди, қилди тарбият...***

Юқорида келтирилган байтлар форсча матндаги “Аз нафирам марду зан нолидаанд” мисраси моҳиятини яққол очишга хизмат қилади. Бинобарин, қамиш кесилгач, яъни Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан ихрож қилингач, уларга Ердаги машаққатли, синов ва имтиҳонларга тўла ҳаёт тақдир қилиндик, бу имтиҳонлардан инсоният аҳли ҳали-ҳануз ўта олмай фарёду фиғон чекмоқда, афсус-надомат ичра ўртанишда давом этмоқда.

***Бишнаев аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз чудойиҳо шикоят мекунад.***

***К-аз найистон то маро буридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд.***

Бобораҳим Машраб таржимаси:

***Англағил, най не ҳикоятлар қилур,
Ким жудолиғдин шикоятлар қилур.***

*Най вужуди орифи биллоҳдур,
Чиқса найдин ҳар садо доно билур.*

*Ҳар замон найдин чиқар савту садо,
Бас, қулоқ солинг, бориси бир нидо [1,36].*

Форс-тожик тилида “шинав” (тингла), “бишинав” (тинглагил) сўзлари мавжуд. Кўринадики, “Маснавий” “бишнав”, яъни тинглагил мурожаати билан бошланади. Бобораҳим Машрабнинг “Маснавий”га татаббуъ тарзида яратилган “Мабдаи нур” дурдонасининг биринчи байти Мавлоно асари илк байтининг ўзига хос таржимасидир:

*Англағил, най не ҳикоятлар қилур,
Ким жудолиғдин шикоятлар қилур.*

Маълум бўладики, Машраб байтнинг биринчи сўзи – “бишнав”ни ўзбекчада “англағил” тарзида келтирган. Англағил – тушун, ўйлаб ол каби маъноларни билдиради. Мавлоно эса тингла, эшит, дея нидо қилган. Демак, Мавлоно назарда тутган фикр Машраб томонидан ҳам маъқулланган ва ривожлантирилган. Иккинчи мисрадаги “жудойиҳо” сўзи аслиятда қандай бўлса, шундай ўгирилган. -лиғ ясовчиси ҳамда -дин чиқиш келишиги қўшимчаси мазкур сўз моҳиятининг ёрқинроқ очилишини таъминлаган.

Алибек Рустамов эса байтдаги илк сўзни, яъни “бишнав”ни унинг яна бир шакли бўлмиш “шинав” – тингла тарзида ўгиришни маъқул кўрган. А.Рустамов томонидан ҳам иккинчи байтдаги “жудойиҳо” сўзи аслиятдаги маънода қўлланган. Фақат бунда қўшимчаларнинг -лик ва -тин шаклида қўлланиши кузатилади:

*Тингла найни, не ҳикоятлар қилур,
Ул жудоликтин шикоятлар қилур [10,160].*

Иккинчи байтдаги “к-аз” -то шаклида, “найистон” – қамишлиқтин тарзида берилган бўлса, “маро”, яъни менинг сўзи мисра моҳиятига сингдириб юборилган. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “нафирам” сўзи “Фарҳанги забони тожики”да “нафирам” шаклида келтирилган бўлиб, “сурнай, най; дод, фарёд, фиғон, ғулғула” маъноларида изоҳланган [13,839]. Алибек Рустамов сўзнинг иккинчи маъносига суянган ва “дод, фарёд”ни “ун” (товуш, овоз) ёрдамида ифодалашга эришган:

*То қамишлиқтин кесилгандин буён,
Унутма эр-хотин айларлар фиғон.*

Учинчи таржимон Асқар Маҳкам эса байтнинг биринчи сўзини аслиятга мос – “тинглагил” тарзида ўгирган. “Мекунад” сўзи Бобораҳим Машраб ва Алибек Рустамовда “қилур” шаклида берилган бўлса, учинчи таржимон бу сўзни “айлагай” тарзида қўллашни ўринли деб топган. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “жудойиҳо” биринчи ва иккинчи таржималарда айнан ўгирилган бўлса, Асқар Маҳкам унинг ўзбекча варианты бўлмиш “айрилиқлардан” сўзини қўллашни маъқул кўрган. Бироқ аслиятдаги “найистон”нинг айнан келтирилганлиги, бизнингча, китобхонда мушкуллик туғдириши мумкин:

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.*

*Ким найистондан мени то кесдилар,
Ҳасратимдан мард-аёл дод этдилар [5].*

Кўринадики, иккинчи байтдаги “маро”, “буридаанд” сўзлари “мени”, “кесдилар” тарзида аслига мувофиқ ўгирилган. Иккинчи мисрадаги “нафийрам”нинг “ҳасратим” тарзида таржима қилиниши ҳам ўзини оқлайди. Чунки “ҳасрат” сўзи ҳам дод, фарёд, фиғон сўзлари билан маънодошдир.

Тўртинчи таржимон – Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан амалга оширилган таржиманинг биринчи байтида Асқар Маҳкам билан фикрдошлик кўзга ташланади:

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай [6].*

Бироқ иккинчи байт таржимасида ўзгача услуб жилолари намоён бўлади. Таржима-байтдаги қамишнинг кесиб келтирилиши, ундан най ясалиши ва най овозини эшитган

одамларнинг ўртаниши, фиғон чекиши ўзига хос сюжет-манзарани юзага келтирган. Аввалги таржимонларда “ун”, “ҳасрат” шаклида келган “нафийр” эса Жамол Камолда “нолиш” тарзида ўгирилган ва най нолашига ишора ниҳоят ўз ўрнини топган:

***Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.***

Жамол Камол биринчи байтнинг учинчи таржимон Асқар Маҳкам билан фикрдош тарзида таржима қилган. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Жамол Камол 1994 йилда нашр этилган “Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман” номли китобда “Маснавий”дан бир қанча ҳикоятларни ўзбекчага ўгирган эди. Шуни ҳам айтиш лозимки, мутаржимнинг аввалги ва кейинги таржималарига эътибор берилса, юқоридаги икки байт мисолида анча фарқ кўзга ташланади. Ҳаёт дарсхона деганларидек, тажрибали шоир кейинги таржималарини янгича нигоҳ, пухта тайёргарлик билан адо этган.

Жамол Камол таржимаси:

***Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.***

***Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.***

Жамол Камолнинг илк таржимасида:

***Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан шикоятлар қилур.***

***Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Санчилур, деб таънага ўлдирдилар [7,3].***

Бугунги кунда мустақил юртимизда истеъдодли ёшлар улғайиб, барча соҳаларда ўзларининг имкониятларини синаб кўрмоқдалар. Шулардан бири ёш таржимон Вазира Шодиева ҳам “Маснавий”нинг шоҳ байтларини ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилган.

Вазира Шодиева таржимаси:

***Англагил, най не ҳикоятлар қилур,
Ул жудолиқдин шикоятлар қилур.***

***Айлагач айро найистондин бу дам,
Тинглади эркак-аёл ҳасрат-ла ғам.***

Ёш таржимон биринчи байтни ҳазрат Бобораҳим Машраб ва олим Алибек Рустамовлар анъаналарини сақлаган ҳолда ўзбекчага ўгирган. Аммо иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги “найистон” сўзини шоир-таржимон Асқар Маҳкамдек берган бўлса, “нафийрам” сўзини “ҳасрат-ла ғам” тарзида таржима қилган. Кўпчилик талқинларга кўра, “Қамиш найистондан айро тушганда, эркагу аёл дод-фиғон кўтардилар ва нола қилдилар” дейилса, Вазира Шодиева “Қамиш найистондан айро тушганда, эркагу аёл ҳасрат ва ғам тўла фарёдни эшитдилар”, деган талқинни ўртага қўйган.

XX асрнинг 80-йилларида адабиётшунос Нажмиддин Комилов шоир Сулаймон Раҳмондан “Маснавий”ни таржима қилишини сўраганда, у рад жавобини берган экан. Орадан бир-неча йиллар ўтгандан сўнг шоирнинг қалбида “Маснавий”ни таржима қилиш туйғуси пайдо бўлади. Изланишлар натижасида гувоҳ бўлдикки, шоир Сулаймон Раҳмон ҳам “Найнома”ни ўзбекчалаштирган экан. Шуни инобатга олиб, Бобораҳим Машраб, Алибек Рустамов, Жамол Камол ҳамда Вазира Шодиевадан сўнг зикри ўтган таржимоннинг бу соҳада амалга оширган ишини ҳам қиёс майдонига тортишни маъқул кўрдик.

У биринчи байтнинг биринчи сўзини “шинав” – тингла тарзида беради. Тингла оддий бир таъкид ё буйруқ бўлса, Румий қаттиқроқ тарзда “бишнав” тинглагил, деб фикрини баён этган. Юқорида номлари қайд этилган таржимонлар “най не ҳикоятлар” тарзида келтирган бўлса, Сулаймон Раҳмон “най нелар ҳикоят” шаклида келтирган. “Мекунад”ни аввалги мутаржимлар “қилур, айлагай” тарзида ўгирган бўлсалар, Сулаймон Раҳмон “айлар” шаклида ўзбекчалаштирган. Шунингдек, байтдаги “аз”ни – “қай”, “жудойиҳо”ни –

“айроликлардан” шаклида келтиришни лозим кўрган. Хуллас, байтдаги мазмун ва шаклни аслиятга яқин тарзда ифодалашга уринган.

Сулаймон Раҳмон таржимасида:

***Тингла, най неларни ҳикоят айлар,
Қай айроликлардан шикоят айлар.***

Иккинчи байтдаги “к-аз” истеъмолдан тушиб қолган бўлса ҳам, таржимон моҳирлик билан, бешта сўз ўрнида иккита сўз билан бериб, мисра таржимасини амалга оширган. “Найистон”ни – “қамишзоримдан” тарзида, “маро” сўзини “мени” тарзида, “буридан”ни эса “кесди” шаклида келтирган.

Сулаймон Раҳмон ўзбек тили бойлигидан моҳирлик билан фойдаланиб, форсча “дод”, “гиря”нинг ўзбекча эквивалентини, яъни “йиғлаш”ни қўллаган. Шунингдек, мутаржим “зор” сўзини келтирганки, мазкур сўз фиғон, илтижо маъносини ифодалайди. Таржимадаги яна бир жуфт сўз “марду зан”дир. Шоир унинг “эркагу аёл” ўзбекча муқобилини қўллаш орқали таржиманинг аслиятдаги мазмун ва шакли сақланишини таъминлаган:

***Мени кесдилару қамишзоримдан,
Зор йиғлар эркагу аёл зоримдан.***

“Найнома”нинг учинчи байти:

***Сина хоҳам шарҳа-шарҳа аз фиروق,
То бигўям шарҳи дарди иштиёқ.***

“Шарҳа-шарҳа – порча, лукма, порчаи гўшт, буридаи гўшт, шарҳа-шарҳа-порча-порча”[18] мазмунида ифодасини топган.

“Фиروق – айрилиқ, жудолик, ҳижрон; ташлаб кетиш. 2. Инжиқлик, эркалик; тантиқлик, нозу истиғно. 3. Жаҳл, зарда” [14,571].

“Иштиёқ – муштоқлик, дил хоҳиши; интилиш” [18,260].

Най айрилиқдан қийналган, шу боис ўзига ўхшаган дардли кишини излаяпти, майда-майда бўлиб кетган қалбни истайди, токи унга ичидаги дард ва иштиёқин сўзлаб берсин.

Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёни турли тарзда амалга оширилади. Айрим тилларнинг бир-бирига ўхшашлик жиҳати кўп. Жумладан, лексик, морфологик, синтактик ва бошқа тил қурилмалари бир-бирига мос келиши мумкин. Форс-тожик ва ўзбек тилини қиёслаганда, лексик жиҳатдан яқинроқ эканлиги кўзга ташланади. Масалан, юқорида келтирилган байт аслиятида “иштиёқ” сўзи қўлланган. Мутаржим Жамол Камол ҳар икки таржимада аслиятдаги сўзни сақлаган. Тилшунос Алибек Рустамов ҳам ўзбекчалаштириш жараёнида шу анъанага содиқ қолган. Бизнингча, “иштиёқ” сўзи ҳар икки тилда бир маънода қўлланади. Чунки мазкур сўз арабчадан ўзлашган бўлиб, унинг луғавий маъноси муштоқлик, дил хоҳиши; интилиш деганидир.

Алибек Рустамов таржимаси:

***Кўкрагимни тилка-тилка айласам,
Иштиёқим дарди шарҳин сўйласам.***

Аслиятдаги “сийна” сўзи форс-тожик тилида инсоннинг кўкрак қисмидирки, баъзан мажозан “дил”, “қалб”, “кўнгил” маъноларини билдиради. Таржимонларимиз томонидан “сийна” сўзининг ўзбекча эквиваленти “кўкрак” тарзида берилган. Аммо бу сўз ҳар икки тилда бир маънога эгадир. Шу боис Алибек Рустамов “кўкрагим” деса, Жамол Камол илк таржимада “сийна”, иккинчи таржимада “кўксим”, Асқар Маҳкам “сийна” ва Вазира Шодиева ҳам “сийна” тарзида, Сулаймон Раҳмон эса “бағир” тарзида берган. Аслиятдаги “шарҳа-шарҳа”нинг луғавий маъноси “парча-парча”, яъни “пора-пора”дирки бу сўзни икки тилда бир хил маънода қўллайдилар. Жалолиддин Румий “шарҳа-шарҳа” деганда “пора” сўзининг қадимий шаклини қўллаган бўлса, таржимонларимиз ўқувчига тушунарли бўлиши учун бугунги шаклидан усталик билан фойдаланганлар. Аммо Сулаймон Раҳмон бу сўзнинг ўзбекча яна бир варианты “тилган”ни қўллаган.

Байт иккинчи мисрасининг таржимаси мутаржимлар томонидан турлича тарзда амалга оширилган. Лекин байтнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, “Лирик қаҳрамоннинг доду фарёди нимада? Нима учун унинг қалби ё бағри қон?” мазмунидаги саволларга жавоб изланган. Чунки унинг вужудида дард, дард боис жисми куйиб адо бўлаяпти. Хулоса шуки, ҳар бешала таржимон ҳам “дард” сўзига урғу берган, аслиятдаги мазмун ўзбекчада сақланган. Румий “дард” сўзи орқали, китобхон диққатини ўзига жалб қила олган.

Асқар Маҳкам таржимаси:

*Сийна истармен фироқдан поралар,
Шавқ дардидан десам афсоналар.*

Жамол Камолнинг илк таржимаси:

*Пора-пора қилди кўксимни фироқ,
Баски, сўйлай эмди дарду иштиёқ.*

Иккинчи таржимаси:

*Сийна истармен тўло дарду фироқ,
Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ.*

Вазира Шодиева таржимаси:

*Айрилиқдин пора сийна истарам,
Токи дардим шавқидин шарҳ айларам.*

Сулаймон Раҳмон:

*Истарман айролиқ тилган бир бағир,
Иштиёқим дардин айтгали бир-бир.*

Юқоридаги байтнинг таржималарини назардан ўтказар эканмиз, аслиятдаги қофия фақатгина шоир-таржимон Жамол Камол томонидан сақланиб, қолганлар янги қофиялар яратишга муваффақ бўлишганига гувоҳ бўламиз. Алибек Рустамов “айла ва сўйла”, Асқар Маҳкам “пора ва афсона”, Вазира Шодиева “истар ва айлар”, Сулаймон Раҳмон “бағир ва бир” тарзида ўгириб берганлар.

“Найнома”нинг тўртинчи байти:

*Ҳар касе, к-ў дур монд аз асли хеш,
Боз чўяд рўзгори васли хеш.*

Мазмуни: Ҳар ким ўз аслидан йироқ тушса, албатта, ўзлигига қайтиш учун уни излайди. (Ҳадис: “Ҳамма нарса ўз аслигига қайтади”. Зеро, Аҳмад Яссавий таъкид этганидек, “Аслинг билсанг, обу гил, яна гилга кетаро”).

Ўн саккиз минг оламини яратган Эгам деймиз. Лекин ўн саккиз минг оламнинг биттаси – бу “руҳ” олами. Тан тупроқдан яралган, яна тупроққа қайтади. “Руҳ” руҳ олаמידан олинган бўлиб, у ҳам ўз оламига қайтади. Яъни тупроқ ўзидан узоқлашган, яна ўзига қайтса, руҳ ҳам ўз аслини излаб, оламига қайтади.

Сўзма-сўз таржимаси: Ҳар ким йироқлашиб қолди ўз аслидин, яна излар ўз васлини. Ўз олаמידан узоқлашган инсон яна ўша дунёни қўмсайди ва излайди.

Ёхуд ҳар бир инсон ўзлигидан йироқлашган сари, унда қўмшаш, ўртаниш ҳисси ортиб боради. Илк макону масканига етишиш, қайтиш тадоригида чора излайди [12,3].

Алибек Рустамов таржимаси:

*Кимки, айру тушса гар ўз аслидин,
Баҳра топмоқ истасун ўз васлидин.*

Аслиятда Мавлоно ким аслидин узоқлашса, яна ўзини излайди, деган бўлса, Алибек Рустамов узоқлаш ўрнида “айрилса” деб таржима қилади. Аслидин узоқлашган кимса, албатта яна ўзлигини излайди дейди, Румий. Таржимон эса баҳра олишни хоҳлайди, ўз васлидан, тарзида ўзбек китобхонига, шоирнинг мақсадини етказди. Байтда “асл” ва “васл” деган сўз қўлланган, бу сўзлар ҳам ҳар икки тилда бир хил маънони англатади. Форсча байтнинг қофияланишида таржимадан шундайгина “асл ва васл” кўчган.

Асқар Маҳкам таржимаси:

*Кимсаким тарк айлади ўз аслини,
Қайта излар рўзгорин васлини.*

Таржимон Асқар Маҳкам “узоқ” сўзи ўрнида “тарк” сўзини қўллайди ва “воз кечди” деган маънони беради. Аслида уйдан бирон-бир сабаб боис узоқлашиш мумкин. Лекин “тарк” этиш, мажбур бўлмасанг, оиладан воз кечмайсан ёки ташлаб кетилган уйни ё бирон буюмни ақлли киши қайта изламайди. Форсча матндаги иккинчи мисрада “рўзгор” “г” ёзилади, “ғ” эмас, фақат Асқар Маҳкамгина таржимада бунини қўллаган. Алибек Рустамовнинг услубини сақлаган ҳолда “асл ва васл”ни қофия сифатида келтирган.

Жамол Камол таржимаси:

Биринчи таржима:

*Ким йироқ тушса, йўқотса аслини,
Боз истар, боз қўмсар васлини.*

Иккинчи таржима:

*Ким йироқ тушса, йўқотса аслини,
Боз излар рўзгори васлини.*

Жамол Камол ҳар икки таржима жараёнида байтдаги биринчи мисрани бир хил шаклда беришга муваффақ бўлган. “Узоқ” сўзини ҳам “йироқ” тарзида ва ҳам “йўқотса” шаклида беради. Аслиятдаги мазмунни яна ҳам тўлдиради. Иккинчи мисрани биринчи марта “боз” сўзини икки марта ишлатиб ўзбекчалаштирган бўлса, кейинги таржимада аслиятнинг тўлиқ маъно ва мазмунини беришга муваффақ бўлган. Чунки одам ўзи камол топган маскандан йироқ тушса, руҳан эзилади, қийналади, натижада ўша ерни соғиниб, қайтиш тадоригини кўради. Жамол Камол ҳам Алибек Рустамов ва Асқар Маҳкам аънаналарини давом эттириб, форсча қофияни сақлаб қолган.

Вазира Шодиева таржимаси:

*Кимки айрилган эрур ўз аслидин,
Истагай такрор нишонким васлидин.*

Вазира Шодиева ҳам устоз таржимонлар йўлидан бориб таржимани амалга оширган. Аслиятдаги “дур”ни ўзбекча эквиваленти билан “айрилган” тарзида беради. Шунингдек, иккинчи мисрада ҳақиқатан ҳам ўз масканидан узоқлашган кимса ўша жойга бориш учун қандайдир баҳона ё белги излайди, деган маънода ўзбекчалаштирганки, байт жозибадорлиги йўқолган. Ҳар тўртала мутаржим қофияни аслиятдагидек берган.

Сулаймон Раҳмон таржимаси:

*Кимки ўз аслидан йироқ тушса гар,
Яна ўз рўзгори васлини излар.*

Сулаймон Раҳмон аслиятдаги сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиб, мазмун ва шаклни сақлаган ҳолда, ўзига хос тарзда таржимани амалга оширган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Асқар Маҳкам форсча матндаги “рўзгор”ни сақлаган ҳолда байтни ўзбекчалаштирган, шу аънанани Сулаймон Раҳмон ҳам такрорлаган. Байтнинг ўзбекча таржимасида қофияланиш ҳар тўртала мутаржимда бир хил “асл ва васл” тарзида берилган. Фақат Сулаймон Раҳмон “гар ва излар” шаклида қўллаган.

Хулоса. Буюк Жалолоддин Румийнинг “Найнома”си “Маснавийи маънавий”нинг кириш қисмидаги 18 байтдан иборат парчадир. “Маснавий”нинг вужудга келиши ва буюк асар сифатида жаҳонга машҳур бўлиши, инсоният қалбидан ўрин олишига ана шу ўн саккиз байт асос бўлган. Биз мазкур мақолада “Найнома”нинг бир неча байтини қиёсладик холос.

Бобораҳим Машраб фақат биринчи байтни таржима қилган, қолган байтларни айнан келтириб изоҳ ва мазмунан баён қилиш йўли билан жавобия ёзган. Академик Рустам Алибеков ўзбек тилининг бойлигидан унумли фойдаланиб, ўзбек китобхонига осон бўлиш учун “Найнома”ни ўн байти таржимасини гўзал тарзда амалга оширган.

Адабий таржима бошқа таржима турларидан кескин фарқ қилади, унда нафақат классик ёки даврнинг жорий назарияларга амал этиш зарурлиги, балки таржимон маҳорати ва ижодкорлиги муҳим ўрин эгаллайди. Адабий таржима – бу санъат, бунда оҳанг, ритмика, қофия ва аллитерация орқали кутилган натижа ва самарага эришилади. Адабий матнларни таржима қилишда ихтиёрийлик ва эркинлик устунлик қилади, сўзма-сўз таржима ва аниқликка унчалик амал қилинмайди.

Адабий таржимада деталлар аниқлиги ва тўғрилигини кўрсатиш унчалик муҳим эмас, балки китобхонларга матндаги ҳиссиётларни етказиб бериш янада аҳамиятлидир. Рус шоири ва таржимони Б.Пастернак бадий таржима сўзма-сўз бўлмаслиги, балки аслиятдаги асар каби ҳаётийлик таассуротларини уйғотиш кераклигини, таржимон матннинг нафақат стилистик ва сўз бойлиги жиҳатдан тўғрилигини ва аниқлигини кўрсата олиши, балки асарнинг гўзаллигини тараннум этиш кераклигини, яъни таржима аслиятнинг сояси эмас, аксинча, у каби жилваланиб туриши лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Шунга кўра, “Найнома” таржимасига киришган ҳар бир мутаржим ўзбек тилининг сўз бойлигидан унумли фойдаланиб, бошқа тилдаги матнни ўзбек китобхонига етказишга

уринганларки, баъзан сакталикларга йўл қўйилган бўлса-да, бу машаққатли меҳнатни ҳар қанча олқишласак арзийди. Ўзбек китобхони “Найнома”нинг ҳар бир таржимасини ўқиганда, буюк Жалололдин Румийнинг таҳсинга лойиқ асари орқали маънавиятини бойитиши, шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР

1. **Бобораҳим Машраб.** Мабдаи нур. Нашрга тайёрловчи: Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Т.: Фан, 1994. – 314 б.
2. **Валихўжаев Б.** Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан, 1974. – 286 б.
3. **Жалололдин Румий.** Маънавий Маснавий. Куллиёт. Ж. 1. К. 1. Таржима шарҳи билан; Таржимон Асқар Маҳкам. – Т.: Шарқ, 1999. – 342 б.
4. **Мавлоно Жалололдин Румий.** Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т., 2010. – 863 б.
5. **Жалололдин Румий.** Маънавий маснавий. Куллиёт. Таржима шарҳи билан. Таржимон ва шарҳ муаллифи Асқар Маҳкам. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 360 б.
6. **Жалололдин Румий.** “Маснавий маънавий”. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2005. – 345 б.
7. **Жалололдин Румий.** Учмоққа қанот йўқ вале учгайман: Ривоятлар ва рубоийлар. Форсийдан Жамол Камол таржимаси; Сўнгсўз муаллифи Тоҳир Қаҳҳор. – Т.: Фафур Фулом, 1994. – 46 б.
8. **Мавлоно Жалололдин Румий.** Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т., 2010. – 863 б.
9. **Мавлоно Чалололдини Балхӣ.** Мунтахаби осор. – Душанбе: Дониш, 2007. – С. 180.
10. **Рустамов Алибек.** Сўз хусусида сўз. – Т., 1987. – 160 б.
11. **Сулаймонов Ш., Тўхсанов Қ.** Адабиётшунослик атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Бухоро: Бухоро, 2009. – 161 б.
12. **Хайрулла Қосим.** Офтоб далили офтоб. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 53 б.
13. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 1 жилд. М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 951.
14. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 2 жилд. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 949
15. Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. (“Маснавийи маънавий” тафсири). Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: Муסיқа, 2006. – 352 б.
16. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т., 2009. – 617 б.
17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – 606 б.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б.

УДК 821.512.133(092)

СОҚИЙНОМА ХАРАКЕРИДАГИ ШЕЪРЛАРДА РАНГ ВА МАЪНО УЙҒУНЛИГИ ОСОБЕННОСТИ СОЧЕТАНИЯ ЦВЕТА И СОДЕРЖАНИЯ В САКИ-НАМЕ THE HARMONY OF COLOR AND MEANING IN THE POEMS OF SAKINAMA

Асадов Мақсуд Ҳусенович

*ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.*

Таянч сўзлар: май, шароб, чоғир, бода, жом, поэтикообраз, майранглари, майнавлари, лирикқахрамон, соқий, соқийнома, жанр, субҳ.

Ключевые слова: вино, чаща, поэтический образ, цвет вина, лирический образ, кравчий, саки-наме, жанр, утро.

Key words: may (wine), jom (bowl), lyrical hero, colors of wine, saki (cup bearer), sakinama, morning.

Мазкур мақолада Шарқ мумтоз адабиётида соқийнома жанрининг шаклланиши ва тараққий этишида муҳим аҳамият касб этган май мавзуси қаламга олинган риндона шеърлар, хусусан, соқийнома характеридаги шеърларнинг образлар олами, айниқса, лирик қахрамон табиати, маънавий-ахлоқий қиёфани ёрқин тасвирлашда ўзига хос

поэтик функция бажарган майнавлари, ранглари ҳамда уларнинг шеърий матн мазмуни билан боғлиқ жиҳатлари хусусида баҳс юритилган.

В данной статье проанализированы стихи о “риндона”, имевшие важное значение в формировании и продвижении темы вина (“май”) в восточной классической литературе. Рассмотрены основные художественные образы, раскрывающиеся в сакинаме, в частности, природа лирического образа, сорта вина (“май”).

The article deals with “rindona” poems and the poems of “soqiynoma” character, in which the notion of wine plays a central role. This type of poems played an important role in the formation and development of “soqiynoma” genre. The author of the article discusses different types of wines, their colors and features that were used to describe the character of a hero, related to the content of the poetic text.

Кириш. Маълумки, шеъриятда ранглар воситасида шоирнинг руҳий-психолог ҳолати, кайфияти, ички маънавий олами, тасвирланаётган воқеликка муносабати ва ижтимоий, ахлоқий, фалсафий, маърифий қарашлари акс эттирилади. Шу билан бир қаторда бадиий тасвирнинг бу кўриниши фикр-туйғуларнинг таъсирчанлигини таъминлаб, ўқувчида кучли иштиёқ пайдо қилади. Ранглар аслида табиатда барча нарсаларнинг туси, белгисини бири-биридан ажратиш, фарқлашга имкон очса, мумтоз шеъриятда, хусусан, май мавзуси қаламга олинган намуналарда лирик қаҳрамоннинг кайфияти, ҳис-туйғулари, ҳаётда юз берган турфа воқеа-ҳодисаларни бадиий ифодалаш воситаси саналади. Умуман, соқийнома характеридаги шеърларда инсон руҳий тўлғонишларининг рангин тасвирини беришда, кўнгил изтиробларининг ёрқин ифодасини таъминлашда, ижодкор ахлоқий-маънавий оламининг турфа манзараларини гавдалантиришда, лирик қаҳрамон характерининг муҳим хусусиятларини кашф этишда май ранглари ва навлари алоҳида эътиборга моликдир. Уларда май ёки шароб қизил, қизғиш, ноб (соф, тиниқ), соф (тиниқ, зилол), саҳбо (олий сифатли, қизил), кумайт (қизил рангли, қуюқ), мураввақ (сузиб софланган, тиниқ) каби бир қатор рангларда тасвирланган. Бу рамзий-мажозий ифодалар орасида, айниқса, XII-XV асрнинг I ярми ўзбек мумтоз шеъриятида энг кўп учрайдигани, шубҳасиз, қизил рангли шаробдир. У қизил, ол, арғувоний, ақиқ, гулфом, гулгун, гулранг, кумайт, лолафом, лоларанг, лолагун, лаълин, лаългун, лаълфом сифатлашлари воситасида юксак бадиият билан тасвирланади.

Кел, эй соқий, шароби арғувон бер,

Кўнгулдин ғам кетар, жонга равон бер [16, 150].

Дарҳақиқат, мумтоз шеъриятда бадиий тимсол табиатининг ўзига хослигини кўрсатишда ранг воситасида яратилган сифатлашлар ҳам етакчи мавқе эгаллайди. Соқийнома характеридаги шеърларда ҳам “поэтик образнинг таркибини аниқлаштиришда сифатловчи-эпитет муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур поэтологик тасвир воситалари, тимсолнинг сажияси, бадиийлик даражаси ва диалектик алоқалари табиатига аниқлик киритади”. Шунингдек, “ижодкор дунёқараши, иқтидори ҳамда эстетик салоҳиятини белгилаб берадиган ўлчов-мезон ҳисобланади” [18, 17]. Шу маънода, “майи гулгун”, “бодаи гулгун”, “майи гулранг”, “соф май”, “майи ноб”, “мураввақ шароб”, “майи боқий”, “арғувоний шароб”, “афсар май”, “бодаи лоларанг”, “майи гулфом”, “муаттар шароб”, “майи хушбўй”, “лаълин май”, “ақиқ бода” “қадаҳи хушгусор”, “қадаҳи лолагун”, “қадаҳи софи пок”, “қадаҳи жонфизо”, “майи оташмижоз”, “қадаҳи беғаш”, “майи ширинфараҳ”, “қадаҳи мўътамад”, “қадаҳи мушкбў”, “шароби софи ширин”, “шароби лолагун”, “шароби хушгусоро”, “шароби жонфизо”, “карам паймонаси”, “бодаи ғамзудо”, “бодаи лаълфом”, “бодаи мушкбў” каби қатор сифатлашлар билан қўлланган май ва қадаҳ тимсоллари шеърий мисраларда муайян вазифа бажариб, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, қизил рангли май мумтоз шеъриятда, кўпинча, ғам-қайғуни унутиш, кундалик турмуш ташвишларидан халос бўлиш, табиат манзараларидан шодлик ва фараҳ туйиш, ўтаётган дамларни ғанимат билиш, узоқ умр ҳосили, ёшлик ва жўшқинлик, ишқ-муҳаббат каби ҳаётсеварлик мазмунларини юзага чиқаради. Ранг ва рангшуносликка оид манбаларда ҳам қизил киши эътиборини жалб қилувчи, руҳиятни кўтарувчи, унга қувонч бағишлайдиган ва қалбни тўлқинлантирадиган ранг сифатида кўрсатилган [12, 60-62].

Шунингдек, илмда унинг “қон, олов, иссиқлик ва қуёш”ни тамсил қилиши ҳам таъкидланади [7, 19-20]. Бадиий адабиётда, жумладан, риндона шеърларда ҳаёт неъматлари, табиат гўзалликларидан завқланиш ҳисси, қувонч ва шодлик туйғулари бошқаларига қараганда, айнан қизил май образи орқали ифода этилишининг бир сабаби ҳам шунда. Шу билан бирга, қизил ранг қадимдан туркий халқлар орасида ишқ-муҳаббат, висол ва садоқат мазмунларини ҳам билдирган. Ўтмиш даврларда ёрининг васлига интилган қизларнинг қизил рангли кийимлар кийганлиги машҳур тилшунос ва элшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асаридаги бадиий лавҳаларда ҳам учрайди [5, 500]. Умуман, соқийнома йўналишидаги шеърларда қизил рангли май образининг хурсандчилик, ўйин-кулги, кўтаринки руҳ, умр неъматларидан завқланиш, жўшқин кайфият ва муҳаббат кечинмаларини юзага чиқарувчи ҳаётсеварлик маъноларида рамзийлаштирилиши анъанавийлашган, десак хато бўлмайди. “Латофатнома”дан олинган мана бу байт ҳам юқорида келтирилган фикрларнинг бир исботидир:

*Кел, эй соқий, майи гулфом келтур,
Шароби арғувондин жом келтур [16, 147].*

Соқийнома моҳиятидаги шеърларда метафорик хусусият бир қадар устунлиги сабабли эпитет, ташбеҳ, рамз, таносуб, мажоз, ишоралар муайян вазифа бажаради. Яъни байтда қўлланилган соқий, май, шароб, жом образлари ўзаро мутаносиблик ҳосил қилган бўлса-да, шеърий матн мазмунини ўқувчига жонли ҳамда таъсирчан етказиб беришда “гулфом” ва “арғувон” сифатлашлари ўзига хос “калит сўз” вазифасини ўтаган.

Май ранглари лирик қаҳрамон маънавий-руҳий ҳолатининг бадиий ифодаси, ҳис-туйғу, фикр-кечинмаларининг ижтимоий-эстетик сабабларини ёритишда ҳам бетакрор восита эканлиги маълум бўлади. Чунончи, илмда қизил ранг жўшқинлик, хурсандчилик мазмунларини билдириши билан бирга, ҳавойилик, ҳовлиқиб кетиш, қизиққонлик маъноларида ҳам талқин қилиниши айтилади [9]. Демак, қизил рангда тасвирланган шароб образи лирик қаҳрамоннинг хилма-хил кайфияти, ҳолини англатишда шоирга бир қадар кенг имконият яратади. Маълумки, “ҳол ўзига хос қисқа муддатли кайфият. Қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. Ҳол – илоҳий марҳамат ва баракотнинг нузул бўлиши, қуйилиб келиши. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин” [4, 30] бўлган руҳий, маънавий фараҳдир. Маърифий адабиётда ҳам “Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини такомилга етказадиган файзнинг даражаси” [11, 79] ҳол дейилган. Соқийнома мазмунидаги шеърларда май ва қадаҳ ранглари, асосан, лирик қаҳрамон – ринднинг ҳоли, руҳий ҳолати, маънавий оламига ишорани билдиради. Дарҳақиқат, “ишқ ва муҳаббат изтироблари, ошиқ ва маъшуқа кечинмалари, айрилиқ ва ҳижрон туйғулари, шунингдек, ўзаро инсоний муносабатларда юзага келадиган ҳолатларнинг поэтик тасвирида ранглардан фойдаланиш шоирлар ижодида ўзига хос мактаб вазифасини ўтган” [17, 26]. Бу тамойил соқийга мурожаат келтирилган шеърларда, айниқса, май ва унга алоқадор образларда янада ёрқин намоён бўлади. Жумладан, Хўжандий “жоми гулфом”, яъни қизил майни олам шодликларининг сабаби деб кўрсатади:

*Кел, эй соқий, кетурғил жоми гулфом,
Ғанимат тут бу дамни кечти айём [16, 153].*

Соқийнома характеридаги шеърларнинг май ранглари билан боғлиқ бадиий лавҳаларида ижтимоий моҳиятга урғу берилганлиги, айниқса, аҳамиятлидир. Туркий халқлар адабиётида қадимдан “қизилнинг кенг маънодаги ҳаёт, тириклик, мавжудлик билан алоқадор” эканлиги маълум [13, 34 – 38]. Саид Қосимий ижодидан келтирилган мана бу байтда ҳам “арғувоний шароб” рамзий ифодаси воситасида ана шу қарашлар ривожлантирилиб, қизил рангли май абадий ҳаётга етказувчи тимсол, деб тавсифланган:

*Қани жоми шароби арғувоний
Ким, улдур майи умри жовидоний [10, 153].*

Бадиий ифода сифатида қўлланаётган рангнинг луғавий ва поэтик маънолари орасида ўзаро уйғунлик мавжуд. Бироқ уларнинг ифода имкониятлари шеърий образ табиати ва маъноси билан узвий боғлиқ. Тадқиқотларда Навоийгача бўлган шеъриятда образ ва ранг ўртасидаги уйғунлик, бадиий ниятни юзага чиқаришда ранг муҳим омил бўлганлиги айtilган. Эътиборлиси, ранг рамзларининг қўлланиши шеърий матндаги образлар семантик-стилистик хусусиятларининг ўзига хослигига кўра бир-биридан

сезиларли даражада фарқ қилади. Чунончи, қизил май образи қўлланган мисраларда ўткинчи тушкунлик, тақдирдан норозилик, замондан шикоят ва ғам-андухга берилиш кайфияти умуман сезилмайди. Аксинча, риндона шеърлардаги ўзига хос руҳий кўтаринкилик, завқу иштиёқ ўқувчини лирик қаҳрамон шахсиятига, унинг ахлоқий қиёфаси ва маънавий оламига янада яқинлаштиради. Бу қарашларимизни юқорида келтирилган мисоллар ҳам тасдиқлайди.

Соқийнома йўналишидаги намуналарда гулранг, ақиқ, биллурун, шафақгун, зуммуррадранг, ойинагун, нилуфари каби ёрқин рангларда тасвирланган май ҳамда жом тимсоллари ҳам ҳаётга муҳаббат, шодлик ва қувонч туйғуларини ифода этган. Қуйидаги мисраларда айнан ақиқ – тиниқ, қизил рангли қадаҳдаги гулранг, яъни гул рангига монанд майни “нўш айла”шни сўраш билан мазкур ранглар ўртасидаги мутаносиблик, уйғунлик кишига беихтиёр хуш кайфият бағишлашига ишора қилинган:

*Завқ ила нўш айла жоми бодайи гулрангим,
Хуш тутар сарви саҳийға арғувон жоми ақиқ [3, 147].*

Бадий адабиётда, жумладан, соқийнома характеридаги шеърларда ҳам тасвирий уйғунликнинг муайян кўринишлари жуда кўп ва хилма-хилдир. Шоир уйғунлаштиришда нарса ва ҳодисаларнинг фақат ранг сингари ташқи белгилари билан чекланмайди. Уларнинг ҳамма жиҳатларини – образ ва тушунчалар орасидаги ўзаро муносабати, вазифаси, муҳити ва ҳатто вақтини ҳам эътиборда тутган ҳолда ҳар бир хусусиятдан ўз ўрнида самарали фойдаланади. Мазкур мисраларда ҳам “завқ”, “жом”, “бодайи гулранг”, “жоми ақиқ” тимсоллари ўзаро мутаносибликни ҳосил қилиб, фикрнинг мукамал ифода топишини таъминлаган. Шеъриятда завқ хурсандчилик, шодлик, нашъа, фараҳ ва ишқ сурурини англатади. Шунингдек, маърифий адабиётда завқ маънавий ҳолларнинг бошланиши, яъни Ҳақ маърифатининг ошиқ – солиқ қалбида акс этган илк жилоси, ифодасини тамсил қилади [14, 586]. Завқ бу мушоҳада ҳолининг илк босқичи. У қанчалик теран бўлса, “мушоҳада этилувчи зотни идрок қилиш, васл ҳаловатини туйиш, ва кўриш лаззати шу қадар мусаффо ва тотлироқ бўлади” [1, 287]. Юқоридаги байтда ана шундай завқ соҳиби – лирик қаҳрамоннинг кайфияти хусусида баҳс юритилган.

Мумтоз шеъриятда тиниқ, соф (ноб) майлар, кўпинча, хушчақчақлик, завқу сурур, хушқайфият, шу билан бирга, оламнинг ўткинчилигини уқтириш мазмунларини ифодалайди. Гадоий ёр висоли, баҳор фасли ва шароби ноб, яъни соф, тиниқ шаробни бу ҳаётнинг шодлиги, олам гўзалликларининг ўзига хос тимсоли сифатида таърифлайди. Шоир бундай кам топилувчи бахтнинг ҳар кимга насиб этишини истаб, мана нима дейди:

*Васли ниғору фасли баҳору шароби ноб,
Ҳар кимга даст берса, зиҳи бахти камёб [3, 111].*

Кўринадики, шеърда баҳор гўзаллиги, гул ва гулшан тасвири орқали ҳаётини лаззатлар, умрнинг қувончу шодликлари васф этилган. Бундай дамлар нафақат шод-хуррамлик, балки ғам-андухни унутиш, турмуш ташвишларидан йироқлашиш, ўтаётган лаҳзаларни қадрлаш учун ҳам инсонга берилган бир имкондир, дейди шоир. Қуйидаги байтда Ҳофиз Хоразмийнинг лирик қаҳрамони ҳам соқийга юзланиб, ундан соф бода келтиришини сўраб экан, ҳар қандай мушкулотни ҳал қилишда ундан “ўзга илож” топилмаслигини айтади:

*Эй лола юзлу соқий, кетурғил шароби соф,
То маҳв бўлсун орада юз турлу ихтилоф [20, 283].*

Ушбу байтда май образи ишқ концепцияси билан боғлиқликда намоён бўлган. Шоирнинг фикрича, мотам кайфиятидан халос этувчи бу – бода, бор аламу изтиробни маҳв этувчи ҳам бода, ёлғону алдовдан, бўҳтону тухматдан асрагучи ҳам бода, ҳатто кўнгилга қувончу шодлик, руҳга осудалик, вужудга сиҳат берувчи ҳам шу, муҳаббатга висол лаззати, давраларнинг кўрки, эзгулик, ишончу эътиқод манбаи ҳам у. Соқий бўлса, бу бодани куйиб тутувчи, ғам-қайғудан фориг этувчи, ҳақиқий мададкор, содиқ ҳамдамдир. Дарҳақиқат, кўтаринкилик, хушқайфият, шунингдек, оламнинг ўткинчилигини уқтириш ва муҳаббат кечинмалари май мавзусидаги шеърларнинг барчаси учун умумийдир. Бироқ шеъриятда майнинг ҳар бир тури шоирнинг муайян фикр-кечинмаларини бадий ифода этиш учун ҳам хизмат қилади. Кузатишларимизга кўра, риндона шеърларда қўлланган образ, тимсол ва рамзлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Балки улар муайян тарихий ҳақиқатларга таянилиб, асарнинг бадий-фалсафий, эстетик хусусиятларига уйғун шаклда яратилган. Масалан,

тиниқ, соф (ноб) шароб, яъни майи нобни олайлик. Қадимда майнинг бу нави ўзига хос усулда ясалган. Яъни бунинг учун май тайёрланадиган куп ичига яна бир кичикроқ сопол хумча солинган. Аввалига хумчанинг оғзига дафна дарахтининг япроғи қўйилиб, лой билан шувалган ва қуёшда бир неча кун қуритилган. Кейин у латта билан ўраб беркитилган ва купнинг ичида узоқ вақт (6 ойдан 1 йилгача муддатда) сақланган. Купда тайёр ҳолга келган май янада тиниқлашиб, ана шу сопол хумчага сизиб ўтган. Бундай шароб майи ноб деб юритилган [15, 21]. Мумтоз шеърятда ноб, яъни тоза, тиниқ, рангсиз май, кўпинча, маърифий-ирфоний маъноларни билдириб, маънавий етуклик, инсоний камолотга элтувчи илоҳий неъмат рамзи саналади. Демак, юқоридаги байтда шароби ноб – эътиқод, илҳом, маънавий ҳузур тимсоли сифатида талқин қилинган. У ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: “Албатта, яхши(солиҳ киши)лар (жаннатда) мизожи кофур (ўсимлигидек хушбўй) бўлмиш қадаҳдан (май) ичурлар. ...Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, шаффофликда) шиша бўлиб кетган қадаҳлар(да шароблар) айлантирилур... Шиша бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар” [19, 578]. Шу сабабли, Атоийнинг лирик қаҳрамони ҳам ўзига “шароби ноб ич”моқлик “қисмати азалий” эканлигини айтади:

*Чу қисмати азалидур шароби ноб ичмак,
Не мунча ёзғирадур шайхи порсо бизни [1, 234].*

Машҳур рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс кўрсатган номаълум муаллифнинг “Миръотул ушшоқ” номли асарида ҳам унга шундай изоҳ берилган: “Шароби ноб – тоза, холис, соф, беғубор шаробдир. Соф май дил кўзгусидан мавжуд суратларнинг кудурати (хиралик, ғашлик)ни тозалайдиган сифотий тажаллиётдир” [2, 173]. “Латофатнома”дан олинган мана бу мисралар ҳам ана шундай фикрларнинг бир исботи бўла олади:

*Кел, эй соқий, шароб ноб келтур,
Фақирлар кўнглини даръёб келтур [16, 142].*

Кўринадики, поэтик образларнинг хилма-хиллиги, ўзига хос ташбеҳлар билан ифодаланиши риндона шеърларнинг мазмун-моҳияти, шоир фикр-туйғулари ва лирик қаҳрамоннинг характер хусусиятлари билан бевосита алоқадордир. Албатта, инсон руҳияти ҳамиша яхшиликка, гўзалликка, ёруғликка интилувчан бўлади. Кундалик турмуш ташвишларидан толиққан ҳар бир қалбда хотиржамлик, ўз ҳаётдан қониқиш туйиш орзуси, шубҳасиз, безовталиқ туғдираверади. Шу истак, шу хоҳиш, шу мақсад йўлида кўнгил изтиробларининг турфа тўлғонишлари, ўй-фикрлар, мушоҳада ва мувоҳасаларнинг чигал қиёфаси киши онгу шуурида ранг-баранг тасвирларда намоён бўлади. Муҳаббат кечинмалари бўладими, табиат гўзалликларининг тасвири бўладими, ҳаётини хулосаларнинг бадиий ифодаси бўладими – ҳамма-ҳаммасида май образи шоир кайфиятини акс эттирувчи энг қулай восита эканлиги ҳам шундан:

*Тушса сиймин соидинг акси шароби ол уза,
Қилмағай ҳеч ким жудо саҳбони сийми хомдин [6, 195].*

Маълумки, шеършуносликда шеър учун бирламчи хусусият гўзаллик саналади. Яъни фикрни бадиий лавҳалар асосида образли тасвирлаш орқали ўқувчи руҳий оламига чуқурроқ кириб бориш ҳам ўнғай, ҳам мароқли. Зеро май образи ана шу завқни бошқа образ-тушунчаларга қараганда ўта таъсирли ва жозибали қилади. Киши руҳиятини зулмат қаъридан ёруғликка олиб чиқувчи ҳам, қайғу-ҳасратдан узоқлаштириб, шодликка юзлаштирувчи ҳам, кўнгилдан армон доғларини кетказиб, орзулар сари бошлагувчи ҳам – майдир.

*Лаълинг майини кўрса ўзидин кетар киши,
Топмас хирадким, ул не мураввақ шароб эзур [3, 118].*

Мумтоз шеърятда мураввақ шароб таъсири кучли, ўткир май сифатида таърифланган. Шоир унинг мана шу хусусиятини маъшуқа лабларининг майига қиёслади. Яъни маъшуқанинг лабларини кўрган кишига у мураввақ – сузиб софланган, тиниқ май каби таъсир қиладики, киши ўз ақлу ҳушини буткул йўқотади. Лутфий эса, бундай шаробни оби зиндагоний – тириклик сувига тенглаштирган:

*Қадаҳе кетурки сендек Хизру Масиҳ элидин
Кишига майи мураввақ эзур оби зиндагоний [6, 238].*

Афсоналарда Хизр – оби ҳаёт, яъни тириклик сувини топган пайғамбар сифатида кўрсатилади. Мумтоз шеърятда у умрбоқийлик тимсолидир. Масиҳ – Исо пайғамбарнинг

лақаби. У жон ато этувчи, тирилтирувчи рамзи саналган. Яъни Сен бизга ҳаёт бахш этувчи, боқий умр берувчи қадаҳ келтиргин, киши учун ҳаёт суви – сузиб олинган, соф, тиниқ майдир.

Маълумки, шоирнинг дунёқараши, борлиққа муносабати, бадий-эстетик тасвирлай олиш қудрати, руҳий-маънавий оламининг қамрови, қолаверса, иқтидори, истеъдоди, фикр-саъжияси, савияси у мурожаат этган мавзуларнинг кўламдорлиги ва мазкур мавзулар орқали илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг табиати билан ҳам белгиланади. Сўз санъаткорининг бетакрор қиёфасини намоён қилувчи поэтик маҳорати, тафаккур тарзи ва бадий кашфиётларининг ўзига хослигини белгиловчи омиллар сирасига образ яратиш санъати ҳам киради. Унинг ҳар бир рамз ва ишораси мундарижа ва бадиият билан боғлиқ ҳолда ғоят теран маънолар касб этадики, уларни тўғри тушуниш, моҳиятини илғай билиш учун соқийнома типдаги шеърларда қўлланган майнинг хил ёки навларига ҳам диққат қаратиш лозим.

Дарҳақиқат, ўзбек мумтоз адабиётида майнинг бир қатор навлари хусусида баҳс юритилган. Улар орасида энг кўп учрайдигани узум майдир. Маълум бўлишича, узумнинг ўзидан ҳам бир неча хил майлар тайёрланган. Шулардан бири чоғир ҳисобланади. Юсуф Амирийнинг “Чоғир ва Банг” мунозарасида чоғир ёш ва навқирон йигит қиёфасида гавдалантирилган [16, 259 – 266]. Шоир уни шундай таништиради: “Йигит жавоб бердиким: Мен узум наслидурмен. Узумнинг фаҳри менинг биландур ва менга сармастлар май от кўюбтурлар”. Шунингдек, мунозарада шоир майнинг ҳаётсеварлик фазилатларини улуғлайди. Яъни май ўзининг риндлар (майпарастлар) даврасида талаб қилиниши, ошиқлар дилидаги ҳижрон аламини унутишга кўмак бериши, сарғайган юзларга қизиллик бағишлаши – кишиларга қувонч ва шодлик улашиши билан мақтанади: “Ва риндлар мазҳабида мен ул маҳбубедурменким, менинг учун чиндин қонлар оқибтур ва чиндин жонлар чиқибтур. Менинг мажлисимда гоҳ аёқ бошқа кўё(р)лар ва гоҳ бош аёққа...Ва зеҳни югурук ва ширин сўзлуқлар манга гулгун от кўюбтурлар”.

Аммо майпарастликнинг юзсизликка, ўринсиз қаҳру ғазаб ва қизиққонликка, беҳуда тортишувлар ва уруш-жанжалга сабаб бўлишини Чоғирнинг ўзи ҳам ва унга рақиблик қилаётган Банг (кўкнори, наша) ҳам аёвсиз фош этади: “Ҳар кимнинг паймонаси тўлибтур менинг билан ўчашур. Ўчашгач, шаксиз чопармен. Тангри манга бу дурда (майнинг куйқаси) куч ва таваҳхур (ғазабга миниш, масалага тушунмай туриб қизишиб кетиш, ҳовлиқиш) берибтурким, баҳодирлар бир-бирига чиқсалар, мен юзга чиқарман”, – дейди Чоғир. Банг ҳам Чоғир ичган киши доим “бало ва дом остида” бўлишини айтади. Ўз навбатида, Чоғир ҳам Бангнинг одамийлик фазилатларига ёт эканлигини уқтирган.

Мумтоз шеърятда эса, чоғир, асосан, ширин таъмга эга бўлган, қуюқ ва мўътадил қувватли (таъсири кучли ҳам, кучсиз ҳам эмас. – М.А.) ичимлик сифатида кўрсатилган. Шоир Юсуф Амирийнинг мана бу байти ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди:

Чоғир суйидин этинг шира гардун,

Қуюнғ ўртада, қўйманғ тира гардин [8, 249].

Шуниси ҳам борки, XII-XV асрининг I ярми ўзбек шеърятда майнинг бошқа навларига нисбатан чоғир образи кўпинча ўзининг моддий, ичкилик мазмунида қўлланган. Атоийнинг куйидаги байти ҳам бу қарашларимизни қувватлайди:

Мажлисда чоғирдин эл усурса,

Мен жоми жамоли соқий бирла [1, 26].

Шеърый образларнинг бадий-семантик табиати, лирик қаҳрамоннинг ранг-баранг кайфиятини кўрсатувчи май навлари ўқувчини тўлқинлантириб, лирик қаҳрамон руҳий олами, шоир ҳис-туйғулари оқимига олиб кирувчи ўзига хос восита эканлигини роҳ, яъни хуштаъм, ичими қулай шароб образи ҳам тасдиқлайди. У соқийнома характеридаги шеърларда кўпинча ҳаёт гўзалликлари символи сифатида тавсифланади. Шунингдек, роҳ ишқий мавзудаги шеърларда ёр гўзаллигини тасвирлаш воситаси бўлиб ҳам келади. Атоийга кўра, бундай майнинг нашъасидан ошиқлар роҳат топадилар. Шунинг учун ҳам “араб нозиклар” уни “роҳ” дейишган:

Бўлмаса ушшоқ учун майдин агар жон роҳати,

Демас эрдилар араб нозуклари отини роҳ [1, 48].

Маълумки, субҳ тонг демақдир. Маърифий адабиётда эса, субҳ деганда, ғайб оламида Ҳақ жамолининг нурланиб ошиқ дилидан борлиқ, мавжудот зулматини аритиши ҳам тушуниланган. Яъни “субҳ” ваҳдат нури ҳамдир. Тасаввуф истилоҳи сифатида “субҳ – илоҳиёт тажаллисининг зуҳури бўлиб, у ғайб оламидан нозил бўлади; тайюнот (моддий борлиқ, мавжуд ашёлар) зулматларини ошиқнинг дил саҳифасидан сидириб ташлайди” [2, 160]. Демак, тонг – файз манбаи, завқ ва фараҳ тимсолидир. Сабухий бода эса, илоҳий, ирфоний лаззатларни билдиради. Бундай шароб таърифун тавсиф этилган байтларда фақатгина хушчақчақлик, ҳаёт лаззатларидан ҳузурланиш, қолаверса маънавий завқ ва сурур кайфияти ёритилган. Соқийнома йўналишидаги шеърларда “*жоми сабуҳ*”, “*субҳ майи*” поэтик бирикмалари илоҳий ишққа, Ҳаққа, камолотга эришиш воситалари сифатида ҳам талқин қилинган. Маст бўлмоқлик эса, илоҳий завқу шавқ туйиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш, руҳий ҳузур-ҳаловатга етишдир:

*Кел, эй соқий, кетурғил хуш сабуҳи
Ким, ушбу дам эрур жоннинг футуҳи.
Ичолинг бодани гуллар сўлисар,
Танимиз оқибат тупроқ бўлисар [16, 125].*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, май мавзусидаги шеърий парчалар ўзининг бадиий-эстетик хусусиятлари билан ўзбек мумтоз шеъриясида алоҳида мавқе эгаллайди. Бинобарин, мисралар таркибида қўлланган майларнинг турли-туман навлари, ранглари ижодкорнинг мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилади. Ижодкор руҳий ва ҳиссий оламининг ранг-баранг манзараларини тасвирлашда май ранглари, улар қатида яширинган мазмунларнинг ўзига хос ўрни мавжудки, буни юқоридаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Қизиқ жиҳати, улар орқали айтилаётган фикрга муайян ишорани, тасвирланаётган воқеликка нисбатан ижодкорнинг муносабатини ҳам илғаш мумкин. Май ранглари, уларнинг ўқувчи онгу шуури, ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари билан уйғунликда ифодаланиши шеърий парчаларнинг бадиий кучини оширибгина қолмай, уларнинг таъсирчанлиги, завқбахшлиги ва жонлилигини таъминлайди. Ана шунинг учун ҳам поэтик матнда таркибида, хусусан, соқийнома характеридаги шеърларда қўлланган май ранглари, навлари, уларнинг замиридаги маъно ва мазмунларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга моликдир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Атоий.** Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – 319 б.
2. **Бертельс Е.Э.** Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.
3. Гадоий девонининг луғати ва матни. – Т.: Давлат адабиёт музейи, 2007. – 248 б.
4. **Комилов Н.** Тасаввуф. – Тошкент: Мавароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – 445 б.
5. **Кошғарий М.** Девону луғотит турк. 3 томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – 500 б.
6. **Лутфий.** Девон. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2012. – 412 б.
7. **Миронова Л.Н.** Цветоведение. – Минск: Высшая школа, 1984. – 278 с.
8. Муборак мактублар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 300 б.
9. **Осипова К.Т.** Особенности цветообозначения в жанре винной лирики средневековой арабской поэзии // Интернет-ресурс: nurb.wordpress.com/.../osobennosti-cvetooboznacheniya-v... (14.06.2017)
10. **Саид Қосимий.** Ҳақиқатнома // Навоийнинг нигоҳи тушган. – Тошкент, 1986. – 234 б.
11. **Сажжодий Саййид Жаъфар.** Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Техрон, 1332 ҳ. – 814 с.
12. **Турдимов Ш.** Ранго-ранг дунё // Ёшлик, 1987. – № 8.
13. **Тўхлиев Б.** Қутадғу билигда ранг рамзига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 3.
14. **Uludağ S.** Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – 604 s.
15. Шаробнома. – Баку: Илм, 1993. – 34 б.
16. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. II жилд (XIV-XV асрнинг бошлари). – Т.: Фан, 2008. – 320 б.
17. **Ўтанова С.** Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол.фан.ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 24 б.

18. Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол.фан.ном. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.

19. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 768 б.

20. Ҳофиз Хоразмий. Девон. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1981. – 304 б.

УДК 82.95.575.1

САДРИДДИН АЙНИЙ ФАОЛИЯТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ

ПРОБЛЕМА ОТНОШЕНИЯ САДРИДДИНА АЙНИ К ТВОРЧЕСТВУ АЛИШЕРА НАВОИ

THE PROBLEM OF ATTITUDE TO ALISHER NAVAI'S WORKS IN SADRIDDIN AYNI'S
LITERARY ACTIVITY

Ражабова Маърифат Бақоевна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Давронова Шоҳсанам Ғайбуллоевна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Таянч сўзлар: адабий танқид, Садриддин Айнийнинг илмий асарлари, мунаққид, тадқиқот, танқидий асар, матншунослик, Алишер Навоий ижоди, “Хамса”нинг қисқартирилган танқидий матни, адабий алоқа, Навоий ижоди тадқиқи, Навоий ва Жомий муносабатлари талқини.

Ключевые слова: литературная критика, научные труды С. Айни, критика, исследования, критика, творчество А.Навои, укороченный и критический текст «Хамсы» («Пятерицы»), литературное отношение, отношения Навои и Джами.

Key words: literary criticism, scientific works of Sadriddin Ayni, literary critic, research, critical work, text studies, Alisher Navai's works, abridged text of “Hamsa”, literary bonds, the study of Navai's works, the interpretation of the relation between Navai and Jomi.

Мақолада Садриддин Айнийнинг Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш ва “Хамса” асари танқидий матнини тайёрлашдаги хизматлари ҳамда асарга ёзилган сўзбоши мақолада шоир ижодига муносабатнинг илмий аҳамияти ҳақида сўз борган. Шунингдек, устоз Айнийнинг Навоий ва Жомий адабий алоқалари тарихи ва ушбу алоқанинг маданий аҳамияти масаласига муносабатимаммолари ёритилган.

В статье рассмотрена научная деятельность С. Айни по изучению творческого наследия А.Навои, его вклад в подготовку критического текста «Хамсы». Определено отношение С.Айни к истории литературы и взаимоотношениям Навои и Джами, их культурная значимость.

The article is about the contribution of Sadriddin Ayni to the study of Alisher Navai's heritage and to the preparation of a critical text of Navai's “Hamsa”. The attitude of Sadriddin Ayni to the history of the literary relation of Navai and Jami and the cultural importance of this relation have been analyzed in the article.

Кириш. Садриддин Айний ижодий фаолиятида унинг олим сифатидаги фаолияти, илмий мероси ҳам алоҳида ўринга эга. Олим ўткир танқидий асарлари билан ўз даврида йирик мунаққид эканлигини намоён этди. “Дарҳақиқат, С.Айний ижоди кўп қирралидир. У шоир, носир бўлиш билан бирга, адабиёт ва тарихга оид кўпгина илмий асарлар яратган забардаст олим ҳамдир” [4]. Мунаққиднинг тадқиқотларида жаҳон адабиётининг кўплаб намояндалари ижодий мероси таҳлил ва талқин этилган. “Устод Рудакий”, “Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий”, “Камол Хўжандий”, “Навоий ва “Жомий”, “Зайниддин Маҳмуд Восифий”, Мирзо Абдулқодир Бедил”, “Адабий мулоҳазалар” каби мақолаларда ижодкорларнинг биографияси, ижодий ўзига хослиги, асарларининг ғоявий-бадий хусусиятлари, адабий таъсир ва алоқалар масалалари тўғрисида гап боради. Танқидчи ижодини тадқиқ этаётган шоирларнинг асарларини улар мансуб бўлган тарихий давр

хамда адабий жараён контекстида ўрганади. Бунда унинг ўткир билим ва кенг дунёқараш соҳиби бўлганлиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Асосий қисм. Садриддин Айний илмий фаолияти давомида Алишер Навоий ижодий меросига алоҳида диққат ва эътибор билан қараган. Бу борадаги олимнинг фаолияти икки йўналишда юзага чиқди:

1. Матншунослик доирасидаги фаолияти.
2. Танқидчилик фаолияти.

Садриддин Айний илмий-ижодий фаолиятида унинг матншунослик борасидаги хизмати муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. У буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий “Хамса”сининг қисқартирилган танқидий матнини тайёралашдек улкан ишга қўл уради. Мазкур нашрда олим Алишер Навоий “Хамса”си айрим ўринларини насрий шаклда баён этади ва саҳифалар остида шарҳлар ҳамда асарнинг шеърӣ қисмларидан парчалар келтиради. Мазкур нашр 1939 йилда тайёрланган ва 1940 йили лотин алифбосида чоп этилган бўлиб, 1947 йилда эса Солиҳ Муталлибов, Собиржон Иброҳимов ва Порсо Шамсиев каби олимлар томонидан асарнинг насрий қисмлари ва саҳифалар остидаги шарҳлар қисқартирилган ва ихчамлаштирилган ҳолда крилл алифбосида босилиб чиққан[2]. Асар Садриддин Айнийнинг сўзбоши мақоласи билан чоп этилган бўлиб, унда буюк ижодкор маҳоратининг характерли жиҳатлари тўғрисида гап боради. Энг аввало, унда шоирнинг такрорланмас, оригинал ижодкор эканлигини асослашга қаратилган фикрлар ва далиллар келтирилади. “Алишер ўз “Хамса”сини ёзганда, ўзидан илгари “Хамса” ёзганларга – Низомий ва Хусравларга шакл жиҳатдан эргашган бўлса ҳам, аммо сюжет ва мундарижа жиҳатидан улардан ажралади” [3], деб ёзади адабиётшунос ва фикрларини шоирнинг ўз сатрлари билан исботлашга интилади. Қолаверса, Айний буюк истеъдод эгасининг ўзидан олдин яшаб ўтган хамсанавислар фаолиятига ҳолисона баҳо беришга интиланлиги, уларнинг маҳорат қирралари, аъъаналарини ижодий ўзлаштирганлигини таъкидлайди ва жумладан, шундай ёзади: “Шундай қилиб, Навоий ўзидан илгари “Хамса” ёзганларнинг санъаткорлик ҳунаридан ва ижобий хислатларидан фойдаланибгина қолмай, балки уларнинг айрим камчиликларини ўз асарида такрорламасликка тиришди”[3]. Шунингдек, устоз Айний мақолада “Хамса” дostonларининг ҳар бирига бирма-бир тўхталиб, уларнинг маъно-мазмунини ва ғоявий-бадий хусусиятларини таърифлайди. Энг муҳими, Навоийнинг мазкур буюк маънавий меросни яратишдан кўзлаган бадий мақсади, юсак идеаллари бўлганлиги ва айнан ана шундай жиҳатлар ижодкор “Хамса”сининг оригиналлигини таъминловчи асосий негиз эканлигини таъкидлайди: “Алишер Навоий ўзининг сиёсий ҳаётида ва шахсий турмушида адолат учун, халқ учун ва жамият ахлоқини тузатиш учун қандай ҳормасдан, қўрқмасдан курашиб келган бўлса, ўзининг “Хамса” сингари ўлмас асарларида ҳам, ўша мақсад ва ғояларни илгари суради”[3], деб ёзади. Асарга ёзилган биргина ана шу сўзбоши мақоланинг ўзи ҳам Садриддин Айнийнинг нақадар синчков ва теран фикрлайдиган тадқиқотчи, Навоий ижодининг, мумтоз адабиётнинг соҳир билимдони эканлигини исботлаб туради. Мазкур сўзбоши мақоланинг ва танқидий матннинг илмий қиммати шундаки, унинг яратилган даврида адабий танқидчилик, матншунослик, соҳалари эндигина куртак отаётган, мазкур соҳалар илм оламига янги кириб келган даврлар бўлиб, устоз Айний бундай типдаги ва характердаги ишларнинг дастлабки ташкилотчиси ва бошловчиси сифатидаги масъулиятни ўз зиммасига олди. Мақолада Навоийнинг хизматлари, тутган йўли, буюк бешликни яратишдан кўзлаган ғоявий мақсади ҳамда позициясини тўғри ва ҳаққоний белгилаб беради. Унинг ижодига ҳолисона ва илмий далиллар асосида баҳо беради. Қисқартирилган нашрнинг эса ўз даврида халқ оммаси эҳтиёжлари учун нақадар зарур эканлигини ҳис этган олим ушбу машаққатли ишни амалга оширишга киришдан ўзини чекламаганлиги кўринади: “Алишер Навоийнинг “Хамса”сида 50 минг мисрадан ортиқ шеър бор. Кенг ўқувчилар оммаси учун уни бутун ҳолда тезда эгаллаб олиш анча оғир бўлади” [3], дея қайд этади.

Айний яратган қисқартма нашрда “Хамса” мазмуний бутунлигини тўла сақлаб қолади ва халққа тушунарли ва соддароқ шаклдаги ифодага эга бўлади. Мазкур шакл бир қарашда халқ дostonларининг кўринишини эсалатади, яъни насрий ва шеърӣ қисмлардан таркиб топади. Айнан ана шундай шаклий танланиш матншуноснинг халқона услубларга

ўрганган омманинг дунёқараши, кўникилган шаклга яна мурожаат этиш эҳтиёжининг туғилиши ва шунинг орқали уларнинг “Хамса”ни ўқиб-ўрганишлари учун шароит яратиш мумкинлигини англаганлигини кўрсатади. Мазкур иш Садриддин Айнийнинг кенг халқ оммасини саводли, мумтоз адабиётни тушунадиган билимдон ва ундаги доноликлардан баҳраманд бўлиб, маънавий оламини, ҳаётини яхшилаш сари буришга ҳозир бўла оладиган комил инсонларни кўришга бўлган кучли интилишларини, улкан халқпарварлик фазилятларини намоён этади.

Насрий қисмларда матншунос дostonдаги воқелик баёнига шикаст етказмаган ҳолда кўпроқ шоирнинг ғоявий қарашларини ифода этишга интилади. Масалан, асарнинг бир ўрнидан мисол келтирайлик:

“Навоий кўп олимларнинг бундай жоҳилларга муҳтож бўлганликларини айтади, илмни мансаб олишга восита қилиб, золим беклар ва жоҳил амирларнинг эшигида суқланиб юручи нафс гадойи – мансабпараст олимлар тўғрисида шундай дейди:

... Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса, залил,
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил.
Илм ила ким жоҳга майл айлабон,
Баҳр сувин хўйға туфайл айлабон.
Итки, эрур жийфада мақсуд анга,
Бўлса, мурассаъ жули, не суд анга?..
Дунки, топиб илм раёсат учун,
Хилъат этиб ҳулла, нажосат учун” [3].

Кўриняптики, Айний ижодкор ифода этмоқчи бўлган дидактикани, мураккаб ташбеҳларсиз, содда баён услуби билан китобхонга етказиш мақсадини кўзлаган.

Яна айрим ўринларда эса матншуноснинг шоир яратган бетақроқ тасвирий ифодалар ҳамда ушбу ифодалар англатган маъно-моҳиятни етказиш эҳтиёжни ҳам ҳис этганлигини кузатиш мумкин. Масалан: «Қайс ярим кечаларга борганда ҳушига келди, аммо бу ерда гуллар, сабзалар ва бошқа гўзаллар орасида Лайлини кўрмагач, дод деб кийимларини йиртади ва ўзининг юзига уради. Тонг отиб, кун ёришгунча, дод-фарёд қилади.

Кун ёришгач, гуллар, бинафшалар, наргислар ва сарвларни кўриб, уларнинг баъзиларини ўз маъшуқасига ўхшатиб, уларга гапирди.

Навоий буларни тасвирлагач, Қайснинг булбулга гапиргани тўғрисида айтади:...” [3], деб ёзади ва асарнинг ўша жойидан парчани келтиради.

Шунингдек, насрий баёнда асар сюжетидаги воқелар ривожининг мураккаб силсиласи қисқача баён этилган бўлиб, бунда олим асарни соддароқ кўринишда ифодалаш орқали китобхон томонидан осонроқ ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадини кўзлаганлиги сезилади:

«Сўнгра Фарҳод билан Шириннинг тонг отгунча беҳуш ётганликлари ва тонг отгандан кейин Фарҳод ҳушига келиб, тоққақараб қочгани, Ширин бўлса, унинг ғамида азобда қолгани баён этилади. Фарҳод билан Шириннинг муносабатлари тўғрисида шоир айтади»[3] деб ифода этади ёзувчи.

Асардан танлаб келтирилган шеърий қисмлар ҳам баъзан воқеа баёни, баъзан қаҳрамонлар, жой ва ҳолатлар тасвири, яна баъзан эса шоирнинг фалсафий, ижтимоий қарашлари ифодаси акс этган ўринлардан келтирилган парчалардир.

Асарни тушунишни осонлаштирувчи яна бир қулайлик изоҳлар орқали юзага чиққан. Матншунос асарнинг мураккаб тарихий сўзларига оид луғат шаклига эга бўлган изоҳлардан ташқари саҳифалар остида китобхонга ёзувчининг ишоралари мазмунига оид жуда кўплаб шарҳларни бериб ўтади. Масалан, «Бу таманно» бирикмасини «Фарҳод ва Ширинни ёзиштилагги», деб изоҳласа, «Баҳри бепоён» бирикмасига «Фарҳод ва Ширин» дostonини ёзиш фикри» деган тарздаги изоҳни қайд этади. Шунингдек, саҳифа остида берилган шарҳларда ижодкорнинг бадиий маҳоратига, айрим мисра ёки байтларнинг мазмуни, бадиий ишораларнинг замини ва моҳиятига оид тушунтиришлар акс этган, айрим сатрлар ёки байтларнинг насрий баёни келтирилган. Масалан, қуйидаги шарҳ фикримизга

асос бўлади: “Муфтиларнинг фатво (ривоят қоғоз)лари: “Кўринишда, кечалари базм қуруладиган боғ (шабистон)дай зийнатли, улардаги муҳрлар тўлун ойдай ялтирайди. Лекин диққат билан қарасанг, у “боғ“нинг ҳар томони азоб билан тўла, ҳар бир гули ичидан юз тикан чиққан”, дейилган. Кейинги икки мисрада яна шакл ўхшашлигидан фойдаланиб, сўз ўйинини қўллаган: шариатнинг “айн”и “ғабн” дейилган. Ҳақиқатда араб алифбоси билан ёзганда “айн” билан, зарар-зиён маъносида бўлган “ғабн”нинг маъноси бирдир [3]. Ҳаволадаги мазкур шарҳлар Садриддин Айнийни нафақат матншунос, танқидчи, балки йирик назариётчи олим, адабиётшунос сифатидаги салоҳиятини намоён этиб туради.

Кўриняптики, Садриддин Айний қисқартма матнни тайёрлашда асосий матнни асар сюжетини қисқача баён этиш ва баённи асл матндан парчалар билан далиллаб бориш асосида шакллантирган бўлса, сарлавҳалар остидаги изоҳларни шоир ишоралари манбаси, бадиий маҳоратқирраларини намоён этувчи мисралар мазмунининг шарҳи, тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг изоҳи асосида тартибга солади.

Китобнинг сўнгида “Тарихий шахсларга изоҳ” ва “Луғат” илова қилинади. Асар матнида учрайдиган йигирмадан ортиқ тарихий шахслар шунчаки қисқача изоҳланмайди, балки уларнинг биографияси батафсил ёритилади. Мазкур шарҳлар шоир назарда тутган тарихий, ижтимоийвоқеликни теран тушунишга ёрдам беради. “Луғат”да эса сўзларнинг айримлари биргина изоҳ билан, айримлари эса бир неча маънолари билан шарҳланади. Айни пайтда луғат сўзларнинг қайси тилдан кирганлиги тўғрисидаги маълумот акс этганлиги билан ҳам қимматлидир.

Муҳими қисқартма матнда асарнинг умумий мазмуний изчиллиги бузилмаган. Шоирнинг ғоявий мақсади тўла-тўқисифода топган. Шунингдек, матншунос Садриддин Айнийнинг шоирлик ва носирлик истеъдоди асарнинг қисқартма баёнини яратишда ҳам қўл келган. Насрий матнни шакллантирган жумлаларда Айнийнинг ўткир қалам соҳиби сифатидаги истеъдоди намоён бўлган. Асарнинг танқидий матнини тайёрлашда эса унинг кенг назарий билим ва теран тасаввурга эга олимлик салоҳияти ёрдам берган.

Садриддин Айнийнинг Навоий ҳаёти ва меросига қизиқиши “Алишер Навоий”, “Алишер Навоий ва тожик адабиёти”, “Навоий ва Жомий” номли тадқиқотида ҳам кузатилади.

“Алишер Навоий” мақоласи йирик ҳажмли тадқиқот бўлиб, у бир неча қисмлардан ташкил топган. Бунда Айний буюк ижодкорнинг яшаган даври, таржимаи ҳолига оид энг характерли жиҳатлар, адабий-ижодий фаолияти, илмий, адабий ва маданий хизматлари каби қатор масалаларга муносабат билдиради. Жумладан, ижодкорнинг фан ва адабиёт соҳасидаги йўлбошчилиги тўғрисида гапирар экан, “Навоий ташаббуси билан ёзилган илмий ва адабий китоблар” фаслида шоир ташаббуси, турткиси билан яратилган 46 та рақам остида асар ва уларнинг муаллифларини санаб кўрсатадики, мазкур маълумотнинг ўзи ҳам мақоланинг илмий-тарихий қимматини кўрсатиб туради.

“Алишер Навоий ва тожик адабиёти” мақоласида Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиёти равнақига қўшган ҳиссаси ҳамда форс-тожик тилидаги адабий мероси ҳақида сўз юритар экан, жумладан, шундай ёзади: “Навоийнинг форс-тожик адабиёти равнақи йўлида хизматлари ҳар тарафламадир. У бир томондан ўзи форс-тожикча шеърлар – ғазаллар, қасидалар, қитъалар, рубоийлар, фардлар ва муаммолар ёзган бўлса, иккинчи томондан форс-тожик адабиётига оид илмий асарлар ҳам майдонга келтирган. Булардан бошқа у, тожик ёзувчилари, олимлари ва санъаткорлари тараққиёти учун, ўша давр тожик адабий тилида илмий ва бадиий кўп асарларнинг вужудга келишида ҳам моддий ва маънавий катта ёрдамлар қилган” [1].

Садриддин Айнийнинг яна бир диққатга сазовор тадқиқоти “Навоий ва Жомий” номли мақоласи бўлиб, унда тадқиқотчи Алишер Навоийнинг маслақдоши ва устози, адабий ҳамкорлик доирасидаги фаолияти юзасидан фикр юритишни мақсад қилади. “Навоий ва Жомий” мақоласи олимнинг “Мирзо Абдулқодир Бедил”, “Зайниддин Маҳмуд Восифий”, “Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий”, “Устод Рудакий” каби кўплаб тадқиқотларидаги сингари дастлаб тарихий вазият ҳақида сўз очиш билан фикрларини бошлайди. Ўқувчини Навоий яшаб ўтган даврнинг манзарасига олиб киришга ҳаракат қилади. Дастлаб ижодкорнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, шоҳ Хусайн Бойқаро билан муносабатлари, вазирлик лавозимида хизмат кўрсатгани ҳамда унинг ислохотчилик

ишларига доимий халал беришга ҳаракат қилиб келган рақиблари Низом ул-Мулк, Хўжа Мажидиддин кабилар тўғрисида сўз юритади ва шундан сўнг Навоийнинг Жомий билан муносабатларига дахлдор қарашларини баён этишга ўтади. Бунда Айнийнинг илмий услубига хос шундай хусусият намоён бўладики, олим ўзи сўз юритмоқчи бўлган масаланинг моҳиятини чуқур ва ҳар тарафлама батафсил ўрганишга ҳаракат қилади. Мақоласида ҳам ўқувчига ва илм ихлосмандларига яхши тушунарли бўлсин учун уларда тадқиқот объекти бўлган ижодкорлар яшаган давр манзараси тўғрисидаги ёрқин тасаввур уйғотиш вазифасини зиммасига олади. Шунинг учун “Навоий ва Жомий” мақоласида Навоийнинг ислохотчилик ишлари, илм-фан, халқ турмушини яхшилаш йўлидаги ҳомийлигига тўхталиб ўтади. Масалан, “У илм, адабиёт, санъат, умуман, маданият тараққиётига хизмат қилиб, маънавий қимматлар яратганларнинг моддий ҳолати учун қайғуради” (маънавий қиммат яратувчиларга моддий ёрдам берди) [2], дея унинг маърифатпарварлик фаолиятини таъкидлайди. Шоирнинг халққаётини яхшилаш ишлари билан машғул бўлганлиги тўғрисида қайд этар экан, жумладан, шундай ёзади: “Бўлғуси вазир сифатида Алишер Навоий ободончилик ишларини амалга оширди, йўллар ва суғориш каналлари, экин майдонларини кўпайтириш учун эса янги каналлар барпо этди” [2]. Навоийнинг давлат ишлари билан машғуллиги тўғрисидаги маълумотлардан сўнг унинг Жомий билан муносабатлари, устоз-шоигрдлик ва ижодий алоқалари масаласининг талқинига ўтади ва гапни улар муносабатининг ибтидосидан бошлайди: “Навоий Абдурахмон Жомий билан ёшлик чоғларида, ўқувчилик пайтларидан яқинлашган эди. Навоий юқори давлат мансабини эгаллагач, Жомий нафақат илмий ва адабий ишларида унга ёрдамлашди ва йўлбошчилик қилди, балки сиёсий масалаларда ҳам самимий маслаҳатчи бўлди” [2]. Олим «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида баён этилган шоирнинг сиёсий масалаларда ҳам Жомий билан маслаҳатлашишига оид бир воқеани келтириб фикрларини далиллайди.

Мақоланинг кейинги қисмларида тадқиқотчининг нега масала баённи дастлаб тарихий воқелик баёнидан бошлаганлиги аёнлашади. Чунки олим яна Навоий даври воеаларига тўхталишда давом этади. Хўсайн Бойқаронинг шоирлар ва маърифат аҳлларига кўрсатган эътибори ва қизиқишлари, айна пайтда Мажидиддиннинг шоҳга ёқиш мақсадида унга тухфалар қилиб ўз тарафига оғдиришга, уни Навоийга қарши қўйишга ҳаракат қилиши ва ушбу ҳолат шоирнинг ислохотчилик ишларига, руҳиятига салбий таъсир этганлигини таъкидлайди. Айнан шундай пайтларда ҳам Навоийнинг устози Жомийдан руҳий мадад олганлигини ижодкорнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида келтирилган қайдларга таяниб, исботлаб беради. Демакки, шоирининг Жомий билан алоқалари фақат адабий-ижодий алоқалар эмас, устоз-шоигрдлик, дўст-биродарлик, ҳамфикр ва ҳаммаслаклик алоқалари бўлганки, Садриддин Айний булар тўғрисида аниқ далиллар – Навоийнинг ўз иқдорлари асосида ёритиб беради. Олим Навоий ва Жомийнинг адабий алоқаларига масаласига ҳам батафсил тўхталади. У «Хамсатул-мутаҳаййирин»да келтирилган фикрларга таянган ҳолда буюк шоирнинг Жомий билан ёзишмалари тарихи, дурдона асарларининг юзага келишида ўзаро ҳам фикр бўлганлигини таъкидлайди. Жомий ўзининг «Луджатул-асрор» асарини Навоийга тақдим этганлиги ва Навоий ундан таъсирланиб, «Тухфатул-афкор» қасидасини ёзиб, Жомийга юборганлиги ва унинг асар тўғрисидаги фикрини билишга қизиққанлиги билан боғлиқ воқеаларни келтиради ҳамда бунинг орқали Навоий ва Жомий муносабатларининг ижтимоий, тарихий, сиёсий, адабий ҳаётда нечоғли аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Садриддин Айнийнинг тадқиқотчи олимлик фаолиятида Алишер Навоий меросига катта эътибор қаратиб, унинг асарларини чуқур ўрганганлиги, улар моҳиятини халққа етказиш истагида бўлганлиги ҳамда унинг ислохотчилик ишларида фаоллиги, Жомий билан ижодий ҳамкорлиги масалаларига кенг тўхталишни мақсад қилгани кўринади. Садриддин Айнийнинг Навоий ижодини ўрганиш борасидаги хизматлари бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва Навоий ижодини чуқурроқ тушунишга, англашга ёрдам берадиган қимматли илмий манбалардан саналади. Олимнинг Навоий ижодига оид илмий ишларини ўрганиш ва бугунги кун навоийшунослиги тараққиёти учун ёрдам бериши, шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Айний С. Асарлар. 8 томлик. Т.8. – Т.: Фафур Фулом, 1969. – 420 б.
2. Айни С. Собрание сочинений: В 6-ти томах/ Составление, послесл. и примеч. Брагинского И. – М.: Худож. лит., 1975. - Т. 6. – С. 368.
3. Навоий А. Хамса. (қискартириб нашрга тайёрловчи С.Айний). – Т.: Ўздавнашр, 1947. – 432 б.
4. Мирзаев С., Шермухаммедов С. Садриддин Айний /Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 95-115.

УДК 891.7.1.891.5

ҲОЗИРГИ ТОЖИК ШЕЪРИЯТИ ЭРОН ВА АФҒОНИСТОН МУНАҚҚИДЛАРИ
НИГОҲИДАПРОБЛЕМА ИЗУЧЕНИЯ ТАДЖИКСКОЙ ПОЭЗИИ ЛИТЕРАТУРОВЕДАМИ ИРАНА
И АФГАНИСТАНАTHE PROBLEM OF STUDYING TAJIK POETRY BY LITERARY CRITICS OF
IRAN AND AFGHANISTAN

Ҳазраткулиён Дилшодаи Фарҳодзод

*СамДУ филология факультети тожик тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, фил.фан.номз.***Таянч сўзлар:** тожик шеърияти, янги шеър, Эрон ва Афғонистон мунаққид олимлари, адабий алоқалар.**Ключевые слова:** таджикская поэзия, новая поэзия, иранские и афганские ученые-критики, литературные отношения.**Key words:** Tajik poetry, new poetry, Iranian and Afghan scholars and critics, literary relations.*Ушбу мақолада ҳозирги тожик шеъриятининг ривожланиш жараёни, ундаги анъана ва новаторлик, ижодий услуб ва жанр хусусиятларининг Эрон ва Афғонистон мунаққидлари томонидан ўрганилиши масаласи таҳлил этилган.**В данной статье дан анализ изучения проблем процесса развития современной таджикской поэзии, традиций и новаторства, творческого стиля и жанровых свойств в исследованиях иранских и афганских критиков.**The article analyzes the problem of the development of modern Tajik poetry, tradition and innovation, creative styles and genre properties in the studies of Iranian and Afghan critics.***Кириш.** Эрон ва Афғонистон адабиётшунослигида тожик адабиётига қизиқиш асосан Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларининг мустақилликка эришганидан сўнг кўзга ташлана бошланди. Бу ҳозирги тожик адабиёти янги тараққиёт поғонасига кўтарилиб ривожланаётган ва форсий халқлар орасидаги адабий алоқалар мустақамланиб бораётганлигидандир.**Асосий қисм.** Эрон адабиётшунос олими Алиризо Қазва ўзининг “Хуршедҳои гумшуда” (“Йўқолган қуёшлар”) мақоласида шўролар тизими даври адабиётидан мустақилликкача мавжуд бўлган тарихий марҳила шеъриятини таҳлилга тортар экан, ҳозирги тожик ижодкорлари шеърларининг бадиий-эстетик қийматининг пасайиши ва ҳозирги тожик адабий тили ривожланиш ҳолатини қаттиқ танқидга олиб, уни “руҳсиз тил” деб номлайди [2, 7]. Бу эса ўз навбатида кўпгина тожик шоирларининг эътирозига сабаб бўлди. Алиризо Қазванинг танқидий мулоҳазаларига жавобан академик Муҳаммаджон Шақурий шундай ёзади:

“... Афсуски, оғо Алиризо Қазва форс-тожик адабиётида охириги икки-уч асрларда юз берган ҳодисалардан унчалик огоҳ эмас экан. Шу сабабли гоҳида тахминий ва аниқ бўлмаган тарзда сўз юритади. Аммо иқроор бўлиш керакки, кўзи ўткир ва кўп мавридларда реал воқеяликни илғай олади. Шунинг учун баъзан қаттиқ сўзлаганда шояд ҳақли эди”[11]. Бошқа жойда: “Афсуски, Алиризо Қазва бу мақолада таҳлилий эмас, балки ҳиссий тарзда

муҳокама юритган. Шунинг учун сўзлари баъзиларга эриш туюлди. Аммо нияти холислиги яққол кўринади»[8]. XX асрнинг 60-йилларида ҳозирги тожик адабиётида бир қатор ўзгаришлар вужудга келди. Бу давр назмида шоирларнинг хусусан классик адабиётга эътибори кучайиб, шеърнинг мавзу доираси кенгайди. Унда ижтимоий-фалсафий фазода яратилган инсон образи, шўролар даври адабиётидаги инсон образидан фарқли ўлароқ, кенгроқ моҳиятга эга бўлиб, энди унинг ички олами, зиддиятли характери очиб берилишига имкон яратилди. Бу даврдаги тожик шеърятининг ривожланиш омилларидан бири адабий анъаналарга бўлган эҳтиёжнинг юксалиши бўлса, иккинчиси, Эрон ва Афғонистоннинг ҳозирги форсий адабиётини ўрганишга бўлган қизиқиши ва “янги шеър” намояндалари шеърятига издошликнинг ортишидир. Эрон адабиётшунос олими Алиасфар Шеърдўст «Чашмандози шеъри имрўзи тожик» («Ҳозирги тожик шеърятига бир назар») китобида янги тожик шеърятининг шаклланиши ва хусусияти, тожик ва эрон янги шеърятининг замини ҳақида гапириб, уларнинг турлича характерга эга эканлигини бу тарзда баён этади: «Тожик янги шеърятини Эрон «янги шеър»идан фарқ қилувчи шароитда шаклланди... Эрондан фарқли ўлароқ Тожикистонда «янги шеър»нинг вужудга келиши жараёни баҳс-мунозараларсиз ўтган. Чунки рус янги шеърятини (шеъринг жанр сифатида) шўро ҳукумати нуқтаи назаридан маъқул эди ва «янги шеър»га нисбатан ҳар қандай қаршилик – тилга эътибор бермасдан – ҳукумат ва партия нуқтаи назарига қарши чиқиш ҳисобланар эди» [1].

Тожик янги шеърятини атрофидаги баҳс-мунозаралар давоми сифатида адабиётшунос олимлардан Муҳаммаджон Шақурий, Абдунаби Сатторов, Абдуҳолиқ Набавий, Абдурахмон Абдуманнонов, Аскар Ҳаким, Юсуф Акбаров ва бошқалар 60-70 йилларда бу шеърятда шоирона андишалар такомилли, бадиий-эстетик қарашларнинг юксалиши, ижтимоий-фалсафий фикрларнинг чуқурлашувини таъкидлашган. Давр ва муҳит руҳиятини акс эттириш, янги мавзуларни кашф этиш йўлидаги изланишлар адабиётда янги тамойилларни вужудга келтириши, мазмун ва шакл жиҳатидан янгича шеърятнинг шаклланишига замин ҳозирланиши Мўмин Қаноат, Лоиқ Шерали, Бозор Собир, Мастон Шерали, Ҳабибулло Файзулло, Гулрухсор, Гулназар каби шоирлар шеърлари мисолида кўрсатиб берилди. Айтиб ўтиш жоизки, бу шоирлар янги тожик шеърятини такомиллаштириб, унинг нафақат Тожикистон, балки Эрону Афғонистонда ҳам эътиборга сазовор бўлган намуналарини яратдилар.

Бу даврда ижод этган шоирлар шеърятини асосан миллий ўзлиқни англаш, Ватан мадҳи, тарихий хотирани тиклаш, миллий ва аждодий анъаналарни қайтадан жонлантириш каби мавзулар ўз ифодасини топди. Ватан ва халқ олдидаги бурч ва масъулият ҳиссини туйган шоирлардан асосан Лоиқ Шерали, Гулрухсор ва Бозор Собир шеърятини юқорида зикр этилган мавзулар жўшқин ҳиссиёт билан уйғунлашган. Масалан, Гулрухсор шеърятини бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Гулрухсор Сафиева ижодиёти нафақат ватандош олимлар, балки хорижий адабиётшунослар томонидан ҳам юқори баҳоланган. У серқиррра ижодкор бўлиб, Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб роман ёзишга киришган ижодкор аёлдир. Гулрухсорнинг шеърлари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилиниб, ўнлаб шеъринг мажмуалари Тожикистон ва бошқа хорижий матбуотларда нашрдан чиққан. Унинг шеърларида эркакларга хос курашга даъват, ҳайқиреқлар, тушкунлик руҳияти, замона ҳодисаларига нисбатан қаттиқ эътироз ва шунга ўхшаш оҳанглар мавжуд бўлиб, азиат чеккан миллат дарди, сиёсий ҳийлалар, ватаннинг оғир вазияти уни шеър билан курашишга чорлайди ва шоира шу тартибда ошиқона лирика баробарида сиёсий ва ижтимоий шеърга юз тутди. Гулрухсорнинг охириги йиллардаги мажмуаларида бадиий услубга мойиллиги кузатилади ва унинг бу йўлда муваффақиятларга эришганини эронлик мунаққидлар ҳам таъкидлашган.

Шоира шеърларини тадқиқ этаркан, Алиасфар Шеърдўст унинг шеърларида феминистик тамойилнинг кучлилигига ишорат этади. Дарҳақиқат, шоира шеърларида аёлнинг ўзига хос дунёси, маҳрамона орзу-умидлари жасорат ва шижоат билан ошкор этилади. Шеърдўстнинг Гулрухсор шеърятини оид ушбу сўзлари диққатга сазовордир: “Ҳеч шубҳасиз, унинг шеърлари Тожикистон шеърятининг энг жонли, энг гўзал ва санъаткорона жиҳатларини намойиш этади. Сўзларнинг кенг кўлами, шеърнинг ички ранг-баранглиги, чиройли услуби ва тузилиши, унинг бой маданий меросдан баҳрамандлиги ва бошқалар

шоиранинг нафақат Эронда, балки жаҳон адабий доираларида тожикистонлик ижодкор сифатида танилишига сабабдир” [4,5].

Охирги йигирма йилда тожик шеърлятида сиёсий-ижтимоий мавзу муҳим ўрин эгаллай бошлади. Ҳозирги тожик шеърлятини сифатан ўзгаришига ҳисса қўшган забардаст лирик шоирлардан бири Лоиқ Шералидир. Лоиқ ошиқона шеърлар учун мувофиқ бўлган ғазал қолипига ижтимоий мавзуларни моҳирона тарзда сиғдира олди. Алиасфар Шеърдўст сўзи билан айтганда: “Лоиқ ғазаллари гоҳида ҳозирги Эрон шоирлари шеърлятидан ҳам ўтиб кетади. Ҳозирги ҳеч бир тожик шоири ғазал айтишда Лоиқ билан тенглаша олмайди. Лоиқнинг аҳамияти унинг ғазал шаклига бўлган эътиборида эмас, балки унинг асл моҳияти ғазалнинг тағаззулий хусусиятини қайтадан тиклаш, ғазалга янгича тил ва янги фазо бағишлашидир”[1].

Эрон адабиётшунослари диққатини ўз ижодиётига жалб этган тожик шоирларидан бири Доро Нажот ҳисобланади. Доро Нажот ҳозирги тожик назмида оқ шеърни маромига етказа олган шоир ва бу турдаги шеърларнинг моҳир ижодкорларидан саналади. Доро модернист шоир сифатида ҳозирги жаҳон адабиётида анъанага кирган символизм, сюрреализм каби услублардан ҳам фойдаланади. Унинг шеърларида тожикона андиша фазоси кенгайиб, ирфоний ва фалсафий оҳанглар кучайган. Алиризо Қазва бу шоир ҳақида гапирар экан, унинг ҳақиқий изланувчан, янгиликка талпинадиган, янгича кўра олишга интиладиган ижодкор деб атайди: “... аммо мен Доро(шахсияти-Ҳ.Д.)да “ҳозир”да яшовчи, “замон зотидан сўзловчи” бир шоирни кўраман ва у ҳар лаҳза кўзларини ювиб, Сўҳроб айтганидек, (борлиқни-Ҳ.Д.) бошқача тарзда кўришни истайди” [9].

XX асрнинг 80-йилларида ҳозирги тожик адабиётида мавзу кўлами янада кенгайди, поэтик тафаккур юксалишга юз тутди. Академик М.Шакурий сўзлари билан айтганда: “Лоиқ, Гулрухсор, Гулназар, Аскар Ҳаким, Фарзона ва бошқалар ҳаракатлари тожик шеърлятини саксонинчи ва тўқсонинчи йилларда шеър аслиятининг юқориқ савияларига кўтарди. Баъзи ёш шоирларнинг таъбу завқи шу даражадаки, тожик шеърини бошқа мамлакат форсий шеърлятининг даражасига етказиш ва жаҳон миқёсига кўтаришга умид бор”[8].

Бу давра шеърлятида, бир тарафдан, миллий оҳанглар шиддат олган бўлса-да, иккинчи томондан, жаҳон адабиётини ўрганиш ва ундаги расм бўлган анъаналар ва янги тамойилларга издошлик ҳисси ортди. Фарзона Хужандий шеърляти бу фикримизнинг ёрқин мисолидир. Шоира қайси мавзуда ижод қилмасин, теран моҳият ва бетакрор бадиият уйғунлигига эриша олган. Бу ижодкор шеърляти, дарҳақиқат, замон шеърлятидир, чунки унда янги мавзу баробарида анъанавий мавзулар ҳам янгича замонавий руҳда, ҳозирги замонга хос терминлардан (қизил китоб, йўлланма, мошин, компьютер, адрес, код, музей, моҳвора (парабалка...) фойдаланган ҳолда ифода этилади.

Афғонистонлик шоир Дастгири Ноил Фарзона Хужандийнинг Фуруғ Фаррухзоддан таъсирланиши масаласини тадқиқ этиб, Фарзонанинг адабий шахсиятида Фуруғга нисбатан ижтимоий масъулиятнинг юксаклигини таъкидлайди [5].

Афғон мунаққидларидан Холида Фуруғ ҳам ўзининг илмий тадқиқотида Афғонистон ғазалларидаги новаторлик масаласига мурожаат этиб, бугунги афғон ва тожик шоирлари ғазалларидаги умумий ва фарқли жиҳатларни кўрсатиб, Гулрухсор Сафиева, Фарзона Хужандий, Меҳринисо, Нуқра Суннатниё каби тожик шоира-ларининг ғазаллари мазкур даврада жиддий юксалишга юз тутганини айтиб ўтади [10].

Ҳозирги Эрон ва Афғонистон мунаққидларининг тожик шеърлятига бўлган эътирози асосан аруз вазни ва қофияни қўллашдаги содир бўлаётган хатоликлар масаласидир. Алиасфар Шеърдўст юқорида зикр этилган китобида ҳозирги тожик шоирлари асарларини таҳлил этар экан, улар асосан ҳазаж, рамал ва ражаз баҳрларига рағбат кўрсатганларини уқтиради.

Эронлик бошқа бир тадқиқотчи Ҳасанали Муҳаммадий афғон ва тожик ижодкорлари шеърларида қофиянинг ривожланиши жараёнига баҳо бериб, уларнинг анъанавий қофия меъёрларини бузиши, шунингдек, турли жанрлар (дубайтий, маснавий, фард) қофиялари асосида вужудга келган шеърлий шаклларнинг янги шеър деб аталиши ҳақида фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, тожик адабиётида «... Бозор Собир, Гулрухсор, Фарзона ва Лоиқ каби шоирлар бу шевада муваффақият қозонишган»[11].

Аммо Шеърдўстнинг фикрича: «Тожик шоирлари айрим ўринларда қофиянинг имкониятларини Эрон шоирларидан кўпроқ кашф этганлар ва табиий қофиясоз вазиятлардан яхши фойдаланганлар»[1].

Эронлик адабиётшунос олим Ҳабиб Сафарзоданинг “Форси сароёни Ўзбекистон” (“Ўзбекистон форсигуи ижодкорлари”) китоби юртимизда ижод этаётган тожик шоирлари шеърларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда муҳаққиқ Ўзбекистонда форсий шеърятининг ривожини, адабиёт намояндалари ва уларнинг асарлари намуналарини услуб ва тасвир масаласида тадқиқ этади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эрон ва афғон олимлари тожик ижодкорлари асарлари масаласида, энг аввало, янги тожик шеърининг ривожланиш омиллари, бугунги ҳолати ва истиқболи ҳақида мулоҳаза юритадилар. Шунингдек, улар назарида аруз вазни ва қофияни қўллаш масаласида тожик ижодкорлари шеърятда ҳанузгача баъзи нуқсонлар кўзга ташланади. Бундан ташқари, тожик шеърятда бугунги форсий адабиётдан фарқли ўлароқ ўзига хослик мавжуд бўлиб, тожик шоирларининг шеър бобида эътироф этиладиган муваффақиятлари ҳам йўқ эмас.

Юртимизда миллий бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва тотувликка кенг йўл очилган айна замонда адабий алоқаларнинг ривожланишига имкон яратилиши буюк инсонларни тарбиялаган бу заминда азалий эзгу анъаналарни давом эттириш демакдир. Ўзбекистон адабий муҳити таркибидаги тожик адабиётининг умумфорсий адабиётлар билан алоқаларини ривожлантириш шуниси билан аҳамиятлики, бу дўстона муносабатлар мазкур жуғрофик минтақаларда илму адабиёт ва маънавиятнинг юксалишига хизмат қилажак.

АДАБИЁТЛАР

1. **Алиасгар Шеърдўст.** Чашм андози шеъри имрўзи тожик. – Душанбе: Адиб, 1997. – 378 с.
2. **Алиризои Қазва.** Хуршедҳои гумшуда (Осорисад шоири тожиқад сад соли охир) //Адабиёт ва санъат. - №9. 12.03; - №12. 25.03; - № 13. 1.04.1999
3. 1383, *باغ بسیاردرخت*. (گزنه شعر فارسی ایران و افغانستان و تاجیکستان و زیبکستان), تهران, 1383
4. 1995, *گلچینی از اشعار گلرخسار (با مقدمه علی اصغر شیعدوست)*. تهران, 1995
5. **Дастгири Ноил.** Фуруғ, Фарзона ва шеъри имрўз //«Хучанд», №12, 1997. – С. 22-27. 1384, *ابراهیم خودایار. از سمرقند چو قند*. (گزنه شعر فارسی - تاجیکی زیبکستان), تهران, 1384
7. **Меҳри Шоҳхусайний.** Занони порсигуи ҳафт шаҳри ишқ. Техрон: 1383. – 724 с.
8. **Муҳаммадҷон Шақурий Бухороий.** Нигоҳе ба адабиёти тожиқии садаи бист. – Д.: Пайванд, 2006. – 456 с.
9. **Нурзод Н.** Меъроже то хуршедиивисол. – Душанбе: Деваштич, 2009. – 100 с.
10. **Холида Фуруғ.** Навоварӣ дар ғазалҳои муосири Афғонистон дар солҳои 80 ва 90-и асри ХХ. Филол. фан. номз. дисс.автореф. – Душанбе: 2015. – 22 б. *حسنلی محمدی. قافیه در شعر معاصر فارسی (در مثال نمونه های شعری فارسی، تاجکی و افغانی) // «رشد.آموزش» رشد. زبان و ادبیات فارسی»*, زمستان 1383, 72, سه 60.

УДК: 894. 375

“ЙЎЛ”НИНГ ПОЭТИК МОҲИЯТИ ЁХУД АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР ПАРАЛЛЕЛИЗМИ

ПОЭТИЧЕСКАЯ СУТЬ “ПУТИ” ИЛИ ПАРАЛЛЕЛИЗМ ЛИТЕРАТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ

THE POETIC ESSENCE OF “THE ROAD” OR THE PARALLELISM OF LITERARY AESTHETIC VIEWS

Бурхонова Феруза Абдураззоқовна

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти (PhD)

Таянч сўзлар: ижод психологияси, бадиий маҳорат, бадиий концепция, ижодий лаборатория, рамзийлик, фалсафийлик, ёзувчи позицияси, поэтика, таҳлил ва талқин.

Ключевые слова: психология творчества, художественное мастерство, художественная концепция, творческая лаборатория, символичность, философское, позиция писателя, поэтика, анализ и интерпретация.

Key words: the psychology of creative activity, literary skill, literary concept, creative laboratory, symbolism, philosophical, the position of a writer, poetics, analysis, interpretation.

Мақолада истеъдодли ўзбек адиби Улуғбек Ҳамдамнинг адабий-эстетик қарашлари ўз ижодида параллел равишда таҳлилга тортилади. Жумладан, ёзувчининг “Йўл” романи таҳлили асносида адиб эстетик қарашларининг ўз ижодида мувофиқлиги тадқиқ этилади.

В статье параллельно анализируются литературно-эстетические взгляды и творчество талантливого узбекского прозаика Улугбека Хамдама. В том числе на основе романа “Путь” доказывається соответствие литературно-эстетического видения автора его творчеству.

The article analyzes literary and aesthetic views of Ulugbek Hamdam, a talented Uzbek novelist. On the basis of the analysis of the novel “The Road” the author has studied the accordance of the writer’s literary and aesthetic views with his creative activity.

Кириш. Композиция нафақат ижодкор бадиий нияти, концепциясини ифодаловчи, айни пайтда адиб адабий-эстетик қарашлари, ижодий позициясини ҳам асар моҳиятига сингдириш асосида ғоявий-эстетик таъсирчанликни таъминлашда муҳим поэтик воситалардан саналади. Ушбу истилоҳ лотин тилида – “тузиш, бириктириш” маъноларини англатиб, асардаги бадиий унсурларни уюштирувчи яхлит система, шунингдек, ижодий ниятни ўқувчига санъат даражасида етказа оладиган бадиий шакл гултожиси ҳамдир [1].

Асосий қисм. Истеъдодли ижодкор Улуғбек Ҳамдамнинг “Йўл” номли романида композиция адиб адабий-эстетик позициясини асарнинг барча компонентларини уюштириш орқали унинг шаклий ва мазмуний бутунлигини таъминлашга, ўқувчига бадиий матн қатидаги серқатламликни англатишга, ғоявий-эстетик таъсир кучини ортишига хизмат қилган. Бу яхлитлик, серқатламлик, аввало, матн қурилишининг дастлабки элементи бўлган кичик-кичик сарлавҳаларда ўз ифодасини топади. Роман шаклан кичик, мазмунан катта (залворли) маъно англатувчи сарлавҳалар остидаги ҳикоя ва суҳбатларни муносиб танланган бадиий сатҳда композицион бириктирган. Асарда келтирилган “Тушдан олдинги воқеа”, “Илк туш”, “Заминдан самога парвоз”, “Нуқта”, “Ковуш”, “Кириш”, “Титроқ”, “Бозор”, “Боболар тарихи”, “Қуёшим, чиқармисан”, “Ватан ҳақида кўшиқ”, “Мутакаббир кимса”, “Дўст ва душман”, “Яхшилик ва ёмонлик”, “Йўлдошлар ва мақсадлар”, “Шоир”, “Томчи садолар” (Икки дўст суҳбати), “Менинг растам”, “Ғофиллар”, “Томчиман бир ... уммонга ташна”, “Бобо ва набира”, “Баланддаги йўл” каби сарлавҳали ҳикоялар романда бир-бирини мазмунан тўлдириб, қолиплаб, ижодий ниятни англаш ва муҳим хулосалар чиқаришга, мулоҳаза юритишга ундайди. Асар чин мусулмон, зиёли кишининг олам ва одам, илоҳият, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги диний, дунёвий, фалсафий қарашларини поэтик ифода этади. Ёзувчи ўзининг “излаганинг ўзингдадир” асосий эстетик принципига (Румийдан маънавий озукланиш асносида пайдо бўлган. Маълумки, У.Ҳамдам Ж.Румийнинг “Фиҳи мо фиҳи” яъни “Ичингдаги ичингдадир” асарини турк тилидан ўзбек тилига таржима қилган) амал қилиб, инсон қалби илоҳият нури зуҳр этувчи ошён эканлигига ишора қилади. Асар эпиграфида “Мен бир ожиз томчиман, аммо юрагимда уммон соғинчи яшайди” [2], дея Румий фикридан келтирилган кўчирманинг ўзиёқ асар моҳиятини очишда қалит вазифасини ўтайди. Яъни инсон яратилганда унга илоҳиётга дахлдор руҳ инъом этилди. Руҳ эса доимо ўзининг асл ўзанига, илоҳиётга, Оллоҳга интилиб келади. Бу интилиш руҳи эса қалбни поклашга ундайди.

“Тушдан олдинги воқеа” номли дастлабки ҳикоя қаҳрамон шуурида шивирлаб аксадо берган овозда ўз ифодасини топган илоҳий маънонинг ўзига хос дебчаси сифатида келади. Ғойибдан келган овоз сирли, узун йўлга қиёсланади. Ўзига чорловчи бу илоҳий мужда қаҳрамон ботинини чақмоқдек ёритиб, қалбда кечаётган кечмишларнинг нурдек оқишига имконият яратади. Демак, асар моҳиятида **асл ҳақиқатга элтувчи йўл ва ундан**

оғишмай илдам бориш ғояси ётади. Бу йўл ровий қалбини нур янглиқ ёритиб, бу ёруғликни асар мазмунига сингдирган адиб инсониятни эзгу йўлга йўллайди. Ижодкор ўзининг илоҳий вазифасини адо этишига ишора ҳам бор. Бу йўлда турли-туман тўсиқлар, машаққатлар, ҳолатлар, руҳий изтиробларни бошдан кечириш қатор ҳикоялар ва суҳбатлар қатидаги метафоралар асосида ёритилади. Романда ҳикоялаш, тавсиф ва қисман диалог бадиий нутқ шаклларида унумли фойдаланиб, ривоя субъекти сифатида асар қаҳрамони ровий, муаллиф “мен” қиёфасида намоён бўлади. Шунингдек, ровий ва персонажлар (бола, шоир, устоз, дўст, бобо қабилар) нуқтаи назарлари асар концепциясини очишда мақсадли алмашилиб келади. Лекин, алаалоқибат, асарда ёзувчи “мен”и, дунёқараши, кечинмалари сўзлар қатига беркитилган маъноларда бўй кўрсатади. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи ҳам биринчи тушнинг хотимасида шундай дейди: “Яхшиси, отабоболаримизнинг изидан юриб, ўзимни беминнат дастёрлар– сўзларга топширайки, бундан буён менинг менлигим ана шу сирли сандиқчаларга омонат бўлсин!..”[2] Ёзувчининг маҳорати сюжет қурилишида турли хронотоп (замон ва макон) да кечаётган воқеаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда, маконий ва замоний ўзгаришларни асослашда, сабаб ва натижа муносабати асосидаги алоқадорликни кўрсата билишида, илоҳий ва ҳаётий ҳақиқатни бадиий деталь ва образлар воситасида етказа олишида намоён бўлади.

Қаҳрамон кўрган рамзий тушлари оламнинг пайдо бўлиши, инсониятнинг галдаги вазифаси, ҳаёт йўлига қадам қўйиши, ҳайвонот, нобобат оламининг яралиши ва уларга исм қўйилиши қабилар ҳақида. Муаллиф тушида кўрган ҳайвонлар орасида оппоқ отларни, “тўлқиннинг оғзидаги кўпикка ўхшаган ойдин отларни” ёдида сақлаб, уммондан ажралиб қуруқликка чиқиб кетаётган отларга минишни истайди. Бунда ҳам мажозий мазмун яширинган. Отга чавандозни, йўловчини манзилга элтувчи восита семаси асносида ёндашсак, оқ, ойдин отлар мисолида ижодкорнинг нияти пок эканлигига ишора мавжуд. Қаҳрамон пок ниятлар асносида ҳаёт йўлини босиб ўтишни орзу қилади, истайди. Шу ўринда туш мотивига кенг урғу қаратиш ҳақида қисқа изоҳ бериб ўтсак. Маълумки, тушда инсон ғайришурурий тарзда оламни, ундаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини ҳис этишда ҳаётий мантиқ, замон ва макон чегараларини бузиб ўтиши мумкин. Ижодий жараён ва тушнинг бир-бирига боғлиқлиги уларнинг алоҳида руҳий ҳолати билан боғлиқлигида кўринади. Уйқу вақтида мияда қабул қилинган информацияларни қайта ишлаш (сақлаш, онг остига ўтказиш, ўчириш) жараёнигина содир бўлмай, балки ғайриодатий илғаш, олдиндан кўра олиш, сезиш хусусиятлари ҳам намоён бўлиши мумкин. “Одамларнинг бош мия электрик фаолиятини ўрганган олимлар, миядаги алфа-тўлқиннинг нозик тебранишларини аниқлашади. Уларни ўлчаб, миянинг алфа-ритмини кашф қилиниши, алфа-тўлқинлар фақат инсонга хос экани аниқланади. Тез орада одамнинг боши атрофидаги, алфа-ритм частотаси билан мос келадиган, магнит майдонининг кучсиз тебранишларини ҳам кўрсатиб беришади. Шу тўлқинларнинг ва электромагнит тебранишларнинг хусусиятлари ернинг хусусиятларига, “Ер-ионосфера” тартиблари деб номланадиган табиат резонансига ақлга сиғмайдиган даражада яқин. Мия, сайёра, коинот билан кўринмас ва фаҳмлаб бўлмайдиган боғланишни таъминлаб берувчи алоқачидир” [3,1].

Тарихдан маълумки, шоир ва олимларнинг тушлари яратилажак асарлари ва кашфиётларига асос бўлгани ҳақидаги маълумотлар бор. “Шоир, ёзувчи, олимлар тушида шеър ёки ҳикоя ёзишган, янги илмий назарияни илгари суришган ҳоллар учраб туради. Агар ёстиғи олдида қоғоз ва қалам қолдирган бўлишса, яхши. Кимёгар Август Кекуле тушида бензолнинг формуласини кўради, Скрипкачи ва композитор Тартини ўзининг энг яхши асари “Дьявольские трели” асарининг хотимасини тушида басталайди, Лафонтен эса тушида “Икки кабутар” масалини ижод этган. А.Пушкин тушида “Лицинию” шеърининг ёзилган икки мисрасини кўриб, сўнг асарни яратади. Бетховен ҳам тушида пьеса яратган. Сэмюэль Колриж «Кубла Хан» шеърини, Роберт Льюис Стивенсон ўзининг доктор Жекил ва жаноб Хайд ҳақидаги асарини, Мэри Шелли Франкенштейн ҳақидаги асарини, шунингдек ҳаммамиз биладиган унсурлар даврий тизими, яъни Менделеев жадвалини тушида кўриб, сўнгра ўнгида яратишган [3,2]. Улуғбек Ҳамдам билан бўлган шахсий

сухбатимизда, муаллиф айрим асарларини туш орқали олдиндан ғайришурурий тарзда интуитив кўра олишини таъкидлаган эди.

“Заминдан самога парвоз” қисмида адибнинг инсоний дард, ташвишлари, режа, мақсадлари курраи заминдан узоқлашган сари ер билан бирга пастда қолиб, нуқта кўринишини касб этиши тасвирланса, композицион яхлитлик сақланган ҳолда ушбу мазмуннинг мантиқий давоми “Нуқта” қисмида ўз моҳиятини диний-фалсафий нуқтаи назарлар асосида очиб беради. Аслида, нуқта рамзий-илоҳий мазмунга эга бўлиб, қуйидаги маъноларни ҳам ифодалаб келади. “Нуқта бир сонининг рамзлари билан боғлиқ; у бирлик (Пифагор атамаларида монада), бошланиш ва марказни мужассамлаштиради. Нуқта – барча нарсаларнинг сарчашмаси сифатида уруғ ҳамдир. Дантеда номоддий, бўлинмайдиган ва ўлчанмайдиган нуқта Худо рамзи сифатида намоён бўлади” [4].

Ёзувчининг адабий-эстетик концепциясига уйғун ҳолда “Йўл” романида йўл, ковуш, раста сингари поэтик деталлар мавжудки, улар асар моҳиятини очишга, муаллиф ижодий нияти ва ғоясини англашга ҳам ёрдам беради. Табиий савол туғилади. Хўш, ижодкор ковуш бадиий деталга қандай мазмун юклаган? У ниманинг рамзи? Ўз моҳиятига кўра ковуш оёқ кийими. Ҳаракатланаётган киши, йўловчи учун у керакли буюм. Демак, ковуш манзилга элтишдаги муҳим восита. Инсон саломатлигини асровчи восита, буюм. Айни пайтда одамларнинг орзу-умидлари йўлидаги саъй-ҳаракатларини амалга оширишда кўмаклашувчи воситанинг рамзий ифодаси ҳамдир. Буни асардаги айни мавзуга бағишланган ишоралардан ҳам англаб олиш мумкин. Заминий мақсадлари, қарашлари, самога кўтарилган сари ўзгариб, янги йўлга отланган йўловчи қуйидаги хулосага келади: “Эски ковушни-ку ечишга ечибман, лекин янгисини тополмай ҳалак эдим. Фақат шундагина бу ердаги ҳаётим бошланар эди, йўқса, йўқ...” [6]. Манзилга элтувчи восита, мақсад ўзгаргач, “ковуш” (мисолидаги қараш, эътиқод)ни топа олмай саргардон кезиш асносидаги машаққат, англаш, суҳбат, кечинма ва ҳиссиётлар асарнинг асосини ташкил этади. Демак, асарда (ҳақиқатни, тўғри йўлни, Оллоҳни) **Излаш, Англаш ва Ҳис(руҳ бирлигини)** этиш марказий ўринда туради. Ковуш эса бу йўлдаги шакл, билиш, кўриш ва англаш воситаси. Шунингдек, ковуш эса - инсон жисмига ишора. Асарда қаҳрамон ковушни кийгач унинг жисми мавҳумликдан, аниқлик касб эта бошлаб, жисм бўй-басти билан намоён бўлади. Руҳ ва жисмнинг бирикиши асарда **йўл** орқали инсониятни Ҳақиқатга элтувчи азалий, абадий, қадимий ҳаёт кўшиғидир.

Асарда ифодаланган раста форсча сўз бўлиб, луғавий маъносига кўра “қатор, қаторга қўйилган, қаторда турган” маъноларини англатади. Асосан бозорларда бир турдаги мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор, кўча, йўлаклар раста ҳисобланади [5]. Асарда бозор расталари - бу фоний дунёда инсоннинг қилмишлари, фаолияти намоён бўлувчи ижтимоий мансубликни, яъни қайси табақага мансубликни, касб-корни, қисматни англатади. Бунда ҳам ёзувчининг “мен”лигини, қисматини кўриш мумкин. Асарда бунга қуйидаги ишоралар берилган. “Шунда ўз қисматимга қизиқиб, йўлагимга қарадим: оппоқ соч-соқоли нақ кўксига тушадиган бароқ қошли муйсафид кўлида қоғозу қалам билан менга қараб турарди. Шунда билдимки, мен тушган йўлнинг йўловчилари унчалик сероб эмаскан” [6]. Қоғоз ва қалам - ижодкорлик, донишмандлик қисматини англатса, муйсафид бу йўлдаги аждодлар, устозлар тимсолидир. Муйсафиднинг кўлидан қаламни олган қаҳрамон ботинида бир титроқ туяди ва у зум ўтмай бутун вужудига тарқайди. Қаҳрамонни ўз мусиқийлиги ва мазмуни билан мафтун этган титроқ, аслида, истеъдодни, интуицияни, илоҳий инъомнинг, ички дард ва беҳаловатлик намоён этиш рамзи. Асар қаҳрамони ижодкорлик қисмати ва истеъдоди ҳамда бошқаларга қараганда тепароқда жойлашган растаси (бунда ёзувчиликка хос хусусият ҳаётни, инсонларни кузатиш, мушоҳада юритиш, бадиий воқелик ярата олиш назарда тутиляпти) воситасида “қоғозга дарж” этиши, инсонларни хулоса чиқаришга ундаши мумкин. Роман қаҳрамони ўз ҳаёт йўлини ўз тақдири битигига битадиган ёзувчилик қисмати асосида босиб ўтади. Демак, асар қаҳрамони- ёзувчи, ижодкор шахс. Шу жиҳатдан асар адиб ҳасби ҳолини ҳам ўзига сингдирган. Роман “Ёлғизлик” қиссасининг мантиқий давомидек таассурот уйғотади. Ҳар икки асарда ҳам қаҳрамон - ижодкор шахс, унинг олам, одам, яшашнинг маънисини (ва ҳоказо) ҳақидаги фикр-мушоҳадалари бадиий тадқиқ этилади. Балки, икки асарнинг бир китобга жойланганида ҳам шу ҳикмат мужассамдир.

Аслида ёзувчининг ўзи қайд этганидек, “менинг барча асарларим “Ёлғизлик”нинг фарзандлари”дир.

Муаллиф ўзининг адабий-эстетик қарашларида шундай фикрни илгари суради: “Адабиёт шундай борлиқки, унга қараган киши (миллат) гуё кўзгуга боқиб, ўз ҳолини кўради” [6,3]. Ушбу фикр ижодкорнинг кенг маънодаги ҳаётий ҳақиқатга, миллатнинг зоҳиран ва ботиний ҳолда намоён бўладиган ўзлигини поэтик кашф этиш тамойилига амал қилишини тасдиқлайди. Шунга кўра, Улуғбек Ҳамдам адабий-эстетик принципининг асосини ҳаётий ҳақиқатлар ташкил этади. Бу мезон унинг барча бадиий асарлари моҳиятида мужассам. Таҳлилимиздаги романда ҳам ҳаётий ҳақиқат тамойили ватанпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб яхлит мазмун касб этади. Асарда ватанпарварлик руҳи ҳам ўзига хос ташбеҳлар, ўтмиш, аждодлар ҳикоялари асосида бўй кўрсатиш баробарида, ўз эътиқоди, сўзига собит, мард, жасур, ватанпарвар темирчининг ҳаётий (тирик, жонли) образининг шижоати, уйғоқ руҳи бевосита китобхоннинг қалбига, руҳига таъсир этади. Бу эса асарнинг юқувчанлигини таъминлаган муҳим омиллардан биридир. Ҳикоя ҳақиқий ватанпарварлик, она юртга садоқат, аждодларга эҳтиром руҳида ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Асарга Бобо ва набира образлари киритилган бўлиб, Бобо - ўтмиш аждодлар, набира - келажак авлод тимсоли. (Ушбу ҳикоя ва у билан боғлиқ эпизодларда муаллифнинг ҳасби ҳоли билан боғлиқ маълумотларга дуч келдик. Жумладан, бобо набираси билан “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гул қўйиб хотира китобидан К.Ҳамдамов 1918-1943 абадиятга муҳрланган ёзувларни ўқиб, аждодларни хотирлаш жараёнидан К.Ҳамдамовнинг муаллифнинг бобоси эканини аниқлаб олиш мумкин.) Бобонинг набирасига сўзлаб берган ҳикояси орқали Она-ватанга бўлган чексиз муҳаббатни, анъана ва қадриятларни бардавом эттиришдаги шарафли йўлни кўрсатади. Ҳикояда ёвуз душман қамалидан зулм кўриб танг аҳволда қолган турон халқи адолатли ва оқил ҳукмдор, ватан учун ўз жонини қурбон қилган Турон исмли темирчи йигит жасоратидан руҳланган кўрқув ва мудроқ босган халқ юрагидаги шер наъра тортиб, ўзларидан ўн ҳисса кўп душманни енгиб, юрт озодлигига эришади.

Зеро, адиб таърифи билан айтганда “Юраги уйғоқ инсонни ҳам, бундай элни ҳам асло енгиб бўлмайди” [6]. Мазкур асарда ижодкорнинг адабий-эстетик қарашлари билан бадиий асари параллелизмга хос мутаносиблик сезилади.

Асарда келтирилган “Яхшилик ва ёмонлик” номли бадиасида ота ҳикояси орқали инсоннинг ўзлигини намоён қилувчи азалий ва адабий кураш – эзгулик ва ёвузликнинг моҳиятини теран ангай олиш, икки қутб орасида ўзлигини, инсонийлигини намоён эта олиб инсонлик мартабасига лойиқ бўлиш, олам таркиб топган тўрт унсур: олов, сув, тупроқ ва ҳавога монанд хусусиятлар, аслида, инсон ботинида ҳам мужассам экани рамзий ифодаланган. Ҳикояда инсонлик мартабаси ёхуд ҳайвонлик хусусияти шу тўрт унсурни меъёрда сақлай олмаслик билан боғлиқлигига урғу қаратилади.

“Йўл” романида дунёни икки хил англаш йўли ҳақида фикр юритилади. Асарнинг интихосида ҳам бунга қуйидагича ишора мавжуд: “Дўстлар жим бўлиб қолишди. Бир маҳал ўрниларидан туришди-да йўлга тушишди. Шунда, узоқдан уларнинг соялари битта эканлиги кўзга ташланарди” [6]. Демак, инсоннинг ўз-ўзи билан бўлган суҳбати, мулоҳазалари олам, одам, Оллоҳ ҳақидаги мушоҳадалари бевосита “Ёлғизлик” қиссасидаги қаҳрамоннинг ўй-кечинмаларини ёдга солади.

Улуғбек Ҳамдамнинг хоҳ насрий, хоҳ назмий асарларини кузатманг, барчасида инсон руҳий оламининг турфа хил кечинмалари тасвир этилганига гувоҳ бўламиз. Инсон ботиний олами, яъни **қалбга қараб эврилиши** адиб (эстетик қарашларини келтириш) ижодининг хос жиҳатларидан биридир. Ижодкор асарларида кўнгил турли хил поэтик образ, тимсол, метафорик тасвир-у шаклларда тасвирланса-да, ижодкор концепцияси ўзгармайди – ўзлигини англаш, кўнгил манзараларини чизиш бош мавзулигича қолаверади.

Муаллиф ўзининг адабий-эстетик позициясига содиқ қолиб, мазкур романга ҳам уларни сингдириб юборади. Жумладан, “Муҳаббат”, “Ёрга мактуб” ҳикоясида қаҳрамоннинг қалб кечинмалари, ҳис-туйғулари, ботиний олами тасвири жуда нозик чизилади. Ошиқнинг қалбини ўртаган ишқ, уни оламини ўзгача кўришга, ҳис-туйғуларини шеър ва мактублар воситасида ифода этишга ундайди. Бу ишқ Оллоҳга йўлловчи кўприк. Бинафша - ёр тимсолида илоҳий ишққа йўналиш. “Ёрга мактуб”даги қуйидаги сатрлар фикримизни қув-

ватлайди: “Тирик инсон билан муҳаббат орқали пайвандланган баланд муносабатгина инсонни Яратувчи билан боғлайди!” [6]. Адабиёт нима, деган саволга жавоб бериб, ўз эстетик қарашини: “У инсон ботиний оламининг таржимаи ҳоли” [6], дея баён этган муаллиф асарида ҳам ушбу позицияда собит қолади. Демак, адибнинг адабиёт ва унинг моҳиятида инсон ботиний олами, қалб туйғулари акс этиши керак, деган адабий-эстетик қараш яратилаётган ҳар бир асари моҳиятига, образлар қатига ва ифода йўсинига сингдириб юборади.

Айниқса, романга “Атиргул” шеърининг киритилиши асарнинг эстетик жозибасини ошириш баробарида, ёзувчи эстетик концепциясини, кўнгил манзараларини жонли акс эттиришга хизмат қилган. “Атиргул” шеърида ҳам лирик “мен” руҳиятини очишда кўплаб поэтик воситалардан, образ ва тимсоллардан моҳирлик билан фойдаланади. Шеърда шоирнинг ғоявий-бадий мақсадни ва лирик қаҳрамоннинг мураккаб руҳий ҳолатини ифодаловчи асосий поэтик образ “атиргул”. Атиргул хуш таровати, гўзаллиги, нафосати билан кишига эстетик завқ бағишлайди. Шоир атиргулни кўнгилга қиёс қилиб, поэтик образ даражасига кўтаради ва унинг қизиллигини юрак қонига менгзайди. Дарҳақиқат, эзгуликка интилаётган инсон қалби - атиргулдек гўзал ва тароватли. Атиргул лирик қаҳрамон руҳиятини, ҳаёт тарзи, мақсад идеали, дард-у изтиробларини ифодалашда асосий моддий ва маънавий воситага айланган. Биринчи бандда моддий моҳият касб этган атиргул образи кейинги бандларда маънавий омилга, яъни истиорага айланган ҳолда қон, кўнгил каби поэтик тимсоллар билан биргаликда муайян эстетик мақсадни ифодалашга хизмат қилади. Шеърда атиргулнинг қизиллиги юрак қонига (физиологик жараён – моддий унсур), унинг тилинган чеҳраси – дард-аламли кўнгилга (маънавий олам) ўхшатилиб, лирик қаҳрамон руҳий оламини очишга хизмат қилади. Учинчи бандда атиргул маънавий асосга айланган ҳолда бутунлай истиора шаклида намоён бўлади. Атиргул – йўл, дил каби тимсоллар воситасида, лирик “Мен”нинг мураккаб умр йўлини кўрсатувчи, хатоларни эслатувчи, олий мақсадни англатувчи кучга айланади. Романда қолипловчи шеър ёзувчи эстетик позициясига уйғун, мутаносиб.

“Атиргул, ҳолимни эслатдинг,
босган ҳар йўлимни эслатдинг,
қон бўлган дилимни эслатдинг,
эслатдинг,
англатдинг,
атиргул” [6].

Маълумки, йўл поэтик образи мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган. Тасаввуфда йўл – тариқат, солиқни моҳиятга элтувчи кўприк воситасини ифодалаган бўлса, XX аср ўзбек адабиёти вакиллари - Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжонлар ижодида йўл поэтик образи муайян ижодий ва бадий мақсадни ифодалаб, шоир индивидуаллигини белгилашга хизмат қилган. Жумладан, Чўлпон шеърлятида йўл ва йўловчи образлари эрк ва озодлик рамзи сифатида поэтиклаштирилган бўлса, “Усмон Носир ижодида эса “йўл ва йўловчи образлари асосан бадий-эстетик мазмунни ифодалаб келади. Бу образларда шеърят йўли, у йўлнинг улуғлиги ва истак-раъйини қўлга олиб, эрка найини баланд кўйиб бу азим йўлга чиққан йўлчи лирик қаҳрамон (шоир)нинг кўзлаган нияти, муроди ва унинг етишга бўлган ишончи ўзининг образли ифодасини топган” [7].

Ана шундай тарихий анъаналарига эга бўлган бу поэтик образ Улуғбек Ҳамдам насрида, шеърлятида қандай намоён бўлмоқда? Муаллиф мазкур образлар зиммасига қандай бадий-эстетик мазмун юклаган?

“Йўл” ва “йўловчи” образлари Улуғбек Ҳамдам ижодида турфа ракурсларда намоён бўлади. Жумладан, “Атиргул”, “Таржимаи ҳол”, “Ишқ йўлида” шеърларида мазкур образлар ижодкорнинг ҳаёт йўли, бу йўлдаги турфа хил зиддиятлар, курашлар, чигалликларни ифодаласа, “Йўл” романи, “Бир пиёла сув” ҳикояси, “Сен - кўзларим”, “Инсон”, “Энг жажжи шеърлий роман” каби шеърлари ва айрим тўртликларидаги “йўл” поэтик образлари эса инсон ўзлигини англатувчи, илоҳий ҳақиқатга етказувчи восита, камолот йўли сингари бадий-эстетик мазмунни мажозий рангларда акс эттиради.

Демак, Улуғбек Ҳамдам ижодида “йўл” поэтик образи ижодкорнинг ҳаёт йўли, ундаги турфа хил зиддиятлар лирик “мен” руҳий оламини очиш, ўзликни англаш, моҳиятга етказувчи воситанинг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Маълумки, ҳаёт фақат ёрқин бўёқлар-у завқ-шавқлардан иборат эмас. Унда учраб турувчи ҳар хил адолатсизликлар, иймон-у эътиқодсизлик, маърифатсизликлар ҳар қандай уйғоқ қалбли инсонлар қатори шоирни ҳам азобловчи руҳий қийноққа солади.

Шеърнинг кейинги мисраларида атиргул тўлалигича истиорага айланиб, шоир қалбининг дардли оҳанглари куйлайди.

“Атиргул – кўкрак қафасимда кишанланган гул...”. Ушбу хотима Чўлпоннинг “Кўнгил” шеърларидаги кишан образи билан қайсидир маънода маслақдошдек туюлади. Фарқ шундаки, Чўлпонда исёнкор куч сифатида намоён бўлган кўнгил Улуғбек Ҳамдамда сокин изтироблар силсиласида келади.

Улуғбек Ҳамдам шеърятининг, умуман, ижодининг мавзу кўлами ранг-баранг бўлса-да, уларни бир умумий руҳ бирлаштириб туради. Инсон қалбига қараб эврилиш, ички коллизия, дард-изтироб, руҳий зиддият, ўзликни англаш, моҳиятга етиш бош кечинма сифатида ифодаланган. Бу муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизмдан нишона.

“Ғофиллар” ҳақидаги ҳикояда адиб, бу тоифа учун йўлнинг ибтидоси ҳам интиҳоси ҳам, унинг моҳияти ҳам аён эмаслигини, улар бу фоний дунёдаги майда икир-чикирлар билан андармон эканлигини баён этади.

Ёлғизлик хусусида сўз юритиб, ўз дил изҳорини, ўзини фош айлаган ижодкор ёлғизликнинг ўзгарган мазмунини баён этади. Ёши элликни қоралаб, аввалги қарашлари ўзгарган адиб наздида, ёлғизлик шу номдаги қиссасида тасвирланганидек инсоннинг яқинларидан ёлғизланиши эмас, ёлғизлик - хаёлан ҳамма замонда ҳамма билан бўлиш, ёлғизлик ҳақида қоғоз қоралаш демакдир. Демак, ёлғизлик – ижодкорнинг ижодий оламига парвози, илҳом онлари, ижодий жараёни.

Романда яратилган шоир образи қаҳрамоннинг қалбига таскин берувчи дилдошга айланади. Шоир шеърлари Умар Хайём (рубойиларидан олинган) ижодига асосланган. “Белинскийнинг: “Улуғ шоир ўзи ҳақида, “мен”и ҳақида гапирар экан, умуман инсоният ҳақида гапирари, негаки, унинг табиатида бугунги инсониятга хос ҳамма нарса мавжуд. Шу сабабли ҳам ҳар бир киши унинг қалбида ўз қалбини англайди ва ундан фақатгина шоирнинг эмас, балки инсонни, инсонлик йўлидаги биродарини ҳам кўради” [4].

Демак, шоир образи дилдош, донишмандлик рамзигина бўлиб қолмай, “инсонлик йўлидаги” ҳамроҳ, дўст ҳамдир.

Хулоса. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, асарда “йўл” поэтик рамз сифатида икки хил - дунёвий ва диний мотивларни ифодалаб, ижодкор дунёқарашнинг ўзига хослигини англайди келади. Биринчиси, йўл – инсоннинг тақдири, ҳаётининг рамзий ифодаси бўлса, иккинчиси исломий-тасаввуфий қарашга хос бўлиб, солиқнинг (йўловчининг) турли хил синовларда покланиб, руҳан Оллоҳ билан бирикувини билдиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Қуроноф Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. – Б. 400.
2. Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 108.
3. <http://ladyvenus.ru/articles>
4. <http://fikr.uz/blog/21173.html>
5. Мингбоева Д. Тимсоллар Тилсими. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – Б.180.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: ЎзбМЭ ДИН, 2007. 5 жилдлик, 3жилд. – Б. 355.
7. Ҳамдамов У. Руҳни уйғотувчи сўз. – Т.: Turonzaminziyo, 2017. – Б. 387.
8. Умурзоқова Н. Поэтик образ ва маҳорат. – Т.: Фан, – Б. 120.

УДК: 894.375

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ШЕЪРИЯТИДА СОНЕТ ЖАНРИ ТИПОЛОГИЯСИ ВА УЙҒУНЛИГИ
ТИПОЛОГИЯ И ГАРМОНИЗАЦИЯ ЖАНРА СОНЕТА В УЗБЕКСКОЙ И
ТУРКМЕНСКОЙ ПОЭЗИЯХ

THE TYPOLOGY AND HARMONIZATION OF THE SONNET GENRE IN UZBEK AND
TURKMEN POETRY

Гайлиева Огулбай Қурбанмуратовна

ҚорДУ филология (қозоқ тили, туркман тили) кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: сонет, шеър, шакл, типология, уйғунлик, рондо, рондель, триолет.

Ключевые слова: сонет, поэзия, форма, типология, синтез, рондо, рондель, триолет.

Key words: sonnet, poem, form, typology, synthesis, rondel, triolet.

Мақолада ўзбек ва туркман адабиётида ғарб адабиётида мавжуд бўлган бадиий шакллар таъсири ва уларнинг типологияси ҳамда уйғунлиги сонет жанри мисолида қиёсий таҳлил қилинади.

В статье в сопоставительном и типологическом аспектах на примере жанра сонета изучается влияние европейских художественных форм на узбекскую и туркменскую литературы.

The article studies the influence of literary forms found in Western literature on Uzbek and Turkmen literature. Their typology and harmony have been investigated in the example of a sonnet genre.

Кириш. Туркий халқлар адабиётида мустақкам ўрин эгаллайдиган типологик алоқа жиддий тадқиқотларга эҳтиёж туғдиради. Илмий зарурат, биринчидан, миллий мансублик ўзига хослигига боғланса, иккинчидан, ўзаро маданий ҳамкорлик сажияси умумий хусусиятларни ҳосил қилади. Шунинг учун дунёдаги барча тарихий, ижтимоий, маданий, маърифий, адабий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаш миллатлараро адабий ҳодисаларнинг типологик қирраларини тўғри таҳлил қилиш натижаси катта миқёсдаги адабий воқелик қонуниятларини тасаввур қилиш имконини беради. Шундай адабий типологик ҳодисалар муштараклигини ўзбек ва туркман адабиётлари тимсолида ҳам кузатиш мумкин. Мавжуд ҳолат, айниқса, бадиий шакл ва адабий жанрлар аналогиясида яққол намоён бўлади. Жорий мақолада биз ўзбек ва туркман шеъриятида типологик характерга эга бўлган бадиий шакл – сонет жанрининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий тадқиқ қиламиз.

Асосий қисм. Адабий тур ва жанрларни фарқлашда ҳам шаклнинг ўрни катта. Шеърият структурасининг энг муҳим категориал унсурларидан бири шакл саналади. Шакл мантикий жиҳатдан ҳам қуйи вазиятларда кўзга ташланади, оламдаги бошқа предметларга қиёсан кўпинча англади. Лекин бадиий шакллар ҳаммиша мазмунни юзага чиқарувчи омил ва восита вазифасини ўтайди. Ғарб адабиётида ўтган ўзбек ва туркман шоирлари ижодига табиий сингиб бораётган лирик жанрлардан бири сонетдир. Сонет ғарбда кенг тарқалган шеър шакли. Биргина ғарб шеъриятидан ўзбек адабиётига XX асрнинг 20-йилларида кириб келган сонет шеърий жанрига диққат қаратганда ҳам бу жанр ҳар иккала миллат шоирлари ижодида борлиги кузатилади. Хусусан, ўзбек адабиётида сонет жанри тараққиётига Чўлпон ва Усмон Носирлардан кейин Рауф Парфи, Ҳ.Худойбердиева, Абдулла Шер, Фахриёр каби шоирлар муносиб ҳисса қўшди. Сонетда назарий жиҳатдан қатъий шаклий структура мавжуд. Унинг ўн тўрт мисрадан иборат бўлишидан ташқари биринчи тўртлик - катернда тезиснинг, иккинчи катренда антитезис ва қолган иккита учлик - терцетда синтезнинг мавжуд бўлишидек қатъий қонуният саналади. Эркин сонет деб номланган сонетнинг яна бир тури структураси классик намуналаридан нисбатан фарқ қилади. “Сонет жанридаги иккинчи композицион шакл эса **а б а б** шаклида қофияланган учун катрен ва **в в** шаклида қофияланган иккилик хулосадан иборат бўлади. Бундай

сонетларда биринчи катрент – тезис, иккинчи катрен – тезис ривожи, учинчи катрен – антитезис, охирги икки мисра синтез вазифасини бажаради” [1,14]. Ўзбек шоирлари ижодида сонетнинг ана шундай эркин кўриниши кўпроқ учрайди. Ҳар қандай ўн тўрт мисрадан иборат шеър сонет бўла олмайди. Дунё адабиётининг Ф.Петрарка, А.Данте, В.Шекспир, И.В.Гёте, И.Бехер, В.Брюсов каби намояндаларининг ижодида мумтоз сонетнинг энг яхши намуналари мавжуд. Жаҳон адабиётшунослигида сонетшунослик тарихи шу улкан шоирлар номи билан боғлиқ, албатта. Ўзбек ва туркман шоирлари учун янги бўлган бу сонет жанрини дунё адабиётидаги тажрибаларни ўрганиш ва ўзлаштириш натижасида ижод қилганлар. Жанр табиатини, канонлари ва назарий қонуниятларини чуқур билмай туриб тўлақонли сонет ёзиш мумкин эмас. Тўғри, XX аср бошларида Чўлпон ва Усмон Носирлар томонидан айрим сонетлар тажриба қилинди. Аммо сонет жанри ўзбек шеърлятида Рауф Парфи ижодида ўзига хос янги моҳият, мазмун билан бойиди. Сонет дунё шеърлятидаги энг муҳим ва ўзининг шакл жиҳатидан қатъий структурасига эга бўлган жанрлардан бири саналади. Масалан, Рауф Парфи ижодидаги “Чингиз Айтматов”, “Битиктош”, “Шеърлят” каби сонетлар ўз фалсафий пафосининг кучлилиги, бадий жиҳатдан пишиқлиги билан ажралиб туради. “Шеърлят” сонетида шоир ботинидаги дардлари акс этган. Шўро замонида ёзилгани учун унда “Олисда ялт этган ой йўқ, юлдуз йўқ” каби мисралари ёнида “Руҳимда энг сўнги илинж бор” деб умидини ҳам баён қилади [2,168]. Мустақиллик йилларида Р.Парфи шеърлятида “Сиёвуш”, “Тўқурнинг охирги шеъри”, “У дунёга онамга мактуб” каби сонетлар туркуми майдонга келди. “У дунёга онамга мактуб” сонет туркуми учта мустақил сонетни қамраб олади. Она соғинчини ифодалаган бу шеър туркумида лирик қаҳрамоннинг оху нолалари, ўкинчи баён қилинади:

Кўзларинг тубида кўхна мусибат...

Менинг севинчларим, менинг оҳларим,

Гўё унутилган, битмаган суҳбат,

Балким ул дардларим, ул гуноҳларим,

Жисмим жунжиктирар, шовуллар фақат

Қорларга ўралган мадфун боғларим.

Шоир вафот этган она қабрини қорларга ўралган ҳолда кўради. Шеърнинг умумпафосида соғинчдан, оғриқдан дили ўртанган инсон аламлари сезилиб туради. Шу боис, сонет синтезида шоир:

Дунёвий аламини илғадим бироқ,

Ўзимнинг умримни мен оз яшадим,

Ўзгалар ҳаётин яшадим кўпроқ,

деб ҳаётин бир хулосасини ёзади [3,112-113].

Ўзбек шеърлятида сонет жанрининг бадий хусусиятларини тадқиқ қилган Обидахон Файзуллаева ўзбек шоирларининг яратган сонетлари ҳақида ёзади: “Рауф Парфи сонетлари мавзу ранг-баранглиги, ифоданинг оригиналлиги, поэтик тафаккурнинг бетакрор ифодалари билан ажралиб туради. Шоирнинг сонет жанрига мурожаат қилишига сабаб сифатида руҳият комиллигига интилиш ва бунда устозлар йўлидан юриш истаги, шунингдек, тўқислик ижодкор томонидан шеърнинг шакли учунгина қўйилган талаб бўлмасдан, балки мазмун ва моҳият тақозо қилган талаблардан эканлигини таъкидлаш жоиз” [4,10].

Рауф Парфи каби бошқа ўзбек шоирлар ҳам дунё шеърлятидаги шундай бадий шакллардан таъсирланди, шеър мухлисларига ўзига хос шеърини гулдасталар тақдим этди.

Сонетда ёзилган шеърлар туркман шоирлари ижодида ҳам кўзга ташланади. Бу жанр туркман шеърлятига XX асрнинг 60-йилларида кириб келди. Шоир Гурбанназар Эзизовнинг ижоди мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. У 35 ёшда оламдан ўтган. Лекин у қисқа умри ичида янгича услубизланишни шакллантирди, Европа адабиётига хос сонет эндиликда туркман шеърлятида ҳам ривожланди. Жорий вазиятга мувофиқ, шоир ўзининг 14 мисрадан ташкил топган манзумаларини «Сонетлар гулчамбари» дея номлайди. Шоир ижодига Шарқ ва Ғарб классик адабиёти анъаналари адабий таъсирини ўтказди. Айниқса, Дантес, Пушкин, Лермонтов, Хўжа Аҳмад Яссавий, Фирдавсий, Алишер Навоий, Махтумқули ижоди шоир учун адабий мактаб бўлди. Шунинг учун шоир:

Сыпырсам пикиrimiң әхли габыгын,
 Ил-гүнүң йүзүне мүйнсиз гарасам,
 Магтымгулының чайлар ичен чәйнегин,
 Ювуп-сүпүрмәге хукук газансам [5,252].

“Сонетлар гулчамбари”да буюк Махтумкулига бош эгади. Шеър 14 мисрали, 3 түртлик ва кейинги икки мисрадан иборат. Шеърда шоир ижод йўли ҳақида гапирар экан, лирик қаҳрамон ўз-ўзига ҳар қандай машаққатли мавритлар бўлса ҳам эл-юрт билан бирга бўл, эл-халққа муҳаббатинг билан яша, халқингни ҳурмат қилгин, деган фикрларни илгари суради. Шеърнинг финалида фикр якунланиб, “Сакласам рухумда гелжек язи мен” дея, буюк келажакка бўлган ишонч, шоирни яна ҳам гавдалантиради ва уларни символ тарзда ифодалайди.

Муаллиф сонетларида дастлабки бандда мушоҳада ибтидосини ҳосил қилади, иккинчи бандда фикр мантиқий тараққиётини ўзгартириб, унга қарама-қарши нисбатдаги мулоҳазани илгари суради, мавжуд ҳолатда тасвир контрасти асосий ўринга кўтарилади, учинчи бандда мушоҳада авж нуқтага чиқиб, охирги икки сатрда йиғиладиган мантиқий ҳукм-хулосага пойдевор қўяди. Шунинг учун шеърда фикр тезис – антитезис - синтез тарзда келади. Шеър қофиялари абаб, вгвг, дждз, кк тарзида бўлиб, мисралар 11 бўғиндан иборат.

Шоирнинг “Сонетлар гулчамбари”да дастлабки сонетда куз фасли инсон умрининг комиллик даври билан тенглаштирилади ва символ усулида тасвирланади:

Ене гүйз. Гүйз болса сараляр япрак.

Япрак сараланда дурланяр пикир.

деб, “дурланяр пикир” сўз иборасига кучли урғу берилади. Шу билан бирга “япрак” сўзи биринчи мисранинг кейинда қофия вазифасини, иккинчи мисрада такрор келиши фикрнинг гармонияли ривожланишига имконият яратади. Сонетнинг иккинчи, учинчи бандларида фикр янада такомиллаштирилиб, шеърнинг финалида эса бу дунё ва у дунё, умр ва ўлим масалалари ёнма-ён - параллел келтирилиб, символ тарзда ифодалаш билан фикр хулосага пойдевор қўяди. Шунингдек, шоир яратган “Сонетлар гулчамбари”да сонетлар бир-бири билан структура жиҳатдан боғлиқ жойлаштирилган. Уларни боғлашда такрорлар композицион сонет гулчамбарининг горизонтал яхлитлигини таъминлаган. Яъни, шеър бандининг охирги мисраси, кейинги янги банднинг биринчи мисрасида рефрен бўлиб такрор келади ва композицион структурани таъминлайди. Шоирнинг бадиий изланиши шуни кўрсатадики, классик шеърият аънаналарида рефрен – такрор кўпинча, банднинг охирги мисрасида такрорланадиган бўлса, лекин, шоир уни янги бир усул билан шеър бандининг биринчи мисрасида қўллаган. Мазкур ҳолат шоирнинг Шарқ ва Ғарб шеърияти синтезидан янги бир шаклни пайдо қилгани ойдинлашади.

Дарҳақиқат, ғарб шеъриятида рефрен асосида ташкил топган рондо, рондель, триолет каби шеър шакллари мавжуд. Масалан, рус шеъриятида филология фанлари доктори А.Вячеславович [6] ўзининг “Триолетнинг гармонияли системада такрорланиши” номли мақоласида триолетнинг референ асосида ташкил топадиганини таъкидлаб, триолет рондель бир қисқартилган шакл тарзида XIV асрда француз шеърларида пайдо бўлиб, кейинчалик рус шеъриятида XVIII асрдан бошланган деган маълумотларни айтади. Шоирлар А.П.Сумарков ва М.Н. Муравьевларнинг шеърлари ушбу шаклнинг дастлабки намуналари эди. Шоир М.Н. Муравьев 1778 йилда ўзининг триолетларини ёзган бўлса, кейинчалик 1779 йилда А.П.Сумарковнинг триолетлари нашр қилингани таъкидланади. Муаллиф берган маълумотларда шоирларнинг триолетлари дастлаб муҳаббат мавзусида бўлган. Триолетнинг пайдо бўлишида такрорлар асосий вазифани бажаради ва рус шеъриятида аваа, абав яки авва, баав тарзида қофияланадиган триолетлар қўлланилган.

Замонавий венгер шеъриятидаги рондель шакли ҳақида илмий тадқиқот олиб борган Бернадетт С.Берес ўзининг “The Rondeau Form in Contemporary Hungarian Poetry” (Замонавий венгер шеъриятида рондель шакли) номли диссертацияси иккинчи бобида рондо, рондель, триолет шеър шакллари ва ҳар турли шаклларнинг риторик ва семантик асослари, ритм масалалари шоирлар Гюрги Петри ва Сандор Веоуресга, Флора Имое, Жанос Дени Орбан, Габор Шейн ва ҳоказо шеърлари мисолида тадқиқ қилган. Муаллифнинг айтишича, номи қайд қилинган шоирлар ўз шеърларида қатъий шаклни

қабул қилган ва шеър парадигмасини эсга туширган. Шеърларнинг расмий ва акустик хусусиятлари ўрганилади. Олим шоир шеърларининг асосий муқофияти унда, бирмунча такрорланадиган семантик унсурлар деб таъкидлайди [7, 8-9].

Бу йўсиндаги шеърлар замонавий ўзбек шоирлари эътиборини ҳам ўзига жалб қилган. Масалан, ўзбек шоири Фахриёр ўзининг рондель шеърларини яратиб, уларни рондель -1, рондель-2, рондель - 3 деб сарлавҳа билан белгилайди [8,47-49].

Европа адабиётида пайдо бўлган шундай шеър шаклларида ўз навбатида туркман шоири Г.Эзизов ҳам адабий таъсирлангани ва “Сонетлар гулчамбари”да фойдалангани кўзга ташланади.

Баъзи туркман шоирлари (Н.Байрамов сонетлари) эса шакл 4+4+3+3 кўринишидан унумли фойдаланади. Жорий ҳолатда қофия **абба-вггв-дде-жже** ўлчамини ҳосил қилади. Одатда, шоир метафоралар ёрдамида сирли-жозиб манзаралар чизади, унда туйғулар такомилли юксак бадиий умумлашмаларга эврилади.

Хулоса. Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш жоизки, ўзбек ва туркман адабиётида ғарб адабиётида мавжуд бўлган бадиий шакллар таъсири ва уларнинг типологияси ўрганилганда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади.

Биринчидан, замонавий ўзбек ва туркман шеърятига ғарб адабиётида мавжуд бўлган сонет бадиий шакли кўчиб ўтган бўлиб, уларнинг мазмунида замон кишиларининг характериға, ҳис-туйғуларига мос мазмун ўз ифодасини топган. Европа бадиий сўз санъатидан ўзлашган жанр тараққиёти истеъдод қамрови билан уйғунлашиб, ажиб манзаралар ҳосил қилади.

Иккинчидан, жаҳон адабиётидаги сонет жанри ўзбек ва туркман шеърятини таркибига янги адабий ҳодиса сифатида кириб келди ҳамда миллий адабиётнинг тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Адабий таъсир ва маданий ҳамкорлик зичлиги истиқболли йўналишларни очади.

Учинчидан, поэтик форма ташқи қиёфаси, тузилиши, қофия унсурлари иккала халқда муштарак бўлса-да, ҳар бир шоирда мазмун янгиланади ҳамда услуб алоҳидалашади. Гарчанд, бадиий шакл турғунлиги бўртиб турса-да, ўй-фикрни эмоционал пардада ифодалаш ўзгачаланади. Мазкур ҳолатда талқин, муносабат ва тасвир индивидуаллиги юксак адабий маҳоратни далолатлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Раҳмонова С.** Ўзбек сонети: поэтик структура ва бадиий образ. – Т.: Фан, 2008. – 28 б.
2. **Рауф Парфи.** Сабр дарахти. – Т.: Фафур Фулом, 1986. – 216 б.
3. **Рауф Парфи.** Сўнги видо. – Т.: Алишер Навоий, 2006. – 86 б.
4. **Файзуллаева О.** Ҳозирги ўзбек шеърятини сонет жанрининг бадиий хусусиятлари. Филол. фан. ном. Диссертация автреферати. – Тошкент, 2011. – 10 б.
5. **Эзизов Г.** Сайланан эсерлер. – Ашгабат, 1995. – 263 б.
6. **Останкович А.В.** Повтор в гармонической системе триолета //Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Москва: Северо-Кавказский федеральный университет, 2013. - № 3 (21). – Электронный ресурс: www.gramota.net.
7. **Bernadett S. Béres.** The Rondeau Form in Contemporary Hungarian Poetry. Modern Literary Studies Program Piliscsaba. 2012. – Б. 8-9. <http://btk.ppke.hu>.
8. **Фахриёр.** Геометрик баҳор. Шеърлар. – Т.: Маънавият, 2004. - 192 б.

УДК:81.255.2/4.512.133.821.111

**“ҲАМЛЕТ” ТРАГЕДИЯСИ ТАГМАТНИДА ЯШИРИНГАН “ОЛАМ-САҲНА” МЕТАФОРАСИ
ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ**

**СКРЫТАЯ МЕТАФОРА «МИР-СЦЕНА» В ПОДТЕКСТЕ ТРАГЕДИИ «ГАМЛЕТ» И ЕЁ
ВЫРАЖЕНИЕ В ПЕРЕВОДАХ**

**A HIDDEN METAPHOR “ALL THE WORLD’S A STAGE” IN THE SUBTEXT OF THE
TRAGEDY “HAMLET” AND ITS RECREATION IN TRANSLATIONS**

Мизрабова Жерен Исмаиловна

БухДУ филология факультети ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти (PhD)

Таянч сўзлар: трагедия, таржима, аслият, Шекспир драмалари, метафора, англиз тили, таржимон, адабиётшунос, “олам-саҳна”.

Ключевые слова: трагедия, перевод, оригинал, драмы Шекспира, метафора, английский язык, переводчик, литературоведы, “мир-сцена”.

Key words: tragedy, translation, original, Shakespearean dramas, English language, translator, literary critics, “All the world’s a stage”.

Мақолада Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясининг таржимаси хусусида фикр юритилади. Асар тағ матнида “олам-саҳна” каби яширин метафорасининг маъноси ва мазкур тил воситасининг фожианинг структурал элементлари эканлиги масаласи ўрганилган.

В статье ведутся рассуждения относительно переводов трагедии Уильяма Шекспира “Гамлет”. Исследуется значение скрытой метафоры “мир-сцена” и то, что это языковое средство является структурным элементом произведения.

The article discusses the tragedy “Hamlet” by William Shakespeare. The meaning of the metaphor “All the world’s a stage” in the subtext of the tragedy has been studied and the fact that this metaphor is a structural element of it has been investigated.

Кириш. Шекспир ижоди тағматнидаги “олам-саҳна” яширин метафораси муаммоси ва “Ҳамлет” трагедияси жанрининг театрга оидлиги мавзуси Шекспир фаолиятининг энг кам ўрганилган соҳаларидандир. Аслида, ҳар бир адабий асарни аввалида, унинг жанрий хусусиятлардан келиб чиқиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий қисм. Шекспирнинг “Как вам это понравится” (“As you like it.”) “Сизга ҳам ёқдими?”. (таржима бизники. – Ж.М.) номли комедия қахрамони Жак тимсолида Ҳамлет образининг куртаклари (ибтидоий ҳолати) намоён бўлади [1]. “Сизга ҳам ёқдими?” [2] комедиясидаги ҳазил – мутойиба, кулги - истеҳзоларнинг барчаси турли муҳим ҳаётий масалаларига доир бўлса-да, аммо улар жиддий эмас. Асардаги персонажларнинг барча ҳазиллари севги, дўстлик, вафо, садоқат, виждон, турмуш каби мавзуларга бағишланган. XVI аср охирлари XVII аср бошларида Англиянинг интеллектуал кишилар доирасида ўзини дилгир, ғамгин одам кўринишида таништириш расм қилинган эди. Бу каби одатга кирган руҳий ҳолатлар доим ижтимоий сабабларга эга. Маълумки, Уйғониш даврининг зиддиятли хусусияти Шекспир даврида дилгирликка мойиллик каби одатининг кенг тус олишига сабаб бўлган. Демак, ўша даврда бундай одатларнинг мавжудлиги далили, Жак персонажининг ҳаётдан хафа бўлмаса ҳам, дилгир одам ролини ўйнаб, унинг қиёфасида юриши сабабига оидлик киритиши мумкин эди. Аммо, Жак персонажи ҳар қандай шароит бўлмасин, ҳаёт фақатгина яхшилик ва эзгуликдан иборат эмаслигини доим ўзининг ҳазиломуз кинояларида эслатиб туради ва унинг меланхолик эканлигига нафақат ижтимоий ҳолат, балки бу каби хусусияти унинг асл табиатидир. Комедиядаги яна бир қаҳрамонлардан бири масхарабоз Оселок билан Жак ўртасида яқин ўхшашлик бўлиб, улар дунёдаги барча нарсалар устидан кулиб, масхара (калака) қиладилар. Аммо, масхарабознинг кулгиси қувноқ ва беғараз бўлса, Жак эса оғир ҳаволи, аччиқ кинояли пичинг билан гапиради.

Демак, Жак ва Ҳамлет ўртасидаги ўхшашлик уларнинг табиатан дилгир инсон эканлигидандир. Ҳамлет ичидаги ҳиссиётларини телба-масхарабоз ниқобидан фойдаланиб, аччиқ ҳақиқатни ўйин-кулги, киноя остида ифода этади.

Шекспир Даниянинг янги қирол ҳукмдорлигини нишонлаш маросимига ошиқётган барча сарой мулозимларини ранг-баранг кийимлари орасида Ҳамлетнинг қоп-қора, мотам либосини атайин ажратиб кўрсатарди. Амакиси Клавдийнинг:

Қирол

Қалай, жиян – ўғлонимиз Ҳамлет бу нафас? – каби саволига:

Ҳамлет саҳнадан туриб, томошабинларга қараб, (ўзи - ўзига) дейди:

Ҳамлет

“Ўғиллиги ёлғон, лекин жиянлиги рост” [3].

Ҳамлет - маънавияти юксак инсон. Атрофида кечаётган барча нохуш воқеалар оқибатида қаттиқ қайғуга ботади ва бу унинг турли руҳий ҳолатлар амрига тушишига сабаб бўлади. Асар бошида Ҳамлет характери ҳақиқат ва адолатни севувчи, ёвузлик ва

ёлғондан, ноҳақликдан нафратланувчи характер сифатида тасвирланади. Аммо унинг характеридаги дилгирлик каби хусусияти ва хаёлида кечадиган гумонлар, унинг кучсизлигини эмас, балки унинг мутафаккир, жасур ва мард инсон эканлигини билдиради.

Шаҳзода буюртирган сахна кўринишининг томошасига Клавдий бошчилигида бутун қироллик ҳам ташриф буюради. Шунда амаки қирол жиянидан аҳволлари қандайлигини сўраганида Ҳамлет куйидагича жавоб қайтаради:

Қирол

Жияним Ҳамлетнинг кайфиятлари нечук?

Ҳамлет

Ишонасизми, – аъло. Худди буқаламундек. Емишим – ичига ваъда тўлдирилган ҳаво. Ахта қилинган хўрозларни ҳам шунчалик боқишмаса керак [3].

Метафора Шекспир ижодининг асосий поэтик воситаларидан биридир. Масалан, “Сизга ҳам ёқдими?” комедияси қаҳрамони Жакнинг сўзларини мисол қилиб келтирамиз: “Весь мир театр и люди в нём актёры” [2]. Бутун дунё театр ва ундаги инсонлар эса, актёрлардир. (Таржима бизники. – Ж.М.) Бу гапида Жак аввал бутун дунёни театрга қиёслайди, кейин эса ҳаёт тўғрисидаги фикрини изоҳлайди. Яъни “Весь мир театр” деганда асар қаҳрамони пьесани, “и люди в нём актёры” “ундаги инсонлар эса, актёрлардир” деганда эса, инсонларнинг ўша театрдаги актёрлар эканлигини назарда тутди. Худди шу образнинг ўзи ҳам яширин “олам - сахна” метафорасининг бир қисмини ташкил этиб келмоқда. Мазкур метафорани Шекспир ўзининг бутун ижоди тағматнида, яширин ҳолда ишлатади. “Ҳаёт – бу театр” деган фикр, буюк драматургнинг бутун ижодининг объектив равишдаги асосий образидир. “Ҳамлет” трагедиясининг тағматнида яширинган “олам - сахна” метафораси янада кенгайтирилган бўлиб, асар адабий усулининг бош элементи сифатида қатъий структурал функцияга эга ва фожианинг ўзи ҳам худди шу метафора асосида қурилганлигини кузатамиз. Қиролича иккинчи сахнанинг иккинчи актида Полонийдан тушунарлироқ, аниқроқ гапиришни сўраб, шундай дейди:

“More matter, than art”

“Madam, I swear I use no art at all.

That he is mad, ‘tis true; ‘tis true ‘tis pity;

And pity ‘tis true : a foolish figure;

But farewell it, for I will use no art” [4].

деб жавоб беради канцлер Полоний. Келтирилган мисолнинг сўзма-сўз таржимаси куйидагича:

“Сохталикни (ёлғон, роль ижро этиш, актёрлик қилиш) қўйинг, ундан кўра масалага ўтинг, Хоним, қасам ичиб айтаманки, мен умуман актёрлик маҳоратимни, санъатимни (ҳийла) ишлатмаяпман. Унинг ақлдан озганлиги ҳақиқатдир, ҳақиқат эса ачинарлидир; Афсус бу ҳақиқатдир: калтафаҳм (Ҳамлет) кўриниш (шакл, образ); Аммо шундай бўлса ҳам, мен санъат (актёрлик, сохталик, ёлғон)дан фойдаланмаяпман. (Таржима бизники. - Ж.М.)

“The New American Webster Handy College Dictionary” луғатида “art” сўзига куйидагича таърифлар келтиради : “art” n. 1) any system of rules and traditional methods for the practice of a craft, trade, or profession; the application of knowledge and skill; 2) works designed to give intellectual pleasure, as music, sculpture, and esp. pictorial representation; 3) skillful workmanship; 4) cunning, guile[5]. Инглиз - рус тили луғатларида эса “art” сўзи: 1) искусство, 2) умение, 3) мастерство, 4) хитрость деб таржима қилинади [6].

Ўзбек – инглиз тили луғатларида “art” сўзи 1) санъат, нафис санъат, тасвирий санъат; 2) ҳунар 3) усталик 4) гуманитар фан 5) ижро этиш 6) маҳорат каби маъноларга эга[7]. Юқорида келтирилган контекстда эса “art” сўзининг: айёрлик, маккорлик, ҳийлагарлик, муғомбирлик, макр, найранг, ҳийла, ҳийла-найранг маънолари ва шу билан бирга, “true” (ҳақиқий, чин, тўғри, рост) сўзига антоним сифатида келтирилган.

Мисол қилиб келтирилган парчани И.М. Лозинский жуда тўғри таржима қилади:

Королева: Поменьше бы искусства.

Полоний:

О, тут искусства нет. Что он безумен... [8].

Б.Пастернак ҳам ҳақдир:

Королева:

Дельней, да безыскусней.

Полоний:

Здесь нет искусства, госпожа моя,

Что он помешан - факт. И факт, что жалко.

И жаль, что факт. Дурацкий оборот.

Но все равно. Я буду безыскусен [9].

Жамол Камол таржимаси:

Малика

Айта қолинг, бўяб-бежамай.

Полоний

Бунда бўёқ нима қилсин, менинг маликам,

У ақлдан озгани – чин. Яна чиндан ҳам

Бу таассуф бир аҳволдир ва бу аҳволнинг

Чини билан кўп таассуф эканлиги чин.

Қаранг, қандай бир бетайин жумла-ибора.

Ҳа, майлига. Айта қолай соддароқ қилиб, ... [3]

Кўриниб турибдики, аслиятда уч марта қўлланилган “art” сўзи рус тили таржима-ларида учта вариантда ҳам искусство (санъат, сохталик) деб, яъни, “true” сўзига антоним тарзида ўгирганлар ва муаллиф асари тағматнида яширинган “олам-сахна” метафораси тўлиқ асраб қолинган. Ўзбек ўгирмасида эса “art” сўзи (бўяб-бежамай) деб ўгирилган. Бўяб-бежамай, бўёқ каби ибора ва сўзлари бўрттирмақ, оширмақ сўзларига синоним бўлиб, соддароқ сўзи эса бўрттирмақ сўзига антоним бўлиб келган ва муаллиф тағматнидаги “олам-сахна” метафораси кўринмай қолган.

“Ҳамлет” трагедияси тилида яширинган “олам-сахна” метафорасига мисоллардан яна бирини олиб кўрамиз.

Hamlet

"What a piece of work is a man!

Now noble in reason! How infinite in faculty!

In form and moving how express and admirable!

In action how like on angel!

And yet, to me, what is this quintessence of dust?" [4].

– деб хитоб қилади иккинчи актнинг иккинчи сахнасида Ҳамлет. Oxford American Dictionary луғатида [10] “action” сўзига қуйидаги изоҳлар кетирилган: “action”. n. 1) the process of doing something, the exertion of energy or influence; 2) a thing done, 3) a series of events in a story or play; 4) a way or manner of moving or functioning, the mechanism of an instruments... В.К. Мюллер таҳририяти остидаги инглиз - рус луғатида “action” сўзининг “действие, поступок, политическая акция, выступление...” каби таржималари келтирилган [11].

Ўзбек тилига эса “action” сўзи 1) ҳаракат, иш-ҳаракат, фаолият; 2) ахлоқ, хулқ; 3) иш, суд жараёни; 4) жанг, деб таржима қилинади [7]. Берилган контекстда эса “action” сўзи айнан ҳаракат, муомала, қилиқ маъносида ишлатилган. М. Лозинский ва Б. Пастернак бу сўзни аслиятга мувофиқ таржима қилганлар. М. Лозинский ва Б. Пастернак таржималари:

“Что за мастерское создание – человек! Как благороден разумом! Как бесконечен способностью! В облиции и в движении – как выразителен и чудесен! В действии – как сохден с ангелом! А что для меня эта квинтессенция праха?” [9].

“Поступками как близок к ангелам!” [8].

Ж.Камол таржимаси: Табиатнинг қандай ажойиб хилқатидир инсон! Унинг заковати қанчалар баланд! Лаёқати нақадар чексиз! Суврат ва сийрати нақадар мумтоз ва мукамал! Туриш-турмуши фаришталарга нақадар яқин! Назар-нихояти тангри таолога қанчалар қарин! Оламнинг зийнати! Тамомий тирикликнинг тожи давлати! Хўш, мана шу хоки-ғуборнинг асоси – аввали мен учун нима деган гап? [7].

Ж.Камол “action” сўзини (туриш-турмуши) деб жуда тўғри ўгиради. Ўзбек таржимони аслиятдаги “action” сўзининг миқёсини айнан Шекспирнинг ўзидай ифодалай олган ва рус вариантларидаги сўзларнинг (в действии – М.Л., поступками – Б.П.) маъноси кўлами жиҳатидан ҳам анча устун келган. Аввалида, Ҳамлет инсоннинг, табиат маҳорати ила

яратилган нақадар ажойиб мавжудот эканлигига қойил қолиб гапирса, кейин эса уни (эта квинтессенция праха) хоки-ғубор дея ажабланиб, инсон зотидан ихлоси қайтиб, умидсизланиб гапиради. Бу ерда муаллиф Ҳамлет тилидан инсон шаклан ва ҳаракатлари билан фариштага ўхшаса ҳам, аслида, трагедия тагматнидаги “олам-саҳна” метафорасига мувофиқ фариштамонанд ҳаракатлари ортида сохталик, ясамалик ва унинг ҳаёт саҳнасида моҳир актёр эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Асл матндаги “form” ва “moving” сўзлари орқали одамнинг интилишлари ва ҳаракатларини тасвирлаб, “action” сўзи билан эса унинг актёрлик маҳоратига урғу беради. Мутаржимлар ҳам муаллиф концепциясини тўғри тушуниб ўз таржималарини трагедия тагматнидаги “олам-саҳна” метафорасига мувофиқ ўгирганлар.

Кейинги мисолда:

"Read on this book, That show of such an exercise may colour
Your loneliness. We are of to blame in this,-
'Tis too much proveol, - that with devotion's visage
And pious action we do sugar o'er
"The devil himself" – [4]

Деб Офелияни, Ҳамлет билан уюштирилган учрашувдан олдин огоҳлантиради отаси.

Полоний.

The New American Webster Handy College Dictionary луғатида "show " сўзи "1. a theatrical performance. 2. an exhibition" деб изоҳланади [5].

Oxford American Dictionary луғати ҳам бу изоҳларга қўшимча сифатида куйидаги вариантларни келтиради: "an outward appearance, an insincere display, ex. under a show of friendship" [10].

Ўз навбатида инглиз-рус луғатида “show” сўзи: 1) показ; демонстрация; 2) зрелище; спектакль; 3) внешний вид, видимость деб таржима қилинган [6]. Ўзбек-инглиз луғатларида “show” сўзи: 1) спектакль, томоша; 2) кўргазма; 3) сеанс (кинода); 4) кўрсатмоқ; 5) кўринмоқ, пайдо бўлмоқ деб таржима қилинган [7]. Келтирилган мисолдаги “visage” сўзига эса The New American Webster Dictionary луғатида кейинги изоҳлар келтирилган: "1. the face esp of a human being 2. countenance: appearance; aspect" [5].

Инглиз-рус тили луғатларида “visage” сўзининг “лицо; выражение лица, вид” каби таржималари берилган.

Ушбу нутқида Полоний ҳамманинг мунофиқлиги, иккиюзламачи эканлигини, юзига ниқоб тортиб олганлигини таъкидлайди. Худди шу мулоҳазаларни биз кейинги таржималарда ҳам кузатамиз ва мазкур мисолнинг келтирилган барча таржималарда Шекспир трагедиясининг тагматнида яширинган “олам-саҳна” метафораси намоён бўлиб турибди. Чунки, “для вида”, “внешним”, “дабы”, “видом” “нишона”, “қиёфа” каби сўзлар мунофиқлик, иккиюзламачилик, сохталикни англатади.

Б.Пастернак:

“Дочь, возьми для вида книгу.

Под предлогом чтенья

гуляй в уединенье. –

Все мы так:

Светлым лицом и внешним благочестьем

При случае и чёрта самого обсахарим” [9].

Б.Пастернак таржимасида “show” сўзи “для вида”, “visage” сўзи эса “внешним” деб ўгирилган.

М.Лозинский:

“Читай по этой книге,

Дабы таким занятием приукрасить

Уединенье. В это все мы грешны,-

Доказано, что набожным лицом

И постным видом мы и чёрта можем

Обсахарить”[8].

М.Лозинский таржимасида “show” сўзи “дабы”, “visage” сўзи “видом” деб ўгирилган.

Ж.Камол таржимаси:

Қизим, сен-чи, китоб қараб турганинг маъқул,
Якка-ёлғизликка бу бир нишона бўлур.

Ҳа, тўғриси, биз ҳам жилла чаканамиз:

Мунис чеҳра, мутавозе қиёфа билан

Ўрни келса, шайтонга ҳам сабоқ берамиз [3].

Ўзбек вариантыда “show” сўзи нишона, “visage” сўзи “қиёфа” деб ўгирилган.

Таржималарда “show” ва “visage” сўзларининг аслиятга мос эквивалентлари қўлланилган ва трагедия тағматнидаги “олам-саҳна” метафораси тўлиқ сақланган.

Хулоса. Келтирилган таҳлилларга асосан куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин: “Ҳамлет” трагедиясининг матнидаги аксарият сўзлар театр томошасининг семантик доираси билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, аммо фожианинг микро- ва макротекстида “олам-саҳна” метафорасини ифодаловчи кўп маъноли образлар-ғоялардир ва бу яширин “олам-саҳна” метафорасини ўрганиш қанчалик мураккаб иш эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

АДАБИЁТЛАР

1. Қаранг. Г. Брандес, Шекспир, т. I, - М., 1899. – С. 362.
2. <https://unitlib.ru/25028-kak-vam-eto-ponravitsya-uilyam-shekspir.html>
3. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. –Тошкент, Фафур Ғулом, 1991. – 784 б.
4. http://www.literaturepage.com/read/shakespeare_hamlet.html
5. <http://documents.mx/documents/the-new-americanwebsterhandycollegedictionary-thesaurus.html>
6. <https://translate.yandex.ru/translator/Russian-English>
7. www.translatos.com/ru/uz-en/
8. Уильям Шекспир. Полное собрание сочинений в восьми томах. 6 - том. Гамлет, принц датский. Перевод Лозинского М. Государственное издательство. Искусство. – Москва, 1960. – С. 690.
9. http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html
10. http://www.oxfordlearnersdictionaries.com/definition/american_english
11. Мюллер В.К. Англо-русский словарь. Издательство. - Москва, 1995. – С.843.

УДК.389.221[420:575.1]

БРИТАНИЯ ФОЛЬКЛОРИДАГИ МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ОСОБЕННОСТИ МИФОЛОГИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ БРИТАНСКОГО ФОЛЬКЛОРА THE PECULIARITIES OF MYTHOLOGICAL IMAGES OF BRITISH FOLKLORE

Назарова Гулбаҳор Пирмановна

БухДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мифологик образ, орк, эльф, гном, соҳира, хоббит, яшил одам, брауни, гоблин, гигант одам, банши, архетип.

Ключевые слова: мифологические образы, орк, эльф, гном, фея, хоббит, зелёный человек, брауни, гоблин, гигант, банши, архетип.

Key words: mythological characters, orc, elf, gnome, fairy, hobbit, green man, brownies, goblin, giants, banshee, archetype.

Ушбу мақола Британия фольклоридаги мифологик образларнинг турларини ва уларга хос хусусиятларни ўрганишга бағишланган.

В данной статье рассматриваются мифологические образы британского фольклора и раскрываются их характерные особенности.

The following article is devoted to the study of mythological images of British folklore as well as revealing some peculiar features of these characters.

Кириш. Маълумки, бутун дунё халқларининг фольклор намуналари ўзига хос мифологик образларга бойдир.

“Мифология” сўзи лотинча “*mythologia*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, афсоналар талқини маъносини англатади. “Мифоним” сўзи эса грекча “*mythos*”, яъни афсона, эртак, “*онома*” – “исм” маъноларини билдиради. Адабиётшуносликда бу атама афсонавий номлар деб тушунилади. Кенг маънода мифонимлар афсона, эртак ва мифлардаги хаёлий образларга атаб қўйилган атоқли отларни ўз ичига олади. Мифонимлар қуйидагича таснифланади:

- 1) Теонимлар – худо номлари.
- 2) Демонимлар – афсоналардаги демон, яъни шайтонсифатлар номи.
- 3) Мифоантропонимлар – афсонавий қаҳрамонлар номи.
- 4) Мифотопонимлар – афсонавий жой номлари.
- 5) Мифозоонимлар – афсонавий ҳайвонлар номи.
- 6) Мифофитонимлар – афсонавий ўсимликлар номлари.

Асосий қисм. Британия фольклорида ҳам хилма-хил мифологик образлар учрайди. Улар мифлар ва афсоналарнинг асосий персонажлари сифатида бадиий таъсирчанликни оширишга хизмат қилади. Мифологик образлар Британия фольклорининг асосий қаҳрамонларидан ҳисобланиб, улар асрлар бўйи авлоддан-авлодга турли манбалар орқали ўтиб келмоқда. Ҳатто баъзи мифологик образлар ҳақидаги қарашлар ҳалигача сақланиб келаётгани билан эътиборни тортади.

Британия фольклорида энг кўп тарқалган мифологик образлар соҳиралар, эльфлар, гигант одамлар, троллар, гоблинлар, аждаҳолар бўлиб, улар бошқа миллатлар фольклорида ҳам учрайди. Ҳатто баъзилари, масалан, соҳиралар ва аждаҳоларни ўзбек фольклорида учратиш мумкин.

Инглиз мифологиясида орк (*orks*) номли персонажлар мавжуд бўлиб, улар асосан салбий характерга эга бўлган мифологик образ ҳисобланади ва жуда ахмоқ, ёвуз, қонхўр жаллод сифатида инглиз афсоналарида тасвир этилгани кузатилади. Орклар ёруғликни ёқтирмаганлиги сабабли ер остида, ғорларда яшайди ва ер устига фақат тунда чиқишади.

Орклар эльфлардан шаклланган бўлса-да, ёмон хусусиятларни ўзларида мужассамлантиришгани билан улардан ажралиб туради. Инглиз афсоналарида орклар жангчилар ва доим душманига гуруҳ бўлиб ҳужум қилиб, ғалабага эришадиган образ кўринишида тасвирланган. Оркларнинг ташқи кўриниши жуда хунук бўлиб, тишлари катта, кўзларида бешафқатлик ёрқин акс этиб турадиган, териси тўқ жигар рангдаги махлуқотлар қиёфасида гавдаланади.

Эльфлар (*elves*) Британия фольклорида ўзининг ғайриоддий хатти-ҳаракатга эгаллиги сабабли аралаш хусусиятли, яъни баъзан меҳрибон, баъзан ёвуз мифологик характер сифатида тавсифланади ва тасвирланади. Кўриниши ҳамда бўйи-басти нуқтаи назардан Британия мифологиясида эльфлар Скандинавия оғзаки адабиётидаги эльфлардан фарқланади. Айтилик, Британия мифологиясида эльфлар Англия графликларига мансуб кичкина, ёвуз ва бадбашара мавжудотлар сифатида келтирилади ва “пикслар” деб номланади. Инглиз мифларида эльфларнинг энг машҳур салбий хусусияти – уларнинг ўғриликка жуда мойиллиги экани таъкидланади. Аммо эльфларнинг оддий ўғрилардан фарқи шундаки, улар асосан янги туғилган чақалоқларни ўғирлаб, ўрнида ўзларининг бадбашара, ёқимсиз йиғиси билан қишлоқ аҳлини додга соладиган эльфчаларини ташлаб кетадиган мифологик образлардир.

Британия афсоналарида эльфларнинг бир неча турлари мавжуд. Троллар (*trolls*) ҳам эльфларнинг бир тури бўлиб, оркларга ўхшаб салбий характерли образ ҳисобланади. Улар, асосан, ғорларда, ташландиқ кулбаларда яшашади. Аммо троллар кўпинча эски кўприклар остида йўловчиларга зарар етказиш мақсадида пойлаб турадиган мифологик образ сифатида тасвирланади. Кўприқдан ўтаётган йўловчилар ҳақ тўлашдан бўйин тортса, троллар уларни еб қўйишган. Одатда, троллар ғайриоддий кўринишда гавдалантирилади. Бунда оддий ва тоғ тролларининг кўринишлари фарқланади. Оддий троллар бир бошли бўлса, тоғ троллари баҳайбат, икки ёки баъзан уч бошли қиёфа касб этади. Улар тентаклиги билан ажралиб туради. Троллар қуёш нурига чиқса, тошга айланиб қолиши сабабли ундан қочишга ҳаракат қилишади.

Баншилар (*Bunschi*) инглиз фольклорида аёл кўринишида тасвирландиган ёвуз мифологик образлардан биридир. “Банши” сўзи ирландча “*bean si*” сўзидан олинган бўлиб,

Ши қишлоғининг аёли маъносини ифодалайди. Бу мифологик образлар кўрқинчли кўриниши ва ёқимсиз овози билан характерланади. Улар хонадонларнинг эшиги остида туриб, ўша хонадон аъзоларининг ўлимини тилаш билан машғул бўлади. Баншиларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг қонида ҳақиқий соф Кельт қони оқиб туришини кўрсатиб туради.

Британия фольклорида кўп тарқалган мифологик образлардан яна бири великанлар (Giants) ёки улкан одамлардир. Бундай одамлар бутун дунё оғзаки ижодида мифологик образ сифатида машхур бўлиб келган, аммо энг машхур гигантлар Британия фольклоридаги гигантлар образи ҳисобланади. Уларнинг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, афсоналарга асосан, бири жуда улкан, яъни ўта йирик кўринишдаги гигантлар, иккинчиси эса уларга нисбатан унчалик катта бўлмаган жонзотлардир. Масалан, Британия мифларида Сассекс графлигига қарашли Уильмингтон номи билан машхур гигант етмиш метрлик бўлса, Дорсет графлигидаги эллик метрлик гигант Цернлик ундан кичикдир.

Кўпчилик тарихчи ва тадқиқотчиларнинг фикрича, гигантларнинг мегалитик иншоотларидан бири Британияда жойлашган Стоунхенж бўлиб, бу иншоот тагига гигантлар ўлимидан кейин кўмилган деган тахминлар бор.

Инглиз мифологиясида яна машхур ва кенг тарқалган мифологик образлардан бири гоблин (goblins)лар бўлиб, улар кўриниши жиҳатидан одамга ўхшаса-да, жуда бадбашара ва қаҳрга тўла мифологик характерли махлуқотлар ҳисобланади. Гоблинларнинг турар жойи, асосан, ер ости туннеллари, ғорлар, шунингдек, одамлар уйлари остидаги ертўлалар ёки дарахтларнинг ковакларидир. Гоблинлар доимо курашга тайёр образ сифатида гавдалантирилади, шунинг учун уларнинг қўлида ҳамиша ятаган номли севимли қуроли жангга шай туради. Бу типдаги мифологик образлар ҳам троллар каби қуёш ёруғлигидан кўрқишади ва шу сабабли доимо тунда ер остидан чиқишади.

Гоблинларнинг инглиз афсоналарида мифологик образ сифатида пайдо бўлиши ҳақида иккита тахмин мавжуд. Биринчи тахмин бўйича, “гоблин” сўзи немис тилидаги “kobold” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ер ости руҳи” деган маънони ифодалайди. Иккинчи тахминда эса у грекча “гоплит” сўзидан олинган. Қадимий Грецияда ўз кучи ва матонати билан ёвларни қақшатган, қуролланган пиёда аскарларни шу ном билан аташган. Шундан келиб чиқиб, грекларда ғайриоддий кучга эга бўлган мифологик персонажлар гоплитлар номи билан машхур бўлган.

Британия афсоналарининг яна бир машхур қаҳрамони хоббитлардир. Кўпчилик хоббит (Hobbits)лар образини инглиз ёзувчиси Жон Толкин яратган деб ҳисоблайди. Аммо хоббитлар аслида бир неча асрлар олдин мифологик образ сифатида машхур бўлган ва улар инглиз ижодиётида энг меҳрибон фаришта образи ҳисобланади. Хоббитлар қадимий мифларда ва шунингдек, ҳозирги замон эртақларида ҳам жуда камтарин образ сифатида тасвирланган. Улар тинч ҳаётни ёқтиришган ва асосий турар жойлари сокин, гуллаб яшнаётган қишлоқ уйлари бўлган. Хоббитлар, асосан, паст бўйли, ҳатто гномлардан ҳам пастроқ, кўзлари ва қулоқлари ўткир, очиқ рангли кийимларда кийинишни ёқтиришади. Улар кўпроқ яшил ва сариқ рангларга интилишади. Кўриниши мафтункор бўлмаса-да, хоббитларнинг чеҳрасида меҳрибонлик балқиб туради. Қолаверса, уларнинг доимий жилмайиб турадиган лаблари самимий эканликларидан дарак беради. Байрамларда совғалар тарқатиш, бу совғаларнинг одамлар ва асосан, болалар томонидан жуда хурсандчилик билан қабул қилиниши ҳам хоббитлар билан боғлиқ хусусиятлардан биридир.

Ҳайвондан одамга ёки аксинча, одамдан ҳайвонга айланадиган мифологик образлардан бири оборотен (werewolf) бўлиб, бундай образлар нафақат инглиз, балки бошқа миллатларнинг фольклорида ҳам кенг тарқалган. Мумтоз мифларда улар чиябўри кўринишида тасвирланади. Оборотенларнинг энг муҳим хусусияти шунда кўринадикки, улар ҳеч қачон қаримайди ва танасидаги тўқималарнинг регенарицияга учраганлиги сабабли ҳеч вақт касалликка йўлиқмайди. Қачонки, уларнинг юрагига ёки миясига кескин зарба берилсагина, ҳалок бўлади.

Инглиз фольклорида яшил одам (Jack-in-the-Green) табиат тимсоли ҳисобланади. Бу мифологик образ илк бор Кельт фольклорида пайдо бўлганлиги тахмин қилинади. Фақат эркак қиёфасида гавдалантирилади. Унинг қиёфаси барглардан тузилган бўлиб, кўриниши

яшил тусдалиги туфайли яшил одам дейилади. Бу образ Ўрта асрлар архитектураси ва рассомчилигида, шу билан бирга, инглиз ижодиётида кўп учрайди. Инглиз адабиётидаги машҳур поэмалардан бири “Сэр Гавейн ва Яшил Рицарь”да яшил одам асосий қаҳрамон сифатида тасвирланган.

Британия фольклорида энг кўп учрайдиган ижобий мифологик образлардан бири феялар, яъни соҳиралар (Fairyt) ёки парилардир. Соҳиралар инглиз афсоналарида учиб юрадиган ва қўлида сеҳрли таёқчаси билан мўъжизалар яратишга тайёр капалакча кўринишидаги образлардир. Одатда, соҳиралар ижобий характерга эга бўлиб, фақат яхшилик ва эзгу ишларга тайёр ҳисобланади. Аммо улар баъзан айёр ва маккор, шафқатсиз, баъзан эса меҳрибон кўринишда тасвирланади. Соҳиралар жуда кўнгли нозик ва завқли туйғуларга бой бўлиб, одатда, ўйин-кулгини, кўшиқ айтишни ёқтиришади. Шу билан бирга, улар жуда садоқатли ва донишманд бўлишади.

Браунилар (Brownie) Британия мифларида ўзининг ҳеч кимга зарари тегмайдиган характери ҳамда кўнғир тусдаги уй кўриқчилари экани билан ажралиб туради. Уларнинг исмлари рангидан келиб чиққан. Барча мифологик образлар каби браунилар ҳам кун ёруғидан қўрқишади. Манзилгоҳлари аҳоли яшовчи жойларга яқин ўрмонлардаги дарахт коваклари ёки уялардир. Агар уларга озор беришмаса, браунларнинг ҳеч қачон ҳеч кимга зарари тегмаган, аксинча, қўлидан келгунча ёрдам берган. Бу образларнинг характерли хусусияти шундаки, уларга ширинлик таклиф қилиш мумкин эмас. Улар буни қилаётган яхшиликлари учун мукофот деб ўйлаб, уйни тарк этиши мумкин. Зеро, брауниларнинг ҳар бир ёрдами дўстона ва самимий бўлиб, бунинг эвазига бирор мукофот таклиф қилиш уларни хафа қилади.

Гном (gnomes)лар Британия мифологиясида кенг тарқалган образлардан яна биридир. Гномлар аждарларнинг асосий душмани бўлиб, аждарлар билан тўқнашувда улар асосан ғолиб бўлиб чиқишади. Бу ғалабанинг асосий сабаби гномлар ер ости ҳудудларида яшаб, аждарлар кўриқлайдиган хазиналарни ўзлари билан олиб кетиб, ер остида яшира олиш қобилиятига эга. Гномлар ер ва тоғлар руҳи ҳисобланиб, улар ғайритабиий кучга эгалиги таъкидланади. Шунингдек, гномлар одамларга нисбатан жуда узоқ яшашган. Фақат улар бирмунча инжиқ табиатлидирлар. Гномлар инглиз афсоналарида жуда инжиқ бўлиш билан бирга, гап кўтармайдиган, таъби нозик образ сифатида тасвир этилади. Ер ости уйларида гномлар турли хил қимматбаҳо металл ва тошларни кўриқлаш билан банд бўлишади. Англияда гномларга нисбатан кулгили персонаж ва соҳираларнинг бир тури сифатида қаралган. XX аср адабиётида Жон Толкин ва Клайв Луис мифологик асарларида гномлар немис афсоналарида акс эттирилган ғайриоддий характерли ва сеҳрли кучга эга бўлган персонажлардан фарқли равишда сеҳрли дунёнинг қатор образларидан бири сифатида тасвирланган. Толкин тасвирлаган гномлар бой ва сирли бўлиб қолмасдан, улар кўлида қурол, яъни болта кўтариб юрадиган жангари аскарлар қиёфасида ҳам гавдалантирилган. Немис эртақчилари ака-ука Гриммлар эртақларидаги кичкина гномлардан фарқли ўлароқ, Толкиннинг гномлари баланд бўйли, 1 метрдан 1,5 метргача бўлган. Толкин гном образининг нафақат кўринишига, ҳатто характерли хусусиятларига ҳам ўзгача тасвир бағишлаган. Ўзининг “Зиндонлар ва аждарлар” ҳикоясида у гном архетипига батамом бошқача образ сифатида ёндашган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунгача гномлар образи адабиётда, кинофильмларда Фалстаф ва Портос архетипларининг бошқача кўриниши сифатида, яъни соқолли, жанговор руҳда ва бир оз қўпол образ сифатида намоён қилинган.

Афсонавий мифонимлардан бири Алп-луакра (The Alp-luachra) бўлиб, у Ирландия эртақларида кичкина ёқимсиз мавжудот кўринишида тасвирланган. Кельт фольклорида эса у “пиширилган гўшт еювчи” сифатида кўрсатилади. Аммо у ўз номига мос гўшт еювчи эмас, балки ўз қурбони еган ва ҳали ҳазм қилиб улгурмаган овқатини унинг томоғини тишлаб, ичидан олиб еювчи ғалати махлуқ сифатида тавсифланади. Ирланд афсоналарида акс эттирилишича, Алп-луакра ўз мақсадига эришиш учун жуда жирканчли усулдан фойдаланган, яъни бирор-бир жонзотнинг ариқ бўйида уйкуга кетишини пойлаб, унинг томоғига ҳужум қилиб, унинг ҳали ҳазм бўлмаган овқати билан озиқланган.

Бундан ташқари, Ирланд афсоналарида Вампирлар (Vampires) образи ҳам энг кўп ёритилган мифонимлардан ҳисобланади. Вампирлар образи XXI асрга келиб, ўз машҳурлигини йўқотган бўлишига қарамай, ҳали ҳам бир қатор миллатлар адабиётида сақланиб келаётир. Ирланд мифологиясида Вампирлар ҳақида ўзига хос афсона ва эртақлар мавжуд бўлиб, улардан бири Деарг-Дю ҳисобланади. Афсоналарда айтилишича, Деарг-Дю қачонлардир гўзал ва латофатли аёл бўлган ва у бир деҳқон йигитни севиб қолган. Аммо у бошқа бир кишига мажбурий турмушга берилаётган бир пайтда ўз жонига қасд қилган. Дафн маросимидан кейин Деарг-Дю қабрдан чиқиб, ўзини шу чорасиз аҳволга солганликлари учун бутун оила аъзоларини бирма-бир ўлдириб, шу йўл билан улардан қаттиқ қасос олган.

Жек О'Кент ҳам Британия ижодиётидаги мифоантропонимлардан биридир. Афсоналарда айтилишича, Жекнинг ақли ва зукколог шайтонга тенглашадиган даражада бўлса-да, баъзан ҳатто у ёмонлиги билан шайтонни ҳам ярим йўлда доғда қолдириши мумкин. Бир куни Жек шайтонга кўприк қуришда ёрдам беришини айтган, аммо кўприкдан ўтадиган биринчи жон шайтонники бўлиши келишилган. Бироқ кўприк қурилгандан сўнг, Жек суякни кўприк бўйлаб ирғитиб юборган ва бир ит суякни олиш учун унинг орқасидан кўприк бўйлаб югурган. Шайтонга ваъда қилинган биринчи жон ит кўринишида бўлганлиги Жекнинг қанчалик зуккологини яққол кўрсатган.

Британия ўзининг маҳобатли қадимий қалъа ва муҳташам қасрлари билан машҳурлиги маълум. Улар ҳақида турли мифотопонимлар ҳам яратилган. Шундай мифотопонимлардан бири Гламис қалъаси ҳақида бўлиб, унинг эгаси аслзода бир киши бўлганлиги айтилади. 1820 йилда бу аслзода киши ўғил фарзанд кўрган, аммо бу фарзанд маълум бир сабабларга кўра, оила аъзолари томонидан рад этилган. Гламис қасрига ташриф буюрувчилар герцогнинг бу сирини фош этишга ҳаракат қилишган, лекин ҳеч қачон бунга эришолмаганлар. Тахмин қилинишича, герцогнинг бу фарзанди жуда бадбашара ва жирканч кўринишда туғилган. Бу ҳақда қалъага ташриф буюрувчилардан бири уни инсон кўринишдаги махлуқ деб тасвирлаган. Шу сабабли герцогнинг бу фарзанди Гламис қалъасининг яширин хонасида сақланган ва унинг тақдири ҳалигача номаълум қолган.

Шотланд афсоналарининг энг ёмон махлуқларидан бири Нукелави бўлиб, сентаврнинг Шотландча кўринишидир. Нукелавининг ягона мақсади Оркни оролларида яшовчиларга зарар етказиш бўлган. У кўринишига кўра, танасининг ярми одам, иккинчи ярми эса чириган от каби бўлган. Махлуқнинг бундай кўринишига тошқинлар, бахтсиз воқеалар ва ҳаттоки, унинг ёмонлиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилган.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Британия фольклори ва адабиётида мифоним ва мифологизмларнинг ўрни жуда каттадир. Юқорида таснифланган мифологик образлар инглиз асотир, афсона ва эртақларида бир неча асрлардан буён яшаб келмоқда. Бу образлар ўзининг серқирралиги ва ғайриоддий қобилиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Улар тасвирланган асарлар ўзига хос бадиий таъсирчанликка эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Mythological characters in British literature. – Listverse, 2009.
2. Merriam Webster's Encyclopedia of Literature. – Springfield, Massachusetts, 1995. – P. 1236
3. Mythology: Myths, Legends, and Fantasies. – Penguin Random House South Africa, 2007. – P. 528.

УДК 004.82.311.2

“ISHONTIRISH” ROMANIDAGI INSONIY SIFATLAR

ЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ КАЧЕСТВА В РОМАНЕ “УБЕЖДЕНИЕ”

HUMANE QUALITIES IN THE NOVEL “PERSUASION”

Abduraimova Yayra Rustamovna

UzbSWLU Department of Teaching Integrated Skills senior teacher

Annaeva Gavhar Bayram qizi

UzbSWLU Department of Teaching Integrated Skills junior student

Таянч сўзлар: инсоний, ишонтирадиган, ишонч, раҳм(ёрдам), қаҳрамон, босим кучи, ҳиссиёт, ҳақиқат, тушуниш, инсоний куч.

Ключевые слова: гуманитарный, обнадеживающий, доверительный, милосердие, (помощь), герой, силы давления, эмоции, истина, понимание, человеческая власть.

Key words: humane, promising, confident, faith, mercy, hero, the power of pressure, emotions, truth, understanding, human power.

Maqolada "Pesuasion" (Ishontirish) romanidagi insoniy sifatlar: ishonch, umid va rahmdillik qay darajada asar qahramonlariga ta'sir etganligi tahlil qilinadi. Bundan tashqari personajlarning hissiy holatlarini tushunib olishga yordam beribgina qolmasdan, o'quvchining ma'naviyati hamda axloqiga qay darajada ta'sir etishida alohida e'tibor qaratilgan. Maqolada romanda hayotiy voqealar va ayollar bilan bog'liq ijtimoiy masalalar bosh mavzu qilib olingani ham yoritilgan.

В статье дан анализ романа «Убеждение», в котором раскрываются такие человеческие добродетели, как: вера, надежда, милосердие. Автор статьи также рассматривает влияние эмоционального состояния главных героев произведения на внутренний мир читателя. Анализ относится к истории, в которой основное внимание уделяется жизненно важным вопросам и проблемам, связанным с женщинами.

This paper intends to focus on how lacking or possessing three humanely qualities influenced on the main characters of the novel "Persuasion": faith, hope and charity. Surprisingly, in each one of the characters a reader may discover more than three varying qualities and characteristics depending on their perspectives. However, this paper was written after getting to know the author's biography and finding out what had caused her to write the very novel. To a particular extent, in the novel the author's life happenstances were also described, which can be noticed while reading this book review.

Introduction. Persuasion is one of the outstanding novels among Jane Austen's works since it has a high possibility to make individuals think critically and realistically. The novel makes a reader feel the characters' emotions and understand their inner world. The author made it possible to feel the mystery with the plot's unexpected resolutions. In the novel the author described events happening in real life. To be more exact, the title of the novel was not given by the author herself but her brother Charles Austen who witnessed her life, spiritual states and social issues at her time, which proves that she reflected predominantly women's issues, position, rights how they were treated and neglect for their wishes in society. She showed what might be expected from women so their marriage ends in happiness. (Dare Guild, 2017) As it is predictable by the novel's title, it deals with the advantages and disadvantages of being easily convinced. Right and wrong persuasions are clarified in it. Putting marriage and class opposite is proved wrong in "Persuasion". Characters highly influence each other by intending others to act as they would like. The novel indicates how exceedingly an individual's life has changed and they have to undergo tough experiences due to just a forceful prompt of another individual. It is obviously stated that people impressively impact on others using power of pressure. The novel really intrigues readers as the author aimed to deal with human thoughts, beliefs, actions and emotions. Characters' inevitable life happenstances, especially, people's capability and incapability to gain courage are visible whether they can resist something pleasant or not. That will make individuals think seriously about life. Another primarily distinguishing feature of the novel "Persuasion" is that the author did not pinpoint destiny explicitly as a foundation of the characters' life changes. Fate is what people subconsciously believe even though they profess not to. Actually, active readers could notice that the author made most use of the concept "destiny" implicitly through the unexpected twists, changes within the given course of life of the characters. Undoubtedly, it is not easy even it is a burden to deal with human emotional feelings and be able to describe making a reader feel what possible condition a character might be experiencing in a certain situation, which has become almost nothing for Jane Austen in this novel. She was able to display exactly what she intended to convey indirectly through her characters. The title of the novel may reveal its plot; however, persuasion is not the only issue the novel exposes in it. While reading the novel, readers encounter climax where characters let their intense feelings, attitudes and humane qualities: faith, hope and charity be clearly seen.

Faith keeps the world going. (Indian proverb)

Faith is not about what we claim to believe, real faith is what we actually do believe. Faith is an implication of love. In a sense, it is something magic from heaven. People are raised in faith as they grow in comprehension of God. One cannot find the source of faith. It is a basis of immense human strength. There are no ways to experience it but to feel. Faith has unimaginably considerable essence in every tiny detail of human life as it is what makes impossible possible. In "Persuasion" faith is not either the strength of thinking positively or forcing oneself into trusting the unbelievable. This can be noticed through the actions and descriptions of the protagonists and antagonists of the novel. There are two noticeable concepts such as obtaining someone else's faith and having faith in something or somebody. They are quite different in some sense as there are such cases in which either an individual has both of the very perceptions or just only one of them. It can be witnessed that faith together with its absence has served as one of the essential qualities that have influence on the story events and in behaviors of protagonists: Lady Elliot, Anne Elliot and Captain Frederic Wentworth.

With the help of Lady Elliot's character two ways of faith reflection can be noticed such as obtaining someone else's faith and having faith in somebody or something. They are quite different in some sense as there are such cases in which either an individual has both of the very ways or just only one of them. Lady Elliot is a dynamic character though being a noble man's spouse and being a woman of excellence, sensibility, failed to find confidence within herself towards her husband. She relies on others around her to keep on living

"—Three girls, the two eldest sixteen and fourteen, was an awful legacy for a mother to bequeath, an awful charge rather, to confide to the authority and guidance of a conceited, silly father.", "... and though not the very happiest being in the world herself, had found enough in her duties, her friends, and her children, to attach her to life" (Austen, 1818, p 5).

She mainly trusts her intimate friend, Lady Russel who is all the time ready to help. She always makes most use of her advice and solicitude. Lady Elliot knows that her affectionate friend always maintains her, which really creates a passion towards friends.

Another character Anne as being one of the main protagonists is so trustworthy and relies upon all the people surrounding her. Anne Elliot, who is the second daughter of Sir Walter Elliot, is intelligent, wonderful, and very pretty and so caring about others. She holds the belief that they are all frank enough. Unfortunately, she does not know that even most reliable people may make mistakes sometimes unintentionally. To be more exact, Anne acts on the advice of Lady Russel whom she regards kind and faithful as her mother. Due to her and Anne's family members she decides to refuse Captain Wentworth's proposal, which caused Anne to suffer from strong disappointment. Anne Elliot is short of confidence in the people who have developed physically but not in terms of mind.

"...There was never any burst of feeling, any warmth of indignation or delight, at the evil or good of others. This, to Anne, was a decided imperfection. Her early impressions were incurable. She prized the frank, the open-hearted, and the eager character beyond all others. Warmth and enthusiasm did captivate her still. She felt that she could so much more depend upon the sincerity of those who sometimes looked or said a careless or a hasty thing, than of those whose presence of mind never varied, whose tongue never slipped" (Austen, 1818.p 141).

Even when looking thoroughly through the entire novel a reader cannot notice that Anne Elliot, the dynamic character, has been on misery terms with any characters in the novel. This demonstrates she has smooth morality. To illustrate, she holds the belief that if life is about colors, it is not only one particular color "black", on the contrary, it is made up of a collection of colors. She knows that the sun rises again even now it sets.

"When pain is over, the remembrance of it often becomes a pleasure" (Austen, 1818. p 161).

She believes that everything has an end, even spiritual sufferings. By which the steady faith of Anne to become together with Wentworth is represented. Unlike Anne, Captain Wentworth who is a navy officer once proposed Anne loses his faith towards Anne who broke all the bonds between them. It seemed that Captain Wentworth who was exceedingly frustrated was quite sure that he would never renew his attachment with Anne Elliot. He would never forgive Anne; he would never believe her again, because he was once heartbroken. That is what

Captain Wentworth was about to deliver to Anne by setting Louisa Musgrove and Benwick as an example.

“...Had it been the effect of gratitude, had he learnt to love her, because he believed her to be preferring him, it would have been another thing. But I have no reason to suppose it so. It seems, on the contrary, to have been a perfectly spontaneous, untaught feeling on his side, and this surprises me. A man like him, in his situation! with a heart pierced, wounded, almost broken”, “A man does not recover from such a devotion of the heart to such a woman. He ought not; he does not”(Austen, 1818. p 160).

Indubitably, after the separation from his lover, Frederic Wentworth stops confiding in Anne, especially, because of his lover's severe decision against him, which hurt him most of all.

“... if I had then written to you, would you have answered my letter? Would you, in short, have renewed the engagement then?”(Austen, 1818. p 215).

Lacking confidence in Anne makes changes in Frederick's life. Wentworth spends eight years without informing her about himself and without hearing from her in separation, which rendered it to be extremely difficult for them to accept or to make apology for what they both had done wrong. What makes things possible, not easy is faith. Even it became discomfort for them to meet again after rupture of their attachment. In addition, not being able to converse in public when both lovers wanted, made them irritated.

“Faith is not about everything turning out okay, faith is about being okay no matter how things turn out.”(From sayings).

By disposition it seems that they do not want to see each other, yet it does not within their soul, which they cannot accept. Generally speaking the loss or gaining of a strong feeling of trust has conspicuous impact on characters' behaviors as well as incidents of the story.

One of noticeable humane properties of the story is charity. Charity is only made up of priorities; no commodity is regarded trivial in it. Charity is not merely avoidance or reduction of poverty and battles, advancement of education or healthcare system; yet, it can be an act of willingly providing an assistance, good, money as well as attention. Charity is done not expecting anything equally valuable in response. It can be done in many various ways, by helping directly, providing information or by just supporting people. Through the novel one can realize that one's generous acts can influence on your fate, which means world is itself impossibly perfect without charity. Charity holds destiny- impacted importance at its hands, which can be seen in the novel through Lady Elliot, Captain Frederic Wentworth and Anne Elliot.

As they say charity begins at home. Though being a viscount, Lady Elliot, the wife of Sir Walter Elliot died thirteen years before the story began, never insists indulgence or attention even from her spouse. On the contrary, she has great sympathetic consciousness of others' distress, suffering together with a desire to alleviate them. Lady Elliot keeps all irritating imperfections of her husband who possesses neither empathy nor sympathy towards his family members private. This has been able to keep permanently her family intact until her inevitable death. Fortunately, she is well aware of Sir Walter's indifference, which causes her to feel extreme compassion towards her children who are going to be left with such an unkind father after the mother's death. Charity which is done with purely frank heart, is not the matter of pocket. Despite being wealthy and noble Sir Walter's failing to have inclination to care others' unhappiness can be noticed through his attitude towards his daughters. He does not take his daughter, Anne Elliot's, wishes into consideration, especially, when he along with his elder daughter, Elisabeth, is making comments about the future life partner of hers. He opposes not allowing her to marry Captain Wentworth whom she deeply falls in love with at an early age. This caused her experience long lasting distress in separation from her lover.

Where there is love there is charity. Wentworth's dramatic rise of resentment fails to resist him to do a favor for Anne who seems to have been regarded as a ringleader of his reasonable anger. Actually this is not just a plain favor done to ladies by gentlemen; this is tiny but true evidence of revival of his charity and love towards Anne Elliot.

“...Yes—he had done it. She was in the carriage, and felt that he had placed her there, that his will and his hands had done it, that she owed it to his perception of her fatigue, and his resolution to give her rest. . . . It was a remainder of former sentiment”(Austen, 1818. p 220).

The stimulus for thus Wentworth's kind act has been that he has already witnessed Anne's pureness. She is free of any possible suspects. This succeeds to transform Captain Wentworth's bitterness to reverence towards Anne Elliot. At the time of charity done to Anne, Wentworth realizes his pure pleasant sentiments have already commenced to come back his heart. His affable acts prove his kindness, sympathetic heart, which sounds so mixed with affection with pain that Anne fails either to notice without strong human emotions or to know which surpasses.

Noticeably, Anne Elliot demonstrates that she is replete with a strong emotional feeling of sympathy. She gives a necessary hand which is unexpected at the same time vital in a harsh situation in which Louisa Musgrove falls and gets unconscious incidentally. While nobody succeeds to find any way out to help Louisa Anne takes the control of the situation and starts to take action. She directs everyone present what to do.

"Go to him, go to him," cried Anne, "for heaven's sake go to him. I can support her myself. Leave me, and go to him. Rub her hands, rub her temples; here are salts; take them, take them"(Austen, 1818. p 98).

Anne can be seen always ready to assist whenever necessary for people. Anne remains with snobbish little Sister Mary at Uppercross Cottage due to her health complaints, instead of going with father and elder sister to live in Bath. She is so helpful for Mary to look after her noisy children who make it hard for mother to cope with them when she feels unwell. Anne takes well care of the children, which results in children's preference for her rather than their mother and all. Once she intentionally overlooks the chance to meet the one whom she has been really looking forward to seeing for a long time so that Mary could depart with her husband. She stays with an invalid boy instead of going to see the lover, Captain Wentworth.

Considering some characters' strong feeling of sympathy has noticeably influenced on their fates in the story, charity has been one of the inseparable qualities in the novel which would be conspicuous by its absence.

"Hope is like a road in the country; there was never a road, but when many people walk on it the road comes into existence" - (Lin Yu-Tang).

Human kind is rescued in hope. Hope is a spiritual expectation that events in the future will be better. It is a wishful thinking that you will be able to meet your ambitions and anticipations of things going right. Hope is what guides people to perseverance, strength and happiness. It is one of the three entities which last: hope, love and faith. A strong emotional anticipation, hope, is illustrated by the characters Captain Wentworth and Anne Elliot stronger than any others.

After being severely declined by Anne Frederic Wentworth loses his hope to spend the rest of his life with Anne. His intense wish to forget quickly his disappointment is clearly reflected that he expends his eight years serving in the navy considerably far from where Anne lives.

"Now they were as strangers; nay, worse than strangers, for they could never become acquainted"(Austen, 1818, p 57).

Afterwards he visits his sister Mrs. Croft, Admiral Croft's spouse, who is renting the Elliots' house where he meets Louisa Musgrove, the sister-in-law of Anne's sister Mary. They, Mrs. and Mr. Croft, wish him to build closer relationship with one of the Musgrove sisters. Expectedly, Wentworth gives Louisa a hope to have affairs by being on good terms with her. However, his emotional pain seems alleviated when he finds out from Louisa that once Anne rejected to marry Charles. Unfortunately, their relationship does not last long, till Louis's concussion. Sparkles of expectation of his lost affection towards Anne to step back his heart appear. Wentworth starts feeling something pleasant making him think better of Anne immediately after seeing her making others happy with her assistance. He finds courage to express his true emotions in the form of letter to Anne hoping for her approval.

"Tell me not that I am too late, that such precious feelings are gone for ever. I offer myself to you again with a heart even more your own than when you almost broke it, eight years and a half ago. Dare not say that man forgets sooner than woman, that his love has an earlier death"(Austen, 1818. p 206).

Unlike Frederic Anne Elliot who is one of the two victims of the act of persuasion never loses her hope, which leads her to long lasting happiness despite harsh obstacles and difficulties. In spite of eight years' estrangement, Anne still keeps something at the bottom of her heart that urges her wait for her true lover to come.

"I mean while the woman you love lives, and lives for you. All the privilege I claim for my own sex (it is not a very enviable one; you need not covet it), is that of loving longest, when existence or when hope is gone"(Austen, 1818. p 205).

She is now a fine, caring as well as frank twenty-seven year old lady. Feeling that she still has a passion for Wentworth, Anne refuses Charles Musgrove's proposal. Immediately finding out that Wentworth has come to Kellynch Hall, she is excited as if there were something going to burst out of her, which proves that hope is the basis of love. After some observations, she notices that Wentworth does not fall in love with either of the Musgrove sisters.

"She understood him. He could not forgive her, but he could not be unfeeling"(Austen, 1818. p 81).

The one that rules characters how to act in some ways is hope. It is regarded as characters spiritual and emotional feature that has contributed to the identification of their future consequences. That is what leads the story to a happy end.

The purpose of this essay is to determine to what extent covering the humane qualities such as lasting emotional feeling of belief, sympathy and anticipation has affected the plot and the characters' behaviors of the novel. The novel is not only about the act of persuading people as its name signals, but the main stress is put the consequence of unjust persuasion. It reveals women's issues as well that the author displayed women's predominance over man in terms of emotional feeling and humane properties.

"We certainly do not forget you as soon as you forget us. It is, perhaps, our fate rather than our merit" (Austen, 1818. p 202).

The main conclusion to be drawn from the discussion is that it is characters' feelings that control them in many cases making the plot run through a particular direction till a certain end.

Conclusion. The article's predominant aim, to reveal the soft and strong human qualities incorporated to readers' advantage has been achieved so far. Considering all the features of 'Persuasion' by Jane Austen it is with certainty we can say this is a possible description of a certain woman of the nineteenth century. The novel was accurately written, therefore sequence is clear, fully understandable and elements of conciseness, reality were perfectly fixed in the characters. In addition, reader is given a chance to discover author's subtle ability that Jane Austen had already taken recognizable steps bringing women concerned issues to the attention of readers. Readers can learn considerable lesson from the novel useful to comprehension of morality and culture besides marriage, choosing wisely. As readers go through the novel with either heroine or hero, they will live once more form of life with different mindset, viewpoint. What is quite remarkable about the novel is vivid description of events particularly actions and physical, emotional states of characters in ambiguity. Subsequently, one could notice Jane made it quite transparent treating people as an object could lead awful outcomes. It is worth appreciation Jane was successfully able to convey the message people's mindset, ways of thinking have an essential role to play while making lifelong decisions.

REFERENCES

1. **Dare Guild.** An explorative essay on why Jane's persuasion has survived two hundred years in both its original format and its adaptations. 2017 <https://www.digitalausten.org/node>
<https://www.brainquot e.com>authors>
2. **Annika Bautz.** 'Persuasion' the literary encyclopedia, 2005(2018) www.literaryhistory.com
3. **Sheila Johnson Kindred.** Jane Austen's forgotten muse: a review of Jane Austen's transatlantic sister, 2018 www.deanjobb.com

УДК 415:494.3:8

ШОИР БИСОТИЙ САМАРҚАНДИЙ ЛИРИК МЕРОСИГА ХОС АЙРИМ ЖИХАТЛАР НЕКОТОРЫЕ ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ СТИХОВ БИСОТИ САМАРКАНДИ SOME LANGUAGE PECULIARITIES OF THE POEMS BY BISOTI SAMARKANDI

Шукуров Фозилжон Махмадович

СамДУ тожик тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: Бисотий, лисоний, девон, жанр, қасида, ғазал, қитъа, мухаммас, рубоий ва фард.

Ключевые слова: Бисоти, лингвистический, сборник, жанр, касыда, газель, кыта, мухаммас, рубаи и фард.

Key words: Bisoti, linguistic, diwan, genre, qasida, ghazal, qit'a, mukhammas, rubai, fard.

Мақолада Амир Темур ва невараси Султон Халил даврларида яшаб ижод қилган шоир Сирожиддин Бисотий шеърларидаги айрим лисоний жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Шоирнинг девони кўплаб жаҳон кутубхоналарида учрайди ва асосан қасида, ғазал, қитъа, мухаммас, рубоий ва фард жанрларида ёзилган. Ушбу шеърлар сўз бойлиги тўғрисида тилшунос олимлар учун муҳим манба саналади.

В данной статье рассмотрены некоторые особенности (языка) "лисони", встречаемые в произведениях Сирожиддина Бисоти, творившего в период правления Амира Темура и его внука Султана Халила. Сборники стихов поэта встречаются во многих библиотеках мира и включают в себя произведения, написанные в разных жанрах: касыда, газель, кыта, мухаммас, рубаи и фарда. Эти произведения являются важным источником изучения богатств поэтического языка лингвистами.

The article deals with some linguistic aspects of the poems by Sirojiddin Bisoti who lived during the reign of Amir Temur and his grandson Sultan Khalil. The diwan of a poet can be found in many world libraries and is mostly written in the genre of qasida, ghazal, qit'a, mukhammas, rubai and fard. These works are considered to be an important source for linguists because of the rich language.

Кириш. Ўзбекистонимиз ҳудудида бугунги кунда бизгача етиб келган маънавий мерос сифатида минг йилдан кўпроқ вақт давомида ёзиб қолдирилган қадимий кўлёмаларни ўрганиш ва тадқиқ этишни талаб этади. Чунки Президентимизнинг кўрсатмалари бўйича бу мероснинг мазмун-моҳияти ва қимматини ошқор этиб, келгуси авлодларимизга етказиш муҳим вазифа саналади. Аммо бу меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш учун манбашунос ва тилшунос тадқиқотчилар, хусусан, араб ва форс, ҳамда туркий ва эски ўзбек ёзуви мутахассисларининг хизмати талаб қилинади. Жумладан, давлат тилимиз ривожланишини таъминлаш учун бу маънавий мероснинг муҳим жиҳатларини тилшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг издошлари ҳукмронлиги даврида туркий тили ривожлана бошлади ва адабий муҳитда ҳам ўз мавқеига эга бўла бошлади, бунинг натижасида зуллисонайлик анъанаси вужудга келди.

Асосий қисм. Темур ва Темурийлар даврида яшаб, ижод билан шуғулланиб, замонасининг энг улуғ шоирлари билан беллашишга журъат этган шоирлардан бири XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳаёт кечирган Мавлоно Сирожиддин Бисотий ҳисобланади. У Амир Темур ҳамда невараси Халил Султоннинг ҳукмронлик даврида ширин баён ва истеъдодли шоир сифатида ном чиқарган эди.

Халил Султон ўз ҳукмронлик даврида (1405-1409) сиёсий жиҳатдан катта ютуқларга эришмаган бўлса-да, адабий муҳит вужудга келиши учун ўз саройи доирасида қулай шароитлар яратиб берди. Соҳибқироннинг муносиб вориси сифатида уламо ва шоирларга катта илтифотлар кўрсатиб, илм ва адаб аҳлини саройга жалб этди.

Кейинчалик шоир Бисотий Халил Султон саройига жалб этилади ва қисқа муддат ичида улуғ шоир сифатида шуҳрат қозонади. Маълум бўлишича, шоир аввалларда «Ҳасирий», яъни Бўрёбоф тахаллуси билан шеър ёзарди. Унинг устози Хожа Исмаил бу тахаллус улуғ шоирга ярашмаслиги ва бундан кейин «Бисотий» тахаллусини қабул қилишини маслаҳат беради [4]. Шоирнинг саройга келишидан олдин «Ҳасирий» тахаллуси билан шеърлар ёзиши ва ҳатто муғанний-созандалар тилида машҳур бўлганидан хулоса қилиш мумкинки, шоир бунга қадар шахзоданинг тахтга ўтирганидан олдин шеърят майдонига кириб келиб машҳур бўлишга улгурган эди. Яъни, аслида шоир машҳур бўлганидан кейин эмас, балки ундан олдин машҳурликка эришиб, кейинчалик саройга жалб этилган.

Чунки мазкур девонда бир қасида ва бир марсия сифатида таржиъбанднинг бир банди махсус Амир Темур мадҳига бағишлаб ёзилган. Ушбу қасида қуйидаги байт билан бошланади:

ای طاق نوربخش که چون دیده انوری
[6]طاق آمدی چو ابروی خوبان به دلبری

Таржимаси: Эй нур таратувчи тоқ, сен кўз каби мунавварсан. Дилбарликда жонон қошлари каби тоқсан.

Қасидада Амир Темур даврида бунёд этилган бир қаср хусусида сўз юритилиб ушбу қасрнинг қурилиши ҳижрий 798 йил битказилганлиги қайд этилган. Бу милодий ҳисоб бўйича 1496 йилга тўғри келади:

ای طاق نوربخش که چون دیده انوری
[6]طاق آمدی چو ابروی خوبان به دلبری

Таржимаси: Эй нур таратувчи тоқ, сен кўз каби мунавварсан. Дилбарликда жонон қошлари каби тоқсан.

Қасидада Амир Темур даврида бунёд этилган бир қаср хусусида сўз юритилиб ушбу қасрнинг қурилиши ҳижрий 798 йил битказилганлиги қайд этилган. Бу милодий ҳисоб бўйича 1496 йилга тўғри келади:

در سال هفصدو نودو هشت شد تمام
[6] از بعد حخرت دردرج پیمبری.

Таржимаси: пайғамбарнинг ҳижратидан етти юзу тўқсон саккиз йилдан сўнг қуриб битказилди.

Амир Темур даврида форсий тилда ижод этиш баробарида туркий тили ҳам ўз мавқеига эга бўла бошлади. Биринчи бўлиб туркий тилда шеър битган шоирлардан бири Соҳибқирон невараси Халил Султон саройида малик уш-шуаро унвонига эга бўлган Хожа Исматуллоҳ Бухорий эди. Таъкидлаш жоизки, Исмат Бухорий форс-тожик адабиёти тарихида ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида шеърлар битрган биринчи шоирлардан саналади. Унинг таъсирида шаҳзода Халил Султоннинг ўзи ҳам икки тилда шеърлар ёзиб, ҳатто ўзбек тилида девон яратган эди. Агар сомонийлар даврида форс-тожик тилида шеър ёзиш анъанага кирган бўлса, XV асрга келиб, шоирлар туркий-ўзбек тилда ижод қилишга ҳам таважжуҳ қила бошладилар. Исмат Бухорий бу анъанага асос солган шоирлардан бири ҳисобланиб, ундан кейин аста-секинлик билан шоирлар ўртасида зуллисонайнлик анъанаси Мовароуннаҳрда ривожлана бошлайди. Бу фикрларни тасдиқлаш учун Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридан парча келтирамыз: “Халил Султон – Ҳазрат султон ус-салотиннинг воқеасидан сўнгра Самарқанд тахтида салтанат қилди. Зурафо ва шуаро мажлисида жамъ бўлурлар эрди. Машхурдурким, ўзи шеър айтир эрди. Андоқким, девони таърифида Хожа Исматуллоҳ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади, ушбу матлаъидан ўзгаким:

ای ترک پرپییکریمیز ترک جفا قیل
[5] کام دلیمیز لعل روانبخش روا قیل.

Бу фикрлар Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида келтирилганлари билан ҳам тасдиқланади: “Султон Халил ўз айёми давлатида Хожа Исматуллоҳни бағоят эҳтиром қилар эрди. Шаҳзода илми шеърни Хожадан таълим олур ерди”[6].

«Тазкират уш-шуаро» асаридан ташқари, Мавлоно Бисотийнинг ҳаёт ва фаолияти хусусида Мавлоно Озарийнинг «Жавоҳир ул-асрор» ва Мир Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираларида ҳам қимматли маълумот келтирилган.

Саройда шоир улкан шон-шухрат ва мавқега сазовор бўлиб, буюк ғазалнавис сифатида танилади. Чунончи, Мавлоно Озарий «Жавоҳир ул-асрор» асарининг учинчи фаслини ғазал навига бағишлаб, Бисотийни ҳатто Ҳофиз Шерозий ва Камол Хўжандий каби улуғ ғазалгўй шоирлар қаторида қўйиб шундай ёзади: «Ҳамчунонки, бу шариф фан сўз фанлари орасида пуршева (турли санъатларга эга) ва фитнагар ва дилрабой

(дилтортар) ва ғамзазийнат (хайратланарли)дир, бу касбнинг ишқибозлари ва соҳибларининг барчаси азизулвужуд ва оламгир ва шахрошўб ва зарифтабъ ва танассухгўй ва адимулмисл (мислсиз) ва нодируттаврдириллар. Афзал ул-мутааххирин (охирги шоирларнинг энг афзали) Шайх Камол Хўжандийки ўз мутақаддим (аввалгилар) ва мутааххир (кейинги) лари орасида билоназир (беназир) дир. Лафзан ва маънан бу касбни ўз камолига етказган... Ва Мавлоно Шамсиддин Ҳофиз Шерозий каби... Ва Бисотий Самарқандий каби... Ва шубҳасиз ғазалгўйлик ва ғазалхонлик Мовароуннаҳр машрабига хосдир. Латофат ва зарофат ва такаллуф ҳусни сурат каби калом ва ҳусни табъиятда бу ўлка аҳлининг табъига ғолибдир. Чунонки лаъл Бадахшон давадур Баҳрайнда ва ақиқ Яманда бўлгани каби». Таниқли адабиётшунос олим, академик Ботирхон Валихўжаевнинг таъкидлашича, бу келтирилган парчадан аён бўладики муаллиф, биринчидан, ғазал навини ишқий ҳиссиётларни баён этишда беназир деб билиб, бу нав эгаларини тенгсиз шоирлар ҳисоблайди. Иккинчидан, муаллиф шеършунос сифатида Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий ва Бисотий Самарқандий каби шоирлар хизматини бу соҳада юқори баҳолайди. Учинчидан, ғазални Мовароуннаҳр шоирларига хос нав деб эҳтиром ва самимият билан мулоҳаза юритади. Қайд қилиш жоизки, «Жавоҳирул-асрор» Бисотий Самарқандий ҳақида маълумот берадиган энг қадимий манба саналади [3, 6].

К.Ҳ.Эте, Забехулло Сафо, Исмоил Ҳокимий, В.В.Бартольд, И.С.Брагинский, Садриддин Айний, академик Ботирхон Валихўжаев, Тўракул Зехний, Садри Саъдиев ва бошқалар ўз асарларида шоир ҳақида маълумотлар келтирганлар.

Шоир девонининг қўлимиздаги электрон варианты ҳам Техрон шаҳри Миллий кутубхонасининг 13003 рақами остидаги нусха ҳисобланади. Китоб “Жунг-е ашъор” – шеърлар тўплами шаклида жамланган бўлиб, «مجموعه اشعار يازده نفر شعراو معروف-“Мажмуъа-йе ашъор-е ёздаҳ нафар шуъаро-йе маъруф” – Ўн бир нафар машҳур шоирнинг шеърини тўпламлари” деб номланади. Мавлавий Жалолиддин, Саъдий ва Ҳофиз, Ироқий ва Авҳадий каби шоирлар қаторида китобда Исмаил Бухорий ва ҳошияда унинг шогирди Бисотий Самарқандий шеърлари келтирилган.

Шоир сўз санъатларини маҳорат билан ишлатган. Чунончи, дил бартавонад доштан – бирор нарсдан кўнгли қолиши ва дилбар тавонад доштан – дилбар қўлидан бу иш келиши маъноларидан фойдаланган:

ديده را كس دور از آن دلبر تواند داشتن
[6]كو به آسانی ز جان دل بر تواند داشتن

Қўлёмани лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш жараёнида шу хулосага келиш мумкинки, у айнан Султон Халилнинг ҳукмронлик даврида шоир Бисотийнинг ҳузурида ёзилган бўлиб, бу қўлёманинг ёзилиши тартибини ҳам шоирнинг ўзи таклиф этгани, ҳатто унда шоирнинг ҳиссаси ҳам бўлиши мумкин. Чунки айрим мисраларнинг вариантларини келтириш, баъзи ҳолатларда сўзларни ўчириб аруз вазнига мос келадиган сўзни ёзиш шеър муаллифига хос эканлиги маълум.

Шоир девонида ҳамда котиб томонидан айрим хатоликларга йўл қўйилганлиги кузатилади. Масалан, қўлёмандаги бир ғазалида мисралар ўрни алмашиб, қофия бўйича иккинчи қаторда ёзилиши керак бўлган мисра учинчи қаторда ёзилган:

دوش بحرى داشتم من زاب چشم
حلقه این كعبه گیر ای آب چشم
تا بدان ساعت كه جان آمد بلب
[6]هرچه میباید از این در میطلب.

Қуйидаги ҳолатда эса 486-бетда келтирилган ғазал мисраларининг икки варианты келтирилган ва ўқувчига танлаб олиш тариқасида ҳавола этилган:

بودكه چشم كشایی بكار بستنه من
اگرچه دیر نیاید ز باد دولت گل
[6]گل جمال تو پاینده باد تا دیری.

Шоҳмот ва нард ўйинларига хос бўлган муҳра, шашдар, рух, асп, шоҳ, нақш, мот каби сўзлар алоҳида мавқега эга. Чунончи, шоир от ҳужумига дуч келган рухни бундай тасвирлайди:

تا نهم رخ پيش اسبت چون بساطی ساعتی
[6,457]. شهسوارا دست رحمت در میان میبایدم.

Шоир ўз шеърларида ўз даврида маълум бўлган шеърятда ишлатиладиган сўзлар каторида кўплаб янги сўз ва ибораларни ҳам ишлатган.

Хулоса. Шоир ўзининг қисқа умри давомида мукамал девон яратиш ва катта шуҳрат қозонишга улгурган. Аммо бугунга қадар шоирнинг ҳаёти ва фаолияти чуқур ўрганилмаган бўлиб, ўз илмий изланишларини кутмоқда. Чунки аждодларимизнинг асрлар давомида яратган маънавий бойликларини ҳар томонлама, жумладан, адабиётшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Аҳмедов Б.** Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 430 б.
2. **Бартольд В.В.** Халиль-Султан //Сочинения. Ч. 2: Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. — М.: Наука, 1964. – 656 с.
3. **Валихўчаев Б.** Доирба як шарҳи ашъори Камоли Хучандӣ ва Бисотии Самарқандӣ //Масъалаҳои робитаи адаби. – Самарқанд: Нашри ДДС, 1981. – 106 б.
4. **Зеҳнӣ Т. Саъдиев С.** Суханварони сайқали рӯи замин. – Душанбе: Ирфон, 1970. – 72 с.
5. **Саъдиев С.** Маркази адабии Самарқанд дар шоҳроҳи таърих. – Тошкент: Ўзбекистон иллий энциклопедияси, 2012. – 398 б.

۷۹۰سحیفه – . ۱۳۰۰۳ دستنویس، کتابخانه ملی شهر تهران. // مجموعه اشعار یازده نفر شعرا و معروف



*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак – шоирларнинг султонидир.*

И.А.Каримов

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич

ЎзРФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти мумтоз адабиёт тарихи бўлими бошлиғи, ф.ф.д., проф.

Мана беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий халқ фахри, тилимизнинг байроқдори, шеърят мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлоқ қуёши бўлиб келмоқда.

Навоийга ўхшаш доҳий шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун жуда яхши шаклланган ижтимоий-маданий муҳит ва ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит зарурдир. Навоий XV аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маънавий, маърифий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ. Амир Темур Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган. Шунинг учун Амир Темур ҳукмронлиги давларида шаклланган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги Бирлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирар эди. “Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида, - деб ёзган эди академик Иззат Султон, - “Темур ва темурийлар даври” деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва ғурурини уйғотар эди, чунки бу давр “Турк улуси” зодагонларининг ҳокимият бошига келиши ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлди. Зотан, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг бунёдга келишига замин ҳозирлаган ва Навоий ўз тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди”. Шу боисдан ҳам Навоий фикри очиқ, руҳонияти соғлом, тўғрилиқ, ростлик ва ҳақиқатни умр моҳияти деб билган, эл учун ижод қилиш заруриятини чуқур ҳис этган. Сўз билан одамни алдаш, Сўз билан ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабоҳат эканлигини Навоий ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Улуғ шоир бутун ижодиёти мобайнида “Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил”, деган талаб ва шиоридан мутлақо чекинмаган. Бу – ижод тажрибасида жуда сийрак учрайдиган ходиса.

Навоий ўн бешдан зиёд шеърый шаклларда қалам тебратган. У ғазал, рубоий ва бошқа турдаги шеърларида инсонга хос жамики ғўзал ҳис-туйғулар, эзгуликка чорловчи маъноларни тасвирлаб берган деса, муболаға бўлмайди.

Навоийнинг ўзбек тилида илк маротаба “Хамса” яратиши чинакам ижодий жасорат эди. “Хамса” – беш улкан дostonни ўз ичига олган мукамал асар. Ҳар dostonнинг ўзи бир оламдирки, ундаги ғоялар ҳақиқатлар, неча ўнлаб қаҳрамонлар тақдири инсоният қалбини абадулабад завқлантиришга қодир.

Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир шоирлиги билангина белгиланмайди, албатта. Навоий бадиий ижод жабҳасида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимликда ҳам шунчалик Беназир. Навоийнинг тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфшуносликка бағишланган асарлари ҳанузгача ўзининг илмий қимматини бой бергани йўқ. Тилимиз адабиётимиз муаммоларини ҳал қилишда бу

нодир тадқиқотларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз, айниқса, ёш авлод улардан пухта хабардор бўлиши зарур.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш олийжаноб меҳнат. Унинг таржимайи ҳоли, меросига қизиқиш XV асрдан бошланган. Навоий асарлари ўз замонасиданоқ моҳир хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, халққа етказилган бўлса-да, навоийшунослик XX асрда янги шаклланди. Албатта, собиқ шўро даврида Навоий асарлари нашри ва тадқиқи бўйича кўп ишлар қилиниб, маълум ютуқларга эришилган. Аммо улар эркин ёки озод бир миллатнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира олмасди. Чунки Навоий тўғрисида баҳс юритган ҳеч бир олим шўро мафкураси томонидан белгиланган чизиқдан четга чиқа олгани йўқ. Айтиш зарур бўлган фикр- мулоҳазаларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг кўнглида қолиб кетганлиги энди сир эмас. Шоирнинг айрим асарлари нега мустақиллик замониғача тўлиқ нашр этилмади? Улуғ шоир ижодиётининг ирфоний моҳияти илоҳий ҳақиқатлари хусусида нега баҳс юритилмади бунинг сабаблари мушоҳада қилиниши лозим.

Ёшларимиз Навоийни қанчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, эзгулик комиллик сирларини ўшанча кенгроқ эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин истамасин одамийлик шарафи ва қувватини идрок этади. Навоий сабоқларига амал қилган киши ўзидан халқ дарду ташвишларини енгиллатишга бел боғлайди, фикрни фикрсизликка илмни нодонликка ва жаҳолатга қарши қурол ўрнида ишлатади. Навоийни етарли даражада билиш – адолат, диёнат ва иймон эътиқоднинг кучига ишонч демак. Кўнглида шу ишонч ғолиб бўлган одамлар сони жамиятимизда қанча кўпайса, инсоний муаммолар ҳар қалай камайиб боради. Энг муҳими, диний ҳаётдаги маҳдудлик ва чалғишлар ёш авлод онгидан тезроқ барҳам топади. Бунга сира-сира шубҳаланмаслик зарур.

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг марказий сиймоси. Туркий адабиётнинг энг илғор ва безавол ютуқлари шоир шеърлятида мужассамлашган. Буни Озарбайжоннинг беназир шоири Муҳаммад Фузулий, туркман классиги Махтумқули, қозоқ оқини Абай, қорақалпоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бўлмиш Бердақнинг эътирофларидан ҳам англаш мумкин. Демак, Навоий ижоди қардош халқлар билан бўлган асрий алоқалар, дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва янги поғоналарга кўтаришдаги ўзига хос мухташам асосдир. Навоий ва Жомий ўртасидаги устозу шогирдликни эса ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатса, ўшанча кам. Чунки бундай ҳодисалар кўҳна тарих учун ҳам камёбдир.

Хуллас, кейинги йилларда биз Навоийнинг тилимиз, маданиятимиз, адабиётимиз ривождаги тарихий хизматларини нисбатан чуқур англай бошладик. Навоийнинг қудратли шахсияти бетакрор ижодиёти ижтимоий, сиёсий фаолияти бунёдкорлик хусусидаги тасаввурларимиз нисбатан ўзгарди.

Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида шундай гап бор:

Дедим: назм аҳлининг сархайли ким бўлғай, деди ҳотиф:

Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.

Ўша ҳотиф – ғойибдан овоз бергувчи адашмаган: Навоий ҳақиқатда ҳам шоирларнинг сардори, барча давр туркий шеърлятининг султонидир. Алишер Навоий шеърляти санъаткорликнинг буюк мактаби. Унинг ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тарақиёти ҳақида мулоҳаза юритиш ёки “Шоир ким, унинг асосий ҳунари нима?” - деган сўроққа аниқ жавоб топиш мумкин. Мен Навоий яшаб ижод қилган даврни гоҳо ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Ҳазрат шеърлятининг ўқувчилари, мухлисларини кўз олдимга келтиришга уринаман.

Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар – гўзаллик ва шеърлятнинг сир-асрорини ҳам, кадр-қимматини ҳам англай оладиган кишилар. Кейин илм аҳли - Навоийга олимларнинг – шоири, шоирларнинг – олими деб қараган, Навоийни илм-фаннинг толмас муҳофизи, буюк маърифатпарвар ўлароқ эъзозлаган олим-у уламолар.

Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари шеър тили ила гўзал талқин қилинишига тан берган файласуфлар...

Хуллас, Алишер Навоий шеърлятидан баҳрамандлик кўнгил эҳтиёжи бўлиб қолган мусаввирлар, муғаннийу ҳофизлар, давлат ва ҳокимият соҳиблари, ҳақ йўлчилари –

дарвеш, фақир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вакиллари, косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар...

Еҳтимол, бу қайдлар кимгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни қўя турайлик. Шоир шоирнинг, ёзувчи ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай қўйган замонда ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда кўпчиликнинг Навоийга қизиқиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар қилмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда “Навоий хослар шоири”, деган бир фикр айтилган эди. “Хослар” – алоҳида тоифа демак. Одатда, аҳли тасаввуфга хослар дейилади. “Аъхос” – хосларнинг хоси, “Хос” – сараланган кишилар жамоаси, “авом” – саводсиз ёки саводи паст оддий халқ, “аъом” – даражасида ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилоҳлар. Шунинг учун на тасаввуф нуқтаи назаридан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни “хос”лар шоири дейиш ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Навоий шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам ҳамма-ҳаммининг шоири. Навоий шеърятдан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Ҳатто золим ва жоҳил, нодон ва гумроҳ ҳам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеърятда битта бош мақсад бор – Комиллик. Битта сарбон туйғу мавжуд – Камолот туйғуси. Асосий биргина нур қайноғи бор – Ишқ.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳият ва саодати шу ишқда.

Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир нарсага ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасига юксалиш машаққатли – риёзат ва заҳматни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада оғирроқ. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирамайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўли ёки усуллари кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки, биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташлаб, ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуқсонларининг мушоҳадасига киришиш:

Ноқис улдирким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлағай.
Ўз камолидин демас аҳли камол
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
Сенки нуқсон ичра комилсен, баса
Олим айтиб ўзни, жоҳилсен баса.

“Нуқсон ичра комил”лик дегани нима? Бу – нафс дастидан халос бўлмаган ўзлик. Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний “Мен” салоҳиятига асосланади. Инсоннинг иймони ва виждонини ана шу “мен” ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди. Хурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюк шоирларидан бири “Оллоҳни жуда очиқ кўришни истасанг «Мен»ни жуда очиқ кўришни ўрган”, деганда нафс учун “ўлган”, руҳ учун ҳаёт бошлаган ўша янги “мен”ни эътиборда тутган.

Навоий бир ғазалида:

Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний,
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмасдур маршрут, -

дер экан, худди шу “Мен” тақдири учун жавобгарликка чорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур этиб бўлмас ўзгариш, ғаройиб янгиланишлар ижодкори бўлмиш ушбу “Мен” хусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби бор.

Азизиддин Насафий “Комил инсон” номли китобида ёзади: “Билгики, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукамал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси яхши сўз, иккинчиси эзгу фаолият, учинчиси гўзал ахлоқ, тўртинчиси илм”. Бу тўрт нарсага эришган киши комил бўлиши мумкин, бироқ хурлик шавқини қўлга кирита олмас экан. Сабаб? Чунки у яхши ахлоқ, яхши амал ва илмда нечоғлик илгариланган бўлмасин, тўла маънода кўнгил тозалиги ва осудалигини қўлга киритиб билмаган. Хўш, нима қилиш керак? Фано ҳолидан нажот кутиш лозим. Навоий ғазалларидан бирида ёзади:

Дединг : “Фано недур?” Мухтасар дейин: “Ўлмак!”

Ки шарҳин тиласанг юз рисола бўлғусидир.

Бизда фано шахрида, ҳатто бирор рисола ҳам йўқ. Шунинг учун ўша мухтасар шарҳ: “Ўлмак, йўқ бўлмак” - дан бошқасини деярли билмаймиз. Ҳолбуки, Навоий девонларидаги неча юзлаб байтлар, бутун бошли ғазаллар фано талқинига бағишланган. Мана, ўша байтлардан айрим намуналар:

Кирсанг фано тариқиға девонавор кир,

Ул ваҳҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур.

Ёки:

Фано майхонасида қил гадолиғ, десанким, бўлмайин султонга муҳтож.

Фано тариқининг бош талаби ва туб моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси – унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у Ҳақдан ажралган. Яъни ирода ўртадаги ҳижоб. Демак, инсон ўз-ўзича ожизлик, ноқислик, кучсизликларни бутунлай йенга олиш имкон ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам қудратли. Илоҳий ирода эгаси бўлиш эса юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюклиги ва устунлигини намойиш этадиган қудратли “Мен”нинг туғилиши. Шунинг учун ҳам Навоий:

Дема жоми фано ичра эзилмишдур ажал заҳри,

Навоий жон бериб, ул жомни чекмақдур армоним, -

деб ёзган.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳйиддин ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан ҳам асослаб берган. Унингча: “Инсонни комилдан юқори мукамал бир мавжудлик йўқдир”. Бу дунёда “Инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотик – улар фақат сувратда инсондирлар, холос”. Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир қитъаларини хотирга келтиради:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,

Ҳеч ор айлама гадолиғдин.

Ким буларға гадолиғ ортиқдир,

Аҳли суратға подшолиғдин.

Демак, “аҳли маъни” – комил инсонлар, “аҳли сурат” – комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеъриятида эса комиллик фазилати ва ҳақиқатларнинг мислсиз бир бадий қомусидир.

UDK 334.021:316

**ЁШЛАРИМИЗ КОРРУПЦИЯСИЗ ЖАМИЯТДА ЯШАШИ ЛОЗИМ
НАША МОЛОДЁЖЬ ДОЛЖНА ЖИТЬ В ОБЩЕСТВЕ, ГДЕ НЕТ КОРРУПЦИИ
OUR YOUNG GENERATION MUST LIVE IN THE SOCIETY DEVOID OF
CORRUPTION**

Матибаев Ташпўлат Балтабаевич

“Ўзбекистон темир йўллари” темир йўлчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши қошидаги “Сиҳатгоҳ” Санаторий – профилакторияси бош шифокори, социология фанлари доктори, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаш депутати

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз [1].

Мирзиёев Шавкат Миромонович
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Таянч сўзлар: ёшлар, коррупция, адолатли жамият, қонун устуворлиги, ҳуқуқбузарлик, демократик мамлакат, эркинлик, тараққиёт, фуқаролик жамият.

Ключевые слова: молодёжь, коррупция, справедливое общество, верховенство закона, беззаконие, демократическая страна, свобода, прогресс, гражданское общество.

Key words: youth, corruption, fair society, law supremacy, lawlessness, democratic country, freedom, progress, civil society.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликлар ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиш бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш, аввало негизда моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантиришдир.

Стратегическая цель политики обновления и развития страны - создание достойных условий жизни для всех людей, живущих в стране, поднятие уровня жизни, обеспечение свободы действий. Основное внимание уделяется принципам социальной справедливости, которые являются основой фундамента демократического гражданского общества.

The strategic goal of the policy of renewal and development of the country is to create decent living conditions for all people living in the country, to raise living standards, and to ensure freedom of action. The focus is on the principles of social justice, which are the foundation of a democratic civil society.

Кириш. Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваломбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган замонда яшамоқдамиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг келажagini ёшлар белгилайди. Ёшларга берилаётган эътибор миқёси миллат савиясини, унинг ривожланиш даражаси қандай бўлишини кўрсатади. Шу маънода, мамлакатимизда ёшларга эътибор нафақат моддий ва маънавий жиҳатдан, балки уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилаётганлиги билан ҳам характерланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни тарғиботини ёшлар ўртасида йўлга қўйиш мақсадида жойларда “Коррупцияга қарши курашиш – давр талаби” мавзусида ҳуқуқий профилактик тадбирлар ўтказилиб келиняпти. Барча туман-шаҳарларда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга

қаратилган 23 мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилиб, бу орқали 378 мингдан ортиқ ёшларни бир мақсад атрофида бирлаштириш қамрови режалаштирилди [14].

Асосий қисм. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллиондан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. “Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум”[8], - деб таъкидлайди, Ш.М.Мирзиёев.

Коррупция ёш авлодда ижтимоий адолатга, ҳақиқатга, давлат органлари ва мансабдор шахсларга бўлган ишончини сусайтиради, – дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Х.Очилов. – Энг ёмон томони, бундай хавфли қилмиш охир-оқибат уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаб-яшнаши учун шароит яратади. Шу боисдан касб-ҳунар коллежини битириб, касбий фаолият бошлаш остонасида турган ёшларга коррупциянинг нечоғли хавфли иллат экани ҳақида кенгроқ маълумотлар бериш бугунги кун талабларидан биридир. Чунки бугунги кун ёшлари эртанги мутахассис, жамият ва давлат бошқарувининг иштирокчисидир [12].

Жамиятимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ғамхўрлик кўрсатишга қаратилгандир.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас [9].

Эътиборли жиҳати, истиқлолнинг дастлабки ойларидаёқ, яъни 1991 йил 20 ноябрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун юртимизда ёш авлодга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Муҳими, унда ёшларга оид мустақил давлат сиёсатининг мақсади ва вазифалари қатъий белгилаб қўйилди.

Шунингдек, истиқлолимизнинг ўтган йилларида мамлакатимизда демократик принципларнинг қарор топиши билан бирга ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга ва ижтимоий кўмак яратишга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими изчиллик билан шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва давлат дастурлари каби ёшларга оид жами 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг барчаси ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол – жисмонан соғлом, ақлан етук, ҳозирги давр талабига дахлдор касб-ҳунарларни эгаллаган, айна пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳиятли юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Шу ўринда ёшлар билан ишлашда нафақат давлат муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаол иштирок этаётганини қайд этиш жоиз. Бу механизмлар, ўз навбатида, мустақиллик йилларида “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” давлат дастурларини самарали амалга оширишнинг муҳим омили бўлди. Ушбу дастурлар доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларимизни ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ҳам мазкур ислохотлар изчиллигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги [6] Қонун навқирон авлод манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши юзасидан олиб борилган ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қолаверса, қонун йигит-қизларимизнинг қобилиятини тўла рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, турли маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантиришда муҳим омил бўлаётир.

Янгидан ташкил этилган Ёшлар иттифоқи мамлакатимиздаги барча ёшлар интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган, манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чоралар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас: “Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азмуши жоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш – биз учун энг муҳим масаладир”[2].

Шу билан бир қаторда юртимизда илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизими қайта тикланиб, янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилди [5]. Бундан ташқари, олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилиб сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Диққатга сазовор томони ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимизда Президентнинг ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган, 3 та фармон ва 5 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди. Шахсан давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижаларга эришаётган йигитларни муносиб тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти таъсис этилди. Жамоат ишларида фаол ишлаб келаётган ёшлар “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланадиган бўлди.

Ёш оилаларимизнинг уй-жойи ва маиший шароитини яхшилаш мақсадида 2018–2021 йилларга мўлжалланган “Ёшлар уйлари”ни барпо этиш дастури тасдиқланиб, унга кўра 8000 нафардан зиёд ёш оилалар уй-жойга эга бўлмоқда.

Ёшларга эркин таълим-тарбия бериб, ўз билим ва кўникмаларини шакллантиришга шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Термиз давлат университетининг Денов филиали, Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиали, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали ташкил этилди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг қарорига асосан 30 июнь Ўзбекистонда “Ёшлар куни” этиб белгиланди [7]. Бундан асосий мақсад мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча ёшларнинг қалбида шу юртга нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотиб, ташаббускор ва истеъдодли ёшларнинг ўз иқтидорларини намоён этишига имкон яратиш, ижтимоий нофаол ёшларни турли соҳаларга йўналтирган ҳолда жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишлари учун кўмаклашишдан иборатдир.

Айни пайтда тўрт мингга яқин ёшлар турли мукофотларга сазовор бўлган, 110 нафар йигит-қиз Ватанимизнинг юксак унвонлари билан тақдирланган. 22 минг нафардан ортиқ ёшлар фан олимпиадаларида, 200 нафардан ортиғи халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган. Ёшларимиз орасида фан номзодлари, фан докторлари ҳам талайгина. Шунингдек, 192 минг нафардан ортиқ ёшлар турли спорт мусобақалари, 3000 дан ортиғи халқаро мусобақалар ғолибидир. Ёшларимиз орасида 600 нафар жаҳон чемпиони, 1 300 нафар Осиё чемпиони бор.

Ютуқлар кўп, албатта. Шунга қарамай, ёшлар билан ишлашда эришилган натижалар билан бир қаторда ҳали фойдаланилмаган қолган имкониятлар ҳам мавжуд. Зеро, давлатимиз раҳбари ёшлар сиёсатининг ўзига хос нозик жиҳатлари хусусида тўхталиб, **“Миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш тутишни, етти ўлчаб, бир кесишни талаб этади”** [3], деб бежиз таъкидламади.

Хусусан, яратилаётган имкониятлардан ёшларимизнинг оқилона фойдаланиши натижасида имкониятлар орқали ёшларимиз онги ва дунёқарашига ўтказилаётган

таъсирлардан ҳимояланиш борасида ҳам ечилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Ортимиздан тамомила янги авлод — замонавий билимлар, хорижий тилларни кунт билан эгаллаётган, буюк аждодларимиз қолдирган илмий-маърифий меросдан, бугунги илм-фан ютуқларидан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан ёшлар келаётир. Бу — бизнинг қўлга киритган энг катта ва муҳим аҳамиятга молик ютуғимиздир. Аммо ёшлар орасида ҳали ҳаётда ўз йўли, овозини топа олмаган, мақсад-муддаоси аниқ бўлмаган, мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси учун яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмай, сусткашлик қилаётган, турли ғаразли оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар ҳам мавжуд. Шундай экан, бугунги глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган даврда ёшларнинг турли ёт ғоя ва иллатларнинг зарарли таъсиридан асрашга қаратилган тарғибот ишларини нафақат марказда, балки энг чекка ҳудудларда ҳам ташкил этиш, уларни қизиқтирадиган, ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиш ва бу борада ҳаётий таклифлар билан чиқиш, ташвиқот ишларини замонавий ахборот технологиялар воситасида олиб бориш, таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий, сиёсий механизмларини ишга солиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим” [10].

Ижтимоий фикр маркази томонидан ёшлар ўртасида Ўзбекистонда коррупция даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра сўровномада қатнашган ёшларнинг 46,3% коррупция даражаси пасайганлигини, 28,3% ўзгариш бўлмаганлигини, 15% коррупция даражаси ошганлигини, 10,4% жавоб беришга қийналишларини қайд этишган. Хоразм вилояти ёшлари коррупция даражасини 82% га пасайганини қайд этишган бўлса Самарқанд вилояти ёшларининг 42% коррупция даражаси ўзгармаганлигини, Сирдарё вилояти ёшлари коррупция даражасининг 40%га ошганлигини таъкидлашган.

Тадқиқот натижаларидан шу маълум бўладики 35% ёшларимиз ҳар қандай ҳолат бўлишидан қатъий назар коррупция ҳолатлари тўғрисида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришга тайёрлигини, 30,5% фақатгина номаълум асосдагина маълум қилишини, 6,5% ёшларимиз фақат моддий рағбатлантириш эвазига, 28% ёшларимиз эса қарор қабул қилишда қийналишларини қайд этишди [13].

Демак, биз ўзимиз билан бир уйда, маҳаллада, кўчада, меҳнат жамоасида, ўқув юртида, ва жамиятда вояга етаётган, таълим олаётган, ишлаётган ёшларнинг одоб-ахлоқи, тўғри дунёқараш, маънавий олами учун масъулмиз, яъни бу ишга бевосита дахлдормиз. Неча йиллар аввал эккан дарахтимиз мевага кирганида қандай қувонган бўлсак, даъват ва ибратимиз, таъсирчан сўзларимиз, ҳаётий тажрибамиз билан йўлдан адашган бир ўсмирни тўғри йўлга солганимизда, уни қабоҳат, деб аталмиш тўрдан сақлаб қолганимизда, худди шундай қувониб, ғурурланишга ҳақлимиз. Чунки тўғри тарбия маҳсули, улуғ аждодларимиз эътироф этганидек, қурилган иморатлар, йўл ва кўприклар, яратилган боғлар, қазилган ариқлар, ёзилган китоблар каби азиз ва муқаррамдир. Ватан туйғуси, ватанпарварлик, киндик қони тўкилган юрт тупроғини муқаддас билиш, уни жон қадар асраш, миллатнинг шаън-шавкати, миллий ғурур ва ифтихор каби фазилатлар замонлар синовидан ўтиб, бизгача етиб келган. Халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб турувчи бу қадриятларни, дину диёнатимизни бугунги ва эртанги ёшлар қалбига, онгу шуурига, турмуш тарзига сингдириш, улар дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъаналар билан бойитиш — биз дахлдор бўлган яна бир муҳим ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар йўлида бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулиятни ҳис

этиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли комил инсонларни тарбиялаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш зарур. Бундай вазифаларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Айниқса, ёшлар онги ва қалби учун кураш бир минтақада эмас, бутун дунёда кескин тус олган, “оммавий маданият” бор кўлами билан ёшлар онгига ёпирилиб кириб келаётган бир пайтда бу ишни ўзи бўларчилиқка ташлаб қўймай, омилкорлик билан тизимли ишларни олиб бориш зарур. Шу боис, янги авлод тарбияси билан жамиятнинг барча фаол қатлами — ота-она, маҳалла, устоз-мураббийлар, маънавият ва маърифат тарғиботчилари, адабиёт ва санъат намояндalари, сиёсий партияларнинг тарғибот гуруҳлари шуғулланишлари давр талабига айланди.

Зеро, мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги куни, эркин ва фаровон ҳаёт қуришимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишишига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва фаровон ҳаёт барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда асосий омилдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёшларга яратиб берилган шароит ва имкониятлар ёшларимиз онг-тафаккури, дунёқараши ва қалбида коррупция иллатига қарши иммунитет ҳосил эта олади. Биз учун муҳими шу. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек: “Маънавий-маърифий соҳада олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат” [4].

Коррупцияга қарши курашишда қуйидаги усулларни ёшлар ўртасида тарғиб қилсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1. Коррупцияга қарши ёш авлодни тарбиялаш.

Чунки жамиятни коррупция ботқоғидан чиқаришнинг энг самарали ўсиб келаётган ёш авлод онги, тафаккурига коррупция зарарларини сингиришдан иборат.

2. Коррупция тўғрисида комикслар, мультифильмлар қисқа метражли фильмлар тайёрлаш ва уни ёшлар аудиториясига тақдим этиш.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи асарларида, шунингдек, Хўжа Насриддин Афанди латифаларида ҳам ёмонликка қарши кураш олиб борилган. Ҳазил-мутойиба инсонларни зериктирмайди ва уларнинг ёдида сақланиб қолиши юқори даражада. Бугунги кунда баъзи бир реклама ёки коррупцияга қарши деворий реклама суратларига кўзимиз тез-тез тушади. Ёшларимиз бу рекламаларни кунда бир нечта маротаба кўришади. Бу уларда оддий бир суратдай қабул қилинади. Барча одамлар учун ёқадиган ҳазиломуз комикслар, мультифильмлар ва қисқа метражли фильмлар орқали кенг оммани коррупция иллати тўғрисида огоҳ қилишимиз мумкин. Ёшларимизнинг бугунги кунда ижтимоий тармоқларда фаоллигини инобатга олсак, муваффақиятли чиққан асар ёшларимиз онгида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Қўшиқдан коррупцияга қарши қурол сифатида фойдаланиш.

Ёшларимизнинг бугунги кунда ҳеч бўлмаганда битта шоу бизнес санъаткорига мухлис эканлигини ва мусиқа жамоатчилиқка таъсир қила оладиган улкан кучдир.

Ёшларимизга ўзбек маданиятига тўғри келмайдиган “ўлдим – куйдим” мавзуларидаги қўшиқлардан кўра жамиятимиздаги иллатларга қарши кураш руҳидаги қўшиқларни куйлашни рағбатлантириш лозим. Ёш авлоднинг мунтазам мусиқа эштишини инобатга олсак, бу орқали ёшларимизнинг онгига ҳамда қалбига кириб боришимиз мумкин бўлади.

4. Ёшларнинг коррупцияга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш ва гуруҳларини тузиш.

Агар инсон касал бўлиб, кассаллик инсон танасидаги барча организмларга тарқаган бўлса, унда тананинг барча организмларини даволаш зарур бўлади. Агар коррупция жамиятнинг барча бўғинларига тарқалган бўлса, унда жамиятнинг барча бўғинларида

ёшларни бирлаштирган ҳолда антикоррупцион гуруҳларни ташкил қилиш лозим. У гуруҳга Ўзбекистон ёшлар иттифоқидан ва профессионал журналистлардан бир киши вакил қилиб қўйилса, коррупция иллатига доир ҳар қандай тури вужудга келса, гуруҳ аъзолари биргаликда коррупция бўлаётган жойга етиб келиб шу жойларга коррупцияга қарши шиорларни, сўзларни ёзиб қарши чиқишса, бундай ҳолатда ёшларимизнинг коррупцияга қарши кураш жараёнидаги роли янада кучайган бўлар эди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш бўйича саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтариш — олдимизда турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Мирзиёев Ш.М.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 146 б.
2. **Мирзиёев Ш.М.** Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31 август 2017 йил. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти www.president.uz
3. **Мирзиёев Ш.М.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 516 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг Сайловолди дастуридан. elections.uz/uzb/events/candidates/6629
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунара таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5313 сонли Фармони // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси" веб-сайти – www.lex/uz.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўрисида"ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси" веб-сайти – www.lex/uz
7. **Мирзиёев Ш.М.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 536 б.
8. **Мирзиёев Ш.М.** Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.
9. Ўзбекистон ахборат агентлигининг расмий веб – сайти www.uza.uz. (http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017?sphrase_id=5804916).
10. **Мирзиёев Ш.М.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 125 б. www.kun.uz 72415108
11. Ўзбекистон Либерал демократик партияси расмий веб сайти. <http://www.uzliberparty.com/news-of-party/1917>
12. Ижтимоий фикр маркази маълумотлари асосида. <https://kun.uz/72415108>.

УДК 341.215.4

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЮК ХАРТИЯСИ – ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ МУҲИМ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТИ

ВЕЛИКАЯ ХАРТИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА – ВАЖНЫЙ ИСТОРИЧЕСКИЙ ДОКУМЕНТ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

MAGNA CHARTA AS AN IMPORTANT HISTORIC DOCUMENT OF INTERNATIONAL LAW

Абдуллаева Фируза Шариповна

БухДУ тарих ва маданият мерос факультети миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: инсон, ҳуқуқ, универсал Билл, БМТ, Женева лойиҳаси, эркинлик, мажбурият, давлат, тамойил, сиёсат, декларация, конвенция.

Ключевые слова: человек, право, универсальный билль, ООН, Женевский проект, свобода, обязанности, государство, принцип, политика, декларация, конвенция.

Key words: human, right, universal Bill of Human Rights, Geneva project, freedom, obligation, state, principle, politics, declaration, convention.

Ушбу мақолада, фундаментал Билл ва 1948 йил 10 декабрь куни қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари таҳлил қилинган. Ушбу фундаментал конвенциялар моҳияти ва бугунги кун учун аҳамияти ҳақида илмий-назарий жиҳатдан фикр юритилади.

В данной статье проанализированы вопросы, касающиеся основных прав и свобод человека, на основе Всемирной декларации прав человека, принятой 10 декабря 1948 года, и соответствующего универсального билля.

The article analyzes human rights found in the Universal Declaration of Human Rights adopted on December 10, 1948 and the Fundamental Bill. The essence and importance of fundamental conventions have been discussed scientifically and theoretically.

Кириш. БМТ Уставида эълон қилинган шахс ҳуқуқларини ҳурмат ва муҳофаза қилиш принциплари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида бевосита ўз ривожини топди.

Ушбу ҳужжат яратилиш тарихига назар соладиган бўлсак, бевосита Иккинчи жаҳон урушидаги инсоният бошига тушган кулфатлар билан боғлиқ.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар ушбу қирғинбарот уруш давомида содир этилган ваҳшийликларга бундан буён йўл қўймасликка тантанали ваъда бердилар.

Асосий қисм. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси деб ном олган бу ҳужжатнинг дастлабки лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1946 йилда бўлиб ўтган биринчи сессияси муҳокамасига тақдим этилган. Шундан сўнг лойиҳа асосида “Ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Билль” тайёрлаш вазифаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига топширилган.

1947 йил комиссия томонидан ўтказилган сессия ушбу ҳужжатнинг дастлабки лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳужжат лойиҳаси устида ишловчи комиссия таркиби БМТга аъзо бўлган 18 та давлат вакилларида иборат эди. Ҳужжатнинг ҳар бир боби, ҳар бир жумласи таҳрир ҳайъати томонидан қизғин баҳс-мунозаралар асосида муҳокама қилинганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Аммо, шундай қизғин жараёнга фаол қатнашган франциялик Рене Кассен Таҳрир ҳайъати аъзолари ғояларини умумлаштиришда ва Декларациянинг кўпчилик комиссия аъзоларини нисбатан бўлса-да қониқтирадиган биринчи лойиҳасини тайёрлашга муваффақ бўлди.

Комиссия йиғилишлари Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилганлиги тўғрисида мазкур лойиҳа “Женева лойиҳаси” деб номланган ва Декларация лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо барча давлатларда кўриб чиқилиб, улар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришлари учун юборилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси якуний матнини тайёрлашда БМТга ўша вақтда аъзо бўлган 50 та давлат вакиллари иштирок этди.

Инсоният ҳурлигининг буюк хартияси бўлмиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинди. Ассамблеяда иштирок этган 56 давлатдан бирортаси мазкур ҳужжатга қарши овоз бермаган (фақат 8 нафар давлат бетараф бўлган).

Комиссия аъзоларидан бири Чарльз Малик Декларациянинг тайёр матни пайдо бўлгунга қадар бўлган нутқида қуйидагилар тилга олинганди: “Декларация инсон қадр-қимматининг асослари бўйича замондошларимиз ишончининг мажмуини ўзида

ифодалайди. Бу энг муҳим ҳужжатни фарзандларимиз ва уларнинг фарзандлари ўқиб ўрганадилар” [1].

Барча давлатлар ва халқлар учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тарихий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлганлигини эътироф этиш мумкин:

биринчидан, у инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро ҳужжат бўлди;

иккинчидан, ушбу ҳужжат ихчам, лўнда, аниқ ва қисқа саҳифада бўлиб, Муқаддима ва атиги 30 моддадан иборат;

учинчидан, декларация инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро миқёсда барча давлатлардаги ҳужжатлар учун андоза вазифасини ўтайди;

тўртинчидан, у инсон ҳуқуқлари универсал хусусиятга эга эканлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Инсон ҳуқуқларининг универсал характери ушбу халқаро ҳужжат “умумжаҳон декларацияси”, яъни бошқача айтганда, “универсал декларация” деб аталишида ҳам ўз аксини топиши рамзий маънога эгадир. Айнан шунинг учун ҳам унинг қоидалари ер юзида яшайдиган ҳар бир инсон учун у эркак ёки аёл, қиз ёки ўғил бола бўлишидан қатъи назар, тенг аҳамиятга эга.

Декларация Муқаддимасида “Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги” эътироф этилган.

Унга мувофиқ ҳар бир инсон:

- яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига;
- муносиб турмуш кечириш ҳуқуқига;
- бошқа мамлакатларда бошпана излаш ва бу бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига;
- мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига;
- таълим олиш ҳуқуқига;
- фикрини эркин билдириш, эътиқод ва виждон эркинлиги ҳуқуқларига;
- қийноққа солинмаслик ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик ҳуқуқларига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1968 йили Эронда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи умумжаҳон анжуманида қабул қилинган Техрон конференцияси ҳужжатларида шундай дейилган: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси жаҳон халқларининг, хусусан ҳар бир инсоннинг ажралмас ва мустаҳкам ҳуқуқлари бўйича умумий битимни ўзида намоён қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мажбурийдир” [8].

Барча давлатлар ва халқлар эришишга ҳаракат қилиши лозим бўлган андоза сифатида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар учун конституцияларининг, инсон ҳуқуқларига оид турли қонунлари ва норматив ҳужжатларининг алоҳида қоидаларини ишлаб чиқишда асосий ҳуқуқ манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. 1948 йилдан кейин қабул қилинган 110 дан ортиқ миллий конституциялар Декларация қоидалари ёки унинг таъсири остида киритилган фундаментал ҳуқуқлар мужассам. Унда ҳуқуқий йўналишлар белгиланган бўлиб, у барча ҳукуматларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги тараққиёт даражасини ўлчашда мезон вазифасини ўтамоқда [9].

Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги нишонланади. Мустақилликка эришганимиздан буён мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигида бозор иқтисодиётини ривожлантириш, халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда нуфузли ўрин эгаллашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан сўнг 6 ой ўтгач, илк бор аъзо бўлиб эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. У мустақил давлатимиз тасдиқлаган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартноманинг иштирокчиси бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланган 12 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 700 тадан кўпроқ қонундан иборат миллий қонунчилигимиз тизими яратилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида қайд этилганидек, давлатимиз “халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда” инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар, жумладан:

- фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт,
- қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция;
- ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция,
- бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқаларга қўшилган [7].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маърузасида шундай деган эди: “Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари ўз аксини топган. 2018 йил ушбу Декларациянинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Биз ҳам инсон ҳуқуқларига оид биринчи универсал ҳужжат бўлган Декларациянинг мазмун-моҳиятини атрофлича тарғиб этиш учун махсус Давлат дастурини қабул қиламиз. Ана шундай амалий тадбирларимизнинг якуни сифатида 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё халқаро анжуманини ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқдамиз” [3].

Бундан ташқари давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлар экан, бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад - “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат эканлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқот янада фаоллашиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди [5].

2018 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди.

Дастурда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этиши бўйича халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилишни таъминлаш, мамлакатимизда мақсад ва шартлари инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ва бошқа чоралар белгилаб қўйилди [4].

Ўзбекистонда умуминсоний қадриятлар устуворлиги асосий принципга айланди, ҳаётда янги демократик меъёрлар татбиқ этила бошланди, инсон ҳуқуқлари эркинликларини ҳимоя қилиш Конституциямиз билан кафолатланади. Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги Конституциямизнинг 13-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” [6]. Шу билан бирга, ҳар бир инсон миллий, диний мансублигидан ва сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга эканлиги инсон ҳуқуқлари ва давлат манфаатлари ўзаро боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Хулоса. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро принциплар ва меъёрларга содиқ бўлган Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат сифатида, энг аввало, Конституциямизнинг 1/3 қисмидан ортиғини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини

химоя қилиш масалаларига бағишлаб, уларнинг устуворлигини конституциявий тарзда мустақкамлаб қўйди ва принцип сифатида эътироф этди.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги жамоатчилигимиз томонидан кенг нишонланиши Ўзбекистонда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигидан далолатдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Саидов А. Барчамиз озод ва тенг бўлиб туғилганмиз” //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2018. – №2. – Б. 8.
2. Таҳрир ҳайъатидан Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий қонуни. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2018. – №2. – Б. 9.
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза //Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбир Дастури тўғрисида” // Халқ сўзи, 2018 йил 9 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи //Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 7.
7. Муаллифлар жамоаси. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий тизими. – Т.: O‘zbekiston, 2010. – Б. 6-7.
8. Бобоев Ҳ. ва б. Инсон ҳуқуқлари. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 77.
9. Ғафуров А., Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Т., 2012. – Б. 58.

UDK. 633/635(575.1)/19-20/(09)

**ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА ЯНГИ ЭКИН НАВЛАРИ ТАРҚАЛИШИДА ТАЖРИБА
СТАНЦИЯСИ ВА ТАЖРИБА МАЙДОНЛАРИ ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР
БОШЛАРИ)**

**ЗНАЧЕНИЕ ВНЕДРЕНИЯ НОВЫХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР НА
ОПЫТНЫХ ПОЛЯХ И ПЛОЩАДЯХ ТУРКЕСТАНА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛА XX ВЕКА**

**THE EXPERIMENTAL STATION AND EXPERIMENTAL FIELDS IN THE DISTRIBUTION OF
NEW VARIETIES OF CROPS IN TURKESTAN REGION
(LATE 19TH - EARLY 20TH CENTURIES)**

Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович
БухДУ докторанти (PhD)

Таянч сўзлар: Туркистон генерал губернаторлиги, фауна, флора, агроном, тажриба станцияси, тажриба майдони, боғдорчилик, изумчилик, сабзавотчилик, полизчилик, фермер хўжалиги, иқлим.

Ключевые слова: Туркестанское генерал-губурнаторство, фауна, флора, агроном, опытная станция, опытная площадь, садоводство, виноградарство, овощеводство, бахчеводство, фермерское хозяйство, климат.

Key words: Turkestan general-governorship, fauna, flora, agronomist, experiment field, experiment station horticulture, viticulture, farming unit, climate.

Ушбу мақолада тажриба станцияси ва тажриба майдонларининг Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида янги экин навлари тарқалишидаги фаолияти илмий далиллар орқали тадқиқ қилинган.

В данной статье рассматривается роль и значение внедрения новых сельскохозяйственных культур на опытных полях и площадях Туркестана в конце XIX - начала XX века.

The article analyzes the activity of experimental station and experimental fields in spreading new types of crops in Turkestan at the end of XIX and the beginning of XX centuries.

Кириш. Россия империяси Туркистон ўлкасини истило қилгандан сўнг ва Туркистон генерал – губернаторлик бошқаруви ҳукм сурган йилларда (1867 – 1917 йй) минтақада юритилган иқтисодий сиёсат заминида кўпроқ фойда олиш, ўлка иқлимий имкониятларидан келиб чиқиб, бой хом ашё захираларини яратиш мақсади кўзланганди. Туркистон Россия империяси учун Ҳиндистон Англияга қанчалик даромад берса, шунчалик мавқега эга бўлади, деб ҳисобланади. Туркистондаги қулай иқлим, бой флора ва фауна, унумдор тупроқ, фасллар алмашунувидаги барқарорлик, сув захиралари ва миришкор деҳқон аҳоли, анъанавий сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, пахтачилик, мевачилик, дончилик, узумчилик, тамакичилик чорвачилик каби соҳаларни ривожлантиришнинг базавий асослари мавжудлигини кўрган мустамлака ҳукумати интеллектуал салоҳиятли кишиларни ўлкага сафарбар қилди. Хориждан импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун кетадиган харажатлар Туркистон ҳисобидан қисқартирилиши кўзда тутилган эди. Ўлкада суғориладиган ер фондларини кенгайтириш, янги ерлар ҳисобидан давлат хазина ер мулкларини вужудга келтириш, гидротехника ишларини кенгайтириш асосида каналлар қазилиб, қўриқ ерларга сув чиқариш, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончиликни такомиллаштириш кўчманчи аҳолини ўтроқлаштириш орқали янги яйлов ва ер фондларини яратиш ва мусодара қилиш, ўрмон, чўллар устидан назорат ўрнатиш, кўчиндиларга янги экинларнинг уруғлари, мевали дарахтлар кўчатлари, узум наваларини тарқатиш, уларни маҳаллий деҳқончилик маданияти билан таништириш, сунъий суғориш хўжалиги тажрибасини ўргатиш билан боғлиқ кўпдан-кўп чора-тадбирлар кўрилди.

Асосий қисм. Империя ҳукуматининг сиёсати талончилик, зўронлик, аҳолини руслаштириш, ўлкани хом ашё базасига ва саноат моллари сотадиган бозорга мумкин қадар тезроқ айлантириш кабиларга йўналтирилган бўлса-да, ўша даврда деҳқончилик ва

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажриба ва билимга эга бўлган маъмур ва амалдорлар, табиатшунос олимлар ва агрономлар сафарбар қилинди. Қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари маҳаллий аҳолига (русларда маҳаллий аҳоли камситиб туземец) нисбатан қандай муносабатда бўлишидан қатъий назар ўлка табиати ва об-ҳавосини ўрганишда, тупроқлар таркиби ва ер унумдорлигини оширишда, янги экин навларини иқлимлаштиришда, ўғитларни қўллаш, замонавий техникани хўжалик тармоғига олиб киришда, қишлоқ хўжалиги соҳасини илмий асосда йўлга қўйиш, янги тармоқларни шакллантириш кабиларда самарали ишларни бажардилар. Туркистон Россия марказидан келган олимларга “очилмаган кўриқ” дек тадқиқотлар ва тажриба майдонига айланди. Империя Давлат Кенгаши ва Деҳқончилик вазирлиги Туркистон тажриба қишлоқ хўжалик станциясини қуриш таклифларни тасдиқлар экан, 1896 йил 26 февралда бу борада қарор қабул қилди. Аслида тажриба станцияси барпо этиш имкониятларни ўрганиш мақсадида 1895 йилда минтақага махсус топшириқ билан қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, агроном А.И.Шахназаров юборилганди. Унинг зиммасига тажриба станцияси қуришни лойиҳалаштириш, унинг жойини аниқлаш, истиқболда станцияга раҳбарлик қилиш масъулияти кабилар юкланди. Қурилажак тажриба станцияси Туркистонда қишлоқ хўжалик саноатини ташкиллаштириш маркази бўлиши керак эди [2]. Тажриба станцияси тузилмаси, унда фаолият кўрсатадиган ходимлар, ишчи ўринлар, кетадиган харажатлар ва маошлар сметаси каби масалаларни ҳал қилишда генерал – лейтенант Н.И.Корольков, агроном А.Шахназаров, Туркистон генерал – губернатори вазифасини бажариб турган граф Ростовцев, маъмурлардан В.Есаков, А.И.Николаенко кабилардан иборат махсус гуруҳ тузилганди [2].

Туркистон тажриба станциясини қуриш учун АҚШ тажрибаси ўрганилди. АҚШда ҳар бир штатда 4–5 тажриба станциялари фаолият кўрсатиб, деҳқончилик соҳасидаги янгиликлар, экинларнинг янги навлари ушбу станциялардан фермер хўжаликларига тарқатилганлиги, техника соҳасидаги кашфиётлар ҳам тезкорлик билан хўжалик ҳаётига жорий этилганлиги, уларда 10/9 қисм ишлар техникада, (Россияда 10/1 қисм) бажарилаётганлиги мамлакат иқтисодий юксалаётганлиги билан боғлиқ фикрлар матбуотда кенг тарғиб қилинганди [2].

1895 – 1897 йиллар давомида олиб борилган ишлар натижаси сифатида, 1897 йилнинг кузида Туркистон генерал – губернаторлиги маркази Тошкент шаҳридан 12 чақирим узоқликда Тошкент – Чимкент йўли ёқасида Туркистон тажриба қишлоқ хўжалиги станцияси (бундан буён станция) очилди. Дастлаб унинг қурилишига Деҳқончилик вазирлиги 3500 рубль ажратди, кейинчалик бинолар барпо этиш, ер сотиб олиш учун 20.000 рубль маблағ берилди. Тажриба станцияси помешчик Малькинга тегишли бўлган хусусий ер фондлари ўрнида бўлиб, бу ерлар сотиб олинди. 66 десятина ерга эга бўлган станциянинг биринчи бошқарувчилигига профессор Гарник–Гарницкий тайинланиб, станция биносини қуриш ва анжомлар билан таъминлаш ишларига раҳбарлик қилди. 1898 йил баҳоридан станция биносини қуриш ишлари бошланди ва 1899 йилдан бино фойдаланишга топширилди [8]. Станция аъзолари бинога кўчиб ўтгандан сўнг, унинг фаолиятида самарадорлик кучайди. Айрим манбаларда 1902 йилдан, айрим манбаларда 1903 йилдан бошлаб станцияга Р.Р.Шредер* раҳбарлик қилган. У Москва Деҳқончилик институти ассистенти лавозимидан станцияга раҳбарликка ўтказилган [8, 10]. Р.Р.Шредер ўз мақолаларидан бирида: “мен станцияга 1902 йил декабрда келиб, 6 йил фаолият кўрсатдим” – деб ёзганди [9]. Станция асосан уч йўналишда фаолият юритиб: а) дала, б) мевачилик ва узумчилик масалалари устида шуғулланиш, в) лаборатория кузатувлари олиб бориб, ўсимликлар вегетация даврини ўрганиш. Р.Р.Шредер станция бошлиғи бўлиб, у билан бирга боғбон Дилевский ва химик В.Негодновлар; яъни уч нафар ходим тажриба ишларини олиб боришган. Тажриба станцияси олдига қуйидагилар қўйилган:

- минтақада янги экин навларини иқлимлаштириш ва жорийлаштириш;
- ҳар бир ҳудудда экинларни алмашлаб экиш самарадорлик даражасини аниқлаб, тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ҳар бир экин турини етиштиришга кетадиган сув сарфини аниқлаш;
- тупроқ ва тупроқ ости жинслари таркибини ўрганиш, тупроқнинг сунъий суғоришга мослашувчанлигини аниқлаш;

- тупроққа ишлов бериш тажриба - синовларини ўтказиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ўғитлар таркиби, уларни ҳар бир экин навига қўллашни тажрибадан ўтказиш;
- ўсимликларни алмашлаб экиш самарадорлиги даражаси (асосан пахта)ни аниқлаш;
- ўлка об-ҳавосини ўрганиш, доимий илмий-метрологик кузатувлар олиб бориш;
- фенологик кузатувлар олиб бориш орқали янги экинларни иқлимлаштириш ва мослашувчанлигини аниқлаш, тажрибадан ўтказиш;
- ўлка қишлоқ хўжалигига янги техника ва машиналарни, меҳнат қуролларини жорий этиш;
- экинлардаги касалликлар сабабларини аниқлаш, уларни касалликлардан асраш, даволашнинг муҳим асосларини яратиш ва тажриба - синовдан ўтказиш;
- боғдорчилик ва узумчилик билан боғлиқ тажрибалар олиб бориш.

Тажриба станцияси зиммасига асосан пахта янги навларини яратиш, пахтанинг Америка ва Миср навларини иқлимлаштириш орқали, кўп фоизда сифатли тола берадиган, узун толали, чаноғидан осон ажраладиган, чаноғидан пахта ҳажми оғир бўлган, бир оилали навга кирадиган сифати баланд, оқ-момик, иқлимга тез мослашувчан, Россия саноатида машина ва тикув дастгоҳларида ишланадиган каби жиҳатлар ҳисобга олиниши керак эди. Тажриба станциясига деҳқончилик департаменти кузатувлар олиб бориш учун ҳар йили 4200 рубль маблағ ажратган. Станция ер майдонидан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан бир йиллик даромад 5000 – 6000 рубль берган. Станциянинг бир йиллик маблағлари 9,5-10 минг рубль атрофида бўлган [5]. Тажриба станцияси атрофи сим тўсиқлар билан ўралган бўлиб, маъмурий бино, лаборатория хонаси, менерал ўғитлар сақланадиган омбор, машина трактор станцияси, мева – сабзавотлар омборхонаси, кутубхона кабилардан иборат бўлган. Тажриба станциясидаги лаборатория бўлимида алоҳида хонада кутубхона бўлиб, унда минг нусхадан ортиқ қишлоқ хўжалиги соҳасига оид адабиётлар, лаборатория ишларига оид фотографиялар жойлашган.

Тажриба станциясида Ново-Александровский қишлоқ хўжалигини тугатган Ипполит Карпович Негоднов лаборант ва Р.Шредер ёрдамчи сифатида ишларни олиб борган. Лабораторияда чорвага озуқабоп экинлардан шабдар (форс бедаси), рус қизил клевери (рус бедаси) тажриба – синовдан ўтказилган [6]. Шунингдек, пахтанинг янги навлари, уруғларни танлаш, алмашлаб экиш тажрибаси, смородина ва малинанинг 14 тури ва крыжовник ўсимлигининг 3 тури олма ва нокнинг 300 тури синовдан ўтказилган [5, 7, 9].

Кузатиш ва тажрибалар асосида пахтани беда билан алмашлаб экиш яхши натижалар бериши, бедага суперфосфат минерал ўғитини қўллаш ҳосилдорликни ошириши, гуручга маҳаллий гўнг бериш яхши натижаларга эришиш мумкинлиги исботланди. Маккажўхорининг сорго нави, иқлимлаштирилди. Интенсив боғлар (карлик) яратиш тажрибасида ҳам Р.Шредер бир қанча ютуқларга эришди.

Тажриба станциясида замонавий деҳқончилик қуроллари ва машиналари бўлими мавжуд эди. Ушбу бўлимда “Россия” маркаси остида Эрлансрни заводида ишлаб чиқарилган сеялка, ерни юмшатадиган дискли культиватор, отга қўшиладиган, ерни чуқур, тупроқни чаппа қилиб ҳайдайдиган плуг, косилка, веялка, ҳар хил турдаги молотилка, барана кабилар иккита катта техника саройларида сақланган. Тажриба станцияси ер майдонларида юқоридаги техникалар асосида ишлов бериш меҳнат унумдорлигини ошириб, иш сифатини кўтариб, ерга қилинадиган харажатларни пасайтириб, рентабеллик ва соф фойдани кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатганлиги тажрибадан ўтказилган. Тажриба станцияси янги техникани “ҳаваскор боғбонлар, ҳаваскор пахтакорлар”га тарғиб қилиш етказиш маркази сифатида муҳим роль ўйнаган. Рус ва маҳаллий деҳқонлар ўз ерларида азот, аммиак, фосфат, суперфосфат, яшил ўсимлик ўғитлари қўллаш орқали юқори ҳосилдорликка эришганлари манбаларда қайд этилган. Тажриба станциясида мева ва сабзавотларни, пахтани касалликдан сақлаш (қурт, винт, барг қуриши, гармсель уриши ва ҳоказо) учун дори-дармонлар устида ҳам тажриба-синов ишлари олиб борилган. Мевали дарахтларга тушадиган 12 турдаги касалликлар ва уларнинг сабаблари аниқланиб, касалликлар олдини олиш устида самарали тажрибалар ўтказилган [2, 5, 8]. Айниқса, америкача пахта навини иқлимлаштириш, унга менерал ўғитлар қўллаш бўйича кўп тажрибалар ўтказилганлиги дурагай пахта навларини яратишга эътибор

қаратилганлигини таъкидлаш мумкин. Бироқ, Россия империясида тажриба станциялари фаолияти етарлича йўлга қўйилмаганлиги, улар моддий-техника базаси ожизлиги, давлат томонидан ажратилаётган маблағ ва эътибор пастлиги, ходимлар маоши қуйилиги, ажратилган ер майдонлари озлиги ҳақида Р.Р.Шредер ўз мақолаларида танқидий фикрлар билдириб ўтади. Жумладан, АҚШда 1905 йилда 56 та тажриба станцияси фаолият юритиб, уларда жаҳоншумул тажриба – лаборатория ишлари олиб борилган. Туркистонга бир неча бор ташриф буюрган, янги экин уруғлари ва мевали дарахт кўчатларини АҚШга олиб кетган, Шредернинг дўсти америкалик олим профессор Ганзень маълумотича у раҳбарлик қилган Дакота штатидаги Бурикингс тажриба станциясига ҳар йили 50.000 доллар маблағ ажратилган, станция 600 акр ерини ижарага бериб, қўшимча даромад олган. Бундай моддий имконият билан интенсификация натижаларга эришиш мумкинлиги қайд этилади [9]. Туркистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида тажриба ишларини кенг миқёсда йўлга қўйиш учун (айниқса лалмикор, қоқлама деҳқончилик) тажриба станцияси билан бирга тажриба майдонлари ва тажриба-синов участкалари ташкил этиш чоралари кўрилди. 1906-1908 йилларда бир қатор тажриба майдонлари ва тажриба-синов участкалари қурилди. Жумладан, Дашт чўл ва Андижон тажриба майдонлари ташкил этилиб, уларга ер майдонлари ажратилди. Дашт чўл тажриба майдонига 200 десятина, Андижон тажриба майдонига 27 десятина ер берилган. Кушка, Ашхобод, Жиззах, Ўратепа, Жували, Кўгарт, Копаль каби тажриба майдонлари ташкил этилиб, улар Каспийорти, Еттисув, Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятларида деҳқончилик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилганди. Ҳар бир вилоятда биттадан тажриба станцияси ва участкаси (5 та тажриба майдони ва 5 та тажриба участкаси) ташкил этилиб, уларга 5 тадан ишчи ўрни ажратилди. Ушбу муассасаларни шакллантириш учун 93.900 рубль маблағ ажратилди, бериладиган бир йиллик маблағ ўртача 41.700 рубль миқдорда белгиланди. Земство кассаларидан намунали участкаларга тақдим этиладиган маблағ 15.000 рубль қилиб белгилаб қўйилди [10].

1907 йилнинг 12-13 декабрь кунлари Тошкентда Туркистон Агрономлари съезди (қурултойи) бўлиб, унинг ишида Туркистон тажриба қишлоқ хўжалик станцияси бошлиғи Р.Р.Шредер, Туркистон Деҳқончилик бўлими бошқаруви чиновниклари С.Н.Понятовский, Н.Н.Александров, Андижон тажриба майдони бошқарувчиси М.М.Бушев, “ҳавоскор боғбонлар” тажриба хўжаликлари эгалари бўлган Плесневич, С.Я.Бердинлар қатнашган.

Агрономлар съездида тажриба станциясида иқлимлаштирилган мева ва сабзавотларнинг янги навлари, чорвага озуқабоп янги экин турлари, техника воситалари, пахтанинг тажрибадан ўтказилган “Кинг”, “Тошкент улпанда” навлари ҳақида ҳисоботлар берилди. Дашт чўл тажриба майдони бошлиғи М.М.Бушев нутқ сўзлаб, пахта ерларини 2-3 йилда беда ва шоли билан алмашлаб экиш тажрибаси, ерни ўғитлашда 2-3 йилда янги ўғитлар билан алмашлаб туриш қўтилган натижани бериши ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, Дашт чўл тажриба майдонида кўк чигит, малла чигит, қора чигит ва Кинг пахта уруғлари тажрибадан ўтказилганлигини қайд этиб ўтди. Андижон пахта тажриба майдони В.И.Шахназаров “Кинг”, “Оnc Boll” (чет эл навлари), кўк чигит, қора чигит, малла чигит синовдан ўтказилганлиги, янги пахта навларини 7-8 йил давомида узлуксиз қайта-қайта тажриба-синовдан ўтказиш кераклиги ҳақида маълумот берди. Р.Р.Шредер раислигида ўтган ушбу қурултойда Н.К.Негоднов Onc Boll, Allenlog, Starie, Mamont, Texass, Bug ва Criffin каби АҚШ ва Канада пахта навларини тажриба станция ва майдонларида синаб кўриш таклифини киритди [1].

Туркистон минтақасида тажриба станцияси, тажриба майдонлари ва тажриба участкаларидан ташқари “Туркистон қишлоқ хўжалиги саноат ҳаракати биродарлиги” (1898 йилда ташкил топган) ташкилоти(ТСКҲХБ), “Россия империяси мевачилик жамияти Туркистон бўлими”, “Табиатшунослар жамияти”, “Ҳаваскор мева саноатчилари уюшмаси”, бир қатор тўғарак, ячейка, “Кооператив биродарлик”, “Мева ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилиш”, кўнгилли жамиятлари “Деҳқончилик клублари” фаолият юритган. Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги гидротехниклар мактаби, қишлоқ хўжалик билим юртлари фаолияти ҳам тажриба станцияси билан боғлиқ эди [13,15].

ТҲХСҲБ уюшмаси ихтиёрида 129 десятина ер майдони бўлиб, уларга асосан мевали ва манзарали дарахтларнинг юз минглаб кўчатлари ўтказилган. Уюшма боғбон

Агрономларидан бири В.И.Турбачёвни Калифорния (АҚШ) га тажриба ўрганиш, янги мева кўчатлари ва уруғларини олиб келиш учун юборди. Бу ташкилот мутахассис Г.Лобтени мева етиштириш, мева савдоси ва экспорти соҳасида тажриба ўрганиш, маслаҳатлар бериш, ярмаркалар учун бозорбоп янги мева навларини танлаш, сотиш учун қадоқлаш соҳасида тавсиялар бериш мақсадида Туркистонга таклиф этди. “Хаваскор боғбон”лардан Плесневич 26 десятина хусусий ер майдонида 160 нав олма ва нок кўчатини маҳаллий иқлим шароитида синовдан ўтказди. С.Я.Бердин ҳам В.А.Плесневич ва Побелянскийлар билан бирга Санкт-Петербургдаги 1907 йил 29 сентябрь – 7 октябрда бўлиб ўтган III кўргазмасида ўз боғида иқлимлаштирилган янги мевали кўчатларни намойиш этди [6].

Хулоса. Шунингдек, янги экин навларини яратиш бўйича махсус фермер хўжаликлари ҳам ташкил этилди. Уларда асосан пахта янги навларини жорий этиш, минерал ўғитлар қўллаш бўйича турли усуллар ишлаб чиқилди. Тошкент яқинида ва Андижон пахта фермер хўжаликларида янги пахта навлари синовдан ўтди. 1890 йилларда Тошкентдаги тажриба марказига айланган фермада Н.Раевский (1812 йил Напалеон урушидаги қаҳрамон генерал Раевскининг набираси) пахтачилик бўйича тадқиқотлар олиб борди. [11]. Ёхуд 1870-1917 йилларда Фарғонада Г.Б.Оттендорф** махсус кўчатхона (питомник) ташкил этди. Ушбу кўчатхонада юзлаб экинларнинг янги навлари иқлимлаштирилди. Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон тажрида қишлоқ хўжалиги станцияси Дашт чўл ва Андижон тажриба майдолари, бошқа ўнлаб тажриба майдонлари ва участкалари, хусусий ферма ва уюшмалар фаолияти ўлкада деҳқончилик маданияти ривожига муҳим роль ўйнадилар. Бироқ қишлоқ хўжалиги йўналишида иш олиб борган давлат ихтиёридаги станция, майдон, участкалар билан хусусий жамиятлар ва жамоатчилик асосидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга эришиб бўлмади. Шунингдек, амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган натижалар замида мустамлакачилик сиёсатини мустақамлаш ўлкадаги хом-ашё заҳиралари ва бойликларини метрополия манфаатига бўйсундириш бўлганди.

* Шредер Рихард Рихардович (1867.15.10. Москва, 1944.27.04. Тошкент) ҚХ фанлари доктори, профессор, ЎзФА академиги, Меҳнат қаҳрамони. Москва университети физика-математика факультети (1891), Петровск ҚХ академиясини тугатган (1894) 1900 – 1902 йилларда Германия, Швейцарияда малака оширган. 1902 йилдан умрининг охиригача Туркистон ҚХ тажриба станцияси (ҳозирги академик Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, Узумчилик ва виночилик институти) раҳбари. Уни раҳбарлигида ғўза, дон, мева, резавор мева, сабзавот экинлари, пиллачилик соҳасида кенг тадқиқотлар олиб борилди. Кузги буғдойнинг “Қора калтак”(№584), ғўзанинг тезпишар “Шредер”(№1306) навларини яратган. Олма ва нокнинг 200 дан ортиқ навини ўрганган. У катта дендрологик боғ, кўчатхона, дарахт ва буталарни иқлимлаштирадиган тупроқшунослик, қ/х соҳасида бир қатор тажрибалар ўтказган. Фарғона вилояти Қува туманида ташкил этилган тажриба участкаси унинг номида. Ўғли А.Г.Шредер ва невараси Е.А.Шредерлар ҳам унинг ишини давом эттриб олма ва нокнинг бир қатор янги навларини яратишган. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 10. – Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашрети. 2005. – Б.116

** Оттендорф Герман Германович. 1870-1917 йилларда Фарғонада фаолият кўрсатган. Фарғона шаҳрини кўкаламзорлаштириш ишига бошчилик қилган. 1877 йил Марғилонсой қирғоғида питомник (кўчатхона) ташкил этиб, ўн мингдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар (олма, нок, беҳи, бодом, шафтоли, гилос, шумтол, чинор, қайрағоч, акос, заранг, макера, гледичая айлантуе ва бошқалар) етиштирилди. 1909 йилда улар сони 240 мингга эди. Фарғона истироҳат боғи (аввалги губернатор) боғига манзарали дарахтлар, ўсимликлар, гуллар, билан буркаб уларни иқлимлаштирди. Тавсиялар ишлаб чиқди. 1897 йилда “Фарғона водийсида боғдорчилик учун амалий кўрсатмалар” (“Практические указания по садоводству в прединении к Ферганской области”) китобида водийга Германиядан келтириб иқлимлаштирилган дарахтлар, ўсимликлар, гуллар ҳақида маълумот бериб, улар номини русчага таржима қилади. Собиров А. Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси. (Фарғона водийсида немис ишбилармонлиги тарихидан. XIX аср охири – XX аср бошлари). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 1912. – Б. 45-46.

АДАБИЁТЛАР

1. Агрономический съезд в Ташкенте //Туркестанский сборник. –Т. 500. – С.136. – 141.
2. Местное обозрение (проект сельскохозяйственной станции в г.Ташкенте) //Туркестанский сборник. – Т. 522. – С. 29 – 34; 89 – 98.
3. М.А. Сельскохозяйственно–гидротехническая школа в Ташкенте //Туркестанский сборник. - Т. 507. – С. 14 – 15.
4. Постановления комиссий по вопросам сухого земледелия //Туркестанский сборник. – Т. 536. – С. 231 – 236.
5. Прошины Л., Тимаев К. Экскурсия на сельскохозяйственную опытную станцию //Туркестанский сборник. – Т. 506. – С. 46 – 53.
6. Пашкевич В. Туркестанские плоды на Санкт–Петербургской выставке – ярмарке //Туркестанский сборник.– Т. 500. – С. 212 – 218.
7. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб.,1908. – 512 с.
8. Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – СПб., 1898. – 152 с.
9. Шредер Р. Туркестанская сельскохозяйственная опытная станция //Туркестанский сборник. – Т. 495. – С.122-125.
10. Гафуров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: Фан, 2006. – 223 б.
11. Ўз. МЭ. – Том 10. – С. 116.

УДК:32

АҲМАД ДОНИШНИНГ ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҚАРАШЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН УЧУН АҲАМИЯТИ

ВЗГЛЯДЫ АХМАДА ДАНИША НА ВОЕННУЮ СФЕРУ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ ДЛЯ СОВРЕМЕННОСТИ

THE VIEWS OF AHMAD DONISH ON MILITARY SPHERE AND THEIR IMPORTANCE IN THE MODERN ERA

Жумаев Рустам Ғаниевич

БухДУ миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ҳарбий соҳа, сиёсат, ўзбек давлатчилиги, муҳофаа тизими, қуролироғ, қўшин, жанговарлик, хавфсизлик, барқарор тинчлик, маънавий мерос, ҳарбий санъат, сиёсий вазият.

Ключевые слова: военная сфера, политика, узбекская государственность, оборонная система, вооружение, армия, безопасность, устойчивый мир, духовное наследие, военное искусство, политическая ситуация.

Key words: military sphere, policy, Uzbek statehood, defense system, armory, army, mobility, security, durable peace, spiritual heritage, martial arts, political situation.

Ушбу мақолада қомусий олим Аҳмад Донишнинг ҳарбий соҳадаги қарашлари ва тавсиялари тарихийлик ҳамда замонавийликнинг уйғунлик тамойиллари асосида манбалар қиёсий таҳлили орқали очиб берилган.

В данной статье на основе сравнительного анализа источников и принципов историзма и современности раскрыты взгляды и рекомендации ученого-энциклопедиста Ахмада Дониша, касающиеся военной сферы.

In the following article the views and recommendations of Ahmad Donish on military sphere have been revealed on the basis of the harmony principles of historism and modernity through the comparative analysis of the sources.

Кириш. Бугун жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар, терроризм ва қуроли зўравонлик, инсониятни ҳалокатга олиб бораётган фожиалар каби салбий ҳолатлар дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Бу нохуш манзаралар мамлакатлар олдида ишончли ҳарбий хавфсизликни, давлат чегараларини

мустаҳкам ҳимоя қилиш, қўшни давлатлар билан ҳарбий-сиёсий зиддиятларни қуролли тўқнашувларсиз, фақат музокаралар йўли орқали ҳал этиш заруратини тақозо этмоқда. Демократик ривожланиш йўлини танлаган Ўзбекистон Республикаси сиёсатда инсон ҳуқуқларини эътироф этиш ва ҳимоялашни, тинчлик ва халқаро хавфсизлик тамойилига қатъий амал қилишни устивор вазифа деб белгилади. Бунда эса энг аввало ўтмиш тажрибасини ўрганиш орқали эҳтиёткорлик билан мақбул ҳарбий-сиёсий қарорлар қабул қилиш, муҳофаа ва хавфсизлик сиёсатини хатоларсиз амалга ошириш ҳамда бажаришни тақозо қилади. Илмий асослантирилган, истиқболга қаратилган ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг натижаси прогнозлаштирилиши муҳимдир. Бугунги кундаги ҳарбий қарама-қаршилиқлар инсониятни ҳалокатли оқибатларга олиб келмоқда, терроризм ва қуролли зўровонликнинг бошқа кўринишлари ҳарбий-сиёсий назариялар ва амалиётнинг концептуал асосларини қайта кўришни тақозо этмоқда. Айниқса, ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий муаммолари, чегаралардаги қуролли тўқнашувлар мамлакатда ҳарбий салоҳиятни мустаҳкамлашга асос бўлмоқда.

Асосий қисм. Шу нуқтаи назардан ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига мурожаат қилиш, ҳулосалар чиқариш, айниқса, ҳарбий-сиёсий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Шундай мутафаккирлардан бири Бухоро амирлигида яшаган, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, кўплаб шогирдларга эга, илм ва маърифат йўлбошчиси, қомусий олим Аҳмад Донишдир. Қомусий олим амирлик тизими шароитида мамлакатнинг фидоий, жонкуяр фарзанди сифатида Бухорода ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш масаласини кўтариб чиқди. У Бухоро амирлигининг таназулга юз тутишини четдан кузатиб турмай, балки сиёсий жараёнларга фаол иштирокчи сифатида бошқа олим уламолардан фарқланиб турарди. Бу жараён шу билан характерланар эдики, Аҳмад Дониш ўз ватанини севувчи, Бухоро амирлиги сиёсий элитасига нисбатан очиқ фикрда, муҳолифатда туриб давлат манфаатларини кўзлайдиган шахс сифатида гавдаланади. Амирлик муҳофаа тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига жавоб берадиган ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва савиясини ошириш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича ўзининг қимматли мулоҳазаларини нафақат ўз асарларида ёзади, балки амирга ва раҳбар кадрларга бевосита ўз ғояларини, кескин танқидларини баралла айта олган тарихий шахсдир. Шу нуқтаи назардан буюк мутафаккирнинг муҳофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги илмий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва бугунги кундаги миллий армиямизни шакллантириш жараёнида, дунёда рўй бераётган ҳарбий сиёсий вазият нуқтаи назаридан мазкур масалани ўрганилиши лозим бўлган долзарб вазифадир.

Аҳмад Дониш ҳарбий-сиёсий қарашларининг шаклланиши ва ривожини икки даврга бўлинади:

биринчиси, мустамлакачиларнинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари даври. Аҳмад Дониш бу даврдаги воқеа ва ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи бўлди;

иккинчидан, унинг элчилик таркибида қилган саёҳатлари натижаси эди. Чунки бу сафарларда Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий фаолиятда катта тажрибага эга бўлган таниқли сиёсий етакчилар ва сиёсий элита билан фаол ҳамкорлик қилди, хорижий тажрибани ўрганди. Аҳмад Дониш ўзи гувоҳ бўлган қўшин ва ҳарбий юришларни таҳлил қилди, уларни баҳолади, модернизация қилиш бўйича таклифларини илгари сурди. Аҳмад Донишнинг ҳарбий-сиёсий қарашларида ноўрин ҳарбий юришларнинг оддий халқнинг қуролли курашда бевосита айланганини, катта талофатлар кўришини ва бунда сиёсий элитанинг жавобгарлиги зарурлигини асослаб берди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг муҳофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсий инқирози Россия империясининг ярим мустамлакасига айланишига олиб келди. Амирликнинг давлат ва уни бошқариш тизими билан бир қаторда муҳофаа соҳасида ҳам талайгина камчиликлар кузатилар эди. Бундай нуқсонларни бартараф этиш борасида илғор фикрли зиёлилар, ташаббускор давлат хизматчилари ҳарбий тизимни ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Бироқ Мовароуннаҳрда ўзини тенгсиз деб ҳисоблаган Бухоро амирлари бу муҳим масалага ҳам бошқа соҳалар каби бефарқ қарадилар.

Аҳмад Дониш ҳарбийларда интизом, қуролланиш, ўқитиш, кийдириш, маош тайинлашни таклиф қилган эди. Унинг фикрича, "бош қўмондон мард, тўғри фикрлайдиган

ҳарбий, тажрибали бўлиши керак". Аммо амир Музаффар бу ғояларни рад этди. "Агар у рисолаи қабул қилса, амир бўлиб қололмаслигини яхши тушунарди. Дониш ҳам кейинроқ бу ҳақиқатни тушуниб етди", - деб ёзади З.Ш.Ражабов [10, 120].

Мутафаккир ўзининг "Нодир воқеалар" ва "Бухоро (манғит) амирларининг таржимаи ҳоллари" асарларида бу муаммога жиддий эътибор қаратган. Хусусан, босқинчиларнинг Бухоро амирлигига ҳужуми тафсилотлари, амир Музаффар даври амирликнинг мувофақ тизими яроқсизлиги, саркардаларнинг уқувсизлиги ҳамда замонавий ҳарбий қуроқлар ва техникадан фойдаланиш бўйича малакасининг сустлиги аниқ далиллар орқали баён этилди.

Қўшин бошлиқлари Амир Музаффар билан ўқиган мактабдош ғуломлар бўлиб, улар ўзлари эгаллаётган мансабининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида деярли ҳеч нарса билмаган. Жанговар вазифани англаб, вазиятни тўғри баҳолай олмаган, қарор қабул қилишда иккиланишган. Қўшиннинг доимо сабабсиз ва асоссиз исканжада бўлганлиги, лашкарбошиларнинг билим савияси пастлиги, жанг майдонини умуман кўрмаганликлари сабаб мамлакат яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаб билмадилар. Аскарлар ўзларига бош қилиб қўйилган ғуломларга ҳарбий хизматни ўташни ор деб билиб, гоҳида жангга киришмаган ёки қочишган. Ҳарбий ватанпарварлик туйғуси суст эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд қилганидек, "... шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар руҳ, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдири учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келади" [2, 162].

Ўз даврида Бухоро амирлигининг ҳарбий соҳадаги инқирозини Аҳмад Дониш шу нарса билан изоҳлар эдики, "бир аскарга бериладиган маош тўрт кишига бериладиган бўлди, бир саркардага бериладиган танҳо (хизмати эвазига вақтинчалик бериладиган ер-мулк) иккитасига берилган [5, 36]. Аскарларни моддий жиҳатдан таъминлаш масалалари аллома Низомулмулк қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. "Сиёсатнома" асарининг 23-фаслида қўшиннинг ҳолидан доимо хабардор бўлиш таъкидланади, уларга маошни вақтида беришни, жангда ҳалок бўлган, сабабсиз бедарак йўқолган аскарлар ҳақида маълумотга эга бўлиши, лашкарбоши бедарак йўқолган кишининг маоши ва молини муҳофаза қилишини таъминлаши зарур деб ҳисоблайди. Ҳаммамизга маълумки, Амир Темур мамлакатни 12 тузукка ва 12 тоифага асосланиб, бошқарган. "Тўртинчи тоифа-амирлар, сарҳанглар (қўшин қўмондони), сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабасини юқори кўтардим. Улар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар бердим". "Бешинчи тоифа – сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, бирортаси, иккинчисига зулм кўрсатиб, оёқости қилолмас эди" [12, 92].

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Садр Зий Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан забт этилиши тафсилотлари "Рўзнома" асаридан жой олмаган бўлса-да, муаллиф йўл-йўлакай чоризм истилоси билан боғлиқ баъзи воқеа-ҳодисаларга тўхталиб ўтади ва Бухоро қўшинларининг урушда енгилиш сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилади (19^а – 20^б; 91^{а-б} в.). Унинг фикрича, тажрибасизлик (камтажрибаги), қуроқ-аслаҳанинг етишмаслиги (беасбоби) ва аҳолининг бирлашмаганлиги (беиттифоқии аҳоли) ислом лашкарининг мағлубиятига сабаб бўлди (91^а в.) [11, 78].

Давлат раҳбари, Аҳмад Дониш тафаккурчи, - аскар бошлиғини танлашда:

биринчидан, унинг жисмонан кучли ва шижоатли, жанг майдонида алоҳида ўрнатилган, дипломат ва стратег бўлишини;

иккинчидан, тўғри фаҳмлик ва ҳар ишга тез тушунадиган бўлишини;

учинчидан, бошидан иссиқ-совуқ ишлар ўтган, тажриба кўрган бўлишини;

тўртинчидан, ботирлик қилган чоғида қилич ва милтиқдан, ўт ва сувдан парво қилмаслигини;

бешинчидан, зийраклик ва донишмандлик билан оғир кунларда ҳар ишнинг моҳиятига тезда тушунадиган бўлишини;

олтинчидан, иш кўрган, марака ва майдонга тушган, бир неча баҳодирлар билан тўқнашган бўлишларини ўқтиради.

Агар шундай сифатларга эга бўлган киши аскар бошлиғи бўлар экан, - деб таъкидлайди у, - шундагина аскарни сақлаб, зиён ва заҳматга қолдирмай, душманни

енгиб, шон ва шарафга эришади [4, 55]. Бунга ўхшаш фикрларни Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам учратишимиз мумкин. Мазкур асарнинг қирқ биринчи бобида кўшин бошлиғига қўйилган шартлар хусусида бўлиб, унда лашкар бошлиғининг кўл остидагиларига бўлган муносабати акс эттирилган. Қўшинга ўрнак бўладиган, қўмондон сифатида “ҳамиша ҳайбатлик бўлғил, лашкар чекмак ва уруш қилмак тариқин билғил. Душман қанча ожиз бўлса ҳам, уни ожиз кўрмагин, худди кучли рақибга дуч келгандек ҳаракат қил” [8, 170] – деб ёзади.

Хукмдор, - деб ёзади Аҳмад Дониш, сафар асбоб-анжомлари бутунлай тайёр бўлмагунча йўлга чиқмасин [4, 55]. Амир кўшинида 36 та тўп ва бир неча туяга юкланган ҳарбий аслаҳалар бор эди [7, 45]. Бироқ душман билан тўқнашув юз берганда, порох ва тўпнинг ўқлари, ўқ-дорилар Бухорода қолганлиги ва барча анжомлар яроқсиз эканлиги маълум бўлди. Порохнинг ёниб, портлаши учун эса бир тоғора олов керак бўлган.

Аҳмад Донишнинг ҳарбий қарашларига оид маълумотларни Муҳаммад Али Балжувоний “Тарихи Нофеий” (“Фойдали тарих”) асарида келтиради. Муҳаммад Али Балжувоний яшаган даврда Бухорода 40 та тўп, 100 дона пулемёт, 500 минг тўппонча ва милтиғи мавжуд бўлган. Аслида деб ёзади, Балжувоний “подшо аскарисяси ҳақида ғамхўрлик қилиши, уларга сиёсий илмларни, сиёсий куч-қувватни бериши лозим эди” [9, 30-32]. “Минг афсус! Давлатимизда аскар курул бору, аммо бу аскарда сиёсат ва жасорат йўқ!” – деб, хулоса қилади.

Аҳмад Донишнинг ҳарбий соҳадаги сиёсий қарашлари кўпроқ мудофаа тизимида қаратилган. У мудофаани жиддий ислоҳ қилиш ва ўзгартириш, яъни эволюцион йўл билан ривожлантириш тарафдори эди. Жанг майдонини кўрмаган оддий халқнинг урушга сафарбар этилишига қарши чиқди. Чунки у ҳар бир киши ўзига юклатилган вазифани, жумладан, аскар мудофаа ишлари, мамлакат осойишталиги ва фуқароларнинг тинчлигини таъминлаши зарур, - деб кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд қилганидек, “Қўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шуғулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт” [2, 153].

Аҳмад Дониш танқидий хулоса қилиб, “Бир умр вилоятлардан тушган солиқ ҳисобидан маош оладиган кўшиннинг нима кераги бор; едириш, ичириш халқ зиммасидаги оғир юк экан, уларни боқининг не ҳожати бор; мунтазам кўшин уддалай олмаган ишни халқ лашкарлари қандай уддалайди? Биринчи жангдаёқ, аскар енгиллиб, душман уни таъқиб қилиб олға юрса, навбат аҳолига етиб келишини улар англашмас эди” [5, 42], деб айтган фикрлари нақадар мутафаккирнинг халқпарвар эканлигини билиб олишимиз шубҳасиздир. Сиёсатшунос олимлар Аҳмад Дониш яшаган давр хусусияти ҳақида фикр юритиб, “Эътирофли жиҳати шундаки, шу давр ижодкорлари қайси соҳада ижод қилмасин, шахс ва зиёиликка хос қудратда уларнинг асосий диққати халқ ва унинг турмуш дарди билан бевосита боғлиқ бўлганлигига амин бўламиз” [13, 63], – деб ёзадилар.

Амир аскарларга от, туялар ёллаш учун бир неча минг дирҳам берарди. Бунинг устига хазинадан ўлган туя ва отлар учун бир неча минг дирҳам ажратиларди. Амир дам олиш учун саёҳатга чиқишдан олдин аскарлар деҳқонларнинг туялари ва камбағалларнинг юк ташувчи араваларини зўрлик билан тортиб олиш бошланарди. Шу сабабли шаҳарга бир неча кун нон ва бошқа маҳсулотлар келтирилмасди ҳамда нарх-наво кўтарилар эди. Бир пуд буғдой нархи баъзида қирқ тангага ва ундан зиёд баъзан эса йигирма танга бўлар эди. Ёғнинг нархи эса баъзида саккиз танга, баъзида ўн олти танга бўлар эди. Аскарлар кўлига тушган ҳар қандай туя ёмон қаралганидан ўлар, улар кўлига тушган аравалар синар ёки ёқиб юборилар, отлар эса ориқланиб ҳалок бўлар эди. Лекин туя ва арава эгасига бир дирҳам ҳам етиб бормасди. Улар шикоят қила олмасдилар. Шунингдек, Аҳмад Дониш ушбу муаммони ечишнинг ўзига хос йўлини амирга таклиф қилади. “Мингта туя сотиб олиб, бир-иккита доруға ва карвончиларга топшириш зарур. Уларни бўш вақтларида сарой эҳтиёжи учун ғалла, кўмир, ўтин келтиришга жалб қилиш, ортиб қолган маҳсулотларни бозорда сотишлари мумкин бўлади, бу эса фуқароларга ҳам, хазинага ҳам фойда келтиради”, деб ёзади. Бошқа бир сафар амирга: “Рус аскарлари тўрт филдиракли араваларга эга. Бир от тўрт ман ёки ундан ортиқ юкни тортиши мумкин. Ҳар

бир аравага тўрт кишини бириктириш, ҳар бири навбат билан миниш, аравани бошқариши мумкин. Агар тўрт юзта шундай арава тайёрланиб, сарбозхонага берилса, тўпхонадаги мутассадилар аравага биттадан от ажратсалар, аскарлар тинч сафар қилишлари мумкин эди. Шунда от ва туяларни ижарага олишга ҳожат қолмас эди” [5, 110].

Аслида, аскарларни боқишдан мақсад, дейди мутафаккир, “мамлакат ва халқни душман хавфи, босқинидан ҳимоя қилишдан иборатдир. Улар ўз қонлари пулини ҳарбий воқеалар бошланмасдан оладилар. Шунинг учун уруш даврида оддий фуқаролар аскарлардан олдинда турмаслиги керак. Тинчлик даврида аҳоли қонини ичсаю, уруш даврида аҳоли олдинга чиқса, бу эшитилмаган янги тартиб бирон миллатга учрамаган. Аслида, ёмон кунларда иш бериш учун амир ва ҳокимлар уруш хавфи гумон қилинганда аҳолини тиру тўфанг ишлатишни машқ қилдиришлари керак. Умумий сафарбарликка чақириш ўргатилган, тайёр одамларни сафарбар қилишни англади, билъакс хотинлар жамоасини эмас, аскарларнинг ўзи бирон жангда иштирок этмаган бир вақтда жангга ҳарбий ишни хотинлардан ортиқ билмайдиган камбағаллар тўдасини юборилиши ноҳақ қонлар тўкилишига сабаб бўлар, душманни ҳайдашга муваффақ бўлинмас, беҳуда ҳаракат қилинган бўлар эдики, бунинг асосида аҳмоқлик, нодонлик, жоҳиллик ётади.

Амир икки фарсаҳга (16 км) чўзилган катта тўдани кўриб, “урушда ғалаба қозонаман ва император пойтахти Петербургни фатҳ қилиш мумкин” [7, 45] деб мулоҳаза қиларди. Чунки у узун ва кенг ёйилган кўшинни кўрган эди. Лекин билмас эдики, тарқоқ кўшин ишга ярамайди. Аҳмад Дониш таъбири билан айтганда, “Юз минг (ўргатилмаган) одамдан кўра, икки юзта мард ҳарбий яхшироқдир”. Аҳмад Донишнинг ҳарбий сиёсий-қарашлари Амир Темурнинг ўлмас ғоялари билан ҳамоҳангдир. “Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан” [12, 20].

Босқинчилар амирнинг ҳақиқий ҳолатини билишмаган, кўрқиб келишув қилишга уринган. Улар ўз китоблари орқали Темур салтанати ва ўзбек кўшинининг куч-қудратидан хабардор бўлиб, бутун даштни эгаллаб келаётган сипоҳларни кўрган эдилар. Уларнинг кўшини бир ярим минг ёки икки минг кишидан иборат эди. Алломанинг уқтиришича, агар мумкин бўлар экан, ҳукмдор душман билан келишиш йўлини тутсин. Ҳар ҳолатда шароитга қараб сулҳга розилик билдирсин. Зинҳор урушни бошловчи бўлмасин. Аскарининг кўплиги, мол ва яроқ жабдуқнинг мўллигига ишонмасин. Амирнинг қароргоҳи жанг майдонидан 1 фарсаҳ (8 км) нарида бўлиб, ўзи шахмат ўйини билан машғул эди. Баъзида у артиллерия бошлиғи Салимбой ва саркарда Шерали Иноқ олдига ўз хизматкорини юборган. У хизматкори орқали руслар хазинасини талон-тарож қилишларидан сақлашни ва босқинчиларни кўп ўлдирмасдан, асирга тушириб, кейинчалик улардан сарбоз сифатида фойдаланишни буюрган эди. Аҳмад Дониш, ҳукмдор аскарларнинг аҳволдан бир нафас бўлса ҳам хабарсиз қолмаслиги, ҳушёрлик билан текшириб туриши ҳамда урушларда ҳукмдор ўз роҳатини истамай, кўпчилик қаторида юриши лозимлигини тушунтиради. Давлат бошлиғи, деб ёзади Аҳмад Дониш, - ораул бошлиқ (авангард бошлиғи) мансабига кўпни кўриб тажриба ўтказган, сўзи ўткир, баҳодирлиги аниқ, халққа ёқимли кишидан кўйсин. Уруш тажрибасини олмаган бу йўлда меҳнат ва машаққатлар тортмаган телба-тентаклардан мутлақо ораул бошлиқ тайинланмасин. Чунки улар озгина қийқириқ-урушни кўрсалар орқага қайтиб, аскарни қолдириб, душмандан қочадилар” [4, 57], – деган пурмаъно фикрлари айна ҳақиқатдир.

Аскарларга бериладиган маош тартибга солинмаган эди. Уларга ҳар ойда бир неча кун кечиктирилиб, 20 танга берилган. Агарда кўшинга ҳақиқий жангчи қўмондон бўлганда, хазина эшиклари очилиб, ҳар бир ҳарбийга 60 дирхам¹ берилганда урушга ғалаба қозонишга хошиш–истак пайдо бўлармиди... Аҳмад Дониш айтганидек, **“Кийимсиз ва нонсиз урушга фақат шахматдаги кўшин боради”** [7, 49].

Чу доранд зар аз сипоҳи дареғ,
Дареғ оядаш даст бурдан ба теғ.
Таржимаси:

Сипоҳдан зар дариф тутилса,

¹ Мисқолнинг (4,8 гр.) ўндан етти қисми; 3,36 гр. га тенг кумуш танга.

У қўлини тиғ ушлашдан дариг тутади, - деб ёзади мутафаккир [6, 28].

Умуман олганда Аҳмад Дониш мағлубиятнинг сабабларини қуйидаги муаммоларга боғлиқ эканлигини таъкидлайди:

Биринчидан, аскарга бериладиган маош кам бўлган. Уларнинг зарурий (қурол-яроғ, ем-хашак ва ҳ.к.) сарф-харажатлари ҳисобга олинмаган. Бир аскарга бериладиган маош тўрт аскарга, бир ҳарбий бошлиққа бериладиган маош иккитасига берилган. Бозорлардаги нархлар ўзгарувчан, баланд бўлганлиги туфайли хизмат ҳақлари баҳодирларга етишмас эди.

Иккинчидан, қўшинга мудофаа соҳасига оид билимларни эгалламаган, жисмоний ва ҳарбий тактик тайёргарликдан беҳабар кишилар бошчилик қилган. Улар ҳарбий интизом ва низомлар асосидаги тартибни таъминлаб билмаган.

Учинчидан, жанг майдонида жароҳатланиб, ногирон бўлган ёки вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оиласига ижтимоий таъминот тизими йўлга қўйилмаган. Бу эса уларнинг фарзандларида кейинчалик ҳарбий ватанпарварлик туйғусининг сўнишига олиб келган.

Тўртинчидан, амир сарбозлари ўз бўлинмаси ва душман имкониятларини етарли даражада баҳолай олмаган. Замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш даражаси суст бўлган. Ҳарбий стратегия ва тактика, қўшинларнинг жанговорлигини ўсишига етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзаро ҳамкорлик ташкил қилинмаган [5, 46].

Аҳмад Дониш илгари сурган мудофаа саноатини ташкил этиш билан боғлиқ қарашлари мустақиллик туфайли Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан амалга оширилмоқда. “Ишончим комилки, иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантириш бўйича биз бошлаган иш яқин келажакда миллий армиямизни қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш ... имконини беради” [2, 158].

Жанг майдонида қўшин энгилмас бўлиши учун султоннинг ўзи довурак бўлиши, қўшин қўмондони ва ҳарбий бошлиқлари эса зийраклик, қатъийлик ва мардлик кўрсатишлари керак. Жанг майдонида мардлик кўрсатган довурак навкарларга ўша ернинг ўзида олтин ёки юқори мансаб лавозими билан қилган хизматига яраша тақдирланишини мутафаккир Аҳмад Дониш таъкидлайди. Агарда душманни камондан ўлдирса бир турдаги, асирга олганлиги учун бошқача мукофот, агар бошини келтирса яна бошқача мукофот билан амалда жанг майдонида тақдирланиши лозимлигини айтади. Илк Шарқ уйғониш даври мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида Фозил шаҳар ҳокимининг фазилатлари ҳақида сўз юритиб, муҳим хислатлардан бири сифатида “зарур ҳолларда ҳарб ишига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жанг-у жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш” муҳимлигини таъкидлаган бўлса [3, 43], Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида “Агар урушга кирсанг, мардона ҳаракат қилғил ва кўнглинга қочмоқ фикрини келтурмағил”, деб таъкидлайди [8, 171].

Хулоса. Аҳмад Дониш ҳарбий-сиёсий қарашларини ўрганиш асосида қуйидагича умумлаштирувчи фикр-мулоҳазаларга келиш мумкин.

Биринчидан, мутафаккир қарашлари мамлакат ва қўшни давлатлар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий муносабатларни тартибга солиш, ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқариш, мавжуд имкониятлардан тизимли фойдаланиш, пухта ишланган сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш, иш кўриш мумкин.

Иккинчидан, бугунги кундаги халқаро муносабатларда, ҳарбий-сиёсий амалиётда мутафаккир илмий меросидан, тавсияларидан ижодий қўллаш мумкин. Қолаверса, мутафаккир меросидан “Ҳарбий тарих”, “Тактик тайёргарлик” ва бошқа ҳарбий-сиёсий фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, Аҳмад Дониш асарларини тизимли ва комплекс таҳлил қилиш Бухоро амирлигининг ҳарбий-сиёсий соҳадаги инқирози, ҳарбий қўмондонлар ва аскарларнинг мавжуд ҳолати, уларнинг моддий аҳволи ва ижтимоий мавқеи аниқ далиллар асосида келтирилади. Истеъфога чиққан ҳарбий хизматчиларнинг кейинги ҳаётини ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш ғояси илгари сурилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳарбий-сиёсий ислохотларнинг асоси ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таянилган, Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ҳамда Аҳмад Дониш каби

кўплаб буюк мутафаккирларнинг илмий мероси тадқиқ қилинган ва назарий хулосалар олинган.

Бешинчидан, Аҳмад Дониш ҳарбий-сиёсий қарашларини тадқиқ қилиш орқали мамлакатда ҳарбий-сиёсий таълимни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мумкин.

Мутафаккир илгари сурган ғоялар мустақиллик йилларида амалга оширилмоқда. Бу хусусида Президент Ш.М.Мирзиёев куйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шахарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда” [1, 222]. Аҳмад Донишнинг ҳарбий-сиёсий қарашларини тадқиқ қилиш орқали муҳофаза ва хавфсизлик соҳасида ижодий ёндашувни шакллантириш, ҳозирги замон ҳарбий-сиёсий муаммоларни таҳлил қилиш имкониятлари кенг. Шу жиҳатдан, ҳарбий соҳада тўпланган тарихий ва илмий тажрибага мурожаат қилиш, таяниш муҳимдир. Аҳмад Донишнинг ҳарбий соҳадаги тарихий мероси муҳим тавсияларга асос бўлиб, кўплаб ҳарбий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишга амалий ёрдам беради.

Аҳмад Донишнинг Бухоро амирлиги муҳофаза қудратини мустаҳкамлашга оид ғоялари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Унинг ғоялари ҳозирги замон талаблари билан уйғундир. Аҳмад Дониш давлатнинг ҳарбий кучи ва унинг сиёсати ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг диалектикасини очиб берди. Аҳмад Дониш меросида ҳарбий-сиёсий қарорлар қабул қилиш методологияси ва технологияси, давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг роли ва аҳамияти очиб берилди. Аҳмад Дониш ва бошқа маҳаллий мутафаккирларнинг ҳарбий соҳага оид илмий мероси бўйича қисқа илмий ва биографик маълумот тайёрлаш ва чоп эттириш, шунингдек, уни ҳарбий ўқув юрталарнинг, ҳарбий қисмларнинг кутубхона фондига жойлаштириш муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Мирзиёев Ш.М.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 592 б.
2. **Мирзиёев Ш.М.** Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.
3. **Абу Наср Фаробий.** Фозил одамлар шаҳри. 2-нашри. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. – 160 б.
4. **Аҳмад Дониш.** Наводир ул-вақое. – Тошкент: Фан, 1964. – 415 б.
5. **Аҳмад Дониш.** Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Тожик тилидан таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2014. – 144 б.
6. **Аҳмад Дониш.** Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. – Душанбе: Сарват, 1992. – 98 с.
7. **Дониш Аҳмад.** История Мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания Н.А.Наджафовой. – Душанбе: Дониш, 1967. – 143 с.
8. **Кайковус.** Қобуснома. Форсчадан М.Р.Огаҳий; нашрга тайёрловчилар. С.Долимов, У. Долимов. – 5 –нашри. – Тошкент: O'qituvchi NMIU, 2017. – 208 б.
9. **Муҳаммад Али Балжувоний.** Тарихи нофеи. Тожик тилидан таржима. Сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш. ва Чориев З. – Тошкент: Академия, 2001. – 94 б.
10. **Раджабов З.** Выдающийся просветитель таджикского народа Ахмад Дониш. – Сталинабад: 1961. – 220 с.
11. **Эсанова Ш.** Садри Зиёнинг “Рўзнома” асари тарихий манба сифатида //Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 78.
12. **Темур тузуклари.** – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 181 б.
13. **Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти:** Олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. – Тошкент: Алишер Навоий, 2005. – 363 б.

УДК 378.14

ХУДУДИЙ ВА ХАЛҚАРО ТЕНДЕНЦИЯЛАР ДОИРАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ ТАЪМИНОТИНИ КАФОЛАТЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

СООТВЕТСТВИЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И ГАРАНТИЙ ЕГО КАЧЕСТВА В РАМКАХ РЕГИОНАЛЬНЫХ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ТЕНДЕНЦИЙ

COMPLIANCE OF THE HIGHER EDUCATION AND ASSURANCE OF ITS QUALITY IN THE FRAMEWORKS OF REGIONAL AND INTERNATIONAL TENDENCIES

Тулаганов Абдукабил Абдунабиевич

Ректор БухГУ, д-р тех.наук, проф.

Явмутов Дилшод Шойимардонкулович

Начальник отдела по надзору за качеством образования, канд.экон.наук

Жураев Аброр Туробович

Декан факультета туризма, канд.экон.наук.

Таянч сўзлар: олий таълим, битирувчилар бандлиги, хорижий талабалар миграцияси, таълим сифати, сифат кафолати, талабалар мобиллиги.

Ключевые слова: высшее образование, трудоустройство выпускников, миграция иностранных студентов, качество образования, гарантия качества, мобильность студентов.

Key words: higher education, employment of graduates, migration of foreign students, quality of education, quality assurance, mobility of students.

Мақолада минтақавий ва халқаро тенденцияларда олий таълимнинг сифати таъминоти кафолатлари хусусида фикр юритилган.

В статье рассматриваются особенности обеспечения гарантии качества высшего образования в рамках региональных и международных тенденций.

Features of assuring quality of higher education in the context of regional and international tendencies are reviewed in the article.

Введение. В настоящее время спрос на получение высшего образования в мире постоянно растет, так как это напрямую связано с возрастающей ролью образования в получении качественных рабочих мест, саморазвития, карьерного роста и устойчивого развития. По данным «Анализа мирового рынка высшего образования», подготовленного в 2016 году на базе данных ЮНЕСКО, в 2015 году наблюдался спад количества студентов на 2,5 % от уровня 2014 года. Спад был связан с макроэкономической нестабильностью и ухудшением экономической ситуации в странах-экспортерах нефти. Также во многих странах возникла нехватка рабочих мест для специалистов с высшим образованием, что приводило к проблемам трудоустройства после окончания университетов и несоответствию уровня образования по отношению к занимаемой должности.

В 2016 году стоимостный объем мирового рынка высшего образования составлял порядка 1200 млрд. долл. США, а число студентов - почти 517 млн. человек.

В дальнейшем рост числа студентов будет поддерживаться за счет информатизации образования, развития дистанционных технологий и международной студенческой мобильности.

Также, важную роль играет стоимость обучения. На данный момент стоимость контракта в государственных вузах является сравнительно низкой, стоимость в коммерческих вузах тоже незначительно снизилась и в 2015 году в среднем составила 3,8 тыс. долл. в год. Получается, что в некоторых случаях получить высшее образование за границей можно за меньшую стоимость, чем на родине, или даже бесплатно. Сокращение показателя объясняется перераспределением спроса на более дешевые образовательные программы. Кроме того, на динамике цен сказался резкий рост курса доллара по отношению к национальным валютам в ряде стран. Это привело к тому, что стоимость обучения в долларах в данных странах снизилась при росте цен в пересчете на национальную валюту.

Основная часть. Приоритетным направлением в развитии высшего образования в мире является значительный рост потоков образовательной миграции. Некоторые страны начали рассматривать международную мобильность студентов как очень важную часть своей внешней политики. Международная мобильность становится инструментом для укрепления как экономического, так и политического сотрудничества.

Оказание образовательных услуг, в первую очередь, совместные образовательные программы, языковые курсы, профессиональное образование, стажировки и др. становятся весомой статьёй экспортного дохода.

Количество иностранных студентов, ежегодно приезжающих в другие страны по образовательным программам и стажировкам, превышает 5 млн. человек в год. Статистические данные Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) показывают долгосрочную тенденцию, характеризующую увеличение числа иностранных студентов. За последние 30 лет численность иностранных студентов возросла почти в 5 раз: с 800 тыс. человек в 1975 г. до 4,7 млн. человек в 2015 г.

В 2015 г. половина всех иностранных студентов предпочитала получать образование в пяти странах. Большая часть иностранных студентов обучается в США - 18%, затем в Великобритании – 10%, Австралии, Германии и Франции по 7%. Далее следуют Канада - 5%, Россия – 4%, Испания – 2%.

Рост численности иностранных студентов объясняют рядом факторов. Во-первых, стратегии, проводимые государствами по сохранению и развитию политических и социальных связей между странами. Особенно в связи с построением единого европейского пространства путем программ Эрасмус. Во-вторых, значительное увеличение количества студентов, получающих высшее образование. В-третьих, демократизация цен в условиях глобализации в сфере транспортного сообщения, применения молодежных тарифов, увеличения географии полетов лоукостеров и т.д.

Похожие тенденции наблюдаются и в регионе Центральной Азии. Будучи основными торгово-экономическими партнерами друг друга, страны Центральной Азии заинтересованы в тесном сотрудничестве в сфере высшего образования. Страны стараются создавать условия для развития высшего образования, при этом особая роль отведена на усиление его роли для своевременного и профильного трудоустройства. Такие факторы, как рост численности населения и потребность в новых рабочих местах, ставят перед сферой высшего образования определенные задачи, которые в определенном смысле отличаются от задач высшего образования в экономически развитых странах.

Страны Центральной Азии заинтересованы в обмене и сотрудничестве в рамках следующих инициатив:

- повышение осведомленности и развитие компетентности для внутреннего обеспечения качества среди сотрудников образовательных и учебных заведений;
- разработка и / или обновление национальных квалификационных рамок (или государственных стандартов) в сотрудничестве с работодателями, а также более широким привлечением заинтересованных сторон;
- долгосрочное вовлечение бизнеса/сектора экономики во все соответствующие сферы образования: квалификации, обучение на базе организации, использование современного оборудования, инновационные проекты и т.д.;
- стандарты сбора данных и их использование, в том числе с применением имеющихся статистических данных для повышения качества;
- прозрачность и независимость обеспечения качества образования;
- рамочные основы сотрудничества между вузами и промышленностью для стажировок и повышения квалификации учителей без отрыва от работы;
- разработка системы аккредитации в странах Центральной Азии для организаций;
- международная мобильность студентов и преподавательского состава и т.д.

Примечателен и тот факт, что растёт мобильность студентов и преподавателей между странами ЦА. Например, Казахстан, который, по официальным данным, в 2016 г. обучил 3380 узбекских студентов, прилагает большие усилия к тому, чтобы учить в своих вузах больше граждан других стран. При этом стоимость обучения в казахских вузах

сопоставима с узбекскими вузами. Стоимость годичного обучения для иностранных граждан в узбекских вузах колеблется от 2500 до 3750 долларов, а в Казахстане от 450 до 5900 долларов. В 2016 году, помимо 3380 узбекистанцев, в казахстанских вузах учились 402 студента из Афганистана, 466 – из Таджикистана и 1049 – из Кыргызстана.

Студенты из Узбекистана могут получить гранты в Казахстане, в некоторых случаях покрывающие стоимость обучения полностью. В то же время правительства двух стран стараются сделать проезд из Ташкента в Алматы дешевле. Например, билет на поезд Ташкент-Алматы обойдется любому, кто приобретет его на 31-45 суток раньше, на 45% дешевле, что пригодится студентам.

Также достоин внимания факт, что Узбекистан предоставляет возможность афганским студентам обучаться в Узбекистане. Был открыт специальный центр в Термезе, где уже начали обучение афганские граждане. По некоторым оценкам, около 9% афганского населения – этнические узбеки. Афганцы в Узбекистане учатся на узбекском языке.

С принятием Постановления Президента за №3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» отменяются сборы за консульские услуги для иностранных граждан, желающих обучаться в Узбекистане, начата целенаправленная работа по организации обучения студентов на основании соглашений и совместных образовательных программ между высшими образовательными учреждениями Узбекистана и зарубежных стран и выдачи им взаимно признаваемых дипломов.

Реформы похожего характера также ведутся и в других странах Центральной Азии.

Таким образом, в свете международных и региональных тенденций, надо подчеркнуть, что учебная миграция является одним из наиболее динамично развивающихся видов территориального движения населения. Учебная миграция представляется одним из экономически выгодных направлений для улучшения качественного состава как демографических, так и трудовых ресурсов. В силу этого, центральноазиатские вузы должны быть заинтересованы в развитии широкой системы информационных, правовых, консультационных и других сервисов для развития данного вида миграции.

Образование в современных условиях – это самый сложный феномен, проникающий во все сферы общественной жизни. Преобразования, осуществляемые в данной области, определяют в каждой стране многое: и уровень жизни нации, и благосостояние населения, и национальную безопасность государства, и будущее этой страны. Именно интеллектуальный потенциал государства является главным фактором и ресурсом процветания каждой страны. Исходя из этого, процесс подготовки профессиональных специалистов с высшим образованием требует постоянного контроля и гарантии качества образования.

В региональном контексте в сфере высшего образования актуальны такие темы, как: определение возможностей и задач по развитию системы гарантии качества высшего образования в регионе; роль высшего образования и гарантии качества в условиях устойчивого развития стран региона; разработка стратегии по вовлечению правительственных структур, органов по обеспечению качества, вузов и других заинтересованных организаций с целью укрепления системы обеспечения качества, которая бы оперативно реагировала на запросы и изменения; а также обмен опытом и лучшими практиками по обеспечению качества в регионе и за его пределами.

Инчхонская декларация обязуется продвигать возможности качественного образования. «Мы обязуемся продвигать качественные возможности непрерывного обучения для всех, во всех местах и на всех уровнях образования. Это включает в себя справедливый и более широкий доступ к качественному техническому и профессиональному образованию и обучению, а также к высшему образованию и исследованиям с должным вниманием к обеспечению качества» (Инчхонская декларация 2015 года).

Обеспечение всестороннего и справедливого качественного образования и поощрение возможностей непрерывного обучения для всех подчеркивает знания и

навыки, необходимые для содействия более устойчивому будущему. Инчхонская декларация предлагает новую концепцию образования на пути к 2030 году. Концепция заключается в преобразовании жизни людей с помощью образования, признавая важную роль образования в качестве основной движущей силы развития и в достижении других предлагаемых ЦУР. Мы привержены делу срочного формулирования единой обновленной повестки дня в области образования, которая была бы всесторонней, масштабной, стимулирующей и охватывающей всех без исключения².

Заключение. На основании вышесказанного, можно сказать, что новый региональный горизонт высшего образования включает в себя следующее:

- расширение интернационализации высшего образования;
- диверсификация предоставления и поставщиков и использование ИКТ;
- демографические проблемы;
- массирование высшего образования;
- мобильность - как внутри, так и за пределами региона;
- изменения в парадигмах обучения;
- усиление внимания к обеспечению качества и квалификации в сфере образования;
- возможности трудоустройства выпускников;
- возникновение конкуренции между учреждениями;
- движение к созданию региональных высших учебных заведений и исследовательских центров;
- разработка учебных программ;
- новые программы / квалификация;
- использование новых технологий в высшем образовании;
- качество доставки, ответственности за образования;
- обучение на протяжении всей жизни, непрерывность образования;
- интенсификация инновационной деятельности;
- дистанционное и электронное обучение (e-learning).

Исходя из современных тенденций в высшем образовании на международном и региональном уровне, рекомендуются нижеследующие механизмы для улучшения взаимосвязи и обеспечения гарантии качества в высшем образовании в странах Центральной Азии:

- осуществление совместных проектов и разработок для развития сферы высшего образования в регионе;
- создание ассоциации вузов ЦА, которая будет разрабатывать рекомендации и нормы взаимного сотрудничества;
- создание Совета ректоров вузов ЦА;
- разработка системы взаимного признания документов и нормативных критериев об образовании, а также сопоставления оценки знаний студентов;
- создание системы рейтинга для вузов ЦА, исходя из региональных особенностей;
- создание общего образовательного портала ЦА, в котором будут размещены учебные, научные, методические разработки для открытого пользования;
- проведение конкурсов инновационных разработок среди студентов и молодых ученых вузов ЦА;
- проведение летних школ среди студентов и молодых преподавателей вузов ЦА;
- создание органа с компетенциями оценки качества высшего образования (по примеру Республики Узбекистан – Инспекция по надзору за качеством образования при КМ РУз);
- в качестве новой отрасли развития высшего образования необходимо принять решение о создании Центрально-Азиатского пространства научных исследований (ЦАПНИ). Данное научно-исследовательское пространство безошибочно можно считать переходом на новый образец развития экономики Центральной Азии. Потому что все

² https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233137_rus. Инчхонская декларация - Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. World Education Forum, Incheon, Korea R, 2015 [92]

центральноазиатские государства посредством специальных программ смогут тесно сотрудничать в сфере внедрения новых инновационных идей и исследований.

ЛИТЕРАТУРА

1. **Астратова Г.В.** Современные тенденции развития рынка услуг высшего образования //Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ». - 2016. - Том 8. - №4. - <http://naukovedenie.ru/PDF/95EVN416>.
2. Академический инбридинг и мобильность в высшем образовании: глобальные перспективы/Под ред. М.Юдкевич. - Издательский дом Высшей школы экономики, 2016. – 328 с.
3. **Байдено В.И.** Концептуальная модель государственных образовательных стандартов в компетентностном формате. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 235 с.
4. **Коваль И.А.** Мировой рынок образовательных услуг: тенденции и перспективы развития. - <https://researchgate.net/publication/309459947>.
5. **Короткое Э.М.** Управление качеством образования: Учебное пособие для вузов. – М.: Академический проект, 2006. – 324 с.
6. **Чинаева Т.И.** Основные тенденции развития международного рынка образовательных услуг // Статистика и экономика. – 2017. - №1. – С. 60-68.
7. https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233137_rus. Инчхонская декларация - Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. World Education Forum, Incheon, Korea R, 2015 [92].

УДК 330.43

ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИ ВАҚТЛИ ҚАТОРЛАР МОДЕЛЛАРИ АСОСИДА ПРОГНОЗЛАШ

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА НА ОСНОВЕ ВРЕМЕННЫХ МОДЕЛЕЙ

FORECASTING TOURISM DEVELOPMENT BY MEANS OF TIME-BASED MODELS

Мўминов Холмурод Исроилович

БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Таянч сўзлар: туризм, корреляция, вақтли қаторлар, регрессион таҳлил, модель, прогнозлаш.

Ключевые слова: туризм, корреляция, временные ряды, регрессионный анализ, модель, прогнозирование.

Key words: tourism, correlation, timelines, regressive analysis, model, forecasting.

Мақолада туризмнинг ривожланиш жараёнини моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари кўриб чиқилган. Худуддаги туризм ҳолати ва динамикасини белгилаб берувчи асосий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири тасвирланган.

В статье рассматриваются вопросы моделирования и прогнозирования процессов развития туризма. Описаны взаимодействия и взаимосвязи основных факторов, определяющих состояние и динамические характеристики туризма в региональном масштабе.

The modeling and forecasting of tourism development have been considered in the article. The interaction and interrelationship between the main factors determining the state and dynamic characteristics of tourism on a regional scale have been described.

Кириш. Туризм деганда жисмоний шахсинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жой (мамлакат)да ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, узоғи билан бир йил муддатда саёҳат қилиши тушунилади.

Мамлакатга ташриф буюрадиган ҳар бир турист оддий таомдан қимматбаҳо

буюмларгача харидни амалга ошириши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, турли хизматлардан баҳраманд бўлиши ҳудуддаги ишлаб чиқарувчилар фаолиятига рағбат бўлиб ҳисобланади.

Туризмнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, табиий таъсирларининг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда туризмнинг янада тараққий қилишига, миллий иқтисодиётда соҳанинг эгаллаган даражасини оширишга ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли ҳамда 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонлари туризмни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига туризмнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ижобий таъсир қилди.

Туризм соҳасини ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш, соҳа ривожига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг таъсир даражасини таҳлил қилиш ҳамда соҳанинг яқин келажакда ривожланишини прогнозлаш долзарб масала бўлиб, ишда вақтли қаторлар асосида мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий туристлар миқдорини прогнозлашни амалга оширдик.

Асосий қисм. Мамлакатда туризмнинг ривожланиши икки йирик гуруҳ омилларига чамбарчас боғлиқ: биринчи гуруҳ туристларга боғлиқ омиллар (ташриф буюрувчилар сони ва тури, ташриф муддати, хусусиятлари ва б.), иккинчи гуруҳ туристик манзилга боғлиқ омиллар (миллий иқтисодиётдаги вазият, иқтисодиётнинг диверсификацияси, туристларни жалб қилиш имконияти, туристик манзилнинг имиджи, туризм соҳасига эътибор, меҳмондўстликнинг мавжудлиги, жамиятдаги барқарорлик, инфратузилма ва б.) бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон бўйича 2005-2016 йиллар оралиғида ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 2,6 мартага, туристик фирма ва ташкилотлар 1,7 мартага, меҳмонхоналар миқдори 3,1 мартага ва меҳмонхоналардаги ўринлар миқдори 2,2 мартага ошган (1-жадвал).

1-жадвал

2005-2016 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, туристик фирма ва ташкилотлар, меҳмонхоналар ва улардаги ўринлар миқдорининг ўзгариши

Йиллар	Ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, минг киши, Y	Туристик фирма ва ташкилотлар, бирлик	Меҳмонхоналар миқдори, бирлик	Меҳмонхоналардаги ўринлар миқдори, минг бирлик
2005	577,2	258	239	17,152
2006	621,9	286	241	16,985
2007	764,9	399	261	17,545
2008	822,5	346	279	16,284
2009	841	324	309	17,268
2010	946,8	313	434	22,6
2011	1122,1	332	500	25,526
2012	1189,6	358	483	26,835
2013	1216,4	336	541	29,059
2014	1271,9	343	613	32,969
2015	1325,2	398	661	34,898
2016	1513,1	433	750	37,795
Ўзгариш, 2016 йил 2005 йилга	2,6	1,7	3,1	2,2

нисбатан, марта				
--------------------	--	--	--	--

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

Сўнги 12 йил мобайнида ташриф буюрадиган сайёҳлар сони ортиб бориши билан уларга хизмат кўрсатадиган туристик фирма ва ташкилотларнинг ўзгариши юқори даражада эмас. Ушбу даврда меҳмонхоналар сони 3,1 мартага, улардаги ўринлар сони 2,2 мартага ошганлиги, сўнги йилларда кам ўринли кичик меҳмонхоналар кўплаб ташкил қилинганлигини билдиради.


Ташриф буюрган хорижий сайёҳлар ҳамда туристик фирма ва ташкилотлар миқдорлари ўзгариши ўртасида боғланиш корреляция коэффциенти жуда кучсиз бўлиб, бу кўрсаткичларни омил ва натижа сифатида белгилаш ва прогноз ишлаб чиқиш қутилган натижани бермайди. Бу ҳолатни график ёрдамида ҳам кўриш мумкин (1-расм).

Мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар миқдори йил сайин ошиб бориш хусусиятига эга бўлиб, бундай ўзгариш туристик фирма ва ташкилотлар миқдорида кўзга ташланмайди. Расмда тасвирланган мамлакатга ташриф буюрадиган сайёҳлар миқдори тренд (тенденция) чизиғи биссектрица чизиғига ўхшаш ўсиб бориш хусусиятига эга бўлиб, туристик фирма ва ташкилотлар миқдори чизиғи горизонтал ўқга параллел ҳолатда бир хил миқдорларни сақлаб қолмоқда. Бу эса икки ҳодиса боғлиқлиги кучсизлигини, ҳодисалар ўзгаришида ўхшашлик камлигини, туристик фирма ва ташкилотлар сайёҳларни мамлакатга жалб қилишда ўрни камлигини, туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини келгуси тадқиқотларда чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қилади.

График маълумотлари ташриф буюрган хорижий сайёҳлар вақт билан ҳамоҳангликда ўзгараётганини кўрсатмоқда, бу ҳолат эса вақтли қаторлар асосида келгусида мамлакатимизга келадиган туристлар сонини прогнозлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Вақтли қаторларни текислаш ҳамда вақт асосида прогнозлашнинг хилма-хил усуллари мавжуд бўлиб, энг кўп қўлланиладиган қуйидаги усулларни айтиб ўтиш жоиз:

1. Кўрсаткич даврини узайтириш усули.
2. Ўртача сирғалувчи усул.
3. Экспоненциал текислаш усули.
4. Тренд тенгламалари.
5. Энг кичик квадратлар усули.



1-расм. 2005-2018 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар ҳамда туристик фирма ва ташкилотлар миқдори.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Кўрсаткич даврини узайтириш усули сўнги йиллардаги миқдорларнинг узоқ даврлар учун ўртача миқдорларини ҳисоблаш ва келгуси давр учун ҳам шу ўртача миқдорни прогноз қилиш ёрдамида амалга оширилади.

Ўртача сирғалувчи усулда сўнги йиллардаги ҳақиқий миқдорларнинг арифметик

ўртачалари келгуси йилнинг прогнози, ундан кейинги йил учун эса прогноз қилинган биринчи йил ва олдинги йилларнинг ҳақиқий миқдорлардан ҳисобланган арифметик ўртача миқдор прогноз миқдор деб олинади ва бунда кескин юксалиш ҳамда пасайиш кўрсаткичлари (вақтли қаторлардаги “қавариқ” миқдорлар) “сирғанчиқ” текис қаторларга айлантирилади.

Экспоненциал текислаш усули сўнги 2-3 даврлар ва экспоненциал параметри асосида прогнозлаш бўлиб, яқин келажак учун башоратлашга мўлжалланган бўлиб, узок даврларга прогнозни амалга оширганда, олинанинг натижа бир-бирига яқин ёки тенг бўлиб қолади. Бу усулда Браун томонидан ишлаб чиқилган экспоненциал текислаш формуласидан фойдаланилади:

$$y_{n+1} = y_n * \alpha + (1 - \alpha)y_{n-1} \quad (1);$$

Бу ерда: y_{n+1} – прогноз қилинаётган давр маълумоти;

y_n – жорий давр маълумоти;

y_{n-1} – базис (ўтган) давр маълумоти.

α – экспоненциал текислаш параметри.

Экспоненциал параметри қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\alpha = \frac{2}{m+1} \quad (2);$$

Бу ерда: m – кузатувлар сони.

Экспоненциал текислаш параметри (α) 0 ва 1,0 оралиқда жойлашиб, $0 < \alpha < 0,5$ вазият (кузатувлар сони 3 мартадан кўп бўлган вазият), прогноз миқдорда ўтган давр таъсири, $0,5 < \alpha < 1,0$ вазият (кузатувлар сони 3 мартадан кам бўлган вазият) жорий давр таъсири юқори, параметрнинг 0,5 га тенг бўлиши иккала давр таъсири тенг бўлишини кўрсатади.

Бизнинг мисолимизда кузатувлар сони ўрганилаётган даврга, яъни 12 га тенг бўлиб, $\alpha = 0,15$ га тенг бўлмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, баъзи адабиётларда жорий ва ўтган давр маълумотлари тўғридан-тўғри мутлақ миқдорлар келтирилса, айримларида жорий маълумот ўрнида жорий ва ўтган давр арифметик ўртача миқдори, ўтган давр маълумоти ўрнида ўтган ва ундан олдинги йил миқдорларининг арифметик ўртача миқдори олинади. Биз жорий ва ўтган давр маълумотларини иккала вариантда қабул қилган ҳолда, 2017-2021 йиллар прогноз маълумотини ишлаб чиқдик (2-жадвал).

Биринчи вариантда прогноз миқдор қуйидагича ҳисобланди:

$$y_{n+1} = y_n * 0,15 + (1 - 0,15) * y_{n-1} \quad (3);$$

Иккинчи вариантда прогноз миқдор қуйидагича ҳисобланди:

$$y_{n+1} = \frac{y_n + y_{n-1}}{2} * 0,15 + (1 - 0,15) * \frac{y_{n-1} + y_{n-2}}{2} \quad (4);$$

2-жадвал

Экспоненциал текислаш усули асосида ташриф буюрадиган туристлар миқдорининг прогнози, минг киши

Йиллар	Ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, Y	Жорий ва ўтган даврларнинг мутлақ миқдори асосида прогноз миқдор, 1-вариант		Жорий ва ўтган даврларнинг ўртача миқдорлари асосида прогноз миқдор, 2-вариант	
		Y _{пр} , минг киши	Ўртача нисбий хатолик, е, %	Y _{пр} , минг киши	Ўртача нисбий хатолик, е, %
2005	577,2	-	-	-	-
2006	621,9	-	-	-	-
2007	764,9	-	-	-	-
2008	822,5	643,4	21,8	613,6	25,4
2009	841	773,5	8,0	708,4	15,8
2010	946,8	825,3	12,8	799,4	15,6
2011	1122,1	856,9	23,6	841,1	25,0
2012	1189,6	973,1	18,2	915,0	23,1
2013	1216,4	1132,2	6,9	1052,7	13,5

2014	1271,9	1193,6	6,2	1162,9	8,6
2015	1325,2	1224,7	7,6	1209,2	8,8
2016	1513,1	1279,9	15,4	1252,3	17,2
2017	-	1353,4	-	1316,6	-
2018	-	1489,1	-	1421,7	-
2019	-	1373,7	-	1429,1	-
2020	-	1471,8	-	1395,5	-
2021	-	1388,5	-	1423,4	-
Ўртача	1017,7	1141,4	13,4	1110,1	17

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

Ҳосил бўлган иккала вақтли қаторда ҳам экспоненциал текислаш параметри (α) 0 га яқин, яъни $\alpha=0,15$ бўлганлиги сабабли, прогноз миқдорларга ўтган давр кўрсаткичи юқори таъсир қилган. 1-вариантдаги вақтли қаторларда “қавариқлар”, кескин пасайиш ва юксалиш кўзга ташланади, 2-вариантдаги вақтли қаторда бундай ҳолатлар ўртача миқдорлар таъсирида силлиқлашиб, сирғанчиқ қатор юзага келган. Ўртача нисбий хатолик (e) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$e = \frac{1}{n} * \sum_{i=1}^n \frac{|y_{pr}-y|}{y} * 100 \quad (5);$$

Ўртача нисбий хатолик 0-10 оралиқда прогноз аниқлиги юқори, 10-20 оралиқда яхши, 20-50 қониқарли, 50 дан юқори аниқлиги қониқарсиз деб белгиланган. Бизнинг мисолимизда 10-20 оралиқда бўлиб прогноз аниқлиги яхши эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, 1-вариант ҳақиқий ҳолатга яқин кўрсаткичларга эга эканлигидан, 2-вариантга нисбатан аниқлиги юқорироқ бўлган.

Бу усулдан жуда қисқа давр прогнозида фойдаланилади. Масалан, бизнинг мисолимизда кейинги беш йил учун прогноз тузилган бўлиб, 1-вариантдаги вақтли қаторда “қавариқ” миқдорлар мавжудлиги сабабли, прогноз қилинган вақтли қаторнинг кейинги давр миқдорлари бир хил 1426,8 минг киши, 2-вариантдаги сирғанчиқ вақтли қаторлар ҳисобига 2034 йилдан сўнгги прогноз вақтли қаторлардаги миқдорлар бир хил 1413,5 минг кишига тенг бўлмоқда.

Тренд тенгламалари бўйича вақтли қаторларни прогнозлаш жуда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда энг содда ва кўп ишлатиладиган тўғри чизикли тренд тенгламаси ҳисобланади:

$$Y = a_0 + a_1 t \quad (6);$$

Бу ерда: Y – натижа, бизнинг мисолимизда ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар миқдори;

a_0, a_1 – регрессия тенгламаси параметрлари;

t – вақтли қаторлар.

Кичик квадратлар усули ёрдамида бу регрессия тенгламасидан параметрларни аниқлаш мақсадида, тенгламалар системаси ҳосил қиламиз:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum_{i=1}^n t = \sum_{i=1}^n Y \\ a_0 \sum_{i=1}^n t + a_1 \sum_{i=1}^n t^2 = \sum_{i=1}^n Yt \end{cases} \quad (7);$$

Тенгамалар системасидан ташқари регрессия тенгламаси анча содда усул ҳисобланган ўртача миқдорлар ёрдамида ҳам ҳисобланади:

$$a_1 = \frac{\bar{xy} - \bar{x}\bar{y}}{\bar{x}^2 - (\bar{x})^2} \quad (8);$$

$$a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x} \quad (9);$$

Шу ўринда айтиш жоизки, бир омилли регрессия тенгламасида a_1 қийматининг юқори бўлиши натижага омилнинг таъсири юқорилигини, a_0 қийматнинг юқорилиги натижага бошқа омиллар таъсири юқорилигини кўрсатади.

Тенгламалар системасига 1-жадвалдаги маълумотларни қўйиб, қуйидаги

тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\begin{cases} 12a_0 + 78,0a_1 = 12212,6 \\ 78,0a_0 + 650,0a_1 = 91064,0 \end{cases} \quad (10);$$

Бу икки ўзгарувчили тенгламалар системасини биринчи тенгламадаги бир ўзгарувчи қийматини иккинчи тенгламага қўйиш (1-тенгламадаги a_0 нинг 12212,6-78,0 a_1 қийматини иккинчи тенгламага қўйиш), Крамер усули ҳамда ҳадма-ҳад айириш ёрдамида бир ўзгарувчини йўқотиш (1-тенглама ҳар бир ҳадини 6,5 га кўпайтириб ва икки тенгламани ҳадма-ҳад айириш) усулларида бири ёрдамида регрессия параметрларини аниқлаганимизда $a_0=486,71$ ва $a_1=81,693$ эканлиги аниқланди.

Ўртача миқдорлар бўйича ҳам натижа бир хил бўлди:

$$a_1 = \frac{7588,67 - 6,5 \cdot 1017,72}{54,17 - 42,25} = 81,693 \quad (11);$$

$$a_0 = 1017,72 - 81,693 \cdot 6,5 = 486,71 \quad (12);$$

Натижада, қўйидаги регрессия тенгламасига эга бўлдик:

$$\hat{Y}_x = 486,71 + 81,693t \quad (13);$$

Ишлаб чиқилган регрессия тенгламаси асосидаги моделнинг сифати, мазмуни ва аниқлиги таҳлил қилинди (3-жадвал).

Ишлаб чиқилган моделнинг биринчи шarti ҳақиқий ҳолат ва моделдаги натижаларнинг умумий қийматлари ва ўртача миқдорларининг тенг бўлишидир.

Яъни, $\sum_{i=1}^n Y = \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x$ ёки $\sum_{i=1}^n Y - \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x = 0$ ва $\bar{Y} = \bar{\hat{Y}_x}$

Бизнинг мисолимизда, ташриф буюрганлар йиғиндиси $\sum_{i=1}^n Y = \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x = 12212,6$ минг киши ва ўртача миқдор $\bar{Y} = \bar{\hat{Y}_x} = 1017,7$ минг киши бўлиб, бу эса моделнинг дастлабки шarti бажарилганлигини англатади.

Тренд моделларнинг сифатини жуфт регрессия модели сингари, параметрларнинг статистик мазмуни ва детерминация коэффицентини (R^2) таҳлил қилиш билан амалга ошириш мумкин. Маълумки, детерминация коэффицентини 0 ва 1 оралиқда бўлиб, натижанинг 0 га яқинлиги ҳодисалар (кўп ҳолларда, омил ва натижа) ўртасида боғланиш кучсизлигини, 0 га тенг бўлиши боғланиш умуман йўқлигини, 1 га яқинлиги боғланиш жуда кучли эканлигини англатади.

Бизнинг мисолимизда, $R^2 = \frac{ESS}{TSS} = \frac{954345,9}{973484,2} = 0,98$ эканлиги хорижий сайёҳлар келиши

вақтга боғлиқлиги жуда кучли эканлигини ва вақт бўйича тузилаётган модель ўринли эканлигини англатади.

Бу ерда: R^2 -детерминация коэффицентини;

ESS- тасодифий вариация қиймати (*explained sum of squares*);

TSS- жами вариация қиймати (*total sum of squares*).

Моделнинг статистик аҳамиятини Фишернинг F-мезони (F) бўйича аниқлаш мумкин:

$$F = \frac{s_e^2}{s_e^2} = \frac{ESS \cdot (n-m-1)}{RSS \cdot m} = \frac{954345,9 \cdot (12-1-1)}{19138,3 \cdot 1} = \frac{9543459}{19138,3} = 498,66 \quad (14);$$

Бу ерда: n-кузатувлар сони;

m-омил ўзгарувчилар сони;

RSS-тенденция вариацияси қиймати (*residualsumofsquares*).

Аниқланган миқдор $m=1$, $n=12$, $\alpha=0,05$ вазият учун жадвалдаги назарий 4,75 миқдоридан анча юқорилиги модель статистик мазмунга эга эканлигини билдиради.

3-жадвал

Моделнинг тавсифи

Йил	t	Ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, минг киши, Y	Ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар, прогноз, минг киши, \hat{Y}_x	$e_t^2 = (\hat{Y}_x - Y)^2$	$(Y - \bar{Y})^2$	$(\hat{Y}_x - \bar{Y})^2$	$(\frac{t}{\bar{t}})^2$	$\frac{ e_t }{Y} * 100$
2005	1	577,2	568,4	77,3	194054,	201880,	30,3	1,5

					9	9		
2006	2	621,9	650,1	795,1	156670,8	135143,4	20,3	4,5
2007	3	764,9	731,8	1096,2	63916,3	81753,4	12,3	4,3
2008	4	822,5	813,5	81,3	38109,5	41710,9	6,3	1,1
2009	5	841	895,2	2935,2	31228,8	15015,9	2,3	6,4
2010	6	946,8	976,9	904,2	5029,2	1668,4	0,3	3,2
2011	7	1122,1	1058,6	4036,9	10895,9	1668,4	0,3	5,7
2012	8	1189,6	1140,3	2434,8	29543,9	15015,9	2,3	4,1
2013	9	1216,4	1221,9	30,8	39475,1	41710,9	6,3	0,5
2014	10	1271,9	1303,6	1007,6	64609,2	81753,4	12,3	2,5
2015	11	1325,2	1385,3	3616,2	94546,0	135143,4	20,3	4,5
2016	12	1513,1	1467,0	2122,6	245404,6	201880,9	30,3	3,0
Жами:	$\sum t=78$	$\sum Y=12212,6$	$\sum \hat{Y}_x=12212,6$	RSS=19138,3	TSS=973484,2	ESS=954345,9	143,0	41,4
Ўртача:	$\bar{t}=6,5$	$\bar{Y}=1017,7$	$\hat{Y}_x=1017,7$					$\delta=3,45$

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган

Регрессия параметри a_0 статистик мазмунини аниқлаймиз, қўйиладиган талаб

$t_{\text{ҳақ}} > t_{\text{наз}}$:

$$t_{a_0} = \frac{|a_0|}{s_{a_0}} = \frac{486,71}{\sqrt{11,15}} = \frac{486,71}{3,34} = 42,82 \quad (15);$$

$$s_{a_0}^2 = \frac{s_e^2}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t})^2} = \frac{RSS/n}{143} = \frac{19138,3/12}{143} = \frac{1594,9}{143} = 11,15 \quad (16);$$

Буерда: t_{a_0} - Стъудентнинг t мезони³.

Ҳақиқий t мезони 42,82 жадвалдаги $n-12$ ва $\alpha=0,05$ ҳолатдаги талаб қилинадиган назарий t мезони 2,179 дан юқорилигидан a_0 параметр статистик мазмунга эга.

Маълумки, вақтли қатор элементлари статистик мустақилликка эга бўлиши, қийматлар ўртасида автокорреляция мавжуд бўлмаслиги зарур. Бу ҳолатни текшириш учун Дарбин-Уотсон (DW) меъзони бўйича таҳлил ўтказилади:

$$d = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{i=1}^n e_t^2} \quad (17);$$

DW мезоннинг мумкин бўлган қийматлари 0–4 оралиқда ётади. Агар қаторда автокорреляция бўлмаса, унинг қийматлари 2,0 атрофида тебранади. Ҳисоблаб топилган ҳақиқий қийматлари жадвалдаги қиймат билан таққосланади. Агарда $d_{\text{ҳақ}} < d_{\text{наст}}$ бўлса, қатор автокорреляцияга эга; $d_{\text{ҳақ}} > d_{\text{юқори}}$ бўлса у автокорреляцияга эга эмас; $d_{\text{наст}} < d_{\text{ҳақ}} < d_{\text{юқори}}$ бўлса, текширишни давом эттириш лозим. Кузатувлар сони 12 га, омил 1 га тенг ҳолатда жадвалда $d_{\text{наст}}=0,97$; $d_{\text{юқори}}=1,33$ сифатида белгиланган бўлиб, 3-жадвал асосида мисолимиздаги Дарбин-Уотсон мезони маълумотларини ҳисобладик.

³ Мазкур мезон Стъудент тахаллусли инглиз математики Уильям Госсет томонидан ишлаб чиқилган.

Дарбин-Уотсон мезонининг ҳисобланиши

Йиллар	Ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, минг киши, Y	Ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар, прогноз, минг киши, Ŷx	e_t	e_{t-1}	$e_t - e_{t-1}$	e_t^2	$(e_t - e_{t-1})^2$
2005	577,2	568,4	-8,8			77,3	
2006	621,9	650,1	28,2	-8,8	37,0	795,1	1368,5
2007	764,9	731,8	-33,1	28,2	-61,3	1096,2	3758,5
2008	822,5	813,5	-9,0	-33,1	24,1	81,3	580,5
2009	841	895,2	54,2	-9,0	63,2	2935,2	3993,4
2010	946,8	976,9	30,1	54,2	-24,1	904,2	581,1
2011	1122,1	1058,6	-63,5	30,1	-93,6	4036,9	8762,3
2012	1189,6	1140,3	-49,3	-63,5	14,2	2434,8	201,4
2013	1216,4	1221,9	5,5	-49,3	54,9	30,8	3013,2
2014	1271,9	1303,6	31,7	5,5	26,2	1007,6	686,1
2015	1325,2	1385,3	60,1	31,7	28,4	3616,2	806,2
2016	1513,1	1467,0	-46,1	60,1	-106,2	2122,6	11279,9
Жами	12212,6	12212,6	0,0	46,1	-37,3	19138,3	35031,1

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган

$$d_{\text{ҳақ}} = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{i=1}^n e_t^2} = \frac{35031,1}{19138,3} = 1,83$$

$d_{\text{ҳақ}}$ нинг $d_{\text{юқори}}$ ва 2,0 оралиғида жойлашуви, яъни $1,33 < 1,83 < 2,0$ ҳолат вақтли қаторлар қийматларида автокорреляциянинг йўқлиги моделлаштириш ва прогнозлаш тўғри бораётганидан дарак беради.

Модель аниқлигини аппроксимация ўртача нисбий хатоси (δ) ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$\delta = 1/n * \sum_{i=1}^n \left| \frac{e_i}{Y_i} \right| * 100 = 1/12 * 41,4 = 3,45\% < 10,0\% \quad (17);$$

Аппроксимация ўртача нисбий хатоси 10,0 фоиздан кам, 3,45 фоизга тенглиги моделнинг аниқлиги жуда юқорилигини кўрсатади.

Моделнинг ишончлиги аниқлангандан сўнг, ишлаб чиқилган моделга асосан, келгуси йиллар прогнози тайёрланади. Бу прогноз кўрсаткичлари Стъудент назарий t мезони бўйича келгуси йил учун ишлаб чиқилган прогнознинг юқори ва қуйи оралиғида жойлашиши талаб қилинади.


Яъни, $Y_{(t0)} - t_{\text{наз}} * S_{yx} \leq \text{прогноз кўрсаткичи} \leq Y_{(t0)} + t_{\text{наз}} * S_{yx} \quad (18);$

Бу ерда: $S_{yx}^2 = s_{\bar{e}}^2 \left(\frac{1}{n} + \frac{(t_{n+1} - \bar{t})^2}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t})^2} \right) = \frac{19138,3}{12} \left(\frac{1}{12} + \frac{(13-6,5)^2}{143} \right) = 604,1 \quad (19);$

$$1513,1 - 2,179 * \sqrt{604,1} \leq 1548,72 \leq 1513,1 + 2,179 * \sqrt{604,1}$$

$$1459,5 \leq 1548,72 \leq 1566,6$$

Биз тайёрлаган модель бўйича 2017 йил прогноз маълумоти 1548,72 минг киши бўлиб ҳисобланади ва бу прогноз маълумоти талабга жавоб берганлигини инобатга олиб, 2028 йилгача бўлган прогнозни ишлаб чиқдик (2-расм). 2017-2028 йиллар оралиғида ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар миқдори барқарор кўпайиб бориб, прогноз қилинган даврда мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристлар миқдори 1,6 мартага кўпайиши кутилмоқда.



2-расм. 2017-2028 йилларда прогноз қилинган ташриф буюрадиган туристлар миқдори

Хулоса. Мамлакатда туризм ривожланишининг вақт асосидаги моделини ва бу модель бўйича прогнозини экспоненциал текислаш ва тўғри чизиқли тренд тенгламаси бўйича 2028 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилди. Прогноз маълумотлари мамлакатга ташриф буюрадиган туристлар миқдорининг барқарор ўсиб бориши ва прогноз даврида бу кўрсаткич 1,6 баробарга кўпайишини билдирмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, туристик фирма ва ташкилотлар фаолияти ташриф буюрадиган туристлар миқдорига таъсири кучсиз, кейинги тадқиқотларимизда туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини чуқурроқ ўрганишни мақсад қилдик.

Кўп омилли прогнозлаш аниқлиги юқорилиги билан ажралиб туради, аммо бу прогноз усулини амалга оширишда маълумотлар базасининг етарли эмаслиги тўсқинлик қилмоқда. Кейинги тадқиқотлар мамлакатга туризм соҳасидан тушадиган пул миқдорига таъсир қилувчи омиллар асосида моделлаштиришга бағишланади.

Мамлакатимизда янги ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мамлакат туризм фаолиятини ҳанузгача тўлиқ қамраб олгани йўқ. Қўмита ҳозирги вақтда фақат меҳмонхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш билан чекланиб қолмоқда.

Шунингдек, туризмни ривожлантириш борасида фақатгина мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристлар миқдорини тадқиқ қилиш билан чекланмасдан, туристлар ташрифнинг давомийлиги, туризм бозорининг ҳар бир сегментини жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизга ташриф буюраётган ёши кекса туристлар қисқа муддатда тарихий обидаларнинг томошаси, ташриф буюраётган мусулмон туристлар зиёрат, олимлар фақат анжуман фаолияти билан чекланиб қолишмоқда. Бу масалага жиддий ёндашиш, туроператорлар туризм бозоридаги ҳар бир сегментга мос, турфа хил турпакетларни ишлаб чиқишлари ва таклиф қилишлари мақсадга мувофиқ.

Туристларнинг мамлакатимизда саёҳат қилиш давомийлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, қолаверса, туризм соҳасидан пул тушумини ҳали фойдаланилмаган янги манбаларини тадқиқ қилиш долзарб масала бўлиб, бу мавзу илмий тадқиқот ишларини яна давом эттириш зарурлигини англатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли фармони. Халқ сўзи газетаси 2016 йил 5 декабрь сони. – Б. 1-2.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги

“Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармони. Халқ сўзи газетаси 2016 йил 5 февраль сони. – Б. 1-2.

3. **Ҳодиев Б., Шодиев Т., Беркинов Б.** Эконометрика. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 175 б.

4. **Алимов Р.Х. ва б.** Эконометрика. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012. – 166 б.

5. **Мамаева З.М.** Введение в эконометрику: Учебное пособие. – Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2010. – 72 с.

6. **Елисева И.И. и др.** Эконометрика: Учебник для вузов. – М.: Финансы и экономика, 2003. – 346 с.

7. **Damodar N Gujarati.** Basic Econometrics. The McGraw - Hill Companies, 2004. – 1024 p.

8. **Francis X. Diebold.** Econometrics: A Predictive Modeling Approach. University of Pennsylvania. Edition 2018. – 371 p.

9. **Jeffrey M. Wooldridge.** Econometrics. Michigan State University. South-Western, 2013. – 910 p.

УДК 338.2

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ТРУДОУСТРОЙСТВО ВЫПУСКНИКОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

THE EMPLOYMENT OF THE GRADUATES OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович

БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Адизов Бахтиёр Исмамович

БухДУ таянч докторанти

Таянч сўзлар: бандлик, якуний бандлик мониторинги, давлат буюртмаси, қабул квотаси, иқтисодий фаол бўлмаган битирувчи.

Ключевые слова: занятость, окончательный мониторинг занятости, государственный заказ, квота приема, экономически пассивный выпускник.

Key words: employment, final employment monitoring, government order, admission quota, economically inactive graduate.

Мақолада Бухоро давлат университети битирувчиларининг ишга жойлашиш жараёни ва бандлик мониторинги ҳамда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг олий таълим тизимида қамрови кўрсаткичлари таҳлили, олий таълим муассасасига қабулни самарали ташкил этиш муассаса битирувчиларини ишга жойлаштириш имкониятларини ошириш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

В статье дан обзор процесса трудоустройства и мониторинг занятости выпускников Бухарского государственного университета, а также анализируется степень охвата выпускниками средних школ, академических лицеев и профессиональных колледжей и повышение возможностей трудоустройства выпускников путем эффективной организации приема в высшие учебные заведения.

The article describes an overview of the employment process and the monitoring of the employment of graduates of Bukhara State University, as well as an analysis of the coverage of graduates of secondary schools, academic lyceums and vocational colleges in higher education, and increasing the employability of graduates through effective organization of admission to higher educational institutions.

Кириш. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бажарилиши лозим бўлган ишларни янги босқичга кўтариш ҳамда мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва

2016 йилнинг 15 сентябридан бошлаб кучга кирди. Мазкур қонунда белгилаб олинган 13 та асосий йўналишнинг 9 таси бевосита таълим муассасалари, жумладан олий ўқув юртлари олдида қўйиладиган вазифалар билан боғлиқдир [1].

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз илм-фан намояндалари билан учрашувда мамлакатимиз олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш кераклигини таъкидлаб, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида ҳам ушбу соҳанинг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди ва фармон билан барча соҳани, шу жумладан, олий таълим тизимини ҳам модернизация қилиш ва эркинлаш-тиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланди [2].

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан айна дамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ташкилий ва амалий ишлар талаб даражасида эмаслиги, яъни олий таълим муассасалари қабул квоталарининг қамровининг жуда пастлиги (умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчи-ларига нисбатан 7-9 фоиз), олий таълим муассасаларининг нуфузи, ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари, уларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган [3].

Албатта, бу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этмасдан туриб, олий таълим тизимида замонавий билим ва тайёргарликка эга бўлган рақобатбардош битирувчиларни тайёрлаш ва уларнинг иш билан бандлигини ижобий ҳал этиш мушкулдир.

Статистик кузатишларни олиб бориш давомида, шунингдек, ўрганиш маълумотларини умумлаштириш натижасида мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёш мутахассисларнинг ишга жойлаша олмаслик сабаблари, олий ўқув юртлари томонидан битирувчиларнинг бандлигига амалий ёрдам бериш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлиги, жумладан, Бухоро давлат университети битирувчиларининг бандлик мониторинги натижалари бўйича таҳлил ва ҳулосалар тайёрланди.

Ушбу маркетинг тадқиқотларида статистик кузатиш, таҳлил ва синтез ҳамда бандлик жараёнларига тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилди.

Маълумки, мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул жараёни кўп йиллар давомида квота тизимида амалга оширилиб келинмоқда. Ваҳоланки, ушбу тизим олий таълим муассасаларида абитуриентларни ўқишга қабул қилиш миқдорини маълум маънода чеклайди. Президент қарори асосида олий таълим муассасаларига охириги беш йилда талабаларни ўқишга қабул қилиш квотаси таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига белгиланган қабул квоталари тўғрисида маълумот

Асос	Ўқув йили	Умумий қабул	Бакалавриат			Магистратура			Махсус сиртқи		
			Жами	Грант	Тўлов контракт	Жами	Грант	Тўлов-контракт	Жами	Грант	Тўлов-контракт
ПҚ-3769, 04.06.2018	2018-2019	86868	69200	17654	51546	5903	1552	4351	11765	15	11750
ПҚ-2955, 05.05.2017	2017-2018	71586	66316	18194	48122	5000	1556	3444	270**	15	255
ПҚ-2534, 26.05.2016	2016-2017	63022	57907	19120	38787	5000	1548	3452	115*	80	35
ПҚ-2359, 23.06.2016	2015-2016	63022	57907	19120	38787	5000	1548	3452	115*	80	35

IQTISODIYOT

2015											
ПҚ-2193, 26.06. 2014	2014 2015	630 22	579 07	191 20	387 87	50 00	1548	3452	115 *	80	35

Изоҳ: * Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)да бакалаврлар-ни тайёрлаш давлат грантлари бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетида – 50 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 15 нафар ва тўлов-контракт асосида – 35 нафар.

** Тошкент ахборот технологиялари университетида — 100 нафар, жумладан давлат грантлари бўйича — 15 та ва тўлов-контракт асосида — 85 та, Навоий давлат кончилик институтида тўлов-контракт асосида — 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтида тўлов-контракт асосида — 80 нафар.

Манба: Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида тайёрланди (ПҚ-2193, 26.06.2014, ПҚ-2359, 23.06.2015, ПҚ-2534, 26.05.2016, ПҚ-2955, 05.05.2017, ПҚ-3769, 04.06.2018).

1-жадвал маълумотларига кўра, республикамиз олий таълим муассасаларига қабул квоталари 2018 йилда 86868 нафар абитуриентни қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 23846 нафарга, яъни, 37,8 фоизга ошган.

2-жадвал

2016-2018 йилларда Бухоро давлат университети қабул квоталари динамикаси (бакалаврият-кундузги)

Кўрсаткичлар	2016/2017	2017/2018	2018/2019
<i>Тасдиқланган қабул квоталари бўйича ўринлар сони</i>	1499	1818	2520
<i>Ҳужжат топширган абитуриентлар сони</i>	12857	13734	13759
<i>Бир ўринга тўғри келадиган абитуриентлар сони</i>	8,6	7.6	5.4

Манба: Бухоро давлат университети қабул комиссияси маълумотларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2016/2017 ўқув йили учун тасдиқланган умумий қабул квотаси 1499 тани, ўқиш истагини билдириб ҳужжат топширган абитуриентлар сони 12857 нафарни, бир ўринга тўғри келадиган абитуриентлар сони 8,6 нафарни ташкил этган бўлса, 2018/2019 ўқув йилида эса умумий қабул квотаси 2520 тани, ўқиш истагини билдириб ҳужжат топширган абитуриентлар сони 13759 нафарни, бир ўринга тўғри келадиган абитуриентлар сони 8,6 нафарни ташкил этган.

Қуйидаги жадвалда Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими битирувчиларининг 2008-2017 йилларда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичлари келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими битирувчиларининг 2007-2008 ва 2015-2016 ўқув йилларида олий таълим муассасаларига ўқишга кириш қамрови кўрсаткичлари


Т.р.	Ўқув йили	Жами битирувчилар	Жумладан		ОТМга ўқишга кирганлар АЛ/КҲҚ	Жами	Фоиз
			АЛ	КҲҚ			
1.	2007-2008	11969	689	11280	301/358	659	5,5
2.	2008-2009	17694	870	16824	402/562	964	5,4
3.	2009-2010	21999	1146	20853	465/703	1168	5,3
4.	2010-2011	23557	1214	22343	515/863	1378	5,8
5.	2011-2012	28207	1602	26605	657/1155	1812	6,4
6.	2012-2013	26119	1660	24459	791/1046	1837	7,0
7.	2013-2014	28588	1922	26666	714/1026	1740	6,0

8.	2014-2015	27510	1832	25678	557/1368	1925	6,9
9.	2015-2016	28688	1622	27066	533/1466	1999	6,9

Манба: Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

3-жадвалдан кўринадики, вилоят академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумий сони 2007-2008 ўқув йилида 11969 нафар бўлиб, шундан академик лицейларни битирганлар 689 нафар ҳамда касб-хунар коллежларини битирганлар 11280 нафарни ташкил этган. Вилоятнинг ўрта махсус касб-хунар таълими битирувчиларини олий таълим муассасасига кириш кўрсаткичи 659 нафар бўлиб, шундан 301 нафари академик лицейлар битирувчилари ҳамда 358 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиларидир. Битирувчиларнинг 5,5 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. 2015-2016 ўқув йилида эса жами битирувчилар сони 28688 нафарни ташкил этиб, шулардан 1622 нафари академик лицейларни ҳамда 27066 нафари касб-хунар коллежларини битирган. Вилоятнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 1999 нафарни, яъни академик лицей битирувчиларидан 533 нафар ҳамда касб-хунар коллежи битирувчиларидан 1466 нафарни ташкил этган. Яъни 2015-2016 ўқув йилида вилоят битирувчиларининг 6,9 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини 2016-2017 ўқув йилида жами 27787 нафар битирувчи тамомлаган бўлиб, шулардан 1622 нафари академик лицейлар битирувчилари ҳамда 26166 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиларини ташкил этган. Қуйидаги диаграммада ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичлари динамикаси акс эттирилган (1-расм).



1-расм. Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш динамикаси
Манба: Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган 2016 йил

3-жадвал ва 1-расм маълумотлари таҳлили бўйича хулоса қилинса, Бухоро вилоятида 2007-2016 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг олий таълим муассасаларига қамрови 5.5-6.9 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич жуда пастдир.

2017 йил 1 ноябрь ҳолатида Ўзбекистон Республикасида олий ҳарбий билим юртидан ташқари, 72 та олий таълим муассасаси ва 19 та филиаллар фаолият юритмоқда [4]. Бундан ташқари хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 8 та филиал, 22 та қўшма факультет, 46 та икки томонлама қўшма дастурларни амалга ошириш орқали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда [5].

Олий таълим муассасасини битирувчиларининг ишга жойлашиш жараёни «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ қатъий амалга ошириладиган мураккаб ва кўп қиррали масаладир.

Статистик маълумотларга асосланиб, республика олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлашиш кўрсаткичларига эътибор қаратамиз. (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиш даражаси (фоизда)

Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й
<i>ОТМ битирувчи бакалаврлари</i>	84,9	86,0	83,6	83,5
<i>ОТМ битирувчи магистрлари</i>	82,9	84,3	86,4	89,1

Манба: Салимов А.А. Олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. №4. 2018 йил июль-август.

4-жадвал маълумотларига кўра, республикадаги олий таълим муассасаларидаги бакалаврият босқичидаги битирувчиларнинг бандлиги даражаси ўзгаришида йирик фарқ кузатилмаган, яъни 2013 йилда бандлик даражаси 84,9 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилда 86,0 фоизни, 2015 ва 2016 йилларда мос равишда 83,6 фоиз ва 83,5 фоизни ташкил этган.

Республика олий таълим муассасаларининг илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни, улар томонидан юқори, тегишли халқаро мезонлар ва стандартларга, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларига эришишни, ўқитишнинг ҳамда иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб катта бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш, шунингдек таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 371-сон қарорининг қабул қилиниши маълум маънода олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтирди [6].

5-жадвал

Олий таълим муассасалари рейтингини тузилмаси

Т/р	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи
	Якуний рейтинг шу жумладан:	100 %
I.	Ўқитиш сифати даражасининг индекси	35 %
II.	Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси	20%
	<i>2.1.Битирувчилар малакасини иш берувчилардан сўров натижалари бўйича баҳолаш</i>	10 %
	<i>2.2.Халқаро ва республика олимпиадаларида, нуфузли танловларда мукофотлар (дипломлар) ва совринли ўринлар билан тақдирланган талабалар сони</i>	5%
	<i>2.3.Ўқишни тугатгандан кейин 6 ой мобайнида мутахассислик бўйича ишга жойлашган битирувчилар улуши</i>	5%
III.	Олий ўқув юртининг илмий салоҳияти	35 %
IV.	Бошқа кўрсаткичлар	10 %

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сон қарори иловаси маълумотларидан тайёрланди.

5-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда II - Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси кўрсаткичининг салмоғи умумий рейтингнинг 20 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу индекс таркибига кирувчи кўрсаткичларга эътибор қаратамиз. Битирувчилар малакасига иш берувчиларнинг баҳоси бўйича 10 фоиз салмоқни ташкил этса, талаба ўқишни тугатгандан сўнг олти ой давомида мутахассислик бўйича ишга жойлашган битирувчилар улуши эса 5 фоизни ташкил этади. Демак, олий таълим муассасалари рейтингини белгилашда атиги 5 фоиз улушгина олий таълим муассасасининг битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши кўрсаткичига тўғри келар экан.

2016/2017 ўқув йилида Бухоро давлат университетиде 32 та таълим йўналиши бўйича 1626 нафар (шу жумладан, 468 нафар давлат гранти асосида) бакалаврият, 14 та мутахассислик бўйича 71 нафар (шу жумладан, 18 нафар давлат грантлари асосида) магистратурани тамомлаган ёш мутахассисларнинг барчаси тегишли корхоналар (ташкilot ва муассасалар)га меҳнат фаолиятларини ташкил этиш учун йўлланмалар асосида иш жойларига юборилди ва мазкур битирувчиларнинг якуний иш билан бандлик мониторинги ўтказилганда, университет бакалаврият таълим йўналишлари бўйича жами битирувчиларнинг 1290 нафари (79,3 фоизи) иқтисодий фаол бўлмаган соҳалари ва тармоқларида, магистратурада ўқишни давом эттираётган талабалар 36 нафар (2,2 фоиз)ни ташкил этса, 199 нафари (12,2фоизи) иқтисодий фаол бўлмаган битирувчилар (декрет таътилида, бола парвариши таътилида, муддатли ҳарбий хизматда ва бошқалар) ҳамда қолган 101 нафари (6,2 фоизи) турли сабабларга кўра вақтинча ишга жойлашмаган ва ишга жойлашишда қийналаётган битирувчилар ҳиссасига тўғри келади (6-жадвал).

6-жадвал

2016/2017 ўқув йилида Бухоро давлат университетини битирувчиларнинг ишга жойлашиши тўғрисида маълумот (бакалаврият)

01.10.2018
ҳолатига

№	Таълим йўналишлари номи	Жами битирувчилар сони	Жами ишга жойлашган битирувчи	Магистратурада ўқишни давом эттираётганлар	Иқтисодий фаол бўлмаган битирувчилар, шу жумладан								Ишга жойлашмаган битирувчилар сони	Умумий ҳолат фоиз (%) ҳисобида			
					ЖАМИ	Декрет таътилида	Бола парвариши таътилида	Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган	Касаллиги туфайли ишламаётганлар (1,2,3-гурӯҳ ногиронлари)	Республикадан ташқарига чиқиб кетган	Бошқа ҳудудга кўчиб кетган	Жами ишга жойлашган битирувчилар		Ўқишни давом эттираётган битирувчилар	Иқтисодий фаол бўлмаган битирувчилар	Ишга жойлашмаган битирувчилар	
1	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	
	Жами	1626	1290	36	199	37	152	1	2	5	2	101	79,3	2,2	12,2	6,2	
1	Чақириққа-ча ҳарбий	10	96	1	1	0	0	0	0	1	0	7	91,4	1,0	1,0	6,7	

IQTISODIYOT

	таълим	5															
2	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	20	18	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	90,0	10,0	0,0	0,0
3	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	67	60	2	2	0	2	0	0	0	0	3	89,6	3,0	3,0	4,5	
4	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	54	48	0	6	1	5	0	0	0	0	0	88,9	0	11,1	0,0	
5	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	68	60	0	1	0	1	0	0	0	0	7	88,2	0	1,5	10,3	
6	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	17	15	0	1	0	0	1	0	0	0	1	88,2	0	5,9	5,9	
7	Жисмоний маданият	114	100	1	0	0	0	0	0	0	0	13	87,7	0,9	0,0	11,4	
8	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	64	55	0	6	2	2	0	1	1	0	3	85,9	0	9,4	4,7	
9	Математика	68	58	1	4	1	3	0	0	0	0	5	85,3	1,5	5,9	7,4	
10	Жисмоний маданият (хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича)	33	28	1	3	0	3	0	0	0	0	1	84,8	3,0	9,1	3,0	
11	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	19	16	0	2	0	2	0	0	0	0	1	84,2	0	10,5	5,3	
12	География	37	31	0	5	2	3	0	0	0	0	1	83,8	0	13,5	2,7	
13	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	30	25	2	2	0	2	0	0	0	0	1	83,3	6,7	6,7	3,3	
14	Касб таълими: информатика ва	36	30	0	5	1	4	0	0	0	0	1	83,3	0	13,9	2,8	

IQTISODIYOT

	ахборот технология лари																
15	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	44	35	0	4	1	3	0	0	0	0	5	79,5	0	9,1	11,4	
16	Педагогика ва психология	38	30	0	8	2	6	0	0	0	0	0	78,9	0	21,1	0,0	
17	Кимё	59	46	3	8	1	7	0	0	0	0	2	78,0	5,1	13,6	3,4	
18	Муסיқа таълими	46	35	0	11	4	7	0	0	0	0	0	76,1	0	23,9	0,0	
19	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	81	61	5	15	3	11	0	0	0	1	0	75,3	6,2	18,5	0,0	
20	Психология (фаолият турлари бўйича)	31	23	1	5	2	2	0	0	0	1	2	74,2	3,2	16,1	6,5	
21	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	111	82	3	14	3	10	0	0	1	0	12	73,9	2,7	12,6	10,8	
22	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	169	124	2	40	8	30	0	1	1	0	3	73,4	1,2	23,7	1,8	
23	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	30	22	3	1	0	1	0	0	0	0	4	73,3	10,0	3,3	13,3	
24	Касб таълими: амалий санъат	43	31	1	5	3	2	0	0	0	0	6	72,1	2,3	11,6	14,0	
25	Архившунослик	21	15	0	2	0	2	0	0	0	0	4	71,4	0	9,5	19,0	
26	Физика	55	39	2	10	0	9	0	0	1	0	4	70,9	3,6	18,2	7,3	
27	Мақтабгача таълим	41	29	0	10	1	9	0	0	0	0	2	70,7	0	24,4	4,9	
28	Тупроқшунослик	16	11	0	4	0	4	0	0	0	0	1	68,8	0	25,0	6,3	
29	Меҳнат таълими	30	20	0	8	1	7	0	0	0	0	2	66,7	0	26,7	6,7	
30	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	21	13	0	4	0	4	0	0	0	0	4	61,9	0	19,0	19,0	
31	Биология (турлари бўйича)	43	26	5	10	1	9	0	0	0	0	2	60,5	11,6	23,3	4,7	
32	Экология ва атроф-	15	8	1	2	0	2	0	0	0	0	4	53,3	6,7	13,3	26,7	

истеъмолчилари ва буюртмачилари битта субъект бўлишидан ташқари, аксарият ҳолларда маълум аниқ бир талабга қараб хизматлар таклифини амалга оширадilar. Таълим хизматларида эса бу муносабатлар бирмунча мураккаброқдир. Шу сабабли, республика олий таълим муассасалари маркетинг хизматлари тузилмаси томонидан истиқболдаги кадрларга бўлган эҳтиёжларни реалроқ ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқаришда бир қатор қийинчиликларга дуч келадilar. Бу албатта истиқболдаги аниқ прогноз кўрсаткичларини шакллантиришга имконият бермайди.

Бизнинг фикримизча, потенциал иш берувчилар билан кадрлар тайёрлаб бериш бўйича бош стратегик шартномаларни тузиш ва унинг бажарилишини таъминлашга, кадрлар бўйича шакллантирилган буюртмалар портфели бўйича битирувчиларнинг реал иш жойларига амалиётини, стажировкаларини ташкил этиш ва кейинчалик доимий меҳнат фаолиятини олиб боришини таъминлашга эришиш жуда муҳимдир.

Маркетинг хизматлари томонидан олий ўқув юрларининг аниқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқлари учун битирувчи мутахассисларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги натижалари таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш стратегиясини шакллантириш амалиётига ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса. Олий таълим муассасаларида жорий этилган ҳамда бугунги кунда амалда ишлаётган якуний бандлик мониторингини ўтказиш жараёнлари муассаса ходимлари, профессор-ўқитувчилари томонидан битирувчиларнинг яшаш манзили ва иш жойига борилган ҳолда далолатномалар тўлдириш йўли билан эмас, балки тизимлаштирилган ва марказлашган дастурий таъминотлар орқали онлайн тарзда амалга оширилса, бу ўз навбатида вақтни тежаш ҳамда ортиқча қоғозбозликни камайтиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 2016 йил 14 сентябрь. – №ЎРҚ-406.
2. **Мирзиёев Ш.М.** «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
3. Жадал ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадрлар керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. <http://www.president.uz/uz/lists/view/2107>
<https://stat.uz/uploads/docs/oliy-talim-yan-dek-2017-uzz.pdf>
<http://marifat.uz/marifat/ruknlar/olii-talim/1607.htm>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 371-сон қарори. <http://lex.uz/docs/2111000>
<https://hisobot.edu.uz/#/rep01#3%3C=48=6%3C>
5. Бухоро давлат университети қабул комиссияси

УДК 631:332.133.44(575.146)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ КООПЕРАТИВНЫХ ОТНОШЕНИЙ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

THE STRATEGY FOR THE DEVELOPMENT OF COOPERATIVE RELATIONS IN AGRICULTURE

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич

БухДУ иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, кооперация, агросаноат мажмуи, хорижий инвестиция, стратегия.

Ключевые слова: сельское хозяйство, кооперация, агропромышленный комплекс, иностранные инвестиции, стратегия.

Key words: rural economy, cooperation, agriculture, foreign investment, strategy.

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегияси ёритилган. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишдан олдин биздан кооперация муносабатлари соҳасини тўлиқ шакллантириш ва ривожлантириш учун замонавий фундамент - барқарор замин яратиш талаб қилинади.

В данной статье описывается стратегия развития сотрудничества в сельском хозяйстве. Автором статьи показана необходимость создания прочной основы для формирования и развития области кооперативных отношений.

This article describes the strategy for developing cooperative relationships in agriculture. Before working out a strategy for the development of cooperative relations in agriculture, we need to create a solid foundation for the formation and development of the field of co-operative relations.

Кириш. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, иқтисодиёт соҳаларида самарадорликни ошириш муаммолари бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишда кенг кўламда ислохотлар амалга оширилмоқда ва иқтисодиётнинг барча реал секторларида кўзланган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда.

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва юқори кўрсаткичларда ривожланишида қишлоқ хўжалиги соҳаси бевосита таъсир кўрсатади. Барча давлатларда бўлганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий мақсади - мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, саноат корхоналарини мамлакатда ишлаб чиқарилган хом ашё маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳада экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожлантиришни таъминлаш ҳисобланади.

Ўтган йиллар ичида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишида қишлоқ ҳудудларидаги асосий муаммолардан бири - қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий, технологик, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш салоҳиятларини мустаҳкамлашда мақбул, самарали усулларни белгилаш ҳисобланади.

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича тасдиқланган иқтисодий параметрларга эришиш мақсадида макро, яъни республика даражасида ва микро, қишлоқ туманлари даражасида хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласида муҳим ўринни эгаллайди.

Асосий қисм. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш хўжалик субъектларида қуйидаги натижаларга эришиш имкониятларини яратади:

- товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш, қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш тизимидаги хўжалик субъектларини иқтисодиётда юз бераётган ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда самарали мослашувни таъминлайди;

- қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш, сифатли иш бажариш, хизматлар кўрсатиш, ички ва ташқи бозорларга рақобатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга амалий ёрдам кўрсатади;

- соҳага ва ҳар бир тармоққа инновацион технологиялар ва замонавий ресурс тежамкор ишланмаларнинг қўлланилишини таъминлайди;

- қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир хўжалик субъектини барқарор ва тенг манфаат асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясининг назарий-илмий жиҳатлари ишлаб чиқилди. Чунки кооперация муносабатлари ҳар бир тармоқ бўйича хўжалик субъектлари ишлаб

чиқаришининг қўйи бўғинида шаклланади ва бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш жараёнларига, унинг ҳажмига ва умумий ҳолатда, тармоқ ҳамда соҳа самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш **стратегиясининг мақсади** – бугунги кунда ва истиқболда кооперация муносабатлари асосида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларини тенг манфаат, жавобгарлик ва масъулият асосида юритилишини таъминлаш, белгиланган мақсадларга эришиш учун жамоавий фаолият кўрсатилишига имконият яратиш, ташқи ва ички таъсир кўрсатаётган омилларга қарши ҳамкорликда тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши натижасида эришилиши мумкин бўлган натижалар, ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорликни ошириш бўйича асосий иқтисодий индикаторлар ҳамда кўрсаткичлар ишлаб чиқилиши зарур.

Бизнинг фикримизча, ушбу стратегияни ишлаб чиқилиши қўйидаги устувор йўналишларни ва тадбирларни белгилаш имкониятларини яратади:

- хўжалик субъектлари ва уларнинг раҳбарлари томонидан кооперация муносабатларини ривожлантириш ва унинг истиқболдаги стратегияси бўйича тадбирларни белгилаш;

- хўжалик субъектлари фаолиятини диверсификациялаш, маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш имкониятларини яратиш;

- хўжалик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омиллар, уларнинг мавсумийлиги, мураккаблик даражаси ва ишлаб чиқариш – молиявий ҳолатга таъсир кўрсатиш даражасини белгилаш;

- кооператив корхоналарда бошқарув тизимини ихчамлаштириш, бошқарувда инновацион ва функционал вазифаларни жорий қилиш;

- кооператив корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган ёки қўйидаги турли омилларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга нисбатан тегишли аниқ чора-тадбирларни белгилаш;

- кооператив корхоналар ўртасида замонавий коммуникация ва алоқа тизимларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳамда бошқалар.

Ушбу жиҳатлар юзасидан ҳам стратегиянинг ишлаб чиқилиши ва истиқболда ривожлантирилиши кооператив корхоналарнинг фаолиятини самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда амалда мавжуд бўлган фермер хўжаликлари, акционер жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий тадбиркорлик ёки қўшма корхоналар доимий ёки ўзгармайдиган хўжалик юритувчи субъектлар сифатида белгиланмаслиги зарур.

Стратегияни ишлаб чиқишда тармоқлар бўйича хўжалик субъектларининг бошқарув тузилмасини туман ва ҳудудлар доирасидаги фаолияти, бошқариш функциялари ва вазифалари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва самарадорликни оширишга эришиш йўналишлари ҳам ҳисобга олинishi мақсага мувофиқ.

Кооперация шароитида хўжалик субъектлари ўртасида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган муносабатлар, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, умумий мақсадларга эришиш учун ҳамкорликда меҳнат қилаётган малакали мутахассис ходимларнинг фаолияти ҳам ҳисобга олинishi талаб қилинади.

Бунда ҳар бир кооператив корхона бўйича мутахассис-кадрларни меҳнат фаолиятидаги вазифалари, ишга бўлган масъулияти, билим ва кўникмаларини ҳисобга олинishi ҳам стратегия бўйича режаларнинг самараси ва сифатли амалга оширилишига, ҳар бир кооперативнинг бугунги фаолияти ва истиқболдаги ривожланиш имкониятларини белгиланишида муҳим омил ҳисобланади.

Кооперация муносабатларини ривожлантиришда, ривожланган давлатларда бўлганидек, қишлоқ хўжалигини бугунги аҳволи ва унинг истиқболи кенг тарқалган усуллар: SWOT – таҳлили, PEST – таҳлили, ПРiМ- таҳлиллари орқали кенг кўламда таҳлиллар қилинади ва баҳоланади.

Ушбу усуллар ёрдамида кооператив корхоналарнинг асосий йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигига, ҳамда, агросаноат мажмуаси корхоналарига ташқи ва ички омилларнинг таъсири, хўжалик субъектларининг фаолияти, давлат томонидан қўлланадиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар, шунингдек, соҳа бошқарув тизими ва унинг ваколатлари ҳамда функциялари тўғрисида объектив маълумотга эга бўлиш мумкин.

Ушбу таҳлиллар асосида олинган натижалар кооператив раҳбарияти томонидан кооператив корхона яқин ва узоқ муддатда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мос муқобил вариант бўйича кооператив корхона фаолиятида иқтисодий ўсишга эришиш; товар маҳсулоти ишлаб чиқаришини ривожлантириш; молиявий–иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва умуман, ҳар бир хўжаликнинг иқтисодийетини барқарор ривожланишига эришиш учун мос йўналишларни аниқлаш ва бошқа тадбирлар учун зарур ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг тармоқлари бўйича кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда “Ўзпахасаноат” акционер жамияти, “Ўздонмаҳсулот” компанияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Ўзагросервис компанияси, “Ўзшаробсаноат” акционерлик жамияти, “Ўзагротехсаноатхолдинг” акционерлик жамияти, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва соҳага тегишли бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республика, Қорақоғонистон Республикаси, вилоятлар ва туман даражасида кооператив корхоналарни ривожлантириш стратегияси, шунингдек ҳар бир тармоқ бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг қўйи даражасига қадар кооперация муносабатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича тегишли ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва уларни амалиётда қўллашнинг самарали механизмлари танлаб олиниши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотларимиз доирасида туман даражасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари стратегиясини ишлаб чиқишдан олдин биз кооперация муносабатларини соҳада тўлиқ шакллантириш ва ривожлантириш учун замонавий фундамент - барқарор замин яратиш талаб қилинади. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича барқарор фаолият кўрсатаётган ва турли шаклдаги хўжаликларни эркин фаолият кўрсатишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги босқичда хўжалик субъектлари билан ихтиёрий ва кўнгилли равишда кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ташаббускор Ишчи гуруҳини ташкил қилиш тавсия қилинади.

Ишчи гуруҳи томонидан:

- хўжалик субъектларнинг моддий-техника ва ишлаб чиқариш салоҳиятларини баҳолаш; тармоқлар бўйича ислохотлар жараёни, амалга оширилаётган тадбирларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

- тармоқлар бўйича ички ва ташқи захираларни белгилаш;

- тармоқларни истиқболда ривожлантириш йўналишларини белгилаш; тармоқларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

- хўжалик субъектларидаги мутахассис-ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни касбий малакаларини ошириш тадбирларини белгилаш;

- тармоқларга ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш, тармоқлар самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

- кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш;

- кооперация муносабатларида шаффофлик, адолат ва демократик тамойилларга асосланган тартибни йўлга қўйиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва ишчи гуруҳи томонидан туман даражасида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бунда кооперация

фаолиятида замонавий менежмент ва маркетинг, жозибадор инвестицион муҳитни яратиш, инновацион ғоялар, ресурстежамкор технологиялар ва бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган барқарор “Йўл харитаси”ни яратиш мақсадга мувофиқ.

Кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни истиқболда кооперация аъзолари учун самарадорлигини баҳолаш албатта, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар даражаси, иқтисодиётга, шу жумладан қишлоқ хўжалигида замонавий менежмент ва маркетинг асосларини жорий қилиш кўлами, инвестицион муҳитнинг яратилиши, инновацион ғоялар ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилинишини иқтисодий рағбатлантириш механизмлари билан бир қаторда ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши, ер ва мулкка бўлган ҳуқуқини қонуний жиҳатдан ҳимоя қилиниши ва бошқа шу каби зарур индикаторлар ёрдамида амалга оширилади.

Ушбу тадбирни бир туман даражасида ишлаб чиқиб, уни бошқа туман даражасида татбиқ қилинишида қишлоқ хўжалиги тармоғидаги мавжуд аҳвол, ички ва ташқи имкониятлар, амалга оширилаётган ислохотлар кўлами, деҳқонларнинг менталитети ва касбий маҳоратини таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб қилинади.

Ушбу мураккаб вазифаларнинг бажарилиш вақтида тармоқ бошқарув тизими ва хўжалик субъектларида меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассис-кадрнинг касбий малакаси ва ўз лавозимига лойиқлик даражаси, хўжалик субъектлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга бўлган хатти-ҳаракатлари ва интилишлари ҳисобга олиниши зарур.

Мана шу тадбирларни таҳлил қилиш орқали ҳам қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича кооперация муносабатларини шакллантириш мумкинлиги ёки тайёргарлик кўрилиши тўғрисида фикр юритишимиз мумкин.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам тузилмавий ўзгаришларни, институционал ислохотларни ва хўжалик субъектлари фаолияти ўртасида ҳамкорликни мустақамлаш бирмунча қийин кечадиган тадбирлардан ҳисобланади. Бу ҳолатларда малакали ва тажрибали мутахассис кадрларни аниқлаш, тўплаш ва уларнинг салоҳиятини бирлаштириш, илғор фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда иш юритилишини йўлга қўйиш, ходимларни ўз ишига ва эгаллаган лавозимида бажараётган вазифаларини ҳисобга олган ҳолда моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмлари жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётганлар, улар бошқарув, ижроия ёки иш бажарувчи бўғинда меҳнат қилишларидан қатъий назар, белгиланган муддатларда малака ошириш устида иш олиб бормайдилар ва умуман, республика, алоҳида ҳудуд ёки туманлар даражасида қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларини малака ошириш курслари/марказлари ташкил қилинмаган ёки улар жойларда доимий равишда фаолият кўрсатмайди.

Кооперация муносабатларини ривожлантириш туман ва вилоят тармоқ идораларида хизмат қилаётган мутахассис ходимларнинг ҳар 3-5 йилда Республикамизда ёки хорижда малака ошириш курсларида қатнашишлари, шунингдек, ходимларнинг хориж тилини ўрганиш курсларида билим олишлари учун шароит яратилиши талаб қилинади.

Ушбу шароитлар ва имтиёзларнинг яратилиши тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятини ошириш, лавозим вазифаларини сифатли ва самарали бажарилишида рағбатлантирувчи механизм бўлиб ҳисобланади.

Кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда малакали, касбий тажрибаси юқори, малака ошириш курсларини тугатган кадрлар тармоқ бўйича ва умумиқтисодиётда юз бераётган тегишли барча жараёнлар, қабул қилинаётган ва амалдаги қонун қоидаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳо бериш ва умумий хулоса тайёрлашлари талаб қилинади. Стратегия билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишда хўжалик субъектларидаги мутахассис кадрларнинг касбий малакаси, тажрибаси, билими ва кўникмасига баҳо берилади.

Кооперация муносабатлари доимо қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш орқали инновацион технологиялар ва ресурстежамкор ишланмаларни қўллашни иқтисодий рағбатлантиради, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош сифатли

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлайди. Бу тадбирлар қишлоқ хўжалиги тармоқларини кооперация асосида истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини алоҳида таҳлил қилиш, белгилаш ва шу асосда тармоқни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Кооперация муносабатларида маркетинг асослари жуда муҳим ўринни эгаллайди, яъни бозордаги истеъмолчи - харидорларнинг талаблари ва эҳтиёжлари, уларнинг ҳажми, туман қишлоқ хўжалиги субъектларида етиштириладиган хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдорини (уларнинг алоҳида турлари бўйича) доимий ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб қилинади. Бу жараён ва тадбир кооперация аъзолари томонидан қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бажариш натижасида якуний даромаднинг ҳажмини аниқлаш ва ўз фаолиятларини тартибга солишда энг зарур восита ҳисобланади.

Кооперация муносабатларида қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича эришилаётган ёки эришилиши режалаштирилаётган кўрсаткичларни таҳлил қилиниши яқин ва узоқ муддатли истиқболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, зарур бўладиган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, кутилаётган молиявий натижалар бўйича бирламчи ахборотга эга бўлиш, энг асосийси туман қишлоқ хўжалиги тармоқларини кооперация муносабатлари асосида истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланади.

- вариативности (учет индивидуальных особенности обучающихся, условий образовательной ситуации, возможность выбора собственной траектории личностного и профессионального развития, личная ответственность за результаты образовательного процесса);
- ориентации на перспективу (нацеленность на перспективу развития школы, образовательной системы в целом, педагогической профессии);
- эффективности (подготовка специалистов, готовых профессионально решать реальные задачи педагогической практики);
- динамизма (формирование у будущих педагогов таких качеств, как профессиональная мобильность, инновационность, гибкость, готовность к изменениям);
- инновационности (выявление потребности в нововведениях, определение необходимости ее реформирования с помощью специального инструментария, поиск образцов педагогических решений, которые носят опережающий характер и могут быть использованы для модернизации нововведений, проектирование инновационной модели педагогической системы в целом или ее отдельных частей, точный расчет практической значимости и эффективности нововведения перед внедрением в практику, защита педагогической инновации от псевдоноваторов).

Таким образом, большинство принципов профессионального педагогического образования, характеризующих его «текущее состояние» (например, открытость, вариативность, ориентация на перспективу), актуальны и для осуществляющейся модернизации нашего педагогического образования.

ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № 2909 от 20.04.2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования».
2. **Степанова И.Ю., Адольф В.А.** Профессиональная подготовка учителя в условиях становления постиндустриального общества. - Красноярск: КГПУ им.В.П.Астафьева, 2009. – 520 с.
3. **Балакирова Э.В.** Профессиональный подход к развитию теории педагогического образования //Человек и образование. - 2009. - №3 (20). – С. 60-64.
4. **Радионова Н.Ф.,Тряпицына А.П.** Перспективы развития педагогического образования: компетентностный подход //Человек и образование.- 2006. - №4-5. – С. 7-14.
5. **Профессиональная педагогика:** Учебник для студентов, обучающимся по педагогическим специальностям и направлениям: 3-е изд.перераб. /Под ред. С.Я.Батышева, А.М.Новикова. – М.: ЭГВЕС, 2009. – 456 с.
6. Педагогика. Большая современная энциклопедия /Сост. Е.С.Рапацевич. – Минск: Современное слово, 2005. – 720 с.
7. **Сейтхалилов Э.А., Айрапетьянц Л.Р.** К вопросу о современных подходах оценки результатов образования // ФАН – СПОРТГА. - 2009. - № 2. – С. 17-21.
8. **Серякова С.Б.** Принципы перехода высшего педагогического образования на уровневую подготовку в контексте Болонского процесса // Пед. образование и наука. - 2011. - № 8. – С. 22-26.
9. **Бурлакова Т.В.** Принципы индивидуализации профессиональной подготовки будущих учителей //Ярославский пед. вестн. - 2008. - № 4 (57). – С. 40-44.
10. **Есаулова М.Б.** Принцип преемственности в современном профессиональном педагогическом образовании // Известия Рос. гос. пед. ун-та им. А.И.Герцина. - 2005. - №12. – С. 233-235.
11. **Куровский В.Н., Пяткина Г.Н.** Образовательные системы как интегрирующий фактор и механизм воздействия социальной и экономической сфер общества // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (TSPUBulletin). - 2015. - Вып. 3 (156). – С. 159-164.
12. **Кочергина О.А.** Вариативность общепедагогической подготовки как условие развития творческой индивидуальности будущего учителя: Дисс... канд. пед. наук. - Ростов нД, 2002. – 179 с.
13. **Зубарева К.А.** Открытость как феномен современного образования // Педагогическое образование в России. - 2012. - № 3. – С.6-10.
14. **Черкасова И.И., Яркова Т.А.** Педагогика высшей школы: Учеб. пособие для аспирантов. - Тобольск :ТГСПА им. Д.И.Менделеева, 2012. – 171 с.

УДК 004.5

**ТИЛ ЎРГАТИШДА КОМПЬУТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
АҲАМИЯТИ**

ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ИЗУЧЕНИИ ЯЗЫКА

**THE IMPORTANCE OF USING COMPUTER TECHNOLOGIES IN STUDYING THE
LANGUAGE**

Ядгарова Лола Джалоловна

БухДУ ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълимий дастур, электрон нусха, виртуал кутубхона, тест дастури, электрон ишланмалар концепцияси, мультимедиа.

Ключевые слова: обучающая программа, электронный вариант, виртуальная библиотека, тестовая программа, концепция электронных разработок, мультимедиа.

Key words: educational software, electronic copy, virtual library, test software, concept of electronic processes, electronic multimedia.

Мақолада тил ўргатишда компьютер технологиялари ва дастурларидан фойдаланишнинг ютуқ ҳамда афзалликлари таҳлил қилинган.

В данной статье проанализированы достижения в использовании компьютерных технологий и программ при изучении языка.

The article analyzes the advantages and disadvantages of using computer technology and software in language teaching.

Кириш. Инсон тафаккури шу қадар тараққий этиб бормоқдаки, техникалаштириш, компьютерлаштириш жараёни нафақат ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари, балки маданият ва таълим соҳаларига ҳам дадил кириб бормоқда. Компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши таълим жараёнини янги босқичга кўтарди, бу ўз ўрнида таълим мазмунининг, метод ва шаклларини қайта кўриб чиқиш, уни янги билим ҳамда кўникмалар билан янада бойитиш заруриятини туғдирди.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида янги педагогик технологияларнинг илмий асосларини яратиш, уларни таснифлаш, методик аҳамиятини белгилаш, таълим жараёнига татбиқ этиш каби долзарб муаммолар устида иш олиб борилмоқда. Илғор педагогик технологияларнинг компьютер технологиялари билан уйғунлаштириб ташкил этилиши ва шу асосда мультимедиа дарсларининг яратилиши эса асосий йўналишга айланиб қолмоқда.

Асосий қисм. Бугунги кунда республикамизнинг барча мактабларида АКТ узатувчи техник жиҳозлари билан таъминлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ўқитиш жараёнида бундай воситалардан самарали фойдаланиш борасида, аввало, ўқитувчининг ўзи ҳам тегишли техникалар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши керак. Биз таълимда бутунлай янгиланиш ва унга мослашиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бугунги кунда ўқитувчининг ўзи теран билимга, юксак маънавий ахлоқий фазилатларга эга бўлиши лозим. Ўқитувчидан доимо изланувчан ижодкор бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу давр талабидир. Ўзбекистон Республикасининг 2012-йил 10-декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан «Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизидан, уларнинг жаҳон тараққиёти ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш» ишлари ва бунинг учун бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳужжатда 2013–2014 ўқув йилидан бошлабқ умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфларидан чет тиллари аввал ўйин тарзида, кейинчалик асосий таълим фани сифатида АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш белгилаб берилган. Ушбу муҳим Қарорга мувофиқ бугун, айниқса, инглиз тилини ўрганиш дарсларига янада чуқурроқ назар ташланди. Жаҳон майдонида юрт шаънини муносиб ҳимоя қилиши учун ёшларимиз, аввало, ўзининг хорижий тенгдошлари билан рақобатлаша олиши лозим.

Ҳозирги кунда эса рақобат чет тиллари, хусусан, халқаро бизнес тили бўлган инглиз тилида олиб борилмоқда. Маълумки, инсон эшитиш орқали - 15 фоиз, кўриш орқали – 25 фоиз, эшитиш билан бир вақтда кўрганида – 65 фоиз ахборотни қабул қилади. Ҳар қандай дарс шаклини қўллаётганимизда, болаларга таълим-тарбия беришни, уларнинг маънавий оламига янгиликлар олиб киришни, уларнинг билим кўникмаларини ривожлантиришни, ўқувчининг янги қирраларини очишни мақсад қилиб олишимиз лозим. Ҳар қандай мақсадга эришиш учун ўқитувчи изланиши янгилик ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиши ва ташаббус кўрсатиши лозим. Тил ўргатишда эса бунга алоҳида эътибор бериш лозимдир. Мавзуларни ёритишда биз АКТ воситалари ёрдамида ўқувчиларга жуда кўп маълумотлар беришимиз ва слайдлар орқали намойиш қилишимиз мумкин. Тақдимотларни интернетдан олиш мумкин, шу билан бирга мавзу асосида ўзимиз

тайёрлашимиз мумкин. Тил ўргатишда АКТ воситаларидан фойдаланиб ўқувчиларга тестлар, машқлар бажартиришимиз ва турли топишмоқ ўйинлар ташкил қилишимиз мумкин. Дарсларида АКТ воситаларидан фойдаланилса, шубҳасиз, ўқувчининг дарсга бўлган қизиқиши ортади ва шу билан бирга таълим самарадорлиги ҳам ўсади. Бундай вазиятда ўқувчи ҳам кўради, ҳам эшитади, компьютер билан мулоқотда бўлади. Давримизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши билан унинг имкониятларидан фойдаланиб, таълим жараёнига янгича ёндашиш ва уни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек тилининг компьютер услубини яратиш ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, компьютер услуби айнан компьютер лингвистикаси бўйича мутахассислар компьютер дастурлари ва филологлар инттифоқида яратилади. Компьютер лингвистикасининг ижобий жиҳати ҳам айнан шунда кўринади: у филолог ва компьютер мутахассисларини бирлаштиради. Бизга тарихдан яхши маълумки, инсоният тарихида турли предметлар: тош кўмир, тилла, туз кабилар энг катта бойлик ҳисобланган даврлар бўлган. Турли силсилаларни бошидан кечирган инсоният учинчи минг йилликнинг бошида ахборот асрига қадам қўйди. Минглаб йиллар давомида ривожланган инсон тафаккури учун бугунги кунда дастлабки манба, яъни ахборотлиш ҳаётини заруриятга айланади. Шунинг учун жаҳон бозорида маълумот олтиндан ҳам қимматлироқ баҳоланади.

Мазкур ахборотни топиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бошқаларга етказишнинг қулай усулларига бўлган эҳтиёж кунсайин ошиб бормоқда. Демак, кимки, мазкур қулай усулларни ишлаб чиқса, уларга эгаллик қилса, мана шу одам дунёдаги энг бой одам бўлади. Маълумки, дунёдаги энг бой-бадавлат киши Билл Гейтс ҳисобланади. Нима учун дунёдаги энг бой киши компьютер, яъни ахборотни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасининг вакили? Нима учун савдо баҳоси ёки банкирнинг нефть, пахта, автомобиль заводининг хўжайини эмас, айнан ахборот билан боғлиқ соҳанинг раҳбари сайёранинг энг бой одамига айланди? Бу саволга Билли Гейтснинг ўзи шундай жавоб беради: «Ким ахборотга эга бўлса, у ҳамма нарсага эга бўлади» ёки унинг яна бир мушоҳадаси дунёга машҳур: «Ахборот дунёдаги энг катта, энг қиммат моддий бойликларидан ҳам устун туради, чунки ушбу бойликлар ахборот воситасида қўлга киритилади». Кўринадики, инсон бир соҳада-бизнес, таълим, қурилиш, умуман, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида бирор ютуққа эришиш учун аввало ахборотга эҳтиёж сезади: нима? қачон? қаерда? (неча пулдан?) каби саволларга жавоб топиш учун айнан ахборотга мурожаат қилади. Шу тариқа ахборот олмосу, тилло-кумушлардан ҳам зарурийлик, қимматбаҳолик касб этади.

XXI аср – юсак технологиялар асри бўлиб, замонавий ёшларимиз нафақат давр руҳига монанд, балки электрон оламдаги тараққиётга мувофиқ қадам ташламоқдалар. Шу боисдан ҳам, ёш авлодга таълим бериш жараёнига бошқача ёндашишни талаб этмоқда. Дарсларда ўқитувчининг ўрни ҳам ўзгариб бормоқда. Ўқитувчи эндиликда асосан йўналтирувчи вазифасини ўтамоқда. Замон билан ҳамнафас қадам ташлашни мақсад қилган ўқитувчилар дарснинг ҳар қандай қисмини АКТ орқали жонлантиришга тайёр бўлишларини давр талаб этмоқда. Таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, айтиқса, инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишда тобора катта аҳамиятга молик бўлиб бормоқда. Янги ахборот технологиялари инглиз тилини ўқитишда катта имкониятларни тақдим этади, фан бўйича сифатли билим олиш ва таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Маълумки, давр талабига монанд дарс ўтишда мазкур фандан ўтиладиган бирорта ҳам машғулот ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг тақдимотисиз ўтмаслиги лозим.

Мультимедиа («кўп муҳитлик» деган маънони билдиради) замонавий компьютерларнинг деярли барчасида мавжуд бўлган имкониятлар мажмуини, комплекс тушунчани англатади. Мультимедиа ахборотнинг турли кўринишлари – матн, жадвал, графика, овоз, анимация (мультипликация), видеотасвир, мусиқа ёрдамида ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта узатиш вазифаларини бажаради. Мультимедиа «инсон-компьютер» интерактив (диалогик) мулоқотнинг янги, такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи жуда кенг ва ҳар томонлама ахборот олади.

Бир қатор олимлар, методистлар тадқиқотлари шуни кўрсатадики, таълим олувчи биринчи марта эшитган мавзусининг фақат тўртдан бир қисмини, кўрган материалнинг

учдан бир қисминигина эслаб қолади; ҳам кўриб, ҳам эшитса, ахборотнинг эллик фоизини эсда сақлайди. Интерактив мультимедиа технологияларидан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич етмиш беш фоизни ташкил этади. Шу боис таълим жараёнида АТдан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

АКТ воситалари — компьютер техникаси, магнитофон, китоб, видео ускуналари, электрон доска орқали дарс вақтини тежаш, янада кўпроқ ва самарали маълумот олишга имконият демакдир. Бугун ёшлар ҳам кўшимча маълумот олиш учун китобни излаб ва варақлаб вақт сарфламайдилар, балки уни тежаб интернетга мурожаат этадилар. Чет тилларини ўқитишда интернет ҳамда унинг катта имкониятларидан фойдаланишлари натижасида, таълим ва педагогик жараёнларига мультимедиа технологияларининг жорий этилишининг истиқболлилиги тобора ортиб бормоқда. Маълумки, асосий коммуникация воситаси сифатида интернетдан ахборот олиш, мулоқот, ўқитиш ҳамда кўнгилочар восита сифатида фойдаланилади. Бунда тармоқда ахборот излашда коммуникациянинг асосий воситалари (электрон почта, чат) билан ишлашни машқ қилишга катта эътибор қаратилади. Бошланғич босқичда ахборот алмашинув жараёни фақат ёзма матн билан чекланган бўлса, аста-секин унга график ва овозли ҳужжатлар киритилади.

Ҳозирги кунда республика халқ таълим жараёнида ҳам АКТ ва Интернет тақдим этган имкониятлардан кенг фойдаланилади. Масалан, ўтган йиллар давомида мактаб ўқитувчиларининг деярли барчаси ахборот технологиялари бўйича малака ошириб, ўз билимлари доирасини кенгайтирдилар ва ҳозирги кунда Word, Excel, Power Point дастурларида бемалол ишламоқдалар. Интернет тизимидан барча ўқитувчилар ва ўқувчиларимиз фойдалана оладилар. Юқорида келтирилган маълумотлар инглиз тили дарсларида интернетдан янада самаралироқ фойдаланиш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади. Инглиз тили дарсларида АКТ ва хусусан, интернетдан фойдаланиш орқали бир неча дидактик масалаларни ҳал қилиш мумкин. Булардан, - ўқувчилар билимини текширишда: - турли хилдаги on-line, яъни интерактив режимдаги тестлар; - off-line тестлар, яъни тестларнинг электрон вариантыдан фойдаланиш; - интернет тизимида билим даражаси бошланғич босқичдан бошлаб энг юқори босқичдаги ўқувчилар учун кўплаб тестлар мавжуд. Бу каби тестларнинг ўқувчи учун афзаллиги объектив ва тезкор жавобидадир. Бир вақтнинг ўзида турли билим савиясига эга ўқувчиларга турли тестлар берилиши, янги мавзуни тушунтиришда: дарс сифатини фотосуратлар, клиплар, кинолавҳалар, видеолавҳалар орқали ошириш, масалан, ўқувчилар китоб матнидан турли хорижий давлатлар ҳақида оддий маълумот олибгина қолмай, шу давлатларга виртуал саёҳат, чет давлатларнинг анъана ва урф-одатлари ҳақида видеолавҳалар, қўшиқлар, клиплар томоша қилишлари мумкин.

Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўқувчилар лойиҳа яратиш, фанлараро дарслар ўтишда кўшимча маълумот қидириш, тақдимот тайёрлаш ёки электрон почта орқали хорижлик дўстлари билан суҳбат ўтказиш орқали ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини сезиларли даражада кўтаради. АКТдан фойдаланиб, дарс ўтишда ўқитувчи Давлат таълим стандартлари асосида режа тузиб, тайёргарлик кўриши керак. Дарсда АКТ ҳеч қачон ўқитувчининг ўрнини эгаллай олмайди, балки унга кўмақдошлик вазифасини ўтайди. Дарс мазмунига кўра АКТ ва бошқа педагогик технологияларни навбатма-навбат оқилона қўллаши лозим. АКТни дарс жараёнига татбиқ этишдан мақсад дарсни бойитиш, оддий китоб бера олмайдиган маълумотларни, дидактик кўргазмаларни беришдир.

Тил ўргатишда қуйидаги компьютер дастурларини қўллаш мумкин:

Тақдимот технологияси, яъни машғулоти кўргазма сифатида ўтказиш, дарсда компьютердан фойдаланишнинг энг осон усулидир. Бунинг учун ўқитувчига биргина компьютер ва мультимедиа проектори керак бўлади. MS Power Point дастури ёрдамида ўтиладиган дарс учун компьютерда ўқитувчининг ўзислайдлар яратади ва кўргазмалар пакетини тайёрлайди.

Электрон нусха – бу ўзбек тили фани бўйича мавжуд бўлган муайян дарсликнинг компьютердаги варианты (нусхаси) бўлиб, унда мультимедиа воситаларидан фақат овоз ва матн қатнашади.

Электрон мультимедиа дарслиги – айнан компьютер воситасида ўқув курсини ёки унинг битта катта бўлимини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштиришни таъминловчи дастурий-методик комплекс.

Электрон энциклопедия – кучли қидирув тизимига эга бўлган маълум йўналишдаги иллюстрацияли мақолалар, электрон хариталар, фотосуратлар, гиперҳавола (гипермуружаат)лар, аудио вавидео изоҳлар, хронологик рўйхат, фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати ва ҳоказолардан иборат бўлган катта ҳажмдаги электрон дастур.

Электрон луғат – одатдаги луғатлар асосида тузилган, мультимедиа воситалари билан бойитилган дастур. Электрон луғат турли йўналишда тузилиши мумкин, ундан талабанинг сўз бойлигини ошириш, таржима қилишда фойдаланилади.

Ўргатувчи аудио дастурлар, электрон лингафон курслари умуман иккинчи тилни ўрганувчилар учун ниҳоятда самарали таълим технологияларидир. Тўғри талаффузни ўргатувчи компьютер дастурларида анимация ёрдамида товушнинг артикуляция ўрни, усули кўрсатилади, эталон нутқ эшиттирилади, талабанинг ўз талаффузи ёзиб киритилади, сўнгра у адабий тил меъёри билан таққосланади. Бундан ташқари, аудио дастурлар қаторига «Караоке» тизимини киритиш мумкин. Ундан ҳордиқ чиқаришда ёки бирон тадбирни ўтказишда фойдаланиш жуда қулайдир.

Универсал тест дастури ўзбек тили дарсларининг бирор йирик бўлими бўйича тест топшириқлари ва рейтинг тизимидан иборат бўлган компьютер дастуридир. Унинг қулайлиги шундаки, биргина дастурий таъминот асосида турли хил тест синовларини ўтказиш, яъни фақат матнни ўзгартириб, дастурни ҳар хил мавзуларда қўллаш мумкин.

Электрон виртуал кутубхона – мультимедиа хонасининг кенг имкониятларидан яна бири, электрон нусхаёки электрон мультимедиа дарсликлари мужассамланган, тармоққа уланган кутубхона.

Интернет тармоғидан ўзбек тилини ўрганувчи русий забон талабалар унумли фойдаланишлари мумкин: мустақил таълим жараёнида маълумотлар тўплаш, мавзуларни ўзлаштириш, берилган мавзуда реферат, иншо ёзиш ва бошқалар. Шунингдек, электрон почта – ахборотни бир компьютердан иккинчисига юборишни таъминловчи тизим орқали ўқитувчи ёки тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши мумкин.

Видео материаллар билан ишлаш тил ўқитишда алоҳида аҳамият касб этади. Ахборот технологияларининг бу воситаси турли кўринишда, усулда қўлланилиши мумкин.

Масофавий таълим – бу масофадан Интернет тармоғи орқали ўқитиш усули бўлиб, унинг асосида республикамизда маълум соҳалар бўйича тест-тажрибалар ўтказилмоқда.

Жаҳонда компьютерни ўқув жараёнида қўллаш бўйича етарли тажриба тўпланган, буборада олибборилган муҳимиллий-методик тадқиқотлар, кўпгина таълимий-назорат дастурлари, мультимедиа дарсликлари мавжуд. Яратилган дастур ва бошқа электрон ишланмаларнинг сифати, албатта, муаллифларнинг шахсий қарашларига, илмий-методик савиясига ва умумий маданиятига боғлиқ бўлади. Бу эса назорат қилиниши қийин бўлган ҳолдир. Масалан, баъзи таълимий-электрон ишланмалар кўзланган мақсадга тўла-тўқис эришишга хизмат қилса, баъзилари ўта қизиқарли, эстетик жиҳатдан юқори сифатли бўлишига қарамай, муайян мавзу бўйича керакли билим ва кўникмаларни эгаллашга хизмат қилмай, информатика ва информацион маданият курсини ўрганишгагина ёрдам беради.

Бугунги кунда ўқитишни компьютерлаштириш назариясини ишлаб чиқиш, ҳақиқатан ҳам, ўқув фаолиятининг самарадорлигини оширадиган, ўрганилаётган мавзуга нисбатан ижобий муносабат ва қизиқишни шакллантирадиган таълимий-электрон ишланмаларни яратишнинг умумий ва хусусий мезонларини белгилаш зарурати пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда Россия, Украина, Франция, Япония, Канада ва бошқа мамлакатларда таълимий-электрон ишланмаларни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Концепцияда ишланмаларнинг моҳияти, уларни яратиш, текшириш ва қўллаш тартиби белгиланади. Мутахассисларнинг фикрича, таълимий-электрон ишланмалар асосан техник, педагогик, методик талабларга жавоб бериши зарур. Улар шундай талабларга мос келсагина, таълим жараёнида қўлланилиши мумкин.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, интернетдан фойдаланган ҳолда тилини ўргатиш орқали ўқитувчилар ҳам ўқувчилар ҳам ўзишларида қулай имкониятларга эга бўладилар, шу боисдан ҳам АКТни дарс жараёнига жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Замонавий дарс самарадорлигига таълимий дастурлар, интернетда ахборотни излаб топиш, натижа сифатида инглиз тилини ўрганишга қизиқишнинг ўсиши, халқлараро, маданиятлараро мулоқотгаалоқадорлиликни англаш, таълим муҳити доирасини кенгайтириш имконияти асосида эришилади. Мамлакатимиз мустақиллик шароитида ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларида миллий хусусиятларимиздан ва замонавий технологик жараёнлар кўлаmidан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни жаҳон талаблари даражасида тарбиялаш мақсадида туб ислоҳотларни ўтказишни амалга оширмақда.

АДАБИЁТЛАР

1. **Муҳамедова С.** Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. –Т.: 2006. – 54 б.
2. **Адилова С.** Ўзбек тилини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш. – Т.: 2006. – 71 б.
3. **Алхазашвили Д.** Компьютерный учебник или медиатика// Компьютер в школе. – 2000. - № 4. – С. 10.
4. **Григорьев С.Г., Гриншкун В.В., Демкин В.П. и др.** Концепция образовательных изданий и ресурсов – шаг на пути к качественному образованию// Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси. – 2002. - № 9. – С.77-82.
5. **Кравец В.А., Кухаренко В.Н., Сиротенко Н.Г.** Новые педагогические и информационные технологии в университете//Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси. – 2003. - № 15. – С.64-65.
6. **Крицкий С.П.** Мультимедиа в учебном процессе // Тезисы докладов Межвузовской научно-методической конференции «Информатизация базового гуманитарного образования в высшей школе». 25 мая - 2 июня. – Москва, 1995. – С. 59-60.
7. **Для чего нужны образовательные технологии // ТДПУ** Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси. – 2002. - № 7. – С. 33.
8. **Шафрин Ю.** Основы компьютерной технологии: Справочник школьника. – Бишкек, 2000. – С. 63.

ИЛМДА ҲАМ, ҲАЁТДА ҲАМ БАРЧАГА ИБРАТ УСТОЗ ЙЎЛИ



Яқинда ўзбек адабиёти кафедрасида яна бир қувончли хушxabар тарқалди: устозимиз Ахмедова Шоира Нематовна Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг 2018 йил, 28.09.256\1-сон баённомасига асосан ўзбек адабиёти кафедраси профессори унвонида тасдиқланди (05 № 003012). Устозни янги ғалаба билан қутлаш ниятида қўлимизга қалам олдик.

Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси мудир, филология фанлари доктори, профессор Ахмедова Шоира Нематовна мана 34 йилдирки университетимизда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шоира Нематовна ҳақида сўз юритишдан олдин у кишининг устозлари, профессор Саид Алиевич Алиевга бағишланган эсселаридан парча келтирмоқчимиз:

“Инсон ҳаёти мазмундорлиги билан гўзал. Ҳаётни мазмундор қилиш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бундай бахтга тилаклари йўлида эринмай, курашлардан чекинмай, собитқадамлик билан олға юрган кишиларгина эришадилар. Шундай фазилатга эга инсонларгина ҳаётимизнинг безағига, миллатнинг фахрига, келажакнинг йўриғига айланадилар. Филология фанлари доктори, профессор, устоз Саиджон Алиев босиб ўтган йўл ана шундай саодатга бурканган эди”.

Мана орадан анча йиллар ўтиб, бу эзгу мулоҳазаларни Шоира Нематовна ҳаёт йўлига татбиқ этсак, муболага бўлмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки Шоира опа босиб ўтган, ўтаётган, саодатга бурканган йўл устозлар йўлидир.

Шоира Нематовна Ахмедова республикамиздаги таниқли адабиётшунос олималардан биридир. У ўзбек адабий танқиди жанрларининг илк тадқиқотчиларидан, ўзбек адабиёти вакиллари ижодининг тарғиботчиларидан бири сифатида ўзбек танқидчилиги мактаби аънаваларини ҳар жиҳатдан бойитишга, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, мамлакатимизда ижтимоий фанлар ривожини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. 2008 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган олиманинг ўзбек адабий танқиди тарихини ўрганиш ва адабий танқид жанрларини тадқиқ этиш, ўзбек мунаққидлари ижодини ўрганиш соҳаларидаги чуқур фундаментал тадқиқотлари натижасида ўзбек адабиётшунослигида республика миқёсида биринчи марта дарслик яратилганлиги ҳам бизнинг фахримиздир.

Устоз олий таълим тизимида тажрибали, жонкуяр ва фидойи педагог, моҳир ва изланувчан олима, меҳнатсевар ва ташаббускор ходим, самимий ва адолатли инсон сифатида кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб, ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини замон руҳи, миллий истиқлол ғояси тамойиллари билан уйғун боғлаган ҳолда талаба ва магистрларга “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Адабиёт таълимида

замонавий ахборот технологиялари”, “Адабий танқид назарияси”, “Жаҳон адабиёти муаммолари” фанларидан сабоқ бериб келмоқда.

Таълим сифатини ошириш, янги ахборот технологияларини қўллаш ҳамда янги авлод адабиётларини яратишда ҳам устознинг эътиборли хизматлари бор. Олиманинг ҳаммуаллифликда яратилган ва вазирлик грифи асосида чоп этилган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (Т.: Чўлпон, 2012) дарслиги, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” (Бухоро, 2003), “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2018) ўқув қўлланмаларидан университетларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти бакалаврларини, “Касб-хунар коллежларида жаҳон адабиёти намуналарини ўрганиш йўллари” ўқув усулий қўлланмасидан (Бухоро, 2014) юртимиздаги касб-хунар коллежлари талабаларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Иқтидорли олиманинг адабиётни, маънавиятни тарғиб қилишга қаратилган телевидение ва матбуотдаги чиқишлари, давлат ташкилотларидаги маърифий ўқишларда қилаётган маърузалари кўпчиликка манзур. У халқаро ва республика илмий-назарий анжуманларида ўз маърузалари билан доимий фаол иштирок этиб келмоқда.

Устоз 2009 йилдан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзоси. 2010-2014 йилларда шу партиядан Бухоро шаҳар кенгашига депутат бўлиб сайланди. Беш йил давомида халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида астойдил ҳаракат қилиб, шаҳар Кенгашида ижтимоий-маърифий масалалар бўйича доимий комиссия аъзоси, шаҳар топонимик комиссияси аъзоси, вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида фаолият юритиб келди. 2011 йилдан буён ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида партиянинг Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, халқимизнинг миллий қадриятларини ёшлар орасида тарғиб этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Бундан ташқари олиманинг лойиҳаси ва ташаббуси билан “Бухоро оқшоми” газетаси таҳририяти иккинчи марта (биринчи лойиҳа: “Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ёш журналистлар тўғараги “деб номланган эди.) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун берилган давлат грантини қўлга киритди. “Соғлом турмуш тарзини тарғиб этамиз” деб номланган лойиҳани амалга оширишда талабалар ва ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борди.

Олима кафедрада илмий-тадқиқот ишларини янада юқорига кўтариш мақсадида 2015-2018 йилларда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (ФТРМҚ) томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида лойиҳалар танловида “Ҳозирги адабий жараёни жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш муаммолари” мавзудаги амалий лойиҳаси, Ўзбекистон хотин-қизларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” танловида “Мирзо Муҳаммад Қосим ибн Абдуҳолиқ Бухорий куллиёти(1331й.) транслитерацияси ва нашри” билан қатнашиб, сертификатларни қўлга киритмоқда. Бу танловларга ёш олимлар ва магистрларни ҳам жалб этмоқдаки, устознинг ўз мақсади йўлида машаққатлардан қўрқмаслиги, орқага чекинмаслиги, қалбида ҳаммага ҳаммиша эзгулик, яхшилик билан ёруғ нур сочишга ҳаракат қилиши ёшларга сабоқ ҳамда ибрат мактаби бўла олади.

Устоз 2012 йилдан “Турон” фанларилмий академиясининг академиги.

Олима педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан бир қаторда университет ва факультетнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. У 1999-2002 йиллар давомида университет Илмий кенгашининг котиби лавозимида ишлаб, жамоанинг ҳурматини қозонди. 2010-2013 ўқув йили давомида филология факультети хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ҳам ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиб келди. Унинг ташаббуси билан университетда “Зулфияхоним издошлари” кўрик- танлови ташкил этилиб, ҳар йили юксак савияда ўтказиб келинмоқда.

Шоира Нематовнанинг дарслик ва қўлланмаларидан ташқари “Юмор жилолари”, “Мактубот ва адабий танқид”, “Ўзбек адабий танқиди жанрлари”, “Миллатнинг ҳассос олими” (академик Б.Назаров билан ҳамкорликда) монографиялари ва “Ёниқ қалб

эҳтироси” (Н.Қодирова билан ҳамкорликда), “Мунаққид маҳорати”, “Катехезис Наима Каримова” (проф.Н.Шодиев билан ҳамкорликда), “Чин олимлик саодати”(Қ.Қаҳрамонов билан ҳамкорликда) , “Ислом Каримов асарларида замонавий раҳбарлар ҳақида” адабий портрет ва илмий рисолалари, “Бадий матн таҳлили”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” фани бўйича услубий кўрсатмалар” каби ўқув-усулий қўлланмалари соҳа мутахассислари учун муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда олима ўнга яқин шогирдлари билан ўз илмий мактабини яратмоқда. Унинг илмий раҳбарлигида 3 нафар таянч докторант ҳамда 3 нафар мустақил тадқиқотчи изланувчилар адабиётшунослик фанларининг долзарб муаммолари бўйича докторлик тадқиқотларини амалга оширмоқдалар.

Ёш олимлар-издошларини илм йўлига етаклаш ўз самарасини бермоқда: олима раҳбарлигида **тадқиқотчи Ҳамида Нусратова “Сафар Барноевнинг бадий маҳорати” мавзuida** Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Phd.27.06.2017.fil.02.03 рақамли илмий кенгашда (10.00.02 – Ўзбек адабиёти) филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) илмий даражасини олиш диссертациясини ҳимоя қилди ва 2017 йилнинг 29 декабрда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) илмий даражаси тасдиқланди.

Шоира Нематовна ўз мактабини яратиш йўлида шогирдлари, ёш тадқиқотчиларга ҳар томонлама кўмак бериб, уларнинг илм йўлидаги изланишларини доимо қўллаб-қувватлаб келади, Биз шогирдлар устоз йўлидан бориб, таянч докторант сифатида илмий изланишлар олиб бормоқдамиз. Ж.Мизропова Шекспир трагедияларининг Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол аслиятдан ўгирган таржималари устидаги тадқиқотини яқунлаш арафасида. **Яна бир шогирдлари** доц. Ш.Давронова “Истиқлол даври ўзбек романларида Шарқу Ғарб аънанларининг бадий синтези” мавзuidaги докторлик ишини яқунлаб, илмий семинардан муҳокамадан ўтказди.

Шахсан ўзим устозимдаги оптимизм- ҳаётсеварликка ҳавас қиламан. У киши Жалолиддин Румийнинг гуманизм руҳидаги қуйидаги сатрларини такрорлаб юришни яхши кўрадилар:

Майлига ким бўлмагин, кел барибир,
Даҳрию оташпарастсан барибир
Ноумид қўймас сени остонамиз
Майлига, ким бўлмагил, кел барибир.

Биз шогирдларга ҳам “Адабиёт инсонни, унинг қалбини гўзаллаштиради, адабиётни яхши кўрган инсон ҳар қандай майда-чуйдалардан юқори туриши керак “ деб уқтирадилар ва ўзлари ҳам доим шу қоидага амал қиладилар.

Шоира Нематовна Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг 2017 йил, 27 июнда чиқарган № 88 Қарорига кўра СамДУ қошидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи Phd.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий Кенгаш ҳамда 2018 йилнинг август ойидан бошлаб ҚаршДУ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Phd.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий Кенгашнинг аъзоси сифатида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Олима олий таълим профессор-ўқитувчилари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Устознинг ташкилотчилик қобилиятлари ҳам барчага ўрнак. Олиманинг ташаббуси билан 2015 йилда “Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари”, 2016 йилда биринчи, 2017 йилда иккинчи, 2018 йилда учинчи “Истиқлол ва Фитрат ижоди” мавзусида республика илмий-назарий анжуманлари ўтказилди. 2018 йилда устод Садриддин Айний таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан «С.Айний ва ўзбек насри тараққиёти» мавзuida халқаро олимлар иштирокида республика илмий-амалий анжуманини ташкил этишда бош-қош бўлди.

Профессор Ш.Ахмедованинг кафедра мудири сифатида жамоада соғлом муҳит яратиш йўлида, ўзбек филологияси таълим йўналишида ўқув, ўқув услубий, илмий,

ташкилий, маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, кафедрани университетнинг илғор ячейкаларидан бирига айлантиришда жонбозлиги ҳам мақтовга арзигулик. Унинг раҳбарлигида кафедрада “Бухоролик ижодкорлар ва нодир қўлғамаларни ўрганиш” маркази фаолият юритмоқда. Ўзбек адабиёти кафедраси мана беш йилдирки, катта-катта мувафакқиятларга эришмоқда: фан докторлари сони тўрттага кўпайди, ҳозирда кафедрада учта докторлик иши ҳимояга тайёр, Кафедрда журналистика янги йўналишини, магистрлар учун матншунослик ва манбашунослик ихтисослигини очиш учун фидойилик кўрсатмоқдалар. Ёшларни илм йўлига бошлашда беғараз кўмакдош, самимий маслаҳатларини ҳеч кимдан аямай, эзгу ишларнинг бошида ҳамisha Шоира опа турадилар.

Устоз ибратли оила бекаси. 4 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 6 нафар неваранинг азиз бувижонисидир. Турмуш ўртоғи, педагогика фанлари номзоди, доцент Ғайрат Мухамедович Салимов билан бирга илм ва зиёга бурканган ибратли ва саодатли йўлни бирга босиб ўтмоқдаларки, бу йўлда устозга соғлик ва узоқ умр тилаб қоламиз.

Қодирова Насима Бурхоновна

Ўзбек адабиёти кафедраси жамоаси номидан

“BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIIY AXBOROTI” JURNALIDA MAQOLA E'LON QILISH TALAB VA SHARTLARI

Hurmatli mualliflar! Mazkur ilmiy jurnalda maqola e'lon qilish uchun Siz shaxsan o'zingiz yoki elektron pochta orqali maqola matnini hamda muallif(lar) haqidagi quyidagi ma'lumotlarni jo'natishingiz kerak: muallif(lar)ning ism-sharifi (to'liq), ilmiy darajasi, ish joyi va lavozimi, *e-mail*, aloqa telefoni bo'lishi lozim.

Maqolani rasmiylashtirishga oid talablar

Maqola tahririyatga Arial shrifti 11 o'lchamida, 1 interval oralig'ida, MS Word formatida 2 nusxa (bosma va elektron variant)da yuboriladi. Taqdim etiluvchi maqolalarning **hajmi 4** betdan kam bo'lmasligi kerak. Shuningdek, maqolada UDK raqami, maqola nomi, muallif(lar) haqidagi ma'lumotlarni, tayanch so'zlar va annotatsiya (o'zbek, rus, ingliz tilida) berilishi lozim.

УДК 398(09)894.322 ўзб. - 1(575.1)

БАДИИЙ АДАБИЁТДА ХИЗМАТКОР ОБРАЗНИНГ ТИМСОЛЛАШТИРИЛИШИ ХУСУСИДА

ON THE SYMBOLIZATION OF THE CHARACTER OF A SERVANT IN UZBEK LITERATURE

СИМВОЛИЗАЦИИ ОБРАЗА ПРИСЛУГИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПРОИЗВЕДЕНИИ

Ўраева Дармон Саидахмедовна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Таянч сўзлар: фольклор, бадий адабиёт, хизматкор образи, бадий тип, хронотоп, тимсол.

Ключевые слова: фольклор, художественная литература, образ раба, художественный тип, хронотоп, символ.

Key words: folklore, literature, the character of a servant, literary type, chronotope, symbol.

Мақолада оғзаки ва ёзма асарларда хизматкор образининг ўрни, бадий вазифасига кўра типлари, “учинчи одам” сифатида тимсоллаштирилиши хусусида фикр юритилган.

В статье рассматриваются особенности раскрытия образа раба в устной и письменной литературе, определена символика художественного типа «третий человек».

The article deals with the role of the character of a servant in oral and written literature, its types according to its literary function and its symbolization as «the third person».

Кириш. Асосий қисм. Хулоса.

ADABIYOTLAR

- 1. Yo'ldoshev M.** Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T.: Fan, 2006. – 76 b.
- 2. Fitrat A.** Adabiyot qoidalari. Tanlangan asarlar. V jildlik. – T.: Ma'naviyat, 2006. – IV jild. – B. 11-88.
- 3. O'zbek tilining izohli lug'ati.** V jildli /A.Madvaliev tahriri ostida. – T.: O'zME, 2006-2008.
- 4. Muxamedov A.** O'zbek kompyuter lingvistikasi: rivojlanish tarixi, bugungi va kelajagi //O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2001. – № 3. – B. 37-41.
- 5. Rustamov Sh.** Kuzgi bug'doy begona o'tlari va ularni yo'qotish omillari //Agrar fani: yutuqlari va istiqbollari /SamQXI ilmiy ishlar to'plami. – Samarqand, 2001. – B. 27-30.
- 6. Raxmonova N.Sh.** Revmatoid artritli bemorlarni davolashda past chastotali ultratovushning samaradorligi //Revmatologiyaning dolzarb muammolari. – T.: TTA, 2004. – B. 26-30.
- 7. Küpper H.** Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

Maqolalar, tahrir hay'ati tomonidan ko'rib chiqiladi. Maqolaga salbiy taqriz berilganda, nashr etmaslik to'g'risidagi xulosa beriladi va maqola muallifga qaytarilmaydi. **Maqolada plagiatlar 70% dan oshmasligi lozim. Maqolada keltirilgan ma'lumotlar uchun muallif javobgar.**

Materiallar quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: tahririyat12@umail.uz (savollar bo'yicha ham shu manzilga xat yozishingiz yoki **0 (365) 221-30-32** raqamiga murojaat qilishingiz mumkin). Shuningdek, batafsil ma'lumotlarni www.almamater.uz saytidan olishingiz mumkin.

ПЕРЕЧЕНЬ ТРЕБОВАНИЙ И УСЛОВИЙ ПУБЛИКАЦИИ СТАТЕЙ В ЖУРНАЛЕ “НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА”

Уважаемые авторы! Чтобы опубликовать статью(и) в данном журнале, Вам необходимо прислать по электронной почте **текст статьи, сведения об авторе(ах):** ФИО, ученая степень, ученое звание, место работы и должность, *e-mail*, контактный телефон.

Требования к оформлению статьи

Текст статьи представляется в редакцию в двух экземплярах (в печатном и электронном виде) в формате MS Word, шрифт Arial, размер 11 (межстрочный интервал - одинарный). **Объем представляемой статьи** – не менее 4 страниц. Текст статьи должен включать номер УДК, название статьи, сведения об авторе, ключевые слова и аннотации (узбекском, **русском и английском языках**).

Образец оформления статьи

УДК 378.14

**ҲУДУДИЙ ВА ХАЛҚАРО ТЕНДЕНЦИЯЛАР ДОИРАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ
ТАЪМИНОТИНИ КАФОЛАТЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**СООТВЕТСТВИЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И ГАРАНТИЙ ЕГО КАЧЕСТВА В РАМКАХ
РЕГИОНАЛЬНЫХ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ТЕНДЕНЦИЙ**

**COMPLIANCE OF THE HIGHER EDUCATION AND ASSURANCE OF ITS QUALITY IN THE
FRAMEWORKS OF REGIONAL AND INTERNATIONAL TENDENCIES**

Тулаганов Абдукабил Абдунабиевич

Ректор БухГУ, д-р тех.наук, проф.

Явмутов Дилшод Шоймардонкулович

Начальник отдела по надзору за качеством образования, канд.экон.наук

Жураев Абдор Туробович

Декан факультета туризма, канд.экон.наук.

Таянч сўзлар: олий таълим, битирувчилар бандлиги, хорижий талабалар миграцияси, таълим сифати, сифат кафолати, талабалар мобиллиги.

Ключевые слова: высшее образование, трудоустройство выпускников, миграция иностранных студентов, качество образования, гарантия качества, мобильность студентов.

Key words: higher education, employment of graduates, migration of foreign students, quality of education, quality assurance, mobility of students.

Мақолада минтақавий ва халқаро тенденцияларда олий таълимнинг сифати таъминоти кафолатлари хусусида фикр юритилган.

В статье рассматриваются особенности обеспечения гарантии качества высшего образования в рамках региональных и международных тенденций.

Features of assuring quality of higher education in the context of regional and international tendencies are reviewed in the article.

Введение. Основная часть. Заключение.

ЛИТЕРАТУРА

1. Романов В.Г. Обратные задачи математической физики. – М.: Наука, 1984. – 264 с.
2. Седов Л.И. Механика сплошной среды: В 2-х т. – М.: Наука, 1983. – Т.1. – С. 114-125.
3. Кузнецов Ю.И. Построение информативного базиса в задачах общей циркуляции атмосферы: Дисс. ... канд. физ.-мат. наук. – Новосибирск: ВЦ СО РАН, 1997. – 134 с.
4. Бахвалов Н.С. К оптимизации методов решения краевых задач при наличии пограничного слоя //Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 1969.– №4 (9). – С. 841-859.
5. Панов В.Ф. Модели частиц в сильной гравитации. – Томск, 1982. – 7 с. – Деп. В ВИНТИ 27.05.82.– № 2641.
6. Пушков Ю.Г. О нормировании качества жидких электратов при их производстве методом реперколяции //Научно-технический прогресс и оптимизация технологических процессов создания лекарственных препаратов: Тез.докл. Всесоюз. научн.конф. 21-22 мая 1987. – Львов, 1987.– С. 282-283.
7. Küpper H. Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

Тексты статей подлежат оценке редакционной коллегии. В случае отрицательной рецензии направляется мотивированный отказ в публикации. Представленные материалы авторам не возвращаются. **Ответственность за содержание статьи несет автор.** Степень уникальности текста не должна составлять менее 70%.

Материалы принимаются по электронной почте: tahririyat12@umail.uz. С вопросами обращаться по тому же адресу, а также по телефону: **0 (365) 221-30-32 (офис)**. Более подробную информацию можно получить на сайте www.almamater.uz.

AZIZ
MUALLIFLAR VA
JURNALIMIZ MUSHTARIYLARI

"BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI" JURNALI-
SIZNING DOIMiy HAmKORINGIZ!

**"BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI"**

Jurnali Buxoro davlat
universiteti Tahririy-nashriyot
bo`limida sahifalandi.

Tahririyat manzili:

Buxoro, 200117
Buxoro davlat
universiteti, bosh bino,
2-qavat 208-xona.
Tahririy-nashriyot bo`limi.
Tel: 0(365) 221-30-32
<http://www.almamater.uz>
e-mail: tahririyat12@umail.uz

Bosishga ruxsat etildi.
15.12.2019 y. Qog'oz bichimi
60x84,1/8. Tezkor bosma
usulida bosildi. Shartli bosma
tabog'l – 25,30.
Adadi 100.
Buyurtma № 30
Bahosi kelishilgan narxda.
"Sadriiddin Salim Buxoriy"
MCHJ bosmaxonasida chop
etildi. Manzil: Buxoro sh.
M.Iqbol ko'chasi, 11-uy.